





МУРОДЖОН МАНСУРОВ

# ЁМБИ

ҚИССАЛАР

Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1988

Уз 2  
М 24

**Мансуров, Муроджон.**

Ёмби: Қиссалар. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988 — 336 б.

«Бу ёмби — ёмби эмас, у сизнинг юрагингиздир...»

«Ёмби» қиссаси қаҳрамонларидан бири ровийлик қилиб, шу сўзларни айтади ва у ҳақ бўлиб чиқади.

Дарҳақиқат, муаллиф археологлар ҳаётидан ёзган қиссасида топилган хазина баҳонасида қаҳрамонлари юрагига чуқурроқ навар ташлайди ва бизни уларнинг маънавий оламига етаклайди.

Ёзувчи Муроджон Мансуровнинг бу тўпламга кирган қиссалари инсон юрагидаги өзгулик чашмаларининг умрбоқийлиги ва поёнсизлиги ҳақида баҳс этади.

**Мансуров М. Самородок: Повести.**

Уз 2

М  $\frac{4702570200-35}{M 352 [04]-88}$  15—88

ISBN 5—635—00037—1

## ЕМБИ ЕКИ РИВОЯТНИНГ ДАВОМИ

Ҳар не истарсен, ўзингдан истагил.  
Алишер Навоий

Яқинлик неча бўлди ярмақ учун,  
қани иш қилиғли кўҳна ҳақ учун?  
«Қутадғу билиг»дан

### МУҚАДДИМА

#### 1

— Адаси, ким у — Оф-тоб-хон?!

...э, тавба! Бир вақтлар ўзинг етиша олмаган гўзал номини йиллар ўтиб, умр йўлдошинг оғзидан эшитиб турсанг... ғалати бўлиб кетаркан-а, одам.

Искандар гўё қалқиб кетди. Уйга кираётган жойида, остонада тўхтади. Ажаб, қаердан билади уни? Хат олиб-хат беришгача етмаган-ку, бу тарих? У ганги-мади деса ёлгон бўлар, лекин ҳайратини ҳам яшира олмади.

— Ким дединг?..

Хотини тагдор кулимсиради:

— Қулоғингизга... ширин эшитилди дейман-а?.. Чиройли экан исми: Оф-тоб-хон!.. Тўғрими?

У ўзини тутиб, ичкари кирди. Хотинининг юзига тик қарашга чоғланди-ю, аммо қани энди у малак, — у баргикарам кўйлакли соҳибжамол кўз олди-дан кетса. Уша-ўша ойдай тўлишиб, кундай ёри-шиб турибди. Қўлида ўзидан кўҳлик дўмбоғи. Етим-часи...

Саломга яраша алиқ; у ҳам тегишди:

— Ҳамма аёллар ҳам шунақами — ўзидан чиройли-роғини кундош ҳисоблайдимиз?

Ноибга шу етмай турган экан, уни тилидан тутди:

— Шунақа соҳибжамол денг ҳали?!

...ў-ў, таърифлаб бўлса эди! Азбаройи кўҳликлиги-дан бир эмас, уч оғайнини жигаридан уриб, жинни қилаёзган-ку. Кейин дўст-дўстга йўл бўшатиб...

Искандар ортиқча гапдан қочиб, костюминини ечишга чоғланди.

← Билмасанг бировни айблама-да...

— Вой-вой-вой, бурнингизнинг учида туради-я,— дея эркаланиб ўпкалади хотини.— Рашк қилишгайм ҳаққимиз йўқми? Ойлаб экспедициянгизда юрсангиз ҳам бир нарса демаймиз-ку?

У костюмини ечиб узатаркан, кулди.

— Дегин бўлмаса...

— Зарур кептими?

— Ҳа-а, энди ўзингга келдинг, очиқ-ёриқ гапиравур.— Искандар мавриди келганини сезиб, сўради:— Қўнғироқ қилдими?

Ноибга ўзига ярашадиган бир тарзда қуш қараш қилди.

— Қилиши... керакмиди?

Искандар энди ростини айтмаса бўлмаслигини сезди.

— Ичинг қуримаса, айтарман кимлигини. Миркомилга алоқадор гап бу. Тушундинг? Шуни деб уйланмай келяпти-да, билсанг.

— Вой шўри-им! Қамалганларини биладими?— Ноибга азза-базза юзини ушлади.

— Ҳамма гап шунда-да.— Искандар чуқур тин олиб, креслога чўкди.— Дунёнинг ишларини қараки, эшитиб-диям, ўзидан ўтганини англаб етибдиям.

— Шўрлик дўстингизнинг толелари ҳеч кулмади-кулмади-да. Бу куйганлари етмагандай, қамалганларини айтинг...

— Бари бир у ҳақ.

— Ҳақ дейсиз-у, лекин... жабр-жабр — ўзларига жабр-да, тўғрими? Суйгани буёқда бундай, ўзи у ёқда ундай...

— Э, нимасини айтасан, чеки бордир бу ҳақсизликларнинг ҳам.— У қўл силтаб, хотинига саволчан қаради.— Яна қўнғироқ қиларканми ё?..

Ноибга енгил бош силкиди.

— Гузардан қачон қайтасиз-қайтмайсиз деб... кечроқ бўладилар девдим.— Энди у гуноҳқорона мунгайди.— Эсиз, чақиртирсам бўларкан. Адрес олмоқчимиди?

— Ҳечқиси йўқ, қилар яна.

...Регардан келибди-ю, қўнғироқ қилибди-да, сабри чидамабди-да. Ўзим ҳам шундай қилса керак девдим. Бу ҳам бўлса, Миркомилнинг толей очила бошлагани... Яхшиям ўша хумчани, илон ўрдасини топдик. Ичидагини олиб, бу ёққа...

Шу вақт кўча эшик тагига аллақандай енгил ма-

шина келиб тўхтади. Сал ўтмай дарвозахонада биров чақирди.

— Искандар-эй, ҳў-ў Искандар!

— Совчиларингиз мунча кўп?— Хотини ўрнидан чаққон қўзғалиб, унга йўл бераркан, беозор кулимсиради.

— Йўқлар дегин бўлмаса.— Искандар уйдан чиқа туриб, ҳазил аралаш хотинининг юзини сийпалаб ўтди. — Ҳали бир эзилиши-иб ўтирармиди келган одам.

— Утирсинам-чи.

Искандар пешайвонга чиқиб боргунча бўлмай, чақирган одам йўлакдан тагин овоз берди:

— Ким бор?

Ие, Зиёдми? Ушанинг овози-ку. Кўндан қорасини кўрсатмай кетган эди, нечук?.. У дўстини овозиданоқ таниган бўлса-да, ялт этиб йўлакка кўз ташлади. Қай кўз билан кўрсинки, тўлишиб, янада очилиб кетган Зиёдулла ҳеч тортинмай кириб келар, танимаган одам савлатидан министрми, деб ўйлаб қолар эди. Искандар ҳам унинг эғнидаги оч жигарранг чийбахмалдан қотириб тикилган костюм-шими билан шунга монанд плашу шляпасини кўриб, дафъатан хаёли қочди.

...нима бало, айтганининг устидан чиқиб, юқори-роқ идорага кўтарилиб кетибдимикан? Энди, қалайсан, деб келяптими? Улибди-да! Шаҳар бедарвоза экан-да!..

Искандар зинага тушиб, оёғига шиппагини илгунча «министр» талтанглаб, ҳовли ўртасига келиб қолди. Кейин туташ қошлари ёйилиб, оғзининг таноби қочди. Бошдан шляпасини олиб (ҳатто сочларига оқ ораламабди-я, тавба!), унга қўлочини ёйди:

— У-ҳў-ў, хазинатопарларга саломлар бўлсин! Кўришадиган кун ҳам бор экан-ку, а, бундоқ? Оббо ошнам-ей, қиз ўртоқ деб ким айтади бизни?!

Искандар бирдан кўнгли равшан тортиб, беғубор болалик йилларига — бугун уришиб, эртага ярашиб кетаверадиган даврларга қайтиб қолгандек энтикди. «Ошна»сини қучоғига олди. Юзларини юзларига суйкаб кўришишаркан, негадир болаликдаги таниш исларни туя олмай ҳайрон қолди. Аммо «қиз ўртоғи» уни ерга қўймай (тавба, сидқидилданмикан шу ялаб-юлқашлари?) гир айлантириб, пишиллаганча ҳадеб бир сўзни такрорлар эди:

— Оббо, ошнажоним-эй! Оббо, археология фидойи-си-ей! Оббо, хазинатопар-эй!..

Ниҳоят у Искандарни қучоғидан бўшатиб, қўдини кафтлари орасига олди-ю, силкиб-силкиб сўраша кетди:

— Холамойим бардаммилар? Бола-чақалар, келин... ўзингдан сўрасак?

Искандар жавоб бериб улгурмас эди. Зиёднинг фавқулодда сўзамоллиги ўз йўлига, лекин ҳозир ҳар қўл силкиганда кафтига бегона нарсадай ишқаланаётган ортиги ғалати туйилар эди. Ногоҳ болаликдаги бир ўйинлари ёдига тушди.

Болалар бармоқларини букиб айтгучи эдилар: бош-малдоқ, қорамалдоқ, том тешаман, бўхча ўғирлайман, худодан қўрқаман... Шунда қитмироқ болалар Зиёдуллани айтишга қисташар, у эса олтинчи бармоғига келганда нима деярини билмай қоларди, болалар бўлса қаҳ-қаҳ отиб кулишарди. Лекин бир куни у олтинчи бармоғига ҳам ном топиб келиб, ҳаммани мот қилган. Бошмалдоқ, қорамалдоқ, том тешаман, бўхча титаман, тилла топаман, ҳеч кимдан қўрқмайман, деб юборган эди.

Мана энди ўша Зиёд — «Ҳеч кимдан қўрқмас» унинг елкасига қўл ташлаганча, гинахонлик қилиб турбди.

— Оббо, сен-эй! Бундоқ йўқлаб ҳам қўяй демайсан-а?

Шу тобда унинг гинаси Искандарга чиндан хуш ёқиб, жилмайди. Шундан шу ёққа атай уни йўқлаб келгани, унутмаганини ўйлаб, меҳри товланиб кетди-ю, меҳмоннавозлик билан ичкари қистади.

— Зап кепсан-да, қани, қани, ичкарига юр.— Ўзи олдинга ўтиб, хотинига овоз берди:— Ноиба, уйга жой қил, меҳмон келди!

Зиёд машинасига жавоб бериб юбориш учунми, орқага қайтган жойида яна тўхтади. Шляпасини бошига илатуриб, тутнинг тагидаги сўрига имо қилди:

— Шундай баҳаво жой турганда қаёққа қамамоқ-чисан одамни? Қўй, шу сўридаям бир яйраб ўтирайлик, ошна.

— Озиб-ёзиб бир келганинга... одам истиҳола қилади, ахир.

— Истиҳоланг нимаси?! Келмаган жойимизми?

— Ихтиёринг.



Искандар хотинига қарашиб юбориш учун ичкари қараб юрди-ю, остонада унга рўбарў келди.

— Қалай? Фаришта омин деган эканми? Битта ош-сиз жўнатиб бўбсан энди.

— Вой, ош айлансин сизлардан. Одам бор ерга одам келади-да, адаси,— дея гапини сипоришлади энди Ноиб ва дастурхон ёзишга шошилди.

Лекин дам ўтмай лабини тишлаганча, қайтиб кирди.

— Вой-й, адаси, тоза уятга қолдик-ку,— деб шивирлади.

Искандар ойнаванд тахмонни очиб, янги кўрпачаларга қўл чўзган жойида ярим ўгирилди.

— Нимади?

— Болаларингиз патнисга қўядиган писта-бодомларни...

Искандар ич-ичидан жиғибийрони ошиб, терс бурилиб чиқиб кетди. Сўрига жой ҳозирларкан, ҳеч кутилмаганда пешайвон четида пайдо бўлиб қолган қўша-қўша пакету қоғоз қутиларга кўзи тушиб, тепа сочи яна тикка бўлди. Бу ҳам етмагандек, тақамўйловли бир найнов йигит каттакон тарвуз билан узунчоқ Мирзачўл қовунини қўлтиқлаб, йўлакдан кириб келар эди.

Унинг ичини бир нима тирнаб ўтди.

«Вой, бетамизлар-эй! Мени булар ким деб фаҳмляпти?! Шу қилганига, шу қилганига олдимга солиб, ҳайдасам-чи?..— Аммо андиша кучлилиқ қилди. Ўзини босиб, шахдидан қайтди.— Қизиқ, муроди нима экан? Бунақа одати йўқ эди-ку, феълимни биларди-ку?.. Ё шу баҳона ярашиб олмоқчимиз?..» Зиёд ўтган гал келганида Искандар уни ёмон тузлаган эди. Ўзи ҳам ўшанда ҳадеб анавиндан гапиравериб, бир ғашини келтирди, бир ғашини келтирди, охири тилини тийиб тура олмади:

«Дунёда унинг ҳидидан ёқимлироқ ҳид бўлмаса кераг-ов сенга», деди ҳазилга олиб.

«Бўлмасам-чи, о, унинг ифорига маст бўлмабсан, бу дунёга келмабсан! Пул — ўзи оти билан пул-да!» деди у ҳам бўш келмай.

Искандарнинг тили баттар қичиди.

«Бўлса бордир-у, лекин сен бир нарсадан эҳтиёт бўлгин. Докторлар яқинда аниқлашибди: тумовнинг янги хили чиққанмиш! Шу дегин, одам пинқиллайверармиш, тумов бўлгандайин акса ураверармиш-у, унақа-бунақа дори кор қилмасмиш. Дунёда шунақа касал

кўпайиб кетаётганмиш. Эшакеми-да. Биров духоба ёстиқдан, биров тоза гилам чангидан, яна бировлар мебель ҳидидан шу дардга чалинаётганмиш. Қим нима билан кўп муомалада бўлса, нимага кўпроқ ҳирс қўйса, ўшанинг гарди ё чангидан, иси ё ҳидидан шунга мубтало бўлаётганмиш. Органдагиларга хўп қўл келиб қолибди-да, бу тумов дегани... Сенам, дейман, ўша ўзинг ёқтирган нарсанинг ифоридан тумов сотиб олиб юрмагин тағин...»

Искандарнинг гапини ҳеч оғир олмайдиган одам ўша куни чўчонглаб кетди.

«Биламан, кўра олмайсан! Кўра олмаганингдан ачитасан!.. Майли, ким қаергача бораркан!», деди-ю, аразлаб жўнаб қолди.

Мана энди шунча совға-салом билан келибди.

...бу ҳам Офтобнинг эрига ўхшаганлар тоифасидан-да. Ҳаммани, ҳамма нарсани сотиб олса бўлади дейдиган. Кўрамиз, қўли қаергача етаркин...

Кўчада, барги бир текис сарғая бошлаган ўрик тагида сал уринган оқ «ГАЗ-24», унинг ёнида эса Зиёдулла дўсти кител-шимли барваста одамга гурунг бериб турар, бояги тақамўйлов бўлса, машина юкхонасини тартибга солиш билан овора эди.

— Қелинлар, меҳмонлар...— Искандар меҳмон ҳурмати очилиб кўришишга чоғланди. Ҳалиги барваста одам ўгирилиб, ўзига ярашмаган чаққонлик билан унга интилди ва қўшқўллаб сўраша кетди:

— Эй, салом, ухахон! Узр, минг бор узр. Ўзларини уринтириб қўйдик, чоғи?

— Ҳечқиси йўқ, келинлар.

У Искандарни кўриб шошиб қолган бўлса-да, аслида сертавозе одамга ўхшамас, овози ҳам аллақандай дағал, жарангдор, кўзлари эса (ажабо!) тарғил эди. Тили ҳам аллақасликларга тортиб кетадими-ей. Ундан кейин, эланишини-чи бунинг.

— Қани, қани, меҳмон, юрақолинг. Бошламайсанми, Зиёд! Сиз ҳам кининг, ука.

Улар узун-қисқа бўлиб ҳовлига кириб боришди. Бир пиёладан чой ичиб, бир чимдим ҳол-аҳвол сўрашгач, дўсти меҳмонни таништиришга тушди:

— Айтмоқ-чи, мен сизларни таништиришни паққос унутибман-ку. Уни қаранглар-а!.. Бу киши — Аллом ака бўладилар, ўзимизнинг қадрдон окахонлардан. Уша, Сарсонқумдаги пахта зовутида нақ олти йил бирга сув келса симириб, тош келса кемирганмиз. А,

лаббай!— У Аллом акага ўзлари тушунадиган маънода кўз қисиб қўйди.— Узоғ йилигина ўрнимга қўйиб келганидим. Ҳеч қанча ўтмай кўтариладиган бўб қобдилар. Қара-я, омад келса шу-да! Бўлмаса ўн йиллаб чўлнинг шўрини ялаб ётганлар қанча! Тўғрими?

Аллом ака мийиғида илжайганча аллақандай сипо тортиб ўтираркан, негадир унга илинжли-илинжли қараб қўяр эди. Ва кутилмаганда у қўзғаладиган бўлиб қолди.

— Эса, биз ўтадурган еримизга ўтиб келаверайлик-а?— деди у Зиёдга маъноли кўз ташлаб. Зиёд ҳам дарҳол рози бўлақолди:

— Майли-майли. Вақтлироқ қайтинглар-да.

— Ахир, ошга уннаяпти. Қаёққа борасизлар?— Искандар хижолатга тушиб, дўстига жавдиради.

— Келишади-келишади. Ош пишгунча бир иш бор — битириб келишади.

Улар узр-маъзур билан машинага ўтириб жўнаб кетишди. Искандар ҳеч нарсага тушуна олмай, дўстининг ёнига қайтаркан, назарида улар олдиндан шунга келишиб қўйишгандек тўйилиб кетди.

У чойнакни Зиёдулланинг олдига суриб қўйиб, ўзи ошхонага қараб юрди. Кейин биратўла ўтиришар. Ҳамонки ошсиз кетмайдиган бўлгандан кейин...

У озгина қарашворай деб сабзи арчиб, тўғрашга тушган ҳам эдики, сўридан Зиёдулланинг овози келди:

— Искандар-эй?..

Искандар пастак дераза тавақасини очиб, қаради.

— Ҳозир, ҳозир...

— Нимага уриняпсан, ахир тўғралган сабзи бор-ку, анов пакетда? Биз атай бозор қип келганмиз: думба ёр дейсанми, зиравору қўлда сўйилган қўй гўшти дейсанми— ҳаммаси бор. Ушандан қил-да, ошна.

Искандар дўстини гап билан бир тузлагиси келди-ю, юзи чидамади. Мийиғида кулиб туриб, гапни ҳазилга бурди.

— Сабзисини ўзинг тўғрамаган ош ошми?!

Шу ҳам унга етарли бўлди-ёв. Зиёд фикр эта олмай қолди.

Нима рост — шу рост. Искандар пешайвон четидаги ўша нарсаларга кўзи тушди дегунча ижирғаниб, ичидан бир норозилик уйғониб келар, ўзини қўярга жой тополмасди! Бу қанақа гап? Нима мақсадда кел-

ган ўзи? Ё шу билан ўз кўнглида бирор ишини битириб кетмоқчими? Шошма-чи, маълум бўлар-ку ҳали. Ёрилар-ку ахир...

Бироқ масаллиқ қозонга тушиб, улар беш-олти қўл эзилишиб шахмат суришди ҳамки, Зиёд муддаога ўтмасди — ёрила қолмасди. Балки анавиндан қиттак-қиттак олишгач айтмоқчидир? Бу орада Ноиба одми тарелкаларда аччиқ-чучук қўйиб кетди. Искандар ош дамланганини англаб, шахматни йиғиштирди-да, шишаларни очишга чоғланди. Буни кўриб Зиёд унинг қўлини ушлади ва ўрнидан тура бошлади.

— Шошма, анави ерда мозорбосдиси бор. «Наполеон»дан олайлик. Бир дил кетди-да.— У пакетни шалдиратиб кўтариб келиб, кўзамисол шишадаги ичимликни хонтахта устига қўйди.— Хоҳла бунда чайиб ундан қуй, хоҳла унда чайқаб бундан ол!— дея қаҳ-қаҳ уриб кулди.

...иштаҳаси ёмонмас-ку? Қаерда ишлаётган экан? Ҳалиям ўша Қаршининг чўлларида ризқини йиғи-иб юрганмикан ё...

Искандар ўзига одмисидан қуйиб:

— Қани, оламизми? — деди мезбонлик важдан.

Зиёд, қўлида лим-лим қадаҳ, лабида ним кулги, сўз айтишга тараддудланди:

— Бўлмаса, мен бир нарса деворайин-а...— деди томоқ қириб, кейин унга юзланди.— Хў-ўш, десак, табриклайман, дўстим. Моро бўлсин энди омадинг келгани!

Искандар лол қолди. У эса бўшаштирмай давом этипти-давом этипти.

— Эшитдик, жўражон, эшитдик ҳаммасини! Сабрингга қойил, сабрингга! Ун йил излабсан-а! Шунини айтарканлар-да, сабр тағи олтин, деб. Чин дилдан табриклайман, Далварзинтепадан топган ўша...— Дафъатан Искандарнинг қулоқлари шанғиллашга тушди-ю, кейин чип битиб, ҳеч нарсани эшитмай қўяқолди. Дўсти қўлида қадаҳ тутганча юзлари ёришиб, кўзлари учқунланиб, дам унга, дам хонадонига назар ташлаб, бир нималар дер, куйиб-пишиб унинг шаънига сўз айтар, лекин у ҳеч бирини эшитмас, эшитгиси ҳам келмас эди. Ниҳоят чаккасидаги шанғиллаш сусайиб бориб алла-нарс жинг этди-ю, қулоқлари очилиб кетди.—...Проста қойилман! Мен мана шу қадаҳни ишларинг бунданам юришиб, гуриллаб кетиши учун, бундан кейин ҳеч бир

камчиликсиз ҳаёт кечиришинг учун ичаман. Омон бўл, ошна, бахтимизга...

...ё тавба? Бу қаёқдан хабар топа қолди?! Ақл бовар қилмайди-ку, а? Ёки Далварзинга ўтиб, ўшанақаси келишимикан? Ундай деса, исини ҳам чиқаришгани йўқ эди-ку? Оббо туллаг-эй! Яна топган гапини қаранг! Ҳеч бир камчиликсиз ҳаёт кечиришинг учунмиш! Авра-я, авра...

У аччиқ ичида қўлидагини бир кўтаришда олиб юборди-ю, лекин... шошилмади. Зиёд эса, яна ҳам эмин-эркин тортиб, ўзини яқин олиб унга қаради.

— Энди, ошна, бир гап айтсам, малол олмайсан-да. Иши тушганда кепти, демайсан-да.

— Нега энди, сен билан биз кеча танишган одамлармасмиз-ку.

— Шунини айтгин! Ҳаммага ҳам ҳаддимиз сифсин-чи! Сифмайди,— дея даромад қилди у. Кейин кафтини кафтига ишқаб, муддаога кўчди:— Хў-ўш, десаанг, шу... ҳалиги окахонимизнинг бир ҳожатларини чиқариш керак-да.

Искандар унга бир қараб қўйди, лекин юз иссиқ экан: ўзига ортиқча бир нима дея олмади.

— Қўлдан келса-да,— деб қўяқолди.

Зиёдга жон битиб, очилиб кетди:

— Энди, ошна, бир ошначилик қиласан. Йўқ, демайсан. Шу одам ҳам, тошканлилар мард экан-э, деб кетсин. Зиёд укамизнинг бир ошнаси боракан, бир ошнаси боракан — тантиликда ундан ўтадигани йўқ эканов, деб кетсин. Шу окахонимиззи бир қўллаворайлик.

Искандар кўнглига келган нарса тўғри чиқаётганига ишониб-ишонмай ночор кулимсиради:

— Мен министр-пинистр бўлсамки, қўллаворсам. Бор-йўғи оддий археологман.

— Э, бизга шу археологлигинг асқотсин-да.— Зиёд овозини пастлатиб, атрофга аланглаб қўйди.— Шунинг учун келганмиз-да.

Ошхона олдида Ноиба кўринди, ош тайёр, сузаверайинми, дегандай им қоқди. Искандар унга бош силкиб, яна Зиёдга қаради.

— Тушунмадим.

— Гап бундай,— Зиёд яқинроқ сурилиб, тушунтиришга тушди,— шу десаанг, ҳалиги окахонимиз кеча Қаршидан зириллаб кеп қолдилар. Атай қора тортиб кептилар шундан шу ёққа. Мен сенга айтсам...— У эн-

гашиб овозини яна ҳам пастлатди.— Анавиндан жичча керак бўлиб қолибди.

— «Анави»нг нимаси?

— Анави-чи?

— Нима ўзи? Оти борми ўшанинг?— деб кулди Искандар.

— Ҳа, анави сариғи-чи, ўшандан-да.

— Э-э, шунинг дардида дегин?!

— Ҳа-да, бўлмаса нимага муҳтожлик жойи бор? — Зиёд унинг гапини ўзича тушуниб, Аллом акасининг дардидан келди:— Шу десанг, кўтариладиган хонаси келиб қолган экан, қуруғидан оборсалар, қайтарворганмиш синиғар. Бошимга ураманми бунингни, сариғига алмаштириб кел, деганмиш. Жуда-а бошимиз қотиб қолди-ку, ошна.

У ялингандайми-ей тикилди. Искандарга унинг гапи нашъа қилиб кулди.

— Сенинги бошинг қотган бўлса, менга йўл бўлсин! Зиёд яна ялтоқланди.

— Ҳа, энди, сендай хазинатопар оғайнимиз турганда бировларга ялиниб юрсак... уят бўлар?

— Уятликка уят, лекин... Бўлса мен сендан аяйманми?— деди Искандар йўлига.— Ундан кейин, археолог дегани тиллатопар дегани эмас-ку, тўғрими?

— Тўғрилиқка тўғрику-я, лекин оёқ остидан чиқиб қолганларидан битта-яримта топилса девдик-да. Атай келувдик-да, ошна,— Зиёдулла, бир ишимиз тушганда ҳадеб оҳон қилаверма, деган маънода тикилди.— Кўпамас, бир донаси етади.

Искандар унга қандай тушунтирарини билмай қисилди.

— Ишонмадинг-а, тавба! Шунақа одамга ўхшайманми ҳеч?— дея ночор кулимсиради у.— Мени... ким деб ўйлаяпсан?

— Узр, ошнажон, узр. Ҳаддимиз сиғиб сўрай қолувдик. Яқин тутиб келақолувдик. Ахир, қатиқ тўкилса ҳам юқи қолади-ку, деб ўйлабмиз... Шунча хазина топган одам...

— Хеҳ, тавба!— Искандар энди қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.— Юқи қолади-ку, дегин?! Юқи ҳам йўқми, дегин?! Вой, сени қара-ю... — У кўзларидан тирқираб чиққан ёшни кафти билан артганча бош чайқади.

...булар ҳали Тўрабекникига бостириб боришдан ҳам тоймайди.

Шу аснода хотини чинни лаганда ош сузиб келди.

Чойни янгилаб қўйиб кетди. Аллақачон таъби бўғилиб бўлган Искандар ўлганининг кунидан қаршисидаги... одамни овқатга қистади.

— Қани, ошга қара... Юқи бир гап бўлар.

— О, келин паловхонтўрани боплабдилар-ку, тилла-дай ош бўпти-ку, маза қиламиз экан-да!— Зиёд мақтай-мақтай енг шимаришга тушди.

Негадир шу тобда Искандарнинг хаёлига ўтмишда оғзига сиққанча тилла ошайман деб ажалидан беш кун бурун бу дунё билан хайрлашган сарой шоир ҳақидаги ҳикоят келди-ю, Зиёдни ўшанга менгзаб, кулгиси қистади. Мабодо шу лагандаги ош тиллага айланиб қолсами, ўша шоирнинг кунига тушмасмиди бу ҳам?

Ниҳоят, ош ҳам яримлади; пахта гулли чинни лаганнинг ўртаси кўринди. Искандар боя бўғилиб бўлган экан, ош емади, ош уни еди ҳисоб. Назарида, вақт ҳам имиллаб ўтарди. Афтидан, «музокара вақти» тугамаган шекилли, анави акахони қайта қолмасди. Искандар эса, меҳмон ҳурмати тишини-тишига босиб, чидаб ўтирибди. Айниқса, андишага бориб, турланиб-тусланишга мажбур бўлаётгани, «олинг-олинг»лаб ўтиргани ўзига бирам нашъа қиляптики...

...уялмай-нетмай, «қатиқ тўкилса, юқи қолади-ку», дейди.

Бир пиёла чой устида гап яна ўшанга бориб тақалди-я...

— Энди-и, мен сенга айтсам, ўзи эшигингга сўроқлаб келганда йўқ дема, ошна. Исиям чиқмайди, мисиям. Биз кафил,— деди Зиёд кекириб.

Шундан тезроқ қутулгиси келиб турган Искандарнинг кўнглига беихтиёр бир гап келиб, қувлиги тутди. Бундан ўзининг ҳам чиройи очилиб кетди:

— Қанча керак?— деди валломатлик билан.

Зиёднинг юзи ёришди.

— Қўймасидан бўлса, бир бўлаги манавиндай...— у қўлини кекирдагига тираб кўрсатди,— етади. Таксасидан ортиги ортиқ-да,— деди шивирлаб.

Искандар ҳам бўш келмади:

— Хўш, унда... таксаси қанча бўлади?

Зиёд уни кўндирганидан боши осмонда, қўл силкиди.

— Э, буларда қуруғидан кўп. Оғзингга сиққанича сўрамайсанми? Бели оғриб топибдимми!

— Ҳа энди, ҳисобли дўст айрилмас, деганлар.

Зиёд қўлини юқори кўтариб, тўрт бармоғини кўрсатди:

— Қирқ мингга розимисан?

Искандар бош чайқаб, бурнини жийирди. Орага ралати жимлик чўкиб, Зиёд бетоқат қўзғалиб қўйди.

— Майли, кетса ундан кетибди: яна битта қўшдик.— У хонтахта устига беш панжасини ташлаб, илжайди.

Искандар дўстининг жимжилоғи ёнидан бесўнақай туртиб чиққан ортиғига тикилиб туриб, кулиб юборди:

— Нега энди битта? Ахир манависининг ҳақи-чи?— деди ортиғига ишора қилиб:

Зиёд бирдан кулиб юборди.

— Оббо, сен-эй! Шуюм сенинг фойдангга бўлишсинми-а?— деди у ўзининг хатоси ўзига нашъа қилиб.— Йўқ, йўқ, ортиғим ортиқ. Бунақада окахонимиззи уларини куйдирамиз-ку, ошна. Бешта бўлса, бошқа гап. Рисоладагидек бўлсин!

Искандар мунча назарларинг паст, дегандек мийиғида кулди:

— Давлат баҳосида ўзи шунча туради-ку...

Зиёд бир муддат ҳангу манг бўлиб қолди. Йўқ деса, бўлмаса, қўшишга акахонидан ижозат керак. Лекин... У кутилмаганда бош ирғади.

— Бор, ана, сенинг ҳам сазанг ўлмасин! Уша ўзинг боя кўрган йилт-янги «ғирот»га алмашдик. Розимисан энди?— У аzza-баzza бор барака қилмоқчидек қўлини даст чўзди.

Искандар бир кўнгли «дарвозахонамизнинг торлигини кўрмаяпсанми, кейин мен у ғирт ташвишни нима қиламан?» дея ўтдай куйдирмоқчи бўлди-ю, бирдан феъли айниб, қаршисидаги жамки нарса кўзига хунукдан-хунук, совуқдан-совуқ кўриниб кетди. Аламданми, ғазабданми кўз олди хиралашиб бориб, Зиёдулланинг бор-баракага узатилган қўллари ...ё тавба! Бу қандай ҳол?.. унинг қўллари, назаридами, ё аслида ҳам шундайми, ҳазар қиларли даражада хол-хол оқ эди... Искандар беихтиёр унинг юзига қаради-ю лол қолди: ё ажаб, илгари сезмаганини қаранг. Бўйни-ю даҳанлари, ҳатто қулоқлари остигача ўшандай оқ эди. Оппоқ эмас, йўқ, аллақандай ирганарли оқ эди...

У ич-ичидан сесканиб кетди, кўз олдида яна бояги-бояги министрсават л дўсти қад ростлаб, ҳайрон қолди. Зиёдулла ҳеч нарсадан беҳабар унинг кўнглини топишга уринар эди:



— Майли, у «ғирот»ни номингга хатлаб бериш харажатлариям окамизнинг бўйниларига! Розидирсан энди?..

Бу ёғига Искандарнинг сабри чидамади:

— Қошки ўша алмашадиган нарсанинг ўзи бўлса!— дея кулиб юборди у.— Чиппа-чин ишондинг-а, тавба. Ўзи йўқ нарса-ку! Мен нима деркинсан десам... Аммо лекин, узр, ошна, ундай демоқчимасдим-у, азбаройи ишонмаганингдан, ўша нарсанинг ўзи йўқлигидан...

Шу пайт у кутган нарса юз берди:

— Э, қўй-э!— Зиёд шаҳд билан сапчиб ўрнидан туриб, плашини юлқиб қўлига олганча, пастга йўналди.— Сенга ишонган мен аҳмоқ! Сени одам деб келиб юрибман-а!.. Йўқмиш! Узларича покмишлар! Бекорларни айтибсан! Хазина топасану бир бўлагини олмас экансанми? Олгансан! Олиб, аллақачон сув қилиб юборгансан! Чўпчагингни бошқа бировга айтасан!

У жавраб чиқиб бораркан, Искандар аввал аллақандай енгил тортиб кулимсиради.

— Ҳой, пакетларинг қолди-ку? «Наполеон»ингни ола кет!

Аммо Зиёд ўгирилмай ҳам чиқиб кетди.

Искандар эса беихтиёр сўри панжарасига оғир суяниб, ўзи сезмаган ҳолда тоғ ағдарган одамдек чуқур тин олди.

...ишонмади-я, тавба, ишонмади-я. Чўпчагингни бошқага айтасан, деди-я. Им-м-м...

Кўксининг аллақаери худди туз сепгандек ачишиб ўтди. Негадир шу тобда курагида ҳам санчиқ туриб, ўзини аллақандай нохуш сизди. Бошини кафтлари орасига олиб, ўтириб қолди. Ҳаммани ўзига ўхшатгани қизиқ бунинг!..

Энди сизди, унга ҳаммасидан ҳам ана шуниси алам қилар, кўксига туз сепар эди. Кўз олдида эса, негадир оқиш бир туман юзиб юрар, шу туман ичида қадим Далварзин харобалари-ю, яна аллақандай кўҳна ҳайкалларнинг бошими-ей, сополранг хумчаларми-ей кўришиб-кўришиб кетар эди.

...қардан ҳам ўша нарсани топа қолдилар?

— Вой, ило-он! Илонлар ўр-даси-и!..

Искандар тепадаги омонат чайланинг бўйрадек соясида (энди ёзги ғир-ғир шабадалар ҳам йўқ, тинган) оташхонанинг ўзи тахмин қилган тарҳини чизаётган эди, қизларнинг қий-чувидан ирғиб туриб кетди. Шош-

ганидан елкасини чайла устунига уриб олди шекилли, бошидан бурган уруғи дув-в тўкилди. Ҳаммаёқни какра қиди тутиб кетди.

Улардан икки тепа нарида лашкарбошининг ўн олти хонали уйи<sup>1</sup> ўрнида шурф қазиб, бино тарҳини аниқлаётганлар ҳар чеккага тирқираб кетишган, қизлар худди бир нарса қуваётгандек жон ҳолатда тепадан пастга қочиб туришар, йигитлар эса, яна ҳам тепага чиқиб олиб, олазарак бўлиб туришар эди.

— Тинчликми, нима гап?

Оташхона ичида юзтубан ётган номаълум ҳайкалнинг энди бир елкасини очиб улгурган дўстлари қизиқсиниб бошларини кўтаришди. Искандар мийиғида кулиб, қўл силкиди:

— Ганж эмас, янч... Ишдан қолганингизга арзимайди.

— Ҳа-а, яна илонми? Бирор нарса чиқибдими деб-миз.— Улар ҳафсалалари пир бўлиб, яна ўз ишларига уннаб кетишди-ю, лекин... У ёқда болалар ҳамон ўз жойларига қайтишга юраклари бетламай, устма-уст қўл силкиб, уни чақиришарди.

— Искандар ака-а, чопинг! Тез чопинг! Тез-тез-тез!

У оташхонадагилар кўзидан йироқлашар-йироқлашмас юраги ҳаприқиб, пастга югуриб кетди-ю, ўша тезликда нариги тепага чиқиб бориб, қизларни ростакамига лол қолдирди.

— Ҳа, ойдинлар? Лашкарбошининг уйдан илон чиқди, деб қочиб бораётганингизми, а? Тушингда кўрсанг — ганж, ўнгингда кўрсанг — янч, демаганмилар, ахир?— дея ҳазиллашди у.

Қизлар чувиллаб кетишди:

— Вой-й, уларни қаранг. Битта бўлса болалар ҳам қўйишмасди. Вишиллаб ҳали чиқиб келяпти, ҳали чиқиб келяпти ўрдасидан...

Искандар уларнинг олдига тушиб, кейинги тепага қараб юрди.

Тупроқ уюми устига чиқиб олган йигитлар уни кўриб, бирин-сирин кетларини қоқиб, тушиб кела бошлашди.

— Биз Тўнғизгаза<sup>2</sup> десак, нақ илонли газа экан-ку, домла?

---

<sup>1</sup> Лашкарбошининг уйи — ўн олти хонали уй ўрнидан бор-йўғи қилич дастаси топилгани учун шундай аталган.

<sup>2</sup> Газа — тепа.

— Нимани қўриқлаб ётган экан жуда? Лашкарбошиникидан айтарли нарса чиққани йўқ-ку?

Улар елка қисишди.

— Билмасак?

— Э, домлажон-а, сиз кўрмадингиз, ўртадаги девордан бир ғишт кўчирганимизни биламиз, ҳай-ҳай-ҳай...— дея бидирлай кетди чиноқ йигит унга эргашиб. — Дўппининг оғзидек тешикдан билакдек-билакдек ҳар илонлар буралиб-буралиб, биланглаб-биланглаб чиқяпти, белкуракларниям ташлаб би-ир қочиб бердик...

Искандар хандақ ёнига бориб, уйнинг буржидан тик ўйиб тушилган чуқур тубига қаради-ю... кўзлари қамашиб кетди.

Пастда — икки ярим ғиштли девор ўртасида дўппи айланасидек аллақандай тешик кўзга ташланар, ичида эса, кунгабоқар гулидан ҳам сариқ бир нарса... офтобдай ярқирай эди.

...ия, ганж-ку! Ганж ўра-ку!

Ё мясидан ўқдай ўтди шу фикр, ё қичқириб юборди. Наҳотки оғзидан чиқиб кетган бўлса? У атрофига секин нигоҳ ташлаб, хотиржам тин олди. «Э, хайрият-э...» Болалар ҳеч нарсадан беҳабар ҳамон илонлар ҳақида олиб қочишар эди. Искандар мийиғида кулиб кўйди: айни муддао. Лекин ўзининг ичи қуриб, ёш боладай қувонгиси, қувониб бутун Далварзинтепага овоза қилгиси келарди. Эҳ-эй! Омад келса шу-да, кеча — оташхона, бугун — ганж ўра! Далварзин ҳам очаркан-ку бағрини бунда-ай...

Юраги ҳаприқади. Лекин ақли... ақли балодай ишлаб турибди: бундай нарсани овоза қилиб бўларканми?! Ҳеч-да...

Вужудини аллақандай хуш ҳаяжон қамраб келиб, қизларнинг ҳай-ҳайлаганига ҳам қарамай чуқурга сакради. Уни қаранг, пойтеша юзига иккита келадиган қадимги хом ғиштлардан терилган девор орасида илонлар ўрдаси эмас, қадимги сопол хумчанинг силлиқ гардиши кўзга ташланар, унинг ичида эса зарчувадай ярқираб... бир нарса жилва қилгандан жилва қилар эди. У аста чўккалаб, беихтиёр устига энгашаркан, ичидан зах ҳидига қўшилиб аллақандай талх бир ҳид гупириб келди-ю, чўчиб юзини четга бурди.

...ия, илон исими, нима бу?!

Хумчадаги нарсани аниқ-тиниқ кўрган бўлса-да, қаддини ростлаб тепага қаради:

— Йигитлар, чўпми, бирор нарса узатиб юборинглар.

Кимдир чирс-чирс синдириб, атрофга бурган ҳидини ашқитиб, чўп узатди.

Искандар юраги гуп-гуп уриб, хумчани шунчаки кавлаштираркан, «шунинг ҳаммаси дафинами, а, хазинамикин-а?» дея ҳаяжонга тушар, агар ростдан ганжина бўлса, нима қиламан, деб ўйининг тагига ета олмас эди. Негадир нуқул ўзини тинчлантиришга уринарди. Ўзингни бос, ўзингни. Мунча ҳовлиқдинг? Сени ким айтади археолог деб? Хазина бўлса — хазинада, буларга сездирмасанг бўлди-да. Ичинг қуримаса, кейин ҳам кўраверасан, ҳозир эса... Ҳа, топдим. У битта хом ғиштни олди-да, хумча оғзига бостириб қаддини ростлади. Ўзи чуқур тепасида нима гаплигига ақли етмай турган практикантларга юзланди.

— Қўрқманглар, қизлар! Ҳеч қанақа илон ини ҳаммас, ўрдасияммас — хумча экан. Лекин хумча бўлгандаям жуда антиқаси — Валя опангиз кўрадигани экан. Оташхонада ишлаяпти, чақирасизларми?

— Майли-майли, биз айтиб келамиз.— Қизлар чувирлашиб Уратепа томон чошиб кетишди.

— Сизлар эса,— дея у энди йигитларга ўгирилди,— битта бақувватроқ замбил топиб келинглар.

— Хўп, ака, ҳозир-да.

Улар кетишди-ю Искандар шошиб қолди. Атрофга аланглаб, боя кўзига чалинган мошранг халта — археологлар қопчиғини излади. Топиб унинг ичидаги кўҳна сопол парчаларию кўкариб-қорайиб кетган эски тангаларни бир четга ағдариб, хумча тепасига ошиқди. «Бўла қол, бўла қол, бўла қол,— дерди у ўзига-ўзи,— ичинг қуримаса, кўрарсан кейин, кўрарсан кейин... Улар етиб келмасдан, бўла қол...»

У бир қўли билан қопчиқни очиб, бир қўлини хумчага суқди. Бармоқлари муздек бир нарсага тегиб... сапчиб тушди. Жонҳолатда қўлини тортиб олди: «Ия, нима экан бунчалик муздек?»

Қўрқа-писа хумча ичига нигоҳ ташларкан, бояги зарчуваранг нарсага офтоб тушиб, расмана ярқираб кетди-ю у энди дангал қўл юбориб, чўғдек бир донасини кафтига олди. Уни қаранг! Қўлида турган кичкина қайроқтошдай нарса бошқа олам мўъжизасидек ёниб-яллиғланар, кафтини музлатиб, худди офтобда буғланиб бораётганга ўхшар эди. Лекин буғланиб бўп-

ти! Асрлар ўтар, бу қилт этмас. Емирилиш, йитиш нима — билмас. Қўлдан-қўлга ўтар, қўлләр кетар, у қолаверар. Ажаб бевафо тош. Нима учун яратган экан уни табиат? Одамларни синаш, имтиҳон этиб кўриш учунми? Балки. Искандар қуйма бўлагини айлантириб кўратуриб, унинг текис юзидаги нуқтали ёзувга кўзи тушди-ю, аллақандай ҳаяжон ичида ҳуши оғиб жилмайди.

Бу қанақаси бўлди? Наҳотки кушонлар битигига дуч келиб турган бўлсак?

Кўзни қамаштирадиган даражада бир текис нуқталар шундай беҳисоб, шундай текиски... Ёзувлиги аниқ, аммо бу ёзув нимани англатади, нима ёзилган — ким билсин. Бунга кўҳна тилчиларнинг тиши ўтмаса, бошқа одамнинг ўқиши амримаҳол.

...оббо, лашкарбоши-ей. Ҳамма сирни шу хумчага жойлаб, девор орасига кўмиб ташлаган экансиз-да, қани, топиб кўрларинг-чи деб! Яхшиям шу ердан қаздирганим шурфни. Оёғининг тагида шундай топилдиқ ётибди-ю, илон деб қочиб юрибди булар!

Искандар ўзича кулиб қўйди, лекин ҳали-замон болалар қайтиб қолишини эслаб, ҳушини йиғди.

Улар келгунча, манавиларни яшириб турмаса бўлмас...

Қўлидагини шошиб қопчиққа ташлади-ю, хумча ичидан илинганини олабошлади. Боягидақа қуймалардан агар адашмаса ўтгиздан ортиқ чиқди-ёв! Санамади ҳам (санашга вақт борми!). Аммо-лекин ҳаммаси бирдай, нақ самовар тарашадай калта-калта. Ҳатто нуқтали ёзуви ҳам бир хил. Бунинг орасида илон бошли билагузукдан тортиб, ҳар хил тақинчоқларгача чиқди. Билагузукмисол бир тақинчоқ хумча оғзига сиғмай, шошганда бўлса керак, синдириб тиқилган. Яна аллақандай афсонавий ҳайвон рамзи туширилган тилла тўқалар чиқдими-ей! Ҳаммасидан ҳам Бурҳон худо — Будда бўйнига солинадиган тилла шокилага ўхшаш тақинчоқ антиқа. Тилла симдан тўқилган икки жуфт шокиласи худди кеча заргар қўлидан чиққандек ярқирайди. Шокиланинг иккала боши бамисоли бошмалдоққа ўхшаб, бир-бирига тутшиб келган. Уларнинг ҳам атрофи ҳақиқу зумрад тошлар билан шундай бежалганки, уни бу дунёнинг усталари безай олиши амримаҳол. Ҳар битта безагини соатлаб томоша қилиб тўймаслик мумкин.

...лекин бунга вақт қайда? Ҳали-замон улар қайта-

диган бўлса, тезроқ қопчиққа жойлаб, кўздан йўқота қолгани тузук эмасми!..

У охири хумча тагидан алп келбатли одамнинг тасвири туширилган аллақандай бир тилла тамға билан тухумдек ёмби олиб, лол қолди. Ажабо! Кун тушиб ярқирашини айтмаса... кафтда илиб аллақандай таниш, жуда ҳам таниш тафт бериши ғалати. Худди неча аср бурун эмас, ҳозиргина кимдир кафтида тутиб туриб, яна хумчага солиб қўйгандек. Кейин шунча хазина ичида унинг танҳолиги қизиқ...

— Замира, кечаги китобингизни бировга берворманг, майлими?

Юқоридан қизларнинг овози келиши билан Искандар шошиб қолди. Ёмбини апил-тапил қопчиққа жойлаб, нарида ётган кичкина замбилни судраб келди-ю, ўртасига хазина халтани қўйиб, устидан ғишт тахлай кетди. Шу баробар хандақ тепасида похол шляпасини қўлга олволган Валентина ҳам кўринди. У чопиб келган шекилли, ҳарсилларди.

— Ҳа, Искандар Раҳмонович, тинчликми?

Искандарнинг қувлиги тутди:

— Лашкарбошининг қурумсоқлигини қаранг, Валяхон,— деди қулфи дили очилиб,— девор орасига бутун бошли хумча кўмиб, ичида чақа ҳам қолдирмабди-я. Шу ҳам инсофдан бўлди-ю... Ё бу хумчанинг бирор қиммати бор дейсизми, а?

— Қани, мен бир кўрай-чи.

У чуқурга айланиб тушгунча, замбил кўтарган йиғитлар билан практикант қизлар ҳам етиб келишди. Валентина эса, Искандарни четлаб ўтиб, хумчага яқинлашди. Атрофдаги ғиштларни кўчириб қорнию бўғизларини кафти билан пайпаслаб-силаб туриб, устидан арзирли бир белги топа олмади шекилли, қўлини ичига суқди-ю шу заҳоти тортиб олди:

— Вой!.. Мунча муздек?

Қизлар ҳам «ву-уй» деганча сапчиб тушишди. Искандар яйраб жилмайди:

— Илонлар ўрдаси бўлади-ю иссиқ бўладими?!

Валентина беихтиёр бир қадам тисарилиб, оёқлари остига қаради:

— Илонлар?.. Қанақа илонлар?

— Қочворишди бизни кўрибоқ,— деб жавоб қилди жингалаксоч йиғит ҳазил аралаш,— худди манави маликаларга ўхшаб.

— Вой, қочмаган анойн-ей!— Қизлар лаб буришди.—;

Ҳаммадан олдин оёқларини қўлларига олган ўзлари эмасмидилар?!

Валентина ҳам энди ўзига келиб, кулгига олди:

— Унда тирик жонзот борки, ҳаммаси ҳар томонга тирақайлаган экан-да.

— Яхшироқ қарамадингиз, ҳали Оловуддиннинг чи-роғидай сеҳрли хумча чиқмаса эди, ичида кушонлар давридан қолган жини билан. А, лаббай?— дея Искан-дар баттар ҳазилга бурди.

Валентина тилла кўзойнаги остидан унга қараб ту-риб, кулиб юборди:

— Хувишка подшонинг ер ости обидаларини бира-тўла айтиб бера қолса, а, сизга? Қутулардингиз-а, ортиқча қазишлардан?! — У қўлининг чангини қо-қиб, кетишга тараддудланди. — Олиб борарсизлар. Кўрармиз — сеҳрлими, сеҳрлимасми, — деди-да, зам-билдаги ғиштларга парво ҳам қилмай тепага қараб юрди.

— Майли, ўзимиз олиб борамиз. Сизлар Валя опангизга қарашиб юбора қолинглар.— Искандар қиз-ларга ҳам биратўла жавоб бериб, йигитларни шошил-тирди: — Қани, бўлақолинглар, шоввозлар...

У энди девор ғиштларини бузиб, антиқа белгили-ларини йигитларга узатаркан, замбил тўлиб, хумча очила боргани сари юрагидаги гулгула ҳам ортар эди.

Бировга сездиришга сездирмади, лекин домла Тош-кентдан учиб келгунларича буларни қандай асраса экан? Бугун бўлмаса, эртага шерикларига учини чиқа-ришга мажбур-ку. Кейин-чи, кейин? Хазина топишгани овоза бўлиб кетса, бунча тиллани шундай харобазор-да асраб бўларканми? Ё районга хабар бериб, иссиғи-да қутулиб қўяқолсамикан? Ундай деса, ҳар хил пок-нопок одамларнинг қўлига тушиб... э, йўқ, бўлмайди! Бу ҳазилакам дафинамики?! Устидаги нуқтали ёзуви-нинг ўзи қандай янгилик! Бурҳон худонинг шокиласи-чи, шокиласи? Ахир Будданинг ватани Ҳиндистонда ҳам ҳали бунақаси топилмаган-ку! Демак, буни бир амаллаб институтга етказиш керак. Лекин қандай қилиб?..

Унинг калласи ғовлаб, хаёлига бир эпақали фикр келмас, шунча археологлик қилиб, қанча топилдиқлар топиб, ҳеч қачон бунчалик мушкул аҳволга тушмаган эди. Энди нима қилса экан? Шу тобда туйқусдан зам-билдаги хом ғиштлар тагида ётган бояги мошранг

қопчиқнинг бир четига кўзи тушди-ю, унга жон битиб... қимирлаётгандек туйилиб кетди. Назарида қопчиқ бамисоли ичи тўла илондек тўлганар эди.

## 2

Узун жўмракли мис обдастасини кўтариб, кечки назмога отланган қоровул чол уларни кўриб, пешайвон зинаси олдида тўхтади. Улар кўтариб келаётган замбилни, ундаги хом ғиштларни кўриб ажабланиб турди-да, кейин обдастани пешайвон четига қўйиб, мийиғида кулганча шу ёққа юрди. Йўлакай қулоғидаги мўъжаз зирак-аппаратини тўғрилаб, Искандарга узоқдан гап қотди:

— Ий-э, Искандархон улим, тиллатопарларингизнинг топгани шу бўлди, холосми? Тилла отлиқни<sup>1</sup> топибсизларми экан десам...— Қоровул чол бўлиқ макка донидек сариқ тишларини кўрсатиб жилмайди.— Далли ойим<sup>2</sup>нинг кўҳна ғишtidан Ҳаким тоғага уй солиб берақолайин дедингларми ё? Узларингизга штаб қурволсангиз ҳам хурсанд эдим.

Искандар дабдурустдан нима деярини билмай тараддулланиб қолди. Чоли тушмагур бир нарсадан хабари бор, шекилли? Нимага шама қилиптийкин?.. Ниҳоят, у сир бермасликка уриниб, гапини андавалади!

— Нимасини айтасиз, Қалон тоға, илоннинг ўрдасини буздик. Битта хумча билан манави антиқа ғиштлар чиқди. Ўзи хом ғишт бўлгани билан тамғаси бўлакча. Бир қарасанг, юнонча ҳарфларга ўхшайди, бир қарасанг, чинийга. Балки Далли ойимнинг даврида кушонлар битиги шундай бўлганми...

Ҳакимбек тоға фиртиллаётган зирак-аппаратини яна тўғрилади:

— Ундай бўлса, бахайр. Лекин шуйтиб илоннинг ўрдасини бузганингиз чакки бўпти-да, улим. Ҳали бу харобага кўп келатурган одамсизлар. Бирон заҳмат бериб юрмаса, дейман-да.

...юз йилнинг нари-берисида ҳеч битта археолог бундай катта дафина топмагандир. Лекин буни айтиб бўларканми? У кишига айтди нима-ю, газетага ёзди нима! Эртага бутун Сурхон хабар топар...

<sup>1</sup> Тилла отлиқ — қариялар оғзида юрадиган гап; гўё шу Далварзин тагида тилла отлиқ ҳайкали бормиш.

<sup>2</sup> Афсонада нақл қилинишича, Далварзин икки қалъадан иборат шаҳар эмиш, Далли ойим ва Вардзин подшо қалъалари бўлганмиш.



У замбилни йигитлар билан алмашди-да, ўзи олдинга тушиб шийпон-штабга бошларкан, гапни ҳазилга буриб қўяқолди:

— Илондан қўрққан археолог археологми, Калон тоға! Керак бўлса, ҳар аждартепаларни элак-элак қилиб чиқамиз-ку.

— Ҳа, боласи тушмагурлар-а, боласи тушмагурлар,— деганча Ҳакимбек тоға зирак-аппаратини ғиртиллата-ғиртиллата бош чайқаб орқасига бурилди. Бир оздан кейин мис обдастасини олиб, уй орқасига ўтиб кетатуриб, яна тўхтади.— Айтмоқчи, Искандархон улим, ҳали кечки овқатга уннаб юрманглар-а, атай жонлиқ сўйдирдим, бир ташриф буюрасизлар-да, энди!..

Искандар чолнинг кутилмаган илтифотидан ҳайрон қолди.

— Нечук, Калон тоға, бирор баҳонаи сабаб биланми, ё?.. Яқинда тандиркабоб билан сийлаган эдингиз шекилли?

...у бир нарсани сездимикан, а? Бўлмаса бунча илтифот нега?

Мўйсафид қув кўзларини қисиб, мулойим жилмайди:

— Эй, сабабни нима қиласиз, гурунг берасиз-да, бир. Узоқ кеча. Уйқу йўқ. Шундай паллада одам гурунгни соғинади-да...

Жуда қизиқ бўлди-ку — қопчиқдаги нарсани рўйхатга олиб, йўлга тайёрланиш дегандай шунча иши турганда бу чоли тушмагурнинг таклифи ўтиб тушди-ку? Нима баҳона қилса экан?.. Искандар кўнглидагини ташига чиқармасликка уринди. Бироқ ўринли бир гап топа олмай, чолни тинчлантиришга мажбур бўлди:

— Шўрва қайнайверсин-чи, чиқмай нима қилардик.

— Ҳа, балли, бўтам, шундай бўлсин.— У ташқарига қараб юрди.— Биз ҳам ғанимат, бугун бормиз, эртага... ўзи билади.

Юк кўтарганлар ҳам манзилга етиб, замбилни шийпон зинаси олдига қўйишди.

— Ҳў, раҳмат-а! Энди қолганини ҳам олиб келингллар, кейин жавоб: хоҳланглар — дам олингллар, хоҳланглар — сойга тушиб балиқ овлангллар. Фақат, йўлкай Тўрабекни айтиб юборсангллар бўлгани. Бора қолингллар.

Йигитлар хурсандликдан ўйноқлаб, Далварзинтепа томон чопиб кетишди.

Искандар бошидан латта кепкасини олиб, шийпон четига ўтирди-ю елпинишга тушди. Куз кириб энди у иссиқлар қайтган бўлса-да, пешонаю чаккаларидан, бўйнию юзларидан тўхтовсиз тер оқар, Искандар уни артиб ҳам, елпиб ҳам тиндира олмас эди. Балки замбилнинг оғири энди билинаётгандир. Ўзи бир халтагина-ю, лекин зилдек экан-э... Яхши ҳам устига хом гишт ташлаб олишгани, бўлмаса, бу қув чолнинг назаридан яшириб бўлармиди?

Искандар чолнинг таҳорат олиб қайтиб, ичкари кириб кетишини киши билмас кута бошлади. Бир кўнгли қопчиқни даст кўтариб олиб кириб кетмоқни мўлжаллади-ю, юраги дов бермади. Кўтаришга кўтара олар, лекин сездириб қўйса яхши чиқмас-ов. Сабр таги — олтин, деганлар-ку, ахир.

У кафти билан энсасини ишқади.

...шу ердаки шунчалик, кейин нима бўлади? Ҳар қадамда бунақа хавотирланаверса, Тошкентга қандай етказиб боради? Хазина дегани тоза дардисар бўларкан-ку, а?

У ўрнидан туриб, чол кўринмасиданоқ ичкарига йўналди. Хаёлпаршон ўтирганини кўриб, бошқа фикрга бориб юрмасин тагин. Тўрабек келса, бир амаллаб киритиб олишар.

Аммо, нимага энди Тўрабекни чақиртирди? Уни ишончлироқ деб ўйладими? Зарапетян-чи? Дўсти билан кетди дегандан кўра, шу армани йигит дурустмасмиди? Шошма, ҳали ҳеч ким йўлга чиқаётгани йўқ-ку. Унгача бир гап бўлар...

Искандар токчадан ойна олди. Ундан юзи офтобда хурмо янглиғ қорайиб, соқол-мўйлаби ўсиб кетган ёши номаълум одам қараб турарди. У биринчи галдаёқ шу соқол-мўйловнинг баҳридан кечиши кераклигини ўйлади-ю, устара турадиган жойга қараб қўйди. Ҳамонки Тошкентга тушадиган бўлса, одамга ўхшаб қириниб олгани маъқул. Бу ёқда ким куёв қиларди деб юргани билан одам жуда қаримсиқ тортиб кетаркан. Расм бўлмай қолсин. Иккинчи қўймайин-а!..

Бирдан деразага кўзи тушиб, ташқарига шошилди. Чол пешайвондан ўтиб, уйига кириб кетиб борарди.

...ана энди мавриди келди-ёв. Фақат, кўтара олса бас.

У лашкарбошининг хазинасини тахта-стол устига териб бўлгандагина ҳовлида Тўрабекнинг қораси кўринди.

«...Шошма, уни бир қизиқ қилсам-чи?.. Қай аҳволга тушаркан-а?»

У қозикдан қизил дастурхонни юлқиб олди-да, хазина устига шундоқ ёзиб, ўзи стулга ўтириб олди.

Шу маҳал якка табақали фанер эшик очилиб, останада шифтдай бўлиб Тўрабек кўринди. Қўлтиғида шахмат. Йиқилган курашга тўймас, деб шуни айтадилар-да. Ўз кўнглида талабгор бўлиб келган, шекилли. Энгашиб ичкарига кираркан, Тўрабек секин зеҳн солди:

— Ҳа, огайничалиш, барвақтроқ келсанг кел, қасдингни олсанг ол, дебсан-да. Шошма ҳали. Мен сенга шундай гамбит кўрсатайки!.. Боягида ҳам ютган эканман-ку, бир юришни ўтказиб юборибман-да.

— Э, қаёқда! Ҳар қанақасига мот эдинг. Биласанми, уни қанақа гамбит дейдилар?

— Қанақа экан?

— Раҳмонов гамбити дейдилар!

— Оҳ-ҳо-о! Тоза олдинг-ку! Қачондан бери? Бугунданми?— Тўрабек шахмат тахтасини қўлига олиб, азда-базда ўйинга шайлана бошлади.

— Қачондан бери бўлса ҳам тан оласанми ишқилиб? Шу ерга келганимиздан бери кўряпсан-ку. Кўрсатяпман-ку!

— Ў-ў, шахтинг баланд-ку, жуда! Нима бало, яна суюнчиликми дейман?— Тўрабек энди шубҳаланиб атрофга аланглади.

— Бўлмаса-чи! Суюнчилик бўлгандаям, унақа-бунақасимас!— Искандар кутилмаганда ирғиб туриб кетди.

...шу дўстига айтмаса, кимга айтади?! Ахир, қачонгача сир тутади?!

У янгиликни ичига сиғдира олмай бирдан очилиб кетди-ю, яна охири дақиқада ўзини босиб, қўлини баланд кўтарди.

— Шошма! Ўша ерда тўхта! Мўъжиза кўришни истайсанми?

Тўрабек тўхтаб илжайди.

— Майли.

— Бўлмаса, ўгирил! Орқанга ўгирил!— деб буюрди Искандар ўйлаб топган ўйинидан ўзи руҳланиб.

— Мана, ўгирилсам-ўгирилдим.— У ёш болалардек итоткорона орқасига бурилди.

Искандар хазина устидан дастурхонни шартта олиб, стул суюнчиғига ташлади:

— Энди қара!

Деразадан тушаётган офтоб нурида... стол усти ярақлаб кетди.

— Умрингда кўрганмисан шунақасини?!

Тўрабек аввалига нима гаплигига тушуниб етмай, ҳангу манг бўлиб қолди. Кейин аста ўзига келиб, кўзлари ғалати чақнаб кетди-ю аллақандай ҳавасланиб тикилди. Йўқ-йўқ, Искандар аниқ кўрди, шунча хазинани топган дўстига эмас, стол устида ярқираб ётган нарсага суқланибми-ей, эси оғибми-ей, тикилиб қолди.

...йўғ-е? Балки Искандарга шундай туюлгандир. Аслида суқланиш хаёлига келмагандир? Тўрабекни энди кўряптими? Кандидатликни ёқлаб, энди елкасига офтоб тегди демаса, ўзига ўхшаб борига шукр қилиб келяпти-ку, қанча вақтдан бери...

Искандар дўстининг ҳамон қизиқиш сўнмаган юзига, энди стол яқинига келиб, ҳақиқий археологлардай топилдиқларни битта-битта қўлига олиб кўраётганига қараб туриб, бош чайқади: йўқ, бу дўстим унақамас. Бойликни кўрган заҳоти унинг асирига айланган одам қачон археолог бўлибди! Икки дунёда ҳам!

Тўрабек ҳам энди қуймаларни эмас, шунча хазина ичидан ҳали фанга номаълумларини танлаб олиб кўрар, қимматини ўзинча чамалар эди.

— Ия, бу ростакам Будда шокиласи-ку! Тенги йўқ топилма-ку!— деб юборди у тилла симдан саккиз қават қилиб тўқилган шокилани қўлига олиб.

— Жаҳонда ягона деявер. Ҳали ҳеч ким топмаган. Ҳатто Ҳиндистонда ҳам! Бориб-келиб бизнинг Далварзиндан чиққанини қара! Бу нимадан далолат?!— дея Искандар дўстига синовчан тикилди.

У аза-базза ҳовлиқди:

— Юрагингга балли! Нима қилиб ўтирибсан?! Зудлик билан Ташкентга телеграмма жўнатмадингми? Ахир, бу ҳазилакам воқеами!

Искандар унинг соддалигидан ичида кулди.

...бу сенга оташхонадан ҳайкал топишми! Эй, дўстим-а! Овоза қилиб бўларканми буни?!

Ўзи гапни калта қилди:

— Телеграммани кўятур. Ҳозир сенинг бошқа ёрдаминг керак, оғайни.— Тўрабек тақинчоқни стол устига қўйиб, хўш-хўш дегандек тикилди.— Бунинг исини чиқармай қиладиган ишларимиз бор. Сендан илтимос, оташхонадан Валентинани секин айтиб келсанг. Унгача мен соқолимни ола турсам-да, кейин нима бўлса, маслаҳат билан давом эттирсак. Бўптими?

— Бўпти-да.— Тўрабек кетатуриб, тўхтади:— Бу ёғи тушунарли, лекин кечқурунга келганда соқол олишинг нимаси? Ўзинг шунчакими ё?...— дея ижикилади.

Искандар мийиғида кулиб, кўз қисди:

— Кейин. Сен бориб кел, ундан кейин айтаман.

Тўрабек елка учуриб, эшикдан энгашганча чиқиб кетди. Искандар эса қизил дастурхонни яна хазина устига ёпди-да, тоқчадан соқол оладиган асбобларини олиб, очиқ шийпонга чиқди. Хона эшигини қулфлаб, ҳовлига тушди. Кўзгуни шийпон устунига тираб, ўзи пастанда турганча совун кўпиртираркан, Қалон тоғанинг уйига кўз қирини ташлаб қўйди. Бемаврид соқол олишга тушганини кўриб, у киши ҳам ҳайрон бўлса керак? Лекин Тошкентга йўл чиқиб турганини буларга айтиб бўлармиди?! Ундан ташқари, тоғадан хижолат тортиб юргунча олиб ташлагани ҳам маъқул-да. Ўзи ҳам шуни бекор қўйди. Оташхона топилган кунлари иши бошидан ортиб, қўли тегмагани рост. Лекин кейин Зарапетянга таассуб қилишнинг нима кераги бор эди? Ўзи кимсан — фалончи, бутун бошли археология экспедицияси бошлиғининг ўринбосари бўлса-ю...

Кечагина Тошкентга кетган домласига: «Ниҳоят оташхона топилди. Будда йўлдошининг улкан ҳайкалини очмоқдамиз. Тезроқ соғайиб қайтишингизни кутамиз», деб телеграмма йўлласа-ю кетидан, мана, қаранг, нима топдик, омад келса — шу-да, қўша-қўша келади-да, деб мағрурланиб, соқол қўйиб кириб борса... яхшимас-да. Фахр яхши нарса, лекин кеккайиб, босар-тусарни билмай кетишдан ўзи асрасин.

У юзини чайиб, сочиқни елкасига ташлаганча чўк тушиб ётган туя карвонидай бир-бирига мингашиб кетган Далварзинтепа харобаларига тикилиб туриб қолди. Қуёш кунботарга оғиб, соялар чўзилиб қолган бўлса ҳам, тепалар ҳамон офтоб селида жимирлаб ётар, соябони сербар похол шяпа кийган Валентина билан Тўрабек энди кўҳна ҳандақ бўйлаб оқиб ўтган Дайтўлак сойдаги тахта кўприкка яқинлашиб келишар эди. Қадам олишларидан Тўрабек унга ҳали ҳеч нарса айтмаган кўринади.

...хўп ажойиб, топилмайдиган дўсти бор-да. Болаликдан бирга катта бўлган дўстлардан ўтаверсин, кейингиси қиз ўртоқчалик бўлармиди, дейишади. Бўларкан-ку! Битта қиз ўртоғи Зиёдулламиди?! Неча йилдан бери қорасини кўрсатмайди. Бу бўлса, мана ўн йилки, ажралмас ўртоқ. Эт билан тирноқни ажратса бўлар,

лекин уларни ажратиш қийин. Бўлмаса, ундан олдин аллақачон кандидатлигини ёқлаб олган, кимсан — академикнинг куёви, беш минути кам фан доктори! Бошқа одам бўлганида унинг кетидан эргашиб, бу ёқларга келиб юрармиди? Иш ўз йўлига, дўстлик ўз йўлига деб кетадиганлар қанча, ахир. Йўқ, бу уч йилдан бери у билан Далварзинга келади. Гап битта, кушонлар пойтахтини топмагунимизча орқага қайтиш йўқ, мен сен билан деган. Сўзида турибди. Туғишгани ҳам бунчалик бўлмас. Босиқлигини кўринг. Шундай хазина топибмиз-у, Валяга исини ҳам чиқармай келяпти. Тошкентга тушиладиган бўлса, ундан ишончли ким бор?..

Искандар қўлидаги сочиқни гоҳ у елкасига, гоҳ бу елкасига ташлаганча хаёлпаршон шийпонга қараб юрди. Улар етиб келгунча ичкари хонага кириш нияти йўқ эди, бориб шийпон четига суянди.

Балки анави альпинист Зарапетян бирга кетгани маъқулдир? Ундай деса, Тўрабек қайси спортчидан кам. Бир полвончалик кучи бор. Бўй-баст рисоладагидек. Унинг устига, синалган дўст.. Фақат одамлар, нега бошқа билан эмас, дўсти билан кетди, деб юришмаса бўлгани. Шуниси бор-да..

Шийпоннинг орқа томонидан тап-тўп оёқ товуши келди. Бир оздан кейин ўзлари олдинма-кетин чиқиб келишди. Бежиримгина тилла гардишли кўзойнагию сербар похол соябони ўзига бирам ярашган Валентина ҳорғин жилмайди:

— Ҳа, Искандар Раҳмонович, лашкарбошининг хумчаси бодисатва ҳайкалидан ҳам азизроқ эканми? Боя чўчитганингиз ҳам етарди.

Искандар қадини ростлаб, ҳали ҳам замбилдаги ғишлар орасида ётган хумчага қараб қўйди. Сирли кулимсиради.

— Азизликка азизмас-у, лекин қимматбаҳороқми дейман-да. Нима дединг, Тўрабек?

— Хумчамас, мўъжиза! Сиз уни кўрмабсиз, бу дунёга келмабсиз!— деб бош силкиди Тўрабек.

— Уша хумча-я?— Валентина ўзига ярашадиган бир тарзда хандон ташлаб кулди. — Вой, ўламан, лоф ҳам эви билан-да. Мўъжизамиш! Сарик чақага арзиса ўлсин агар.

Искандар «Э, сиз унинг ичидан чиққан нарсани кўрсангиз эди!» деворгиси келди-ю, яна тилини тийди. Тўрабек шундан шу ёққа айтмай келганда ўзи овоза

қиладимми? Бегона кўздан яширишга яшириб, яна ўзлари мана бундай шанғиллашгани нимаси?..

У Ҳакимбек тоғанинг уйига хавотирланиб қараб кўйди-да, киссасидан калитни олиб Тўрабекка узатди.

— Ма, сен оч. Йўлига бўлса ҳам буларни ичкарига олайлик. Тоға сезмагани маъқул.

— Хўп,— дея Тўрабек турган еридан шийпонга сакраб чиқиб кетди.

Искандар эса қўлидаги сочиқни қозиққа илиб, хом ғиштларни айвон чеккасига тахлашга тушаркан, атай овозини бир парда кўтариб Валентинага мақтанди:

— Сиз хумчани айтасиз, сариқ чақага арзирмикан, деб. Олдин манави ғиштларни бир кўринг! Шунақа антиқа белгиси борини ҳеч учратганмисиз?

Икки дўстнинг бирдан ўзгариб қолганидан ҳеч нарса тушунмай турган қиз унга яқин келди. Айвон чеккасидан бир ғиштни қўлига олиб, айлантириб кўрди-кўрди-да, лаб бурди.

— Ҳазилингиз ҳам бор бўлсин, Искандар Раҳмонович, бунақаси ҳамма ерда...

Искандар қоровул чолнинг уйи томон кўз қирини ташлаб, бармоғини лабига босди:

— Тш-ш, ҳақиқийси... у ёқда. Шошмасангиз, кўрасиз.— Ўзи хумчани замбилдан олиб, икки қўллаб Тўрабекка узатаркан, яна ҳам сирли шивирлади:— Тай-ёрмисан?

— Айн момент-да. Ҳозир-да...— Тўрабек аллақандай бир иштиёқ билан ҳовлиқиб орқасига бурилди. Зум ўтмай хона эшигига етди-ю ўгирилиб, Валентинага шўхчан кўз ташлади.— Ўзим кининг дейишим билан... кирасиз. Хўпми?

Хона эшиги қаттиқ беркилиши билан қиз ялт этиб Искандарга қаради:

— Нима бало, Тилла отлични топганмисизлар?— деди шивирлаб.

Искандар кулиб бош чайқади. Индамай ғиштларни устма-уст тахлай бошлади. Лекин Тўрабек негадир имиллар, хазина устидан дастурхонни олиш бирпаслик иш бўлса-да, ичкаридан овози чиқақолмасди. Балки хумчани қўйгани жой тополмай ҳаяллагандир... Ундай деса... йўқ, ана, унинг аллақандай ички шодликка тўла овози эшитилди:

— Киринг, кираверинг!

Тўрабек шундай ҳаяжон билан чақирдики, ўзи тил-

ла топган одам ҳам шунчалик тўлқинланмас. Искандар мийиғида кулиб бош силкиди.

— Қани, юрақолинг бўлмаса.

Улар, қўлларида ғишт, олдинма-кетин хонага йўналдилар. Искандар атай орқада келар, Валентина ичкари кирганда қай аҳволга тушишини бир кўрмоқчи-дек ундан кўзини узмас эди.

Шу пайт эшик очилиб, нимқоронғи хона ичи ўшаёқдан қуёш чиққандек ёришиб кетди-ю Валентина деманлар қўлидаги ғиштни ташлаб юборди.

— Ву-уй!..

Хона ичида бир стол бўлиб, бамисоли офтоб эриб ётар, ўзидан зарҳал нур таратиб, ёниб-яллиғланар эди. Бир офтобки, осмон тандиридан худди ҳозир узиб олингандай!..

Искандар қўлидаги ғиштларни бир чеккага авайлаб қўйиб, тезгина эшикни беркитаркан, столдан ўзини нарироқ олиб, ҳаяжондан аллақандай энтиккандайми, талмовсираброқми қўл қовуштириб турган дўстига кўзи тушди. Тўрабек дам ҳаёли қочинқираб, дам яна ҳушёр тортиб турганча илжайиб қўяр, худди ёдлаб олгандай ҳадеб бир гапни такрорлар эди:

— Қалай, мўъжиза эканми-мўъжизамасканми? Мўъзижа эканми-мўъжизамасканми?..

...ажабо, унга бир нима бўлганми? Илгари бунақа эмасди-ку, а? Ёки тилла дегани одамни шунақа қилиб қўярмикан-а?

Валентинани қиз бола деса, Тўрабек ҳам шунча хазина олдида ўзини йўқотиб, эсини еб қўйгандекми-ей? Ишқилиб охири бахайр бўлсин-да.

### 3

Ҳозиргина уфқда тилла баркашдек ёниб-яллиғланиб турган кун жигарранг даланинг пойидаги Ўркачтепа орқасига ботиб кетди-ю ҳеч қанча кечмай, ўша ёқдан кечки оқ туман ўрлаб кела бошлади. Аммо бу ёқда қоронғи тушишига ҳали эрта шекилли, қушлар қўналғаларига шошилишмайди. Далварзинтепа этагидан ўтган Дайтўлак сойи устида куркинаклар гоҳ пастлаб, гоҳ юқорилаб учиб, бозор қилишади: «Курк-курк-курков, курк-курк-курков». Бу ерларни тарк этиб, учиб кетишдан олдин ўзича ўйнаб-қувнаётган бу қушларнинг овозлари қулоққа хуш ёқиб, болаликда мол боққан сойларни, узоқда қолган ўша оқшомларни ёдга солади. Бугина эмас. Қалон тоғанинг чорбоғидаги бир туп жий-



да билан қўштеракка чиқариб юборилган аймоқи токка келиб ёпирилган чуғурчуғу чумчуқлар галаси ҳали сийрак тортадиган эмас. Чуғурлашиб ётибди.

Ҳовлидаги катта ёнғоқ гўласи устида Қалон тоғанинг милтигини тозалаб ўтирган Тўрабек энсаси қотиб, чорбоққа қараб қўйди: «Тоза сурлари йиғилган эканми? Қулоқни қоқиб қўлга берай дейди-я. Буларнинг ҳайиқмагани?.. Уқи йўқлигини, эрмакка милтиқ тозалаб ўтирганини шулар ҳам сезади, шекилли?..»

Рости ҳам шундай. Зарапетян келгунча штабни қўриқлаш унга топширилган. Нима қилсин, бир ўзи ҳовлида сўшпаиб тура олмайди-ку. Ҳакимбек тоғадан милтигини сўраб олди-ю киши билмас «вазифаси»ни ўташга тушди. Вазифа қийин эмас. Лекин сал нозикроқ: Искандарни сўроқлаб келган одам борки, барчасига ўзи балогардон бўлиб, жавоб-муомала қилиб юбориши, штабга яқин йўлатмаслиги керак. Улар ичкарида хазинани рўйхатга олишяпти. Битталаб қўлдан ўтказиб, ёзув-чизувини қилишяпти. Зарапетян келиши билан у ҳам ёрдамга киради. Қўймалардаги белгиларнинг нусхасини кўчиришиб юбормаса, ўзлари улгуришмайди. Искандар шундай деган. Лекин...

«Лекин йўлига шундай деб уни ташқарига чиқариб юборган бўлса-чи? Анави гапидан шубҳаланиб?..»

Тўрабек шимининг чўнтагида сал дўмпайиб турган нарсани беихтиёр ичкарироқ суриб қўйиб, атрофга алашлади. Унинг нималиги шундай ҳам билиниб тургандай, юраги аллақандай ҳаприқиб кетди. Кўнгли гашланиб, четга тупурди: «Қаёқдан ҳам унга шу ҳақда гап очақолдим? Кейин айтсам ҳам бўларди-ку...»

Балки.

Аммо ҳали ёлғиз қолишганда ичини ит таталаб, шундан гап очгиси келаверди, келаверди. Охири сабри чидамади. У хазинани саралаётган эди, Тўрабек секин билагидан ушлади:

— Искандар, нима дейсан, шунинг бир бўлагидан кечсак-чи? Дўстимиз учун... ишлатсак?

Искандар бунақа гапни ҳеч кутмаган экан, ялт этиб унинг юзига қаради.

— Ишлатсак? Миркомил учунми?.. Ошнаميزни айт-ясанми?

— Ҳа-да. Нима, арзимабдими қайишсак? Жонажон дўстимиз эди. Майли, десанг, бир бўлаги билан чиқариб олардик уни. Илгари гаплашиб кўрганганини айтумидим сенга?— Тўрабекка у аввалига тушунаётгандек

кўринган эди, йўқ, адашган экан. Искандарнинг юзига нимадир соя ташлаб, қовоғини уйди.

— Шу билан Миркомилнинг боши осмонга етади, дейсан-да.

Тўрабек бу ёғини ўйламаган экан, ўзини оқлашга уринди:

— Унга билдириш шартми? Муҳими, адолат қилинса бўлди-ку.

Искандар аччиқ кулди:

— Шу ҳам адолат-да сенингча? А?

Тўрабек ўзини тушунмаганга солди.

— Нима?

— Пора билан чиқариб олишни айтаман.

Тўрабек ғаш келиб, қўл силтади: «Чўнтагингдан бермагандан кейин сенга нима? Бунча қизғандинг? Битта кўп нимаю битта кам нима?! Давлатга топшириб юборадиган нарса бўлса. Ким билиб ўтирибди?..»

— Э, қўй-е! Шундай ошнализ ноҳақдан-ноҳақ қамалиб ётса-ю сен бўлсанг... Қимга ишонсан? Қим сенга бекордан-бекорга ҳақиқат қиларкан?

Искандар унинг елкасига қўлини ташлади:

— Қўрқма, ҳозир бўлмаса, ахир топаман ҳақиқатни. Манави экспедициядан қутулиб олай.— Сал ўтиб бирдан қизишиб кетди.— Халқ ҳам билар нима бўлаётганини?! Қараб турмагандир, ахир?!

— Осон йўли турганда, сен ҳам қизиқсан,— дея минғирлади Тўрабек.

Искандар оғир бош чайқади:

— Ими-жимида бўладиган ҳақиқатингни қўятур: бу ёқда шунча ноҳақлик, кўзбўямачиликлар турганда бизки ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолаверсин десак... э, йўқ, мен бу фикринга қўшилмайман.

— Ўзинг биласан! Кейин аттанг деб юрмасанг бўлгани.

Бу орада Валентина қайтиб кириб, гап узилди.

Шундан бери Тўрабекнинг кўнгли хижил. Чўнтагидаги нарсани нима қиларини билмай гаранг. Топширай деса, нима деб қайтарарини билмайди. Тураверсин-чи, деса, худди биров кўриб қолаётгандек. Ошнализ-ку, кўнар балки, кўнса ўша нарсага ишлатиб юборақолсак-чи, яхшиликка ярайди-ку, деб ўйласа, кўнмади у кажбахс. Қинғир ишга ҳеч тоби йўқ-да. Энди нима қилади? Қаерга, қайси тешикка тикади? Ё бирор жойга кўмиб қўяқолгани маъқулмикан? Борди-ю биров кўриб қолса-чи? Нима деган одам бўлади кейин?.

Қимдир унинг тепасида томоқ қириб, енгил йўталди. Тўрабек сапчиб тушди. Бошини кўтариб, ёнида Қалон тоғани кўрди. Кўк кўзларида аллақандай беғубор қувлик яширинган бу одамга Искандар «Қалон тоға» деб ном берган. Шу исми жисмига жуда монанд-да. Қўллар узун-узун. Ҳар елкаларки, бемалол биттадан одам ўтирса бўлади. Шу қоматга яраша жусса. Серсоқол юзи, қирра бурнию кўк кўзлари билан Искандар Зулқарнайн авлодларига ҳам тортиб кетадими-ей. Ўзи қариб сал чўкиб қолган бўлса ҳам, салобатини йўқотмаган. Ҳатто муомаласи, юриш-туришлари ҳам вазмин. Искандар ҳурматини ўрнига қўйиб, Қалон тоға дега-нича бор.

Шу одам унинг тепасида мулоғим кулимсираб турар эди.

— Ҳа, улим, паришон кўринасиз? Ўтиришингиз тилла топган одамдай?

У дафъатан довдираб қолди. Кейин ҳушини йиғиб, қаддини ростлади.

— Келинг, тоға, келинг. Узр, хаёл...— деди қисиниб.

Ҳакимбек тоға қўйнида ғиртиллаётган аппаратини тўғрилаб, ёнғоқ тўнкасига омонатгина ўтирди. Тўрабек эса (нима бало, ҳақиқатан ҳам эсини йўқотиб қўйганми?) ҳалиям унинг қаршисида ғоз турарди. Хаёли ҳамон чўнтагидаги ўша нарсада. Чўнтак эса дўмпайиб тургандай. Ҳадеб кафти билан уни яширмоқчи бўлади.

— Овгами ё бошқа нимарсага қочдимиз?— деб сўради тоға ўша-ўша қув синчковлик билан.

Тўрабек хижолат тортиб, ёлғонлади:

— Овга-да, тоға, нимага бўларди. Бу атрофда шу чуғурчуқлардан бўлак отадиган яна нима боракан деб...

Қалон тоға энди жийда устида хийла сийраклашиб қолган «бозорчи қушлар»га қараб қўйди.

— Э-ий, бўтам, ҳаммаси довримиан. Сизларнинг вақтга келиб шундай бўлди-да, қирилиб битди-да. Бўлмаса бу ерлар ҳар тустовуғу какликларнинг макони эди. Қўйиб берса чорбоғгача кириб келарди. Далварзинтепа-ку, олтойи тулкиларнинг ини эди. Энди дорига топинг-чи! Далварзиндан тилла чиқибди дейишса ишонарман, лекин олтойи тулки учрабди деса, ўлай агар ишонсам!

Тўрабек аста жойига чўкиб, бош чайқади.

— Уни қаранг-а, қирилиб битди денг...— Хаёлидан бошқа гап ўтди: тиллага шама қилишидан бу қув чол

бир нарсани билади шекилли, а? Қаёқдан ис олақолди экан дарров?

Калон тоға «нимасини айтасиз» дегандай им қоқди:

— Ҳайвонот боғларингизда ҳам унақаси бўлмаса кераг-ов. Кечасилари ёнингиздан ўтиб қолса, борми, ҳай-ҳай-ҳай, уккағарнинг сағриси ёнарди-е, ёнарди. Тилла тулки дердик биз. Қани ўшалар?..

Тўрабекнинг назарида чол унинг тиззасига кўз ташлаб қўйгандек, чўнтагидаги нарсанинг бир чеккаси унга ярқираб кўриниб тургандек бўлиб, сесканиб кетди. Бейхтиёр қўлини ўша ёққа юборди:

— Шуни айтинг-шуни айтинг. (Тавба, авлиёми бу чол? Нуқул тилладан гапиради, ҳеч чўнтагимдан кўз узмайди?)

Ҳовлида узун қизил қўйлак устидан бахмал камзул кийиб, бошига қат-қат рўмолини қоядай қилиб ўраган хотин — Калон тоғанинг кампири кўринди.

— Ҳай, қарашвормайсизми, гап сотмай.

— Э, дарвоқе.— У ўрнидан ярим туриб, яна ўтирди.— Ҳо-зир, пича сабр қил,— кейин Тўрабекка юзланди:— Айтмоқчи, улим, тиллатопар шерикларингиз кўринишмайди? Хонага қамалволиб... чиқмай қўйишди? Тинчликми? Бугун гуруннга чиқишмоқчийди?

— Тинчлик, тоға, тинчлик.— Тўрабек ўзига топширилган вазифани эслаб, ҳушёр тортди, ҳар эҳтимолга қарши боя ўйлаб қўйган гапини такрорлади:— Нима гап бўларди?! Тошкентдан телеграмма кепти. Зудлик билан чақиришибди. Шунга қамалволиб доклад тайёрлашяпти-да.

— Ҳа-а, ундай денг,— дея бош силкиди тоға, кейин ғалати жилмайди.— Аммо қозон-товоққа уннаб юрманглар! Искандарқулга ҳам тайинлаганман. Бугун бизни-кида майрам. Чиқасизлар. Чол-камбир чимилдиқ кўрганимизга қирқ йил бўпти-е. Шунга би-ир жонлиқ сўйдирганидик. Айтасиз-да, тайинлаб?..

Тўрабек қўл қовуштирди:

— Айтаман, тоға, айтаман.

— Шуйтиб, мен бораверайин-а Ишондим-а?— Тоға кетатуриб ишонқирамади чоғи, тўхтади.— Ё Искандархонга ўзим...

Тўрабек шошиб қолди. Азза-базза чақириб бормоқчими?

— Э, йўқ, ҳеч ҳожати йўқ, тоғажон. Хотиржам бўлаверинг. Ўзим тайинлаб айтаман. Сиз чақирасиз-ў, биз чиқмаймизми?

— Ҳа, яшанг, гап деган бундай бўпти.  
Тўрабек қайтиб жойига — ғўлага омонатгина ўтирди.

Уфқлар ўсма тортиб, ўнгирлар юзига қора тўр ташлай бошлаган. Чор атрофда енгил туман сузиб юрибди. Осмон ўша-ўша мовий рангда-ю, лекин кундузгидай эмас. Студентларни Далварзинтепага олиб кетгани келган машина чўзиб-чўзиб сигнал беради, лекин қани энди улар тезроқ йиғила қолишса. Ҳалигача Зарапетяндан ҳам дарак йўқ. Студентларни тезроқ жўнатиб, кела қолмайдимми-я. Хабари йўқ-да, бу ёқдаги гаплардан. Бўлмаса-ку ҳар қандоқ ишини ташлаб чопарди-я. Олтин кимни шошириб қўймаскан? Узидай одам қандай қўл чўзганини сезмай қолиб ўтирибди-ку. Олтиннинг жилваси одамни диндан чиқаради деганлари шу экан-да. Бўлмаса, унга нимага зарур эди? Нима камчилиги бор эдики, шайтон йўлдан оздирди? Нимага яратмоқчи бўлди? Ростдан Миркомил учун олдимми? Балким...

Биров бехосдан унинг елкасига таёқдай қўлини ташлади:

— Бормисиз, Тиллатопака!

Тўрабек сапчиб тушди, азбаройи қўрқиб кетганидан милтиқни ўнглаб орқасига ўгирилди:

— Ким?!

— Эй-эй-эй, бу-бу... мен!.. мен... мен-ку.— Осмондан тушган меҳмон қўлларини кўтариб, орқасига алпонг-талпонг тисарилди, кейин лаблари аллақандай қийшайиб кулди.— Мен-ку, Тиллатопака.

Тўрабек уни таниб, милтиқ учини четга оларкан, кўксига туф-туфлади.

— Э, омон бўлинг-э, Ғани ака. Шунақа бехос келасизми?— деб койиган бўлди.— Нима қилиб юрибсиз бемаҳалда?

— Узим... ўзим... ўзим.— У тортинчоқлик биланми-кан бошини саланглатиб, кўзларини олиб қочиб сассиз кулди, кейин косовдек қора қўлини чўзди.— Чек... чек... чекишдан олинг.

Тўрабек чўнтагидан «ВТ» олиб, қутиси билан узатди.

Думбул Ғани қўллари қалтираб хийла уриниб, қутидан бир дона сигарета олди-да, лабига қистириб, қолганини қайтарди.

— Олаверинг, менда бор. Яна кимдан сўраб юрасиз?

Думбул Ғани ичига тушиб кетган мунчоқдек кўзларини юмиб, норози тўнғиллаганча бош чайқади:

— Хум... хум... хуморбосдига оллим-да, ака,— деди, кейин кулди.— Бан... бан... банги деманг биззи...

Тўрабек унинг ўзига яраша қайсарлигини эслаб, сигаретага қўл чўзди. Тавба, шуям қадрини билади, садақа-эхсонларга зормас... У аллақандай ютоқиб-шошиб, чекишни қўмсаб, гугурт чақишга уринар, лекин қўллари қалтираб, ҳадеганда уддасидан чиқа олмасди. Гугурт чўпининг бири синиб, итқитди. Бошқаси чала ёниб ўчди. Яна бирини узоқ чизди, лекин тескариси эканми, ҳеч иш чиқмади. Охири бошқасини ёндириб, кафти орасига олди. Тўрабекнинг қаршисида бир вақтлар шу Далварзинтепадан тилла дубулға топиб олиб, яна йўқотиб қўйгач, савдойи бўлиб қолган, ҳаддан ташқари қотма, ҳаддан ташқари узун бир одам турар, у телбаларча ютоқиб-ютоқиб тамаки тутунини ичига тортар, папирос учи чўғланиб-чўғланиб кетар эди.

«Олтин ўлсин-а, шундай гунгурсдай одамни... шунчалик абгор қилса...» деб ачиниб кетди Тўрабек унга қараб туриб. Илгари эгнига қорасатин чопонми, беқасам тўнми кийиб балодай юргувчи эди. Бошидан унниққан бўлса-да, шоҳи белбоғ тушмасди. Энди булар ҳаммаси қаердадир қолиб, тоза ғалати кийиниб олибди. Ҳали қиров тушганича йўқ-ку, эгнида қўсқи пальто, оёғида қўнжли ипсиз ботинка. Бошда ҳеч вақо йўқ. Пальто ҳам тиззадан икки қарич тепада. Олди валонгару ёқасини кўтариб олган. (Балки ўзи кўтарилиб қолгандир.) Мошгуруч соқоли беўхшов ўсиб, патак бўлиб кетибди. (Одамлар соқолингни олдиргин, деб пул берса, олмайдилар бу кишим, пулим кўп деб ноз қиладилар.) Қўйину чўнтаклар тах-тах қоғозга тўла. (Еру кўкка ишонмай, ўзи билан олиб юргани қизиқ.)

У папиросни беш-олти тортиб, кўнгли ором топди шекилли, ҳозиргина Калон тоға ўтирган тўнкага кетини кўйди. Тўрабекка ҳиссиз, маънисиз кўзларини тикди. Юпқа лаблари чўччайиб, боши қалтиради:

— Қа... қа... қалайсиз, Тиллатопака? Тинч... тинч... тинчлик-ми?

— Тинчлик, Ғани ака, тинчлик. Далварзинтепани кавлаштириб ётибмиз, тилла дубулғангиз қачон чиқаркин, деб...— «Жиннимас, авлиё шекилли бу одам. Бўлмаса хазина чиққан куниёқ етиб келадими? Яна, тинчликми, деганига ўласизми? Ҳали менинг тегишимни берасизлар деб туриб олса-я». Тўрабекнинг юрагига ғулғула тушиб, уни гап билан чалғитишга шошилди,—

Айтмоқ-чи, Ғани ака, қўйнингиздагилар пулми, нима? Жуда бойиб кетибсизми?

Далварзинтепа Гулливери дўмпайган қўйнига беҳазил шапатилаб қўйди.

— Бу... бу... буми? Ло... ло...лотерея. Ютсам сот... сот... сотиб оламан дубулғамни силардан.

— Кейин-чи? Кейин нима қиласиз уни?— деб атай ўсмоқчилади у. (Жиннинг нияти соф бўлади дейишади. Шу тўғримикан?)

Думбул Ғани хижолатли кулимсираб, ерга қаради.

— Уйланаман. Уғ... ўғ... ўғлимни ўқитаман... Ма... ма... маълимликка. Топ... топ... топберасизлар-а дубулғамми?

— Топиб берамиз, Ғани ака, топиб берамиз. Сиз илтимос қиласизу биз топиб бермаймизми!— Тўрабек энди унга таскин бериб, алдаб-сулдаб жўнатишни ўйлаб қолди.— Йўл бўлсин ўзингизга?

— Шу де... де... Деновга тушиб чиқсамми, девдим.— У папирос қолдигини четга ташлаб, қўзғалишга шайланди.— Анув... анув... анувларингиз бориди-ку...

— Ким?— Тўрабек хавотирланиб қолди. Искандарни топиб берасан деб қолмаса гўрга эди. Буни алдаб, қайтариб бўлса экан.

У пешонасини уқалаб, сапча калласини қалтиратди:

— Анув... анув... кат... кат... катталариз бору...

Тўрабек унга ачиниб ўрнидан турди.

— Ҳа-а, Искандарми? Бошлиғимизми? Эртага Тошкентга кетадиган. Доклад ёзпти. Бошлиқлар чақиришибди.

— Ҳа, майли,— дея у кўнақолди. Урнидан туриб кетини қоқди. Шимини кўтариб қўйнидаги тах-тах қозғоларни тўғрилаган бўлди. Кейин кутилмаганда унга қўл чўзди.— Хўп, эмаса, ака! Мен... мен... мен кетдим. Айтиб, айтиб қўясиз-а?

Тўрабек унга ачиниб ўрнидан турди.

— Деновга бўлса, эртаминан борарсиз. Автобуслар ҳам ётиб қолгандир.

— Эрта-мертан? Ма... ма... машинам бор-ку, машинам. Кутиб турибди анув етта. — У худди ҳазиллашгандай беўхшов бир илжайиб қўйиб, лапанглаганча катта кўчага қараб юриб кетди. У икки ёққа шох ташлаб борар, худди йўқотган тилласини яна қайта топиб оладигандай ердан кўзини узмасди.

«Бир донасини шу одамга бериб юборсак суюнганидан... тузалиб кетармиди балки. Ўзим-чи, ўзим? Шунга

бериб қутулиб қўяқолсам-чи?» Дафъатан хаёлига келган фикрдан Тўрабек шошиб қолди. Бир кўнгли унинг орқасидан чақирмоқчи бўлиб ўрнидан қўзғалди-ю, лекин журъати етмади.

Нимадан қўрқди? Олишиданми ё овоза бўлишидан? Ҳар иккисидан-ов... Ё тавба, унга нима бўляпти ўзи?

Думбул Ғани эса катта йўлга ошиққанча ундан узоқлашиб борарди.

#### 4

Думбул Ғанининг келиб-кетганини эшитиб, Искандар ростакамига хавотирга тушиб қолди. Калон тоғанинг сўраб-сўриштириши — майли, тушунарли. Кечқурунги зиёфатга айтиб чиққандир. Лекин Думбул Ғанининг тентираб келиши қизиқ.

...қаердан ис олақолди у? Ким кўрибди экан? Бутун Сурхонга овозамиз кетди десанг-чи, ҳали?..

Движок пат-патлаб туриб, тариллаб юборди-ю Денов хурмосидай қизарган лампочкалар бирдан ёниб, стол устию бутун хона ичи ғайритабийй ёришиб кетди. Ҳозиргина ўзлари рўйхатдан ўтказиб бўлган қуймалару тақинчоқлар учқунланиб жилваланар, аланга олиб ёниб кетадиганга ўхшар эди. Валентина «Вой!» деганча қўлига тушган нарса билан унинг устини ёпиб қўяқолди. Кейин тараддуланиб Искандарга кўз ташлади:

— Зиёфатга чиқадиغان бўлсак, буни... темир сандиққа жойлаб қўяқолайлик. Бехавотирроқ.

— Тўғри, биттамиз чиқмай қолсак ҳам тоға хафа бўладилар. Ахир, эшикниям қулфлаймиз-ку,— дея унинг гапини қувватлади Зарапетян.

Тўрабек эшикка кўз ташлаб қўйди.

— Совғамиз-чи? Обид ҳали битиргани йўқ-ку, қуруқдан-қуруқ, шўппайиб чиқамизми?

Искандар энди қўлини қўлига ишқаганча шерикларини шоширди:

— Бўпти. Вақтинча шу сандиққа жойлай турамиз. Қани, бўла қолинглар. Калон тоға яна чақириб қолмасларидан.— Улар биргалашиб ишга киришиб кетишдию Искандар қолган режаларини ҳам биратўла айтиб қўяқолди.— Агар Обид ишини тугатмаган бўлса, яна яхши. Шийпонда қора бўлиб, ишлаб туради. У битириб боргандан кейин биттамиз киши билмас ўрин алмашамиз. Зарапетян, сен келасан, Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам. Нима дединг?

— Майли,



— Лекин, йигитлар, ўтиришни чўзиб юбормайсизлар. Эртага тонг саҳарлаб йўлга чиқадиган одамсизлар-а? Ундан кейин, ким кетишини ҳам келишиб олишингиз керак. Тўғрими?— дея эсга солди Валентина.

Искандар маъқул дея бош ирғади. Лекин эрталабга машина айтмагани эсига тушиб, Тўрабекка юзланди:

— Дарвоқе, Чорига тайинламабмиз-ку эрта билан вақтли келишини. Сен гаражга бориб келсанг бўларди машинани ташлаб кетмасидан. Тез қайтасан-да, майлими?— У оғир олмайсан-да, оғайни, дегандай илтимосла тикилди.

Тўрабек унинг сўзини ҳеч иккита қилмаган. Ошна тутинибдики, шундай. Қобил ака-укалар ҳам бунчалик бўлмас. Ҳозир ҳам у майли, деди-ю аллақандай енгил тортиб, учиб-қўниб эшикка йўналди. Худди ўзи кетишга баҳона тополмай ўтирган одамдай... Ёки Искандарга шундай туюлдимики?

Йўқ, ана, у остонада тўхтаб, орқасига қайрилди.

— Неччига келсин? Беш эрталик қилмайдими?— деди.

— Иложини қилса, келаверсин вақтлироқ. Кун чиққунча Деновга етиб олсак яхши-да. Дарвоқе, бензин эсидан чиқмасин-а, бензин...

— Тайинлаб келаман.— У шийпон полини гурсиллатиб босиб, пастга тушиб кетди.

...ҳали ҳам бўлса, шунинг ўзи тузук йўлга. Пишиқпухтагина. Устига-устига синашта, хиёнат нималигици билмайди. Дўст деган шунчалик бўлар-да.

Искандар беихтиёр у билан илк танишган кунни эслади. Улар Чўлпонота яқинидаги Қўшилиш деган жойда кўҳна одамлар яшаган фор-масканларни қазиб кўраётган археологлар қўлида практикада юришган эди. Кейин яна бир гуруҳ юқори курс болаларини олиб келишди. Тошкентнинг шундай биқинида етти ухлаб тушга кирмайдиган ажойиб овлоқ жойлар борлиги ҳам-мани ҳайратга солар, ҳатто кўпни кўрган археологлар ҳам бу ернинг табиатига беш кетиб қўйишар эди.

Оқтепадан бошлаб, баланд-паст тепаликлар, жар-журлар оралаб бир терак бўйи пастдан оқиб келган Бўзсув шу ерга етганда ҳатлаб ўтса бўладиган Изза сув билан қўшилиб, пурвиқор тепалар ўртасида Қўшилиш кўлини вужудга келтирган, у балиқчи қушу кўк-каптарлар, ўрдагу ғозлар, тик жарларга ин қўйиб ташлаган минг хил қушларнинг ватанига айланиб кетган эди. Сал тепароқда — чимзорларда мол боқиб юрган

болакайлар эртадан-кечгача сувдан чиқмайди. Иззага тўр ташлаб, қийқириб балиқ тутишади. Студентлар ҳам тушлик бўлди дегунча чала-чулпа овқатланиб кўлга чопишади.

Муздек сувда яйраб-яйраб қулоч отиш бир роҳати-жон, оёқ куйиб тепаликларга чиқиш, ўзни офтобга тоблаб ётиш бир оромжон.

Шундай гаштли кунлардан бирида практикантлар, бошларида соябон, тепа устида давра қурганча елкаю орқаларини офтобга тоблаб, карта ўйнаб ўтиришар, ғир-ғир эсган илиқ шабада ҳам, офтобнинг елкаларни жиз-жиз куйдириши ҳам хуш ёқар эди; ҳали-бери ўрниларидан туришни ўйлашмасди. Шунда нариги даврада ютқазганлардан кимдир: «Мен кетдим», деди-ю сувга қараб чопди. Сал ўтмай ўзини пастга отди, шекилли, сув шалоплаб, кўл юзасини унинг акс-садоси тутиб кетди. Ваҳимасидан балиқчи қушлар чиёв-чиёвлаб учиб ўтди. Кўк каптарлар потирлаб осмонга ўрлади. Тик жарга ин қуриб чирқиллашиб ётган минг хил қушларнинг уни ўчиб, ўзи гурра кўтарилди. Шу баробар у сув юзига отилиб чиқди-ю, негадир қулоч отмай, яна шўнғиб кетди. Яна боши кўриниб, «Ауф!» дея ҳайқирди.

— Чўкяпти, болалар!— деди кимдир ваҳима солиб.

— Қим-ким?!— деб ҳамма ўрнидан турди. Бу орада унинг боши яна кўринди. Худди атай қилаётгандай кетма-кет пишқирар эди. Яна шўнғиб кетди.

— Тўра-ку. Ҳазиллашяпти!— деди нариги даврадаги курсдошларидан бири.

— Сузиш бўйича шаҳар чемпиони-ку. Бизни лақиллатяпти,— деди бошқаси. Бу гапни эшитиб ким қайтиб жойига ўтирди, ким аланглай-аланглай ўйинни давом эттираверди.

...чемпион бўлса ҳам... оёғи тортиб қолган бўлсачи?..

Искандар хаёлига келган фикрдан юраги бир жимирлаб, ўрнидан ирғиб туриб кўлга қараб чопди. Кейин қандай мўлжал олиб, ўзини қандай сувга отганини, бир калла ташлашдаёқ қанақасига унинг ёнидан сузиб чиқиб, қўлтиғидан даст кўтариб олганини билмайди. Уни кўплашиб қирғоққа тортиб чиқаришганда Искандарнинг ўзи тамом ҳолдан тойган, сувда зўрға турар, биров қўлини чўзмаса, чўкиб кетадигандек эди. Хайриятки, уни ҳам тортиб олишди.

Нима бўлганини кейин Тўрабек айтиб берди. Сувга ўзини отгандаёқ оёғининг томири чангадек тортиб

қолган экан. Кейин шунча уринса ҳам сув юзига юзиб чиқиб, чапак отиб кета олмабди. Қутқаринглар деб бақришига эса орияти йўл қўймасмиш. Ғурурни қаранг, чўкиб кетса майли эмиш.

— Охири бақирмоқчи эдим, қарасам кимдир қўлтигимдан даст кўтариб оляпти,— дейди яна хижолато-муз...

Шу воқеага ҳам ўн йил бўляптими-ей. Лекин кўз тегмасин, ҳали бир-бирларидан кўнгил қоладиган иш қилишганича йўқ. Биров-бировларининг маслаҳатсиз ҳеч ишга қўл уришмайди. Унга ишонмаса кимга ишонади?

Искандар хазинани темир сандиққа жойлаб бўлиб, бўлак шерикларига ҳам синовчан зингил ташлаб қўйди: «Булар-чи? Балки буларнинг ичида ундан ҳам ишончлироғи бордир? Валентина жуда мос эди-ку, қиз бола-да. Шу софлиги, шу бир сўзлигига ўғил бола бўлиб туғилмаган-да. Зарапетян бундай ишларга чапдастликка чапдаст-у, сал одамови, дамдуздроқ. Обид-чи, ахир, Обид? Экспедицияда ундан садоқатлиги йўқдир. Искандарнинг бир оғиз гапини қонун деб билади-ку. Яна нима керак? Айни соқовлигимми?.. Ҳаммаси ҳам барака топсин, ёмон одамлар эмас. Лекин бунақа ишга жуда маҳкамани танламаса бўлмас.

...ким экан ўша имони мустаҳками? Қайбири олтиннинг жилвасига учмайди? Бунга қандай билса экан?

Улар темир сандиқни қулфлаб, йиғиштирилиб шийпонга чиқдилар. Обиднинг ишини кўргани унинг олдига бордилар. Суюғи бузуқ, хунуқкина йиғитнинг қалами сеҳрли эдими ё ўзи сеҳргар эдими, ҳар чизигидан катта оқ картон қоғоздаги расм жонланиб, Қалон тоға билан кампири сувратланиб борарди. Бошига қат-қат фўта рўмол ўраб, бўйнига ранг-баранг мунчоғу маржонлар билан бежалган ҳапамат таққан кампир худди эсдаликка сувратга тушаётгандек тоғани қўлтиқлаб олибди. Тоға ҳам эғнида беқасам тўн, узун-узун қўлларини кўксига чирмаштирганча, виқор тўкиб турибди. Қув кўзлари билан худди «биздек қўшақаринглар-чи, қўлингиздан келармикан», деяётгандек.

Топибди. Жуда ўринлатибди. Тоғани айниқса беш кетадиган қилиб чизибди. Хўп вақтида буюрган эканми. Бўлмаса қуруқдан-қуруқ сўппайиб кириб боришарди. Тоғанинг ўзи индамаса ҳам кампири айтади. Сиз қўй сўйиб, устларида ўлиб-қутулиб юрибсиз, кўрган кароматингиз, қадрингиз шуми, деб бир карра

айтиши бор. Эркак одам ичига ютиб кетар, лекин хотин киши — хотин киши-да.

Ярим соатлардан кейин улар жамулжам бўлиб, Қалон тоғанинг айвонида дастурхон атрофида ўтиришар, ҳар кишига бир косадан қайнатма шўрва тортилиб, ўртада катта лаганда ҳил-ҳил пишган олам-жаҳон гўшт турар, чархи товоқдай қизил юзли кампири билан тўрдан жой олган тоға шошилмай пиёлаларга Дашнобод анорининг сувини қуяр эди. Ниҳоят, қирмизи пиёлалар қўлга олиниб, Искандарга сўз берилди.

У хазинадан кўнгли тўқ, қолаверса, чироқлари чарақлаб ётган шийпон томонга қараб ўтирибди. Фақат... фақат боя ичкари уйга гирдоб патнисни олишиб юборгани кириб, ногоҳ кўрган нарсаси... ҳеч кўз ўнгидан кетмайди. Узун токча тўла тах-тах коса, чойнак-пиёлалар, орқасида катта доира патнис, тепада эса, бошдан-оёқ суврат. Улар ичида бирдан таниш чеҳрага (бошига умрида биринчи марта фўта рўмол ўраб, бўйнига биринчи марта бунақа маржон тақинчоқ таққани сезилиб, хандон ташлаб турган келинчакка) кўзи тушиб, тахта бўлиб қолди. У юз, у бўй-баст, у қора бодом кўзлар шундай таниш, шундай юракка яқин эдики...

— Офтоб...ми?— деб юборганини ўзи сезмай қолди.

— Ҳа, Офтоб келиним! Моҳтоб келиним,— дея Қалон тоғанинг кампири ҳеч нарсадан беҳабар мақтанди.— Аломат-да ўзи ҳам, барака топкур, неварра келинимиз. Бир келганида тушган. Танийсизми?

Таниганда қандоқ, билганда қандоқ! Лекин бу кампирга у тарих, у кечинмаларни айтиб бўларканми?! У ҳақда оғиз очиб бўларканми энди? Во дариғ. У малак, у соҳибжамолни илиб кетган, Миркомилни не кунларга қолдириб Офтобидан жудо этган учар шу ёқлардан экан-да. Шу чол, шу кампирнинг невараси экан-да. Лекин бу ҳақда Хизрдан ҳам пок манави чол-кампирларга қандай айтади? Айтганда ҳам нима деб айтади?!

— Танийман, она, танийман. Бизнинг томонлардан... Сизларга тушганакан-да,— дея олди у.

Аммо туриш-турмушини шунча билгиси келса-да, унинг ҳозир қаерда яшашини сўрай олмади. Қандай ҳам сўрасин?!

Шу-шу, турса ҳам, ўтирса ҳам кўз ўнгида у — Офтоб, ҳазил-ҳазил ичида фўта ўраб, маржон тақаётган ўша келинчак. Миркомил дўсти бир умрга йўқотган Офтоб намоён бўлаверяпти. Тақдирнинг ўйини шунчалар аччиқ, шунчалар чалкаш бўладими? Фақат бир

нарсагина таскин беради. Қаерда бўлса ҳам у соғомон экан, ёмон одамларга келин бўлиб тушмаган экан. Ахир куёв бегона эмас, манави одамларга неварга эканку. Шундай одамлардан ёмон одам чиқмас, ахир? Шунданми ё манави зиёфат баҳона Офтобнинг дараги чиқиб қолганиданми, Искандарнинг кўнгли бир хушнудлик сезиб, ўзи бир ширин сўз айтгиси келиб кетди-ю тўлқинланиб ўрнидан турди:

— Тоға, сиз ҳақиқатан пири бадавлат одам экансиз. Уғил-қиздан тинчибсиз. Оқ уй, олабаргоҳ уйда яшайсиз. Тинч-хотиржамсиз. Бировдан қарзингиз йўқ. Баъзиларга ўхшаб, бемаҳал эшик тақилласа, юрак ўйноғига тушмайсиз. Негаки унақа айбингизнинг ўзи йўқ. Одамнинг юзига тик қарайсиз. Ўзингиз, минг қатла шукрки, ҳали ҳам қарчиғайдайсиз. Опоқим ёнингизда дўмбиллаб юрибдилар. Одамга бундан ортиқ нима керак? Қани энди ҳаммамиз ҳам сизлардай қўша қарисак, ҳалол-пок яшай олсак. Мен шу қадаҳни шу анор сувидай тотли ҳаётингиз яна узоқ давом этиши учун, бир-бирингизни еру кўкка ишонмай юраверишингиз учун кўтараман. Омон бўлинглар, тоға!

У бу кунги энг хуштаъм нарса — пиёладаги Дашнобод анори сувини сипқориб, бошқалар ҳам қадаҳларини бўшатишларини кутиб, туриб қолди. Кейин Обидиннинг ижодини қўлга олди:

— Эянда, Калон тоға, мана бу арзимас совғамизни қабул этишингизни сўраймиз. Опоқимлар билан ҳамиша мана шундай қўлтиқлашиб юраверинг.

Айвонни қарсагу кулги тутиб кетди. Кимдир расмни Калон тоғадан олиб, деворга ёпиштириб келди. Ҳамма ўша ёққа ўгирилиб, яна қарсак чалиб юборди. Тоға билан кампири ўзида йўқ қувониб, тек турганча ҳаммага бир-бир таъзим қилишар, ҳамманинг устида айланиб-ўргилишар эди.

— У-ў, минг раҳмат, улларим, минг раҳмат! Бопладинглар лекин! Бошимиз кўкка етди! Илоҳим, бизнинг ёшимизга етиб юринглар. Омон бўлинглар,— кейин дастурхонга қистай кетишди:

— Қани, овқатга қаранглар. Совумасин. «Олинг-олинг» йўқ бизда, қани, ҳа!..

Улар косалардаги қайнатма шўрва ичилгандан кейин лагандаги гўштга ўтдилар. Калон тоға энг шимариб гўшт майдалаб, ҳар кимга бир устихондан узата бошлади.

— Бу сизга, буниси сизга...

Искандар эса хаёлида Офтоб, говур-гувур ичида киши билмас шийпонга, ундан хазина турган хонага назар ташлаб-ташлаб қўяди. Унга бу зиёфат бекорга уюштирилмаганга, ҳозир улар ўзлари билан ўзлари оворалигида кимлардир ўша томонда ўралашаётганга ўхшайди. Аммо бирдан сергак тортиб, ич-ичидан уялиб кетди.

...олтиннинг васвасаси ўлсин-а! Одам не паст хаёлларга бормаиди-я. Ўзим ҳозир мақтаган одамлардан ўзим гумонсираб ўтирсам... Баракалла-е!

Гангур-гунгур билан лагандаги гўшт яримлаб, анор сувли пиёлалар икки айланди. Кампир катта чойнакда чой келтирди. Тоға эса ора-сира ҳазил аралаш меҳмонларни дастурхонга қистаб қўяди. Ниҳоят, ўзи лагани тозалаб, қўлини артди ва:

— Шу тахлит яшаган юз йил умр кўради. Бир халта тилланг бўлмасин, бир жуфт қўйинг бўлсин,— деб нақл айтди. Гапдан-гап чиқиб ҳамма қариялардек насиҳатга тушди. Кейин ҳикоятга, ундан ривоятга кўчди.

Кузнинг кечки ҳавосию мойдек кетаётган кўк чой танга хуш ёқиб, ҳеч ким ўрнидан тургиси келмас, движокнинг бир меъёрдаги гуп-гупи, чироқларнинг чарақлаши қўшилиб, зиёфатга аллақандай файз киритиб юборган эди. Калон тоғанинг ривоятлари-ку ўзи бир олам. Нафас ютмасдан тинглайди одам.

— Эй, бўталарим, бу дунё шунақа сирли дунёки, унда ишонган бир кишингсиз ёки бир дўстсиз яшашдан маъни йўқ. Лекин садоқатли бир дўст топмоқнинг ўзи шундай мушкулки, бу ҳақда ровийлар бундай демишлар.

#### КАЛОН ТОҒАНИНГ ШУ КЕЧА АЙТГАН РИВОЯТЛАРИДАН

Қадимда юртнинг оқилу доно бир оқсоқоли бўлган экан. Шу кабир одам бир куни қавмларини имтиҳон этиб кўрмоқни дилига тугиб, юртнинг ҳар чеккасига жарчи йўллаб, одам чақиртирибди.

— Эй, одамлару одамлар, боғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар, Оқсоқол бува сизни чорлайдилар-о-о... Юртнинг олди йигитларига хизмат бор-о-о... Қимда-ким Оқсоқолимизнинг муборак топшириқларини ўтамоқ ниятинда бўлса келаверсин-о-о...

Айтилган кун тумонат одам йиғилиб, сафар истагини билдирганлар ўртага чиқибди. Улар беш нафар келбатли-келбатли, забардаст йигитлар экан. Оқсоқол

улар билан омонлашиб, мамнун бош силкибди.  
— Баракалло, жўмардлар, сўзимни ерда қолдирмай келибсизлар. Энди сизларга муборак топшириқ шуки,— дебди у,— ҳар бирингиз алоҳида-алоҳида йўлга отланасиз. Йўлки, чўл-саҳролар, тоғ-тошлар, довонлар ошиб ўтишингиз, дарёи сойлар кечишингиз, кўп заҳматлар чекиб, неча кечаю неча кундуз юришингиз, шуйтиб биз айтган омонатни фалон ерга (у қулоққа чалиниб-чалинмаган бир жойнинг номини айтибди) етказишингиз керак. Ҳар ким ўзи ишонган дўстини айтсин, майли, ҳамроҳликка берамиз. Валекин омонатга хиёнат қилакўрмаглар. Унинг нима эканини ўйламоқ ўзи гуноҳ. Омонатни очиш-ку, шайтон йўлдан оздиргани билан баробар. Фақат у муборак манзилга етиб борганларгина уни очиб кўрмоққа ва демакки, бизнинг иноятимизга ҳақлидирлар. Энди сизларга йўл тадоригини кўришга рухсат. Кун оша биттадан келасиз,— дея йигитларга жавоб берибди.

Энг аввало суқсурдай бир йигит ҳамсояси билан ташриф буюрибди:

— Мана, биз келдик. Юрт ота, хизматингизга тайёрмиз. Омонатни беришса бас, ҳозироқ жўнаганимиз бўлсин!— дебди киприк қоқмай.

Оқсоқол кўпни кўрган мўйсафид эмасми, бир жилмайиб қўйибди-ю, ичкаридан зарбоф қийиққа ўралган бир тугунча олиб чиқиб, уларга топширибди.

— Мана шуни етказасиз, мукофоти ҳам ичида,— дебди у. Суқсур йигитлар мулозамат-ла хайр-хўшлашиб жадал йўлга тушибдилар. Оқсоқол уларнинг ортидан яна боягидек жилмайиб қўйибди. Негаки, қадам олишларидан уларнинг кимликлари аён бўлган, узоқ йўлни ўйлаган одамга сира ўхшамас эканлар. Ниҳоят, хаёли тугунчада нима борлигидан нари ўтмаган ҳалиги сафардошлар юрт сарҳадидан чиқибоқ... ўзларини бир хилватга уришибди.

Талашиб-тортишиб сен эмас, мен деб тугунчани очишса... қай кўз билан кўришсинки, латта-лутталарга ўралган қалай, қўрғошинлар ичидан... бир битик чиқибди. Унда шундай сўзлар битилганмиш: «Эй ғофил қавмгинам-а, ўзингизни бадном этадиган бу йўллардан қачон қайтаркансиз-а, қачон?»

Шу-шу, у йигитлар қавмлари орасига қайтолмасмишлар, ўзга юртларда мусофирликда қолиб кетганмишлар.

. . . . .

Искандар лол қолди: тавба, бу қув чол бир нарсани билиб айтяптими бу ривоятларни? Еинки тасодифми?..

Дастурхон теварагида ўтирган археологлар ҳам худди шуни сезгандек, бир-бирларига маъноли қараб олишди. Қимнинг қароғида хавотир, кимникида ҳайрат, кимнинг кўзида ҳайронлик, кимникида таажжуб аксланди. Фақат Калон тоға ўша-ўша тўрда қўр тўкиб, кўпни кўрган мўйсафидлардай жилмайиб ўтирибди: шунақа, қари билганини пари билмас дегандайми-ей, уларнинг содда-анойилигидан кулгандайми-ей.

5

— Тоға, энди бизга рухсат. Катта раҳмат зиёфат учун. У ёқда озгина чала ишлар қолган. Бўлмаса тонг-отар суҳбатингизни оладиган хонаси эди. Узр,— дея Искандар ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйди: «Ўзингиз тушунасиз-ку...»

«Муомалани ҳам хўб қийиб қўяди-да, дўстим. Қиттак ёлғон аралаштирмади-я, тавба,— деб ичида ҳайратга тушарди Тўрабек.— Унинг ўрнида бошқа одам шусиз иложим қанча деб ўнта ёлғонни қўндириб кетмасмиди? Кетарди. Бунинг учун уни ҳеч ким айбламасди ҳам. Лекин бу ошнам икки дунёда ундай қилмас».

Калон тоға беманзират кўз пирпиратди:

— Шундайми? Эрта-мертан қайдасан Тошканми, улим?! Ундай бўлса, ижозат-ижозат. Хуш келибсизлар. Бизнинг ёшга етиб, гулдираб-гулдираб юринглар, илойим,— дея аzza-баzza эгилиб қуллуқ қилди у.

— Раҳмат, тоғажон, қарздормиз.

— Мингга кириб юринглар.

— Эндиги гал зиёфат биздан. Мавриди ҳам келиб турибди ўзи.

— Бўлмаса-чи. Тегирмон навбати билан-да.

Улар хайр-хўшлашиб штабга қайта бошладилару Тўрабекни яна ташвиш босди. Тоғанинг зиёфатига чиқиб бирпас унутгандай бўлувди. Қўйнидаги бу нарса қандай эканки, яна эсига тушди-ю... Қаёқданам шунга тегина қолди? Олмаса бўлмасмиди? Шусиз кунни ўтмай қолаётганмиди?

Қайтариб қўяқолай деса, қайтара олмаса. Беркитай деса, беркита олмаса. Қаерга қўйса, худди биров кўриб қолаётгандек, ўл-а, деяётгандек. Тоза дахмаза бўлди-ку, а?

Зарапетян эшикда қоровулчиликда қолди. Улар сейфи очиб, ишнинг чаласини, қуймалардаги ёзувлару



тақинчоқлардаги гул-тасвирлардан нусха кўчира кетдилар. Қийин-қийинларини Обид шипиллатиб эстампаж қилиб ташлар, унинг расмлари тақинчоқларнинг худди ўзига ўхшаб кетар эди. Валя билан Искандар рўйхатни солиштириб чиқиш билан овора. Тўрабекнинг иши негадир ҳеч унмаяпти. Ё хаёли жойидамас, ё олим бўлиб бунақа ишлардан қўли чиқиб қолган. Иккисидан бири. Бўлмаса, ҳамма ўзи билан ўзи овора. Чурқ этган товуш йўқ. Фақат қоғоз шилдираб, қаламу ручкалар қиртиллайди. У бўлса ҳеч хаёлини жиловлаб ололмайди. Хаёл олиб қочгани-қочган: биттаси йўқолганини сезишмади-ку, бари бир. Бунча титраб-қақшамаса? Ҳар жойга бир яширишга уринмаса? Сал қолса боя латтага ўраб, қайси гўрга тикворадиган эди...

Ҳа-я. Чорини гаражга айтгани бориб, йўлакай нималар қилмоқчи бўлмади. Думбул Ғанидай довдираб Далварзинтепага бориб юрибди-я кечаси. Бирорта белгили жойга кўмиб қўяқолайми деб... «Одамнинг жинни бўлиши ҳеч гап эмас экан-а, вой? Мана, ҳеч нарса бўлмагандек юраверса... бўларкан-ку. Ҳеч ким ундан домангир ҳам эмас экан, даъвогар ҳам эмаскан. Нимадан қўрқди ўзи?..»

Шу вақт шийпон орқасидаги движокка нима бўлдию гупиллаши сусайиб бориб, пат-патлаб... ўчиб қолди. Хона ичидаги лампочка ҳам хира тортиб, келиб, чўгга айланди-ю сўнди-қўйди.

— Нима жин урди экан?— дея ваҳимага тушди Валя.

— Аў-аў...— деб Обид ниманидир тушунтирмоқчи бўлиб гўлдиради.

Бирпасда Тўрабекнинг хаёлидан нималар ўтмади: ана, движокни ишдан чиқариб улгурган кимсалар дераза тагидан патир-путур ўтиб, Зарапетяни доғда қолдиришди-ю хона ичига...

Йўқ, Искандар унинг хаёлини бўлиб, ўзига келтирди. Қоронғида унинг овози командирларникидай аниқ, жаранглаб чиқди:

— Тўрабек, қара-чи, движокка.— Эшикка етганда яна буюрди. — Токчадан фонарни олвол!

«Дарвоқе, нима бўлганини қоронғида қаердан биллади?!»

У тўхтаб, тахмин билан токчани тимироскилашга тушди. Кундузи қаерда кўзи тушганини эслаб топгач, худди бир нарсанинг олдини оладигандек ташқарига шошилди.

Унинг юрагигина эмас, бутун томирлари ҳам тегирмоннинг дўлидек дук-дук урар, назарида олдидан номаълум одамлар тўсиб чиқадигандек, у тарс-турс уриб чалпак қилиб ташлайдигандек бўлаверар, негадир бир қахрамонлик кўрсатгиси, ўзича қайсидир айбларини ювгиси келар эди. Қани эди, қани эди, дея пичирларди.

Афсуски, у ўйлаганча эмаскан: Зарапетян билан движок олдидан бўшашиб қайтиб келишди. Ташқарида тиқ этган зоғ кўринмасди. Лекин...

— Движокнинг бензини тақир қолмабди-я!

Қолганлар ҳам эшик олдига чиқиб туришган экан.

— Дарров-а?— дея ҳайратланди Валя.

— Ростдан соб бўптими ё...— Ё биров ўмариб кетибдими, демоқчи бўлди Искандар.

— Қим билсин!— Тўрабек елка учуриб, фонарь ёруғини уларнинг юзига туширди.— Чори кечагина бенвин олиб келгандай эди шекилли?

Зарапетян қўл силкиди:

— Ўзимиз ҳам ваҳмачи бўлиб қолибмиз. Шу движокнинг бензинига ким зор экан? Тугагандир-да ўзи.

— Билиб бўладими?

Худди шу пайт Қалон тоғанинг чорбоғи орқасидаги йўлдан енгил машина чиқиб келиб, унинг ёруғи бир сидра шийпонга тушди-ю ҳамманинг кўзини қамаштириб юборди.

«Бошланди?!» Тўрабекнинг юраги бир ҳаприқиб тушди. Ундай деса, нега чироғини ўчирмай келяпти?

— Қим бўлди экан бемаҳалда? А, Искандар Раҳмонович?— Қиз болалигига бориб, Валя ваҳимага тушиб қолди.

Искандар жавоб ўрнига эшикни қулфлаб, калитни чўнтагига солди. Тўрабек ҳар эҳтимолга қарши фонарни ўчирди: «Салом-алик бўлади, шекилли». У тўс-тўполонни кўз олдига келтириб, негадир олдинга ўтди. «Валяни хонага киритиб юборишса ҳам бўларди, қиз бола нарса», дея хаёлидан ўтказаркан, бу орада машина Қалон тоғанинг уйи олдида тўхтаб, чироғи ўчди.

Эшиклар олдинма-кетин очилиб, тап-туп ёпилди.

— Ҳаммаёқ тим-тирс-ку. Ётиб олишибди чоғи,— деди овозини кўтармасдан олдин тушган одам.

«Айни муддао демоқчимиз ё кечикибмиз деганими? Ундай деса сал хижолатомуз айтди шекилли?» дея тусмоллади Тўрабек.

— Э, қизиқсан-а, Тўхтамиш. Ўзлари айттириб юбориб...

Шериги яна нимадир деди-ю, Зарапетян йўлда турган челақка қоқилиб, ҳеч нарсани англаб бўлмади.

— Тоғанинг меҳмонлари экан-ку,— деди Искандар, тоза ваҳима қилдинларми, дегандай оҳангда.

Нотаниш меҳмонлар оёқларининг чангини тап-туп қоққанча бемалол ҳовлига кириб бордилар.

— Ҳаким тоға! Ҳов, Ҳаким тоға!— деб чақирди олдингиси айвонга етмай тўхтаб.

Уй эшиги очилиб, айвонга қора чироқнинг хира шуъласи тушди. Кейин остонада шифтдек бўлиб Қалон тоғанинг қораси кўринди.

— Ким? Э-ҳа, сенларми? Келинлар-келинлар, шўрчилик жиянлар. Бунча кеч қолмасанлар...

— Шундай кунда айттириб юборасизу келмаймизми? Хизмат бор деганакансиз, келавердик.

— Оталарингга раҳмат! Жиян деган шундай бўлади-да. Қани...— Қалон тоға меҳмонлари билан кўришиб, ичкарига бошлади.

— Э, бор-э, деб бригадликни топширмаганингизда, буйтиб чироқсиз ўтирмасдингиз, тоға.

— Э, ўшаларингга ялинмадим! Оч қорним — тинч кулоғим. Куним ўтмаяптими!..— Уларнинг орқасидан эшик ҳам беркилиб, кўзига газет ёпиштирилган кичкина деразада сариқ қоғоздек ёруғ қолди.

Шийпон четида тик турган Искандар гап-сўзсиз орқасига қайта бошлади. Хона эшигига етгач, чўнтагини кавлаштираркан:

— Шамдан қолганмиди, Валентина Михайловна?— деб сўради.

— Озгина бор эди, шекилли. Етиб қолар бугунга. Искандар эшикни очиб, қизни ўтказиб юборди-да, ўзи йигитларга ўгирилди:

— Бўлмаса, отбой, ўртоқлар. Эрта билан вақтли турамиз. Тўрабек, сен йўлга ҳозирланиб қўй. Мен билан кетасан...

Тўрабек ҳеч кутмаган эди, бир зумда довдираб қолди:

— Нима?

— Мен билан кетасан!— Искандар худди сени ташлаб кетиб бўладими, дегандек кесиб жавоб қилди.— Урнимга Валентина қолади. Зарапетян, сизлар Обид билан отахонадаги ишни давом эттириб турасизлар. Биз тез қайтамиз. Балки душанбагача улгурармиз. Келишдик-а?

— Маъкул,— деди Зарапетян.

Обид каравоти томон юриб, ҳадеб бош силкир эди.  
— Аў... Аў...

Ғақат Тўрабекка ёқмади бу гап: «Ана, Зарапетянчи? Топиб олгани менми?— деб ичида тўнғиллади у.— Борсин уям! Нима қийин топшириқ бўлса, мен балогардон экан-да? Шунча хазинани Тошканга етказиб бориш... ўзи бўладими? Еки у атай шундай қил-яптими? Аनावини сезиб қолиб... ўзиминан олиб кетмоқчими?»

Тўрабек бир кўнгли иссиғида ўзини холи қилиб қўймоқчи бўлди-ю, ўзи нимага боргиси келмаётганини ўйлаб, бўшашди. Гап қайтаришга тили бормади. «Тавба, шу бир бўлак қўйманинг дардида бўйин товляяпманми? Жонимнинг тинчини кўзлаб-а? Улар кетиша қолса-ю мен билганимни қилсам-да? Уят! Ўзим ҳам шу нарсани деб жуда худбинлашиб кетибман. Ишқилиб битта-яримтаси сезиб қолмасин. Сезса, ўлганим-ку! Кейин институтда бош кўтариб юриб бўларканми? Ундан кўра иссиғида секин қўшиб қўяқолганим маъқулмасми? Лекин қандай қўшаман?..»

У хаёлпаршон бир ҳолатда секин айвон четига бориб ўтирди. Шериклари шошилмай ётишга ҳозирлик кўришар, ичкаридан негадир тиқ этган овоз чиқмас, бутун атроф сукунатга чўмиб, қоронғилик пардасига ўралиб ётарди. Узоқда жон-жаҳди билан ит ҳуриди. Шу қоронғида тепадан хунук қув-қувлаб аллақандай куш учиб ўтди. Беихтиёр унинг эти жунжикиб, юраги ғаш тортиди: «Тоза дардисар бўлди-ку? Энди нима қилдим? Қаерга гумдон қилсам экан? Гум-дон?! Ё тавба. Шунақа молпарастманми ҳали? Ўзимни Хизрдан пок ҳисоблаб юрсам... худо уриб қўйган экан-ку. Бўлмаса бу нарса кўзимга нега бунчалик оловдек кўриняпти? Нега воз кеча олмаяпман ундан?.. Шошма. Шу бир бўлак олтин эллик минг турганда ҳам дўстимдан азизмасдир? Азизмасдир-у, лекин... эллик минг қурғур эллик минг-да! Эллик минг билан ҳар нарса қилса бўлади. Миркомилни чиқариб олиш ҳам мумкин. ГАЗ-24 сатиб олиш ҳам. Танноз хотиннинг зуғумларидан бир умр қутулиш ҳам. Аммо...»

Тўрабек шу ўтирган кўйи хаёлига бир нарса келиб, шуури ёришиб кетди-ю ўзи сесканиб тушди. Боя Қалон тоға айтганда эътибор бермаганига ҳайрон қолди.

«Нима бу ўзи? Ривоятмиди ё қизим сенга айтаман — келиним сен эшит қабилидаги гапмиди?..»

## КАЛОН ТОҒАНИНГ РИВОЯТЛАРИДАН

Эртасига Оқсоқолнинг ҳузурига яна икки талабгор, икки ошна кириб келибди. Уларнинг бири шундай хушфеъл, шундай хушмуомала йигит эмишки, унинг мулозаматига ҳатто Оқсоқол ҳам беш кетибди.

— Рухсат этинг, бузруквор, ўша муборак омонатни муаззам манзилга етказишга биз ҳам уриниб кўрсак,— дебди у.

Ҳамсояси ўзига пишиқми-ей, қувроқми-ей кўринсада, нимагадир тилини тийиб, қўл қовуштириб турар экан. Оқсоқол унинг кўзларига бир қур назар ташлабди-ю ичкарига йўл олибди. Хийла иккиланиб туриб, омонатлардан бирини кўтариб чиқибди.

Йигитлар йўлга тушиб, хўп юрибдилар, хўп юрсалар ҳам кўп юрибдилар. Олов пуркаган сахрою чақир тошли тоғлардан ошибдилар. Қумларда тентираб, довонларда дилдираб кўп озор чекибдилар. Сафарнинг нечанчидир кунни тўфонда қолиб, бор буд-шудларидан айрилибдилар. Қултум сувга зор бўлиб, манзил йўлини йўқотибдилар. Шунда ҳалиги хушхулқ одам ҳамроҳига ортиқча озорни раво кўрмай, ўзи йўл кўргани кетибди-ю қайтиб ҳамроҳини топмабди. У эса шундай кунни кутган, кутавериб кўзлари тешилгудек бўлган экан. Ҳамроҳи бурилишдан ўтмасданоқ жуфтакни ростлаб қолибди. У бадбин омонатни хазина деб ўйлаган экан. Тоза олислаб кетиб очсаки... ҳайҳот, жавоҳир ўрнига кумли халтача, ичидан эса, бир парча қоғоз чиқибди.

Унда шундай сўзлар ёзилганмиш: «Пул ошнаси ошна бўлмас, пўкакдан пошна бўлмас. Сенинг ҳирсинг балодир, охир аро йўлда...»

У бадбин қалт-қалт титраб, минг таваллолар қилибди. Бошини ҳар ён уриб дўстини излабди, лекин қани энди на уни, на қайтар йўлини топса.

Оқсоқол уларнинг сафари бесамар кетишини қайдан билди — бу ҳол ҳали-ҳали сир эмиш.

. . . . .

«Тавба. Қалон тоға нимани биладню нимани башорат қилмоқчи? Еки кўзингни оч, бола, деяптими?»

Тўрабек тубсиз саволларга ботганча аста ўрнига чўзилди...

Саҳарга яқин туш кўрибди. Тушида думбул Ғани қайтиб келиб нуқул хархаша қилармиш.

— Боя... боя... боя... мени алдаворганакансиз. Тилла

дубул... дубул... дубулғам топилганмишу! Топилганмишу! Бит... бит... битта кўрсатинглар, жон акалар! Бермасанглар ҳам майли! Бит... бит... бит...та кўрай,

Тўрабек унга раҳми келиб, Искандарни қистармиш,

— Кел, шу одам хурсанд бўлсин. Биттасидан кеча қолайлик. Давлатимиз камиб қолмас. Берақолайлик. Зора шу сабаб бўлиб, шу одам...— дермиш.

Искандар ўйлаб туриб, охири каравоти тагидан қуйманинг бир бўлагини олганмиш. У худди лайлайтулқадр патидай шундай ярқирармишки, нуридан кўзлар қамашармиш.

Тўрабек уни кафтида тутганча думбул Ғанига узатибди.

— Мана, олинг, соф тилла...

У бўлса, тисарилиб, астойдил бош чайқармиш:

— Йў-ўқ... йў. Му... му... мунақамасди меники. Бировники бу...

— Олинг, олаверинг. Биз рози бўлиб беряпмиз, Уйланасиз. Кейин ўғлингизни маълимликка ўқитасиз,— дермиш Тўрабек зўрлаб.

Аммо думбул Ғани алпонг-талпонг тисарилиб, қўл силкирмиш.

— Ке... ке... керакмас бунингиз. Эгасига беринг, эгасига,— деб астойдил хафа бўлиб, қайтиб кета бошлармиш.

Тўрабек ёқа ушлаб:

— Тавба, шу эсипаст одам ҳам олмади-я, олмади-я...— дермиш нуқул.

Орадан сал ўтиб, улар жўнашаётганмиш. Ҳали тонгсахарлигига қарамай хазинани олиб, йўлга отланишаётганмиш. Атроф сутдек ойдин, шундай ёруғмишки... Вожаб, Тўрабек тепага қараб лол қолибди. Қай кўз билан кўрсинки, кўкдаги ой иккитамиш. Иккита бир хил тўлин ой юзиб юрганмиш осмонда. Бири машриқдан-мағрибга оғиб борса, бошқаси мағрибдан тиккага кўтарилиб келаётганмиш. Бири иккинчисидан ҳеч фарқ қилмасмиш.

Тўрабек ҳам, Искандар ҳам «Ажабо!» дея бу манзарага маҳлиё бўлиб туришармиш.

Ҳали мағрибдан кўтарилаётгани уларнинг тепасига келиб, бирдан тилла шардай пастлай бошлабдимиш. Пастлагани сари аллақандай баҳайбат нарсага айланиб борармиш.

— Э, уни қара, учар тарелка-ку! Қоч, Искандар!—

дея Тўрабек ўзи қочиб боратуриб, алланарсага қоқи-  
либ кетибди.

Ерда юзтубан ётганча қўрқа-писа ўгирилиб қараса...  
бояги нарсадан яна бир тарелка ажраб чиқиб, унинг  
устига бостириб келаётганмиш.

— Е қудратингдан! Мендан нима истайди улар?  
Мендан?— дермиш-у, лекин ўзи қўлидаги тиллани та-  
гига яширганча ерга қапишиб олганмиш...

Шу пайт кимдир елкасидан туртгандай бўлиб, Тўра-  
бек сапчиб ўрнидан туриб кетди. Ўзи сезмаган ҳолда  
қўйнига қўл юборди. Минг хайриятки, у нарса жойида  
эди. Силлиққина, иссиққина бўлиб баданига тегиб  
турар, теккан сари хуш ёқар эди.

Енгил нафас олиб, қаршисидаги одамга қаради.  
Сутдай ойдинда у одамнинг юзи аниқ кўринди. У ҳеч  
қандай ўзга сайёралик эмас, бошқа биров ҳам эмас,  
дўсти Искандар эди.

— Тўрабек, тура қол, ошна, кеч қолмайлик, — дер-  
ди у.

## 6

Тоза гинанинг тагида қоладиган бўлдик-да тоғадан.  
«Шу-унча хазина топиб, бир оғиз айтмай кетибсиз-  
лар-а, бирров кўрсатмабсизлар-а, эй, омон бўлгур-  
лар-э...» Бир карра юзга соладилар ҳали. «Эсиз, эсиз,  
шу-унча йил Далли ойимнинг чорбоғини қўриқлаб ёт-  
ганимиз ҳам бир бўпти-ю бир кеча чалғиганимиз ҳам  
бир бўпти-да. Эй, укафарлар-эй, ишонмабсизлар-да, а?»

Кечқурунги зиёфат етмагандай эрталаб йўл олди-  
дан бир лаган жигар қовурдоқ кўтариб чиқиб кузатиб  
қўйганлари-чи? Тоза хижолатпазликда қолибмиз де-  
санг-чи... Эй, тоғажон-а, тоғажон, ахир иложимиз қан-  
ча эди? Кошки айтиб бўлса бу нарсани? Бўлмаса,  
келиб-келиб сиздан яширармидик?..

Осмон юлдузсиз қолган палла. Ёлғиз ой тонг отгунча  
ботиб кета олмаганиданми, юзи қизарган. Худди лашкар-  
бошининг хумчасидан чиққан тиллалардай ярқирайди.

Ҳали-ҳозиргина йўл ёқасидаги қир-адирлару бутун  
чор-атроф унинг оппоқ нурларига бурканиб ётган эди.  
Энди ойдин ўрнини аллақандай тонгги ғира-ширалик  
эгаллаган. У шунчалар живирлаб-жимирлайдики, ба-  
мисоли тирик туманга ўхшаб кетади. Гўё аллақандай  
учар тарелкаларида ойдан тушган одамлар вақтида  
учиб кета олмай, гир атрофни шундай туманга буркаб,  
энди учиб кетишга ҳозирлик кўраётгандек. Анави те-

палар устидан ҳозир ғаройиб тарелка узилиб чиқиб, ой парчасидек коинот бағрига сингиб кетадигандек...

Фақат кунчиқарда уфқ ёришиб, аллақандай тепалар (балки тоғ тизмасидир) бўй кўрсатиб келяпти. Тонг отди-ку, деб Чори машина чироғини ўчириб олган. Қаршидан ҳам гоҳ чироғини ўчирган, гоҳ ўчирмаган машиналар ўтиб қолади.

Чори гапи бордай ё бўлмаса, булар ухлаб қолмади-ми дегандай юзини буриб қараб қўйди. Кабина ичида ҳали ҳам тикилиб қарамагунча юз-кўзни ажратиб бўлмасди.

— Ҳа?— деди Искандар.

— Тоғани айтаман-да.— У нимадир ўзига нашъа қилиб, бош чайқаб қўйди.— Хўп аломат-аломат одатлари борми?

— Нимасини айтасиз.

— Бизни бир бовамиз бўлардилар. Ҳеч тинчимаган. Қачон қарасангиз у киши уйғоқ-да. Ярим кечасиям, кундузиям, тонг-саҳардаям. Ҳа, бова, уйқуни сотворганмисиз десак, мийиғларида кулиб, ухлашга улгурамиз, улим, улгурамиз, деб қўярдилар. Кейин, бу дунёнинг ҳусни-жамолига тўйиб қолсанг-чи, баччағар, деб сўкардилар. Калон тоға ҳам ўша кишининг ўзи. Қачон қарасанг— уйғоқ. Яна шу саҳармардонда жигар қовурдоқ тайёрлатиб чиқибдилар.— Чори йўлдан кўзини узмай, яна боягидай бош чайқаб қўйди.— Кампири ҳам тилла экан-э. Бўлмаса, келинларингиз келиб бундо-оқ хизматимни қилсин, дейдиган ёшда. Тўғримми?

...келинлари... Дарвоқе, Офтоб ҳам...

Искандарнинг кўз ўнгида бирдан кечаги сурат жонланиб, ўзи шошиб қолди. Қулоқлари остида кампирнинг ўша-ўша мулойим-майин овози эшитилиб кетгандай бўлди: «Офтоб келиним, моҳтоб келиним...» Беихтиёр Тўрабек томон ўгирилиб, шуни айтмоқчи бўлди-ю, яна фикридан қайтди. Ундан кўра Чоридан сўраса-чи? Қаерда туриш-турмасини билар, шу ерлик-ку? Эшитгандир, ахир, бу тарихни?

— Нима, тоғанинг келинлари йўқми?— деди у атай.

— Нега бўлмасин?!— Чори унинг тузоғига дарров илина қолди.

— Неча йилдан бери келамиз, ҳеч кўрмаймиз-да. Тўғримми, Тўрабек?

Тўрабек нима хаёлда келаётган экан, дабдурустан каловланди.



— А? Калон тоғаними?.. Улар ёлғиз туришади, шекилли?

Чори чапанларча қўл силтади:

— Э, биларкансизлар-ку!.. Келинлар бир босиб келса борми, Калон тоғаники тўй бўлиб кетади-ку! Кўрмагансизлар-да. Фақат Деновга тушган анов қизи... сал узоқлашиб қолган демаса. Уям эри туфайли. Тоғанинг ўзлари унча хуш кўрмайдилар.

— Бойваччароқдир-да?— дея тусмоллади Искандар.

Чори қаердан билақолдингиз дегандай қараб қўйди.

— Ҳозирги пунктчиларни биласиз-ку... қайнотасини ҳам танимайди.

Искандар шошиб қолди.

...Ия, Офтоб ўшанинг ўғлига тушган чиқмаса эди?

— Мабодо ўғли Тошкентдан уйланмаганми?

Чори эътиборсиз бош чайқади.

— Билмадим, эшитмаганаканман.

Тўрабек эса, бу кимни айтяпти, дегандай анқовсираб ўтирарди.

Искандарнинг хаёли қочиб кетди.

...унда қайсиниси экан? Қайси бирига тушганакан Офтоб? Улар қаерда туришлари мумкин? Эҳ, Офтоб, Офтоб-а! Дўстимизни не кўйларга ташлаб кетган Офтоб-а... Билармикансан ҳозир унинг қамалиб ётганини?

Улар яна ҳар ким ўз хаёли билан андармон бўлиб, жим қолишди. Тонгги туман яна ҳам оқаргандай. Симобрангга киргандай. Лекин олдиндаги йўл ўша-ўша қорайиб ётибди. Худди ёмғир ёғиб ўтганми, дейсиз. Машина ҳам бир текис шириллаб боряпти.

Улар учовлон юк машина кабинасида оёқлари тагида «юк», ўзлари тиқилишиб ўтиришибди-ю, Искандар энди бир нарсага ҳайрон. Нимагадир ҳадеб Тўрабек ўзини ундан четга тортади. У шофёрга халақит бермасликка уриниб, ўзини бу ёққа ташлагани сари, бу худди қўйнида беданаси бор одамдай... қисинади. Балки у ҳам Чори қийналмасин деяётгандир.

Лекин Чори, тоға айтмоқчи, бир қоп ёнғоқдек шалдур-шулдур, онда-сонда тезликни ўзгартирмаса, машинани бир маромда ҳайдаб келяпти. У ҳали ўзи айтмоқчи, уйқуси ўчиб ўт олганича йўқ. Бир гапга тушса, кейин кўрасиз: атторнинг қутисида йўқ ҳар гапларни топадики (мисоли, «қайнанангизнинг қизи гаҳ деса Термиздан ҳам учиб келарсиз-э») ичагингиз узилиб ўласиз. У оғзидаги папиросни лабининг у четидан-бу четига олиб, ҳар тортганда ҳуснбузар тошган қора-

қизғиш юзию қирғий бурни, қув кўзлари ёришиб-ёришиб кетади. Ҳзи йўлдан кўз узмай, чаптастик билан руль бураб боряпти. «Шу кетишида Тошкентга десанг — Тошкентга ҳайдайдиган сиёғи бор. Қорабайири ҳам гижинглаган-да, гижинглаган...»

Оббо, шундай демай турса ҳам бўларкан. Ҳеч қанча ўтмай кўз тегди-қўйди...

Ростданам машина бир-икки «йўталиб» тезлигини йўқотди-ю ўзи силкина-силкина беш метрга ҳам бормай тўхтаб қолди. Чори ҳарчанд уринмасин, ҳарчанд чиранмасин, ҳеч иш чиқара олмади.

— Вой аканнинг дардисари-ей, бунақа қилиқлари йўқ эди-ку,— дея кабина эшигини очиб, пастга туша бошлади.

— Нима гап, балки айлантиришиб юборармиз?— Искандар, ўзи оёғининг тагидаги «юк»лардан қимирлай олмаса ҳам, далда бермоқчи бўлди.

— «ГАЗ»и борнинг нози бор-да, ака. Бензин соскалари чиқиб кетганми дейман. Ҳозир қарайлик-чи.— У машина олдига ўтиб, капотни очганча алланарсаларни титкилай кетди.

Қирс этказиб ёнидаги эшикни очган Тўрабек ўзини оҳиста пастга олиб, қаддини ростлади-ю осмондаги ойга ғалати қараб қўйди.

Тонгги сокинликда қулоқ шанғиллар, радиатордан чиқаётган буғнинг ожиз вишиллашидан тортиб, сувнинг чакиллаб томчилашигача эшитилиб турарди. Йўл ҳам жимжит. Ой ҳам ўша-ўша танҳо, нури сўниб, бўзариб боряпти.

Чори бензин узатгични шиқиллата-шиқиллата қайтиб келди-да, яна рулга ўтирди. Аммо қани энди мотор ўт олақолса: машина ғиғиллашга ғиғиллайди-ю ундан нарига ўтмайди.

— Туф-э, дардисар! Топган вақтини-чи! Нима жин урди эрталабдан?— деб Чори аламиданми, чаккасидаги ҳуснбузарни мушти билан эзгилашга тушди. Афтидан у нима қиларини билмас эди.

Бу орада ўша томондан айланиб келган Тўрабек машина бензобакига шапатайлаб кўриб:

— И-и-ий,— деб юборди. Яна ўз қулоқларига ишонмай бармоғи билан такиллашиб кўрди-ю Чорига ялт этиб қаради: «Эшитяпсанми?!»

Бензобак даранглар эди.

Чори юраги пўкиллаб унинг ёнига тушиб борди:

— Нима, тешик эканми? Шунча мой... оқиб битибдимми?

— Қаердан билай?! Даранглаб ётибди-ку...

Аммо Чори ундан оғринишни хаёлига ҳам келтирмай, шоша-пиша ерга чўккалаб, бензобак тагларини пайпаслай кетди.

...Э, тавба! Худди биров атай қилаётгандек-а? Кеча движок ўчиб, бугун бундай бўлиб турса...

Искандар хавотирланиб уларнинг ёнига тушиб борди.

— Ростдан оқиб битибдимми ё?..

— Бак бус-бутун. Кечқурун тўлдириб кетганман-а. Қайси қўли қичиган тегибди экан?— У қўлининг чангини қоқиб ўрнидан турди.— Ё тавба. Жуда хунук иш бўлди-ку. Жўнаётганимизда қараб қўймаганимни-чи...— Бир ерда тура олмай хит бўларди у.

Боядан бери аллақандай хавотирга тушиб, жимиб қолган Тўрабек секин келиб, Искандарнинг қўлтиғидан олди. Киши билмас, машина орқасига бошлаб ўтиб, қулоғига шивирлади:

— Орқамиздан... одам тушган шекилли.

— Ваҳимангни қара-ю...— Искандар енгил кулди.— Ким бўларди?

— Кечагиларнинг ишимасмикан бу? Қалон тоғанинг тунги меҳмонлари-чи?..

Искандар энди кескин бош чайқади.

— Улар худди шу машинада жўнашимизни қаёқдан билиша қолибди? Бекор гап!

— Нега билмасин!— дея қизишиб шивирлади дўсти.— Ахир, шундан бошқа уловимиз йўқлигини кўр ҳам билади-ку. Балки бунинг ўзини ҳам аллақачон... а?

Искандар энди бир чеккага чиқиб шивирлашиб туришганидан ўзи уялиб кетди. Топган гапингни-чи, дегандай қўл силкиб, орқага қараб юрди.

...Чори-я? Шу сотиларканми? Тоза биларкансан-ку! Писмиқдан қўрқиб керак. Бу чапани-ку, чапани. Қўнгилида зарра кири йўқ. Туришини кўр: ер ёрилиб ерга киргудек. Ёки артистлик қилаётганмикан, а?

Унинг тўғрисида дафъатан ёмон хаёлга борганидан ўзи уялиб, Чорига яқинлашди. У бўлса қўлини мойли латтага артганча, капот олдида нима қиларини билмай турибди.

— Бу ёғи оз қолди. Биз бирорта машинага илиниб, Деновга етиб олақолсак-чи?

Чори ялт этиб унга қаради-ю оғрингандай бўлиб туриб, яна илжайди:

— Мен бирда-иккида шуйтиб ташлаб кетганмидим? Искандарнинг қулоқларигача қизиб кетди, астойдил қўлини кўксига қўйди:

— Узр-узр, мен азбаройи бензинсиз қолганимиздан айтақолувдим. Кўнгилга олмайсиз, асти...

Қаранг, самимият қанчалик яхши нарса. Шу бир оғиз сўздан унинг чеҳраси илгаригидек очилди-кетди.

— Э, қизиқсиз-а, ака, бензин топилмас матоҳ эканми?! Бизда гап битта! Деновдан жўнайдиған автобусга етказиб қўйсам бўлдимми?!

— Бўлди-бўлди,— Искандар бошқа гап бўлиши мумкинмас, дегандай бош силкиб, унинг елкасига қоқди.

— Ҳа-а, шундай бўлсин, акахон,— Чори бизни ким деб ўтирибсиз дегандай илжайганча машинасига қараб юрди-да, капотни ёпиб келиб, кузовга осилди. Ундан янги алюмин канистр олиб, йўлнинг ўртасига тушиб бора бошлади.

Тўрабек ҳамон бир чеккада унинг сидқидиллигига ишониб-ишонмай турар, шофёр эса буни сезса ҳам сезмаганга олиб борар эди. Гўё сизлар шофёр халқини билмасакансиз демоқчи бўларди.

«Рост,— дея ичида тан берди Искандар,— буларнинг ҳамжиҳатлигига қойил қолиш керак. Таниса-танимаса тўхтайдди, ёрдам қилади, қани энди ҳамма шуларга ўхшаса. Лоақал танимаганни сийламас деган бемаъни одат йўқоларди-ку. Ҳозир-чи? Одамларга нима жин урди? Танишсиз қўлинг бир ерга етмаса. Унта адолатдан битта қўнғироқ кучлироқ чиқиб турса. Миркомил шунча ҳақлиги билан нимага эришди? Курашнинг йўлини билмагандан кейин шу-да. Неча марта айтди: ҳей ошнажон, бир нарсага кўзинг етса, тегишли идоралар сени қўлласа олиш-да, деб. Ҳақиқатинг билан қўшиб экиб қўйишмасин тағин, деди-я. Йўқ, мен ҳақман деб у йиғинда ҳам гапираверибди, бу йиғинда ҳам сўзлайверибди. Юқори идораларга ҳам ёзаверибди. Охири нима бўлди? Узини тўхматчига чиқариб қутулишди. Яхши бўлдимми?.. Энди мана бу оғайниси бўлса, шу қўйманинг бир донасидан кечайлик-да, таниш-билиш қилиб, уни чиқариб олайлик, дейди. Биздан нима кетди, ҳақ қарор топса бўлди-да, дейди. Топган гапини-чи! Бизки шундай иш қилиб турсак, бўлган экан! Бошқалардан хафа бўлишнинг кераги йўқ. Унда ташқари, Миркомил ўлақолса бунга рози бўлмас, Кейин

эшитган қулоққа ҳам яхшимас-да. Топармиз бир иложини, қара-аб турмасмиз...».

Шу маҳал орқадан гувиллаб келаётган бир юк машина секинлай туриб, ҳеч кутилмаганда тўхтамай ўтдикетди. Чорининг қўлидаги идишни кўрмади шекилли! Ундай деса, машина-чи? Машинани кўргандир. Буларнинг ичида ҳам... бор экан-да. Ёки саҳармардондан қўл кўтаришиб туришидан ҳайиқдимикан? Балким.

Тонг отди, йўл четидаги икки туп пакана тут томондан қорашақшақ шақиллаб учиб-қўнди. Зум ўтмай тутнинг сурх новдалари орасидан бошқаси учиб чиқиб, унга қўшилди. Кейин қир устида сўфитўрғай нозик чулдиради. Ва ниҳоят булар ҳам тиниб, кўкда аллақандай чағир-чуғир билан... қарғаю зағчалар галаси кўзга ташланди. Атроф аста ёришиб келар эди.

Ана, бир машина тўхтаб, Чори унинг зинасида турганча шофёри билан гаплаша бошлади. Кейин кутилмаганда уларга ўгирилиб, қўл силкиди:

— Эй акалар! Мен ҳозир келаман! Мойбекатга фирра бориб келай. Бораману қайтаман,— деганча кабинага чиқиб жўнаб юборди.

Тўрабек чекиб турган папиросини итқитиб, йўл чеккасидаги тут томонга қараб юраркан, тўнғиллади:

— Баҳонасини-чи! Шу тупкада мойбекат нима қилсин?! Бўлганда-ям, каллаи саҳарлаб очиб қўярканми?

Искандар дўстига тушуна олмай қараб қолди: унга бир нима бўлганми ўзи? Ҳеч бунақа одати йўқ эди-ку? Салга тўрсаяди, гижинади. Гап ёқмайди. Боргиси келмаса бошида айтмайдими? Зарапетян билан кетаверардик. Мен уни ўзимнинг ошнам-ку, ўн йиллик синашта дўстим-ку десам, ғалати экан-ку. Бир қарасанг — хаёлпаршон, бир қарасанг ваҳимага тушиб қолган. Ҳали Чоридан гумонсирайди, ҳали Калон тоғанинг кечқурунги меҳмонларидан хавфсирайди. Тоза ваҳимачи экан-ку. Ёки у ростдан бир нарсани сезиб қолдимикан? Ортиқча эҳтиёткорлик қилаётгани шунданмикан?

Э, йўқ, бу анави гапимдан хафа. Миркомилга қайишмади деб зарда қиляпти. Кошки бу нарсанинг мисқолини на у ёқли, на бу ёқли қилиб бўлса. Тилла аралашган иш қачон яхшиликка олиб борган? Қалласи жойидами ўзи? Миркомил учун менинг ҳам ичим ачиб кетаётгандир...

Унинг кўз олдига кеча Калон тоғаникида кўрган сурат келди-ю ичи баттар ачишиб кетгандек бўлди.

...эх, Офтоб, Офтоб-а! Шу йигитга бўй бериб кетма-

санг нима қиларкан-а! Сенинг аламингни ҳам ўшалардан оламан деб шундай бўлиб кетмадимикан? Нимада янглишди экан-а у? Еки ҳақиқат талашиб юриб, керагидан ортиқ қора чаплаб юбордимикан бошлиқларига? Кейин коса-косага тўғри келганда ҳаммасини исботлай олмай, айб бўйнига тушиб қолдимикан? Шундай тушунган, экономикани беш қўлдай билган йигит-а? Йўқ, бу ерда бир гап бор. Биз билмаган бир гап бор. У айбини тан олабиладиган йигит эди. Адашган бўлса судда унақа демасди. «Сизлар мени қаматиб ҳақ қарор топади, деб ўйламай кўяқолинг! Неча йил ётиб келганимда ҳам бари бир мен ҳақ бўлиб чиқаман. Сизлар эмас. Қулоғингизда бўлсин: ассаломалайкум, қалайсиз, дейдиган кун келади», демасди.

Эсиз, эсиз, тез ўсиб, тез эътиборга тушган эди. Совхозлар трестиди бош экономистликдан обкомнинг қишлоқ хўжалик бўлими мудирлигигача кўтарилганди. Охири яхши чиқмади. Нақ биринчининг ўзи билан тескарилашиб қолибди. Амалига ҳам қарамабди, келажagini ҳам ўйламабди. Ичидаги дард улғайиб кетган экан-да. Бўлмаса бунчаликка бормасди-ку. У Искандарга ўзига ишонгандек ишонарди, охири бир энли хат қолдирибди: «Искандар, мени тўғри тушун. Шу арзи-қолимни сенга ишондим. Эндиги нажот фақат сизлардан. Ошначилигимиз эмас, адолат ҳаққи-ҳурмати шу ишга бош қўшгин...»

Шундай ноҳақлик юз беради-ю Искандар қараб турадимиз?! Қаршига уч марта бориб келди. Миркомилни яхши биладиганлар билан қайта-қайта учрашиб, воқеани ойдинлаштирди. Кўп нарсаларнинг тагига етди. Янги фактлар топди. Дўсти шафқатсиз равишда очиб ташламоқчи бўлган кўзбўямачилик, қўшиб ёзишлар ёнига яна қанча далиллар қўшди. Энди яна бир бориб келса бўлди: жиндек аниқлайдиган ишни қолган...

Лекин, аксига олгандай, экспедициядаги манави ишлари юришиб кетиб, ўзидан орта олмай турибди. Сал бўшаса эди, бир иложини топарди. У ёқда Миркомил ҳам умид тутиб ётгандир унга? Оз қолди. Манави омонатни эсон-омон институтга етказиб олсин, кейин бирор ҳафта жавоб сўрармиди?! Ишқилиб исини чиқармай етказиб олсин-да...

Хазина-хазина-да, у кимларни йўлдан оздирмайди?!

Шу маҳал ҳар ёқдан учиб келаётган қарғаю зағча галалари бир-бирига қўшилиб кетиб, чор-атрофни уларнинг чағур-чуғури шундай босдики, Искандар хаёли

бўлиниб, беихтиёр уларга кўз ташлади. Осмон тўла қиш элчилари гўё эрта келиб қолганидан пушаймондек, чағиллаб-чуғиллашар, негадир ҳаммаси бир нарса талашаётганга, худди одамлар эс-хушини йўқотиб олтинга ташлангандек, улар ҳам эрталабки салқинда... совуқ талашаётганга ўхшар эдилар.

Унинг кўнглига шу қиёс келди-ю кўз ўнгида... узоқ ўтмиш, чор атрофи хандағу қалин пахса деворлар билан ўралган шаҳар дарвозалари, ундан от қўйиб чиқиб бораётган суворилар жонланиб кетди. Кейин у беҳисоб лашкарга айланди. Беқиёс қўр тўкиб солланиб бораётган бу лашкар ўз мамлакати сарҳадларидан чиқиши биланоқ, бамисоли қуюнга айланиб, йўлида учраган жамики қўрғону кентларнинг тити-питини чиқариб, қирғинбаротга тушиб кетди. Эркаклар дуч келган жойидаёқ чопиб ташланар, аёл зотининг эса қўлу қулоқларидан тақинчоқлари ситиб олинар, сандиқлар кавланиб, уйларга ўт қўйилар, ибодатхоналар оёқ-ости қилиниб, Будда худоларининг безағу тақинчоқларигача таланар эди. Ярқираган, ялтираган, йилт этган нарса борки, жамига қузғундек ёпириларди лашкар...

Ҳа-ҳа, бамисоли анави совуқ талашиб, совуқ чақираётган қузғунлар галасидек, бевақт келган қарғалардек...

Сўнг ғалаба бонги янграб, смон-омонлик эълон этилди-ю қароргоҳда базми жамшид қўпди. Пешонаси бошидаги тилла дубулғага ҳамоҳанг сариқ шойи тасма билан танғилган улуғ сулуг<sup>1</sup> йўлбарс териси тўшалган курсида виқор тўкиб ўтирибди. Оломон у зоти алпағут<sup>2</sup>ни тавоф этиб, совға-саломлар билан муборакбод эта бошлади. Ана, ким тилла ғилоф, ким олтин сопли ўлжа қилич, ким зарбоф ёпинчиғ келтирди. Ва ниҳоят, унинг ўнг қўл ва сўл қўл алпағутлари бир жом тилла келтирганча таъзим бажо қилиб туриб қолдилар. Жом офтоб янглиғ ёниб яллиғланар, у олтин қўймалар билан лиқ тўлган, устида эса, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, нақ Будданинг тилла шокиласи ярқирай эди. Уни кўриб алпағутнинг кўзлари ёниб кетди:

— О, яшанг, сулугларим!— У ё ўзини босолмай, ё босиб олиш учун енгил қарсак уриб қўйди.

У сулугларига миннатдорчилик ато этиш баробаринда ўзида улуғ қудрат ҳис этиб, кўкрак кериб қўйди.

<sup>1</sup> Улуғ сулуг — лашкарбоши.

<sup>2</sup> Алпағут — баҳодир.

Аммо, ҳарчанд уринмасин, жомдан кўз уза олмас, узган тақдирда ҳам у тилла шокила, ғайридинлар худосининг тақинчори кўз олдидан кетмас эди. Узини шундай буюк ҳис этардики, нарғи йўқ.

Аммо Буддага ҳам вафо қилмаган шокила ахир бир кун унга ҳам буюрмаслиги... аллақандай хумчада тупроқ остида қолиб кетишини (у ҳам хом сут эмган бир банда-да) қаердан билсин?! Шу-да: мана, неча минг йиллардан сўнг у илон ўрдаси мисоли лоп этиб чиқиб турибди-ку.

Искандар мийиғида кулиб бош чайқади. «Тавба, одамни қузгунга айлантирадиган олтинмикан, ё қузгунтабиат одамлар унга ўч бўлармиканлар?..»

О, қодир фикр! Худди шу дақиқада шунга ўхшаш хаёллар Тўрабекнинг ҳам бошига чарх уриб-чарх уриб келар, бундан у ҳам ларзага тушиб-тушиб кетар эди.

У йўл чеккасидан аллақачон қайтиб келиб, машина зинасида ярим энгашганча ўтираркан, тўғридаги ғалати тепаликка ҳадиксираб-ҳадиксираб қараб қўяди. Назарида, туманранг тонгги ғира-шира кўздан чекилиб, чор-атроф юз очиб бораётган шу паллада ҳов анави улкан ҳандалакмисол тепалик устидаги яшин қайтаргичу самолёт ахтаргичи билан бирам бошқа нарсага ўхшаб кетадики, гўё у минг йилдан бери бор тепа эмас-у, ўзга сайёрадан тушиб, шу овлоққа қўниб қолган ғаройиб кемадек... Худди кеча кўрган туши ростдек. Уша тўлин ойга ўхшаб учиб келган учар тарелка шу ерга тушиб, уларни пойлаб турибди-ю йўлда қатнов тўхтаб, ёлғиз қолишлари билан устиларига бостириб келади андек...

Аммо йўлда аллақачон қатнов бошланган, машиналар бири ўтиб кетиши билан бошқасининг қораси кўриниб турибди.

«Тавба,— дея ёқа ушлайди Тўрабек,— нега бу нарса ҳеч миясидан кетмай қолди? Хаёлига ўралашгани-ўралашган? Тушига кирадимми-ей, кўзига кўринадимми-ей? Оддий тепа-ку, ахир...»

У чалғимоқчи бўлиб, Чори кетган йўлга қаради. «Келса тезроқ кела қолмайдими? Бензин ҳам нақд турган бўлса керак?» Лекин машина овози у ёқдан эмас, бу ёқдан келади. Назарида (энди шуниси етмаётган эди!) ўша томондан бир енгил машина ўқдай учиб кел-япти-ю мана ҳозир чийиллаб келиб тўхтайдигандек..



Ана, у яшин тезлигида етиб келди-да, кўз очиб-юм-гунча ичидан бир тўда номаълум кимсалар отилиб чиқиб, уларни ўраб олабошлади. Ҳаммаси қора сатин чопонга ўраниб, юзини қора латта билан тўсиб олган. Худди қанотсиз қора қузғунлардай лапанглаб ўраб келяпти, ўраб келяпти, ўраб келяпти.

Чорининг наъмасига лаққа учган Искандар эса турган ерида тош қотган. Капалаги учиб кетгандан ўзини четга олишни ҳам унутган.

«Юк»ларни ошиғич машина устига олиб улгурган Тўрабек бўлса, ўша ерда ётган белкурак дастасини чиқариб, қани, яқинлашиб кўрларинг-чи, дегандай хезланиб турибди.

Ана, улардан биттасининг имоси билан қоралар бортга тармаша кетдилар. Лекин Тўрабек бўлади-ю уларни яқинига йўлатарканми? Машинага чиқариб қўярканми?! Хазинага қўлини теккизсин-чи, узиб олар! Унинг кўзи бармоқларигача жун босган (тавба, ҳар биттаси ўқлоғидек-ўқлоғидек бармоқлари-а) қўлга тушди-ю шу заҳоти даста билан тарсиллатиб тушириб қолди.

Шарпа молдек ўкраганча ерга гурсиллаб қулади. Лекин шу тобнинг ўзида бошқа томондан бошқаси бортга тирмашди, у жон-жаҳди билан дастани сермаб силтай кетди. Дастанинг учи тарақлаб бортга бориб тегади. Қора шарпалар охириги дақиқада бошчини олиб қочиб, ўзини ерга отади. Унга яқин кела олмай, машина атрофида гирдикапалак бўлади. Тушиб ҳали у ёндан, ҳали бу ёндан келади. Лекин Тўрабекни чалғита олмай, унинг таёғига чап бера олмай ҳалак. Капог устига, ундан кабина тепасига чиқиб олган Искандар эса, унга далда бериб ҳайқиради:

— Ур, ҳа, ур! Додини бер, Тўра! Ҳе-ҳей! Қалайсиз?! Текини ширин бўларканми?! Олтин оғиз чучитарканми?! У кимга буюрибдики, сизга буюрсин?!

Тўрабек дафъатан унинг гаплари маънисига тушуниб етгандай бўлди-ю қўйнидаги иссиқ ҳам силлиқ нарсани сезиб, бўшашиб кетди: ўзининг ўша қоралардан қаери кам? Демак, юкни йўлтўсарлардан жон-жаҳди билан қўриқлаши бекор эмаскан-да? Ўзини Искандарга покдомон қилиб кўрсатмоқчи, шу баҳона оқлаб олмақчи экан-да? Нақадар жирканч. Им-м!..

Шу асно яшилранг бир «Жигули» секинлаб келиб, олдинга ўтди-ю йўл чеккасига чиқиб тўхтади. Ичидан кулча юзли алп қад киши билан кўзойнакли шофёри

тушиб кела бошлади. Ҳалиги кулча юз анча сипо одамга ўхшар, ўзи ҳам сиполик билан илжайиб келар эди. Шофёр йигит эса, дали-ғули экан, қўлини боши баравар кўтариб сўрашди:

— Салом, йўлдошлар? Кун туғмасдан йўл чеккасига чиқиб қолибсизлар? Тинчликми?

Тўрабек сергакланди: «Ия, бояги... ўқдай учиб келаётган машина-ку! Яна гапни айлантиришини қаранг.— У секин ўрнидан туриб, киши билмас юклар турган томонга қараб юрди.— Шу аён бераётган эканда боядан бери?...»

Искандар бўлса, ичида афсусланиб қолди: «Эҳ-а, Чори бирпас сабр қилса бўларкан-а». Йўловчиларнинг истараси иссиқ кўриниб кетиб, ўзи уларга пешвоз юрди.

— Э-эй, келинлар, яхшилар, келинлар...

Барваста йигит бояги-бояги сиполик билан илжайди. Унинг юзида хижолатомузликми, ийманишга ўхшаган нарсами бир жилва қилди-ю яна йўқолди. Бир хил одамлар ёлғон гапиришга қийналганда шундай бўлади.

— Қарасак, турибсизлар... Бензинсиз қобсизлар, шекилли.

Унинг овози танишдай эди. «Э, қизиқсан-а, Тўхтамиш? Узлари айттириб юбориб...» Қачон эшитган экан? Э-ҳа, кеча эдимиз? Наҳот ўшалар бўлса. Улдими? Одам-одамга ўхшамайдими?! Кейин юзи ҳам шундай танишки... қаерда кўрган экан?

Ҳа-ҳа, энди аниқ эслади. У кимгадир эмас, устози Холчаёндан топган ҳайкалга шундай ўхшаб кетардики...

Унинг ҳам юзи ўша аждодларимизникидек бўртиқ, тандирдан янги узилган қизилмағиз нондек. Ўзи Калон тоғадек алп келбат. Фақат бир нарса етмай гурибди. Кенг пешонасини лента билан тангиб олса ва бир ўрим кокили елкасига тушиб турса борми, нақ ўша аждодларимизнинг ўзи-да. «Қизиқ. Ҳозир агар эски вақт бўлса борми?..— У бир зум тасаввур қилиб кўрди-ю мийи-гида кулиб қўйди.— Бундай сипо-о гаплашиб турармиди-йўқми?!»

Искандар ўзига келиб, шошиб қўл узатди:

— Сал вақтлироқ келмадинглар-да. Шофёримиз бензин излаб кетмасмиди мойбекатга.

— Эй, эсиз-а! Овора бўладиган бўлибди-ку. Қаерда мойбекатни саҳармардондан очиб қўяркан?— дея афсусланиб бош чайқади шофёр йигит.— Олисга борасизлар, шекилли?

Искандар яширишни эп кўрмади.

— Олдин Деновга, ундан Душанбега ўтамиз.

Ҳалиги алп келбатли, сипо одам қошларини кериб очилиб кетди:

— Э-й-й, уни қаранг. Йўлимиз бир экан-ку. Ола кетақолардик, буни овора қилмай.— У юк машинага имо қилди.

Тўрабек бирдан сергак тортди: «Оббо устомон-э! Аврашини қаранг. Хўп деяқолсагу ниятига етақолса. Вой, анойи-ей!»

Искандар миннатдорчилик билан бош силкиди.

— Қани эди. Қетсак ҳам бўлаверарди-ю, лекин шофёримиз...

— Йўлда учратиб, айтиб кетақолайлик, қайтанга суюнади,— деди «Жигули» шофёри. Искандар қўлини кўксига қўйди:

— Раҳмат. Йўлдан қолдирмайлик сизларни ҳам.

Тўрабек гижиниб юзини четга бурди: «Бунча пачакилашди. Узил-кесил бир гапни айтади-қўяди-да. Синамаган одам билан кетиб бўларканми?!»

Сипо одам начора дегандек елка қисди-да, шеригига имо қилди:

— Бўлмаса, канистрни ол. Булар ҳали бензин топишадими-йўқми...

Улар ҳеч бир шошилмай канистрдаги бензинни машина мойбакига қуйиб, кетиша бошлагачгина Тўрабек ёқа ушлади: «Ё тавба. Булар ҳунар ишлатапти, муддаоси анави десам, индамай кетяпти-ку. Шунча бензинни бекордан-бекорга бериб кетаётганими? Ҳозир ишончимизга кириб, кейин бурнимиздан булоқ қилиб чиқармаса кошки эди?..»

Искандар эса тамомила бошқа кайфиятда. Эҳ, Чори, Чори-я, сал шошмасанг-ку, олам гулистон экан-а! Балки сени овора қилмай Душанбегача шулар билан кета қолармидик. Автобус кутиб юрмасдик ҳам дегандай уларни кузата бошлади:

— Раҳмат сизларга. Жуда катта яхшилик қилдингизлар-да.

Сипо одам машинага чиқаётган жойида яна орқасига қайрилди.

— Бирпас кутинглар десангиз, кутатурамиз.

— Шунча бензин бериб, яна кутасизларми? Йўқ, майли, раҳмат. Шунга ҳам раҳмат.— У таъзим қилди.— Бу яхшилигингиз биздан қайтмаса...

Тўрабек ҳам ясама мулозамат билан унга қўшилди.

— Ҳа-ҳа, бошқадан қайтсин! Яхши боринглар.— Ичида эса, пичирларди: «Кетса тезроқ кетақолмайдим! Худди ниятини биз билмайдигандек».

— Хўп, бўлмаса. Кўришгунча.— У жойига ўтиргач, машина жилди.

— Дунёда яхши одамлар кўп-а, Тўрабек?— деди Искандар улар кетгач, ҳаяжонини яшира олмай.

— Кўп, кўп.— Тўрабек унинг юзига истеҳзо билан қараб қўйди: «Сенга қолса, кимлар яхшимас! Тавба, ўзи қандай юк билан йўлга чиққанини биладими-йўқми? Ҳеч замонда танимаган одамга ишониб бўларканми?!»

Искандар энди унинг кайфиятини сезиб, кулиб юборди:

— Нима бало, кўрқиб кетдингми?

— Бўлмаса, бирга кетақолгин эди.

— Чорининг юришини кўрмайсанми?

Тўрабек энсаси қотиб, қўл силтади.

— Унинг ҳам шуларнинг биттаси-да.

Искандар баттар ёзилиб кулди. Эрталабки сокинликда унинг овози жаранглаб кетди.

— Ие-ие, ҳали унга ҳам ишонч йўқ дегин? Тоза қароқчиларнинг ичида қолган эканмиз-ку, а? Вой, Тўрабек-э!

— Сенга ҳазил бўлса... Тошкентга қовунқоқи олиб кетаётганинг йўқдир?

У аzza-баzza хафа бўла бошлаганини кўриб, Искандар дўстининг елкасига қўл ташлади.

— Қизиқсан-да, ўзинг! Шунинг учун сенминан кет-япман-да. Мен одам танирмидим. Узинг биласан-ку, менга ҳамма баравар.

— Билмасанг кулма-да.

— Хўп-хўп. Хўп дедим-ку.— У дўстининг елкасидан қучиб юпатаркан, қарши томондан баҳайбат ағдарма машина келиб тўхтаб, ичидан Чори туша бошлади-ю Искандар ялт этиб Тўрабекка маъноли қаради: «Кўрдингми қароқчини?.. Бензин топиб кепти-ку, сен бўлсанг...»

Тўрабек уялиб кетди: «Дарвоқе, менга нима жин урди, ҳеч кимга ишонмай қолдим?»

Бу гаплардан беҳабар Чори бир томонга хиёл қийшайганча бензин кўтариб келар эди...

Тўрабек уялиб кетди. Нима деярини, тўғриси, ўзини қандай оқларини билмай:

— Ҳзим ҳам ваҳма бўб қолибман,— деди ҳам ҳазил, ҳам хижолат аралаш.

Лекин ўзи Искандарнинг олдида (умрида биринчи марта бўлса керак) ич-ичидан изза тортиб кетди: шу бир парча нарсани деб шу кўйга тушиб юрибманми?! Шусиз яшай олмасмидим? Қаёқданам олақолдим?

Чори машинага яна озгина бензин қуяркан, бир гапириб, ўн кулганча мойбекатчи чол беркитиб қўйган бир канистр бензинни қандай ўмариб келганини (албатта, ўрнига пулини ташлаб) тушунтирар, яна:

— Яхшиям йўқ пайтига тўғри келганимиз, бўлмаса, чоли тушмагур камида бир ярим бараварига пулларди. «Бензин жўқ» деб езиб қўйибди. Қаёққа борасиз,— деб ўзини оқлар эди.

...Оббо шайтон-э, йўқни йўндирадиган хилидан экан-ку. Аммо-лекин ҳалол экан, бошқаси бўлса чолни чув тушириб кетарди. Ҳақини чиқариб олади бари бир деб. Бу ташлаб кенти-ку. Мен бўлсам, унинг тўғрисида қаёқдаги хаёлларга бориб юрибман. Ўзи бўлмагур нарса бўлмагур хаёлларга етакларкан-да одамни. Қаёқданам шу нарсага рўбарў бўлдим? Кечиб кеча олмайсан, тинчиб тинчий олмайсан!

Тўрабек жойига — кабинага чиқатуриб, айниди. Машина устига чиқиб олса-чи? Ҳарна эркинроқ. Ановини деб Искандардан қисинавериб, сиқилиб бўлди-ку. У ўзини дадил машина устига олди. Буни кўриб, Искандар: «Ҳа, дўстим?» деган эди, гапни айлантирди:

— Бирпас чекиб кетай. Қиш эмас-ку кабинага тиқилишсак.

— Шундай-ку, лекин Деновга боргунча пинқиллаб қолмагин тагин.

— Э-ҳа, бизникилар қишнинг кунида очиқ мошинда Термизга довур тушиб чиқишади-ку. Бу шошган зағчаларга ишонманг, ҳали ёз,— дея шанғиллади Чори бензобак қопқоғини беркита туриб. Кейин одатдагидек тегишди:— Яна бирпас сабр қилмадингиз-да, Искандар аканинг ўзлари қочиб чиқардилар у ёққа... қўшилишиб тутатишимиздан.

Тўрабек кабинага орқа ўгириб ўтираркан, ичида тўнғиллади: «Ўзим ундан қочиб чиқдим-ку. Ана сезиб қолади, мана сезиб қолади, деб ўтиргандан шу эркин-

роқ-да. Қўйнимдагига тегиб кетадими деб ўлиб бўлдим. Олганда бу ёғини ўйламаган эканман-да. Лекин билсам-чи, олмасмидим ўшанда ҳам?» Дафъатан у ўзини саволга тутиб, жавоб топа олмай қолди. Негадир дангал ҳа, дея олмасди. Кўз олдидан қўйманинг сирли жилваси кетмас, гўё ўзи эмас, ўша тилланинг шайтони «мени олмай бўларканми, мени-я?» дерди нуқул.

Тўрабек қўлидаги ғижимланган сигаретани итқи-тиб, ёқа ушлади: «Тавба, мен шундай одам эканманми-а? Ўзимни минг пок-қалол деганим билан.. ундай эмасканман-да?»

Машина силтаниб юриб кетди. Атрофидан шамол ғувиллаб ўта бошлади. Лекин Тўрабек буни сезиб-сезмас, кўзи орқада қолиб бораётган йўлда бўлса-да, хаёли тамоман бошқа нарсаларда эди. Ўзини, ўзлигини ўйларди.

«Унда... унда мен кимман, ўзи? Кимнинг авлодиданман? Қайси авлодим бойвачча ёки савдогар ўтган эканки, бу ҳирс, бу кўзи очлик қонимизда қолибди? Ёки инсон зоти борки, ҳаммаси олтинни кўрганда ўзини шунақа тута олмай қоладими? Ундай деса, Искандарчи? Ҳеч гап бўлмагандай кетяпти-ку. Айнигани ҳам, бошқача бўлиб қолгани ҳам йўқ. Бутун дарди-хаёли ўша топган нарсасини бир амаллаб Тошкентга етказсаю донасини ҳам хато қилмай давлатга ўтказса. Давлатнинг одами ҳам шунчалик бўлмас! Ёки у ҳам аллақачон тегишини ўмариб қўйиб, энди киши билмас фидойи бўлиб кетяптими? Э, йўқ, Искандар унақаларданмас. Агар олганда, олгиси келганда айтарди-ку, мен билан бўлишарди, маслаҳатлашарди-ку. Олмайди, ўлганда ҳам тегинмайди. Фақат мен... шундайман! Шундай эканман! Кўргандаёқ чидолмадим. Олмай тура олмадим! Қимлигим маълум-ку, эндиги армон нимага керак?! Яна олим эмишман! Беш минут кам доктор эмишман! Ўғлимни зўр шахмагчи, гроссмейстер, жаҳон чемпиони қилмоқчи эмишман! Демак, гап уни жаҳон чемпиони қилишмас, чемпионлигидан келадиган тушумда экан-да? Ушани ўйлаган эканман-да? Яна хотинимни айблаб юрибман, молпараст, муккасидан бойликка, ясан-тусанга берилган, деб. Кўзи ялтироқ нарсадан бўлакни кўрмайди, деб. Ҳамма нарсани ўзининг қаричи билан ўлчайди, деб. Фарқимиз — у бойвучча бўлиб яшашга интилишини яширмаса, мен сиртимга чиқармас эканман-да! Наҳотки? Балки ундай эмасдирман?»

Уғлимни чемпион қилмоқчи бўлсам, унинг лаёқатини, келажагини ўйлагандирман! Онасига ўхшаб, Ойбек тегиримончи бўлади, тайёрлов соҳасида ишлайди, тоғалари каби мўмай-мўмай топиб келади, дориломон яшаймиз, демагандирман. Икки дунёда ҳам айтмасман. Иқтидорини, лаёқатини кўра-била туриб...

Ўзим-чи, ўзим? Фақат берадиган пули, обрўсини деб олимлик кўчасига кирмагандирман? Докторликка уриниб юрмагандирман? Тўғри, ҳаммага ўхшаб мен ҳам яхши яшагим келгандир. Тезроқ кандидатликни ёқласам, деган хаёлларга боргандирман. Лекин бу муккам билан шу йўлга кетганим эмасдир? Бойликка, пулга ружу қилсам, аллақачон хотинимнинг гапига кириб ойлиги баланд жойга ўтиб кетмасмидим?

У бўлса, санагани-санаган. Икки гапининг бирида Ойбекнинг тоғалари фалон нарчасини фалонга алмаштиришаётганмиш. Фалон нарса айтиб қўйишганмиш. Биз қачо-он стенкамизни янгиларканмиз? Бизнинг бошимизга ҳам Эрон гилами битармикан? Энди япон мебели расм бўлганмиш...»

Тўрабек бу хархашаларни эшитиб, ёрилиб кетмаганига ҳайрон қолади. Бир оғиз гап қайтарай деса яна бошлайди дийдиёсини: олим бўлиб қайси шаҳарни олиб берибсиз, гердаясиз? Яхшиям, адам бораканлар. Улар бўлмасалар юрардингиз итнинг кейинги оёғидай судрали-иб. Юрибди-ку, анави Искандар ошнангиз...

Шошма, балки шунинг овози ўчақолсин деб олгандирсан анавини? Ҳа-ҳа! Шу билан овози ўчса, қулоғинг тинчийди, ўзинг билганча яшайсан, ўғлингни ҳам ўзинг истагандай тарбиялайсан, ўқитасан. Ўзинг эриша олмаган чемпионликка у эришади. Ахир, шу бир дона қўйма билан давлат бойиб ё камиб қолмас-ку, қолмас-ку?..

Машина ҳамон шувиллаган товуш чиқариб боради, Йўл унинг орқасидан тушиб қолиб, кичрайиб кетаётгандек. Икки атрофда пахтасининг чўғи қочган далалар гоҳ чўп бўлиб ғўзапояси қолган, гоҳ пахтаси эгатларга оқиб тушган пайкаллар билан алмашинади. Кунчиқар аллақандай шафақлашиб келаётир. У ўша-ўша бортга орқасини ўгириб ўтирганча эзиб-эзиб папирос чекади. Хаёллари ҳам эзгин-эзгин...

Шундайликка шундай-ку, лекин шу бир дона олтинни деб дўстидан кечадими? Ахир, Искандар хабар топса ё сезиб қолса, унинг олдида нима деган одам бўлади? Бир нарса демаганда ҳам бетига қарамай кетса,

ўлгани эмасми? У бўлади-ю кечирарканми?! Икки дунёда ҳам кечирмас... Ундан чиқди шу-унча тоат-ибодатлари, ўртадаги қасамлар бекор экан-да, бир пул экан-да, ҳеч қачон унингдек бўла олмас экан-да?

Эсида. Янги аспирантликка ўтган кезлари қаердадир янги йилни кутишди. Икки ялангоёқ аспирант, ҳеч кими, илмидан бўлак ҳомийси йўқ икки археолог ширакайф ҳолда қайтатуриб, йўлда, ярим кечада қасам ичишди. Уларнинг қасамига кимсасиз ёруғ кўчаларда изғиган қора совуғу бу совуқда дилдираб турган юлдузларгина гувоҳ эдилар.

— Кел, ошна, дунёни титратадиган бир иш қилайликки...— деди Искандар қучоғини очиб.

— Археология олами лол қолсин! — деди Тўрабек ҳам унга талпиниб.

— Демак, орқага чекиниш йўқ!— деди Искандар уни қучоғидан бўшатмай.

— Қайтиш йўқ! Қайтган номард!— деди Тўрабек.

— Сўзининг устидан чиқмаган ҳам... номард!— деди у ҳам.

Шунга ҳам саккиз йил бўляпти. Лекин дунё тугул, академияни ларзага соладиган нима иш қилишди? У-ку, докторлигини ниҳоясига етказяпти. Лекин Искандарчи? Қандидатлигини ёқламай, ҳали поёнига етганим йўқ, деб ўтирибди. Тўғри, билимининг зўрлигидан институтда унинг олдига тушадиган одам йўқ. Ҳатто докторлар унинг фикри билан ҳисоблашишади. Бошқа мавзу олса аллақачон ёқлаб юборарди. Лекин у кечмай келяпти. Аждодларимиз маданияти юксак бўлмаганига ишонмайман. Ахир, бир далил чиқади. Чиқмай иложи йўқ. Шундай шаҳарлару қалъалар қурган халқ фақат ўз қорни ғамида ўтмаган бўлса керак, дейди икки гапининг бирида.

Аввал тароқ, тароққа туширилган гўзал аёл юзи... сўнг шатранж донаси... Йўқ, фил эмас, эрамиздан аввал асп ўрнида ўйнаган буқа топилди. Мана, энди Будда маъбудалари, бутун-бутун санъат асарлари. Ҳар бири битта докторликка ўтадиган далиллар чиқиб келяпти. Хумдан чиққан олтин қуймалар-чи? Улардаги нуқтали ёзувлар, Будда шокиласи-чи? Шошма, бу археология оламини ларзага солмасканми? Шу янгиликка шерик бўлатуриб, унинг бир донасини ўмариб қолиши... инсофданмикан? Одамгарчиликка кирармикан?!

Ахир, неча йиллик қазиниш ишлари бесамар кетавергач, қанча кўпни кўрган олимлар ҳам умидларини



узиб, кушон давлатининг марказини бошқа ердан излаш керакка ўхшайди, деб қолмаганмидилар? Искандар бўлса, ўзича Далварзиннинг аллақандай хариталарини тузиб, Хувишка тахтию оташхоналарни белгилаб чиқмадими? Кейин ўша тепаларни қазिशга тушишди-ю аввал юзтубан ётган бодисатва ҳайкали, кейин ёмби чиқиб турибди. Кетма-кет икки топилдиқ. Топилдиқ бўлгандаки, тенги йўқ топилмалар!

«Мен бўлсам, аллақандай бир бўлак қуймани деб, шундай дўстимнинг кўзини шамғалат қилмоқчиман! Ахир, айтиб ўтиришим шартми? Тўғридан-тўғри қопчиққа қўшиб қўйишим мумкин-ку. Қим билиб ўтирибди? Шуҳратига шерик бўлатуриб яна биттасини ўғирлаб қолишим — бориб турган... Тавба, мен шунчаликка бораётирманми, а? Археология билан шуғулланганимиз билан, аслида биз санъатшуносмиз-ку. Ахир, давлатга топширсак қуруқ қолмасмиз? Бусиз ҳам хазинанинг тўртдан бирини беришади-ку. Агар хазина деб расмийлаштиришса. Расмийлаштиришмаса-чи? Ёдгорлик ёки санъат асарлари қатори... ўтказиб юборишса-чи? Қўлимизни бурнимизга тикиб қолаверамизми унда?»

Одам боласи қизиқ. Ҳозиргина бу нарса ўғирлик эканини англаб, «тавба, мен шунчаликка бораётирманми», деб даҳшатга тушиб кетган у эмасмиди? Энди орадан ҳеч қанча ўтмай воз кеча олмай ўтирибдими? Тавба, кўнглининг туб-тубида ўтирган нима у? «Мунча шошасан, шошасан, қўшиш қочмас, қочмас, қочмас», дея шивирлаётган? Шивирлаб авраётган? Авраётганини сезиб туриб ҳам бир нарса дея олмаса-я. Балки ётиги билан Искандардан сўраб кўриш керакдир, қандай расмийлаштиришар экан? Кейин қўшиш қочмас, қочмас, қочмас...

Тусмоллаб сўраб ҳам кўрар. Лекин кўзидан сезмасмикан? Ўзини-ўзи тилидан илинтириб берса-чи? Унда... унда, ўғирлаб қолавер! Дўстингга ҳам хиёнат қилавер!

Тўрабек бортга суюниб ўтирган ерида алам билан тўлғаниб қўйди: қанақа одам эканки, шу бир дона сариқ иблисни деб... Шусиз ҳам яхши юрувди. Шусиз ҳам ишлари ёмон эмасди. Тагида машина, кимсан — академикнинг куёви. Эртага докторликни ёқлайдиган одам. Нима зарур эди унга шу бош оғриғи?

Искандар олса, бошқа гап эди. Ҳалигача отасидан қолган эски ҳовлида туради. У ойликдан бу ойликка зўрға учма-уч етказгани камдай, яна ёнига опасини

кўчириб келган. Бўлмаса, улар ҳам машина олиб миниб юргиси келса керак! Улар ҳам янги кооператив уйга кўчиб ўтгиси, уни келиннинг уйидай ясаиб қўйгиси келар? Етказа олмайдики, шуларни олмайди. Етказа олмайдики, ёзда уч ойлаб экспедицияларда юради. Шу тупроқнинг остидан чиққан нарсасаки тегмайди — покизалиги шу-да.

Тўрабек ҳамиша уни етиб бўлмас чўққи деб билар, тақлид қилар, ундай одобли, камсуқум, ундай адолат-парвар, билимдон бўлгиси, ҳатто ундай кийиниб юргиси, одамларга ундай ёққиси келар эди. Тўғри, унга ёндашиб кам бўлмади. Ундан аввал ёқлади. Ундан аввал уйли-жойли, машинали бўлди. Докторлиги ниҳоясига етяпти. Қимсан, академикдай одам ёқтириб, ўзига куёв қилди. Орзулари бирин-кетин ушалиб боряпти. Лекин энди билса, Искандар ҳамон етиб бўлмас чўққилигича қолган экан. Ҳатто Миркомил ҳам арзи-ҳолини унга ишонибди, унга хат қолдирибди. Бу эса ўзиб кетдим деб юрибди.

Тавба, қачон унга ҳавас қилмай қўйган экан? Фалончига куёв бўлиб олгандан сўнгми? Э, йўғ-е... Кандидатликни ёқлаб олгачми? Унда ҳам эмасдир... Илм-да ўта олмаслигини биларди.

Уй олиб, машинали бўлгандан кейинми? Балки...

Кўзини ёғ боса бошлаган экан-да ундан чиқди. Ахир, ҳавас қилса арзийдиган жойи ҳали кўп эди-ку, Масалан, у ойликдан бу ойликка етказиб яшаса ҳам бирор кун ишга тунд келганини биладимиз? Етишмовчиликлардан уйда жанжал чиққанини эшитганми? Аспирантнинг ойлигига қанча чидаш мумкин? Бир кишининг ойлигини қанчага етказиш мумкин? Хотини Ноиба ҳам фил экан, фил. Қаноатига балли-е. Искандар касалхонага тушиб қолганда уни байрам билан табриклаб ёзган откриткасига бир кўзи тушган эди. «Дунёда энг қаноатли, энг инсоф-диёнатли ва энг суюкли умр йўлдошимга», дебди.

Ҳа, худди шу бахт етишмасди унда. Ҳамма нарса бор эди-ю, фақат бир-бирига шундай азизлик етишмасди. Яна ўзини устун олиб юрибди...

У-чи? Уша-ўша. Камситиш, айбситиш нималигини билмайди. Ҳамиша тенг кўради. Суянади. Ишонади. Мана бугун ҳам ишонди. Бўлмаса, анави Зарапетяни бирга олиб кетса бўларди. Йўқ, унга ишонди. Синашта, ҳалол деб ўйлади. Билмайдики, унинг кўзини шамғалат қилиб, шунча дўстлигига раҳна солиб, ишончини

ерга қориб, шу ишни қилиб юрибди. Шундай пасткашликка бориб юрибди. Им-м-м!..

Энди нимаям қила оларди? Қайси юз билан айтсин? Қайси бет билан қайтарсин? Кўрсатсин? Уғирлаб қолганини тан олсин?

Йўқ, бўлар иш бўлди. Бўлди, бўлди, бўлди...

Машина секинлаб бориб, йўл четига чиқиб тўхтади. Тўрабек апил-тапил енгини кўзларига босди...

8

— Хўп бўлмаса! Мен қайтавердим.— Автобусгача кузатиб келган Чори қўлини баланд кўтарди.— Яхши боринглар. Душанбегача обориб қўйсам бўларди-ю, унамадинглар-да.

Искандар зинадан икки поғона пастга тушиб, автобус эшигида турганча миннатдор бош силкиди:

— Раҳмат, укажси. Яхши етиб олинг сиз ҳам. Ҳали Тошкентга ҳайдайдиган вақтлар ҳам келади машинани, ҳа,— деди у оташхонадан қазиб олинаётган ҳайкалга шама қилиб, кетидан қўшиб қўйди:— Энди-и Далварзинни ўзингизга ишондик, кўз-қулоқ бўлиб турасиз-да, а?

У болаларни вақтида ишга олиб чиқиб, Валентинага қарашиб турасиз-да, демоқчи бўлди. Чори унинг фирани тушуниб, кўз қисди:

— Эса-чи! Кушонграднинг коменданти Қалон тоға бор, биз бор — ҳаммаси жойида бўлади. Хотиржам бўлаверинг. Ауф фидерзеен! — У гузар бошида қолган машинаси томон қайрилди.

— Кўришгунча...

...оббо олов-э! Ерга урса осмонга сапчийди-я. Қалон тоға айтмоқчи, бамисоли бир қоп енғоқ. Лекин шунча шалдир-шулдурлиги билан беғубор экан. Қинғирлик нима — билмаскан. Мунча ошиғич жўнамасангиз, ёв қувяптими, ё бир нима топдингларми, деб сўраб қўймабди-я. Қопчиқларга-ку эътибор бергани ҳам йўқ. Тўра бўлса, шундан ҳам хавотирланиб юрибди...

Автобус аллақачон тўлиб бўлган. Ғовур-ғувур бир зум бўлса-да, тинмайди. Кўплар юрса юрақолмайдими деб ойнадан бетоқат мўралаб мўралаб қўйишади. Лекин бекатдаги келди-кетдихона олдида бошқа ҳамкасабалари билан валақлашиб турган шофёр йигит ҳеч шоша қолмайди.

Улар орқа эшик ёнидаги бўш жойга «юк»ларини

жойлаштиришаркан, шу ерда якка ўриндиқда ўтирган ўспирин соч-соқоли ўсиб, ўзи хурмо янглиғ қорайган, экспедициядан қайтаётгани шундайгина билиниб турган Тўрабекка маҳлиё бўлиб туриб, бирдан дик этиб унга жой бўшатди.

— Утиринг, ака.

— Э, шунақами? Чакки қиласан-ку. Бизни жой тайин эди. Манави қопчиқлар ўриндиқлик қилмаса, нима қилиб кўтариб юрибмиз?— деди у бугунги кун ичида биринчи марта тишининг оқини кўрсагиб.— Ҳай, ҳамонки ҳурмат қилибсан, у ерга анави акангни ўтирғизамиз. Ҳар қалай менинг начайлигим. Хўп?

Аммо шу пайт кўзи ташқарига тушиб, ҳазил-ҳазилда қолди, ўзи ҳуши бошидан учиб, Искандарнинг қулогига шивирлади.

— Уни қара! Уни қара, Искандар, ким келяпти!

— Ким келаркан?— Искандар у айтган томонга ўгирилиб, лол қолди. Томир-томиригача жимирлаб, юраги шундайин орзиқиб кетдики, кейинги ўн йил ичида бу алпозга тушмаган эди.

...ё қудратингдан! Нима бу? Мўъжизами ё сароб? Наҳот унинг ўзи бўлса? Бир туки ҳам бошқа эмас-ку. Ё у адашяптими? Бировга ўхшатиб юбормадими ишқилиб?

Тақдирнинг хўп ғалат ўйинлари борми! Уни қаранг. Катта йўл ёқалаб ажаб бир таниш сиймо келяпти. Неча йиллар бурун бамисоли ойга учиб ё сойга чўкиб кетгандай даб-дурустдан йўқолган у соҳибжамол яна гўё тирилиб келяпти. Улар томон шошиб-ошиқиб келяпти, ўша-ўша — ҳўв ёшликдагидай ойдай тўлишиб, кундай ёришиб келяпти. Ҳар назари, ҳар нигоҳидан атрофдаиларни ўтдай ёқиб келяпти.

У, баргикарам кўйлагу оқ кофта бирам ярашибдими унга, кетибдими унга?! У пайтлар сарвдеккина, нозик-ниҳолгина эди. Энди сал тўлишибдими-ей, дуркун тортибдими-ей. Фақат... фақат қўлидаги қизчаси-ю шошганда тиззасига урилиб келаётган тугунчасини айтмаса, ҳеч нарса ўзгармагандай, ўша-ўша.

Аммо... нима бу? Қора бодом кўзларида милт-милт этган, этаётган? Ёшми ё ёлқин?

Ёлқин эмас-ов. Аксинча, у бундайин келмасди. Лабларида хўрлик расмими-ей? Юзларини қизчасининг елкаларига босгудек, яширгудекми-ей? Ўзи шошиб-ошиқиб келяпти-ю, йўлни аранг кўряптими-ей? Нима бўл-

ган ўзи, бошгинасига қандай мусибат тушибди экан?..  
Наҳотки суйган оши...

Искандар титраб кетди: «Йўқ-йўқ, бўлиши мумкин-мас. Мумкинамас, мумкинамас», — дея ичида шивирлаб туриб, бирдан гапириб юборди у:

— Мумкинамас...

— Нега мумкинмас? Кўрмайсанми, ўзи-ку. Офтоб-ку,— дея эътироз билдирди Тўрабек.— Наҳот танимадинг?

Нега танимасин? Таниб, кўриб турибди. Фақат нега бу алпозда келяпти, ахир ўзи уни деб кетганиди-ку, не-не йигитлар, Миркомил турганида уни танлаб кетган эди-ку, нима бўбди экан деб турибди. Ичи ачиб, танг қолиб турибди. Шундай малак шу куйга тушди-ми, деб дилидагини тилига чиқара олмайин турибди.

Унга қараган ҳам қарайди, қарамаган ҳам қарайди. Бу оламда шундай кўҳлик аёл ҳам бўларканми, бўлса уни қандай она туққан экан, қандай бахтли йигитларга буюрган экан, дейди. Қайси эркак оошларига кўтармаскан, қандайин зот, қандай бадбин бундай хўрлаб қўяркан, дейди.

Ана, у етиб келди. Бир автобус одамни ўзига қаратганча, селу маҳлиё этганча ҳеч кимга, ҳеч ёққа қарамай орқа эшикдан бир поғона кўтарилди-ю қизчасини ерга қўятуриб, ажиб бир тин олди.

— Уҳ, минг қатла шукр-эй!...— деди юракларини бўшатиб. Шу баробар қаддини ростлади-ю кўзи... кўзга тушиб: «Вой!», дес юборди ногоҳ. Шу бир оғиз сўзда уятга ҳайрат ҳам, армону алам ҳам аралаш эди. Баногоҳ унга рўпара бўлганидан бир қувонса, минг уятга тушар, бир уялса, минг қувонар эди шу тобда. Кейин бирдан кўзи Тўрабекка тушиб, баттар шошиб қолди:

— Вой, сиз ҳам шўттамидингиз?— у ўзини йўқотиб қўйиб сўраша кетди.— Ассалом-алайкум, Искандар ака. Ассалом-алайкум, Тўравой ака. Яхшимисизлар, яхши юрибсизларми?

Ўзи сўрашяпти-ю, кўзлари атрофга жавдирайди, учинчи бир кимсани — Миркомилни излайди. Билмайдики...

— Келинг, Офтоб, бу ёққа ўтинг. Бу ёққа чиқа қолинг,— деб қизчани даст қўлига олиб, йўл бўшатди Искандар.

Унинг қора бодом кўзларида туманранг ёш ҳалқаланиб, юзи нақш олмадек қизариб кетди.

— Вой, қизиқ бўлди-ку, сизларни турғизиб...—

Унинг овози ўша-ўша алламбало эди, нозик десами, нозли десами, бошни айлантларли эди.

— Сизга буюрганакан ўзи,— деди Тўрабек энди оғиз очиб.

У шунақами, дегандай миннатдор қараб қўйди-ю якка ўриндиқ томон ўтиб, қизига қўлларини чўзди.

— Кела қол, Ойдин, ўтириб кетадиган бўлдиқ. Раҳмат деймизми, амақиларингга.— У қизчасини тиззасига оларкан, уялибми, гуноҳкоронами қараб қўйди.

...амақилар, амақилар, амақилар. Биз-ку, майли, Миркомил ҳам амақи-да энди унга?..

Искандар тубсиз хаёлларини қувиб, мийиғида кулди:

— Бизгамас, мана бу укамга раҳмат айтинг. Унинг жойи.

— Вой, шунақами?— Офтоб ўспиринга қараб чиройли жилмайди.— Сизгаям раҳмат, катта йигит бўлинг.

Ўспирин уялиб, кўзларини олиб қочди, уятининг зўридан қулоқларигача қизариб кетди. У-ку, бола, не-не манман деган йигитлар тоб бера олмасди-ку — унинг бундайин қарашларига, нигоҳига! Ўзлари-чи, ўзлари? Кўрмаган кунлари ётиб уйқулари келмасди, кўрганда-чи, соқов бўлардилар-қолардилар. Гўё Офтоб бир маъбудаю улар унинг атрофидаги гиргиттон парвоналари, бир оғиз сўзи, кулгиси, нигоҳига илҳақ турадилар-у, қани энди у бир қиё боқиб қўйса. Топширадиган семинарлар, курс ишлари, зачётлар қалашиб ётади, бу ёқда имтиҳонлар тоғ бўлиб туради. Лекин қани суврати хаёлидан кетса, тунлари тушларидан, кунлари қароқларидан аримайди. Ҳар куни Шота Руставели кўчасига бир бориб, ўша мўъжаз бозорча эшигида тўқимачилик институтининг орқа йўлагидан чиқадиган қизларни кутишлари бор. Уни узоқдан бўлса-да, бир кўрмагунча қани энди кўнгиллари жойига тушса. Қиё боқиб, дугоналари билан кулишиб ўтса-ку, ўша куни байрам. Ишлар ҳам юришиб кетган, семинарлар топширилиб, зачётлардан ўтишган! Ўзлари ҳеч ерга сиғишмаган. Э, у бир даврлар экан-да! Ҳатто Миркомилни деб унга йўл бўшатиб беришибди-я. Ўзиям ёмон боғланиб қолган эди-да. На ётариди, на турариди ҳаловат бор. Бола бечора унинг дардида сариқ ипак бўлиб қолган эди. Бунинг ҳам унга кўнгли бор эди-ю, охирида қандай шайтон йўлдан урди-да. Тушуниб бўлмайди. О, устмон-э! О, учар-э! Битиб турган ишни бузиб, Миркомилнинг оғзидан илиб кетди-я шундай нарсани! Ким экан у деса... Қалон тоғанинг уруғи чиқиб турибди. Ҳеч ақл

бовар қилмайди. Шундайин одамнинг невараси шундай ишларга қодир бўлса. Ишонмайсан. Ишонмайсан. Ишонмайсан-у, иложинг қанча.

Искандарнинг хаёлидан кечаги сурат — фўта ўраб, маржон тақиб хандон ташлаб турган келинчак кетмайди. Кампирнинг оғзидан бол томиб, Офтоб келинимиз, моҳтоб келинимиз, дея фахрланганлари-чи?.. Шундоқ ардоқли келин жуда кам борармиш. Ораси унча узоқ ҳам эмаскан-ку? Ўзидан ортмасмикан ё эри қўймасмикан? Қариндошларидан узоқда сиқилиб кетмагани бунинг? Қаёққа отландийкин ҳозир? Отланди деса, нега кўзларида ёш?..

У эса, боягидан ўзини анча тутиб, очиқ юз-ла қараб-қараб қўяди. Ниманидир сўрамоқчи-ю ибоси қўймаётир, тили бормаётир. Охири у журъат этиб, Искандарга жилмайиб қаради:

— Шу ёқларга ҳам келасиз экан-да?

— Келганда-чи!— деди Искандар қулф дили очилиб.— Мана, неча йилдирки, шу Далварзинтепани кавлаштириб ётибмиз.

— Вой, шу ўзимизнинг Далварзинда-я? Опоқдадамларнинг ёнларидаги хароба шаҳарда-я?— Офтобнинг кўзлари гавҳардайин чақнаб кетди.— Эшитардим-у, билмаганимни қаранг. Хаёлимга келмаганини қаранг,— деди соддадиллик билан.— Биз у ёқларга бир борганмиз, ҳар хил кўкатлар тергани чиққанмиз.

— Биз ҳам ҳар баҳору ҳар куз келамиз,— деди Тўрабек, кўришмаганимизни қаранг, дегандай.

Автобустаги одамлар бетоқатланишади. Юрақолса-чи, мунча имиллаган шофёр экан, деб нолишади. Ким ойнадан мўралайди. Ким тўнғиллайди, ким қарғанади. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Буларнинг суҳбати эса, энди қовушиб келяпти. Эҳ-е, сўрайдиган нарсалар бир кўп-бир кўпки, лекин сўрашга қани юз, қани тил?..

Аммо секин-аста гап-гапга йўл берапти. Ўзлари элакишиб боришяпти. Ҳатто Офтобнинг қизчаси ширин-ширин кулиб ҳали Искандарга, ҳали Тўрабекка талпиниб қўяди. Бирам ширин бўпдики, қурмағур, олов-а, олов. Аммо Офтоб қизини бағридан бўшатмай, гоҳ Искандарни, гоҳ Тўрабекни саволга тутади. Муддаоси маълум. Лекин ўшандан сўз очаолмайди. Булар ҳам сезиб туришибди. Лекин қандай айтишсин? Андиша йўл қўймайди.

Бу орада орқа ўриндиқдан кимдир энсаси қотиб шанғиллади:

— Ҳой, одамзодлар, юракларингиз тошиб кетмаганига балли-е. Чақирсанг-чи биттанг. Юрадимми, йўқми?

Қариянинг танбеҳи Искандарга таъсир қилди; ростдан ҳалиям келмадимми-а? Лекин олдинга қаради-ю беихтиёр Тўрабекни туртди.

— Ие, уни қара. Бу ёқларда нима қилиб юрибди?

— Қим?— Боядан бери Офтобдан, унинг қизчасидан кўзини уза олмаётган Тўрабек довдиради. Кейин олдинги ўриндиқда гунгурсдай бўлиб, букчайиб ўтирган Фанишерни кўриб, ўзига келди:— Ҳа, уми? Кеча шу ёққа жўновди. Энди Душанбега йўл солворибди-да. Адашиб кетишдан қўрқмаганини бунинг!

Искандар ҳам энди унинг одатини эслади: дарвоқе, шунақа касали бор-а! Бир ҳафта-ўн кун буюрган ишни жи-имгина қилиб юради-да, бирдан ғойиб бўли-иб қолади. Амлақаёқларда юриб-юриб, яна ўзи ҳеч гап бўлмагандай қайтиб келади. Шу ёқларга тентираб кетаркан-да?

Шу пайт автобус шофёри қайтиб келиб, жойига чиқиб ўтирди, шекилли, эшиги қарсиллаб очилиб-ёпилди. Шу баробар унинг хуш-хандон овози янгради:

— Э-э-э, саломлар бўлсин, Шер ака! Уни қаранг-а, уни қаранг. Сизни ҳам кўрадиган кун борақан-ку, а? Одамни соғинтириб қўйдингиз-ку жуда. А?

Муштдай калласи лиқиллаб, Фанишер беғубор ишшайди.

— Юриб-юриб-юрибман...

— Ҳали Масков, ҳали Денов, ҳали Душанбе қилиб денг? Ҳа-а, сизам анойимассиз, сиздаям бир гап бо-ор...

У баттар эриб илжайди, лабларини қимтиб, кулгисини ичига ютишга уринди.

— Эн-эн-энди келишим-у қан-қан-қанчадан бери...

— Ютуқ кўпайиб кетган-да, кўринмайсиз?! Биз укаларингизга битта ош қилиб берай ҳам демайсиз! Шунақамас-да, акам.— Шофёри тушмагур жуда ҳазилвон экан, гапи тошиб чиқар эди.— Ё биратўла тўйда сўйизми ошни?

Қим кулди, кимнинг ғаши келиб, четга қаради. Олдинроқда турган бир аёл эса, чидамай шофёрни инсофга чақирди.

— Ҳой, укажон, юрақолмайсизми? Бу ерда самолётга шошаётганлар бор, ахир. Мунча гап сотдингиз?

— Эй, момо-ей! Графикдан чиқа олмасак, нима қилайлик?— У пешонасининг тўғрисидаги кўзгудан хонисор қиёфада елка қисди.— Бизда нима айб?! Ихтиё-



римиз анувларнинг қўлида-ку. Жўна дейишса, жўнай-миз. Хап тур дейишса, хап турамиз. Замон шуларники-ку — айтинг...

Офтоб ҳам энди аллақандай бетоқатланиб, кўчага қараб қўйди:

— Уф, юрса юрақолмайдимми-я?

Ниҳоят, автобус қўзғалиб, юзга енгил шабада урилди. Искандар дўстининг билагидаги соатга кўз қирини ташлади: икки соатларда етиб олишса, пешинги рейсларга илинишармикан? Жуда бопта бўларди-да. Ажабмас...

Лекин автобус катта йўлга тушиб улгурмади. Қайрилишга чиққанда гузар томондан ўқдай учиб келаётган сутранг «Жигули» ғийқиллаб унинг йўлини кесиб тўхтади-ю ичидан келишган кўркам бир йигит отилиб чиқиб, шофёрнинг олдига «жон ака»лаб кела бошлади.

У қўлини кўксига қўйиб, зўр бериб нималардир дея илтижо қилар, ўтинар, бир минутга тўхтаб, эшигини очишни сўрар эди. Боя шахдам тормоз босгандаёқ тепа сочи тикка бўлган шофёр уни танибми ё салобати босибми, бирдан бўшашди. Ана бўлмасам, дегандек автобус эшикларини очиб юборди.

Жигарранг чийбахмал костюм-шнмию японча кўйлагидан тортиб, оғзидаги икки дона ярқираган тилла тишигача ўзига хўп ярашган йигит энди шу томон отилди. У эшикдан бу эшикка чопиб, лиқ тўла автобусда: кимнидир излашга тушиб кетди.

Ё тавба! Баногоҳ Искандарнинг кўзи Офтобга тушди-ю ҳамма нарса равшан тортди-қўйди. Чиройда ундан қолишмайдиган хушсуврат йигит уни излаб, эшикдан-эшикка чопар эди:

— Эй, Офтоб?! Қанисан, қаёқдасан?.. Буёққа қаравор. Бир оғиз гапим бор. Сенга айтаяпман, Офтоб!

Ҳамма атрофга аланглайди. Ким экан, кимни чақиряпти, дея бир-бирига қарайди, елка қисади. Автобус атрофида гирдикапалак бўлиб, зир югураётган, ичкарига киролмай зор қақшаётган йигитга ким ачиниб, ким ҳамдардлик билан тикилади.

У бўлса, гоҳ олдинги, гоҳ орқа эшикдан тиқилиб, ҳамон чақиради, ҳамон ўтинади:

— Биламан, шу ердасан, мендан аразлаб кетяпсан, Офтоб! Бир гал майли де, бир оғиз гапимни эшит, Офтоб! Утинаман сендан, қизчамиз ҳаққи, Ойдин ҳаққи, эшит.

Искандар бир қизчасини бағрига босганча тек қот-

ган Офтобга, бир унинг пастда минг тавалло қилиб турган эрига ҳайрат-ла тикилади.

...шу экан-да, шу экан-да уни Миркомилдан илиб кетган. Айтишарди кўркам деб, бойвачча деб. Сиртдан ўқийди. қўли узун деб. Шу кўркига учган экан-да, Офтоб. Эҳ, ҳаёт, ҳаёт...

У эса ҳамон боласини бағрига маҳкам босганча миқ этмай ўтирибди, дув қизарган оқ юзининг бир чеккаси титраб-титраб, учиб қўяди. Ўзини аллақандай хўрлик босиб келаётгандай лаблари аламли қимтилган.

Искандар автобус шофёри томон зардали нигоҳ ташлади.

...истамагандан кейин... юравермайдими?! Тўхта-аб турмай! Шундай аёлни шунча одамнинг ичида уялтирган эр ҳам... номард экан.

Унинг кўзига энди у йигит бирам совуқдан-совуқ кўриниб кетдики... Уялмаганини бунинг!

Ниҳоят, у Офтобни кўриб қолиб, орқа эшик томон югурди, ичкари суқилолмай зўр бериб ойнани тапиллатишга тушди.

— Офтоб, дейман! Ойдин, дейман! Менга қаранглар, қулоқ солинглар, дейман!

Искандар ҳайрон.

...нега у жим? Гиқ этмайди. Уйни ташлаб чиқишга-чиққану энди охириги сўзни айтишга кўзи қиймаяптими? Журъати етмаяптими? Е уларнинг олдида ўзи суйиб ичган ошни... ёмонлагиси йўқми?

Йўқ. Охири у чидай олмади. Зарда билан ойнани очди-да:

— Нима дейсиз?!— деди алам-армон билан.— Ҳамма нарса тугаганда, чил-чил бўлганда нима дейсиз?! Зиғирча ор борми сизда?! Қайси юз билан келдингиз?! Эри ажаб ҳалимлик билан, илтижо-ла қўлларини кўксига қўйди. Утинч-ла кўзларига тикилди.

— Офтоб?! Утинаман сендан, кетма. Мени хароб қилиб кетма! Сен кетсанг жуда ёмон бўлади. Мени бадном этишади, тушуняпсанми, хароб қилишади. Партиядан ўчириб, ишдан олишади. Ундай қилма, жон Офтоб!

Утинаётган, ялинаётган у-ку, Искандар уялиб кетди. Аммо бирдан Офтобнинг юзи яна ҳам жиддий тортиб, чиройли, қуралай кўзлари совуқ чақнаб кетди:

— Олишсин! Учиришсин! Ажаб қилишади!— деди аллақандай қаҳр, алам, надомат билан.— Хўб қилишди! Сен шунга лойиқсан! Муносибсан!

— Офтоб?!

— Бирорта беқинғир ишинг борми? Тирноғинггача ҳаромга ботгансан-ку!

— Офтоб, дейман?

— Шунча чидадим. Шунча хўрлаганларинг етар. Яна нима дейсан?

— Офтоб, ҳеч бўлмаса сен инсоф қил! Хароб қилиб кетма. Ялинаман сенга, ўтинаман...

Аёл бари бир аёл-да. Ҳозиргина «қулоғи қар, кўзи кўр» бўлиб ўтирган Офтоб кўзлари жиққа ёшга тўлиб, бир зум ерга қараб қолди ва бирдан ўзгарди.

— Қўйинг энди, ўткир ака,— деди кутилмаган со-вуққонлик билан.— Қайтмаслигимни биласиз-ку. Ҳамма нарса тамом бўлган-ку.

Минг тавалло қилиб турган йигитнинг кўркам юзи бирдан аянчли бужмайиб кетди. Тили калдиради.

— Унда.. унда менинг ҳолим... ҳолим нима кечади, Офтоб? Мени хароб қилишади-ку, хароб...— деди у йиғ-ламсираб.

Офтоб ғаши келибми, юзини четга бурди ва шу заҳоти ўгирилиб кескин жавоб қилди:

— Қўрқманг, даъвоим йўқ деб ёзиб, ташлаб келган-ман. Сервант устида. «Абадият қонуни» тагида туриб-ди. Боринг, сизни ўша қоғоз асрайди. Мени деб... аж-рамайсиз амалингиздан!

— Офтоб?..

— Боринг энди!

— Офтоб?!

— Бўлди энди! Ортиқчаси ортиқча, машинани йўл-дан олинг. Йўлдан қўйманг одамларни.

Боядан бери кўнгил уза олмаётган йигит кутилма-ганда аллақандай енгил тортиб, унга қаради.

— Рост сўзингми, Офтоб?

— Айтдим-ку, китоб тагида деб!— деди Офтоб энди жеркигандай.

У миннатдор тикилди:

— Раҳмат сенга, Офтоб. Бу яхшилигингни, бу... бу... бу мардлигингни у дунё-бу дунё унутмайман! Унут-майман, унут-майман.— У тисарилиб, орқаси билан юриб кета бошлади.

Офтоб ғалати бўлиб кетди. Юзлари оппоқ оқариб, алам билан пичирлаганини Искандар аниқ эшитди:

— Билар-дим! Билардим сенга шу кераклигини... юзсиз!— У ҳиқиллаб, қизчасининг елкаларига юзини босганча, йиғлаб юборди.

Бир автобус одам ёқа ушлаб, ларзада жим қолди.

— Йиғламанг, айланай, садқаи кўз ёшингиз кетсин,— деди ўртароқдаги аёллардан бири жимликни бузиб.

— Ҳали киясига учрайди, киясига,— деди бошқаси.

— Ё алҳазар, ҳазор алҳазар,— деди кимдир.

Тўрабек жиққа ёш тўла кўзлари ғилтиллаб, автобус шифтига тикилиб турар, лаблари пир-пир учар эди. Офтоб ҳамон ўзини тута олмай ҳиқиллайди, бу можа-родан қўрқиб кетган қизчасининг лаблари эса, бурилиб-бурилиб келади. Уларга қараб туриб, Искандар ҳам титраб кетди.

...бахтли қилолмаскансан, олиб нима қилардинг, йўлдан уриб нима қилардинг-а, номард?! Бир парча қоғознинг дарагини эшитиб, воз кечиб ўтирибди-я! Арзимас амалини, оқиб келиб турган ҳаром-ҳариш пуллари-ни деб жуфти ҳалолидан кечган кимсани нима деб аташ керак?! Қалон тоғанинг неварасимиш! Тирноғига арзимайди-ку, тирноғига у чолнинг?! Устози ким экан-а бунинг, устози?

Оқ «Жигули» йўлдан қочиб, автобус жойидан жилди. Очиқ ойналардан тоза ҳаво билан енгил эпкин урилди юзга. Аммо ҳамма жим, ҳамманинг юзида айтиб адо қилиб бўлмас бир нафрат ётади, ҳеч ким у номарддан кўзини уза олмайди. Ҳатто Ғанишердек одам ҳам қўлларини ғайритабний силкиганча, алланарсарларни ғўлдираб сўкинади, ойнадан унга қараб бир нарсалар демоқчи бўлади. Ғазаби шунчалик...

#### **КАЛОН ТОҒА АЙТГАН РИВОЯТЛАРДАН**

Оқсоқол топшириқни адо этишга отланган йигитлардан яна иккитасини сафарга жўнатай деб турган экан, ҳузурига икки деҳқон жанжаллашиб кириб келибди.

— Э, йўқ, биродар, бекорларни айтибсиз, у сизники, сизнинг ерингиздан чиқдим — сизники-да! — дермиш биттаси. Бошқаси уввало унамасмиш.

— Қизиқсиз-а, қариндош! Қанақасига меники бўлсин? Мен у ерни сизга сотиб юборганмами, сотиб юборганман. Вассалом! Шунча йил деҳқончилик қилиб, менга чиқмаган нарса, сизга чиқса, сизники-да!

— Узи нима гап, яхшилар?— дебди Оқсоқол.— Бунча жиғибийрон бўлмасангиз?

— Узр, Бузрук тоға, олдингизга бир арз билан келдик, шуни ажрим қилиб берсангиз,— дебди улардан бири.— Валлоҳи аълам, мен бу кишидан уч ярим таноб-

гина ер сотиб олган эдим. Яъниким, ниҳояти уч ярим танобга ҳақ тўлаганман. Энди шу ерда қўш ҳайдай туриб хазина топиб олсам, кимники бўлади? Ер аввал кимга тегишли бўлса, ўшаникими ахир?— дебди ер олган.

— Нега энди меники бўлсин? Мен унутиб қолдирган ё кўмиб қўйган бўлсам эканки... Қўйинг, қариндош, ҳар кимга ҳалолойдан берсин. Ўзингиз топдингизми, ўзингизга буюрсин, — дебди ер сотган.

— Демак, сиз ер олгансиз, бу киши сотган?— деб сўрабди Оқсоқол.

— Шундай,— дейишибди иккаласи бараварига.

Оқсоқол уларни тинчлантирган бўлиб, сафарга жўнаётган йигитларга юзланибди:

— Хўш, улиларим, сиз нима дейсизлар: шуйтиб хазина кимники?

Улар ўйланиб қолишибди. Ниҳоят, бирининг чехраси ёришиб келиб, шу ҳам муаммо бўлди-ю, дегандай кулибди:

— У ер шу жамоага қарагач, хазина ҳам... сизнинг мулкингизда, Оқсоқол,— дебди у.

Оқсоқолга унинг гапи нашъа қилибди-ю, лекин индамабди. «Шу қавмларимки меникимас, сеники деб турганда мен олишим керак эканми?! Вой юмшоқ супурги-ей, одамни шунақалар бузади-да».

— Сиз-чи, сиз нима дейсиз?— дебди Оқсоқол тишини-тишига босиб унинг шеригидан. У ерга қараб бир дақиқа жим қолибди. Сўнг:

— Агар ижозат этсангиз бир нарсани сўрасам,— дебди.— Бу амакиларимизнинг фарзандлари бормикан?

— Менинг бир ўғлим бор, уйлантирадиган,— дебди ер олган.

— Меники эса, қиз,— дебди ер сотган.

— Унда... бу кишиларнинг фарзандларини унаштириб, хазинани ўшаларга аташ лозим. Токи улар қийинчилик кўрмай яшашсин,— дебди иккинчи йигит.

Оқсоқолнинг чиройи очилиб, «Баракалла, оқил йигит экансан», дегандай мийиғида кулимсирабди. Дехқонларга эса:

— Ҳақ гап. Фарзандларингизга буюрсин! — дебди оқ фотиҳа бериб.

Улар бошлари осмонга етиб, Оқсоқолнинг олдидан чиқибдилар. Лекин тўй ҳам ўтиб, келин билан куёв чимилдиққа кирибдилару бир-бирларига маҳлиё бўлганча узоқ ўтириб қолибдилар. Сўнг худди бир-бирларини

минг йилдан бери биладигандек, яхши кўрадигандек гаплаша кетибдилар. Гаплари ҳам бир ердан чиқармиш. Сўзлари ҳам кўнгилларидагидек эмиш. Ниҳоят, келин бўлмиш куёвга:

— Сизга бир маслаҳатим бор эди, агар кўнглингизга олмасангиз,— дебди.

— Айтавер, қулоғим сенда. Сен айтасану мен эшитмайманми,— дебди куёв.

— Агар билсангиз, уйимизда кеча бизга тақдим этишган бир нарса бор.

— Қайси? Анави хазинами?

— Ҳа, ўшани айтаяпман,— дебди келин,— унинг тарихини эшитганмисиз?

— Эшитганман. Нима эди? Оқсоқол бизга ҳукм чиқарган экан...

— Шундайликка шундайку-я, лекин...

— Нима лекин?

— Отам олмаган, отангиз олмаган, ҳатто Оқсоқол ўзига раво кўрмаган ўша нарсани... наҳотки биз олсак? Ҳаётимизни шу ҳаром нарсадан бошласак?

Куёв узоқ ўйланиб қолибди ва ниҳоят, қаллиғини елкасидан кучиб, аста ўзига тортибди:

— Майли, сен айтганча бўла қолсин!..

Эртасига улар хазинани олиб, Оқсоқол ҳузурига борибдилар-да:

— Бу хазинага етти иқлимдан кўчат келтириб, Боғижаҳон бино қилдирсангиз, токим ундан бир киши эмас, барча баҳраманд бўлса,— дебдилар.

Шу-шу, хазина юртники, эсли-хушли одам унга ҳирс қўймайди, деган нақл қолганмиш...

У ўша-ўша ўзидайин кўҳлик, ўзидайин ширин қизчасини бағрига босиб ўтирибди. Қизчаси аллақачон ухлаб қолган-у, у буни сезмайди. Аҳён-аҳёнда уни аллалагандайин тебратиб бошини силаб-силаб қўяди.

Ўзи эса тубсиз ўйларга ботган. Қора бодом кўзларида туманранг ёш. Яккаю ёлғизининг тақдирини ўйлаб кетган онадайин маъюс тортиб қолган...

«Афсус, Рўзи Чори ёйинки Баҳодир эмасман. Унинг шу ўтиришини шундайин қоғозга туширардим» «Покликка сафар» деб атаган бўлардим», деган ўйлар кечадди Искандарнинг бошидан. Шу баробар ёдига Қалон тоға айтган ривоятга ҳаётини ҳаром нарсадан бошлашни истамаган ўша келинчак тушиб, бир лаҳза иккисини баргикарам кўйлақда тасаввур этди-ю бундан ўзи ҳам

ҳайратда қолди. Ажабо! Улар ростдан ҳам опа-сингилларга ўхшаб кетардилар, нималари биландир бир-бирларини эсга солар эдилар.

9

«Билардим, билардим сенга шу кераклигини! Шунчаликка боришингни... билардим».

Унинг назарида Офтоб ҳамон хўрлиги тутиб, тиззасидаги қизалоғининг елкасига юзини босганча аламармон билан титраб-титраб йиғлар, куйиб ўрганарди, куйингани қулоқлари остидан кетмасди.

«Билардим, билардим шундай дейишингни охири...»

Бўлмаса ўшандан бери қанча ўтди; автобус Деновдан чиқиб, аллақанча юриб қўйди. Одамлар у можарони эсдан чиқариб, ўзлари билан ўзлари сербар бўлиб улгурдилар. Лекин қани энди у хўрсиниқ қулоқлари остидан кетса, алами босилса. «Тавба, одам боласи ҳам шунчалик пасткашликка борадими? Уялмаганини, номус қилмаганини бунинг! Уйлайдики шу ишидан кетмаса ҳамма нарса топилади. Мол-дунё ҳам, уй-жой ҳам, онаси ўпмаган қизлар ҳам. Лекин тоқай шундай давом этаркин?! Арзимаган бир амални эгаллаб олиб, бундай давру даврон суришлар, йўқдан йўндириб, ёниб кетди-чириб кетдига чиқариб, ундан уриб бунга бериб, пахтадан пул ясашлар... қачонгача давом этаркан? Ҳаммаси доим шундай қолмас, давлат қўйиб қўймас, миркомиллар қараб турмас, ахир?!»

У чойга тонна-тонна беда қўшиб, жарақ-жаранг пул йиққан заводчиларни эшитган эди, энди қоғозда план бажариб, қоғозда тола чиқарадиган, тўқимачиларга бўм-бўш контейнер жўнатиб ҳам ишини эплаб кетадиган пахтачию толачилар чиқибди. Бу ҳам бир пахта заводи ё пунктни эгаллаб ётганлардан биттасидир-да. Бўлмаса амали учун бунчалик ўлиб-қутулмасди, қўлдан кетишидан қўрқмасди. Булардан ҳар нарсани кутгулик. Улар бу кўчага бир кирдиларми, энди ўзларининг тинчи учун ҳеч нарсдан тоймайдилар. Қайтсалар, ўз хотинларини мана бундай бева, фарзандларини етим қилиб қўярмидилар?! Қайтсалар — Миркомилдек адолатчи, ўзига тўғри одамни ҳам тухматчига чиқариб, қаматиб юбора олармидилар? Қаранг-а, қанчалик чуқур илдиз отиб, киши билмас ваҳшийлашиб кетишибди. Ҳа, улардан қўрққулик. Негаки, райком ҳам шуларнинг томонида, обкомда ҳам ўз одамлари бор. Керак бўлса, казо-казо

акахонларига айттириб, адлиячиларни ишга солдиришади. Биров уларнинг мушугини пишт деб кўрсинчи, қилмишларини очишга уриниб кўрсинчи, не балоларга гирифтор қилишмаскин. Биттаси Миркомилмиди? Ёнига тушадиган мард топилмади-ку.

Ўзлари-чи, ўзлари? Уни оқлаш учун нима қилишди? Қаерга учраб, қаерга чиқишди? Кимга ёзишди? Ваҳолонки, жонажон оғайнилари эди. Унинг ҳақлигини, поклигини билардилар. Ҳамма билмаса ҳам улар билардилар. Шу оёқ остидан чиққан олтиннинг бир бўлагини ишлатиб ҳам уни оқлатиб юбориш мумкин. Ҳар учарлар борки, шу бир бўлак ёмбини кўрганда Миркомил экан-ку, бошқасини ҳам чиқариб беради, фатво топади. Фақат Миркомил эшитса, унамаслиги аниқ. У унақа-бунақа қайсарлардан эмас.

Лекин бирор нарса қилишлари, эгри йўл билан бўлмаса, тўғрилиқча курашиб кўришлари керакми?! Тақдирга тан бериб, индамай ўтириш уятдир, ахир. Искандар-ку, ўзича ҳаракат қиляпти. Қаршига неча марта бориб келди, нималарнидир аниқлади, қўшимча фактлар топди. Унинг аризасини пухталаб... яна баъзи ёқларга бормоқчи. Лекин у-чи? У нима қилди? Искандардан ҳам бурун унга лозим эмасмиди шу ишлар? Одамлар ёр-дўст учун нималар қилишмайди? Керак бўлса жонидан кечади-ку! У-чи? Ўзидан ортиб нима қилди?! Виждони ростакамига қийналса, ўзидан ортарди-ку, вақт топарди-ку! Шу виждони унчалик қийналмаяпти шекилли. Академикка куёв бўлиб, етти хонали коттежу машиналарга эришиб, беш минут кам докторликка етишиб, ўзидан тинчиб қолди шекилли энди...

— Ия, постга келибмиз-ку! Тўхта-тўхтага учрабмиз-ку.

— Вой укағар-эй, бир чеккадан тўхтатиб ётибдими?! Ҳали бизни ҳам... А?

— Тоза ваҳма қилдингиз-да, тоға. Ахир бу рейсдаги автобус-ку. Далага солмас.

— Э, буларга қонун борми, пахта керак!..— Автобусда ғовур-ғувур кучайиб, ҳамма бирдан безовталаниб қолди.

Тўрабек ўзига келиб, олдинга кўз ташлади.

Кўчанинг икки чети ҳар турли катта-кичик машиналар билан тўлиб кетган, ҳов олдинда, йўл ўртасида турган ола таёқли инспектордан ҳайиққандай автобус юришини ҳам, тўхташини ҳам билмай имиллаб борар, бунга сари одамлар олдинга талпиниб, нима гаплигини



билишга ошиқишар эди. Ким олдинга, ким ёнга мўра-лайди. Ким шундайгина йўл ёқасидаги жигарранг пайкалда истар-истамас пахта териб юрган йўловчиларга, ким инспекторнинг орқасидан қолмай ялиниб-ялтоқланиб келаётганларга ишора қилади. Олдинроқда турганлардан кимдир шанғиллаб, автобус шофёрини қистайди:

— Ҳей, шопур ука, бўрини кўрган қўйдаи бунча тайсалладинг? Газни босиб, сурвормайсанми? Жонинг борми? Қўрқма, сени тўхтатишга ҳаққи йўқ унинг.

— Ҳа-да! Қиракашмидингки, чўчийсан?! Бос-да!

— Кетар-кетар — майдаси кетар. Жа бўлмаса, мана, биз бормиз, — дея қувватлади беқасам тўнли йўловчи.

Шофёр йигит гаши келиб, олдидаги кўзгудан автобус ичидагиларга кинояомуз назар ташлади: шунақа денглар-а?..

Шу пайт ҳамон кетидан эргашган илтимосчиларга пинак бузмай у ёқдан-бу ёққа бориб келаётган инспектор жилиб юбормоқчи бўлган автобусга кўзи тушиб, икки қадам олдинга чиқди-ю ола таёғини силтаб, четга ишора қилди.

Шофёр машинани у айтган жойга олиб тўхтатаркан, ўтирган ерида орқасига ўгирилиб, бояги одамларга маънодор қаради: «Биз бурчимизни ўтадик. Ўзларингиз гаплашаверинглар энди, жаноблар...»

Эшик очилиб, зинада инспекторнинг аввал қизил шапкаси, кейин ўзи кўринди. У негадир қўнғизмўйловини сийпаб қўйиб, қўлини юқори кўтарди:

— Жим, ўртоқ граждaнлар! Далага тушинглар. Беш кило-беш кило териб берасизу... кетаверасиз.— Машина ичида яна шовқин кўтарилмоқчи эди, инспектор олдини олди.— Топшириқ шундай. Ўзингизни ўзингиз бекорга йўлдан қолдирманг.

Автобус ичида олатасир бошланди. Ким сўкинди, ким пичинг отди. Ким тақдирга тан бериб, муросаи мадорага чақирди. Аллаким тўнғиллаб, қайси бир аёл очикдан-очиқ қарғанди:

— Э, савил қолсин, ҳеч тинчлик йўқ экан-да...

— Ношукур бўлманг, келин. Шунинг орқасидан орзу-ҳавас кўряпмиз-ку,— деб насиҳат қилди қария одам.— Кўпга келган тўй.

— Э, қўйинг-э.

Одамлар тўнғиллаб-тўнғиллаб бўлса-да, бирин-син пастга туша бошладилар. Бир найнов йигит ҳеч тортинмай қўнғизмўйлов инспекторни қўлтиғидан ол-

ганча бир чеккага етаклади. Унинг бир иш чиқара олишига кўзи етмаган Тўрабек Офтоб билан Искандарга саволчан қаради.

— Маслаҳат билан... нима қилдик?

Қутилмаганда дўстининг ҳазилкашлиги тутиб кулимсиради:

— Ҳамма нажот сендан энди. Узинг бир ғайрат қиласан биз учун ҳам. Бир тушган иш. Тўғрими, Офтобхон?!

Тўрабек азда-базда гангиди:

— Беҳазил... гапингми?

У ўша-ўша кулди:

— Кўпга келган тўй экан. Сендан ўн беш килогина... тўёна бўлса бўпти-да. Қўлинг чиқиб кетмагандир, ахир?

Тўрабек энди тушунди: у «юк»ларга қоровул бўлиб қолмоқчи. Ахир, далама-дала судраб юриша олмайди-ку шунча нарсани. Кейин Офтоб учун ҳам терса арзимабдими? «Бир тушган иш».

— Майли,— деди у хурсандлик билан,— менга рухсатми?— Ичида эса, кулиб қўйди: «Биз оёқнинг чигилини ёзиб келгунча, сизлар юракнинг чигилини ёза турунглар, майли...»

\* \* \*

Дунёнинг ишлари қизиқ. Керагида йўлларини пойлаб ҳам ёлғиз тутолмасди. Қўл етмас бир юлдуз эди. Яқинлашди дегунча офтобдайн куйдирарди. Мана энди танҳо қолиб, қаршисида ҳам ширин, ҳам маҳзун хаёлларга ботиб ўтирибди.

Қўлида ўзидай кўҳлик, ўзидай ширин дўмбоғи. Пишиллаб ухлайди. Ширин тушлар кўраётибди чоғи, орасира ширин-ширин тамшаниб, илжайиб қўяди. Унга қараб бу ҳам синиқ жилмаяди. Юзи баҳор қуёшидайн гоҳ ёришиб кетади, гоҳ нурсизланиб қолади. Унга ҳам осонмас. Не-не йигитлар орқасидан юрмаган эди. Бир оғиз сўзига интиқлар қанча эди. У эса, танлаб-танлаб тозисига учраб ўтирибди. Рад этилган қайси бир севгининг киясига қолиб ўтирибди. Алам қилмасинми?! Хўрлиги келмасинми?! Бу кўрк, бу чирой бахтими, бахтсизлигими — билолмай ўтирса нима қилсин?!

Бошига қат-қат фўта рўмол ўраб, эгнига узун қора бахмал камзул кийган кампир ҳам охири зерикиб пастга тушиб кетди. Автобус ичида ўзлари қолишди. Одам-

лар ҳамон чим босган зовурнинг у бетигаги пайкалда эринибгина айланиб юришибди. Ора-сира эгилиб пахта териб қўйишмаса, ҳеч шошилишмайди. Кўплар қачон рухсат тегаркин дегандай, шу ёққа юз буриб олишган. Анча олислаб кетганми, уларнинг ичида Тўрабек кўзга чалинмайди. Балки ростдан ҳам улар учун бир ғайрат қилаётгандир. Аммо... бунинг сезгирлиги! Тўрабекни теримга жўнатгандаёқ ниятини сезган шекилли, гап очишга оғиз жуфтлади дегунча юзлари нақш олмадек қизариниб, ғалати бўлиб кетди. Анави кампирнинг ўтиргани ҳам тузук экан. Ундан уялиб гап очишолмаётган эди, савол-жавоблари ҳам хаёлан кечаётган эди. Хаёлан бу кўнгил сўраб, у жавоб қилаётган, бу таскии бериб, у кўнгил ёзаётган, дардларини айтиб олаётган эди. Шуни ҳам кўп кўрдими? Энди нима десин, қандай?..

Ногаҳон у:

— Биласизми, кеча бир ерда мен сувратингизни кўриб, сизни... Миркомилни эслагандим. Бежиз эмаскан,— деб юборди-ю тилини тишлаб қолди. Миркомилни эсга солиб, аралаштириб нима қиларди?!

Офтоб ҳурккан оҳудек ялт этиб қаради:

— Шу ростми? Миркомил акам... қамалганлари ростми?!— деди аллақандай илинж ҳам ҳадик билан.

...қаердан эшитақолибди? Демак, унутмаган, унутиб юбормаган.

Искандар уни хурсанд қила олмаслигидан хижолат чекиб, хомуш бош силкиди:

— Ҳеч иши ўнгидан юрмади-юрмади-да шу дўстимизнинг.

Офтобнинг юзидан ранг қочиб, сўникиб қолди. Қора бодом кўзларини ерга қадаганча, ҳардамхаёллик-ла қизчасининг бошини силади.

— Шу кам эканми яна?— деди хўрсиниб.— Шундай одам... ёлғиз курашиб юрганларига ҳайронман. Шунча қоранинг ичида оқ бўлиб яшаб бўларканми?! Аввал ўзларига ўхшаганларни топмайдиларми, биргалашиб курашмайдиларми?! — дея афсусланиб бош чайқади.

Искандар ҳайрон қолди.

...у қаердан билади? Миркомил ёлғизланиб қолганинию қуруқ туҳматга учраб кетганини?

— Сиз... сиз қаердан эшитдингиз? — деди сабри чидамай.

У кўзларини юмиб, бошини сарак-сарак килди: сиз айтманг мен эсламай.

— Кеча гап топиб келиб,— деди ниҳоят нафрати қайнаб; бир зумда кўзларини туманранг ёш қоплади. Овози қалтираб кетди.— Анави... анави Миркомилинг беш йилга қия бўлиб кетибди-ку ҳақиқат излаб-излаб, дейди. Бизни енгил осон эканми?! Ҳаммаёққа қанот ёйиб бўлганмиз-ку. Керак бўлса, ўша тепадигиларнинг қўли билан эзиб ташлаймиз бунақа сув лойқатгичларни, дейди. Энди мулла минган эшакдай бўлиб келади у ёқдан, деб кулади. Ё алҳазар, алҳазар.— У кофтасининг чўнтагидан дастрўмолчасини олиб, юз-кўзларига босди, хўрлигини ютиб, ўзини ўнглаган бўлди.— Сизга ёлғон, худога чин, Искандар ака, шунда англадим ким билан, қандай даҳшатли одам билан яшаётганимни! Ахир, қандай одам бошига мусибат тушган киши устидан шундай кула олади?! Унга нима ёмонлик қилибдики, қамалганини эшитиб, ичига сиғмай кетса?! Яна менинг юзимга солгани, устимдан кулгани-чи!.. Пешонам шўр бўлмаса, шунинг ширин сўзларига учаманми-я, учаманми?!

— У қаёқдан эшитибди? Ахир, Миркомил бу областда ишламасди-ку.

— Э, нимасини айтасиз, бу пунктчилар бир-биридан эшитиб байрам қилиб ётишганмиш-ку, биттасининг болаб шохин синдим, деб!..

Искандар ёқа ушлади.

...байрам қилиб ётишганмиш? Ё алҳазар! Дунё тескари бўпти-да энди. Ахир... йилон ёрпуздан қочар, қанча борса ёрпуз утру келур... эмасмиди? Ёрпуз, ёрпуз, ёрпуз... қаерда эшитган ё ўқиган эди? Ҳа, қадимги турк тили луғатида. Минг йил бурунги гап. Аммо бир нарсаси қизиқ: у ёрпузларга нима бўлган? Наҳот битта қолмай қирилиб битган? Табиат кушандасиз қолдирибди-микан у йилонларни? Биз-чи, биз? Улар байрам қилиб ётса, биз нима қилиб қара-аб ўтирибмиз? Қачон ўзимиздан ортишни, ҳақиқатга қайишишни ўрганамиз?! Ё ўрганмай ўтиб кетамизми?

У энди ўзини боса олмай ўрнидан туриб кетди.

— Кўрамиз! Байрам бўлса байрам қила туришсинчи! Бизнинг ҳам кунимиз туғиб қолар!— деди алам билан. У ўзи сезмаган ҳолда автобус ичида у ёқдан-бу ёққа бориб келар, Офтоб эса, ундан кўз узмас, узаолмас, юзлари ёришибми, ё кўнгли жойига тушибми, хайрият, ёлғиз эмасканлар, дегандайми, таскин топиб борар эди.

Шу маҳал ҳалиги қора духоба камзулли кампир

қайтиб, ихраб-сихраб автобусга кўтарила бошла-  
ди:

— Худога шукр-эй, қайта бошлашди-е. Бир ёққа мундоқ тинчроқ бориб кела олмасанг-а...

Искандар турган ерида тўхтаб қолди.

...кампир ҳақ. Бу ёқда беш кило деб одамларни не кўйга соладилар. У ёқда эса, минглаб тоннасини қоғоздан-қоғозга ўтқазиб, йўқдан бор қиладилар. Қани, ҳақиқат?

Шу баробар кўз олдида Миркомил ҳам жонланиб, овози янграб кетгандай бўлди (ажаб негадир у куйиб-пишиб эмас, аччиғланиб ҳам эмас, ҳақлигига юз фоиз ишонган одамдай, чертиб-чертиб гапирар эди):

— Андиша деб сен индамасанг, мен индамасам, ҳаммамиз мўмингина бўлиб тураверсак, биласанми бу нимага олиб боради? Кўрасан ҳали!..

«Кўрасан ҳали, кўрасан ҳали!»— деган сўзлар жанрангларди Искандарнинг қулоқларида. У ўздан уялиб кетди. Шу Офтоб билан холи қолақолай, бирпас гаплашақолай демаса-ку, шу гап йўқ эди. Бояги қўнғиз-мўйлов инспекторга бир оғиз бир нарса демабди-я. Уларни ўқиган, тушунган деб ким айтади?..

Йўловчилар бирин-сирин даладан чиқиб келар эдилар.

### КАЛОН ТОҒА АЙТГАН РИВОЯТЛАРДАН

Синчиларни биласиз, бир қарашда ҳар қандай отнинг зотию феъл-атворини, бўладиган-бўлмайдиганини айтиб бера олади. Оқсоқол денг, ўша синчилардан ҳам ўтган синчи экан. У бир кўргандаёқ ҳар қандай одамнинг кимлигини уқиб ола билар эди. Топшириқни адо этишга келган яна бир йигитнинг (қув бўлиб қув, қаттиқ бўлиб қаттиқ эмас, ҳар қалай аллақандай сир яширинган) кўзларига қараб қўйиб, сўрабди:

— Бўтам, шундай сафарга якка чиқадими одам? Яқин дўстларингиз йўқмиди, бирортасини шерик қилиб олсангиз?

Йигит ишшайибди:

— Мен шериксиз иш қилишга... ўрганганман. Шу яхшироқ.

Оқсоқол бир қарашда адашмаганига ишонч ҳосил қилиб ичкари кириб кетибди-да, духоба халтачада унга аталган омонатни кўтариб чиқибди.

— Мана, бўтам, йўлингиз беҳатар бўлсин, нима ни-

ятда шу сафарни ихтиёр этган бўлсангиз — ниятингизга етинг,— деб уни йўлга кузатиб қўйибди.

Халтача унча катта бўлмаса ҳам ёмби солингандек оғиргина экан. Йигит шаҳардан чиқмаёқ ичи қурий бошлабди: наҳотки ёмби бўлса! Кўзига ҳам нуқул ёмби кўринармиш, кўк духоба халтача ичидан нурланиб-нурланиб кетармиш.

О, Оқсоқолни тоза гелладими, ниятимга етдимми, дермиш ўзига-ўзи. Бу омонатни шундан-шу ёққа олиб бориб, мукофотига кўз тиккунча, ўзини гумдон қилганим яхшимасми? Оқсоқол топширди деб Қизилқумдек бир саҳрода куйиб-ўртанишим, Тиёншондек бир катта тоғдан ошиб ўтишим, Устюртдек тақирларда тентирашим шартми? Саратон жазирамасию чилла совуқларига чидашим зарилми? Шунча қийинчилик нимага керак? Битта мияси ачиган чолнинг гапи учунми? Унга берилган сўзнинг устидан чиқиш учунми? Менсиз ҳам бу дунёда аҳмоқлар тўла, дебди-ю йигит шаҳардан чиқиб, одамлар кўзидан йироқлашиши биланоқ... биринчи шартни бузибди. Омонатни очса... қай кўз билан кўрсинки ҳаммаси тилла тангалар эмиш.

— О, айти муддао!— деб у қувонганидан ўйинга тушиб кетибди. Кейин ўйланиб қолибди: фикрим бузилишга бузилиб бўлди. Лекин энди омонатни ўмаришга ўмариб, орқага қайта оламанми? Уни ўз юртимда қандай «еб» кетаман? Шошма, бирорта карвонга қўшилиб, Маккаи мукаррама зиёрати баҳона ўзга юртларга ўтиб кетсам-чи? Қаттароқ бир дўкон очиб, тинч-фароғатда яшасам-чи? Тўғри-ку, лекин уйдагилар нима дейдилар? Онаизорим, фарзанд кутаётган хотиним, қариндошуруғлар қай аҳволга тушишади? Мендан ҳеч хабар бўлмагач, йўлда бир нарса бўлибди-да, деб ахири аза очадилар, юртга ош бериб, ўлдига чиқарадиларми?

У қўлидаги олтин тангаларга қарабди. Тангалар оҳанграбодек жилва қилармиш. Ол, ол, олганингча ол, дермиш.

Охири йигит:

— Бўлганича бўлди! Улар йиғлаб-сиқтаб бир кунини кўриб кетар, шунча олтинни менга ким беради?!— дебди-ю карвонга қўшилиб кетибди.

Қарвон йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир мамлакатга етиб борибди. Йигит енгил нафас олиб, ҳажга кетаётганларнинг ҳам кўзини шамғалат қилиб, карвондан ажраб қолибди. Нияти — кўзига оловдек кўринган ўша шаҳардан бир дўкон сотиб олиб, муқим

яшаб қолиш экан. Дўконни ҳам топибди. Нархини ҳам келишибди. Қимматини ҳам тўлабди-ю уни расмийлаштиришга келганда иш... бузилибди. Дўкон эгаси унинг тиллаларини қайтариб олиб чиқибди.

— Тангангиз рўкаш,— дермиш у.

— Қанақасига рўкаш бўлсин, чин тилла-ку, мана, кўринг, ярқираб турибди. Яна нима керак сизга?— дебди йигит хит бўлиб.

— Йўқ, рўкаш,— дебди у,— барчаси қалбаки...

— Имм, қандай худбинлик! Шу нарсени деб юртимни, туғишган-билишганларимни, оназоримнию хотинимни ташлаб келдимми?! Энди нима деган одам бўлдим? Одамлигим қаерда қолди? Қанчалар даҳшат!— деганча у бошини чангаллаб қолибди.

У қайтар йўлини тополмай, ўша-ўша бегона юртларда хору зор тентирармиш. Ўз юртида аллақачон ўлдига чиқариб, аза очганларини эшитгандан бери савдойи эмиш. Ҳар кўчаю ҳар гузарда бир гапни такрорлармиш:

— Неки рўкашдур, охири ғашдур,— дермиш.

Бошқа сўз айтмасмиш.

Офтоб ҳеч кутилмаганда Регарда тушадиган бўлиб қолди. Бугунча опасиникида қолиб, эртага йўлга чиқармиш.

— Биз билан кетаверинг эди, эртага якка ўзингиз қийналиб юрмай. Қибрай қаёқда-ю...— деди Тўрабек аллақандай илинж билан. Назарида шу тушганча қайтиб кўрмайдигандек. Ойга учган ё сувга чўккан мисол яна бедарак йўқолиб қоладигандек.

У аллақандай синиқ жилмайди.

— Опамларга айтмай кетсам бўлмас. Кириб кетақолай биратўла,— деб орқасидан маънодор қилиб қўшиб қўйди.— Яна қачон келдим бу ёқларга?

Негадир иккиланиб турган Искандар унинг шу гапидан ўзгарди. Дарҳол кўкрак чўнтагига қўл суқиб, қоз-қалам олди ва уй адресини, телефон рақамларини ёзиб берди.

— Ҳар эҳтимолга қарши — олинг. Бирор ёрдамимиз керак бўлса, айтарсиз,— деди хижолат аралаш.

Офтоб ўзи адрес сўрашга торгиниб турган экан, кутилмаганда севишиб кетди.

— Раҳмат! Қўнгироқ қилиб безовта қилсам, маслаҳатингизни аямассиз,— деди нимагадир умид тутиб.

— Бош устига,— деди Искандар,— ҳеч тортинманг.

— Йўқ бўлиб кетманг яна...— Тўрабекнинг оғзига нима учундир шу гап келди.

У қизариниб жилмайди.

— Хўп...

Кейин қизчасини кўтариб, тугунчасини қўлига олди. Тушиш олдидан Искандарга яна аллақандай ўтинчу хижолат-ла тикилди:

— Хат ёзсангиз...— деди тутилиб-тутилиб,— хат ёзсангиз, салом айтинг уларга? Сўраб қўйинг...— деди-ю юзлари нақш олмадайн қизариб кетди. Қора бодом кўзларида эса туманранг ёш айланди.

У бир қўлида тугунчак, бир қўлида ўзидай кўҳлик, ўзидай ширин қизчаси, баргикарам кўйлагининг этаклари нозик ҳилпираганча кетиб бораркан, орқасидан қараган ҳам қарар, қарамаган ҳам қараб қолар, бу оламда шундайн ҳам гўзал бўларканми, бўлса, уни қандайн она туққаникин, қандай йигитларга насиб этаркин, дерди. Билмайдики...

Тўрабек титраб кетди: ҳаёт бунчайин чигал бўлма-са?! Бекам-кўст чирой ато этган табиат жиндек бахтни ҳам аямаса нима қиларкан, деркан, беихтиёр Деновдаги эрталабки воқеани — автобус йўлини тўсиб чиққан у хушсурат бойвачча йигитни эслаб: «Тавба, бир вақтлар аллақандай сариқ чақани деб юртию жигаргўшаларидан кечиб кетган ўша савдойидан бунинг қаери кам, кам, кам? — деб ўйлаб қолди-ю, ногаҳон ўзининг қўйнидаги ўша сариқ «чаён» ёдига тушиб, сесканиб кетди:— Узим-чи, ўзим? Узим кимман?!»

## 10

Йўл пастлай-пастлай уч тарафи тоғлар билан ўралган водийга тушиб, шаҳарга кириб бора бошлагандагина Искандар хаёлига келган фикрдан қўрқиб кетди...

...ия, энди нима қилдик? Шундан шу ёққа келганда, қайтиб кетмасак гўрга эди... Битмаган бўлсин-да, ишқилиб.

У секин Тўрабекни туртди.

— Айтмоқчи, аэропортдан қандай ўтдик?— деди шивирлаб.— Анув нарса битган бўлса...

Тўрабек кўзларини пирпиратди:

— Қайси нарса?

— Электромагнит йўлак-чи?

— Нима, тақа йўлак қуришаётганмиди?— Тўрабек-



нинг юзи оппоқ оқариб кетди. Искандарга аллақандай маънисиз тикилиб туриб, беихтиёр ёнини пайпаслади-ю тезда қўлини тортди. Асабийлашиб атрофга аланглади:— Чекиш ҳам тугабди аксига.

Ростдан айтдими, атай айтдими — Искандар фаҳламай қолди.

У эса, ҳеч кимдан садо чиқмагач, ноилож тақдирга тан бериб унга ўғирилди.

— Нима қилдиг-а, жинғиллаб берса? — деди боягидан сал ўзига келиб.— Ундан ёмони йўқ-ку?

Искандар киши билмас ён-атрофига нигоҳ ташлади: ҳеч ким сезмадимикан ишқилиб? Йўқ, ҳамма ўзи билан ўзи овора, ким шериги билан гурунглашиб, ким хаёли қочиб, ким атрофга аланглаб боряпти. У кўнгли хотиржам тортиб, Тўрабекка қаради:

— Ўзи Термиздан автобусда жўнаворсак ҳам бўларкан-ку, эсимизга келмапти-да.

— Яқинда бошлаган бўлса, битмагандир балки? Ўзинг аниқ кўрганмисан?— деди Тўрабек ишонқирамай.

Искандар бош чайқади.

— Ускунасини келтириб қўйишганига кўзим тушувди. Шундан хавотирдаман.

Дўсти қўл силкиди:

— Ҳе-е-е, келаси йил қуришсаям. Бизда қачон дарров ўрнатишган? Кўрасан ҳали.

...айтганинг келсин, айтганинг. Бўлмаса нақ қайтиб кетишга тўғри келади-я. Жинғиллаб турса, тушунтириб бўладими уларга? Битта акт билан қутулса хўп-хўп-а, нечта идорага судрашмаскин.

Искандар бош чайқади. Ўзи шу ташвишлардан қочиб, ҳеч кимга маълум қилгани йўқ-ку. Райондагиларга айтса, ҳар хил пок-нопок одамлар аралашиб, қўлдан-қўлга ўтиб баракаси учмаслигига ким кафиллик бера олади? Ундан кўра ўзлари ими-жимиди Тошкентга етказиб борганлари маъқул-да. Бунақа нарса ҳар кун оёқ остидан чиқаверибдими? Кейинги юз йилда энди топилишидир-ов.

Тўғри, бу олдинги асрда ҳинд савдогарлари ерли аҳолидан сотиб олиб кейин инглиз музейларига пуллаб юборган Амударё хазинасичалик эмас, Искандар уни яқинда Ленинградда намойиш қилишганда кўрди. Фақат соф тилладан қуйилган от-араванинг ўзи бир олам, бир санъат асари. Нечта минг йиллар илгари ҳам қан-

дай қўли гул заргар халқимиз борлигидан шохидлик бериб турибди.

Лекин Далварзиндан чиққани ҳам ундан қолишмайди. Айниқса анави Будда шокиласи... дунёда тенги йўқ! Бунақаси топилмаган. Шунинг ўзи археологлар оламида ҳали қанча шов-шув бўлмайди. Бунинг устига, ёмбилардаги нуқтали ёзув аниқланса, ўқилса борми, қанча илмий жумбоқлар ечилиб кетар балки. Фақат омон-эсон Тошкентга етказиб олишса бўлгани<sup>1</sup>. Шу аэропортдан ўтиб олишса-ку, у ёғи бир соат-бир ярим соатли йўл эди-я... Утиша олармикан?

«Утаолмасак, жазаси поезд-да. Бир соатда бўлмаса, бир кунда борармиз. Бир кун минг кун бўптими? Шундай хазина топганда,— дея ичида ўзига-ўзи тасалли берар эди Искандар. Аммо кўнглининг бир чеккасида умидини ҳам узмас эди.— Ишқилиб ўша электр тарози ишга тушмаган бўлсин-да». Ҳали билет топиладими, йўқми — буни ўйламасди.

У аэропорт биносига оёғи тортиб-тортмай кириб борган бўлса-да, рўйхатга олинаётган жойга кўзи тушиб, шундай енгил тортиб кетдики, хурсандчиликдан зални жаранглатиб дўстини чақирганини ўзи сезмай қолди:

— Эй, Тўрабек! Келавер, ҳеч гап йўқ!— Аммо одамлар ҳар чеккадан ўзига ҳайрон бўлиб қараётганини сезиб, ғалати бўлиб кетди-да, пастроқ товушда қўшиб қўйди:— Жуда-а вақтида кепмиз...

Ҳақиқатан ҳам усталар залнинг нариги бурчагидан янги ўтиш йўли очишар, жинғиллайдиган ускуна филофидан чиқариб қўйилган-у, ўрнатилмаган эди. Тўрабек ҳам енгил тортиб сирли илжайди: ўзимиз ҳам омадли йигитлармиз-да.

Улар қопчиқларини олиб, бир чеккага ўтдилару маслаҳатга тушдилар. Энди билет масаласини ҳал қилиш керак эди. «Буёғини менга қўйиб беравер», дея

---

<sup>1</sup> Бу воқеа Далварзинтепадан етмишинчи йилларда топилган хазина билан боғлиқ воқеалар ва одамларни, улар ўтган йўлларни эсга солса-да, айнан ўзи эмас. Далварзин воқеаси бу асарга бир туртки берган, холос. У хаёлимда ўн тўрт йилга яқин айланиб юриб ва ниҳоят, кечаги ўтмишимизга янгича назар ташлаш туфайли ўзининг бадий инъикосини топди, деб ўйлайман. Кези келганда шу асарни ёзишга ундаган Жўра ака Эшонхўжаев билан қиссага материал йиғиш даврида ўз ёрдами ва маслаҳатларини аямаган археолог дўстим Баҳодир Турғуновга самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман. [Муаллиф.]

катта кетган Тўрабек ҳеч қанча ўтмай тарвузи қўлтиридан тушиб қайтиб келди:

— Чатоқ-ку, пешиндан кейинги рейсларга ҳам топилиш амримаҳол деяпти. Нима қилдик, учувчиларнинг ўзи билан гаплашиб қўяқоламизми, а?

Искандар лабининг четнда кулди: «Ўзимизда ҳам айб бор. Дарров қинғир йўлларини қидириб қоламиз». Унга эса, маслаҳат солди:

— Аэропортнинг бошлиғига учраб боқсак-чи? Ёрдам берар балки.

— Кириб кўр. Чиқмаган жондан умид.

Бошлиқ сўзамолгина, лекин қўлидан келса яхшиликни аямайдиган одам экан. Азза-базза хижолат чекиб қолди.

— Эй-й, эсиз-а. Сал илгарироқ отни қамчиламайсизми,— деди тожикча талаффуз билан.— Ҳозиргина бир одамга уч ўрин берган эдик-а. Энди кейинги рейсгача сабр қиласиз-да, майлаш?

Шунисига ҳам шукр қилиб чиқиб келаркан, у залда — кимни денг — думбул Фанини кўриб, секин тўхтаб қолди. Автобусда-ку орқа ўриндиққа ўтиб кўринмай келишган эди. Энди нима қилишди?

У ҳаворанг формали аэропорт хизматчиси билан худди тутинган ака-укалардек қизгин сўрашиб турарди.

— Оббо сиз-эй, оббо Фанитой-ей. Шунақа денг: лотереяларни текширгани келдим денг?

— Сиз... сиз... сизларниям бир кўриб... кўриб... кўриб ўтай дедим. Қа... қа... қалайсизлар энди? Жа... жа...! Жамолидин акам қалайлар?

У кўзи бирдан Искандарга тушиб, таниб қолди-ю худди минг йиллик танишини учратгандай, иккала қўлини ғайритабий кўтариб силкиганча, унга қараб кела бошлади.

— Эҳ-эй, кў... кў... кўришган еримизни қаранг. Дубул... дубул... дубулгани топмай қа... қа... қаёққа кетяписизлар?

Искандар ноилож унга рўбарў бўлди.

— Топамиз, топмай қўярканмизми уни,— деди Фанишернинг кўнгли учун ҳам. Аммо ичида бир нарсадан хурсанд бўлиб қўйди: яхшиям «эҳ-ҳей, тиллатопар акалар» деб қолмади ҳамманинг олдида. Кейин тушунтириб бўлармиди биз археологларни у шундай аташини? Қаёқдан ҳам илашди? Ишқилиб яхшиликка бўлсинда.

Ўзи иложи борича гапни чалғитишга чоғланди.

— Бу дейман, аэропортда танишларингиз кўп экан-ку, а?

Юпқа лабларини йиғиштира олмай Ғанишер илжайди, узунчоқ сапча боши ғайритабиий лиқиллади:

— Бор. Ҳамма... ҳамма... ҳаммаси танишади. Нимамай... нимамай... нимамайди? Билетми?

Искандар «ҳа-да, ўтирибмиз билетсиз» дегандай қўлларини ёйиб, атай мулозамат қилди:

— Энди ўзингиз ёрдам бервормасангиз... аэропортда қолиб кетамиз шекилли.

Ғанишер ҳам бу беозор ҳазилни тушуниб, лабларининг таноби қочди. Искандарнинг гапи нашъа қилиб сассиз куларкан, калласи лиқиллаб, мунчоқ кўзлари юмилиб кетди.

— Шу кетганча кет... кет... кетвормасангиз... обераман,— деди кутилмаганда нимписанда билан.

Искандар қўлни кўксига қўйди:

— Гап бўлиши мумкинамас. Борамизу қайтамыз. Ишонмайсизми? Чақиртириб қолишди-да, бўлмаса-ку...

— Э, қўйинг-э!— Кутилмаганда у айниб қўл силтади. Юзини четга бурганча титроқ қўллари билан чўнтагидан папирос оларкан, унга қарамай тўнғиллади. — Сиз ҳам ал... ал... алдасангиз...

Искандар ғалати бўлиб кетди. Хижолатдан тилига ҳеч гап келмай яқин борди-ю қўлни унинг елкасига ташлаб, бирпас жим қолди. Сўнг:

— Кечиринг, Ғанишер ака, — дея шивирлаганча бурилиб кетабошлади.

Афсус. Ер ёрилмади-ю ерга кириб кетмади. Ҳамма қатори ҳазиллашган эди. Оғринмас, ўрганиб кетган-ку, деб атай тегишган эди. Ҳаммадан кутса ҳам ундан кутмаган экан. Унга ишониб юрган экан. Бу одам алдамайди, эрмак килмайди, деб ўйлаган экан. Ёмон бўлди. Уят бўлди. Ўзимиз гумроҳмиз. Қалтабинмиз. Орқа-кетини ўйламаймиз, ҳамма-чи, деймиз-у, ўша ҳамма хато қилаётганини ўйламаймиз. Бўлмаса, шу одамни эрмак қилиш... инсофданми? Кўра-билатуриб алдаш, мазаҳ қилиш одамгарчиликданми? Кўнгли яримталиги, шу аҳволга тушиб юриши... фожиаси етмайдими ўзига?

Унинг қулоқлари остидан Ғанишернинг ўша сўзлари ҳеч кетмайди: «Сиз ҳам алдасангиз... бўлган экан, бўлган экан...»

Шу пайт кимдир уни чақиргандек бўлди:

— Искандар?

У бошини кўтариб, овоз келган томонга аланглади. Хаёлпаршонликни қаранг. Залнинг бу чеккаси қолиб, у чеккасига кетаётган экан. Ахир, дўстини шу томонда қолдирган эди-ку.

Тўрабек унга қўл силкиди:

— Бу ёққа қаравор.

Шундагина унинг ёнида бир одам мийиғида кулимсираб турганини кўрди. Ким экан, юзи таниш-ку? Узи Алпомиш келбат, юзи янги тандирдан узилган қизилмағиз нондай, бошида пўрим шляпа. Таниди.

...йўлда бензин бериб кетган анави сипо йигит-ку.

Тўрабек Хизрни учратгандай ўзида йўқ хурсанд.

«Нечук?— деб ўйлади Искандар.— Йўлда ҳеч ишонмай ўлганиди-ку, қароқчимасми деб?»

Искандар боя Офтобни учратгандагидек кўнгли ёришиб, ўша томонга қараб юрди. Ёки бегона шаҳарда ҳар қалай таниш йўлиққанидан суюниб кетди-микан?

— Э, сизмисиз? Яна кўришганимизни қаранг,— деди Искандар астойдил қувониб. У бояғи-бояғи мулоғим кулимсираб турганча уникига иккита келадиган кафтини чўзди.

— Яхши етиб келдингизларми?

— Емонамас. Фақат бу рейсга илинолмаганимизни айтмаса.

— Бирга келаверсангиз бўларди, унамадингиз-да ўзингиз.

— Бўларди, лекин... пахта тергимиз келмаганиди-да,— дея атай ҳазиллашди Искандар.

— Бари бир тўхтатди-ку, кўриб турувдик.

Искандар ўнғайсизланиб гапни бурди:

— Ушанда йўлдан қолдирмаса, билетга ҳам илинариканмиз. Охиргисини ҳозир бериб юборган экан-а...

— Ачинмасанг ҳам бўлади. Бу ёқдан иккита билет чиқиб турибди,— деб сирли илжайди Тўрабек.

— Йўғ-э?

— Рост. Булар жўраларига деб ўрин ёздириб чиқишган экан, келишмай қолибди. Э, бегона қилманг дедим. Тўғрими?

У хижолатли жилмайдди.

— Яна сабр қилайлик-чи келишмаса... Менга ишониб тағин қолиб кетманглар.— Унадиган ери бўлса, ҳаракатингизни қилаверинг, демоқчи бўлди у.

Искандар кутилмаганда очилиб кетди.

— Ўзимиз омадли йигитлармиз-да, Уша ўрин бизга

насиб қилиб турибдики, жўраларингиз кеч қолишяпти-да, Қараб турасиз, етиб келишолмайди. Мени айтди деяверинг. Ўзимиз билан кетасиз ҳали...

Худди унинг гапини тасдиқлагандек залда диктор қизнинг овози жаранглаб кетди.

— Пассажирони мўхтарам! Ба рейси чилу ҳашту сиву нўҳ «Душанбе — Тошканд» саворшавй сар шуд. Марҳамат, аз баромадгоҳи дуввўм ба перрон бароед...<sup>1</sup>

Искандар алп келбатли йигитга «Эшитяпсизми, мен нима девдим», дегандай имо қилди:

— Қалай, бизга насиб қилиб турганаканми, ҳамроҳи азиз?

— Илож қанча: югурганникимас, буюрганники, деб шуни айтишса керак-да,— дея елка қисди у.— Кетдикми, кеч қолмайлик яна...

— Бўла қолинглар. Ҳамма ташқарига чиқиб бўптику,— деб шоширди Тўрабек қопчиқларини қўлга олиб.

Уларга эргашаркан, Искандарнинг хаёлидан ғалати фикр кечди: жўралари бор одам нечук дарров рози бўла қолди?

Аммо бунга тайинли бир жавоб тополмай, рўйхатдан ўтишга ошиқди. Диктор қиз ҳамон шоширар эди.

— Пассажирони мўхтарам! Ба рейси... «Душанбе — Тошканд...»

## 11

Самолёт енгил дириллаб, моторлар бетиним гўнғиллайди-ю, ўзи гўё учмаётгандек. Бир ерда муаллақ туриб қолгандай. Ташқарида эса қанотга офтоб тушиб, шундай ярқираяптики, у ёғи йўқ.

Ана, у бир ёнга оғиб, қанотдан офтоб тиги кўтарилди, мусаффо осмоннинг бир бўлаги юз очди. Пастда эса, оппоқ булутлар. Худди чексиз-чегарасиз ерга пахта ёйиб ташлангандек. Самолёт унинг устидан бир маромда (тез ҳам эмас, секин ҳам эмас) юзиб бораётгандек. Шундай ён томонда булут устида эса... камалак жилоланиб турибди. Қачондан бери уларга эргашиб келатибди-я.

Камалак бўлиб камалакка ўхшамайди, бошқа нарса бўлиб бошқа нарсага. Аллақандай ясси ўтовсифатми-

---

<sup>1</sup> Ҳурматли пассажирлар! Қирқ саккизу ўттиз тўққиз «Душанбе — Тошкент» рейсига чиқариш бошланди, Иккинчи эшикдан перронга чиқишингизни сўраймиз...

ей, офтобдайинми-ей! Уларга эргашиб, анча пастда, булут орасида юзиб келяпти, юзиб келяпти. Худди сиртдан қават-қават кўк, қизил, сариқ чилчўплари бордай, улар ўшандайин нур сочиб тургандай. Бир дақиқа ҳам ортда қолмайди, бир энлик ҳам нари ё бери бормайди. Бояги-боягидай эргашиб келяпти. Ниманидир кузатиб келаётгандай. Пайтини топса, самолётни ҳам жилдирмай қўядигандай...

Тўрабек ўзининг хаёлидан ўзи қўрқиб кетди. Унга бир нима бўлмаганми? Эс-меси оғиб қолмаганми? Хаёлига аллақайдаги йўқ нарсалар ўралашиб келадими-ей, ҳайиққани — бекор, режалари — чаппа, туши ўнг чиқяптими-ей! Бу нимаси экан?

Рост-да. Қароқчимасми деб йўл бўйи ҳайиқиб келган одами аэропортда олдиларидан Хизрдай чиқиб турибди. Яна иккита ортиқча билети билан. Кеча тушида кўргани эса, худди олдиндан аён берган нарсадай ҳали у ерда, ҳали бу ерда кўриниш бериб қўяди. Ҳеч хаёлидан кетмайди. Мана, яна камалак қиёфасида эргашиб келяпти. Камалак бўлиб камалакмас, учар тарелка бўлиб тарелка эмас... Туши ўнг, ҳуши тушдай. Ўзи эмас, суврати Искандарга эргашиб келаётгандай. Ҳов бир вақтлардаги қўрққани энди олдига келиб тургандай, рост чиқаётгандай...

Никоҳ куни, худди шу хотинига, кимсан домласининг ой деса ойдаи, кун деса кундай қизига уйланаётган кеча кўрган туши-чи? Неча вақтгача тонг қолиб, ҳеч кимга оғиз оча олмай юрган эмасмиди? Энди шу ҳам рост чиқяптими, тавба?

Қаранг-а, улар уч ўртоқ аллақандай баланд тепаликка — қуёшли мазгилга ҳориб-чарчаб чиқиб боришаётса, ўша ёқдан бир даста анвойи гуллар терган гўзал қиз ўйнаб-қувнаб тушиб келаётганмиш. У шундайин ҳарир кўйлак кийганмишки, шу ўйнаб-қувнаб келишида осмондан тушиб келаётган малакка ўхшармиш. Бир қошиқ сув билан ютиб юборса бўлгудек эмиш. Икки қадам босиб-босмай ишвали-ишвали қараб қўярмиш. Ўзи индамаса ҳам, кўзларидаги жоду тинчини ўғирлаб, имлагани-имлаганмиш. Бир вақт қараса, ҳамроҳларидан айириб, уни авраб олиб кетаётганмиш. Дўстлари билан тепага кўтарилаётган одам энди унга эргашиб, аллақандай бир туманли оламга тушиб бораётганмиш.

Тепадан дўстлари чақришармиш:

— Эҳ-ҳе-ҳей, Тўрабек, қасқда қолдинг? Биз бу ёқдами-и-и-из.

Тўхтаса, ҳалиги ҳур ҳам тўхтармиш. Кўзлари билан юрмайсизми, йигит, дея ғамза қилармиш. Икки қадам босиб, ўгирилиб-ўгирилиб қарармиш. Худди туманли оламга бир ўзи кириб кетадигандек нозу фироқми-ей, зардами-ей қилиб қўярмиш-да, у эргашиши билан очилиб-сочилиб кетармиш. Қиқир-қиқир кулганча пастга чопиб кетармиш. Ҳарир кўйлагидан ҳам юпқа, нозик бир туман ичида бир кўриниб, бир йўқолиб, ҳали у ёнида, ҳали бу ёнида пайло бўлиб қолармиш. Шундай йигитни ўзига ром қилганидан боши осмонга етиб, ўйнаб ўйноқлаб борармиш.

У эса, Тўрабек эса, бу тумандан гоҳи-гоҳи ваҳимага тушиб, тўхтаб-тўхтаб қолармиш. Орқага қараб, у офтобли мазгилга, элас-элас кўзга чалинаётган дўстларидан олдига қайтгиси келармиш-у бундан ҳам кўнгил уза олмасмиш.

Малак сиймосидаги қайлиги эса қиқир-қиқир кулиб:

— Вой, Тўрабек ака, ғалатисиз-да, дўстларингиздан ажрай олмаётган бўлсангиз, майли, боринг, қийналиб-қийналиб ўша бетайин мазгилингизга кўтарилаверинг,— дея кесатармиш.— Меъ сизга қайси мазгилдан камман, камман, камман, — дермиш.

Тўрабек йигит боши билан ундан уялганидан ҳам орқасига қайтаолмасмиш, нима бўлса бўлди, деб унинг кетидан туманли оламга кириб борармиш, кириб бора-верармиш-у, охири ҳеч кўринмасмиш. Уйғониб кетгиси келармиш у уйғона олмасмиш...

Мана энди билса, туши рост чиқиб турибди. Қайси бир кун кўзига ҳур кўринган домласилинг қизи уни бир ғамзаю ишва билан йўлдан урганча, дўстларидан айриб туманли оламга етаклаб кетган экан. Унга уялганим билан дўстларимдан ажраганим йўқ-ку, доим биргамиз-ку, у офтобли мазгилга бирга-бирга кўтарил-япмиз-ку, хотинимнинг гапига кириб, мен уларга хиёнат қилганим йўқ-ку, деб юраверибди. Аслида эса, сийрати у билан кетиб, суврати булар билан қолган экан-ку?! Офтобли мазгилга ўзи эмас, суврати кўтарилаётган экан-ку?! Бўлмаса мана бу алвасти олтинни кўрганда ўзини тутиб тура олмасиди? Агар ўзи бўлса, ўша-ўша Тўрабек бўлса, уни нега олди? Олди? Олди?!

У эмаски, олди-да! У эмаски, қўймадан кеча олмаяпти-да! У эмаски, Искандарга айта олмаяпти-да! Қайтара олмаяпти-да. Қим бўлмаса унда?!



Салон ичида микрофон қиртиллаб, олд эшик устидаги қизил чироқ ёнди. Тепадан стюардесса қизнинг овози келди.

— Пассажири ўртоқлар! «Душанбе — Тошкент» рейси бўйича улашган самолётимиз Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг пойтахти Тошкентга кириб бормоқда. Яна бир неча дақиқалардан кейин...

«Яна ярим ё бир соатлардан кейин... институтдамыз! Расмана шов-шув, тўс-тўполон, табриклар ичида қолиб кетамиз,— дейди ўзига Исқандар.— Эҳ, ҳеч кимга айтмай, исини ҳам чиқармай заи иш қилдикми?! Шунча хазинани, шундоқ топилдиқни кўтариб кириб борамизу бошлари осмонга етмасинми! Институт тарихида бунақаси бўлмагандир! Домлалар ҳам эсанкираб қоладиган бўлишди-да. Рост-да. Яқиндагина бу Далварзинни тоқай титкилаймиз, кушонлар марказини балки бошқа ёқдан излаш лозимдир деб қолишмаганмиди? Устози шу мавсум ҳам бориб кўрайлик-чи демаганда, ҳай-ҳай-ҳай, жуда қаттиқ адашишаркан-да. Унда, ўн олтинчи уйдан топилган ғаройиб шахмат донасию оташхонадан чиққан ҳайкал, мана бу хазинаю Будданинг антиқа шокиласи қаёқда эди!

...устози сезган экан-да, а? Борибоқ даставвал ўзларига айтганимиз бўлсин! Ишқилиб тузалиб қолган бўлсинлар-да.

Исқандар вақтни билмоқчи бўлиб, ёнида ўтирган дўстининг биллагидан тутди-ю уни бемаврид безовта қилганидан ўзи хижолатда қолди. Тўрабек нима хаёлда экан, бехос чўчиб тушди. Кейин эса, шундай қизариб кетдики...

Исқандар ўзини ҳеч нима сезмаганга олган бўлса-да, биринчи марта ўйланиб қолди. «Тавба, унга нима жин урди? Илгари ҳеч бунақа эмасди-ку?» Беихтиёр бундан икки соатча бурун автобусда юзи оппоқ оқариб кетганини, кейин ихтиёрсиз равишда ёнини пайпаслаб қолганини эслаб афтига тик қаради.

Тўрабек буни кутмаган экан, кўзларини олиб қочди ва иллюминатор томон эгилиб:

— Вой-бў, булутни қара, Тошкентда роса ёғяпти шекилли,— деди гапга чалғитиб.

Шу тобда самолёт ростдан ҳам қалин булутлар орасига шўнғиди-ю атроф бирдан қоронғилашиб кетди. Самолёт ҳамон пастлаб борар, у кесиб ўтаётган булут оқимининг чеки-чегараси кўринмас эди. Ҳозиргина ча-

рақлаб турган қуёш эса, жуда узо-оқда қолиб кетгандек...

...тавба, Зиёдга ўхшаб бунинг ҳам киндигида холи борми, дейман-да?.. Хол, хол, хол? Қачон шу ҳақда гап бора қолувди? Ҳа, дарвоқе, Миркомил билан...

Икки ой бурунмиди зарур иш билан Тошкентга тушиб, бирров киргани? Ҳа, охири келгани ҳам шу-да. Шахти сал пастроқ эди-ю, лекин бинойиндек гаплашиб ўтирди. «Иши хуржун»лигини сездиргани ҳам йўқ. Биринчи билан чаплиги ҳақида-ку оғиз очмади. Фақат...

Фақат анави китобни шунчаки варақлаб ўтириб, Искандар қўйган аллақайси белгига кўзи тушди-ю миёнида кулиб қўйди:

— Ҳе, тавба! Киндигида холи бўлса ўғри бўларканми?! Пешонасига тушса нима қиларкан, ҳаммага отнинг қашқасидай маълум қилиб?— деди.

Искандар ҳам кулди.

— Рамзий маънода тўғри-да. Очкўзлигу мечкайликка ишора.

— Шундайликка шундай-ку,— дея қизишди у,— лекин киндигининг устини хол босганлар бир урчиди-бир урчидими? Қаёққа қарасанг — шулар! Шулар ёғлиқ жойларни эгаллаган, шулар катталарнинг атрофини ўраган. Шуларники ҳамиша ҳақ... Чеки-чегараси бўлиши керакми, ахир?!

...наҳот бу ҳам, Тўрабек ҳам ўшаларнинг биттаси?

Улар гўё туманли бир оламга кириб бораётгандек, самолёт ҳамон пастлаб борар, атрофидан юзиб ўтаётган булутларнинг чеки-чегараси кўринмас, қулоқлар гоҳ шанғиллаб, гоҳ чиппа битар, самолёт ташлаб-ташлаб юборганда эса юрак ҳам шув-шув этиб кетар эди. Искандар иллюминатордан кўз узмай ўтирган Тўрабекнинг юзларига тикилди: «Шу дўстимки айниган бўлса... Миркомил минг карра ҳақ экан-да, ҳақ экан-да, ҳақ экан-да?!»

## 12

«Қизиқ, нега ундай тикилиб қолди? Сездими ё? Ё бўлмаса ўзим сездириб қўйдимми? Балким,

Аввалбошда олмаслигим керак эди. Ҳамонки олдимми, энди қайтариш, тан олиш — уят, уят, уят.. Бекор

---

<sup>1</sup> Қадимги турк тили луғатидаги «киндик устун мөнг бўлсар, ўғри бўлур»га ишора.

ган! Журъатим етмаяпти! Бергим келмаяпти. Айрилиш алам қиляпти! Демак, мен ҳар қанча интилмайин, та-ассуб қилмайин, у бўдолмасаканман, Искандар бўлол-масаканман! Докторликни ҳам ёқларман, казо-казо ташкилотларга аъзо ҳам бўларман, энг олий мукофот-ларни ҳам оларман, лекин унга е-тол-мас-кан-ман. У мендан ҳали неча қарич баланд экан, баланд экан, баланд экан. Унда нега юзимга солмаяпти, ўзимга ҳеч нарса демаяпти? Балки ўзи ҳам...— Тўрабек ичида шундай хаёлга борган бўлса-да, ташида тилини тиш-лаб қолди.— Э, йўқ! У бўлади-ю оларканми?! Хўш, ўзи-га нима зарур эди шу нарса? Яна археологмиш. Уят! Арзимаган ойликка яшаб-ишлаб юрган пайтида, ҳатто тушлик қилишга ҳам пули қолмаган кезларда шу иш хаёлига келмаган одам энди тойилиб ўтирса. Қачон айниб улгурди экан? Қачон бу касалга гирифтор бўлди экан? Ё бу нарса ҳам тумовдайин юқумлимикан? Атро-фингда ҳамма ўзини ўтга-чўққа уриб, қандайин бўл-масин яхши яшашга, бир-биридан қолса қулоғини «ке-сиш»га интилгани сари сен ҳам ўзинг сезиб-сезмай ҳаром-харишнинг фарқига бормай қолармикансан? Лекин сен ундайлардан нафратларнинг-ку? Искандар-га қўшилиб сўкардинг-ку? Жирканардинг-ку? Ҳа-ҳа, топдинг, Искандарга қўшилиб сўкардинг. Лекин уйда хотинингга бир оғиз бир нарса дея олмасдинг. Оғзига уриш у ёқда турсин, финг демасдинг. Уғлинг Мақсуд-нинг туғилган кунда, чақириғу зиёфатларда қулоғинг кар, кўзинг кўр эди. Топармон-тутармон тоғалариники-дан келган мебелу ҳар гиламларни кўрмаганга олар-динг. Уэлари билан бемалол улфатчилик қилардинг. Ушаларга омад тилаб қадаҳлар кўтарардинг. Улар ҳам сендан қинғир ишларини яширишмасди. Лекин сен бирор марта юзларига бир нарса деганмисан? У ёқда шундай, ишда эса бундай эдинг. Қарғанинг ичида қар-ғача, шернинг ичида шерча яшардинг. Тўғри, ўзинг бунақа ишларга аралашмагансан! Ҳожати ҳам йўқ эди бунинг. Кейин ўша тоғаларнинг ёрдами билан машина-ли бўлдинглар. Етти хонали коттежга кўчиб чиқдинг-лар. Стенка ўрнига янги «Зина»ю «Моника» мебеллари келди. Бирортасига монелик қилдингми? Қаердан, қайси пулимизга келяпти, дедингми? Шундан кейин ҳам у хотинчанг ўзини «эр ўрнида» ҳис қилмасинми? Айтгани айтган, дегани деган бўлмасинми? Энди, ҳам-ма нарса остин-устун бўлиб кетганда, мавқеингни ўй-лаб қолдингми? Кимлардандир қолиб кетган шу бир

бўлак нарса билан ўзлигингни тикламоқчи бўлдингми? Зора эр ўрнида кўрса, деддингми? Бу кунингдан ҳар нарсалар бўлганинг яхши эмасми?.. Эмасми, эмасми?..

Япалоқ юз, алп келбатли шўрчилик йигит таксининг олдинги ўринидиғида ярим ёнбошлаганча Искандарга ўгирилиб, гурунг бериб келяпти. Далварзинтепада мол боқиб юришган кезларида кимнингдир қўйи бир чуқурга тушиб кетган эканмиш. Тумонат одам йиғилиб, кейин ботирроқ бир одам белига арқон боғлаб, қўлида машъала билан тушса, бир ёнга кетган йўл бор экан. Ҳалиги одам икки-уч қадам босиб, деворга қадалган аллақандай одамларга кўзи тушибди-ю, тортиглар деб бақириб юборибди. Одамлар тортиб олишгач, қариялар ўзаро кенгашиб, чуқурни кўмдириб ташлашганмиш.

Искандар ҳамма нарсани унутган, бутун диққат-эътибори шўрчилик йигитнинг ҳикоясига қадалган, аzza-баzza ишониб, қайси тепаликлигини суриштирар, нега бу воқеани бизга айтишмаган экан, деб афсусланад эди. Ўзига қолса, шўрчилик йигит билан ҳозироқ қайтиб кетса. Қопчиқлардаги нарсани хаёлига ҳам келтирмайди. Фидойилик шунчалик... У бўлса қўйнидагидан бўлак нарсани ўйламаса-я. Яна санъатшуносниш. Келажаги порлоқ олиммиш!..

У ич-ичидан ижирғаниб четга қараб олди. Мижжаларида ёш айландими ё ёмғир машина ойналаридан тўхтовсиз оқиб тушармиди, кўз олди хиралашиб, ҳамма нарса ўша хира парда ортидан кўринарди: шунча хазина ичидан битта... яккаю ягона ёмби чиққани бежиз эмаскан-да, эмаскан-да, эмаскан-да...

Шўрчилик йигит ҳамон гурунг берарди:

— Қараб турасиз, уни ҳам, Тилла оглиқни ҳам топасизлар ҳали. Мўйсафидлар бекорга ривоят қилмайдилар. Билмасалар айтмайдилар. У ҳаммадан ҳам қолиб кетадиган нарса-ку, тўғрими?..

### **КАЛОН ТОҒА АЙТГАН РИВОЯТЛАРДАН**

Алқисса, топшириқни адо этиш навбати қиёматли дўст тутинган, бири-биридан кўркам, бири-биридан одобли, бири-бирини еру кўкка ишонмайдиган йигитларга келибди. Улар керак бўлса, бир-бирларига жонларини садқа қилгудек мард эканлар. Охири Оқсоқол омонатни уларга топшириб, оқ йўл тилаб қолибди.

Йигитлар йўлбошчиликни галма-гал зиммаларига

олиб, йўлга тушибдилар. Омонатни гоҳ у, гоҳ бу қўриқлаб манзил сари бораверибдилар. Шу тариқа етти саҳрою етти дарёни, етти воҳою етти водийни, етти тоғу етти тошни ошиб ўтиб, еттинчи иқлимга озиб-тўзиб, йўлларда яна чайир тортиб, офтобу шамолларда қорайиб-пишиб, ҳеч ким ета олмаган ерга етганларидан руҳан бардам тортиб кириб борибдилару омонатни айтилган чўққига олиб чиқиб, очиб қўйибдилар.

Қарағки, унга офтоб нури тушиб, тилла юракда-йин ловиллаб ёниб кетибди. У қўшюрак мисол ёмби экан...

Дўстлар лов-лов ёнаётган юракларга ҳайратланиб, яна ҳам бардам тортиб тикилишаркан, унинг сиртидаги бир ёзувга кўзлари тушибди.

«Бу ёмби — ёмби эмас, сизнинг юрагингиздир», деб ёзиб қўйилган эмиш...

Ташқарида худди кўкламдагидек челақлаб жала қуяди, ёмғир пардасининг қалинлигидан, ойналардан оқиб тушаётган сувнинг кўплигидан йўлни кўриб бўлмайди. Ҳамма ўзини панага урган. Асфальт йўллари йўлакларни сув босган, ариқларда тўлиб сув оқади, боягинда тилладай ярқираб ётган барглари аллақасқаларга оқизиб боради.

«Хўп, бу нарсани топширдим ҳам дейин. Лекин... бу билан нима ўзгаради? Искандарнинг баттар мендан кўнгли қолмайдими? Ҳар кўрганда бир ижирғаниб юрмайдими? Кейин дўстлигимиз нима бўлади? Дўстлигимиз?..»

Машина каттагина ҳалқобга зарб билан тушиб, сувни фавворадек сачратиб ўтди. Отилган сув капоту олд ойнага тўлқиндек урилди.

«Тавба, кузда жала қушиб ётса. Качон кўрилган воқеа? Худди яна бир касмик кема учиб, лаво оқимларини алкаш-чалкаш қилиб юборгандек. Фаслларда ҳам тайин қолмагандек. Ёинки... учар тарелкаларида учиб юрган анави ўзга сайёраликлар атай жала қуйдириб қўйиб, ўз ишларини битириб олаётганмиканлар? Қани эди, қани эди, ташқарига чиқақолса-ю ўша тоқ кўзликларга рўпара бўла қолса... уни «ўғирлаб» кетақолишса... Қутуларди бу азобу бу ташвишлардан, бу тавқи лаънату бу гуноҳлардан. Ҳам-ма, ҳам-масидан қутуларди, қутуларди, қутуларди, қутуларди...»

У чуқур хўрсинди: қани эди, қани эди, қани эди...

Алам ҳам, армон ҳам қоришиқ эди бу хўрсиниқда.

Искандар ёнида аллақандай қунишибми, тумтайибми ўтирган дўстига ҳайрон бўлиб қараб қўйди: Мунча уф-уфлаб қолди? Ич-этини еб қийналгунча айта қолмайдими мен аҳмоқни кечир, деб? Бир оғиз сўз-ку. Қошки беркитиб кета олса. Бари бир қайтариб келадик-ку. Биламан-ку уни... Ахир, ўша нарса мендан, ўн йиллик дўстидан азизмасдир?!

Ёмғир ҳамон челақлаб қўяр, машина устида томчиларнинг тақирлаши ҳеч сусаймас, гўё табиат бутун оламнинг ғуборларини биратўда ювиб ташламоқчидек ҳеч жаҳлидан тушмас, йўлларда оқиб бораётган сувдан, тепадаги қўрғошиндек оғир булуглардан одамнинг ваҳми келиб кетар эди. Тўрабек эса бунга парвон фалак бир ҳолда, ўз ёғига ўзи қовурилиб, машинанинг олд ойнасидан кўзёш мисол чаплашиб тушаётган ёмғир томчиларига сассиз тикилиб ўтирибди. Бундан бир кун олдинги беғам, беташвиш дўсти қани-я?..

Шу пайт машина йўл чеккасига чиқиб тўхтаб, шофёр чуқур тин олди:

— Э, хайрият-э, етиб келди-га. Шу ерга девдингизларми?

Искандар марказдаги таниш ойнаванд бинони таниб, тасдиқлади:

— Шу ер, шу ер. Қани, меҳмон, юрақолинг биз билан. Чой қилайлик, борарсиз.— У шошиб шўрчилик йигитни тушишга қистай кетди. Тўрабек ҳам нималардир дея минғирлаган бўлди.

Алп келбатли йигит илжайди.

— Раҳмат, келаси гал. Мана, танишиб ҳам олдик-ку...

— Қаёққа ҳам шошардингиз шу ёмғирда? Юрақолинг...— Искандар унинг яхшилигига яхшилик билан қайтара олмагани учунми, кўнгли бўлмай яна зўрлади.

У астойдил қўлини кўксига қўйди:

— Узр, ака, узр. Ҳали қайтиш ҳам керак.

— Ҳа, нега бунча дарров?

У яна боягидек уялинқираб илжайди:

— Тоғанинг топшириқлари.., шундай бўлган. Мана, ёсон-омон етиб олдинглар, мен энди қайтақолай. Ҳали уларга хабар қилиб қўймасам, нақ хавотир олиб ўтирадилар. Биласиз-ку, тоғани...

— Йўғ-э!— деб юборишди иккиси ҳам бараварига.

«Шунақа денг ҳали?! Калон тоға йўллаган эдилар денг?!» дерди Искандар ич-ичидан.

«О, ўлганларим яхши! Калон тоға сезган экан-да, сезган экан-да, сезган экан-да», дерди Тўрабек ич-ичида.

«Биз у кишига хазинанинг исини ҳам чиқармадик десақ...» дерди Искандар.

«О, у чол-эй! Бекорга зиёфатга чақириб ровийлик қилмаган экан-да,— дерди Тўрабек.— Энди Далварзин ҳаром экан-да менга, ҳаром экан-да ҳаром экан-да...»

«Дунёда қандай одамлар бор-а», дерди Искандар.

«Энди айтдим нимаю айтмадим нима?! Қайтариб бердим нима-ю қайтармадим нима?! Улоқтириб юбордим нимаю улоқтирмадим нима?! Бари бир эмасми, бари бир эмасми, бари бир эмасми?» дерди Тўрабек.

Ташқарида оламни жамики ғуборлардан покламоқчидек уриб жала қуяр, у тиниш тугул, секинлайдиганга ўшамас эди.

## А Л Қ И С С А

У шу кеча жаҳд билан Миркомилнинг арзига қўшимча яна нималарнидир битаётган эди. У энди бир нарсага қаттиқ аҳд қилган: дўсти Миркомилга фақат Калон тоға ва Қалон тоғага ўхшаганлар ёрдам бера олиши мумкин. Демак... демак, янаги гал боришида ҳаммасини Қалон тоғага айтади, маслаҳат сўрайди, ёрдам сўрайди. Бу йўл Миркомилга ҳам маъқул тушади. Шунда... Ахир, токай Зиёдга ўхшаганларнинг куни тугиб, бошқалар елка қиси-иб юриши керак? Яна кўтариласан деса шундан шу ёққа уялмай-нетмай сариғини излаб келибди. Буларнинг ҳайиқмаганини! Ҳали Тўрабекникига бостириб бормаса эди.

Кутилмаганда кўча эшик тагига аллақандай машина шитоб билан келиб тўхтаб, кимдир ошиғич пастига тушди. Кейин ҳеч қанча ўтмай у ўтирган уйнинг дераваси қаттиқ-қаттиқ тақиллади.

Искандар шошиб қолди:

— Ким?..

— Искандар ака керак эдилар?— деган овоз келди у томондан.

— Ҳа, мен.— У нотаниш одамнинг овозида аллақандай совуқ мужда сезиб, ойна олдига ошиқди.— Тинчликми?

Дераза тагида турган йигит ташвишланиб боқди.

— Йўқ, дўстингиз... ҳеч ерда йўқлар. Уша кишини излаб келганимиз.

— Йўқлар?! Қаёққа йўқолади?

— Эрталаб машина миниб чиқиб кетганча... йўқмишлар.

— Осмонга учиб кетмагандир, ахир, кап-катта одам?

У чуқур тин олди:

— Шунисига ҳайронмиз-да. Машинани Турбатга яқин бир яланглиқдан топишганмиш. Узлари эса, ерда ҳам, кўкда ҳам... йўқмишлар.

«Ерда ҳам, кўкда ҳам йўқмиш? Тавба»,— дея эси оғиб пичирларкан:

— Ахир хотинига бирор нарса дегандир?! Бирор нарса қолдиргандир?!— деб юборди.

Ҳигит афсуски дегандай бош чайқади.

— Ҳаммамиз ҳам шунга ҳайронмиз. Ҳеч нарса демаганлар ҳам, ҳеч нарса қолдирмаганлар ҳам. Фақат... келганларидан бери аллақандай ғалати бўлиб юрган эканлар. Ҳамма шунини гапиряпти.

Искандар бирдан ҳамма нарсани англаб етгандай бўлди-ю юраги сидирилиб кетди.

«О, дўстим-а, мен сени бари бир қайтиб келади, қайтариб келади десам, номусинг шунчалик кучли эдими? Наҳот энди кеч?» дея алам билан шивирларкан, пешайвонда баногоҳ телефон жиринглаб, чўчиб тушди.

— Шошма-чи, ким экан?!— дея ўша ёққа отилган жойда... бир зум тўхтаб қолди.

...ким бўлдийкан, Офтобми, ё Тўрабек?..

Телефон эса, зорланиб-зорланиб жиринглаб эди.



## ҲАММАНИНГ ЯШАГИСИ КЕЛАДИ

Ҳақиқат олами муқаддас бир ер  
бўлиб, унга Арабистон саҳросидан  
ўтиб борилади.

В. Белинский.

### *Биринчи боб*

Отамурод қозон тепасида куйманаркан, саксовулзордан ўтин тергани кетган Зулхуморнинг қорашақшақ овозидай ўткир кулгисини эшнтиб хаёли бўлинди, бошини кўтариб улар томонга қаради. Айёр қиз ўзи бир четда туриб, Султоновни ишга солиб қўйган, у саксовул шохини синдираман деб зўр бериб уринар, лекин синдира олмасди.

Отамурод узоқдан бўлса-да, сизди, бошлиқ оғир аҳволда қолибди, уринмай деса қиз боланинг олдида йигитлик ғурури йўл қўймапти, ҳарчанд уринмасин — саксовул шохи бўй бермаяпти. Қиз бўлса, буни ҳазил-мазахга йўйиб, лаззатланиб кулади.

Отамуроднинг аччиғи келди. Хирсдек йигит, синчакдек бир қизга ўзини майна қилдириб ўтирса! Тенги бўлса ҳам майли экан. Одам ўз иззатини билмаса шу экан-да.

Отамурод ёққа енгил қовуриб олиб қўйган жўжаларни ҳафсала билан картошка устига тера бошлади. Кейин тўғралган пиёзни бир текис бостирди-да, зираворларни сепиб, сирли тоғорачани қозонга тўнкарди, тош ўчоқдаги чўғларни тортиб, оловни милтиратиб қўйиб, қаддини ростлади. Учоқнинг иссиғи, саҳронинг тафтидан кенг пешонасини босган маржон терларни сидириб ташлаб, қудуқнинг пастак айлана тош девори устига бориб ўтирди. Ёғ босган кепкасини қўлига олиб елпинаркан, кунга қаради. Кун ҳам оғиб, толмачой пайтидан ўтибди. Ҳадемай кеч киради.

Отамурод юрағига гулгула тушиб, саксовулзорга қаради. Ҳали Оқжардан олимларни олиб келишга ҳам ўзи борса керак. Ҳиринглашиб юргунча бориб келишса-

ку, бўлади-я. Бир ўзи дастурхонга қарасинми, овқатли ҳозирласинми, уларни олиб келсинми? Яна: «Бугун аломат бир дастурхон тузагинки, пазандалик санъатингни кўрсатиб, антиқа табака тайёрлагинки...» эмиш. Ҳаммаси ўзи бўлади шекилли.

Султонов уни кечадан бери югуртиради. Унгача тинчгина шофёрлигини қилиб юрувди. Қўнғиротга тушиб идорага кириб чиқишдию ҳовлиқиб қолди.

Бир қулоч рўйхат тузиб, кечгача бозор-ўчар қилишди. Зиравору кўкатдан тортиб саримсоқ пиёзгача, помидор, сабзидан тортиб куврак бодринггача олишди. Бозорда ёзнинг ниманки неъматидан бўлса, ҳаммасидан бир-бир олиб чиқишди. Базама-база юриб, сўйилган жўжа топишди. Буғдой ароқнинг сархилидан танлашди. Кейин Султонов қўнғиротлик бир машҳур овчиникига кириб, оқ қоғозга ўраб-чирмалган бир нарсани кўтариб чиқди. Отамурод нима деб сўраган эди, кўзларини сирли қисиб, «сюрприз», деди. Бу шошилишчи тайёргарлиқнинг сабабини ҳам очмади. Буни ҳам сир тутди. Кейин тонг-саҳарда Қўнғиротдан, қайдасан Кугисем қудуғи, дея бу ёққа йўлга чиқишди. Бу ерга келиб ҳам тинч ўтиришгани йўқ. Мангқишлоққа тушиб, қозоқлар овулидан бир меш қимиз олиб чиқишди. Тушликдан кейин эса, Султонов домладан кечқурунга озгина тайёргарлигимиз бор эди, Отамуродга қарашворсин, деб Зулхуморни сўраб олиб қолди-ю шундан бери ўзи унинг ёнидан жилмайди. Чўлда юриб қизларнинг суҳбатини соғиниб қолган шекилли, зиёфат баҳона ўзидан ўн ёш кичик бу ўт-олов қиз билан ўз кўнглида димоғини чоғлаб юрибди. «Одам ўз обрўсини тўқаман деса ҳеч гап эмас экан-да, а? — Отамурод ижирғаниб четга қаради. — Ҳеч бўлмаса мендан уялса бўларди...»

Унинг ана шу тортинмагани Отамуродга туриб-туриб нашъа қилар, аччиғи қайнаб келар, бошлиғи бўлгани учунгина ҳам унга тик гапира олмай ўзини босарди.

«Бу одамлар мунча андишасиз бўлишмаса,— деб жиғибийрон бўларди у ичида,— бу қизнинг яхши кўрган йигити борлигини, Оқжарда олимларга қарашиб юрганини билатуриб, унинг кўзини шамғалат қилиб, қизга ишқибозлик қилмоқчи бўлишадия, тавба. Яхшики, қиз анойимас.— Отамурод уларга қараб, бехосдан кулиб юборди. Қиз кимсан — Султоновга катта бир боғ ўтинни орқалатиб, олдига солиб келарди.— Оббо, шаддод-

ей, боплабди-ку. Дарёга олиб бориб, суғормай келади-ган хилидан экан-ку».

Қудуқ тубидан ураётган салқин хуш ёқиб, Отамурод бирпас ўтирган бўлди. Лекин улар яқинлашиб қолишганини кўриб, ўрнидан турди. Ишга тутиниб, чодирга кириб кетди. Султонов хижолат тортмасин, ҳарна қилса бошлиқ номи бор, деди. Без бўлиб ўтиришга юзи чидамади. Келиб ўчоқ бошига ўтинни ташлагандан кейингина тарвуз кўтариб чиқди-да, чодир соясига ўтиб, ундан тўйлардагидек қилиб саватгул кеса бошлади.

Султонов гўё ҳеч нарса бўлмагандек, энгашиб шимини қоқа-суқа унга яқинлашди. Тамомила жиддий тусда:

— Аввал Оқжарга бориб домлаларни ола келсанг бўларди,— деди,— бориб келгунингча ҳам кун кетиб қолади.

— Яхши бўларди, лекин дастурхон-чи?.. Узларингиз тузасаларингиз, майли,— Отамурод ўрнидан турди.— Қозоннинг оловига қараб турарсизлар. Бундан баланд-ласа куйиб кетади. Мен бораверайми?..

У кетишга тараддудланди. Султоновнинг аччиғи юзига тепиб, қизариб бўғриқди:

— Битта дастурхон тузаш шунча қийин эканми?! Аёл кишига ўхшаб пешиндан бери имиллайсан-у, қилган ишининг тайини йўқ. Калитни чўз!

У калитни зарда билан юлқиб олиб чодир орқасидаги машинага қараб юрди. Ярим йўлга бориб, орқасига ўгирилиб тўхтади, ўчоқ бошида ўтин боғини ечаётган қизни чақирди:

-- Юринг, Зулхуморхон, бирга бориб келамиз...

Отамурод унинг ниятини сезиб, атай қизнинг ёнини олди:

— Зулхумор менга қарашмасалар... улгура олмайман.

— Сен ўзи нимага улгурган эдинг?!— Султонов жаҳл билан машинага чиқиб, газни босди. Машина орқасидан бир олам чанг-тўзон кўтариб, чинк! ёқалаб илгарилаб кетди.

Отамурод гўё ҳеч нарса бўлмагандек, яна чодир соясига ўтирди-да, тарвузни ўйиб саватгул яшашга тутинди. У буни ҳафсала билан қиларкан, қиз оҳиста юриб келиб, тепасида тўхтади. Отамурод буни сезса ҳам сез-

---

Чинк — Устурт чеккасидаги тик жәрлик.

маганга олди, ўзи билан ўзи овора одамдай бошини кўтармади.

Қиз бари бир юрагидагини яшира олмади.

— Раҳмат, Отамурод ака,— деди секин, лекин алоҳида бир миннатдорчилик билан. У нима учун раҳмат айтаётганини Отамурод яхши тушунди. Тушунди-ю бош силкиб:

— Арзимайдн,— деб қўя қолди жўнгина. Лекин шу топда кўнглидан бир олам гаплар кечарди. «Билса тушунади ўзида ҳам айб борлигини. Қиз бола деган сал оғирроқ бўлади-да. Ҳар нарсага ҳингир-ҳингир қилаверса, ким нима деб ўйламайди? Қайси йигитнинг нияти бузилмайди? Кечагадими, ойдинда Ортик билан чинк ёқасида сайр қилиб юргани? Ортик билан-а! Тенги бўлмаса, бўйдоқ бўлмаса. Наҳот Тошкентда хотини борлигини, тўрт боланинг отасилигини билмаса?.. Қиз бола шунаққиб сир олдириб қўяди-да». Отамурод ҳали ҳам у тепасида турганини эслаб, ўзини ноқулай сизди-да, бир қараб қўйиб, буюрди:

— Овқатнинг оловига қараб қўйинг, ўчиб қолмасин.

Қиз унинг кўнглидан ўтган гапларни сезгандек, кўзлари ер чизиб, ўзи хижолат тортиб турар, афтидан, Отамуроднинг муомаласи уни ўйлантириб қўйганди. Кейин у итоткорона ўчоқ бошига қараб кетди. Қиз бечорани хафа қилиб қўймадиммикин деб ўйлаб қолди Отамурод. Зулхумор руҳи тушинқираб худди ўз тақдирини ўйлаб қолган қизлардай хаёлга чўмиб кетиб борар, афт-ангоридан қаёққа, нимага кетаётганини ҳам унутгандай эди. У ёш бўлса ҳам дуркунгина, чиройли бўлмаса ҳам, истараси иссиққинна, ҳозир айни кўзга яқин пайти эди. Ҳатто пучуқ бурни устидаги ярадан қолган чандиқча ҳам ўзига ярашиб, ҳуснини очиб турарди. У бир гапириб, ўн куладиган очиқ, кўнглида кири йўқ, хафачилик нималигини билмайдиган шўх-шаддоод бир қиз эди. Шунча кундан бери Отамурод уни бу аҳволда кўрмаган, ҳатто шу ҳолга тушишини тасаввур ҳам қилмаган эди. Одамни сиртдан билиб бўлмас экан. Отамурод яна ўз иши билан машғул бўлиб кетди. Лекин Зулхумор хаёлига ҳадеб ўралашиб келаверар эди.

Экспедицияга янги келган кезлари Собир билан қандай иноқ, қандай аҳил эди, бир-бирларини еру кўкка ишонишмасди. Бамисоли Тоҳир-Зухра бўлиб юришарди. Бир-бирларига муомаласини кўриб, киши ҳавас қиларди. Энди бўлса... ораларидан бир гап ўтган кўри-

нади. Нимага аразлашиб қолишди экан? Собир сал рашкчироқ кўринади. Рашк қилавериб қизнинг жонига тегдимикан? Зулхуморнинг шўх-шаддодлиги бор, кўпроқ хурсандчиликни яхши кўради. Бу очиклиги, ҳамма билан бирдай очилиб-сочишиб гаплашиши йигитга ёқма-яптимики?

Кечагида унинг Ортиқ билан ойдинда сайр қилиб юриши бежиз эмас. Собирга ўчакишиб қилган. Уни бир куйдиргиси келган, лекин билмайдики, охири яхшиликка олиб бормайди. Бир иложини топиб, уларни яраштириб қўйиш керак. Одам одамга шунақа пайтда асқотмаса, қачон асқотади?

Отамуроднинг кўзи бирдан ўчоқда гуриллаб ёнаётган оловга тушди-ю ҳай-ҳайлаб, ўрнидан туриб кетди. Зулхумор хаёл билан ўчоққа ўтин қалаб ўтирганакан, бир сапчиб тушди. Отамурод бора солиб оловни тортиб олди.

— Бунақада хўжайиндан балога қоламиз-ку, синглим, табаканинг ўрнига қўғирмоч сузиб ўтирсак борми, ҳай-ҳай-ҳай, ҳамма тоат-ибодатимиз бир пул бўлади-я! Зиёфат қиёматга айланади-я!..

Зулхумор хижолатдан ранги ўчиб, қизариб-бўзарди.

— Кечирасиз, мен билмабман. Ҳеч ўйламабман.

Отамурод уни юпатган бўлди:

— Майли, майли, ҳечқиси йўқ, вақтида олдини олди. Худо хоҳласа юзимиз шувут бўлмайди. Сиз энди менга қарашворинг. Бодринг билан помидорларни олиб чиқсангиз салат тайёрлаймиз. Кун ҳам кетиб қолибди.

У шундай дея қуёшга қараб қўйди. Ҳақиқатан ҳам офтоб уфққа оғиб, ботиш олдидан ёниб-яллиғланиб турар, нури тўғри кўзга тушиб, қамаштирар, чодирнинг сояси боягидан анча узайиб қолган эди.

Зулхумор сувли пақирни олиб чиқиб, сояга гулдор клеёнка дастурхонни ёзди-да, помидор ва бодрингларни чайиб қўя бошлади. Отамурод оддий бодринг, помидорларни турли усулларда қирқиб, антиқа салатлар тайёрлар, устига жиндек кўк пиёз, укроп қўйиб, хаёлга келмаган тарзда тарелкадаги салатларнинг чиройини очиб юборар, Зулхумор бўлса, унинг бу санъатига маҳлиё бўлиб ўтирар эди. Буни кўриб Отамурод кулди:

— Бу ҳали ҳолва-ку. Бунинг шундай усталари борки, уларнинг салати олдида бизники ўргамчикка ҳам ўтмайди. Озгина оқ пиёз, турп, қизил бурак, яна бошқа

кўкатлар бўлганидами, уриниб кўрардик. Илож қанча. Бу ер Фарғона ёки Тошкент бўлсаки, айб қилишса. Бу ерни Устюрт деб қўйибдилар. Шу нарсалар топилганига ҳам шукр қиламиз. Нима дедингиз?

— Шукрингиз нимаси. Ҳали қараб тулинг, олимлар келишсин, тўй бўлиб кетади! Саҳрода шундай тайёргарлик осон гапми?!— Зулхумор мақтаб туриб кутилмаганда сўраб қолди.— Айтмоқчи, нима муносабат билан тўппа-тўсиндан зиёфат тайёргарлиги кўрилиб қолди? Ниманинг шарафига? Ишнинг тугашигами?

— Қим билсин. Балки шундайдир,— елка қисди Отамурод,— лекин хўжайин ҳозирча сир тутиб, турибдилар. Атай яширяптилар.

— Бошқа нима бўлиши мумкин, бунчалик тантанага арзийдиган?— ўйланиб қолди Зулхумор.

Отамурод кулиб, ҳазил қилди:

— Эскилар айтмоқчи, бу биргина олло-таологаю ўртоқ Султоновнинг ўзларига маълум, Бандалари қайдан билсин.

— Шуни айтинг,— қиз кулиб ўрнидан турди. Қудуқдан сув олиб, ўчоқ бошидаги идиш-товоқларни чая бошлади. Бу орада Отамурод ҳам салат тайёрлаб бўлиб, чодирнинг узун соясига жой ҳозирлашга киришди. Бир кўнгли топган-тутганини олиб чиқиб дастурхон тузаб қўймоқчи бўлди. Яна ҳали, қачон қайтишади, олдин келишсин-чи, деб қилмади. Ичкари кириб, нима бор, нима йўқлигини кўздан кечира туриб, Султонов кеча, кўнғиротлик овчиникидан олиб чиққан оқ қоғозга ўроғлиқ нарсага кўзи тушди-ю бир кўнгли уни очиб кўрмоқчи бўлди. Лекин қўли бормади. Унинг хўжайиндан берухсат бир нарсага тегиш ёки бир нарса қилиш одати йўқ эди. Чодирдан қайтиб чиқиб, кечки қуёшнинг зарҳал нурларидан сап-сариқ духоба рангга кирган даштнинг чекига, улар келадиган томонга кўз тикиб қолди. Аввалига қуёш нурлари селида ҳеч нарса кўринмади. Кўзлари қамашиб кетди. Қафтини пешонасига қўйиб, қаттиқроқ тикилган эди, узоқда қора нуқта билан кўз илғар-илғамас чанг-тўзон кўринди. Бора-бора ўша нуқтада нур ўйнай бошлади. Машина ойнасига тушиб қайтаётган офтоб дам ёниб-ёлқинланиб кетади, дам ҳолсизланиб-сарғайиб қолади. Яна қайта ловиллаб, машғалдек порлаб кўзни олади.

— Келишяпти,— деб юборди Отамурод беихтиёр, кейин атрофга аланглаб,— хўш, ҳамма нарса тахтми?— дея ўзига ҳисоб бера бошлади.— Олов жойида, паст

ҳам, баланд ҳам эмас. Салатлар дастурхон тузашга мунтазир. Қимиз қудуқда, яхдек бўлиб турибди. Чанқовбосди қовунларни эса овқатдан кейин сўямиз. Ичимликлар сувга солиғлиқ. Фақат дастурхон ёзишимиз қолибди. — У қизга савол назари билан қаради. — Нима дедингиз, Зулхуморхон, ерга ёзаверамизми, ё яшиқларни териб хонтахта қиламизми? Қайсиниси маъқул?

Учоқ бошида боядан бери куймаланиб юрган Зулхумор кулди:

— Хонтахтангиз маъқулмикин...

— Зиёфат бўлганга яраша хонтахлит бўлсин, дейсиз-да. Шундайми? Ҳозир амри вожиб қиламиз-да,— Отамурод ишга киришиб кетди. Ерга брезент шолча ёзиб, ўртага фанер яшиқларни тўнкариб тера бошлади. Кейин устидан оқ дастурхон ёзди-ю хонтахта тайёр бўла қолди. Кўрпачалар ўрнига тўшак қопларни тўшади.

Қақир-қуқурларни олиб чиқиш-чиқмасликни билмай турганида орқасидан бир олам чанг-тўзон илаштириб машина етиб келди-ю ўзи бир зум шу чанг орасида кўринмай қолди. Яхшиямки сал нарида тўхтагани, бўлмаса дастурхоннинг расвосини чиқарган бўларкан. Кечки офтоб селида минг-миллион зарра бўлиб ғужғон ўйнаётган тўзон жуда секинлик билан тарқалар, машинадагилар эса пастга туша олишмасди.

Охири улар сабрлари чидамай машинадан сакраб тушиб, чангдан қочиб чиқа бошлашди. Энг олдин Султонов тўзон ичидан отилиб чиқди. Чиқдию нафаси ҳалқумига тикилиб пишқирди. Орқасидан туташқош Ортиқ кулиб чиқиб келди:

— Шу чангга чидамасангиз — бу ерларда қандай юрибсиз, кичкина ёшулли? — деди у масхараомуз.

— Начора, зарурки, чидаймиз. Кейин елканинг чуқури кўрсин бу ерларни.— Султонов унга ўзингиз тушунасиз-ку, дегандай қош учуриб қўйди.

— Ҳа-а,— деди Ортиқ маъноли бош силкиб,— сизнинг билганингиз ҳам билган. Кейинги кўтарилишлар учун Устюртда ишлаган дегандан зўр характеристика бўлиши мумкинми?!

Шу пайт машинадан паст бўйли, ғўлабирдан келган домла Салоҳиддинов туша бошлади-ю Султонов унинг олдида Ортиқнинг бунчалик очиқлашиб кетишидан гаши келиб, ўқрайиб қўйди. Лекин бир нарса дея олмади. Деса баттар шарманда қилишини, унинг ҳеч нарса-

дан тап тортмаслигини билиб, индамай қўя қолди. Гапдан қочиб Отамуроднинг олдига, ўчоқ бошига қараб юрди.

Домланинг орқасидан рюкзак орқалаган ориқ Собир кўринди. Отамурод дарров сездди. У домланинг гапига қулоқ солиб келаётган бўлса-да, кўзлари Зулхуморда, уни ўғринча таъқиб этар, ўзича ниманингдир тагига етмоқчи бўларди. Отамурод кўнглида: «Ёмон кунчи эканми, рашки билан муҳаббатига ўзи зомин бўлмаса кошки эди», деб қўйди. Бу орада етиб келган Султонов қуруқ дастурхонни кўриб, тутақиб кетди:

— Нимани кутиб ўтирибсан?! Олиб чиқмайсанми? Шу вақтгача битта дастурхонни эплаб тузатиб қўймансанг! Мен сени нимага ташлаб кетдим?!

Отамуроднинг гаши қўзиб келди-ю яна индамади. «Боягининг аламини оляпти. Ҳали неча кунгача чўзиб юради, теккан касал-ку», деб қўя қолди. Индамай чодирга кириб кетди. Лекин Зулхумор гап билан уни чимдиб олди:

— Осмон узилди ерга тушяптими?! Намунча?!

Султонов ўсал бўлганча қолди. У эса бурлиб кетиб, ишдан қайтганларнинг қўлига сув қуйишга ошиқди.

Отамурод чодирдан чиқиб, машинада қолган юкларни зўрға кўтариб келаётган Аҳмаджон акага ёрдамга шошилди. Йўл-йўлакай ишдан қайтганларни шодон қаршилади:

— Еппасига ҳорманглар-ов!— Кейин Аҳмаджон акадан юкларнинг бир қисмини ола туриб, атай тегишди.— Собирвой, қалай ишлар, нағзми? Машқингиз пастроқ кўринади? Нима бало, Ортиқ акангизга ютқазиб қўйдингизми, дейман. Майли, ҳам еманг, ҳали ўзим шундай адабчаларини бер.б қўяйки... Ортиқ акангизнинг шохлари қочгани жой топа олмай қолсин. Айтинг аламингизни олио берайми?!

— Ия, Ортиқвой, сизнинг таъзирингизни бериб юрганлар ҳам боракан-ку, а?— Аҳмаджон ака гапга «керосин сепди».

— Одатда ўтмас пичоқ қўл кесади, биласиз-ку, бизга тенг келиш учун Отамурод демаганларга ўнта қовун пишиғи бормикин-е. Юришни билган билан ҳамма шахматчи бўлаверибдимми?! Юришни ҳозир болалар онасининг қорнидан ўрганиб тушяпти-ку, а, айтинг, Зулхумор,— Ортиқ ўз гапидан ўзи лаззатланиб кулди.

Унинг қўпол ҳазили Зулхуморнинг олдида ҳаммани



ўнғайсиз аҳволга солиб қўйди. Қим бу гапни эшитмаганга олди, ким қизариб, ким ижирғаниб четга қаради. Отамурод ҳазил бошлаганидан ўзи мулзам тортиб қолди. Фақат Ортиққина сиртига сув юқтирмай, боладими, дегандай, кулганча Зулхуморнинг олдига яқинлашиб борди-да, энгашиб ҳовучини очди:

— Қани, пошша қиз, ўзларининг қўлларидан ҳам бир ювиниб қўяйлик.

Отамурод зимдан Зулхуморга кўз ташлади. «Қани, нима қилади, ҳайдаб соладими ё... гапини кўтариб кетадими? Қўлига сув қуйса — тамом, домига тушгани. Қуймаса — бошга гап. Қани, нима қиларкин?»

Зулхуморнинг қовоқлари уйилиб, қошлари чимирилиб келди-да, яна юзлари ёришди. Тек турганича истехзоли кулимсиради:

— Аввал каттадан бошланармиди?

— Шунақа денг,— Ортиқ иложсиз қаддини кўтарди.— Яхшиямки сиз аёллар борсиз, бўлмаса биз эркаклар таомилни буза-буза ёввойилашиб кетармидик,— дея кесатди.

— Бошқаларни билмадим-у, сиздан кутса бўлади. Шунақа белгилари йўқ эмас, — Зулхумор гапни ҳазилга буриб, Камолиддин акани чақирди. — Келинг, домла.

Ортиқ бир нарса дейишга оғиз жуфтлади-ю шу топда рюкзагини чодирга ташлаб чиққан Собирга кўзи тушиб, яна тилини тийди. Унинг важоҳатидан ҳайиқди.

Отамурод буни яққол сизди. Ҳозир бир оғиз сўз ҳам ортиқча эди. Собир рашк ўтида ёниб, ўзини зўрға босиб турар, буни атрофдагилардан яширишга қанча уринмасин, уддасидан чиқа олмас эди. У охири Зулхуморнинг олдига шаҳд билан юриб борди-да:

— Ишингизни билиб қилсангиз-чи,— дея унинг қўлидан сувлоқни енгил силтаб тортиб олди.— Сиз турганда Отамурод ака дастурхон тузаши керакми? Боринг, қарашиб юборинг...

Зиёфатнинг дарагини ҳеч ким эшитмаган экан, Отамурод саватгул қилиб кесган тарвузни олиб чиқшидан геологлар таажжубга тушиб қолишди. Салатларни кўриб, уларнинг ҳайрати яна ҳам ортди. Хонтагага шишалар қўйилганида эса Ортиқ чидаб тура олмади:

— Ия, тайёргарлик олий даражада-ку, ресторан форма-ку... Бу ниманинг шарофати бўлдийкин-а, домла?

— Столга қараганда тўйнинг ҳиди келяпти. Лекин Собирдан садо чиққанича йўқ-ку, а?.. Ҳа-а, шайтонлар, билдим, булар сюрприз қилмоқчи бўлган. Бир умр эсда қоладиган иш бўлсин деган. Маладес. Бошлабсиз. Ҳазилми, бийдай саҳрода шундай стол тузаб, тўй ўтказиш!

Отамурод Аҳмаджон аканинг гапига ишониш-ишонмаслигини билмай, ялт этиб йигит билан қизга қаради. Иккиси ҳам шолғомдай қизариб, бу «янгилик»дан гангиб-довдираб, бир-бирига бу сиздан чиққан ишми, дегандай, қараб туришар эди. Отамурод бу тайёргарлик сабаби якка хўжайинга маълумлигини эслаб, унга кўз ташлади: наҳот шуни назарда тутган бўлса? Султонов зиёфатни сир сақлай олганидан мамнун ҳолда гердайнб, кулимсираб қўйди. Отамурод уни дарров тушунди: у шу икки ялангоёқ студентнинг тўйини, яна қаерда, — шундай Устюртда шунча оворагарчиликлар билан ўтказиб берадиган анойилардан эканми?! Ҳеч-да, мушук бекорга офтобга чиқарканми! Унинг мақсади бошқа.

Султонов ҳамма унинг оғзига қараб қолганини кўриб, мамнун жилмайди. Виқор билан бош чайқаб:

— Топа олмадинглар, — деди. Отамуроднинг гаши келди. Шу баробар Собир билан Зулхуморнинг бир ҳолатда туришини кўриб, юраги увишди. Шуларнинг кўнгли учун бўлса ҳам ундай демаслиги керак эди. «Тўйдан қаери кам, келин билан куёв розилик беришса, бас. Ўтказиб юбораверамиз. Давоми Тошкентда бўлаверади-да», деса ундан нима кетувди?

Ниҳоят, у алоҳида тавозе билан Камолиддин акага мурожаат этди:

— Қани, домлажон, дастурхонга марҳамат, бошланг. Утинлар, яхшилар. Зиёфат сизларга аталган. Тортинманглар. Сабабини ҳам айтамыз мавриди билан.

Одамлар ғовур-ғовур билан бир-бирларини қистаб, хуштавозелик билан дастурхон атрофига ўта бошладилар. Отамурод овқатнинг оловидан хабар олиб, эҳтиёт шарт бошқа ўчоққа ўт қалаб қумғонни оловга яқинроқ сурди. Дастурхонга нон қўйишни унутганини эслаб, шошиб чодирдан лочира нон кўтариб чиқди. Султонов тўрдаги домланинг ёнидан жой оларкан:

— Стаканлар-чи! — дея унга зардали нигоҳ ташлади.

— Дарвоқе, стаканлар... Ҳозир, — Отамурод бундан ҳеч хафа бўлмай, ўчоқ бошига ошиқди. Боя Зулхумор чайиб қўяётган эди, олиб келишни унутибди-да.

У стаканларни келтириб бериб, чодирга кириб, туриб қолди: яна нимани унутди экан? Қовунлар охирида, овқатдан кейин сўйилса керак. Қумғонни қўйди, чой қайнаб қолади. Ҳа, айтмоқчи, қудуқдан мешдаги қимизни олиб қўйиш керак, хўжайин қимиз қани, деб сасиб қолмасидан. Отамурод ўша томонга шошилди. Унинг якка ўзи куйманиб юрганини кўриб, олимлар хижолатга тушиб, ўтирган жойларида қимирлаб қолишди:

— Уни чақирмайсизми?— деди Аҳмаджон ака.

— Келар, қўяверинг,— Султонов бепарво қўл силкиди, кейин тамадалардай суриштиришга кўчди.— Қани, қадаҳлар тўлдирилдими, ҳаммада борми?

Отамурод қудуқ олдига келганида хўжайиннинг гапини эшитиб, ғалати бўлиб кетди. Боши айланиб, кўзи тиниб, миясида аллақандай санчиқ турди. Хаёллари алғов-далғов бўлиб кетди. Унинг охирги сўзларини элас-элас, бамисоли жуда узоқдан эшитди. Кўнгли тўлиб келди. Қадри шу бўлди, шу бўлди, шу бўлди-ми? Ниҳоят, домланинг: «Унақамас, шофёр бўлса, бегонамас-ку. Чақиринг», дегани эшитилди.

Отамурод хўжайиннинг қай аҳволга тушганини кўрмади. Лекин тасаввур қилиб турарди. У бунақа пайтда ўзидан катта лавозимдаги одамнинг олдида шошиб, жилпанглаб қолади. Унинг айтганини қилиб, кўнглини олиш учун ҳамма нарсага тайёр туради. Мана, ҳозир ҳам дик этиб ўрнидан туриб, ёнига келади-да, қўлтигидан олиб, бошлаб кетади. Ўз ёнига ўтқазибгина кўнгли жойига тушади. Лекин Отамурод аразлаган боладай бўлишни ўзига эп кўрмади, унинг келиб қўлтигидан олишини кутмай, қудуқдаги мешни тортишга шошилди. Номус кучлилик қилди. Яхшиям шундай қилган экан, ана шу қимиз ҳаммани хижолатдан чиқарди. Геологлар мешни кўриб қийқариб юборишди:

— Оҳ-оҳ-оҳ. Мана буни зиёфат деса бўлади!

— Ҳе-ҳей! Бир яйрайдиган бўпмиз-ку!

— Отангга раҳмат, Отамурод! Бормисан!

— Афсус, Афғачқудуққа кетганлар бўлмади-да. Экспедициянинг ҳамма аъзолари жам бўлганидами, аломат зиёфат бўларди-да,— деди Аҳмаджон ака тўлқинланиб.

— Рацияда чақиртирсак-чи?! Вездеходга чўт эканми?! Бир соатга қолмай етиб келишади, нима дедингиз домла?— деди Собир.

— Қани эди, бағримиз тўлиб ўтирганга нима етсин,— домла ҳам уни қувватлаб, Султоновга қаради.

— Афсуски, иложимиз йўқ,— деди Султонов қўллари ни ёзиб.— Мен ҳам шунини ўйлагандим. Лекин... рацияни улар олиб кетишган-ку...

— Шунақа, насиб қилган ҳасип ейди. Ўзимиз омадли йигитлармиз-да, Устюртдай жойда ҳам зиёфат устидан чиқиб турибмиз,— дея гапни ҳазилга буриб кулди Ортиқ.

— Шунини айтинг-а,— дея бошқалар ҳам унга қўшилишди. Ҳатто ҳаммадан босиқ домла ҳам кулимсираб, ўтирган жойида енгил қўзғалиб қўйди. Зулхумор говур-ғувурда ўрнидан туриб, Отамуродга жой берган бўлди-да, ўзи пойгакка, Собирга яқинроққа сурилиб олди. Отамурод бунинг сабабини ўтиргандан кейингина тушунди. Қиз Ортиқнинг қаршисида ўнғайсизланиб, кўчишга баҳона топа олмай ўтирган экан. Шундан кейин ҳам Ортиқ унга кўз қирини ташлашни қўймас, ҳадеб кўз уриштирмоқчи бўлар, лекин Зулхумор энди у томонга қарамас эди.

Султонов Отамуродга ароқ қўйиб узатди-да, ўзи чўккалаб қаддини ғоз тутди. Қўлига қадаҳни олиб, томоқ қириб дастурхон атрофидагиларга қаради. Тўлқинланиб, артистлардай овозини титратиб:

— Муҳтарам домлажон, азиз дўстлар,— дея мурожат этди-ю тилла тишлари ботаётган қуёш нурларида кўзни қамаштиргудек ярқираб кетди. Ҳаммани ўз оғзига қаратиб бир зум жим қолди. Кейин виқор билан қошларини учириб-учириб гап бошлади. У ўзидан-ўзи мамнунлигида шундай қиладиган одати бор эди.— Рухсатингиз билан тамадалик ҳуқуқимдан фойдаланиб, бир сўз айтсам. Орамизда бир бахтли одам ўтирибди дўстлар. Агар биз Помирни дунё томи деб атасак, Устюрт дунё супаси. Қани, айтинглар-чи, шу дунё супасида, шундай файзли бир оқшом кезида шундай тўкин дастурхон тепасида ким, қачон ўз туғилган кунини нишонлабди?!

Отамурод ҳайрон қолди. У хўжайиннинг шундай шоирона нутқ сузлашичи биринчи марта кўриб турарди. Султонов юзлари ёришиб, завқ-шавқ билан сўзлар, уни ҳозир фақат тўлқинланиб шеър ўқиётган шоирга қиёс қилиш мумкин эди, холос. У бир зумлик ўзига хос сукутдан кейин яна давом этди:

— Бу бахтга бугун орамизда бир киши муяссар бўлмоқда. У киши ҳаммамиз учун бирдай қадрли инсон,

ҳурматли... домламиз бўладилар. Туғилган кунингиз муборак бўлсин, домла!

Қай биримизнинг туғилган кунимиз экан, деб ўйла-ниб қолган сафардошлар бирдан енгил тортиб, хурсандчилик билан домлани табриклашга тушиб кетдилар. Зулхумор эса қувончини ичига сиғдира олмай, чапак чалиб юборди:

— Вой, уни қаранг, бир ҳафтадан кейин менинг туғилган куним эди. Эсиз, унда Тошкентда бўламиз. Бахтингизни қаранг, домла. Чин кўнгилдан табриклайман!

Домла Камолиддин ака ҳар нарсани кутса ҳам буни кутмаган экан, севинчдан ўзини йўқотиб қўйди. Хурсандликдан тили калимага келмай, ҳар кимга бир бош силкиб, қўлини кўксига қўйиб, қуллуқ қилади. Ҳар гал тилла кўзойнагига қуёш тушиб, ярақлаб-ярақлаб кетади.

Ниҳоят, Султонов сабри чидамай, қўлини боши узра кўтариб, одамлардан тишчланишларини илтимос қилди. Аста-секин ғовур-ғувур тиниб, у қўлини туширди-да, ён чўнтагидан буклоғлиқ бир қоғоз олди.

— Энди, рухсат берсангиз мана бу телеграммани ўқиб берсам.

«Кўнғирот-Устюрт геология-қидирув илмий экспедицияси бошлиғи, геология-минерология фанлари доктори, профессор Салоҳиддиновга. Министрлик коллегияси ва шахсан ўз номимдан Сизни — Камолиддин Салоҳиддинович, табаррук эллик беш ёшингиз билан чин кўнгилдан табриклайман. Халқ бахт-саодати йўлида қилаётган хайрли ишингизда Сизга ривож ва муваффақиятлар тилаб,

*геология министри».*

Султонов қучоқ очиб, домлага қараб юрди. Домла ҳам эриб кетиб, чаққон ўрнидан турди-ю уни астойдил бағрига босди. Уларнинг ҳурматига ҳамма ўрнидан туриб, табриклаб қарсак чала кетди. Ниҳоят, домла Султоновни бағридан бўшатиб, қийиқ кўзларида ёш йилтираб, одамларга қаради:

— Раҳмат, минг раҳмат!— У шундай деди-ю тўлқинланиб кетиб, Султоновни яна бир қучоқлаб, ўпиб қўйди.

Султонов ўзида йўқ даражада хурсандчилик билан яна қадаҳни қўлига олди:

— Дўстлар, мен мана шу қадаҳни умрда бир марта келадиган мана шу айём учун, унга етишиш бахтига

муяссар бўлган домламиз учун олишларингизни илтимос қиламан. Негаки, иккита бешли — эллик беш ёш умрда бир марта келади. Учта бешли ёшга ҳеч ким ета олмайдди, етган ҳам эмас. Шундай экан, орамизда домладан табаррукроқ, бахтлироқ кимса йўқ. Домла бу ёшга ҳар жиҳатдан тўқис, ҳамма ишлари беш бир пайтда етишиб турибдилар. Келинг, шу кишининг соғлиғи ҳам, иши ҳам ҳаммаша беш бўлсин!

Бир сира қарсақлар янграб, қадаҳлар қўлга олинди. Ҳар чеккадан қисқа-қисқа тилаклар эшитилди:

— Олижаноб истак!

— Ҳамма ҳам шу кунга етсин!

— Чиройли гап! Қўшиламиз!

— Соғ бўлинг! Геологларимизнинг пири бўлиб юринг!

Отамурод инсон инсоннинг бир оғиз ширин, дилдан чиққан сўзига қанчалар муштоқлигини, шу сўзлардан қанчалар боши кўкка етишини шу ерда кўрди. Камоллидин ака ҳозир худди шу ҳолга тушган, суюнчи олган боладай бахтиёр эди. У миннатдорчилигини сўз билан айта олмас, кулча юзи ёришиб, қийиқ кўзлари севинч ёшларидан йилтираб, қўли кўксига қуллуқ қилиб турарди.

Кейин устма-уст қимиз қуйилди. Қовурилган жўжалар тортилиб, юбиляр шаънига яхши сўзлар айтилди. Устюртдек саҳрода шундай зиёфат ташкил қила олган Султоновнинг топқирлигига қойил қолиб, унга тасаннолар ёғдирилиб, ҳамду санолар ўқилди. Қимизу шишалардаги шайтон сувлар ўз кучини кўрсатиб, одамларни бир-бирларига шундай яқин, шундай меҳрибон қилиб қўйдик, фақат ароқ ичмаган Отамуродгина бу яқинликнинг сохталигию бу меҳрибончиликларнинг шунчаки, йўлига эканини сезиб, ич-ичидан ғижиниб ўтирар, нимагадир унинг кўнгли ғаш эди.

Балки у ҳам қиттак отиб олиб, сал кайфи ошганида бети қалинлашиб уларга қўшилиб, елпатаклик қилишга тушармиди. Еки ростгўйлиги тутиб кетиб, бўлар гапни айтиб, зиёфатнинг расвосини чиқарган бўлармиди... Елпатаклик қилишга-ку, юзи чидамас, ҳақгўйлигига бориб, ўтиришни бузса борми? Бир умрга Султоновдан балога қолади. Ундан кўра тилини тийгани ҳам маъқул. Унга нима оғир-енгиллиги бор. Бу тоифа одамларнинг ҳаёт тарзи шу бўлганидан кейин... Шусиз улар яшай олармиди?!

Отамурод қовун каржларкан, ичида қўл силтаб

қўйди. У ўйларидан қутулганигами, зиёфатхўрларнинг ҳазил-хузулию қаҳ-қаҳалари қулоғига баралла кира бошлади. Улар бир-бирларига гал бермай, ўзларича аския айтишарди. Отамурод қовун каржлаб бўлиб, ўрпидан турди-ю беихтиёр кунботарга қараб, уфқдаги галати манзарадан ҳайрон қолди.

Улкан тухумдай қуёш яллиғлана-яллиғлана уфқда ястаниб ётган тизма тоғ ортига ботиб борар, унинг чўққиларига зарҳал сочиб, тилла тоғдай ярқиратиб турар эди. Қизиқ, бу томонда тоғ нима қилсин? Қип-қизил чўл, нариги ёғи Қаспий эди-ку. Ёки саробмикин?.. Сароб шунақа чиройли бўларканми, тавба. Ҳақиқатан гўзал-а! Отамурод суқланиб туриб, адашганини сезиб қолди.

Уфқдаги нарса тоғ ҳам эмас, сароб ҳам эмас, уфққа чўккан нортуюлар карвондай булутлар эди. Фақат улар ботаётган қуёш нурида нурланиб, тизма тоққа ўхшаб ётар эди. Отамурод ичида кулиб қўйиб, каржланган қовунларни кўтарди. Олиб бориб дастурхонга қўйди. Лекин кайфи ошиб қолган Султонов қовунга қўл урдирай ҳаммани тўхтатди.

— Шошманглар, қовундан олдин, ўртоқлар, бизнинг ҳурматли домламизга... яна битта, бир донагина совғамиз, кечирасиз, сюрпризимиз бор. Отамурод!— У Отамуродга нурсиз, бамисоли шиша кўзларини тикиб, шу жим туришида нимадир демоқчи бўлди.

Отамуроднинг энсаси қотди: нима демоқчи, айтавермайдимми! Охири тоқати тугаб:

— Анавиними?— деди оқ қоғоздаги ўроғлиқ нарса-ни эслаб. Хўжайин бош силкиб, опчиқ демоқчи бўлди-ю ҳиқичоқ тутиб:

— Ҳиқ!— этиб юборди.

Ортиқ пиқ этиб кулди. Султонов унга зардали боқди:

— Куладиган нарсамас, ошнам... Топилмайдиган тортиқ. Опчиқ, Ота!

Ортиқ бирпасда ўзгариб, юмшоқсупурги бўлди-қолди. Султоновнинг атрофида гирдикапалак бўлиб, унинг кўнглини олишга киришиб кетди. Отамурод чодирга кириб кета туриб, ичида кулди: «Ҳа, шайтон, у керакли одамлигини энди эслаб қолдингми? Охирида қанча пул чиқиши шунинг қўлида-ку, сен бўлсанг шаккоклик қилиб ўтирибсан-а! Кулишга бало берми! Тезроқ кўнглини овла, ўзингга ўчакиштириб нима қиласан. Кошки билмаса, бу ерларда ниманинг дардида юрганингни! У қитиқ патингни ўзингдан яхши билар. Кўпроқмас, камроқ ҳақ ёзсин-чи, додингни кимга айтаркансан!»

Отамурод айтилган нарсани энди олиб чиққан эди ҳамки, Сртиқ шарқи-жанубдаги дашт томонга қўлини чўзиб:

— Ия, уни қаранглар! У нима бўлди?— деб юборди.

Ҳамма Ортиқ кўрсатган томонга қараб қолди. Ботиб кетай-ботиб кетай дея ёниб-ёлқинланиб уфқда турган қуёш бот-бот нур сочиб, гўё ўша ҳадсиз-ҳисобсиз чўлни шу зарҳал нурлари билан йўргаклаб олмоқчи бўлардию уддалай олмасди. Узоқда кўтарилган чанг эса аниқ кўриниб турибди, лекин бу ниманинг аломати эканини билиб бўлмайди.

— Гирдобмасми? Ҳали қум бўронида қолмасак эди?— деди Зулхумор чўчинқираб.

— Йўқ, қизим, чўл сайғоқлари шекилли,— ваҳима қиладиган жойи йўқ, демоқчи бўлди домла ўша томонга тикилганича.— Бўрилар қувиб юрган бўлса эҳтимол.

Султонов кайф устида домланинг елкасига қоқди:

— Қойилман, домла, топдингиз... Ҳиқ-қ кийикнинг макони, хиқ-қ, ўша томонлар-да!

— Қари билганини пари билмас!— деди Аҳмаджон ака лабларини чўччайтириб. Кейин қойилмисан дегандай, Султоновга қўлини узатди. Улар бир-бирларини тушуниб, қўл уриштириб қўйдилар. Иккаласи ҳам етилиб қолишибди-ку, деб ўйлади Отамурод.

— Айтишларича, чўл кийикларининг гўштидек лаззатли гўшт, шохидек қимматбаҳо шох бўлмасмиш. Шу тўғрими, домла,— деди Ортиқ ҳамманинг ҳавасини келтириб.

«Ҳўкиздеқ бақувват эканми», деб қўйди Отамурод ичида. Шунча ичкиликдан кейин ҳам унга жин урмаган эди...

— Илгариги усталар пичоққа соп излаб, атай сайғоқ овига чиқишаркан,— деди домла унинг гапини тасдиқлаб.

— Ҳозир-чи! Яқинда газеталарда ёзишди-ку: кийик шохи женшень билан тенг турармиш,— деди Собир ҳовлиқиб.— Ҳозир алоҳида кийикчилик совхозлари ташкил қилиниб, кийик шохи тайёрлаш йўлга қўйилибди. Кийик шохи кукунидан медицинада пантокрин тайёрланаркан.

Кутилмаганда Султонов бу гаплардан илҳомланиб кетиб, Отамуроднинг қўлидаги нарсани шоша-пиша олди-ю уни йиртиб-сиртиб очиб, боши узра кўтарди:

— Мана, ўша кийик шохи! Ҳавасингиз келсин топган тортиғимизга!



Ҳамма унинг қўлида ҳозиргина ўзи орзу қилган нарса— қўш тиг мисол бурама кийик шохини кўриб ҳайратда қолди. Султонов энди ҳар қанча керилса, кўкрагини баланд кўтарса арзирди. Унинг сюрпризи кутганидан ҳам зиёда бўлиб чиққан эди. У кийик шохини икки қўллаб тутганича ғурур билан домлага қараб юрди:

— Шахсан камина шогирдингиздан. Устюртдан эс-далиқ деб қабул этгайсиз!

Домла тўлқинланиб кетиб, бир зум шошиб қолди. Ичида жон-жон деб турса ҳам:

— Бекор қипсиз-да, чакки овора бўлсиз-да,— дея гап бошлаган эди, Султонов бўш келмади.

— Овораси бораканми, домлажон. Бу шохи экан-ку, оёғингизнинг тагига тирик кийикни тутиб келтириб сўй-сак ҳам кам. Нима деяпсиз! Истайсизми, ҳозироқ тутиб келтирамиз! — У шохни тутқазди-ю валломатлиги тутиб кетиб, домланинг розилигини ҳам кутмай, шофёрни чақирди.— Отамурод, қанисан, машинани келтир. Қани, ким боради биз билан?! Қим кийик овига боради?! Борадиганлар машинага чиқсин!..

— Раҳмат, мана шунинг ўзи қўй сўйгандан зиёда. Оворагарчиликни қўйинглар. Кераги йўқ,— домла астойдил бош чайқай бошлади.

— Қўй нимаси, кийик келтирамиз!— Султонов астойдил отланганини кўрсатиш учун машина томонга қараб юрди, яна тўхтаб, домлани ташвиқ қила кетди.— Шундай кийик маконига келасиз-у, уч ҳафта — бир ой юриб, кийик овига чиқмай кетасизми?! Дунёга икки марта келмайсиз-ку! Уйнаб-кулиш ҳам керак-да, домлажон.

Домланинг иккиланганини кўриб, Аҳмаджон ака кайф устида астойдил хафа бўла бошлади:

— Сайил ҳам сайил, саргардонлик ҳам сайил-да, домлажон. Ҳали кийик тутдикми, йўқми?.. Ҳеч бўлмаса, шамоллаб келамиз-да.

— Борсак, ой чиқмасдан борайлик. Тунда шундай зўр ов бўлсинки... унинг гаштига нима етсин!— дея яна ўт ёқди Султонов.

Отамурод домла ҳар қалай тушунган одам-ку, ичимизда эсли-ҳушлиги, унамас, бу йўлдан қайтарар, деб ўйлаб, чодир ёнида ивирсиб юрар, машинани келтиришга шошилмасди. Лекин зиёфатдан баданк сал қизиган эркаклар ов дарагини эшитиб:

— Борамиз, ҳеч бўлмаса ёзилиб келамиз,— деб от-

ланиб қолишди. Собир Султоновга эргашди. Буни кўриб, Ортиқ Зулхуморни четга тортиб пичирлади:

— Қолайми, ё бораверасизми?..

Зулхумор қатъий бош чайқади:

— Йўқ, йўқ, қолиб бўлмайди. Борамиз.

Ногоҳ Собирнинг кўзи уларга тушиб, ғалати бўлиб кетди. Ўзи тўхтаб қолди. Шу вақт домла ҳам узил-кесил қарорга келиб, Султоновга қаради:

— Майли, бўлмаса, мени деб сизлар ўйин-кулгидан қолманглар. Тез қайтармиз...

— Бўлмасам-чи, қолиб кетармидик!— Султонов севиниб, Отамуродни чақирди.— Ота! Бўла қолмайсанми, мунча имилладинг?!

Отамуродга малол келиб, ичида тўнғиллади:

— Хўжайинман деб буюравераркан-да. Улсанг ҳам иши йўқ...

Султонов унинг нима деганини англай олмай, жаҳли кўзиб ер тепинди:

— Ҳа, сенга қараб турамизми?!

Отамурод энди унга ялт этиб тик қаради, ўзини боса олмай:

— Ит тинади, қуш тинади, нима, мен сизга?!— деди.

— Ҳали шунақами? Қалитни бу ёққа чўз! Нокас,— Султонов унинг олдига бостириб келиб қўлини чўзди.

Отамуродга алам қилди: ҳали бир галда нокас бўлиб қолдимиз?! Эшакдай ишлайверса тузук экан-да. Меҳнати ҳалол, ўзи ҳаром экан-да. Ҳа, буларга қолса шундай... одам нима-ю...

У ҳам жаҳл билан машина калитини «олинг, орзуманда эмасман», дея итқитмоқчи бўлди-ю ўзида эмаслигини эслаб:

— Мендамас,— деди лаблари пирпираб.

Султонов чўнтагини титкилаб, калитни топди шекилли, сал ҳовурдан тушди. Лекин паст тушгиси келмай:

— Ялинмадим сенга,— дея тез-тез юриб кетди.

Ҳамма нима қиларини билмай иккиланиб туриб қолганини кўриб, домла Отамуродга яқинлашди. Ўзича юпатган бўлди:

— Шу ҳолда унга машинани ишониб бўладими? Кўрмайсизми, йўқ десак хафа бўляпти. Келинг, бир балони бошламасин.

Оёқда зўрға турган Аҳмаджон ака унинг ёнига келиб, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ елкасига қўлини ташлаб, уни маҳкам бағрига босди:

— Мен сени укам деганман-а? Ҳақиқий укамсан-а?

Шуни биласан-а?— деди астойдил ёпишиб.

Отамурод иложсиз кулимсиради:

— Бўлмасам-чи!..

Аҳмаджон ака унинг пешонасидан ўпиб, елкасига қоқди:

— Мана бу — ўғил бола гап. Кетдик.

Отамурод кўнгли эриб келиб, шайтонга ҳай берди.

— Яхши,— деди секин.

Буни кўриб, ҳаммалари шовқин-сурон билан машинага чиқишга ошиқишди. Аҳмаджон ака эса чодир орқасига ўтиб кета туриб, яна қайтиб келиб, Отамуроднинг қулоғига пичирлади:

— Мен у ёққа ўтиб келай. Ўзи шунақа... қовуғим сал бўшроқ,— деди-ю бир кулиб қўйди.

Нимадандир кўнгли ранжиб қолган Собир ҳам бурилиб, ўша томонга ўтиб кетди. Унинг ажраб қолаётганини кўриб, Зулхумор тўхтади. Лекин Собир унга қайрилиб ҳам қарамади, жаҳл қилиб чодирга кириб кетди. Қизга мана шуниси таъсир қилди шекилли, у буринини чиройли бир жийириб, машинага қараб юрди.

Ортиқ қўлини узатиб, уни тортиб оларкан, ҳазил қилди:

— Аразкашни авахтага қолдирибсиз-да.

Зулхумор эшитиб юраклари эзилиб кетсин, жазоси шу дегандай атай шарақлаб кулди:

— Авахтадамас, вахтада денг!..

— Кечирасиз, вахтада,— дея хурсанд кулди Ортиқ.— Қайтгандан кейин шахсан миннатдорчилигимизни етказиб қўясиз-да, а?!— Тагдор гап қилди у.

— Элчига ўлим йўқ. Айтсам — айтавераман. Лекин раҳматингиз учун тилингизни суғуриб оладими, деб, кўрқаман,— Зулхумор ҳам бўш келмади. Машинада гуррос кулги кўтарилди.

— Кетдик!— деди Султонов унга қарамай.

— Аҳмаджон ака-чи?— Отамурод кетиб қолсак хафа бўладилар, дегандай қаради.

— Ўзлари тайёр бўлиб қолибдилар-ку, овда бало бораканми у кишига!— Султонов ўзининг гапидан ўзи қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Тушларида шайтон овини кўриб тура қоларлар,— деди Ортиқ ҳазилга керосин сепиб.

— Майли, қола қолсин. Ўзи яхши, хоксор одам, хафа бўлмайди, тушунади,— деди домла Отамуродга қараб.

Отамурод кўнгли бўлмаса ҳам, ноилож, ўзингиз би-

ласиз, дея газни босди. Машина силтаниб юриб кетди-ю ов ишқибозлари бехос чайқалишиб, бир-бирларига урилиб ётиб қолишди. Машина ичини шодон қийқирқиқ-кулги босди.

«Кулгининг кети йнги дейишарди, ишқилиб охири бахайр бўлсин-да». Нимагадир шу тобда бошига шу хаёл келганига Отамуроднинг ўзи ҳам ҳайрон қолди.

### *Иккинчи боб*

Улар орқаси кенг қилиб, ўриндиқлари икки ёнга ўрнатилган сафарбоп «Газик»ка жойлашиб ўтириб олишди. Ортиқ қизни ўзига оғдириб олиб кетаётганидан, ҳаммасидан ҳам ўз ёнига ўтқазишга муваффақ бўлганидан, мана ҳозир ўнг сони жаз-жаз куйиб, унинг юмшоқ, эслаганда эркак кишини маст қилиб, кўзини тиндириб ташлайдиган силлиқ сонига тегиб турганидан боши осмонда эди. Шунинг учунми, унинг бояги гапи унча оғир ботмади ҳам. Ўзи қўшилиб кулиб, енгиб кетди.

Шу пайт машина силтаниб жойидан жилди-ю Ортиқ қизга ёнбошлаб қола туриб, қўллари билан унинг икки елкасидан маҳкам ушлаб қолди. Юз-бурни билан опала сочларига урилиб, қиз бола сочининг бўйидан боши айланиб, бир зум ўзини йўқотди. Бу бўй шундай лаззатбахш, шундай оромижон эдики... Ортиқ шу бўйга бир тўйиниш учун жону жаҳонидан кечишга ҳам тайёр эди ҳозир.

Машина бехос жойидан жилганида олдинга қалқиган одамлар у юриб кетиши билан ўзларини тута олмай, яна орқага қалқидилар. Бу сафар Зулхумор ўзини Ортиқнинг забардаст қучоғида кўрди. Йигитнинг кўкси қизнинг нозик куракларидан куч-қувват олгандай, унинг томирларида қон кўпирди, юраклари темирчининг босқонидай гурс-гурс ура кетди.

Шу топда у ўзини энг бахтиёр, омади чопган эркак ҳис этар, аёл зоти анқонинг уруғидан ҳам кам бўлган шу саҳрои азимда якка-ягона паризод қиз ҳам ихтиёрини унга берай-берай деб, ёнида ёниб ўтириши кўнглини тоғдек кўтариб юборган эди. Ортиқ йигитлиги тутиб, эгри кўнгил билан қизни ўзига секин тортмоқчи бўлган эди ҳамки, Зулхумор ҳаддингиздан ошманг, дегандай зарда билан елкасини силкиб, ўзи нарироқ сурилиб олди. У оқшом ғира-ширасида бошқаларга сездирмай ноилож қўлини тортди-ю бехосдан бўлган ишдай:

— Мушча қўпол ҳайдамаса,— деганча одоб юзасидан қиз томонга энгашиб,— кечирасиз,— деб қўйди. Зулхумор одамлар олдида индамаган бўлса ҳам, уятсиз, дегандай ёмон қараб қўйди. Ортиқ кўзлари билан гуноҳкорона тикилиб, кечирим сўрашга тушган эди, у зарда билан ўгирилиб йўлга қараб олди.

Бу ноз-фироқлар, зардалар ҳаммаси бир ўптиргунча, ўзича кулиб қўйди Ортиқ. Ҳали тузоғининг атрофида донлаб юрибди, холос, бу қушча. Тузоғига илинтириб олсин, ўзи билади. Не куйга солса кўнади ўшанда. Ҳозирча ноз-карашмасига чидамай иложи қанча. Алдаб-алдаб, ҳуркитмай, аста-аста этини ўлдириб борса, марра уники. Бу қизлар ҳам кийик мисол, битта зада қилиб қўйсанг, қайтиб яқинига йўлатмайди. Аммо-лекин буниси ўйинқароқроқ. Ҳали эркак кишининг қучоғида маст бўлиб кўрмаган. Бир ўрганса борми, маза-хўрак бўлади-қўяди.

У ич-ичидан кулиб бош чайқади: нима бало, анови сўтак ўпиш у ёқда турсин, қўлиниям ушламаган шекилли, яна рашк қилганига ўласанми?.. Худо кўрсатмасин, булар уйлансаям аввал рухсат сўраб, кейин қучоғига киради-ёв... Шунча юриб, битта қучоқлаб ўпмаса, у қанақа муҳаббат экан?!

Машина шувоқзордан эски бир йўлга тушиб олиб, бир текис кетиб борарди. Уфқлар ўсма тортиб, ғирашира қоронғилик ер бағирлаб учиб юрганга ўхшайди. Шу қоронғилик тумани машина ичига ҳам бостириб кириб, уларга ҳамроҳ бўлиб олган. Бурчак-бурчакларда, оёқ остилари, кифтларда сирли жимирлаб кўзни толиқтиради. Фақат олдинда ўтирган Отамурод билан домлани айтмаса, бошқаларни юз-кўзидан ажратиш қийинлашиб қолган. Домланинг орқасида ёнламасига ўтирган Султонов ярим энгашганча олдинги бир кийик овида куппа-кундуз куни ҳам қум ўлқонига машина-нашинаси билан тушиб кетганлари ҳақида оғиз кўпиртириб ҳикоя қилиб беряпти. Ортиқдан бошқа ҳамма унга қулоқ осган. Ортиқнинг хаёли бошқа нарсада, у ўз хаёлига ўзи маҳлиё бўлиб қолган.

«Бир аҳд қилмайин, аҳд қилсам ниятимга етмай қўймайман,— ўйларди Ортиқ ичида ғурурланиб.— Бошида қанақа асов эди, олдидан келса тишлайман, орқасидан келса тепаман, дерди, яқинига йўлатмасди. Ҳатто кўз уриштириб бўлмасди. Секин секин йўлга солса бўларкан-ку. Астойдил тикилмайин, тикилсам, ақл-ҳушини ўғирлаб, ўзини йўлдан оздирмай қўймайман,

Бу кўзлар расмана тикилганда не-не қизларли қалқитиб, қоқилтирмаган. Энди қўярмиди. Унинг ҳирсли кўзлари охири буни ҳам авради. Ўзига қараб кўз уриш-тирмаса тура олмайдиган қилди-қўйди. Кейин тамоми-ла эътибор бермай, қизни куйдириш йўлини тутди. Уни ўзига жонҳалак қилиб қўйди. Ниҳоят, кутилмаганда мавридини топиб, зиёфатда қизнинг шаънига қадаҳ кўтариб, уни мадҳ этди.

— Дўстлар, Устюртни ота-боболаримиз Борса-келмас деб ҳам аташган. Қарвонлар бу ўлик саҳрони четлаб ўтган. Не-не мардлар бу Борса-келмасда дом-дараксиз кетган. Ҳали-ҳозир ҳам юрак ютиб Устюртга кела олмайдиганлар қанча. Лекин орамизда шундай жойга тап тортмай қадамранжида қилган Тўмарисдай мард бир қиз ўтирибди. У Устюрт забткорлари ичида биринчи аёл бўлса ҳам ажаб эмас. Мен мана шу қадаҳни қўрқмас қизимиз Зулхуморхоннинг соғлиғи учун ичишларингизни илтимос қиламан.

Мана шу қадаҳ бир ёқли қилди. Қизни юрак-юракларигача эритиб, уни Ортиққа ром қилди-қўйди. Лекин унинг кўксига бош қўйиб таслим бўлишига нимадир монелик қилиб турибди, холос. Нима экан у? Муҳаббатми ё номусми? Ҳа, одамлардан уяляпти. Чодирда якка ўзини олиб қола олганида борми, қандай гўзал иш бўлар эди! Шу вақтда ниятига етиб, нақ айшини суриб ўтирган бўлармиди! Эҳ!..»

Ортиқ завқи келиб кетиб, тиззасига бир уриб қўйди. Ғира-ширада ҳамма унга ҳайрэн бўлиб бош ўгириб қаради.

— Тинчликми, бойвачча ака,— деди Султонов. Буни Ортиқ «ўзингизнинг ваҳмангизми?»— деган маънода тушунди-ю қилмишини ҳазилга буриб юборди.

— Тиззамда нимадир... чаёнми, калтакесакми ўрма-лаб юрипти-я, тавба...

Ҳазил нишонга тегиб, Зулхумор «вуй-й» дея ундан четланиб, бурчакка қисилиб олди.

Ортиқ ўзининг ҳазилидан ўзи завқланиб, хандон ташлаб кулди:

— Чимчилоқдек бир нарсадан шунчалик қўрқасизми, Тўмарисой? Уша чаён сизни чаққунча мени чақса бўлмайдимми?!

Зулхумор ҳам энди бу гапнинг ҳазиллигини тушуниб, жойига ўтираркан:

— Сизга чаён-паёнлар бекорга илашмайди, заправ-

ка қилгани келади шекилли,— дея машинада гур кулги кўтарди.

— Уҳ! Биру ноль! Ютқаздим. Улоқ сизда кетди. Буюринг, қулингизман,— дея Ортиқ иккала қўлини кўтариб, ўзи ҳам кулгига қўшилди. Шу билан у ораларига тушиб қолай деган совуқчиликни ўртадан кўтариб юбормоқчи бўлди.

— Бу билан қутула олмайсиз. Ҳали шошмай туринг,— дея ўпкалаб пўписа қилди Зулхумор.

Ортиқ унинг чеҳраси сал ёришганини кўриб, атай:

— Ҳар қанча жазоларингизга гайёрман. Ургангиз ун оши, сўкканингиз сўк оши. Марҳамат,— дея бошини эгиб, юзини тутиб берди. Зулхумор қўли билан секин унинг елкасидан итариб ташлаб:

— Боринг-э,— деди-ю юзини четга буриб олди.

Ортиқ сезиб турибди, қиз унинг қилиғидан кулгиси қистаб четга қараб олди. Мана шу ройиш бера бошлагани-да...

Шу пайт Отамурод машина фараларини ёқиб юборди-ю, ён-атрофни қоронғилик босди. Ён томонда онда сонда кўз очган юлдузлар муз учқунларидай ялтираб кўринди. Ортиқ дарров шунақа кеч бўлиб қолибдими, деб брезентни кўтариб орқага қараб қўйди. Расмана қоронғиликда уфқни ажратиб бўлмади. Тимқора осмонда юлдузлар нимагадир чарақлаб эмас, яккам-дуккам милтираб кўринар, машина силкиниб бораётгани учунми, Ортиқ уни ҳам дарров йўқотиб қўяр эди. У ўзича худди булутли осмонга ўхшайди-я,— деди-ю брезентни ёпиб, яна ўзи билан ўзи бўлиб кетди.

Машина бир маромда силкиниб, ўз йўлига нур сеппиб боради. У ёқ-бу ёққа бурилмайди ҳам, тезлигини ошириб шошилмайди ҳам. Тўғри, бир текис кетиб боряпти. Гўё борадиган манзили ҳали узоқдек, ҳали-бери етиб бўлмайдигандек. Отамурод ҳам қанақадир нохуш хаёлларга берилиб кетган одамдай, индамай руль бураб боряпти. Гўё овга эмас, узоқ йўлга чиққан шофёрдай...

Ортиқнинг тоқати тугаб, юраги сиқилиб кетди: улар ўйнаб-кулгани, яйраб-ёзилгани чиқишганми ё бекорга сандироқлаганими? Бундан Кугисемдаги ўтиришлари минг маротаба маъқул эмасмиди?! Қани у айтган кийиклари, қорасини ҳам кўрсатмайди-ку?

Султонов ҳам сабри чидамай ўтирган эканми, Отамуродга осилиб қолди:

— Бу дейман, илгариям овга чиққанмисан ўзи? Ма-

шинани шунақа теки-ис ҳайдарканми? Бундоқ шовқин-сурон солмайдами! Чироқни ўчириб-ёқиб, кийикларни ҳуркитмайдами! Тўғри-и кетаверса иш битарканми? Ўзи мана мен, деб олдиндан лоп этиб чиқиб қоларкан-да?! Тушингни сувга айтасан!

Отамуродга эса шу баҳона бўлиб, машинани секин-латиб тўхтата қолди:

— Мен билмасам, ҳайда дедингиз, ҳайдаб кетяпман,— деди у орқасига ярим ўгирилиб,— балки ўзингиз... рулга ўтирарсиз?

«Бу ҳам ўзига етгунча экан-ку. Қайсарлигини қаранг. Бояги гапида туриб, ҳали ҳам машинани ҳайдагиси йўқ-ку. Билмасмиш. Балони билади, фақат баҳона қилипти,— ўйлади Ортиқ.— Бўйнидан бойлаган ит овга ярамас деб шуни айтарканлар-да. Унамасанг унама. Ўзимиз-чи!»

Ортиқ ўзини Зулхуморга кўрсатиб қўймоқчи бўлди-ю бирдан ўзи ҳам бунақа овга чиқмаганини эслаб, тилини тия қолди.

— Шунақа касалинг боракан, боя айтмайсанми!— тўнғиллаб машинадан шаҳд билан туша бошлади Султонов.

— Бормисиз, йнгитларнинг гули, хит бўлиб кетдик-ку,— хурсанд бўлиб қўйди Ортиқ.— Йўлга яримта-паримта ҳам олволмаган эканмиз. Қиттак-қиттак қилиб борардик. Овимиз юришмагани ҳам билинмас эди. Нима дедингиз, домла?

— Шундайку-я, лекин овнинг гаштига нима етсин. Менимча унга етадиган нарса йўқ дунёда. Ҳаммамизда ҳам жиндек овчилик қони йўқ эмас. Бу ибтидоий даврда овчилик билан кун ўтказган ажодларимиздан қолган мерос бўлса ажабмас. Оvloқ табиат, тоғ, дарёлар, ов гашти одамни ўзига оҳанрабодек гортиши бежиз эмас,— домланинг бу гапи рулга ўтириб улгурган Султоновга ёғдек ёқиб тушди.

— Бормисиз, домлажон! Балиқнинг ўзидан уни тутиш завқи зўрроқ бўлганидек, жайрон ови ҳам шундай завқлики!.. Унинг устига жайроннинг ўзи ҳам анқонинг уруғидек нарса. Ҳозир жуда камайиб кетган. Энди-и, очигини айтсам, Устюртга бир келиб қолибсизлар. Мен сизларни кийик гўштисиз жўнатсам, уят бўлади. Ҳали шошмай туринглар, овимиз шундай бароридан келсинки,— у шундай дея машинага қаттиқ газ босиб, фариллатиб юргизиб кетди.

Ортиқ бир силкиниб кетган бўлса-да, ўзини тийиб-



гина Зулхуморга урилди. Боягидай мулзам бўлиб қолишдан чўчиб, ўзини тутди. У Султоновни ўйларди: «Хўп, қўли очиқ, танти йигит эканми! Устозимиз кеп қоптилар деб уч ҳафтадан бери бутун ишини ташлаб, соядек эргашиб, ҳамма нарсага балогардон бўлиб юрибди-я. Унақа-бунақа шогирдлар бир вагон баҳона топиб, икки кунда қочворади. Бу бўлса, домла одам деса одам топиб беряпти, машина деса — машина муҳайё қиляпти. Яна қаерда, шундай Саҳрои Қабирда, кимсасиз бир жойда! Отасига раҳмат-э! Устозининг туғилган кунини билиб қолиб, алоҳида тайёргарлик кўргани-чи?! Бу олижаноблигига ўн балл берса кам. Устига-устак, бир келиб қолибсизлар, деб жайрон овига бошлаб кетяпти. Одамгарчилигу меҳмоннавозлик шунчалик бўлар-да. Баҳонада Ортиқнинг ўзи шу йигитнинг орқасидан бир нарсалик бўлиб қолаётгани-чи? Шу экспедицияда юришига минг сўм чиқса ҳам ҳарна-да. Яна ишхонасидан бир ой-ярим ой ўз ҳисобидан отпускаи олиб, бу ерларда ёлланиб ишлаб турса борми, эски «Москвич» сутдек оппоқ «Волга»га айланиб турибди-да. Ўзи мақсад ҳам шу-да...»

Машина бурилатуриб, бир ғилдираги қандайдир чуқурчага тушиб кетдими, Ортиқ бошини кабина шифтидаги темирга уриб олиб, бамисоли кўзидан олов чиқиб кетди. Бояги ширин хаёллардан асар ҳам қолмади. Жон аччиғида бошини ушлаганича Султоновга қаради.

— Ҳов, биродар, кийик ови деб бошдан айрилмайлик. Секинроқ-да,— деди ётиғи билан.

— Ов қурбонсиз бўлмас деганлар, чидайсиз,— деди Султонов ҳазил аралаш.

— Ҳали бу ҳолвасими, Султонов ака,— Зулхумор ҳам гап билан чимдиб олди.

— Жони бўшларни ҳали ҳам бўлса Кугисемга обориб ташлаб келсам тузукка ўхшайди-ку, а, домла?— узр ўрнига Султоновнинг бу кесатиғи ўтиб тушди.

Ортиқ ловиллаб кетди. Уни кўпчиликнинг ичида қиз болага тенг қилиб, камситишига чидаб туролмади:

— Э, билсангиз ҳайданг-да, бу савилни! Одам ўтти эмас-ку!..

— Нима қил дейсиз?— машинани тўхтатиб, ўгирилди Султонов. — Шунақа ҳайдамаса кийик тутиб бўларканми?!

— Э, шунаққиб тутиб берган кийигингиздан ўргилдим-у!— Ортиқ қўл силтаб юз ўгирди.

Домла уларни тинчлантиришга уриниб:

— Қўйинглар, уят бўлади, кап-катта одамсиэлар-а! Қўйинглар!— дея ўртага тушди.

Фақат Отамуродгина бу жанжалга аралашмай жим ўтирар, афтидан, аралашмоқчи ҳам эмас эди. Ортиқ қоронғиликда унинг юзини аниқ кўрмаса ҳам, гинахонлик билан унга қараб қўйди: ҳаммасига ана шу қайсар сабабчи. Шофёрмисан, ишинг руль бураш — хўжайиннинг буюрганини қилиш. Қирчанғи отдек ўзингни у ёқ-бу ёққа ташлайсан, ётоқчилайсан. Нонингни ҳалоллаб е-да! Бўлмаса қўй, бошқаси минсин. Хўжайин олиб юришни чидаганга чиқарган.

Ортиқ анча ҳовридан тушиб, ўрнидан қўзғалиб қўйди-да, домлага қаради:

— Мен бир нарса деяётганим йўқ. Лекин бунақа изғишдан нима фойда? Биронта бир кийик қорасини кўрсатса ҳам майлига экан.

Домланинг ўрнига Султонов илтимос оҳангида жавоб қилди:

— Сабрнинг таги олтин деганлар, сиз бир оз сабр қилинг, оғайни. Мен сизга қулинг ўргилсин кийик тутиб беролмасам, ана ундан кейин айтинг.

«Тўрт томони қибла-ку, кийик тутиб бўлармишми шу зим-зиё чўлда»,— Ортиқ кўнглида унга шундай пичинг қилса-да, сиртида билдирмади:

— Ўзингиз биласиз. Менга бари бир энди,— деб қўя қолди бепарвогина. Арзимаган нарсага тескарилашиб ўтирмади: унда кимга фойдаю кимга зиён. Така бўлсину сут берсин. Билганини қилмайдими! Иши тушмайдиган одам бўлса экан!.. Йўрғакда текканми, баъзан ўзиям орқа-олдини ўйламай гапирворади. Шу шарткилиги қолмади-қолмади. Бўлмаса неча марта оғзи куйган. Сут билан кирган жон билан чиқади, деганлари шумикан? Уни ҳам тушуниш керак-да. Мавриди келганда домласига ўтказиб қўймоқчи. Ҳозир шусиз бир иш битадими?..

— Бу бошқа гап!— деди-ю Султонов кўнгли жойига тушиб, газни босди. Ҳозиргина тепада чарақлаб турган ғужғон юлдузлар бир ёнда қолиб, машина ўнгга бурилди. Унинг ойнасидан энди ҳеч нарса кўринмай қолди. Ўзи эса олдинга нур сепиб, йўл тимирскилаб боради. Гўё қоронғилик қаъридан отилиб чиқиб кетмоқчи бўлади-ю чиқиб кета олмайди. Султонов рулга ёнишиб олиб, олдинга тикилади. Қўзлари билан ниманидир излайди. Топа олмай, кабинадан бошини чиқариб, ён-атрофга аланглайди. Қўзига нимадир кўринган-

дай бўладими, машинани буриб ўша томонга ёруғлик тушириб ҳайдаб кўради. Милт этган қорага кўз-қулоқ бўлиб боради. Унинг вазоҳатидан мана ҳозир биронта кийик машина олдидан лоп этиб чиқиб қоладигандек, ҳар бир қора унга кийик бўлиб кўринаётгандек. Лекин машина ғариллаб кетиб боряпти. Султонов уни дуч келган томонга солиб кўряпти, фараларини ўчириб-ёқяпти ҳамки, ҳеч нарсадан дарак йўқ. Одамлардаги қизиқиш ҳам сўниб, сукутга кетишган, ҳар ким ўз хаёллари билан бўлиб қолган. Улар шундай ярим соат юришдими, бир соат юришдими, бир маҳал Ортиқ Султоновнинг қийқирғидан чўчиб тушди:

— Ҳа, жонивор! Бор экансан-ку!..— Султонов шер бўлиб кетиб рулга ёпишди. Газни босиб, машина тезлигини яна ҳам оширди. Одамлар нима гаплигига тушуна олмай ҳовлиқиб қолишди.

— Нима-нима? Нима гап ўзи?

— Кийикми? Қани? Қайси томонда?

— Ҳеч нарса кўринмайди-ку? Йўқ-ку?

Ортиқ бир ёнга энгашиб, очиқ жойдан бошини чиқариб олдинга қаради. Аввалига ҳеч нарса кўрмай энгаси қотди. Кейин бирдан машина олдида, ёруғдан ҳам олдинда талвасага тушиб, аланглаб чопиб бораётган жайрон қорасига кўзи тушиб, юраги ҳаприқиб кетди-ю:

— Ана-ана! Олдинда! Газни босинг! Босинг, бўлма-са етолмайсиз!— деб бақириб юборди.

— Қаёққа қочиб қутулади?! Қутулиб бўпти энди!— шодон қийқирди Султонов. Ўзи газ устига газ босди. Машина мисоли шамолдек елиб, Ортиқнинг юз-кўзларига майда нарсалар қумдек урилиб, игнадек санчила бошлади. Шамоли эса кўз очиргани қўймайди.

— Рост айтасиз. Ана! Фара ёруғига тушиб олди!— Утирган ерида талпиниб қичқириб юборди домла ҳам.

— Ву-уй, мунча чиройли! — деди Зулхумор.

Ҳақиқатан фара ёруғида кумушдек ялтираб, гўзал бир хилқат, табиат яратган нозик бир учқур мавжудот учиб кетгудек бўлиб олдинга талпиниб чопиб борарди. У қулоқларини динг қилиб, бутун вужуди кўз-қулоқ бўлиб, қочиб боради. Унинг шамолдек енгил ирғишлаб қочиши беихтиёр кўзни ўйнатиб, одамда овчилик қонини кўпиртиради. Домла айтгандек юрак ҳаприқиб, гурс-гурс уриб кетади.

Султонов тезликни ошира-ошира жайронни расмана фара ёруғига тушириб олиб, уни бир ўчириб, бир ёқишга туша кетди. Ортиқ нега бундай қиялпти, жайрон

ҳозир четга уриб кетади-ку, деб шошиб қолди. Лекин ҳар гал чироқ ўчиб ёнганида кийик баттар саросимага тушиб эсанкирар, тезлиги ҳам секинлашиб борарди. Бу фақат бир неча минутгагина чўзилди. Охири кийик кўзи тиниб, бошини кўтариб аланглаганича тўхтаб қолди. Тўхтаб қолди-ю катта тезликда бораётган машина уни уриб юборди.

Ортиқ аниқ кўрди. Нурли йўлда жавдираб турган кумуш кийик ёруғда тилларангга айлана бориб, бирдан қорайди-ю машина қанотига донг этиб урилиб, ўмба-лоқ ошиб кетди.

Шу пайт Зулхумор:

— Вой-й, бечора!— дея қичқириб юбориб, қўллари билан юзини тўсиб олди.

Султонов жадал тормозни босиб, машинани секин-латди-да, уни аста буриб, орқасига қараб юрди. Фара ёруғида ҳалиги жойни тусмоллаб бораркан:

— Омадингиз боракан, домла. Жула чиройли шох-лиси экан,— дея мақтаниб қўйди.

— Менда бор-ку, бунисини Зулхумор ола қолсин эсдаликка,— деди домла камтарона. Зулхумор қатъий бош чайқади.

— Йўқ-йўқ, мен кўрқаман. Шу кўрганим етади.

— Бўлмаса, Ортиққа бўла қолсин, бошидан айрилишига сал қолувди.

Ортиқнинг юраги шиғиллаб кетди: қани эди унга бўлса! Қўлда озмунча турадимики! Харидори чиқиб қолса — сўраганига олади-я, бунақа нарсаларни...

У худди биров сўраб олиб қўядигандек шошиб:

— Беҳазил. Берсаларингиз жон-жон деб олардим,— деди.

— Майли, сизники бўла қолсин,— деди Султонов валломатлик қилиб.

Бу орада машина бояги жойга етиб борди. Фара ёруғида боши қумга ботиб ғайритабий узала тушиб ётган жайрон кўринди. Уни кўриб Зулхумор қичқириб юбораёзди:

— Вой бечора! Увол қилибсизлар-ку, шундай нарсани...

Ортиқ унга ғаш келиб қаради: қиз бола-қиз болалигича қоларкан-да. Ачинса ов бўладими!..

Отамурод ҳамон ғиқ этмас, қоронғида унинг қанақа кайфиятдалигини билиб ҳам бўлмас эди.

Машина тўхтаб, Султонов сакраб ерга тушди. Ортиқ унинг кетидан шошиб эргашди: шохи қанақа экан?

Домлага тортиқ қилганидан яхшимикан? Султонов айтгандай чиройлиси бўлса, домла бояги гапидан айниб қолмасмикан?.. Бу орада бошқалар ҳам машинадан бирин-бирин тушиб, кийик ағдарилиб ётган ерга йиғила бошлашди. Кийик жонивор жон таслим қила олмай қийналади, ҳансираб, охирги кучини йиғиб, бошини кўтармоқчи бўлади-ю кўтара олмайди. Мажоли келмай, типирчилаб-типирчилаб қўяди. Қум тўлган кўзларидан ёш, бир шохидан эса қон сизиб оқади.

— Эсиз, хохи сизга буюрмаган экан. Тагида қолиб чўрт узилиб кетибди,— деди ачиниш билан Султонов кийик устига энгашиб. Кейин шошиб буюрди.— Отамурод, пичоғингни ол, ҳаром ўлиб қолмасдан,— у шундай дея енг шимара бошлаган эди ҳамки, азбаройи ачиниш кетганидан:

— Уволи тутадн демадингизлар-а, уволини ўйламадингизлар-а,— дея жавраб турган Зулхумор юрағи бўлмаи нари кета бошлади.

Ортиқ буни кўриб, тегишди:

— Юракдан ҳам берган экан-ку, Тўмарисой! Нимасидан чўчийсиз?

Зулхумор кўришга тоқатим йўқ, ҳеч ҳам йўқ, дегандай бош чайқади:

— Қўйинг, гапирманг. Ҳаммангиз бир экансизлар. Қаҳри қаттиқ одам экансизлар!

У орқасига қайтиб, машинага чиқиб ўтириб олди-ю эркаклар кийик устида хомуш туриб қолишди. Унинг гапи айниқса домла билан Отамуродга қаттиқ таъсир қилган, улар бош кўтара олмай қолишган эди.

— Отамурод, мен сенга нима дедим?!— Султонов жаҳли чиқиб унга ўгирилди.— Чўчқа эмас-ку, ҳаром бўлади десанг!

Ортиқ ҳам «пичоқли тўкис-эй», дегандай унга қаради. Аммо у кутилмаганда жонланиб, домлага илтижолн тикилди:

— Оғайнилар, домла, шундай нарсани сўйиш шартми? Балки ёрдамлашворсак оёққа туриб кетар, жониворнинг уринишини қаранглар.

Ортиқнинг кулгиси қистаб, қаҳ-қаҳ уриб юборди:

— Вой, ҳумпар-эй, гапини қаранглар. Ёрдамлашворсак эмиш!— у қорнини ушлаб, силкиниб-силкиниб кула бошлади.— Зўр овчи экан-ку! Сен билан овга чиқадиган экан-ку!

Унга Султонов ҳам қўшилди, чаккаларини ушлаб, кўзларидан тирқираб ёш чиққунча кула кетди:

— Хўп одамидан пичоқ сўрабманми-а? Хўп одамлар билан овга чиқибмизми-а?

У Ортиққа қўшилиб тинмай кулар, бунга сари ерда ётган жонивор жон ўйноғида типирчилаб қийналар эди. Боядан бери индамай турган домла кутилмаганда:

— Қанчалик ваҳшийлик!— деди-ю, орқасига бури-либ кета бошлади.

Султоновнинг кулгиси кесилиб, ханг-манг бўлиб туриб қолганини кўриб, дафъатан нима гаплигига тушуниб етмаган Ортиқ ҳам кулгидан тўхтади: Ие, шу гап шу одамдан чиқдими? Аждодларимиздан қолган овчилик қони ҳақида боягина фалсафа сўққан шу кишим эмасмидилар?! Энди ваҳшийлик бўлиб қолибдими? Қизиқ!

Ортиқ елка учирди: қанақа кўнгли бўш одамлар ичида қолган эканмиз?! Отамуродга қаради. Ҳозир мана буниси ҳам бир нарса деб энсани қотирмаса кошкйди. Тоза энсақотар ов бўлдими?

Иўқ. Отамурод индамай кийик тепасига ўтди-да, энгашиб унинг белидан тутди. Азот кўтариб, оёққа турғизмоқчи бўлди. Лекин у қанча уринмасин, кийик ҳолдан кетган, оёғини йиғиб олишга ҳам мажоли келмас, фақат уни ички бир инстинктгина туришга ундарди, холос. Отамурод охири кийик оёққа тура олмаслигига, белими, бўксасими чиқиб кетганига, бари бир тузалмаслигига кўзи етиб, ўрнидан турди-да, пичоғини қинидан чиқариб, Султоновга узатди.

— Манг, жувонмарг қилиб бўпсиз.

Султонов тутақиб кетди:

— Булар ўзи ов кўрганми?— деди Ортиққа.

— Умрида товуқ сўйганми денг,— кесатди Ортиқ ҳам.— Яхшиямки магазиннинг гўшти бор...

Унинг бу гапи Отамуродга қаттиқ тегиб кетдими, унга ўгирилиб, гап билан узиб олди:

— Овнинг овдан фарқи бор, акам! Бунақа овнинг нимаси кўнгилхушлик? Бориб турган ваҳшийлик-ку...  
Машина ёруғида унинг кўзлари чақнаб кетди.

Султонов шофёрини бу аҳволда кўриб, ёқа ушлади:

— Ё тавба, тушимми, ўнгимми! Булар ҳали бизни судга бермаса кошки эди,— дея кесатди.

— Сизлар суддан кўрқасизлар, холос. Виждонингиз қийналармиди?!— шундай деди-ю Отамурод ҳам бурилиб, ёруғ тушаётган томонга қараб кетди. Гавдаси бир зум фара ёруғларини тўсиб, Султонов ҳам, Ортиқ ҳам

унинг улкан соясида қолиб кетдилар. Кабиннадан бошини чиқариб Зулхумор чақирди:

— Отамурод ака, қўйинг, кетайлик. Ов бўлмай ўлсин, тезроқ кетайлик!

Султонов қўлида пичоқ, нима қиларини билмай Ортиққа қаради:

— Нима қилдик?..

— Нима қилардик,— у қўл силтаб, кийикка ишора қилди,— тинчитсангиз машинага ортамиз-да, қайтаверамиз. Ҳали гўшти керак бўлиб қолади. Пишганида унутиб юборишади бу гапларни.

— Бўлмаса сиз машинани яқинроқ олиб келингчи,— Султонов энг шимара бошлади. Кейин энгашиб бир нима деди-ю жайрон бўғзига пичоқ тортиб юборди. Зим-зиё чўл узра унинг ғайритабий ба-а-а, деган сўнги овози учиб ўтиб, ўзи тинчиб қолди.

Кейин бошқалар машинадан тушиб туришди. Ортиқ билан Султонов биргалашиб кийикни машинага, оёқ тагига юкладилар. Кейин у қонли қўлини қумга ишқаб, артиб-суртган бўлди-да, чаққон рулга ўтирди.

— Қани, чиқа қолинглар, кетдик.— Ҳамма индамай совуққина жой-жойига чиқиб ўтирди-ю Султонов газни босиб, машинани юргизиб кетди. Лекин ҳеч қанча юрмай:— Ия,— деб юборди у ваҳимага тушиб. Шу заҳоти машинани таққа тўхтатди.

— Узи нима гап? Тинчликми?— деди Ортиқ юраги хаприқиб.

Султонов шоша-пиша кабина зинасига чиқиб, чор атрофга аланглашга тушди. Бу ҳам етмагандай, машина чироқларини ўчириб, яна қайта тикилди. Бунга сари одамларнинг бетоқатлиги ошди.

— Тинчликми ўзи?

Султонов пастга тушиб, азза-базза елка қисди:

— Билмасам, қаёққа келиб қолдик ўзи? Чироқ деган нарса кўринмайди-ку?

— Ваҳима қилмай яхшироқ қаранг-чи,— деди домла.

— Яхшироқ қарайлик,— деб ҳамма машинадан тушиб олди. Лекин чор-атроф қоронғилик қўйнида сирли живирлаб, мудраб ётибди, милт этган нур кўринмайди. Фақат осмоннинг бир чеккасидагина юлдузлар ғариб милтирайди.

— Йўл ҳам бояги йўлимизга ўхшамайди-ку,— деди Отамурод машина олдида турганича.

Дафъатан хаёлига урилган гапдан Ортиқнинг этла-

ри сесканиб кетди. Ўзини чалғитишга уриниб кўрди. Лекин бошига маҳкам ўрнашиб олган совуқ гап ўздан-ўзи такрорланар эди.

Охири у ваҳимага тушиб:

— Адашиб қолган бўлсак-а?— деб юборди беихтиёр.

— Нима бало, ваҳима йилида туғилганмисизлар?— деди домла ёқинқирамай.

— Жонингиз шунақа ширинми?— дея кесатди Отамурод.

Ортиқ ҳеч нарса дея олмади. Ўздан ўтди, подадан олдин чанг чиқармаса бўларкан. Балки адашишмагандир. Анави Отамурод шофёрликда илоннинг ёғини ялаган, балки ўша йўл топар. Султонов нимани билади!

Камолиддин ака аста Отамуроднинг ёнига бориб, унинг елкасига қўл ташлади:

— Укам, энди гиналарни бир чеккага йиғиштириб, ўзингиз рулга ўтирсангиз. Бу Устюртни ҳеч ким сизчалик билмайди. Яна адашиб кетмайлик.

Отамурод ерга қаради:

— Айб, менда, домла. Нима бўлгандаям ўзим ҳайдашим керак эди.

Ортиқнинг юраги увишиб кетди: нима бало, адашганимиз ростми?! Нимага ҳам шу овга чиқа қолди? Боя қайтишганида шу гап йўқмиди? Энди нима бўлади?..

Домла босиқлик билан давом этди:

— Айб ҳаммамизда ҳам бор. Ҳаммамиз ҳам оқ эмасмиз. Лекин ҳозир айбсйтиб ўтирадиган пайт эмас. Шошмай, ақлни бир жойга қўйиб, қайтишни ўйлайлик. Сиз шофёрсиз. Қасбингиз шу, яхши эслаб кўринг: йўл эсингизда қолган бўлиши керак.

Султонов шумшайиб қолган. Домла насиҳат қилади. Отамурод ерга қараганича чаккасини силаб ўйга толган. Зулхумор юзини ўгириб, машина орқасига ўтиб кетди.

Охири Отамурод бош чайқади:

— Эслай олмаяпман, худо ҳаққи, эслай олмаяпман!

— Кўзинг қаёқда эди!— Султонов шундай дея бақириб юборди-ю ўзининг ноҳақлигини сезиб, яна бўшашиб тушди.

— У-ку, орқада эди, сиз-чи?.. Сизнинг кўзингиз қаёқда эди?— деб юборди Ортиқ беихтиёр. Султонов индай олмай четга қаради. Машина орқасидан Зулхумор йиғлағудай бўлиб чиқиб келди:



— Сизларни шу кийик жониворнинг уволи тутди. Бўлмаса шундай бўлмасди, бўлмасди!

Ортиқ ичида тан олди: шу қиз ҳам ҳақ. У жавраганича бор. Баъзан диндан ҳам чиқиб кетамиз. Мана, оқибати! У ўзининг хаёлидан ўзи кўрқиб кетди: наҳотки биз ҳам Борса-келмас йўлига... Йўр-е, худонинг ўзи асрасин. Эсон-омон бола-чақамизнинг олдига етиб олайлик.

Домла ўзингни бос, тинчлан, қизим, дегандай Зулхуморнинг елкасига оталарча қоқди-да, боши қотиб, бетоқат у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Кейин тўхтаб яна Отамуродга юзланди:

— Таваккал қилиб бир оз юриб кўрсак-чи! Балки чироқ кўриниб қолар.

Ортиқнинг хаёлига ялт этиб рашкчи Собир келди: хумпар, жаҳл қилиб, чироқни ёқмай ўтирган бўлса-чи?! Аҳмаджон ака-ку, ҳали ҳам учиб ётгандир...

У шундай демоқчи бўлди-ю яна тилини тийди. Гап эшитиб қолишдан чўчиди.

— Юр десангиз юравераман, лекин шу қоронғида таваккалдан иш чиқармикан?..— Отамурод бошини кўтариб осмонга қараб қўйди. Ортиқ ҳам беихтиёр тепага қараб, юраги орқага тортиб кетди: бу булут қаёқдан босиб кела қолди, а? Улар ов билан бўлиб сезмай қолишибди-ку. Буёғи қанчадан тушди? Ҳали-замон шамол кўтарилиб, қум бўронида қолишмаса эди.

Лекин тиқ этган шамол йўқ. Фақат узоқда ҳали булут ўраб улгурмаган бир уфқда яккам-дуккам юлдузлар мана ҳозир сўнадигандек милтирайди.

— Унда нима қилдик, тонг отишини кутамизми? Кун ёришса йўлимизни топиб олармиз,— деди домла.

— Эрталабгача қайда? Ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ,— деди Султонов соатига қараб.— Бир оз юриб кўрсак ҳеч нарса қилмас. Тўхтаб, тонг отишини кутиш кейин ҳам қочмайди-ку.

— Баттар адашиб кетсак-чи?!— Ортиқ ўзини тута олмай, унга қараб юрди.— Чодир қайси томондалигини тахмин ҳам қила олмайсиз-ку, яна маслаҳат берасиз, хўжайинчилик қиласиз!— у юзини ўгириб олди.— Машина минган одам йўлни билмайдими, орқа-олдига қарамайдими?! Сиздақа шофёрдан ўргилдим-у! Осмонга қаранг, шунақа кунда овга бошлайсизми?!

Султонов ғиқ эта олмай ерга қараб қолди. Ортиқ ундан баттар энсаси қотиб нари кетди.

Чўл қоронғилиги сирли мавжланиб живирлайди.

Худди оламини зимистон тутуни босган-у ер юзалаб оҳиста, жуда оҳиста кўчиб бораётганга ўхшайди. Лекин кети кўринмайди, тугамайди. У билан бирга одамни ваҳима босиб кела бошлайди, ҳар хил совуқдан-совуқ, хунук хаёллар каллага ўралашади-ю одам ўзини шундай ожиз, нотавон ҳис этадики... Ортиқ бирпасда яна талвасага тушиб қолди: биттасидан тузукроқ бир маслаҳат чиқмаса-я! Яна булар олим эмиш, раҳбар эмиш. Тупурдим раҳбарлигига! Йўл бошлай олмаса, шунақа пайтда бош бўлолмаса, у қанақа раҳбар?! Қўғирчоқлар! Тўтилар! Тепадан нимани айтса шуни биладиган, шуни қиладиган гумроҳлар. Ўзларидан бир пуллик ақл, бир чақалик маслаҳат чиқмайди! Буларга ўзидан каттага хушомад бўлса бас! Қотирворишади. Артист бўлиб кетишади. Шусиз кунлари ўтмаса, мансабдан мансабга кўтарила олишмаса — нима қилишсин! Бечоралар! Уни деб шу кўйга тушиб ўтирибмиз-а! Хушомадига учиб, Борса-келмасга борингга ҳам кўнибмиз-а!

Ортиқ беихтиёр Борса-келмасни эслаб, ўз хаёлидан ўзи кўрқиб кетди. Шу пайт Отамурод таваккал қилиб: — Машинага чиқинглар, кетдик, — деди-ю у ўзига келди.

Ортиққа жоғ битгандек бўлди: Отамуродга ишонса бўлади, доғда қолдирмайди у. Бу савил чўлдан шу қутқариб чиқмаса — бошқа ҳеч ким удалай олмайди. У шу хаёллар билан анча енгил тортиб, машинага чиқиб ўтираркан, бир нарса дилидан кетмас, уни оягдай қайта-қайта такрорлар, ишқилиб адашиб кетмайлик, адашиб кетмайлик, дея топинишдан нари ўтмас эди...

### Учинчи боб

#### 1

Отамурод осмонга қараб ҳайрон қолди. Еру кўкли барабар зимистон босиб, ҳатто уфқларни ҳам ажратиб бўлмай қолибди: тавба, бу нимаси бўлди? Юлдузлар қаёққа йўқолди? Осмонни шунчалик булут буркаганми? Шу кечқурунги уфқдаги булутнинг ишими, а? Епирай, шунчалик тез босдимиз?.. Энди қоронғида қандай йўл топади?

У осмоннинг чор-атрофига назар ташлаб, бир томонда, жуда узоқда йилтиллаб турган ёлғиз юлдузни кўрди-ю кўнгли ёришиб, ўша ёққа ўгирилди. Яхшироқ тикилиб, яна бир нечта юлдуз санади. Ҳаммаси ҳам

Бир ҳовучгина бўлиб, қоронғида инжудек ярқираб турибди. Отамурод шундан бошқа йилт этган юлдуз тополмай юраги сиқилди. Энди нима қилдик? Қаёққа қараб юрдик?

Лекин бирдан хаёлига келган фикрдан кўнгли ёришиб, у севиниб кетди:

— Машинага чиқинглар, кетдик, — деди шәшилиб. Узи ҳам дадил машинага қараб юрди. Бориб рулга қўл узатди-ю ўйланиб қолди: шошма, нега энди бемаслаҳат кетдик, деяпман? Мендан катталар ҳам бор-ку. Уларга айтмай йўл бошлаб қўйсам-у, чинкка олиб чиқа олмасам, кейин нима деган одам бўламан? Бошида айтганим маъқулмасми?

— Домла, — дея чақирди ниҳоят нариги томондан машинага чиқишга ҳозирланаётган Қамолиддин акани.

— Лаббай, — у нима гапингиз бор эди, дегандай тўхтади. Отамурод машинанинг олдидан айланиб ўтиб, яқин борди.

— Кетдик дедиму яна ўйланиб қолдим. Аввал гапни бир ерга қўйиб, кейин йўлга чиқсак тузукмика-а?

— Жуда яхши, яхши ўйлабсиз. Нуширавон ҳам маслаҳатсиз иш тутмаган. Эшитамизми? — деди у машинага чиқиб ўрнашаётганларга.

Султонов ўтирган жойида оғир қўзғалиб қўйди-ю индамади. Отамурод ҳайрон бўлди: қилгиликни қилиб қўйиб, энди нимага энсаси қотади? Худди биров ҳамма айбни унинг бўйнига ағдараётгандек.

Ортиқ ҳам шуни сезгандек, унга осилди:

— Сиздан сўраяптилар, ўртоқ Султонов! Нега энди юзингизни бурасиз?

Султонов тутоқди:

— Ким юзини бурибди?! Маслаҳатлашсангиз маслаҳатлашавринг. Нима, мен бир нарса деяпманми?

— Ҳо-ҳо, энди сизга алоқаси йўқ бўлиб қолдимми? Уни қаранг-а, қилгиликни қилиб қўйиб, энди сизники нашийми? Кечирасиз?!

Домла гаши келиб уларга қаради:

— Худо хайрингизни берсин, бирпас тинч туринглар. Бежанжал гаплашиб бўлмайдимиз?.. — У энсаси қотиб жим қолди, кейин Отамуродга юзланиб: — Сиз нима демоқчи эдингиз?.. — деди қуруққина.

Отамурод хижолатга тушиб чайналди:

— Мен... ҳов, юлдузли томонни кунчиқармикан деб тахмин қилаётгандим.

— Сабаб?..

— Сабаби.. кечкурун кунботарда булут ётувди. У ўша томондан осмонга тошиб чиқиб, ҳали кунчиқарга етиб улгурмаганмикан, дейман. Унда ҳадемай бу юлдузлар ҳам булут тагида қолиб кетади. Шунинг учун биз иссиғида уларга орқа қилиб юрсак, қисқа йўл билан чинкка чиқишимиз, ундан қудуққа етиб олишимиз мумкинмикан,— Отамурод шу тўғри десангиз юрай, бўлмаса... дегандай маслаҳат кутиб қаради.

Домла бир нима демай, ўша узоқда милтираган юлдузларга тикилди. Энгагини силаб, хаёлга толди. Охири бош чайқаб:

— Фойдаси йўқ, жуда узоқда экан. Улар билан Олтинқозиқни аниқлаб бўлмайди,— деди.

Ортиқ гўё ўртада ҳеч нарса ўтмагандек гапга суқилди:

— Отамурод тўғри айтяпти, домла. Йўлда менинг ҳам бир кўзим тушувди: орқамиз шундай қоронғи эдики, худди булут босиб келаётгандек эди...

— Яна ким кўрган эди?— суриштирди домла.

— Мен,— деди ноилж Султонов машинада ўтирган ерида, кейин чуқур тин олиб, пастга тушиб кела бошлади. Домланинг қаршисида тўхтаб, гуноҳқорона бош эгди.— Кун ботмасдан кўрувдим-у... эътибор бермагандим. Бунчалик тез тошишини билсам...— У овози титраб, ўнғайсизланди, юзини четга буриб:— Кечирасиз, кечирасизлар, айб менда,— дея олди зўрға.

Ҳайрият, кўнгли анча тоза одам экан. Отамурод нима учундир енгил тортиб, бошлиғидан мамнун бўлиб қўйди. Айбини сидқидилдан тан оляптими, шу катта гап. Ҳамма ҳам тан ола билсин-чи!

Лекин домланинг бояги даккиларини унутиб, яна тутақиб ўртага чиққан Ортиққа тушунолмаёй ҳайрон қолди. У эгилган бошга қилич солишдан тоймайдиган одамдай, Султоновни гап билан эза кетди:

— Хеҳ, тавба! Қилғиликни қилиб қўйиб, адаштириб бўлиб, «кечирасизлар»миш! Уша вақтда хаёлингиз қаёқда эди? Лаганбардорликни ўрнига қўйгунча, бу ёғини ўйланг эди!..

Ўртага ноқулай жимлик чўкди. У қайси юз, қайси бет билан шундай деяётганига ҳеч кимнинг ақли етмасди. Отамурод аниқ сизди: ҳатто домла Камолиддин ака ҳам ичидан зил кетиб, ерга қараб қолди. Гапнинг бир учи унга ҳам бориб тегар, Ортиқ «лаганбардорликни ўрнига қўйгунча» деган гапи билан уни ҳам «ўлдир-

ган» эди. Домла ер ёрилиб, ерга кириб кетгудек бўлиб турарди.

Кутилмаганда Султонов зарда билан бошини кўтариб, унга тик қаради:

— Яхши. Ўзим адаштирдим, ўзим қутқараман. Чикинглар, кетдик,— деди у қизишиб.

Лекин ўзи билан Ортиқдан бўлак ҳеч ким жойидан жилмади.

— Ёв қувяптими?! Жаҳолатда йўлга тушгандан нима чиқади?— дея Зулхумор ялт этиб домлага қаради. Бир нарса десангиз-чи, сиз қайтарсангиз-чи, демоқчи бўлди. Камолиддин ака энди хаёлпарижон ҳолда машинанинг орқа қизил чироғи чангини кафти билан артаркан:

— Соат неча бўлдиёкан?— деди кутилмаганда.

Султонов билагига қараб, жавоб қилди:

— Энди тўққиздан чоракта ўтибди. Нима эди?

Домла чироқда хина қўйилгандай қип-қизариб турган ҳовучидан кўзини олиб, тим қора осмонга қаради.

— Тонг отишини кутмасак ҳам, ҳаво сал очилсин,— деди шошилмай.— Олтинқозиксиз иш битмайди.

Ортиқнинг бояги гаплари у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетган экан, Султонов унамади, қайсарлик билан бош чайқади:

— Йўқ, домла, бу булут ҳали-бери очиладиган бало эмас. Ҳозир қайтаверамиз,— деди.— Йўлни бир амаллаб топармиз. Менга ишонмайсизларми! Йўқ, сен энди ишончдан қолдинг, қўлингдан ҳеч иш келмайди десангиз, айтинг?!

Унинг астойдил хафа бўлаётганини кўриб, домла ҳам бир нарса дея олмади. Отамуроднинг назарида, у айтмоқчи бўлганини ҳам ичига ютгандай, унинг кўнглига қараб шундай қилгандай эди. У охири чироқдан қўлини олиб, кетсак кетдик-да, дегандай кафтини қоқди. Султонов кўнгли жойига тушиб, Отамуродга юзланди:

— Қани, кетдик бўлмаса! Машинани ўзинг айтгандай юлдузларга орқа қилиб ҳайдаб кўр-чи, зора йўлимиз ўнгидан келиб, чироқ кўриниб қолса.

Ҳамма гап-сўзсиз ўз жойига чиқиб ўтира бошлади. Отамурод ҳам кўнгилғашлиги ёзилмай машинага қараб юрди. У ҳозирги кўнгилсиз воқеани эсдан чиқара олмас, ўзидан-ўзи хит бўлиб «қаёқдан ҳам маслаҳат солдим, шу гапни бошладим, тўғри ҳайдаб кетаверсам бўлмасмиди», дея хижолат чекар эди. Ниҳоят, у машинани шаҳд билан орқага буриб, кунботарни мўлжаллаб

ҳайдаб кетди-ю бари бир ўзини чалғита олмади. Ортиқнинг гаплари туриб-туриб унга таъсир қилиб кетар эди: «Одам деган ҳам шунақа юзсиз бўладими! Шунчалик-ка борадими! Жонинг шунчалик ширин экан, уйингда кўмилиб ўтир! Экспедицияда бало борми? Пул ўлсин, одамни қанчалар тубанлаштириб ташламайди! Биттаси шуми? Кўрган куни, қилган орзуси қурсин! Хаёлида пул билан узоққа бораман, деб ўйлайди шекилли. Билмайдик, бу дунёда пулдан ҳам азизроқ — одамгарчилик, меҳр-оқибат, ҳамият деган нарсалар бор. Шусиз дунё дунё эканми?!»

Отамурод ўзича аҳд қилиб қўйди: унинг шу қилганига адаштирмай, эсон-омон чинкка олиб чиқиб, бир уялтиргани бўлсин. Ушанда нима деркин? У ичида қўл силтади. Нима дерди, ўшанда ҳам тавба қилмайди бунақалар. Кошки уялтирганини билса, без бўлиб, ўзини оқлашга уринаверади. Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузурини деб шулар айтган-да. Буларда ор-номус нима қилсин! Аллақачон пулга алиштириб юборган.

Машина нурли елпиғичи билан ўзига йўл очиб боради. Ёруғ тушган жойда пастак ерга қапишиб ўсган шувоқлар, ҳар турли тешиклар қорайиб кўрнадди. Онда-сонда чўл сичқонлари, юмронқозиклар ўрмалаб, жонҳолатда йўлни кесиб ўтиб қолади. Бошмалдоқдек чигирткалар, аллақандай учар кўнғизлар ёруғга учиб келиб, машина ойнасига чирс-чирс урилади. Баъзан йўл ёқасида юлғунлар тагида ётган кийиклар машина овозидан ҳуркиб, ўрnidан туради-ю, кўзига ёруғ тушиб, бир зум жавдираб туриб қолади. Кейин ўзига келиб четга ура қочади. Бирпасда қоронғилик қаърига сингиб йўқолади. Машина бир текис гувиллаб одамни аллалайди. Ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб жим қолган. Бояги кўнғилсизликдан бери ҳеч ким оғиз очгани йўқ. Гап очишга ҳеч ким журъат эта олмай келяпти. Отамурод кўз қирини домлага ташлайди. У бир қўли билан тутқични ушлаганча, олдинга, бир нуқтага қадалиб ўтирибди. Юмшоқ табиатли, кўринишидан ҳам ўйчан бу одамнинг ҳозир хафаҳол ўтириши унинг кўнглини бузиб юборди. Ичида Ортиқдан хафа бўлиб кетди: Ҳафтафаҳм-эй, минг ҳақ бўлганинда ҳам ўша ерда гапирадиган, ҳамманинг олдида юзга соладиган гапмиди?! Тағин ҳам домла босиқ экан. Ичига ютиб кетди. Бир оғиз қаттиқ гапирмади-я. Юрагининг кенглигини қаранг-у, андиша, истиҳоласининг зўрлигини кўринг.

Отамурод уни ўша Устюрт экспедициясига олиб чиқ-

қан биринчи кундан бошлаб қаттиқ хурмат қилади, унинг бир оғиз сўзи учун ҳамма нарсага тайёр туради, ҳар битта илтимосини айтганидан зиёда қилиб бажариб келади. Ундан жонини ҳам аямайди: мана энди қарангки, битта кийик овлаймиз, деб шундай зўр олимни бийдай чўлда адаштириб ўтиришибди. Ҳали омадлари келиб, эрталабгача уриниб-туртиниб бўлса ҳам қудуққа чиқиб олишса майли-я, бензин тугаб, ярим йўлда қолиб кетишса нима бўлади? Пиёда уч-тўрт кунсиз бу чўлдан чиқиб кетиб бўлмайди. Унда домланинг ҳоли нима кечади-ю Зулхумор қай аҳволга тушади? Битта ов деб уларга зомин бўлиб қолишмаса кошки эди. Ишқилиб йўл ўнгидан келиб, бензин етиб берсин-да.

Отамурод юлдузларга қараб йўлни мўлжаллаб олиш кераклигини ўйлаб, кабинадан бошини чиқариб қаради-ю юраги хунук бир орзиқиб, тормозни босди. Машина тўхташи билан зинага чиқиб, рўйрост орқага қаради. Қай кўз билан кўрсинки, осмоннинг деярли ярми очилиб, юлдузлар чарақлаб ётар, қолган ярмини қоплаган яхлит қоп-қора булутнинг увада парчалари кетидан янги юлдузлар юз очиб, булут шу томонга кўчиб келарди.

Хаёлига келган фикрдан Отамуроднинг қулоғи том битиб, кўзлари тиниб кетгандай бўлди. Домланинг тинчликми, дегани ҳам жуда узоқдан эшитилди. У буни эшитишга эшитди-ю нима деб жавоб беришни билолмай, бир зум жим қолди: нима ҳам десин? Қай тил билан айтсин? Нега энди буни олдинроқ кўра қолмади? Тақдир ҳам шунчалар бешафқат бўладими? Унинг бўғзига иссиқ бир нарса тиқилиб, йиғламоқдан бери бўлиб ерга қаради.

Шу пайт Ортиқ кабина устига ёпилган брезент орқасини кўтариб, худди етиб келишгандек хурсанд бўлиб шовқин солди.

— Ҳеҳ-ҳе, юлдузларни қараглар. Ҳаво очилиб кетибди-ку.

Отамурод юрак-бағри эзилиб ўйлади: шундай очилиб кетаркан, ярим соат кутишса бўлмас эканми? Қаёқдан ҳам йўлга чиқа қолишди?!

Ана, домла ҳам машинадан пастга тушяпти. Бошқалар сезмаса ҳам у сезади. У дарров билади. Кейин унга нима дейди, қандай тушунтиради адашганини? Қандай?

Отамурод четга қараб олди.

— Ия, кунботар бу ёқда қолиб...— деди домла беихтиёр ўзига-ўзи.

Лекин унинг овози Отамуроднинг қулоқлари остида жаранглаб кетгандай, биров юзига тарсаки тортиб юборгандай бўлди.

Ҳа, минг афсуски, кунботар бу ёқда қолиб, кунчиқарга йўл солиб юборибди. Қаёқданам шу йўлга бошлади? Булут кунботардан узилиб чиқиб, ҳаво очилиб келаётганини билса, шундай қилармиди? Энди нима деган одам бўлди? Уларга қандай тушунтиради? Қайси тил билан адашибман дейди? Унга ишониб, бошлиғи Султонов ҳам бевурд бўлди. Ўзининг тили куйгани етмасмиди?

Бу орада бошқалар ҳам пастга тушиб келишди.

— Ия, биз ўзи қаёққа кетяпмиз? Бутунлай тескари йўлга бошлабдиларми, ўртоқ Султонов?— ваҳима солди Ортиқ.

Отамурод чуқур тин олди: худо берди унга. Бошланди энди. Роса дийдиёсини айтадиган бўлди. Тоза қора чаплайди. Ғиқ этиб кўр-чи, эта олмайсан. Додингни кимга ҳам айтардинг, у ҳақ.

— Йўғ-е,— деди Султонов кўзларига ишонмай.

— Шапкўрмисиз, қаранг, етти қароқчи ҳали пастда ётибди-ку, ярим кечадан кейин у кунботарга оғмайди-ми? Тоза мунажжимларга кунимиз қолган экан-ку?— Ортиқ жаҳл аралаш четга тупурди.

Зулхумор ҳам, домла ҳам пастда туришар, ер чизиб қолишган, ғиқ этишмас эди. Ҳозир бир оғиз сўз ҳам ортиқчалигини сезиб, индамай жим туришгани учун ҳам Отамурод улардан ичида миннатдор бўлиб қўйди. Фақат Султонов индамай унинг олдига юриб келди-ю гижиниб:

— Сени қара-ю,— деди овозини пастлатиб,— машриқни мағрибдан ажратолмадингми?!

Нима десин? Айб ўзида. У энди нима деса ҳақи бор. Дўст бўлиб душманнинг ишини қилиб қўйса, кимга алам қилмайди?! Отамурод ер чизиб қолди. Унга қолса шундай бўлсин, дебмиди? Уларни бу чўлдан қандай тезроқ қутқариб олиб чиқсам, деб жонҳалак бўлгани сари иши юришмайди-я, тавба.

У айбни ўз бўйнига олиб, Султоновни бундан тамомила холи қилиб қўйиши кераклигини жуда яхши ҳис қилиб турар, лекин буни қандай айтишни, ётиғи билан қандай тушунтиришни билмас, тил қисикликми, нимадир халал берарди.



— Унда нима айб? Гуноҳи — айтганингизни қилганими? — Ортиқ унинг ёнини олиб, Султоновга яқин келди. — Мағрибни машриқдан ажрата олмаган экан, бошида айта қолинг эди. Энди айбни унга ағдарасиз!

Султонов унга бир ўқрайиб қараб қўйди-ю индай олмади. Унинг ачитқи гапларидан энсаси қотган домла:

— Ўзингизни сал босинг, укам, кўнгилга сиғмайдиган гапларнинг нима кераги бор? — деди ниҳоятда бошиқлик билан.

Бу Ортиққа тегиб кетди. У лов этиб ёнди:

— Сиз ҳам шуларнинг ёнини олаверинг. Тагини кўтараверинг, йўлдан адаштириб юборсаям оқлайверинг. — У астойдил хафа бўлиб, четга қараб олди.

Домла энди унинг ёнига бориб, ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлди:

— Ундай деманг, укам. Қим билибди булут уфқдан узилиб, кунчиқарга қараб очилиб келаётганини? Уша ерда сиз ҳам, мен ҳам — ҳаммамиз бор эдик. Бирортамиз билибмизми, энди айблаймиз? Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга, деган гап бор. Яхшимас.

Ортиқ ўгирилиб, домлага тик қаради:

— Ҳақ гапни айтиб ҳали биз ёмон бўлдиғу чўлда адаштириб қўйиб, улар яхши бўлдими?! — Кейин юзини буриб тўнғиллади. — Кўраман, ўшаларингиз сизни бу чўлдан қандай олиб чиқиб кетаркан?!

Домла энсаси қотиб, гапни калта қилди:

— Қўрқманг, бир иложини топармиз. Бу чўлда қолиб кетмасиз.

У Отамуроднинг олдига қайтиб кела туриб, кутилмаганда тўхтади. Бошини кўтариб, тепада гужғон ўйнаган юлдузларга тикилди, ичидан қайси биринидир излаб, турган ерида гир айланди. Топди шекилли:

— Ҳа, ана экан, — дея уни чақирди. — Отамурод, буёққа келинг.

Бир қўлини унинг елкасига ташлаб, ўзига яқин тортди:

— Ҳов, анави, Катта Айиқ юлдузининг «чўмичи»ни кўряпсизми? Чўмичга ўхшаган еттита юлдузни...

Отамурод уни топиб бош силкиди:

— Ҳа, ҳа, кўрдим. Етти Оғайни эмасми?..

— Тўғри, Етти Оғайниям дейишади, — тасдиқлади домла. Бу орада бошқалар ҳам домла айтган юлдузни кўришга ошиқиб, улар томон келишди.

— Энди шу чўмичнинг бошидаги энг четки икки юлдузни топинг-а. Топдингизми?

— Ҳа, ҳа, топдим,— Отамурод домла айтган икки юлдузни дарров топа олганига ўзи ҳайрон қолди.

— Осмон илми фанида тепадагиси Альфа, пасткиси Бетта деб аталади. Энди ўша Беттадан Альфага қараб фикран тўғри чизиқ тортинг-да, уни ўша икки юлдуз оралиғидаги масофадан беш марта узоқ масофагача давом эттириб боринг. Давом эттирдингизми?— домла ўзи осмондан кўзини узмай сўради.

— Эттирдим,— деди Отамурод гап нимадалигига тушунмай. Лекин кўкда ўзи фикран давом эттирган чизиқ ҳалигидан анча кичик митти юлдузлар «чўмичи»-нинг бандига бориб тақалганига ҳайрон қолди.

— Шу чизиқнинг учидаги юлдузни кўряпсизми? Ўша Олтинқозиқ бўлади,— домла энди уни қўйиб юбориб, ўзи ўша Олтинқозиққа томон бурилди-да,— агар биз олам Қутбига мана шундай қараб турадиган бўлсак, тўғримиз шимол, орқамиз жануб, чап томонимиз ғарб, ўнг томонимиз эса шарқ бўлади,— деди бундан осони бораканми, дегандай.

— Унда қаёққа қараб юришимиз керак, ғарбгами?— деди Отамурод. Қандайдир ички бир ҳиссиёт унга шундай йўл кўрсатаётгандай эди.

— Йўқ,— деди домла қатъий.— Биз ҳозир қаердалигимизни аниқ билмаймиз. Шимолга кетиб қолганмизми, жанубгами — ким билади. Аввал тахминан бўлса ҳам шуни аниқлаб олишимиз, кейин чинкка энг яқин бўлган томонга юришимиз керак.

— Буни қандай билса бўлади?— ҳайрон бўлди Султонов.

— Ҳозир-да,— домла машина фараларини ёқиб юбориб, ўзи унинг олдига ўта бошлади, кейин чироқ ёруғи тушиб турган ерга бориб, қумга алланималарнидир чиза бошларкан, ҳаммани чақирди.— Мана бу ёққа қаранглар-а.

Ҳамма қизиқсиниб, ўша томонга қараб юрди. Домла қўл силкиб илтимос қилди:

— Чироқни тўсмай, бу ёққа ўтинглар, манави ёққа.— Отамурод уларга яқин бориб, орқадан мўраларкан, қумдаги Устиюрт харитасини дарров таниди. Домла уни харитадагидек қилиб, ўзи топган шимолга қаратиб чизган эди.

Ҳамма йиғилгач, у ўша «харитаси» устига чўнқайиб, тушунтира кетди:

— Мана бу ёқ — шимол, бу ёқ — шарқ, бу ёқ — ғарб, бу ёқ — жануб бўладиган бўлса, бизнинг чодиримиз

миз тахминан мана шу ерда бўлади,— дея у Кугисем қудуғини чинк ёқасига белгилаб қўйди.— Биз шу ердан тўғри шарққа қараб кийик овига чиқиб кетгандик. Юз километр ичкарилаб кетганимизда ҳам тахминан мана бу ерларда бўламиз. Демак, шимолга қараб юргандан, тик ғарбга кесиб чиққан маъқул экан. Ҳар қанақасига ҳам чинкка энг яқин йўл шу. Тўғримми?— деди у қўлини қоқиб ўрнидан тураркан.

— Тўғри айтасиз,— бош силкиди Султонов қумдаги харитадан ҳамон кўз узмай.

— Унда машинани бурайми?— деди бенхтиёр Отамурод.

— Буринг,— деди домла қатъий.

Улар қушдай енгил тортиб, тезда жой-жойларига чиқиб ўтириб олишди-ю Отамурод машинани домла кўрсатган йўлга солиб ҳайдаб кетди.

Лекин улар ўн минутча юришдима, йўқми, кутилмаганда қаердандир, олдинда бархан тепа пайдо бўлиб, машина ундан ошиб ўта олмай ғариллай-ғариллай қумга ботди қолди. Отамурод чироқни ўчириб, олдинга кўз ташлади-ю тун ғира-ширасида бир-бирига ястаниб кетган беҳисоб қумтепаларнинг қорасини кўриб, юраги увишиб кетди.

— Тонг отинини кутмасак бўлмайди шекилли, домла,— деди бўшашиб.

Домла машина зинасида турганича чуқур тин олди:

— Тавба? Қанаққиб бу ерларга келиб қолдик, ақл бовар қилмайди.— У Отамуродга ўгирилиб қаради.— Айланиб ўтиб бўлмасмикан?

Зулхумор бархан устига сакраб тушиб, қатъий қўл силкиди:

— Йўқ-йўқ! Қўйинглар, керагамас. Бекорга адашиб кетмайлик яна...

— Майли, сиз айтганча ҳам бўла қолсин, қизим,— домла ерга тушиб, уни тинчитди.

Султонов чуқур бир хўрсинди-ю бошқа ҳеч нарса демади. Фақат машина орқасидан ҳовлиқиб тушиб келган Ортиқ:

— Наҳотки ҳеч бошқа иложимиз бўлмаса?!— деди домладан бир нажот кутиб.

Домла энди кескин бош чайқади:

— Йўқ. Шу ерда тунаймиз энди. Эрталабгача бир амаллайсизлар. Бир кун минг кун бўлмас.

Бошқа ҳеч ким орага гап қўша олмади. Ҳар ким ўзи билан ўзи бўлиб, ҳар тарафга тарқалди. Камолиддин

ака яна машинага чиқиб ўтириб олди. Султонов бетоқат у ёқдан-бу ёққа бориб келади, тинмай юради. Ортиқ бўлса ундан ўн қадамча нарида тик туриб қолган. Тинмай, босиб-босиб чекади, ҳар тортганида аламининг зўридан папириси чўғланиб, ёниб кетгудек бўлади.

Зулхумор ўз жойига чиқиб ўтиришга чоғланди-ю яна нимагадир иккиланиб тўхтади. Бетоқатланиб орқасига ўгирилди. Димоғини беркитиб туриб, чуқур тин олди. Афтидан бензин аралаш қон ҳиди унинг кўнглини беҳузур қилар, жойига чиқиб ўтира олмасди. Отамурод буни сезиб, уни ёнига чақирди:

— Мана бу ёққа кела қолинг, Зулхумор, шабадароқ экан,— ўзи чироқни ўчириб, машинага орқаси билан суялиб туриб қолди.

Машина ичидан ҳамон бензин аралаш ивиган қон ҳиди гупириб келади. Отамуроднинг кўз олдидан бемажол уриниб типирчилаётган кийик жонивор нари кетмайди. Қулоқлари остида эса Зулхумор: «Уволи тутади, демадингизлар-а, уволига қоламыз, демадингизлар-а! Ҳаммангиз бир экансиз. Қаҳри қаттиқ одам экансизлар», дея куйиб-пишиб жаврайди.

Отамурод жунжикиб кетди. Жойидан жилиб, машина олдига ўтди-ю фара олдига енгил ўтириб, ҳали совиб улгурмаган радиаторга суялди. Иссиқ элитдими, уйқу босдими, хаёли қочди. Қўлини қовуштириб шу омонат ўтиришида мизғиган экан, туш кўра бошлади. Тушида у мизғиб қолганмиш-у, бир нарса ҳадеб қиров босган тили билан унинг қўлини ялармиш, ҳар ялаганда этларини жунжиктириб-жунжиктириб юборармиш. Кўзини очиб қараса, олдида кулранг нозик жайрон кўзларини жавдиратиб турганмиш. Синган бир шохидан қип-қизил қон оқиб тушиб, чиройли лаблари четидан сизиб-сингиб кетармиш.

— Ия, бу бояги жайрон-ку. Қанақиб тирилиб қолди у?— дея ҳайрон бўлармиш Отамурод.

Шунда жайрон бирдан тилга кирибди.

— Сизларга раҳмим келди. Қарасам бекордан-бекорга нобуд бўлиб кетяпсизлар. Мен-ку, майли, бир ҳайвонман, булар орзу-ҳавасли одамлар-ку, дедим. Сизларга ёрдам бермоқчиман, йўл кўрсатмоқчиман,— дермиш у.

— Сени аяшмаганди-ку, наҳот энди раҳминг келса, — дермиш Отамурод ҳамон ўз кўзларига ишона олмай.

— Бешафқатлар, бераҳмлар сизларнинг орангизда

бўларкан. Одамлардан чиқаркан. Биз худонинг энг мўмин махлуқимиз. Ҳар нарсага кўниб кетаверамиз.

Отамурод ёқа ушлармиш:

— Қотилига раҳми келганмиш. Ахир улар битта шохинг учун сени шу кўйга солишди-ку. Наҳот энди...

— Сен тушунмабсан,— дермиш кийик бош чайқаб,— мен сизлар деганда қотилларимни қўшаётганим йўқ. Ҳозир улар иккаласи ҳам ухлаб қолади. Сен секин домлани, кейин анави қизчани уйғогасан-да, менинг орқамдан машинангни ҳайдаб қоласан. Мен сизларни чинкка чиқариб қўяман. Сизлар бегуноҳсизлар. Улар бу чўлда жазоларини тортишсин.

— Ҳимматинг учун раҳмат. Лекин биз уларни ташлаб кета олмаймиз-да. Бу одамгарчиликдан бўлмайди-да,— дермиш Отамурод.

— Ўзинг биласан. Лекин улар ҳеч қачон бундай қилишмайди. Қараб турасан, ўнг келса ташлаб қочишади. Уларнинг юраги тозамас, тозамас, тозамас,— дермиш-да, жайрон бир-бир юриб чўл қўйнига, қоронғилик қаърига сингиб кетармиш.

Бу қанақаси бўлди, тушимми, ўнгимми, дея Отамурод кескин бош чайқабди-ю уйғониб кетибди... Қараса, ҳақиқатан туши. Ўзи шу омонат ўтиришида чорак соатми, ундан кўпми, мизғиб, кўзи кетибди. Атроф бир оз ёришган. Бояги булутдан асар ҳам қолмаган, осмон очилиб кетиб, уни эртақлардагидек, шундай юлдуз босганки, у ёғи йўқ. Ҳамроҳлари ҳали ҳам ҳар чеккада бедор ўтиришибди.

Отамурод тушини ўйлаб-ўйлаб, тагига ета олмай, уйқуси қочиб кетди. Бу тушни у нимага йўйишини билмас эди.

## 2

Машина барханнинг ярим белига чиқиб, тўхтаб қолган, мана ҳозир орқасига қараб пастликка ғилдираб кетадиганга ўхшар, лекин ғилдираклари расмана қумга ботиб қолганиданми ёки Отамурод тормозни босиб қўйганми, ҳар қалай жойидан жилмас эди. Зулхумор унинг ўрнида қисилиб, рулнинг бирор ерига тегиб кетишдан қўрқиб ўтираркан, оёқларимни четга чиқариб, бемалол ёнланмасига ўтириб олсам-чи, деб ўйлади. Бу ўзига ҳам маъқул тушиб, шундай қилди-ю ўзини сал эркин сизди. Шоҳи рўмолдек майин шабада юзларини сийпаб ўтиб, баҳри-дилини очгандай, кўнгили хиралмиги-

ни сал кўтаргандай бўлди. Отамуроднинг бояги мулозаматини эслаб, унга қаради: қандай сеза қолди экан-а, тавба. Ҳақиқатан ҳам унинг сўйилган жониворни кўришга ҳеч-ҳеч юраги йўқ. Ешлигидан шундай. Эсида бор, отаси ҳар баҳорда иккитадан жажжи кўзичоқ келтириб берарди-да, Зулхумор уларни шундай суйиб, шундай меҳр қўйиб, ёзи билан, куз бўйи ҳеч кимга ишонмай боқиб чиқарди. Ўзи ҳам уларга шундай ўрганиб қолардики, бир кун кўрмаса тура олмасди. Лекин қишга келиб отаси эт қўйиб, семириб қолган кўзичоқларни сўйиш ҳаракатига тушиб қоларди. Шунда у қайроқтош, пичоқларни кўрди дегунча ҳовлидан боғ кўчага қочиб чиқиб кетар, йил бўйи ўйнашиб катта бўлган кўзичоқларининг сўйилишига чидай олмай, қоронғи тушгунча ҳар ёқларда тентираб юрар, охири ойиси уришиб олиб кетар, у бўлса ўша кўзичоқлар гўштидан қилинган овқатни еёлмай ухлаб қолар, кейин анча вақтгача — яна келаси йил кўкламгача юраги ҳувиллаб юрарди.

Ҳозир ҳам унинг назарида орқа ўриндиқлар ўрта-сида чўл жайрони эмас, бўғизланиб, кўзлари хира тортиб қолган кўзичоқ ётгандай туйилаверар, у ерга чиқиб ўтиришга ҳеч юраги дов бермасди. Боя Отамурод бунини сезганини, сезиб, унинг раъйига қараганини, ўз ўрнини бўшатиб берганини эсларкан, унинг одамгарчилигига яна қойил қолди.

Бу вақт у қўлларини қовуштирганча машина радиатори олдида омонатгина бош эгиб ўтирар, хаёлга толганми, мудраб кетганми, қоронғида билиб бўлмасди. Зулхумор уни ўйлар, назарида у оддий шофёр бўлса ҳам, бошқалардан нимаси биландир ажралиб турар, нимаси биландир устунлик қилар, Ортиқ билан Султоновда, ҳатто ўзининг Собирда бўлмаган қандайдир фазилатларга ҳам эгадай кўринар эди. Зулхумор яхши билади. Собир уни ўз жонидан ҳам ортиқ, ўлгудек яхши кўради-ю лекин нимагадир, ҳеч кўнглини топа олмайди. Кўнглини топа олмай, бўлар-бўлмасга рашк ўтида ёнгани-ёнган, араз, димоғ-фироғ қилгани-қилган. Тўғри, ундан ҳам ўтди. Аразига араз билан ўч олиши керакмиди?! Бир куйдириб қўяй, деб зиёфат вақтида атай Ортиққа ўзини яқин олиши, унга ўчакишиб, Ортиқ билан овга чиқиб кетиши шартмиди?! Шу инсофдан бўлмади. Мана энди ўзи жазосини тортиб ўтирибди. Бир ўзи тортса майли экан, у ёқда уни қандай кунга қолдирди.

Ич-этини еб адойи тамом бўлиб, нима қиларини билмай ўтиргандир. Биз-ку, йўлдан адашганимизни биллиб, тонг отишини кутяпмиз. Улар-чи? Улар нимани билади? Ҳолимиз нима кечганини ҳам, ёрдам бериш-бера олмаслигини ҳам билмайди. Ҳозир ўзинг билан еб-ичиб, ўйнаб-кулиб ўтирган одамлар жайрон овига чиқиб келамиз, деб кетса-ю бадар кетса!.. Оламда шундан ёмон нарса бормикан?!

Унга, бечорага қийин бўлди. Қидирай деса, нима бўлганини билай деса, тагида машинаси бўлмаса! Йўқолиб қолганимиз ҳақида Катта ерга хабар қилай деса — рацияси бўлмаса!

Кундузи бўлса эканки, пиёда-яёв бўлса ҳам қозоқлар овулига қараб кетса, у ердан туя олиб, Мангқишлоққа тушиб хабар қилса. Кечаси қаёққа ҳам бош уриб боради?.. Зулхумор, кўнгли тўлиб келиб, лабларининг четидан шўртанг томчилар сизиб киргандай бўлди.

Ўзи унга ёрдам бера олмаслигидан, биз бу ердამиз, фақат тонг отишини кутяпмиз, деб тинчита олмаслигидан юраги эзилиб, кўзларига ёш олди.

Лекин шу дақиқада ёшли кўзлари юлдузли осмонга тушиб, юлдузлар бир-бирига қўшилиб кетгандай, кўз олдида учқунлар ўт олиб, дафъатан алангага айлангандай бўлди-ю хаёлига келган фикрдан сакраб туриб, пастга тушиб кетди.

Бархан устига гулхан ёқсак-чи! Гулхан ёқиб, биз бу ердამиз десак-чи?! У кўриши мумкин-ку!

Зулхумор севинчдан шошиб қолиб:

— Домла! Отамурод ака! Гулхан ёқсак-чи!!! Узоқ-узоқлардан ҳам кўринадиган қилиб ёқсак-чи?!— дея шовқин солди.

Улар чўчиб, унга ўгирилиб қарашди-ю бир зум нима гаплигига тушуна олмай жим қолишди. Кейин ҳаммалари секин-секин юриб, унинг олдига кела бошлашди.

— Дарвоқе, шу вақтгача ёқсак бўлмасмиди?— деди домла болалардай қувониб.

— Ноумид шайтон, балки гулханимиз кўринадиган ердадирмиз?— деди астойдил Отамурод.

Ортиққа жон кириб қолди:

— Нима кўп, атрофда саксовул кўп экан. Бархан устида гулхан ёқиб, машъала қилиб юборсак бўлади-ку,— деди қўлларини ишқаб.

— Бўлмаса, олға — ҳамма ўтин теришга! — дея Султонов йўл бошлади.

Улар булут тарқаб, осмонни босган беҳисоб юлдуз-

лардан хийла ёришган чўлда ҳар тарафга ёйилиб кетиб, ҳеч қанча ўтмай бир қучоқдан ўтин йиғиб қайтиб келишди-да, бархан устида катта гулхан ёқиб, ўзлари чор тарафга кўз тикиб қолишди.

Гулхан қуриган шохлар ичида авж олиб бориб, тобора куч-қудратга тўлар, унинг атрофида турган одамларнинг узун соялари борган сари қисқариб, гулхан алангаси одам бўйи барабар кўтарилиб борар, қизнинг кўнглидагидек ёниб-ёлқинланар, узоқда қолган севгилисига ундан хабар бераётгандек туюлар, назарида мана ҳозир Собирини жавоб гулханини ёқиб юборадигандек бўлаверар, Зулхумор бу дақиқани шундай орзиқиб кутар эдики...

Орадан сониялар ўтиб борар, лекин жавоб гулхани кўринмасди. Қиз шунда ҳам умидсизликка тушмай, қоронғилик қаърига тикилади. Унинг назарида Собирини гулханни кўргандай, терлаб-пишиб, қоқилиб-суқилиб саксовулзорда ўтин йиғиб юргандай, мана ҳозир уни бир ерга тўплаб, олов ёқиб юборадигандай бўлаверарди.

У унга ишонади, ўзига ишонгандек ишонади. Кўрсаёқ бўлди, ёқмай қолмайди, дейди. Ишқилиб кўрсин, дейди.

Лекин вақт ўтиб, гулханнинг кучи қирқилиб, алангаси пасая бошлади. Уларнинг соялари яна узайишга тушди. Оловнинг кучи кетган эди.

Зулхумор ўйларди: «Нима қилай, кўрмадинг. Кўра олмадинг. Иложим қанча, бу оловни бундан баландроқ ёқа олмасам! Сенга хабар бера олмасам. Кечир, жоним, тонг отгунча чидаймиз. Шунга мажбурмиз. Эшит-япанми, мажбурмиз.— У шундай дейди-ю кўзларига ёш қуйилиб келиб, четга қарайди, яна ўзини тутиб олиб, унга ўтинади:— Чида, тонггача чида, жоним, муҳаббатнинг шунақа айрилиқлари ҳам бўларкан, чида...»

Зулхумор унга таскин беряптими, ўзини тинчитар-тими, била олмайди.

Осмон тўла юлдузу, лекин ҳеч бири кўнгилга таскин бера олмайди, минглаб, миллиардлаб юлдузлар бир қуёшнинг ўрнини боса олмайди-я, тавба.

### *Тўртинчи боб*

Ортиқ кўзини очиб, қасрда ухлаб қолганини англай олмай, бир зум каловланиб турди. Оёқлари остида ётган кийикка кўзи тушгандан кейингина ўзига келди. Бир-



пасда ҳамма нарса аён бўла қолди: ов машмашасида машина уриб юборган кийик, булутли кечада адашиб кетиб, ярим йўлда тўхтаб қолган машина, кечаси бархан устида одам бўйи ловиллатиб ёқилган гулхан бир-бир кўз олдига келди. Кейин алламаҳалгача пастда сандирақлаб юрди. Ичини ит тирнаб, ўзини қўйрага жой топа олмас, аламини кимдан олишини билмасди. Ким биландир роса уришиб, кўнглини бўшатгиси келар, лекин бунга баҳона тополмас, шериклари ҳаммаси ҳар ёқда пинакка кетган эди. Охири у ҳам машина орқасига чиқиб ўтириб, тинчиди...

Кўзи кийикнинг оқиш парда тортиб қолган нурсиз кўзига тушиб, аллақандай бўлиб кетди. Таъби айниб четга қаради. Оёқлари остида ётган эчкидай кийик шу пайтда кўзига шундай хунук кўриниб кетдики...

Бейхтиёр Зулхуморнинг гапини эслади: у жавраганича бор эканми-а? Бизни шунинг уволи тутдим, а? У кўнглига олмаса шундай бўлмасмиди балки... Ортиқ энди чўчинқираб кийикка бир қараб қўйди-да, унинг тепасида ўтиргиси келмай, ўрнидан турди. Пастга тушмоқчи бўлиб, машина орқасидаги брезентни кўтарди-ю ёришиб келаётган чўлда, тўғрида қандайдир ҳавоза қорасига кўзи тушиб, бир дақиқа шундай туриб қолди. Ўзига ишонмай кўзларини ишқади: қизиқ, у нима бўлдийкан?

Осмон бўзариб борарди. Тепада фақат бир юлдуз қолган, у ҳам сўнай-сўнай деб милтираб турибди: Зухро ҳам ботяпти, тонг отибди. Лекин анави чўк тушган нортуялардек ястаниб ётган бархан орқасида қорайиб кўринаётган нима бўлдийкин? Буровой эмасми?

У суюниб кетиб, ерга сакраб тушди-да, машинани айланиб ўтиб жер солди:

— Ҳе-ҳей! Туринглар! Омадимиз боракан! Буровойдан чиқиб қолибмиз! Орқага бир қаранглар-а!

Ортиқ ёш боладай қувониб бақириб-чақирар, елиб-югургудек бўлиб ўша томонга талпинар, қўллари билан кўрсатиб севинчдан ўйинга тушгудай бўлар эди.

— Нима-нима? Нима гап? Қанақа буровой?— дея уйқусираб бирпасда ҳамма ҳар ёқдан чиқиб келиб, уни ўраб олди. Ортиқ сокин тонгда овози жаранглаб тушунтира кетди:

— Уни қаранглар! Буровой-ку! Кечаси кўрмай ўтиб кетибмиз-ку.

У хийла узоқда, қум барханлари бошланган жойда

қораси кўзга чалиниб турган темир ҳавозага ишора қилди.

— Ухшайди, ҳавозага ўхшайди!— Зулхумор чапак чалиб юборди. Камолиддин ака эса бош чайқади:

— Йўқ, қизим, у буровой эмас, буровой бунақа бўлмайди.

Худди биров Ортиқнинг устидан бир пақир муздек сув қуйиб юборгандек бўлди.

— Дарвоқе, буровой бўлса кечаги гулханимизни кўришмасмиди?— деди Султонов ҳам.

Ортиқнинг энсаси қотди:

— Кўрмаяписизми мезанасини... Балки ҳали битмаган буровойдир...

Отамурод унга ғалати қараб қўйди-ю яна индамай машина орқасига ўтиб кетди.

— Унда ҳали-замон одамлар ҳам ишга келиб қолишлари мумкин-ку,— Зулхумор тўғрими, дегандай, ҳаммага бир-бир жавдиради.

— Бориб кўриб билмасак, бир нарса дейиш қийин,— домла шундай деди-да, ён-верига аланглаб кимнидир излади. Машина орқасида куйманаётган шофёрни кўриб, уни чақирди.— Отамурод, сувингиз борми? Одамларга ўхшаб юз-қўлни чайиб олсак бўлармиди...

Унинг ўша ёқдан:

— Ҳозир, ҳозир олиб бораман,— деган овози келди.

Ҳеч қанча ўтмай ўзи кружкада сув кўтариб, машина орқасидан тепага чиқиб келди:

— Сув-ку бор, лекин сочиқни бир амаллайсизлар, майлими?..

— Менда рўмолча бор,— деди Зулхумор бўйнига енгил боғлаб олган рўмолчасини олиб.

Отамурод сув қуйиб турди, ҳаммалари бир-бир ювиниб, артиниб олишгач, домла миннатдорчилик билдирди:

— Раҳмат, ука, сувдек сероб бўлинг, одамнинг таъби энди ёришди-я...

Султонов унинг гапини маъқуллаб, кейин саволчап қаради:

— Нима қилдик, бориб кўрамизми?..

Домла бош силкиди:

— Майли, бир нажот чиқиб қолар.

Султонов гапи ўтганиданми, ҳовлиқиб Отамуродни шоширди.

— Ота, бўла қол энди.

Ҳамма жой-жойига чиқиб ўтирди-ю, лекин Отамурод

шоша қолмайди. Капотни очиб қўйиб нималарнидир титкилаб, ивирсиб юрибди. Бунга сари Ортиқнинг ичи қайнаб, жаҳли қўзиб-қўзиб кетади: юр дегандан кейин юра қолмайдами?! Хўжайинининг гапини бир тийинга олмаса-я! Бунақа кажбахс шофёрни энди кўришим. Султоновнинг ўрнида ўзим бўлсамми, икки кунда ковшини тўғрилаб қўярдим. Индамаса булар ҳар хил нарма чиқараверади-да.

Ниҳоят, Отамурод қўлини мойли латтага арта-арта рулга келиб ўтирди, шошмай машинага газ бериб, уни бархан устидан пастга олиб тушди-да, кейин орқага бурди. Ортиқ хаёлига лоп этиб келган фикрдан бир қоп семириб, ширин хаёлларга берилди: минг қўшчига бир бошчи деганлар. Султоновнинг шу лапашанглиги бўлса, у бош бўла олмайди. Бошчиликни энди ўзи қўлга олиши керак. Бунақа жойда бешафқат бўлмасанг, ора йўлда қолиб кетасан. У ҳали шундай сиёсатлар юргизсинки, ўзлари соясига салом берадиган бўлиб қолишсин. Ўзлари йўл излаб, товонларига қурт тушиб қолсин. Улар ҳали Ортиқнинг совунига кир ювишмабди. Ҳали уларга бошлиқ қанақа бўлишини, бошлиққа қанақа муомала қилишни кўрсатиб қўйиши керакка ўхшайди. Ана ўшанда ўзлари қуллуқ қилишга мажбур бўлиб қолишади. Фақат тизгинни қўлга олволса бас. Кейин манман дегани ҳам айтганини зир югуриб қиладиган бўлади. Ҳали бу олимчаларнинг мияси шундай ишлаб кетсинки, ҳали ҳаммалари унинг чизган чизигига шундай тушиб қолишсинки... Сувнинг қулоғи унда бўлгандан кейин бўйин эгмай қаёққа боришарди. Шунанга сиёсат билан бу дўзахдан чиқиб кетмаса, бошқа йўли ҳам, йўриғи ҳам йўқ. Ортиқ бекордан-бекорга ўлиб кетадиганлардан эмас. У ҳали курашиб кўради...

Бу вақт Отамурод қум барханини айланиб ўтиш иложини тополмай, машинани ноилож тўхтатди-да, домлага саволчан қаради:

— Бу ёғига пиёда ўта қолайлик.

— Майли, машина қумга тиқилиб қийналганимиздан кўра, ўзимиз ўта қоламиз. Бари бир буровойга ўхшамаяпти,— деди домла барханлар орасида фақат тепаси кўриниб турган мезанга қараб қўйиб.

Улар бирин-бирин ерга тушиб, қум кечиб тепага кўтарила бошлашди. Ортиқ нимагадир юраги ҳапқириб, шошилади, ичида шу гапингизга бир буровой бўлиб чиқармиди, буровой бўлиб чиқармиди, деб боради. Лекин у бархан устига етиб чиқди-ю яққол кўзга ташланиб

турган ҳавозани кўрибоқ, кўнгли ҳувиллаб, ўзи бўшашиб тушди. Бояги қувончидан асар ҳам қолмади.

— Хўп буровой эканми?— деди Султонов кесатиб.

— Оддий мезана экан-ку,— деди бўшашиб Зулхумор.

— Тригонометрик мезана,— тўғрилади домла.

Ортиқ энди нима деярини билмай ич-ичидан гижинди. У тили қисик бўлиб қолишини истамас, бир иложини қилиб бу аҳволдан қутулиб кетишини ўйлар эди. Ниҳоят:

— Мезана бўлса, яна яхши эмасми?! Ахир тепасига чиқсак, йўллар кафтдагидек кўринади, кейин керагини танлаб оламиз, тўғримасми?— деди.

Султонов юзи ёришиб, ялт этиб унга қаради:

— Яхши айтдингиз. Николаев трактини топиб олсак, у ёғига адашмасдик. У ёғи осон. Ота,— Султонов ҳовлиқиб Отамуродни шоширди,— сен мезананинг тепасига чиқиб қараб кўр-чи, зора бахтимиздан бўлиб, тракт кўриниб қолса. Сен уни танийсан, неча марта ўтгансан.

Ортиқнинг ғаши келди: у мезанани биринчи бўлиб кўрса-ю Султонов демаганлар энди уни бир чеккага суриб қўйиб, хўжайинчилик қилса! Бу ёғини ўзига қўйиб бераверсалар ҳам бўларди.

Биринчи бўлиб трактни кўриш иштиёқи кучли келиб, Ортиқ:

— Биз кўрган қоялар олдида бу нима бўпти! Тайёр зинаси бор-ку,— деди-ю дадил ўша ёққа юриб кетди.

Кейин у темир нарвонга қўл чўзиб, шипиллаб юқориларкан, оҳиста шу ёққа одимлаб келаётган Отамуродни кўрди. У трактни таниркан-ку, чиқса чиқар, дея хаёлидан ўтказди-да, яна юқорилай кетди. У ҳар пиллапоя ошгани сайин бамисоли уфқлар ҳам орқага бир қадам чекиниб, дашт устига тўнтарилган оч зангори коса кенгайгандек бўлади, кўз ўнгида узоқ-узоқлар юз очиб, дашт кафтдагидек ойдинлашиб боради. Улар келган томон текис дашт бўлиб, бу ёғида қотиб қолган тўлқинлардек узала тушган барханлар бошланиб кетган, улар орасида эса букри тутлар мисоли қинғирқийшиқ ўсган саксовуллар, тагиданоқ текис новдалаб кетган юлғунлар кўзга ташланар эди. Тақирда ҳар ёққа қараб кетган оқиш қўш сўқмоқларнинг кети кўринмайди. Ортиқ мезананинг ўртасидан ошганида уфқдан анор гулидай қип-қизил қуёш гардишининг бир чеккаси ярақлаб кўринди. У бир қадам кўтарилган эди, қуёш ҳам бир энлик кўтарилди, яна бир қадам ошган эди,

яна шундай бўлди. Ҳеч қанча ўтмай ярми қизариб кўриниб, анор сувининг улкан томчисидек липиллаб туриб қолди. Жуда гўзал бир манзара. Тикилиб тўймайдиган даражада гўзал. Лекин ҳар қадам қўйганида қайтарма этигининг нағали темир нарвонни жаранглатиб пастдан Отамурад чиқиб келяпти. Буни кўриб Ортиқ тепага ошиқди. Сўнгги зинадан ўтиб, мезана майдончасига чиқиб борди-ю пастга қараб юраги шувиллаб кетди. Беихтиёр айланма гардишли темир тутқични ушлаб олди.

Йилдан-йилга жон ширин бўлиб борарканми, тавба ўйларди у ўзича. Ун йил бурун қандай эди. Тик қояларни кўрдим демасди. Альпинистлар билан бирга тирмашиб чиқиб кетаверарди. Студентликда, институтда ўқиб юрган кезларида не-не чўққиларни забт этишмаганди. Юраги қилт этмас эди. Энди шу ўн беш метрли мезанага чиқиб, боши айланиб ўтирибди. Ёшликда бекордан-бекор тоғма-тоғ ошиб юраверган экан-да. Фалон қояни забт этамиз дейишса, бўпти деб кетаверарди. Кўр экан-да ўшанда. Забт этсак нима бўпти, деб ўйламаганини қаранг. Бир тийинлик фойдаси йўқ ишларга кетди-ю деб шуни айтишаркан-да.

Бу орада Отамурад унинг ёнига чиқиб келиб, нафасини ростлаб, чуқур тин олди. Пастда одамлар анча кичрайиб кўринар, бошларини орқага ташлаб, уларга тикилишар, бўйинлари оғриб кетиб, яна кўзларини туширишар, ҳозир бир нарса бўладигандек яна тепага қарашар эди.

Ортиқ нимага чиқишганини эслаб, шошиб атрофга назар ташлади-ю тақир томонда чўлни минг тарафга кесиб ўтган йўлларни кўриб ваҳми келиб кетди.

— Вой-бў бунча кўп бу йўллар! Шофёрлар ҳам бўлар-бўлмасга йўл солиб юбораверган экан-да. Буларнинг ичидан трактни ажратишни айтинг? — деди Ортиқ.

Кунботар томондан кўзини узмай туриб қолган Отамурад мийғида кулди:

— Йўлни йўлдан ажратгани учун ҳам шофёр дейишади-да. Бўлмаса ҳамма ҳам минаверарди машинани.

Ортиққа бу гап сал тегиб кетди-ю, лекин у сир бой бермади:

— Ҳов анави, жанубга қараб кетган йўлни қаранг, трактмасми? Анча катта йўл экан,— у кунботардан чапроқдаги бир йўлни қўли билан кўрсатди. Отамурад бош чайқади:

— Йўқ. Тракт унақа якка-ёлғиз эмас. Икки ёнида қанчадан-қанча катта-кичик йўллар эргашиб бориб, гоҳ қўшилиб кетади, гоҳ яна ажраб чиқиб, ёнига тушиб олади. Минг марта ўтганман ундан. Мен фақат мана бу барханларга ҳайронман. Биз қаёққа келиб қолдик — шуни тушуна олмаяпман. Ахир келишда бирорта бархан учратмагандик, тўғримми?..

— Тўғри, бархан зотини учратмагандик,— унга қўшилди Ортиқ,— энди нима қилдик?

Гир-атрофни кўздан кечириб чиқиб, шимолроқдаги бир йўлга тикилиб қолган Отамурод:

— Нима қилардик, бархан ёқалаб тақирдан кунботарга қараб юраверамиз. Бошқа иложимиз йўқ, — деди.

Унинг бу гапи Ортиққа ҳам маъқул тушди. Кечаги аҳвол бўлса, машина билан барханма-бархан ошиб юриб бўладими! Тонг отармиди! Ҳозир ўзларида на рация, на компас бор. Рацияни аксига олиб вездеходда Ағачқудуққа кетганларга бериб юбориб ўтиришибди. Худди ўзларига керак бўлмайдигандек.

Шу пайт Султонов бархан устида турганича қўл силкиб қичқирди:

— Ҳеч нарса кўринадими, йўқми?

Отамурод бош чайқади-да, индамай пастга туша бошлади. Ортиқ бунга ўзича тушуниб, нима бало, чинкка етиб чиқишга ҳам кўзи етмаяптими, деб ўйлади: хўп омадсиз одамларга йўлдош бўлган экан-да! Ишқилиб машинанинг бензини етиб берсин. Ярим йўлда тугаб қолса борми... худо урди деяверинг. Унинг юраги гуп-гуп уриб, ўзи мезана устидан пастга қулаб кетаётгандек, жонҳолатда тутқичга ёпишди.

Кейин ваҳм босиб тезроқ пастга тушишга, бензин қанчалигини билишга ошиқди. Отамурод билан олдинма-кетин ерга тушиб келиб:

— Шошма-чи, ука,— дея уни тўхтатди,— қанча бензининг бор? Етадиганми ё...

Отамурод кутилмаган бу саволдан ҳайрон бўлиб, елка қисди:

— Билмасам, қарамасдан бир нарса деб бўлади-ми?..

Ортиққа шу керак эди:

— Билмасмиш! Қанақа шофёрсан ўзинг — қанча бензининг борлигини билмасанг?! Ҳали канистрдаги бензин ҳам ўша ёқда — чодирда қолган дерсан,— кесатди Ортиқ худди билгандай.

Отамурод бир унга, бир четга қаради. Лаблари учио қўнди.

— Мен туш кўрибманми шундай бўлишини!— деди тутақиб.

Ортиқ бир-бир юриб унга яқин борди:

— Туш кўришинг шарт эмас, укам, сен шофёрсан, эҳтиёт чорасини кўриб қўйиш сенинг вазифанг. Ё гапим нотўғрими?— Ортиқ ҳамма айбни унинг елкасига қўйиб, попугини пасайтириб олмоқчи эди. Отамурод эса унинг найрангини тушунмай, жони халқумига келди.

— Қачон сиз нотўғри гапириб эдингиз? — дея чўрт ўгирилиб, нари кета бошлади.

— Ортиқ ака! Отамурод! Ҳозир жанжалнинг пайти-ми? Шундан бир нарса чиқадими? — ўртага тушди Султонов.

*Султонов ўрбасини отайини устун эди*

Бу Ортиқни баттар тутақтирди:

— Чиқадими, чиқмайдими, сендан сўраётганим йўқ! — У кутилмаганда Султоновни гап билан силтаб ташлади.— Бошчиликни эплай олмадингми, энди хап туравер. Битта шофёрга сўзинг ўтмайди-ку, сенга гапни ким қўйибди?! У сени назарга илса экан! Бошлиқ ўрнида кўрса, овга чиқмасдан ҳамма нарсани тахт қилиб қўймасмиди! Эҳтиёт шарт бензин олволиш, сув олволиш, йўлга егулик олиш кимнинг иши? Мен билан сенинг ишимизми? У нимага ойлик олади? Нимага сенга шофёр қилиб бериб қўйибди давлат?! Имоним комилки, у йўлга на сув, на егулик нарса олган. Сўраб кўргин-а, олганмикан?!

Отамурод бархан устидан тушиб бора туриб ярим ўгирилганича, уни биринчи марта кўриб тургандек, кўзлари, қулоқларига ишонмай тўхтаб қолган эди. Ортиқ унинг ёнидан ўтиб кета туриб:

— Ҳа, ёқмадими! — дея кесатди.— Ҳақиқат шунақа аччиқ бўлади,— деди-ю тўғри машинага қараб борди-да, рулга ўтириб, уни ўт олдирди. Стрелка сал кўтарилди-ю яна ҳоли келмай пастга тушди. Ортиқ бензин қанча қолганини кўриб, ўзининг ҳам капалаги учиб кетди. Шу заҳоти ўтни ўчириб, бир зум гангиб қолди. Вужудидан муздек тер чиқиб кетди: ҳали шу бензин билан чинкка етиб бўларканми?! Қирқ километрга етиб-етмайди-ку. У ёғига нима бўлади? Пиёда-яёв кетишадими?! Сувсиз, егуликсиз-а? Уч кунда суроблари тўғри бўлиб қолади-ку. Овқатсиз-ку, бир ҳафта-ўн кунга чидаса бўлар, сувсиз-чи? Сувсиз нима қилишади? Наридасе уч кунга чидашар. Кейин нима бўлади? Уликлари

шу чўлларда қолиб кетадими?! Йўқ, йўқ, у бунинг учун бу ёқларга келган эмас! Қузғунларга ем бўлгани келган эмас! Йўқ!..

У сапчиб ўрнидан туриб, пастга тушиб кетди. Жон аччиғида машина орқасига айланиб ўтиб, брезентни очиб ташлаб, ўриндиқлар тагини титкилай кетди. Чўзала тушиб ётган кийикни суриб ташлаб, ўриндиқ тагидан ярим бўш мешни тортиб олди-да, қўлда кўтарганича ҳамон серрайиб турган Отамуродга қараб юрди. Юраги босқондай гурс-гурс урар, нафаси томоғига тикилиб келар, нима учундир вужуди қалт-қалт титрар эди. У етиб бориб-бормай ўшқирди:

— Кўзинг қаёқда эди, овсар?! Бензин олмаганинг олмаган, мана бу нима қилган ишинг?! — у тагида сув қулдираб турган мешни боши баравар кўтарди.— Кечагидан қолган сувнинг ўзи-ку. Бир қултум ҳам олмабсан-ку йўлга! Яна баланд келмоқчи бўласан!

Отамуроднинг ранги қув ўчиб, юзлари оқариб кетди. Ортиқ кутмаган бир тарзда бақариб берди:

— Мен қул эмасман сенларга! Нима бўлса мендан кўрасан! Нима бўлса мендан талаб қиласан! Нима, ҳаммасига мен айбдорми?! Зиёфат тайёрлаш, овга олиб чиқишлар ҳам менинг ишимми?! Қайси замонда яша-япсизлар ўзи?!

Ортиқ серрайиб қолди. Бошқалар ўнғайсиз ҳолга тушиб, ерга қарашди. Отамурод жаҳлидан тушса ҳам, ҳовридан туша олмай:

— Одамда озгина инсоф бўлиши керак. Пичоқни аввал ўзингга ур-да, огримаса бошқага ур,— деди-ю бархан устига чиқиб, орқасини ўгириб ўтириб олди.

Ўртага ноқулай жимлик чўкди. Ортиқ мана ҳозир панд-насиҳатлар бошланади, деб ўйлаб, тескари қаради. Лекин ҳеч ким ҳеч нарса демади. Фақат домла чуқур бир тин олди-ю Отамуроднинг олдига қараб юрди. Орқасидан бориб ёнига чўнқайди-да, қўлини елкасига ташлаб, жим қолди. У ҳеч нарса демаса-да, Отамурод унга қаради. Домла унинг елкасига қоқиб, юпатган бўлди. Кейин уфқдан аллақачон узилиб чиққан чирманда-сифат қуёшга қараб қўйиб, худди ҳеч гап бўлмагандек:

— Эрталабки салқинда ҳарна бир оз юрсак бўлармиди? Ҳали-замон кун ҳам исиб кетади,— деди.

Унинг гапини эшитиб, Ортиқ орқасига қайтиб ижирғанди. Мешни жойига қўяркан: «Кун исиб кетармиш! Пиёда қолиб кетишингизни ўйланг! — дея тўнғиллади ичида.— Буларга ҳайронсан. Бориб-келиб яна ўшанга



ялинади, ўшанинг тагига пахта қўяди. Нимасига шунча иззат-икром? Ҳали пиёда қолиб кетишсин, ким керак бўлиб қоларкин?! Кўрамиз унга ялинишмаганини! Бу дўзахдан ким олиб чиқиб кетаркан уларни!»

Ортиқ пастда турганича кабина ичига энгашиб, мешни ўриндиқ тагига жойлаб бўлиб, қаддини ростлади. Бу вақт домла билан Отамурод шу томонга келишар, бошқалар ҳам ҳеч гап-сўзсиз уларга эргашишган эди. Ортиқ нима қилишини билмай тик туриб қолди. Ҳамма худди у билан уришгандай олдидан индамай ўтиб кетар, бир оғиз бир нарса демасди. Ортиқ ўзини яккамаховдек сезиб, ғалати бўлиб кетди. Аччиғи чиқинқираб Султоновга қараган эди, у кўзи билан имлаб, «чиқ-да, тек ўтир, буларнинг жиғига тегма», дегандай бўлди.

Ортиқ уни бир қарашда тушунди. Аламини ичига култ этиб ютди-да, жойига чиқиб ўтирди. Ҳозир унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, машинада қолган арзимас бензинни ўйлагани сари ваҳимага тушар, заҳрини кимга сочишини билмас эди.

Отамурод рулга ўтира туриб, ҳеч кутилмаганда бирдан юзи ёришиб, кўзлари чақнаб кетди:

— Ия, домла, тайёр компасимиз борақан-ку, биз йўл қидириб юрибмиз,— деди хурсандчилигини ичига сиғдира олмай.

Геологлар жонланиб уни ўраб олишди:

— Ростдан-а?

— Қани?

— Қаерда экан?

— Мана, бу ерда,— у ойна соябони орқасига қистириғлиқ дала сумкасини тортиб олди. Сумканинг устига қотирилган компас тили ликиллаб, шимолни кўрсатиб турарди.— Шу вақтгача кўрмаганимизни қаранг.

Ортиқ хотиржам тортиб, енгил тин олди: хайрият-е, ҳақиқат бор экан-ку!

— Меники-ку, уч кун бурун ўзим қўйгандим, хотирамдан кўтарилганини қаранг, тавба, — деди беихтиёр Султонов ўзига калтак бўлиб тегишини ўйламай.

— Яна бу кишим бутун бошли геологик партиянинг бошлиғимишлар. Мезбонмишлар. Хаёлингиз қаёқда эди? — кесатди Ортиқ.

Лекин ҳеч ким унинг гапига эътибор бермади. Компас топилганига хурсанд бўлиб, олдинги ўриндиққа ёпирилишди.

Домла сумкани тиззасига қўйиб, йўлни аниқлади-да:

— Бархан ёқалаб мана бу ёққа юрарканмиз,— деди Отамуродга қўли билан кўрсатиб.

— Есть, ўша ёққа бурамиз! — Отамурод солдатлардай дадил жавоб берди. Кейин машинани чаққон буриб, ўз соясига солиб олди-да, селпиб ҳайдаб кетди. Газик барханлар ёқалаб ўздан ҳам узун соясини босиб қувиб боради. Атроф буткул оч сариқ сопол рангида. Ербағирлаб ўсган шувоқлардан тортиб қумларгача, осмондаги офтобдан тортиб уфқдаги қуёш живир-живирларигача, кўзга кўринган нарса борки, барчаси шу рангда. Юракни сиқиб, кўзларни толиқтириб жимирлатиб юборадиган даражада оч сариқ рангда. Бир вақт узоқда — олдинда қорайинқираб саксовулзорми, юлғунзорми, кўзга чалинади. Лекин яқинлашиб борган сари улар ҳам оч сариқ сопол рангга кириб қолади. Тагиданоқ сада-лаб кетган, одам бўйи барабар юлғунларга ҳам, каллакланган тутлардек қинғир-қийшиқ ўсган букри саксовулларга ҳам офтоб ранги сингиб кетган. Саксовулнинг жийданикига ўхшаш кулранг барглари, рангсиз гуллари оламда ғалати таассурот туғдиради. Бу манзара йўл юрган сари қайта-қайта такрорланиб ўтавериб, юракни сиқиб ташлайди. «Бу Устюрт дегани шунчалар чексиз, шунчалар бепоён эканми? Қани у тракт дегани? Машина ҳар тарафга кетган минг хил йўлларни кесиб ўтди-ку? Наҳот бирортаси ҳам чинкка олиб чиқмаса?! Бензин тугаб бораётганини ўйлайдими ўзи? Қанча қолдйкан? Ҳеч қанча қолмагандир». Ортиқни ваҳима босиб келади: зора трактга чиқиб олсак, зора, зора деб боради. Хаёлидан Тошкентдаги яқинда бўёқдан чиққан данғиллама уйи, гаражда турган «Москвич»и, лимонлари фарқ ҳосилга кирган ҳовлидаги теплица, паст томондаги ҳали газга улаб улгурмаган мўрчахона ҳеч нари кетмайди. Атлас кўйлак, атлас лозим кийиб, тиқ этса эшикка кўз тикиб ўтирган хотини, бири-биридан ширин, дўмбоқ болалари кўз олдидан ўтиб, юрак-бағри эзилади. Бу хонадонни шунчалик қилгунча, бу уй, теплицаларни шу ҳолга етказгунча, бу «Москвич»ни олгунча, бу орзу-ҳавасларга етишгунча не-не кўчаларга кириб чиқмади. Ўзини ўтга-чўққа уриб, участка қурди. Ит тинди, қуш тинди, у тиним билмади. Ўзи студент-у, қўрқмай савдогарчилик кўчасига кирди. Бекитиқча ноёб молларни пуллаб юрди. Бунга ҳам қониқмай, бир сира уч-тўрт жуфт новвос боқиб семиртириб, говжаллоблик қилди. Яхши фойда чиқара олмай, ўзини гулчиликка урди. Москва, Ленинградга чамадонда лола олиб бориб

сотиб юрди. Йўллар беркилиб қолгач, теплица қуриб, қишда ресторанларга укроп, кўкатлар ўтказиб, эрта кўкламга гул чиқара бошлади. Тошкентда гладиолус гул расм бўлганида бир-икки йил яхши топди. Саккизинчи Мартга очилтириб чиқарди-ю қўлга мўмайгина пул тушди.

Институтни битириши билан «Москвич» сотиб олди. Яқин поликлиникага номига ярим ставка ишга кириб қўйиб, кундузи гулчилик қилди, кечаси кирага чиқди. Пул оёқнинг тагида ётаркан-у, одамлар кўрмас экан. У юрган йўлидан пул чиқарадиган бўлиб олди. Лекин топгани сари, камга ўхшарди.

Ўйлаб-ўйлаб охири уйда касал кўришга ўтди. Мўмай даромад бу ёқда туриб, ўзини ўтга-чўққа уриб юрган экан. Касаллар тузалиш учун пулни аямасди. Оғзидан чиққанини беришарди. Тинчиб қолган эди. Лекин маҳаллада уч-тўрт кишини ажалидан беш кун бурун ўлдириб қўйди шекилли, одамлар уни кўрса азроилни кўргандай ранги ўчиб, четлаб ўтадиган бўлиб қолишди.

Табибликдан синди-ю қаёқданам экспедицияларда юришга ружу қилди. Ёзда икки-уч ой ўз ҳисобидан отпуска олиб, экспедицияларда гоҳ врач, гоҳ ишчи бўлиб ёлланиб юрадиган одат чиқарди. Энди «Москвич»ни «Волга»га алмаштириш нияти ҳам йўқ эмас. Экспедицияларда юрган одамга биров бир нарса дермиди, қардан олдинг, қандай топдинг, деб суриштирармиди?.. Шу ниятда бу ёққа кела қолган эди. Тинчгина гулчилигини қилиб юраверса бўлмас эканми?! Нима камчилиги бор эди?! Мўмай пул ҳам бурнидан булоқ бўлиб чиқадиган бўлдими? Қандай қутулиб кетса экан бу саҳрои кабирдан? Ҳеч иложи йўқмикан? Қани энди қутулиб чиқиб кетса! Ўлмаё қолса, иккинчи бу йўлга қадам қўймасди. Илло-билло пул, мол-дунё деб ўзини ўтга-чўққа урмасди. Топганига шукрлар қилиб, тинчгина умрини фароғатда ўтказарди. Қани эди, қутулиб қолса... Ахир ўлиб кетса, шунча бойликлар кимга қолади? Шунча нарса, шунча мол-дунё, теплица, машина... наҳот ўзига буюрмаган бўлса?! У ўлиб кетса, минг вафодор бўлсин, хотини уч-тўрт кун кўз ёши қилади, йигирмаси-қирқини ўткази, йил оши беради, ҳамма расм-русмларни қилади, лекин ёш нарса бир умр мотам тутиб ўтмайди-ку. Бир умр тул қолмайди-ку. Эр қилади-ку. Кейин кимдир унинг ўрнига елкасига тўнини ташлаб, унинг эшигидан кириб-чиқадими? Унинг ўрнига «Москвич»нинг, мўрчахонанинг ҳузурини кўрадими?! .

— Йўқ, йўқ! Ҳеч қачон! Истамайман! — Ортиқ ўзи билмаган бир ҳолда бақириб юборай деди. Шу баробар машина бир-икки силкинди-ю овози ўчиб тўхтаб қолди.

Отамурод чуқур тин олиб:

— Тамом-вассалом. Бензин тугади,— деди алам-изтироб билан. Бошқа ҳеч ким ҳеч нарса дея олмади.

### Бешинчи боб

#### 1

Отамурод беихтиёр тамом-васалом деди-ю ҳамроҳларига ўгирилиб, бекор шундай деганини сизди. Шу бир оғиз сўз уларни бу аҳволга солади, деб ўйламаган эди.

Домладай босиқ одам ҳам гўё унга ишонмагандай, ялт этиб бензин кўрсаткичга қаради. Стрелка тилини нолда кўриб, ўзи аллақандай бўлиб кетди, салқи юзига нимадир соя солиб ўтди.

Султоновнинг ранги қув ўчди:

— Тугади? Дарров-а? — деди ваҳимада.

Ортиқ бундан баттар даҳшатга тушди. Кўзлари чақчайиб, ола-кула бўлиб кетди. Унга маънисиз тикилди.

Отамурод ғалати тортиб, ундан кўзларини олиб қочди. Машинадан пастга туша туриб, булар-ку, шунчалик, қиз бола боши билан Зулхумор қайси аҳволга тушдийкин, дея кўнглидан ўтказди. Лекин унга кўз қирини ташлаб ҳайрон қолди. Қиз ҳали ҳеч нарсадан беҳабар, ўзи билан ўзи бўлиб, ўриндиқ ўртасидаги тошли рюкзакка тикилиб ўтирар, афтидан нимага тўхташганини ҳали англаб етмаган, шунчалик хаёлга берилиб кетган эди.

«Ҳаммадан ҳам унга қийин бўлди,— деб ўйлади Отамурод.— Биз-ку, бошга тушганини кўрармиз, у қандай чидайди ҳали очлик, сувсизликларга. Йўл азоби, чўл жазирамаси қийнаб қўймаса эди. Асли қолаверса ҳам бўларкан, бекор овга олиб чиқишган экан. Ўзи ҳам Собирни норози қилиб келмаса бўларди».

Отамуроднинг назарида ҳозир Зулхуморнинг ўзи ҳам шундан пушаймонга тушиб, хаёл дарёсига ғарқ бўлиб кетганга ўхшар эди. Пушаймон майли-ку, бир умр-ли армон бўлиб қолмаса кошки эди...

Одамлар бирин-сирин пастга туша бошлашиб, унинг хаёллари бўлинди. Бошини кўтариб, машина олдида беҳисоб барханларга хаёлчан тикилиб қолган домлани кўрди. Унинг ўзига ярашиб, аллақандай салобат бағиш-

лаб турган тилла кўзойнаги офтобда ярақлаб, кўзни оладиган даражада жилвирар эди.

Домла унинг қараб қолганини сезиб, сергакланди, кўзойнагини қўлига олиб, офтобдан кўзлари қамашиб ерга қаради. Бир зум ўтиб, яна бошини кўтарди.

— Отамурод, нима дейсиз, қаёққа келиб қолганга ўхшаймиз?

— Шунча юрсак ҳам бархан тугамаяпти, жуда ичкарилаб кетган эканмизми дейман, — Отамурод ич-этини кемириб ётган гапни айтди-қўйди.

— Аксига олиб, карталар чодирда қолиб кетганини қаранг.

— Ким ўйлабди бунақа бўлишини.

— Барханларни айтасизми, домла,— деди шу вақт орқадан келган Зулхумор кутилмаганда,— мен кеча харитада кўзим тушувди. Қорақамишми, ишқилиб, миннарсакамиш чуқурлигида бархан белгилари бор эди.

— Сариқамиш денг,— тўғрилади Султонов.

— Тўғри,— деди домла бош силкиб.— Устюрт ичида оддий кўзга сезилмайдиган шунақа катта чуқурлик бор. Биз овга қизиқиб кетиб, шу Сариқамиш орқасига ўтиб кетганга ўхшаймиз. Энди уни кесиб чиқиб кетмасак, чинкка чиқа олмаймиз. Барханларни ошиб ўтишдан бошқа иложимиз йўқ. Ёки бошқа бирор йўлини қидириб кўрсакмикан?— У атрофига йиғилганларга маслаҳат солиб қаради.

— Нима бўлганда ҳам сувли, қудуқли ерларга қараб юришимиз керак. Очликдан-ку, ўлмасмиз-а, лекин... сувсизлик ёмон,— деди Отамурод бўладиган гапга кўчиб.

Ортиқ ялт этиб унга қаради. Кўзлари боягидай олакула бўлиб, юзлари оқариб кетди. Машина қанотига суяниб турган Султонов бетоқатланиб чуқур тин олди:

— Худо кўрсатмасин бу чўлда сувсиз қолишни,— деди секин.

Ортиқнинг аччиғи юзига тепиб, дув қизарди. Султоновга ёмон қараб қўйди:

— Шунақа экан... биларкансан... овга бошламасдан ақлинг қаерда эди?! Қасдинг бормиди бизда?

— Мени-я?... Нима деяпсиз ўзи? Қанақа қасдим бўлиши мумкин? — Султонов аzza-баzza довдираб қолди.

— Бўлмаса нега бундай қилдинг?! Шу арзимаган сув билан чинкка етиб бўларканми? Ҳеч ўйлаяпсанми шуни? — Ортиқ тамомила ўзини унутиб дағдаға қиларкан, Отамурод чидаб туролмай, уни даст кўтариб олди-да, нари олиб бориб ташлади.

— Уялмайсизми, кап-катта одам?! — деди кўзларига қаттиқ тикилиб.— Хотин киши эмассиз-ку... Ёки сиздан бошқанинг жони ширин эмасми?

У силтаниб Отамуроднинг қучоғидан чиқди-ю, лекин важоҳатини кўриб, индай олмади. Аччиғини ичига ютиб, четга қаради.

Отамурод ичида ҳайф сендек эркакка дея орқага қайтаркан, Зулхуморга кўзи тушиб, юраги увишиб кетди. Қиз бечора гап нимадалигига энди ақли етиб, бўшашиб тушган, бир машинага, бир Отамуродга қараб жавдирар, энди пиёда қолишганига ҳеч ишона олмас эди.

Отамурод беихтиёр ундан кўзларини олиб қочди: эҳ, синглим, синглим-а, ким шундай бўлсин дебди? Фалокат босмаса, на бензин, на сувга қарамай, йўлга чиқаманми? Кетини ўйламайманми? Ўзимдан ўтди, Султоновга аччиқ қилиб, ўзларинг бораверинглар, дегунча машинанинг кам-кўстига қарашим, ҳар эҳтимолга қарши йўлга сув, бензин олволишим керак эди. Шу ишлар менинг вазифам эди. Жирилламай ўз вазифамни билганимда шу кунга тушиб ўтирмасдик. Мендан ўтди, олдингда гуноҳқорман. Кечир, синглим, сенга қийин бўлди, кечир...

Унинг кўзларида ёш ғилтиллаб, офтоб нурлари чаплашиб кетди. Ўзи ерга қаради. Кейин бошқалар сезиб қолишларини эслаб, ишга чалғиди. «Газик»нинг орқа брезентини кўтариб, ўриндиқлар тагидан ўзи билмай, ниманидир излади, кейин шу туришида домлага назар ташлади.

Турган ерида нохуш хаёлларга толиб кетган домла ниҳоят кўзойнагини қўлига олиб, бошини кўтарди. Кўкси кўтарилиб-тушиб, чуқур бир тин олди-да, Зулхуморнинг елкасига оталарча қўл ташлаб, бағрига тортди:

— Сен қўрқма, қизим, ҳеч ваҳима қиладиган жойи йўқ. Бунақасини энди кўряпмизми? Худо хоҳласа ҳеч нарса бўлмайди! Биз борақанмиз, чўчима...

Зулхумор унинг бу меҳрибончилигидан кўнгли тўлиб келиб, домланинг кўксига бош қўйганча кўзларини яширди.

Ортиқ ҳамон алами ичида, ўзи билан ўзи олишиб тек турар, Султонов унинг бояги гапидан жуда мулзам тортиб қолган эди.

Отамурод уларга қараб туриб қатъий бош чайқади: «Йўқ! Шу қўлдан эсон-омон чиқиб кетамиз, десак, гинакудуратларни бир чеккага йиғиштириб қўйишимиз ке-

рак. Айбситган билан иш битарканми? Бунақада тўзиб кетамиз, ўзимизни ўзимиз ҳалок этамиз-ку? Мен бунга йўл қўймаслигим керак».

Боядан бери Ортиққа синовчан қараб-қараб қўйиб, бир нарса демоқчи бўлаётган домла охири унга юзланди:

— Сиз, ука, шуни билингки, биз нима бўлсак — сиз ҳам шусиз. Кемага тушганнинг жони битта дейдилар. Бошқа хаёлларни каллангиздан чиқариб ташланг-да, Отамуродга ёрдамлашиб юборинг. Нонушта қилиб олиб, йўл тадоригини кўрмасак, жиғиллашиб ўтирган билан тонг отмайди. Боринг! — деди биринчи марта қаттиқ гапириб.— Сиз эса,— деди у Султоновга ўгирилиб,— иссиқда уриниб қолмасдан кийикни саранжомлаб олинг, увол қилиб шундай ташлаб кетмайлик. Биз Зулхумор қизим билан оловга ўтин териб келамиз. Бўптимми?

Домла қизни эркалаб елкасига қоқиб қўйди. У ҳам бояги қўрқув, даҳшатларни унутиб, унга жилмайиб қаради. Қушдай енгил тортиб, бош силкиди:

— Сиз овора бўлиб нима қиласиз? Мен ўзим териб келаман, домлажон,— деганича саксовулзор томон йўналди.

Отамурод енгил нафас олди: «Бу бошқа гап. Аллақачон тартибга чақириб қўйишлари керак эди уларни»... Кейин кўнгли жойига тушиб, ўриндиқлар тагидан қумфон излашга тушди.

Ишқилиб чодирда қолиб кетмаган бўлсин-да, дерди у ўзига-ўзи. Уни қаранг, худди айтганидек бўлиб чиқса-я... Қумфонни қидириб декча топиб олди.

Шунга ҳам шукр қилиб, ҳали гўшт пиширишга керак бўлар, деб пастга олиб қўйди. Яна ўриндиқлар тагини бир чеккадан қарай кетди. Бир рюкзак тўла тош намуналарини олдироққа суриб қўйди. Унинг ёнидан нон халта чиқди.

Унда кечаги тушликдан қолган уч дона консерва, салкам бир буханка нон, ўн-ўн беш чақмоқ оқ қанд бор эди, холос. Қолгани кружка, темир қошиқлар экан.

Ўзи аксига юради, ҳамма нарса ҳам кераксиз пайтда қалашиб ётади. Отамурод аччиғини босиб, яна ўриндиқ тагини титкилашга тушди. Ўзининг бир вақт ўриндиқ тагига ташлаб қўйган йўл сувдони билан эски пачоқ канистрдан бўлак керакли ҳеч вақо топа олмади. Тарвузи қўлтиғидан тушиб, мешдаги сувни чамалаб кўрди. Тагида қулдираб турибди. Наридан борса ярим пақир чиқар. Отамурод саросимага тушиб, тек қотиб қол-

ди: «Ишимиз чатоқ-ку. Ҳеч қанчага етмайди-ку. У ёғига нима қилдик?»..

Унинг хаёлига ўтган йили худди шу Устюртда, Орол бўйидаги буровойда ишлаётганларга маош олиб бораётиб адашган кассирлар билан юз берган воқеа лоп этиб келди-ю беихтиёр ўзини ўша шофёрнинг ўрнига қўйиб кўрди: мен ҳам буларни ҳеч қаёққа кетқизмай шу ерда ушлаб турсам-чи! Ярим йўлда сувсиз қолиб кетганимиздан бу ерда кутганимиз минг марта маъқул-да. У ёқда Собир билан Аҳмаджон ака ҳам қараб туришмас. Катта ерга хабар қилишса, ахир қидириб топишадди-ку. Ташлаб қўйишмас.

Ушанда шофёр кассирларни уч кечаю уч кундуз машинадан ҳеч қаерга қўзғатмай олиб ўтирган экан. Кутишга асаблари чидамай қочишганда ҳам тутиб олиб келиб, машинага боғлаб қўйиб, асраб қолган экан. Ердан етиб келишига, қидириб топишларига шунчалик ишонган экан. Нега энди биз ишонмаслигимиз, кутмаслигимиз керак?!

Отамурод қатъий бир қарорга келиб қўйган бўлса ҳам, ҳозир индамади. Мавриди билан айтарман, тўйдан олдин ногора қоқиб нима қилдим, аввал нонушта қилиб олайлик-чи, деди-да, декчани осишга тутинди.

Бу вақт домла машина соясида, зинада ўтириб сомон шляпаси билан тинмай елпинар, ора-сира даструмоли билан тепакал бошини артиб қўяркан, Султоновнинг чаптастлик билан кийик терисини шилишидан кўзини узмасди. Ортиқ кийик оёғини ушлашиб турибди-ю хаёли қочиб, ич-этини еб нималарнидир ўйлаб кетган. «Домлани-ку, кўндирса бўлар, анави ўпкага қандай тушунтирсам экан,— деб ўйлади Отамурод улардан кўзини олиб.— Бунга фақат боғлаб қўймаса, унгача бу ерда тутиб туриб бўлмайди. Нима қилиб бўлса ҳам шу чўлдан чиқиб кетиш пайида. Ўзининг боши омон қолса бўлгани, бошқалар ўладими, қоладими — унга бари бир».

У қўли ишда-ю ўзи тинмай ўйлар, одамларни ўз тарозисига солиб кўрарди...

Султонов кучига ишонади. Хирсдек бақувват одам кутиб ўтира олмайди. Пиёда юриб бўлса ҳам бу чўлдан чиқиб кетишга уринади.

Домла-чи? Хийла тоши оғирлигини, қийналиб қолишини, узоққа бора олмаслигини яхши билади. Номус кучлилиқ қилиб йўлга чиқмаса, кутишни афзал кўради.



Ҳарҳолда паст-баландни кўрган одам, ўйламай бир иш қилмас...

Зулхумор бир қучоқ саксовул кўтариб келаётганини кўриб, Отамурад ўрнидан туриб унга ёрдамга шошилди. Қўлидан ўтинини олиб қайтаркан, шу қизча қийин кунга қолмаслиги учун ҳам бу ердан жилмаслигимиз, сабр-тоқат билан ёрдам келишини кутишимиз керак эмасми, деди ўзига-ўзи. Ундан кейин домла-чи, домла?! Шундай одамни, олим одамни асрамасак, кимни асраймиз!..

Бошқалар нима деса-десин, у шундай қарорга келиб қўйган эди...

## 2

Султонов кийикнинг сонини сонга, тўшини тўшга ажратиб саранжомларкан, бир нарса хаёлидан ҳеч нари кетмас, ҳадеб калласига ўралашиб келаверар, ўзига қарашиб турган Ортиққа кўзи тушгани сари кўнгилғашлиги ортиб борарди. Худо хайрингни бергур, қарашмаса ҳам рози эдим, дерди ичида. Назарида ҳозир унга чалғиб, қўлини кесиб оладигандек чўчиб, эти зириллаб турарди. Лекин у қани энди нари кета қолса... Йўқ, кўзга тушган чўпдек қаққайиб турибди. Бунга сари бояги совуқ гапи ҳеч хаёлидан кетмайди:

«Шунақа экан... биларкансан... овга бошламасдан ақлинг қаерда эди? Қанақа қасдинг бор эди бизда?!»

«Мен атай қилибманми? Атай шундай бўлсин дебманми? Билсам шу йўлга бошларканманми?»

«Ўзингни оқла-я, оқла! Ўйлашинг керак эмасмиди, адашиб кетсак нима бўлади, дейишинг керак эмасмиди? Домланга лаганбардорлик қилгунча, шуни ўйласанг...»

Кўнгилга келган нарса бўлмай қолмас экан. Охири Султонов қўлини кесиб олди. Лекин шундан кейин ҳам у бу хаёлдан қутулмади. Зулхумор боғлаб қўйган қўлини авайлаб, қолган ишни бир ёқлик қиларкан, яна шу хаёл калласига ўралашиб келар эди:

«Худо кўрсатмасин, домлаларга бир нарса бўлгудек бўлса, у ҳамма айбни менинг бошимга ағдаради. Айбдор қилишдан тоймайди. Одам эмас, балонинг ўқи экан. Уни қандай қилиб оғзига урсам, ё тилини қисиқ қилиб олсам экан? Нима қилсам бўларкин?»

Бу орада чой қайнаб, Зулхумор машина соясига эски газетадан дастурхон ёзди. Отамурад кийик гўштининг

ёғлиқ жойндан қозон кабоб қилиб келиб, ўртага қўйди. Индамай, ҳар ким ўз хаёли билан бўлиб, ҳеч бир иштаҳасиз, ўзларини мажбурлаб нонуштага киришишди.

Султонов ҳеч ким билан иши бўлмай, гўшти ҳам, нонни ҳам паққос тушираётган Ортиққа ҳайрон қолди. Шу аҳволда қайси иштаҳа билан томоғидан нарса ўтаётган экан?

Буни сезгандек, домла уларни зўрлади:

— Олинглар, шу билан ҳали яна қачон овқатланамиз...

Зулхумор унга ялт этиб қаради:

— Нима, ҳозир жўнаб кетамизми?..

Отамурод ҳам бундан ҳайратга тушиб, домланинг кўзига тикилди. Камолиддин аканинг ўрнига Ортиқ жавоб қилди:

— Нима, бўлмаса, шу ерда қишлаб қолармидик?!

Отамурод унга ёмон қаради-ю яна индамай кўзини четга олди. Домла эса гапни калта қилди:

— Чойни ичинглар-чи, кетиш бир гап бўлар...

Лекин бу гап Ортиққа ёқмай, оғзидаги гўшти чайнашдан тўхтаб, домлага сўзсиз тикилди. Унинг ниятини юз-кўзи шундай айтиб турар, ўзи эса нега энди кетиш бир гап бўларкан, деяр эди. Султоновнинг хаёлига бир фикр ялт этиб келди: «Кетишга талабгор экан, йўл бошловчиликни ўзига ошириб юборсам-чи? Шу билан оғзига урсам-чи?! Эпласа — эплади, эплай олмаса — тили қисик бўлиб, тинч юради-ку. Ҳамма айбни якка ўзимга ағдара олмайди-ку».

Охири Ортиқ оғзидагини қулт этиб ютиб:

— Қолиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас,— деди-ю ўртадаги чойни олиб, икки хўплаб бўшатди. Бошқалар ҳам бор-ку, уларга қолмади-ку, деган истиҳолага бормади ҳам. Кейин: — Гап шу! — дея ўрнидан тура бошлади.

Унинг ўзбилармонлиги Отамуродга таъсир қилиб, аччиғи чиқиб кетди. Яна ўзини босиб:

— Нима, якка ўзингиз кетмоқчимсиз? Балки биз кетмасмиз,— деди.

Ортиқ чаён чаққандай орқасига ўгирилди:

— Биз деганинг ким? Ўзингми? — У мийғида кулиб мазах қилгандай кесатди.

Отамурод ўрнидан туриб кетди. Бир нима деб узиб олмоқчи бўлди-ю яна тилини тийди. Ади-бади айтишиб ўтиришни эп кўрмай, домлага қаради:

— Менга қолса, домла, ҳеч ким ҳеч қаёққа жилмас-лиги керак. Бу сув билан биз ҳеч қаерга ета олмаймиз. Қўра-била туриб одамларни ҳалокатга бошламайлик.

Домла хаёлга толиб, Ортиқ эса анграйиб қолди. Кейин дастурхонни айланиб ўтиб, унга қараб юрди. Яқин бориб жон-жаҳди билан қўлларини силкишга тушди:

— Нима деяётганингни биласанми ўзинг? Нимага, кимга ишониб бу ерда қолишимиз керак?! А? Бу ерда нима қиламиз? Ўлимимизни кутиб ётамизми?!

— Шошманг, ўйлагани қўясизми, йўқми? — охири чидамай уришиб берди домла.

Ортиқ ноилож орқасига қайтди. Лекин у ҳали осонликча гапга кирадиган одамга ўхшамасди. «Ўлса ҳам кўнмайди, бошқалар қолганда ҳам у кетади,— деб ўйлади Султонов.— Нимага ишоништи, альпинистлигигами? Ҳа, у орамизда энг бақуввати. Ўзига ишонади. Ундай десам Отамурод-чи? Ундан қолишмайди-ку. Нимага энди у унамаяпти?»

Ниҳоят, домла бошини кўтариб:

— Ўтиринглар-чи... Гапни бир ерга қўйиб олайлик,— деди босиқлик билан.

Ортиқ билан Отамурод жойларига индамай чўкишди. Отамурод ердан кўзини олмас, Ортиқ эса сабри чидамай, домланинг оғзига тикилади. Султонов синчковлик билан унга қараб қўйиб, ўзича унинг ёнини олганим маъқулмикан ё... деб ўйлади. Бир қарорга келолмай, бетоқатланиб кафтида қум шопира бошлади.

— Демак, икки хил таклиф тушяпти,— деди домла дастурхон атрофидагиларга бир-бир назар ташлаб. — Овозга қўяверайми ё тушунтириб беришсинми?

Султоновнинг юраги гупиллаб уриб, томоғига бир нарса тикилгандай бўлди: ишонтира олса хўп-хўп-а, лекин асослаб бера олмаса-чи? Ортиққа қараган эди, у билинар-билинмас бош ирғади. Гўё сен хўп деявер, қўллайвер... демоқчи бўлди. Султонов дадил тортди:

— Майли, тушунтириб, ишонтиришсин,— деди у гўё ҳеч нарса сезмагандек. Лекин Зулхумор ўзига тикилиб турганини кўриб, аллақандай бўлиб кетди, нигоҳини ундан дарров олиб қочди.

— Эшитайлик бўлмаса,— домла юрагидаги гапни уқиб олмоқчидек Ортиқнинг кўзларига тикилди.

Унинг салобати босдими, Ортиқ бир зум ўзини йўқотиб, шошиб қолди:

— Мен боя айтдим-ку,— деди қизишиб,— кимга ишониб кутиб ётишимиз керак? Уларгами? — деди кунбо-

тар томонга ишора қилиб.—Ўзингиз ўйланг, уларнинг на машинаси, на от-улови, на рацияси бор! Қачон, қандай, кимга хабар қила олишади?! Ахир вездеход Ағачқудуқдан қайтиб келгунича, кейин улар Катта ерга ҳабар қилишгунича, қидириб топишгунича биз бу ерда тамом бўламиз-ку. Ун километр юрсак ҳам ҳарна-ку. Балки ҳеч қанча юрмай чинкка етиб чиқармиз.

Султоновнинг дили равшан тортиб, борақансан-ку, деб қўйди ичида.

— Яхши,— домла энди Отамуродга ўгирилди.— Сиз нима дейсиз?

Отамурод офтобда хурмо янглиғ қорайиб кетган юзини кўтарди:

— Ўзингиз ўйланг: уч литр сув билан қаерга ҳам бориб бўлади? Икки кунга ҳам етмайди-ку. Ўзимизни ўзимиз қийнаганимиз, баттар адашганимиз қолади. Қум кечиб, бошдан офтоб ўтиб, сувсиз, егуликсиз шу чўлда йўл юриш осон деб ўйлаяпсизларми?! Мен қаршиман бунга, ҳар ким ўзини эмас, бошқаларниям ўйлаб кўрсин.

Султоновнинг энсаси қотди: ўзлари бўлдилар-у, бошқанинг ғамини ейишни уларга ким қўйибди?! Тавба!

Ортиқ жаҳли чиқиб қўл силтади:

— Ваҳиманинг нима кераги бор? Мен ҳайронман: сизлар геологмисизлар ё...

— Шошманг,— яна домла унинг гапини кесди,— ҳар ким танасига яхшилаб ўйласин. Кейин бир-биримиздан домонгир бўлиб юрадиган иш бўлмасин. Ҳамма кетини ўйлаб қўл кўтарсин. Келишиб олдик-а,— у яна ҳаммага бир-бир разм солиб чиқди: — Қани, ким нима дейди? Қим кетмоқчи?

Ўртага оғир сукут чўкди. Ортиқ аллақачон қўлини бошидан баланд кўтариб олган, атрофга аланглаб, юраги тошиб, бошқаларга нимага имиллайсизлар, кўтаринглар қўлларингни, кўтараверинглар, демоқчи бўлади. Отамурод қовоғини уйиб, аввал Ортиққа, кейин Султоновга назар ташлади. Султонов ичида кулиб қўйди: қовоғингни уйсанг-уймасанг ютқаздинг, ука. У қўлини даст кўтариб домлага қаради:

— Дунёда бировни кутгандан ёмон нарса йўқ. Ортиқ ҳақ. Бу чўлни юриб енгмасак, бизни геолог деб ким айтади,— деди ўзида қандайдир қатъият топиб.

Энди улар икки киши эдилар, кимдир оғса бўлди эди. Шу пайт Зулхумор ялт этиб, Отамуродга юзланди-ю:

— Сиз мени деб, мени қийналиб қолади, деб шун-

дай деяпсизми? Очигини айтаверинг. Мен чидайман. Чидашга ҳаракат қиламан,— деб юборди кутилмаганда.

Ортиқ шодликдан ўрнидан сакраб туриб кетди:

— Ана, мен нима девдим? Баракалла, Зулхумор, ҳақиқий Тўмарис экансиз! — дея қичқирди у қувончини яшира олмай.

Унинг шу бир оғиз сўзи масалани ҳал қилган, уч овоз билан Ортиқ ютиб кетган эди. Султонов ўрнидан туриб, уни табриклагани қўл ташларкан:

— Йўл бошловчиликни ҳам ўзингизга топшираман. Омад ёр бўлиб, бизни шу чўлдан олиб чиқиб кетсангиз, бир умр хизматингиздамиз! — деди тап тортмай.

Отамурод ҳам, домла ҳам уни биринчи марта кўриб тургандай, ҳайратда тикилиб қолишганини кўриб, Султоновнинг юрагига ғулғула босиб келди-ю ўзини сезмаганга олиб четга қаради: нима бало, янглишдимми унга эргашиб?

Лекин энди кеч эди, бўлар иш бўлган эди.

### Олтинчи боб

Ортиқ шодликдан қичқириб юборди:

— Баракалла, ҳақиқий Тўмарис экансиз, Зулхумор!

Лекин шу заҳоти кўзи Отамуродга тушиб, ўзи аллақандай бўлиб кетди. Қувончини яшира олмай, қовун тушириб қўйганини сизди. Отамурод худди унинг ниятини фаҳмлаб қолгандай ижирғаниб, нафрат билан қараб турарди. Ортиқ наҳот бошқалар ҳам... деб ўйлади-ю шошиб атрофдагиларга назар ташлади. Хайриятки,— у енгил нафас олди,— улар ҳеч нарсадан беҳабар, ўз хаёллари билан бўлиб ўтиришибди. Ортиққа жон кирди. Ўзини ўнглаб, дадиллашди: «Бориб-келиб шунга сир бой бераманми, шундан паст келаманми! Қим ғолиб ўзи? Уми, менми? Ўзи оёғимнинг тагида мағлуб бўлиб ётибди-ку, яна чалиб йиқитмоқчи! Овора бўлади! — дея хаёлидан ўтказаркан, энди, унинг кўзларида бояги хижолатдан асар ҳам қолмади.— Нима қилиб бўлса ҳам аввал мана бу одамларнинг ишончига кириб олай, ундан кейин ўзим биламан»,— деди-да, тап тортмай тилёғла-малик қилишга тушди:

— Альпинистлигимда саксон километрлаб йўл босардик. Қандай оғир, тик қояларни кўрдим демасдик. Бу қум барханлари экан-ку. Худо хоҳласа сизларни бу чўлдан ўзим олиб чиқиб кетаман. Фақат менга ишонсала-

рингиз бас. Темирдай интизом бўлмас экан, суягимиз бу чўлларда қолиб кетади. Сувни тежашни менга қўйиб берасизлар. Шу сув билан ҳам чиқиб кетамиз.

Лекин Отамуродга яна кўзи тушиб, гапини калта қилишга мажбур бўлди. Отамурод худди унинг кўнглидагини биладигандек, мана ҳозир ҳаммага овоза қилиб шарманда этадигандек тикилиб турар, хўп қуруқ сафсатага уста экансанми, демоқчи бўлар эди.

Ортиқ унга иш буюриб чалғитмоқчи, ўйиндан чиқармоқчи бўлди:

— Сен одамга ўқраймай, йўл тайёргарлигини кўрсанг бўларди. Декча-печкангни йиғиштирмайсанми!

Унинг ўзига алам қилиб турган эканми, гап билан узиб олди:

— Хўжайинчилик қилмаган битта сиз қолувдингиз? — деди-ю бурилиб кета бошлади. Ортиқ бўш келиб ҳозир индамаса, кейин сўзини ҳеч кимга ўтказа олмаслигини сезиб дадил тортди.

— Тўхта! — деди амр билан. Отамурод тўхтаб, бошини ўгириб қаради. «Нима?!» деди кўзлари билан.

— Сен ўзи кимга зарда қиласан?! Таклифинг ўтмаганигами?! — Ортиқ ҳийла билан баланд келиш йўлига ўтиб, овозини юшатди. — Узинг, аввал бундоқ танангга ўйлаб кўр-да, кейин хафа бўл! — У ўзича куйиниб тушунтира кетди. — Хўп, сенинг гапингга кириб, бу ерга қидириб топиб келишларини кутиб ётайлик ҳам. Кейин нима бўлади? Келишса, хўп-хўп, келишмаса-чи? Вақтида топиша олмаса-чи? Унда нима бўлади? Наҳот шуни тушунмасанг?! Наҳот ўзинг яшашни истамасанг? Ўзингни ўйламасанг, биз-чи! Сен бўйдоқ бўлсанг, бизнинг бола-чақамиз, ҳали қиладиган бир олам ишларимиз бор. Дунёдан умидимиз катта. Ҳамманинг ҳам яшагиси келади!

Ортиқ, бу гаплардан у мулзам тортиб, бош эгиб қолади, деб ўйлаган эди. Лекин Отамуроднинг вазоҳатини кўриб, ҳайрон қолди. Унинг кўзлари қисилиб, шундай таъсирли, шундай нафратомуз тикилдиги, гўё «ҳали сен шунақамисан?! Шунақа тулкимисан?! Илоннинг ёғини ялаган доғулимисан?!» — демоқчи бўлар, нафратининг зўридан тили калимага келмай, лаблари учиб-қўнарди. Ортиқ уни осонликча таслим қила олмаслигига ақли етди: бу ҳам ўзига етгунча қайсар экан-ку. Яхшиси уни ўз ҳолига қўйиши керак, энди ундан яхшилик кутиб бўлмайди. Шарманда қилмасидан тилини тийгани маъқул.

Шу пайт Султонов ўртага тушиб, унинг жонига ора кирди. Бўлмаса уриш чиқишига сал қолган, Отамурод Ортиқни шармисор қилиши тайин эди.

— Ҳай-ҳай, эсларингни едиларингни? Уят бўлади-я. Ҳали биз сизларга ишониб ўтирибмизми? Бунақада душманининг кераги йўқ-ку. Отамурод, мен сени тушунган йигит десам, э, баракалла, сизларга.

Шофёр Ортиққа ўқрайиб бир қараб қўйди-ю яна аччиғини ичига ютиб, бурилиб декча осилган томонга қараб кетди.

Султонов йўлига бўлса керак, Ортиққа гина аралаш насиҳат қилган бўлди:

— Сиз ҳам жуда ошириб юбордингиз, сал эви билан-да. Ҳар нарсанинг ози ширин.

Ортиқ ўзини ҳеч нарса билмаганга олиб, елка қисди:

— Мен нима дедим? Нима оғир гап қилдим? Айбим ҳақ гапни айтганимми?!

Лекин шу пайт кўзи Зулхуморга тушиб, ҳайрон қолди. Қизиқ, ҳозиргина ўзини қўллаб юборган, жонига ора кирган шу қизча ҳам унинг ёнини олиб адашганини сезгандай, энди унга ҳайрат аралаш қўрқув билан тикилиб турарди.

Домла эса машина зинасида оёқларини кериб, тиззаларига тирсагини тираганча энгашиб ўтирар, машинаси йўлда бузилиб, ночор аҳволда қолган шофёрдай боши қўйи солиқ эди.

Шу пайт Отамурод Ортиқнинг тилёглама гапларига чидай олмадими, машина орқасидан чиқиб келди:

— Ҳақ гап, ҳақ гап, дея сафсата сотмай қўя қолинг. Сиз ўз жонингизни ўйлаясиз. Бошқаларни ўйласангиз бундай қилмасдингиз,— деди жаҳлдан қизариб-бўртиб.

Ортиқ бир зум довдираб қолди. Отамурод ҳақ гапни, нақ унинг кўнглидагини билиб айтаётган эди. Лекин кимнинг енгилгиси, мағлуб бўлгиси келади? Ортиқ ҳам ўзини ўнглаб олиб, устомонлик йўлига ўтди.

— Ким сенинг таклифингни кўр-кўрона рад этипти. Майли, ана, қўлингдан келса, исботла, асослаб бер. Сен бизни ишонтир, балки таклифингга кўнармиз...

Домла бошини кўтариб, Отамуродга синовчан тикилди:

— Ишонтира оласизми? — деди, «айтинг, бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдиргунча» дегандай.

Отамурод ерга қаради. Ортиқ мийғида кулиб, мана шунақа, исботлай олмайсан-у яна... дегандай тикилган жойида у чуқур тин олиб, бошини кўтарди:

— Бу чўлда энди якка биз адашаётганимиз йўқ. Адашиб, қутулиб кетганлар кўп бўлган,— деди гўё «улар бизчалик ваҳимага тушишмаган», демоқчидек,— ўтган йилимиди,— у Султоновга қаради,— Орол бўйидаги пармакашларга маош олиб бораётган кассирлар чўлда адашиб кетишгани?..

Султонов индамай бош силкиди.

— Нақ саратонда сувсиз, бензинсиз қолиб кетишган.

— Худого шукр, бизнинг уч литр сувимиз бор, шундайми? — кесатди Ортиқ.

У гапни нимага бураётганини сезиб, Отамурод унга ўқрайиб бир қараб қўйди-ю яна ўз гапида давом этди:

— Ушанда шофёр кассирларни уч кечаю уч кундуз машинага қамаб қўйган, асаблари чидамай қочиб кетганларини эса, тутиб келиб боғлаб қўйган, ҳаётларини асраб қолган. Қидириб топишларига, ёрдам етиб келишига ишонган. Бизга ўхшаб пачакилашиб ўтирган эмас!

У бошқа ҳеч нарса демай, бурилиб кета бошлади. Ортиқ бундай кескин жавобни кутмаган эди, серрайиб туриб қолди. Кейин ўзига келиб, ичида тан бериб бош чайқади: бало экан-ку, гап билан тузлаб, бирваракайига лой қилиб кетди-ку.

Лекин у шу заҳотиёқ ўзини қўлга олди. Шунга яраша гап топиб бериши кераклигини, иложини топса, миқ эта олмайдиган қилиб қўйиши зарурлигини ҳис этди. Ҳис этди-ю, сергак тортди. Миясига чўқмордек залворли гап ҳам лоп этиб кела қолди. У ана шу чўқмор гапни унинг орқасидан отди, нақ «мия»сини мўлжалга олди:

— Сен ўша шофёр бўла олмайсан!

Отамурод ялт этиб ўгирилиб қаради. Чўқмор тош мўлжалга теккан эди. Унинг кўзлари чақнаб, учқунланиб кетди.

Ортиқ зарба устига зарба беришга чоғланди:

— Негаки, сен бизнинг олдимизда айбдор одамсан. Ишончдан қолган одамсан. Бунинг ўзинг ҳам яхши биласан. Йўқ де-чи? — У истеҳзоли тикилди.— Деёлмайсан!

Отамурод қулоқларигача оқариб кетди, кейин юзига қизиллик югурди:

— Сендек оқ бўлиб яшагандан,— у азбаройи жаҳдан дудуқланиб қолди,— қора бўлиб ўтган яхши!..

У шарт бурилиб нари кетди. Ортиқнинг кўзлари тиниб, боши гир айланди, гўё оёғи тагида ер қалқиб, ўзи оғиб кета бошлади-ю чўчиб, ўзини ўнглаб олди. Ўзи отган чўқмор тош қайтиб, ўзига теккандай, бир зум гангиб қолди. Лекин у таслим бўлиш учун бу жангга кир-



маган эди. Сўнги дақиқада яна ўзини қўлга ола билди:

— Ҳаётимиз қил устида турибди-ю бунинг гапини қаранг! Жиззакилик ҳам эви билан-да... Гап шу! — деди у гапни кесиб.— Кўпчилик ҳал қилдими — тамом, ҳеч қанақа муҳокамага ўрин йўқ! Мен ҳаммангиз сўзсиз бўйсунингизни талаб қиламан. Чинкка чиқиб олгандан кейин эса менга деса бир-бирингизни судга беринглар!

Ҳеч ким ҳеч нарса демади. Зулхумор билан домла ҳамон бош эгиб ўтиришар, Ортиқнинг назарида улар унга қарши чиқмай хато қилганларини энди сезиб, тил тишлаб қолган эдилар. Лекин улар энди туғён қилолмасликлари ҳам юзларидан шундай кўриниб турар, бу эса ғалаба билан тенг эди. Ортиқ мағлубларига қараб туриб, ўзининг шайтонона тантанасидан ичига сиғмай шундай қаҳ-қаҳ уриб кулгиси келдики...

Лекин ҳозир бунинг мавриди эмас, ҳали эрта эди бунга...

— Етар,— деди Ортиқ охири,— ҳар ким ўзига керакли нарсаларни олсин, йўлга чиқамиз.

Зулхумор ялт этиб аввал унга, кейин домлага қаради. Қўйин дафтарчасига алланималарни ёзаётган домла гап-сўзсиз йиғиштирина бошлади. Қиз бундан ҳайратга тушиб, Отамуродга шошиб кўз ташлади. У ҳам индамай декчани қопчиққа жойлашга киришаркан, Зулхумор чидамай бир қадам олдинга чиқди:

— Нима, ёв қувяптими, эртаминан чиқармиз йўлга. Кунни қаранг...

Ортиқ энди бўш келмасликка қатъий қарор бериб, кесиб гапирди:

— Кетадиган бўлгандан кейин кетиш керак-да. Кечгача, — у соатига қараб олди, — етти-саккиз соат юрсак ҳам ҳарна.

Улар йўл ҳозирлигини кўра бошладилар. Домла ўрnidан турган жойида ниманидир эслаб, яна қўйин дафтарчасини қўлига олди, капот устига қўйиб, бир варагига катта-катта қилиб ёза бошлади.

Отамурод эса машинани айланиб ўтиб, ўз ўриндиги тагидан эски бир пачоқ пақирчани тортиб олди-да, газик олдига ўтиб, капотни кўтарди. Энгашиб нималарнидир титкилай бошлади. Кейин радиатор тагига пақирчани қўйиб, унинг сувини оқизиб юборди. Ҳаммалари келиб унинг ёнида туриб қолишди. Отамурод қумда чўккалаб ўтирганича охирги томчи сув тушиб бўлгунча кутиб турди-да, кейин ярим пақирдан ошиқ занг баша-

ра сувни кўтариб қаддини ростлади. Ортиқ хурсанд бўлиб кетди:

— Худо бераман деса шу-да. Нақ қайнаган сув. Йўғида ичишга ярайверади, тўғримасми?

Лекин ҳеч ким ҳеч нарса демади, ҳамма ўзини эшитмаганга олди. Бундан жаҳли қўзиган Ортиқ бориб машина орқасидан бўшаган боржом шишаларини олди-да, Султоновга узатиб, Исонинг аламини Мусодан олмоқчи бўлди.

— Бекор турганча бекор ишла, деганлар. Мана буларга ўша сувдан солиб олинг,— деб буюрди. Султонов унга тушуна олмай қаради:

— Шиша нимаси, тайёр канистр бор-ку.

Ортиқ уни жеркиб ташлади:

— Туш кўрмаяптиларми, мабодо. Кўзингизни очинг. Сиз кийик овига чиққан бошлиқ эмассиз, айтган нарсангиз ўша заҳоти муҳайё бўладиган. Ниҳоятти йўлдан адашган, ўзимиз қатори бир одамсиз. Айтгандан кейин қилаверинг-да.

Ортиқ ҳар қандай одамнинг суяк-суягидан ўтиб кетадиган шундай заҳар гаплар қилар, лекин аччиқ ҳақиқатни тўкиб солиб, эътирозга ўрин қолдирмасди. Султонов ҳам бўғриқиб лов этиб ёнди, алам, аччиқ босиб келиб, кўзлари чақнаб кетди. Лекин аччиқ ҳақиқат олдида тилини тишлаб жим қолди. Индай олмади.

Ортиқ ўриндиқ тагидан сувли мешни тортиб олиб, кўринарли ерга қўяркан, бир чеккада гарангсиб турган Зулхуморга пичинг қилди:

— Нима, сизга алоҳида айтиш керакми? Қимирламайсизми?

Қиз бечора баттар ўзини йўқэтиб, нима қиларини билмай довдиради. Ортиқ унинг ҳолига ичидан кулди: «Ҳалитдан шундай бўлса, эрта-индин ҳолига маймунлар йиғларкан-да. Шўрингга шўрва. Чўлда сенга нима бор эди, касофат? Сенга илиқмасам мен ҳам шу кунга тушмасдим». Унга ижирғаниб қараб қўйди-да:

— Ол анави рюкзакни, тошини бўшат-да, тақиргукурларни жойла, қараб турган билан иш битадими?— деди тўсатдан сенсираб.

Бу кутилмаган совуқ муомаладан Зулхумор кўзларини катта очиб, турган ерида тош қотиб қолди. Ортиқ шу бир оғиз гап билан унинг кўнглини чилпарчин қилиб ташлаганини сизди-ю, лекин кечирим сўрашни ўзига эп кўрмади. «Нима, қиз бола деб тақсимчага солиб юришимиз керакми? Шу пайтда кўнгилга сиғарканми!» —

деб ўзига-ўзи таскин берди, гўё ҳеч нарса бўлмагандек уни шоширди.

— Бўла қол, вақт зиқ.

Кутилмаганда қизнинг юзига дадиллик қалқиб чиқиб, машина ойнасига: «Биродарлар, биз шимоли-ғарбга қараб пиёда кетдик», деб ёзилган бир варақ қоғозни ёпиштираётган домлага қаради:

— Домла, бу нима деган гап ўзи? Ахир биз шу тошларни деб келсак-у, бу киши...— Зулхумор «ҳақиқат борми ўзи?» демоқчи бўлди куйиниб. Домла қилаётган ишидан тўхтаб ўгирилди. Ортиққа тушуна олмай, сўзсиз тикилди.

Ортиқ эса отини олдинроқ қамчилаб, унинг оғзига урмоқчи бўлди:

— Бош омон бўлса, тош топилади. Ит емайди уни — у рюкзакни шарт тортиб олиб, ағдармоқчи бўлди-ю шу пайт бирдан дала сумкасига қотирилган компаснинг тилига кўзи тушиб ҳайрон қолди. У қопчиқни олганида компас тили ўзидан-ўзи ликиллай кетди, қопчиққа эргашиб бурила бошлади. Ортиқнинг ҳайронлиги ортиб, тошли рюкзакни у ёқ-бу ёққа бурди. Қизиқ, стрелка қопчиққа эргашиб ўннга бурса ўннга, чапга бурса чапга бурилар, ликиллаб тинчимасди. Ортиқ бирдан зийрак тортиб, бақириб юборди:

— Ия, ҳамма бало шу ерда экан-ку! Бизни адаштирган мана шу тошларингиз экан-ку, профессор! Минг лаънат-э тошларингизга! — у жаҳолат ичида қопчиқни тош-поши билан домланинг оёқлари остига итқитди.

Ҳеч ким ҳеч нарсага тушуна олмай, унга қаради. Фақат домла бир нарсани сезиб:

— Ўзи нима гап? Тинчликми? — дея югуриб келди.

Ортиқ ўшқирди:

— Тагин булар олим эмиш! Э, садқаи олим кетинглар-е...

Домла таққа тўхтаб қолди. Тилла кўзойнаги тепасида қалин қошлари учиб-қўниб, лаблари гезариб кетди.

— У нима деганинг? Бу қандай ҳақорат?!

— Ҳақорат эмас, ҳақиқат! Тошни магнитдан ажрата олмайсизларми бўлмаса!.. Компасга яқинроқ олиб келинг-а, ўша тошларингизни.

Домла бир нарсани тушуниб, компасли сумкани олиб, қопчиққа яқин борди. У ёқ-бу ёққа ўтиб ҳайратга тушди. Кўзларига ишонмай, яна шундай қилди. Кейин бирдан

юзлари ёришиб, бошини кўтарди. Янгиликни нчига сизгидира олмай:

— Зулхумор, у ҳақ, ҳақ! Табриклайман сизларни!— дея овоза қила кетди.— Экспедициямиз бекор кетмабди. Керилар орасида магнитли намуналар бор экан. Демак, маъдан ҳам бор. Ура, ўртоқлар! — У сомон шляпасини олиб, беихтиёр осмонга ота кетди.

Бошқалар бирпасда уни ўраб олиб, адашганларини ҳам унутиб бозор қилиб юборишди. Улар худди олтин топган одамлардай бир-бирларини табриклаб қучоқлашар, чирпирак қилиб айлантиришар, ўйинга тушгудек бўлишар эди. Геологлиги тутиб, Султонов ҳам уларга қўшилиб кетган эди.

Фақат Ортиқнинг ўзи бир четда яшин урган одамдай серрайиб турар эди.

### *Еттинчи боб*

Улар бир қаторга тизилишиб, жимгина сояларини босиб кетиб боришади. Қуёш тикка кўтарилгани сайин слкани куйдиради. Соялар ҳам офтобдан оёқнинг тагига қочиб кичрайиб қолган. Чўл бамисоли олам тандиридай олов пуркайди. Иссиқ ҳаводан томоқ қақраб, нафас тикилади. Ҳамма бирдай ҳансираб-ҳарсиллайди.

Олдинда йўл бошлаб бораётган Ортиқ анча илгарилаб кетади-да, тўхтаб жиғибийрон бўлади:

— Мунча имиллайсиз, Султонов? Сизни геолог деб ким айтади? Қани, бўла қолинг. Сизлар ҳам етишиб-етишиб юринглар! Зулхумор, нима, ҳалитдан оёғингга ел тушдими! Шахдамроқ юр-да. Орқадагиларнинг оёғини тутмай.

Лекин ҳеч ким унга эътибор бермайди. Қадамини тезлатмай, ўша-ўша, ҳоли келганича юриб бораверади. Орқада келаётган Отамуроднинг ғаши келиб, аччиғи қистаб-қистаб қўяди: йўл азоби етмагандай, мунча асабга тегеди?! Ўргилдим ундай йўл бошловчидан, дея четга тупурмоқчи бўлади-ю қуруқшаган оғзига тупук ҳам келмай, тили танглайига ёпишади.

«Одамларга аллақачон дам бериш керак эди,— ўйлайди у.— Кун қизиб кетади, деб эрталабки чойни ҳам ичиб-ичгандай қилмади. Бунақада йўл чақиб қўяди-ку. Ана, ҳалитдан Зулхумор оқсай бошлади. Эртаминан олдинда эди, энди орқага тушиб қолди. Миёғ сездирмайман, деса ҳам билиниб қоляпти. Қиз бечорага бир нарса

бўлган. Вақтида олдини олмаса оёқни ишдан чиқаради».

Йўл бошловчи парвойифалак, бархан ошиб, илгарилаб боради. Худди жон керак бўлса етиб олсин дегандай, одимини бўшаштирмайди. Орқадагилар билан иши йўқ, олдиндан кўзини узмайди. Худди мана ҳозир чинкдан чиқиб қоладигандек.

«Йўл бошловчи деган балки шундай қаттиққўл бўлиши керакдир,— дея хаёлидан ўтказди Отамурод.— Шусиз бу чўлдан чиқиб кетиб бўлмас... Лекин қаттиққўлликнинг ҳам чегараси бордир, ахир. Бунақада ваҳшийдан қанақа фарқимиз қолади?!— Отамурод қатъий бош чайқади.— Тезроқ, иложи борича тезроқ ундан қутулишимиз керак, у бизни тириклайин ўлдирмасидан қутулишимиз керак. Йўл бошловчиликдан четлатишимиз керак. Лекин қандай қилиб?»

Отамурод ўзидан олдинда оқсоқланиб зўрға қадам ташлаётган Зулхуморнинг бир кундаёқ таги кўчган ботинкасига тикилганича шуни ўйлаб бораркан, бирор чора топа олмай, калласи торс ёрилгудек бўлади. Зулхумор оёқлари қумга ботиб, саксовул шохларига қоқилиб, чалишиб кетади. Шунда гандираклаб йиқилгудек бўлиб мункийди-ю яна ўзини тутиб, изга тушиб олади. Лабларини қаттиқ тишлаб, их, деган овоз чиқармайди. Отамурод унинг кечаги: «Сиз мени қийналиб қолади деб шундай деяпсизми! Мен чидайман. Чидашга ҳаракат қиламан», деган гапларини эслайди. Чидашга ҳаракат қиляпти. Лекин бу аҳволда қанчага чидаркин, деб ўйлайди. Ишқилиб тезроқ етиб олайлик, тезроқ чинкка чиқа қолайлик, дейди. Ўзи орқадан унга кўз-қулоқ бўлиб, мункиб кетса ушлаб қолишга ҳозирланиб боради. Терлаб-пишиб, елкалари жиққа ҳўл бўлиб кетган домла ҳам Зулхумор ҳар қоқилганда худди ушлаб қолмоқчидек орқасига ўгирилади. Шунда унинг дув терга тушиб, бўртиб кетган юзи Отамуродга аниқ кўринади. Қошларига йиғилган томчи-томчи терлар маржондек дув тўкилади. Йўл қоқиб, ўзи адои тамом бўлган-у, кетидаги Зулхумордан номус қилганидан ҳам йўлдан қолмай чидаб, тишини-тишига қўйиб боради. Бўлмаса, пуфласа йиқилгудек ҳоли қолибди.

Кўз кўзга тушиб, домла сергак тортади. Номус кучлилик қилиб, ўзини қўлга олади-ю қадами шахдамлашади. Лекин қачонгача чидарди бу аҳволга?! Қанчага ҳам етарди! Отамурод чуқур тин олиб, кўзларини ерга қадайдди. Кейин йўлдошларига етиб олишга шошилиб,

қадамни жадаллатишга уринади-ю, лекин оёқлари ёғоч оёқдек бўй бермайди. Ҳар қадам ташлаганда пружинадек букилиб кетай дейди. Кўнгли озиб, бутун бадани зирқирайди. Шу пайт бир дам шундай чўзилиб ястангиси, оёқларини ёзиб, бир пиёлагина иссиқ чой ичгиси келадики...

Лекин илож қанча, сарбон парвойфалак, уларнинг ўлган-тирилганига қарамай илгарилаб кетяпти. Ҳар замон-ҳар замон тўхтаб, уларни шоширади, чаён чақди гаплари билан узиб-узиб олади, орқада қолаётганларга захрини сочади. Етиб олишгач, яна тўнғиллай-тўнғиллай олдинга тушиб йўл бошлайди. Шунда нимагадир Отамуроднинг кўз олдидан кушхонанинг бўйнига қўнғироқ осилган оқ серкаси кетмай қолади. Бешёғочдаги эски кушхонанинг шундай ўргатилган серкаси бўлгучи эди. Отамурод эсини танибдики, ҳамма подаларни ўша серка кушхонага бошлаб кириб кетар, кейин қўйларни қас-собга топшириб, ўзи омон чиқаверар эди.

Айтишларича, у жуда айёр экан. Қўйларни кушхона эшигидан бошлаб кириши биланоқ ўннга бурилиб, каттакон тоқчага сакраб чиқиб оларкан-да, тек тураверар экан. Сарбонини йўқотган қўйлар битта-битта қас-соб қўлига тушавераркан. Серка бўлса ҳар замонда бир хашак чимдиганича тепада туриб, алданганларнинг терисини қандай шилишларини бефарқ кузатаркан.

Бугун кечаси ўша оқ серка Отамуроднинг тушига кириб юрибди. Улар ҳориб-чарчаб, бурниларидан тортса йиқилгудек бўлиб, жазирамада кетиб боришаётганмиш-у, олдиндан элас-элас қўнғироқ овози келармиш. Нима бу, карвонми, қаерда экан, деб бошини кўтарса, олдинда ўша оқ серка, қўнғироғини жиринглашиб йўл бошлаб кетаётганмиш. Отамурод чўчиб уйғониб, тепа-сида қистаб турган Ортиқни кўрди:

— Тур, турсанг-чи. Тош қотганмисан!

— Ҳа, нима дейсан? — жеркиб юборди Отамурод азбаройи энсаси қотиб.

— Бўл, вақт ўтяпти. Сени деб кун қизигига қолиб кетишимиз керакми?! Эрталабки салқинда ҳар кунни ўн километрдан йўл босишга келишган ким эди?! Келишгандан кейин амал қилларинг-да! Нима, мен сенларга энагаманми, ҳар биттангни уйғотиб юрадиган. Бўлларинг, кетдик!..

Шундан бери Отамуроднинг кўнгли ғаш, кўз олдидан оқ серка чўққи соқолини селкиллашиб беҳаёларча тикилиб тургани-турган. Бировга айтадиган гап эмас. Ле-

кин ғашлик кўнглини кемиргани-кемирган. Ҳзи бундан қандай қутулишни билмайди. Оёқ остига қараб кетаверганидан гардани қотиб қолибди. У хумдек оғир бошини зўрға кўтариб, олдинга қараб қўяди. Ҳамроҳлари мункиб кетай-мункиб кетай деб, қўлларидаги эгри-бугри саксовул таёқларга тиралганча қум кечиб боришади. Икки бархан оралиғидаги бу қўриқни саксовул чакалаги қоплаган. Ҳар ер-ҳар ерда садалаб ўсган юлғунлар кўринганида ўлимтик сояси ўзига шундай тортадики... беихтиёр юлғун соясига таппа ташлаб чўзилгиси, бирпас ором олгиси келади. Лекин қани энди Ортиқ шунга кўнса. Орқада оқсаб қолганни қандай қилипти-ю, сояга чўккани қўярмиди.

Шу пайт бехосдан Зулхуморнинг оёғи юмронқозик уясига ботиб, ўзи мункиб кетди. Отамурод уни тутиб қолмоқчи бўлиб талпинди-ю қўли етмади. Зулхумор йиқила туриб ўтириб қолди. Отамурод шошиб унинг қўлтиғидан олди, лекин у ҳоли келмай бош чайқади. Оёқларини узатиб, кўзларини юмди. Шу кўйи юзларидан тер қуйилиб, чуқур-чуқур тин оларкан, қуруқшаган лабларини зўрға очиб, пичирлади:

— Сув, сув, денг.

Отамурод елкасидан қопчиқни чиқариб ташлаб, Ортиқни чақириб олдинга югурди.

— Эй! Тўхтаг. Тўхтатинг уни! Чақиринг. Сув керак денг. Сувни олиб келсин. Сувни...

Унинг шовқинига Ортиқ тўхтаб ўгирилди-ю асаби қайнаб четга тупурди.

— Мана шунақа-да, чўлда бало борми буларга! Уйда ўтирса ўладимн-а? Тирик товонлар! — дея сўкинди у. Унинг тўхтаганини кўриб, Отамурод ҳам тўхтади. Домла худди бир ёрдам бероладигандек, Зулхуморнинг олдига ошиқди. Буни кўриб Ортиқнинг фиғони ошди:

— Қаёққа? Қайтинг деяпман? Шунга шунча ваҳимами?!

Ҳамма турган ерида анграйиб туриб қолди. Эси жойидами, нима демоқчи ўзи, дегандай бир-бирига қарашди. Ортиқ энди Отамуродга осилди:

— Ҳей, сен! Сув деб бақиргунча ўрнидан турғизиб қўймайсанми! Мунча ваҳима қиласан? Улиб қоляптими?! Турғиз, чидасин! — у йўлига бурила туриб, амр қилди: — Кетдик.

Лекин ҳеч ким жойидан жилмади. Унинг бу қилиғидан Отамуроднинг сочи тикка бўлаёзди:

— Шошманг, диёнатингиз борми ўзи? — деди чидамай.

— Нима? Нима дединг?! — Ортиқнинг кўзлари совуқ ялтираб кетди.

— Сиз менга бундай тикилманг! Арпангизни ҳам хом ўрган жойим йўқ! Сувни олиб келинг, — талаб қилди Отамурод қўлини чўзиб.

Ортиқ ундан бунчалик қатъиятни кутмаган экан, бир зум тили гапга келмай қолди.

Отамурод жаҳлидан тушмай:

— Сизга айтяшман! Олиб келинг! — деди қайтариб.

— Ҳали сен... менга буюрадиган бўлдингми? — Ортиқ азбаройин жаҳлдан қалтираб кетди.

— Ҳа, мен, — деди Отамурод бўш келмай, — бизга шафқат қилмай қўя қолинг, майли. Лекин қиз болага бундай муомала қилишга қандай ҳаққингиз бор?

— Нима, бўлмаса елкамга ўтқизиб ола қолай?! — у қўллари билан кифтини кўрсатиб шанғиллади.

Шу пайт Султонов, меннинг сўзимни олади-ку, деб ўйладими, ўртага туша қолди:

— Яхшимас, Ортиқ ака, нима кераги бор аччиқ-чучук гапларнинг. Бир қултум сув одамни ўлдирибдими! — деди. У шу бир оғиз гапи билан балога қолди. Ортиқ уни ер билан баробар қилиб ташлади:

— Яхшими, ёмонми, сендан сўраётганим йўқ. Сен аралашмай қўя қол. Бир марта сўзингга кириб бўлганмиз. Ҳали жазосини тортиб ётибмиз. Энди сенга ўртага тушишни ким қўйибди!

Султоновнинг дами ичига тушиб, ўзи бир қарич тортиб кетди. Ортиқ бўлса юзини сидириб ташлаб, яна ўз гапини маъқуллади:

— Гап битта, чидайсизлар. Ҳар қадамда ҳар кимга сув бераверса, етказиб бўладими!

Отамуроднинг жаҳли энди ҳиқилдоғига келди. «Нокас, кунимиз ҳали сенга қолдими?! Сенга ялинишга қолдими?!» У жаҳолатда хезланиб икки қадам қўйди-ю яна бу шахдидан қайтди. Домланинг ҳурмати ўзини босди. Бунни сезиб, домла Ортиқни иисофга чақирди:

— Сиз, укам, ўзингизни бу қизчанинг ўрнига қўйиб кўрсангиз бўларди, бунчалик қаҳри қаттиқ бўлиш яхшимас. Охири яхши чиқмайди.

— Чиқадими, чиқмайдими, ўзим биламан. Сизга дахли йўқ! — Ортиқ жаҳл билан тарс-тарс юриб келиб, орқасидаги мешни туширди-да, кружкага сув қуйиб, Отамуродга узатди. — Обор, заҳарига ичиб олсин.



Отамурод ғалати бўлиб кетди. Асаби қайнаб, юзига қон тепди. Юраги кўкрагига сиғмай, темирчининг босқонидай гурс-гурс уриб томоғига тикилди. Бенхтиёр кружкадаги сувни унинг башарасига сепиб юборай деди-ю яна ўзини тийди.

Лекин Зулхумор ўтирган ерида бир сапчиб тушди. Кўзларини катта-катта очиб, Ортиққа нафрат билан тикилди.

— Золим! — дея пичирлади-ю юзини терс ўгириб олди.

Ортиқ лов ёнди, чидамай:

— Бердим, бўлди-да! — дея бақириб берди. Кейин бурилиб кетатуриб, эшитилар-эшитилмас сўқинди.— Манжалақи...

Хайтовур қиз эшитмади. Лекин Отамурод аниқ эшитди. Эшитди-ю кружкадаги сувни домлага тутқазса солиб, Ортиқнинг орқасидан отилди:

— Шошма, номард! — Ортиқ ўгирилгунича бўлмай у икки ҳатлашда етиб олиб, елкасига қўл ташлади, кейин шаҳд билан ўзига қаратиб, қулоқкашлаб қулоғининг тагига тарсаки тортиб юборди.— Нима дединг! Яна қайтар! Қайтар-чи, ифлос!

Ортиқ талвасада қўллари билан бошини тўсиб, кўзининг пахтаси чиқиб тисарилди. Отамурод хезланиб, ҳозир гурзи қўллари билан уни янчиб ташламоқчидек, унинг устига бостириб келиб ёқасидан олди:

— Сен ҳали андишанинг отини қўрқоқ қўйдингми! Янглишасан! Бекорларни айтибсан! Айт, кимга ситам қиласан?! Кимга аччиқ қиласан?! — У жаҳолатда Ортиқни сенсирай кетди.— Биз бўлдик-да, энди у қолдимми?! Унга осиласанми? Қиз болага осиласанми, пасткаш?! Кеча Зулхумордон эди. Оғзингдан бол томарди. Энди шундай... бўлдими? Кечамасмиди, уни Тўмарис деб кўкларга кўтарганинг! Энди бир қултум сувга арзитмадингми, номард! Унг қулоғу чап қулоғинг билан эшитиб ол! Иккинчи тил теккизсанг, билиб қўй, шундай жиғингни эзиб қўяманки, бир умр унута олмай юрасан. Бор!

Отамурод қўлларини унинг ёқасидан олиб, кўкрагидан итариб юборди. Кейин домлага кўзи тушиб, хижолат аралаш кечирим сўради.

— Узр, домла, ўзимни... тутолмадим.

Домла совуққина бош силкиди. Отамурод буни сезиб, ғалати бўлиб кетди. Унинг олдида ўзини боса олмагани учун ўнғайсизланди. Афтидан, домла ҳам шундан ҳафадай, уларнинг андишасизлик билан ёқалашишлари-

дан ранжигандай эди. У Зулхуморга сув ичириб бўлиб, ўрнидан турди-да:

— Сояга ўтиб, бирпас дам олволинглар,— деди ҳеч кимга қарамай.

Отамурод индамай бориб, қизнинг қўлтиғидан олиб турғизди-да, шу яқиндаги юлғун соясига қараб етаклади. Домланинг ўзи Султонов билан йигирма қадамча наридаги саксовул тагида тўхташди. Отамурод қизнинг ёнига чўкмоқчи бўлган эди, Султонов уни қўли билан имлаб чақирди. Ортиққа эса домланинг ўзи:

— Бу ёққа келинг-чи,— деди.

Бу бошқа гап. Аллақачон бошчиликни ўз қўлларига олишлари керак эди, деб ўйлади Отамурод, кейин Зулхуморга:

— Мен ҳозир келаман. Сиз бемалол дам олаверинг,— деди-да, ўша ёққа йўл олди.

Улар саксовул соясига сиғмай, ярим айлана қуриб жойлашаркан, ҳозирги жанжал эсларига тушиб, хижолат аралаш ерга қараб қолишди. Домла эса ҳамон ҳансирар, нафасини ростлай олмас, чуқур-чуқур тин олар эди.

— Гап бундай,— деди ниҳоят у.— Мен сизларга бўладиган гапни айтиб қўя қолай. Бу аҳволда биз бу чўлдан чиқиб кетолмаймиз. Йўл азоби етмагандай, уриш-жанжалларингиз нимаси?! Одам одамга дўстми ё душманми? Шунақа пайтда бир-бирларингизга қайишмасанглар, қачон қайишасизлар? Ҳар ким ўзини ўйларкан, овора бўласизлар, бирортангиз ҳам бу ердан қутулиб чиқиб кетолмайсизлар. Йўқ, қутулиб кета олмаман, дейдиганлар бўлса айтсин!

Ҳаммалари бош эгиб ер чизиб қолишган, домла эса аччиқ ҳақиқатни тўкиб соларди:

— Иккала қулоғингиз билан эшитиб олинглар,— деди домла тин олволиб,— худо кўрсатмасин, агар ана шу қизчага бир нарса бўларкан, уни шу ердан эсон-омон олиб чиқиб кетмасаканмиз, умр бўйи одамлардан тавқи лаънатга қолиб кетамиз. Бизни ҳеч ким кечирмайди. Тўрт бирдек эркак бир қизчани, тириклик тираги бўлган бир аёл кишини асраб қола олмасак, нима деган одам бўлдик? Шунини ўйлаясизларми ўзи? Кўзларингизни очинглар, ҳали ҳам кеч эмас.

У жим қолди. Отамурод бошини кўтариб унга қарай олмас, юз-кўзини кўрмас, лекин ич-ичидан уни маъқуллаб ўтирар эди.

— Унга кўз-қулоқ бўлиб туришни шахсан ўзингиз-

га топшираман, Отамурод,— деди домла ниҳоят.— Сув ҳам сизда бўлади. Сувга ҳам, Зулхуморга ҳам бошингиз билан жавоб берасиз. Биз ичмасак ичмайлик, лекин у қийналмаслиги керак. Тушундингизми?!

— Яхши,— Отамурод бош кўтариб унга қаради. Домла энди анча хотиржам тортиб, оёқларини узатиб юборди-да, силашга киришди. Султонов чуқур хаёлга толиб кетган, Ортиқ зардаси қайнаб, юзини четга ўгириб олган эди.

Шу пайт бош бармоқдек бир қизилқанот чигиртка қаёқдандир учиб келиб Ортиқнинг кўкрагига қўнди-ю у чўчиб, чигирткани юлқиб четга итқитди. Чигиртка бархан устига тушиб, қумга қорилди, яна ўзини ўнглаб оёққа турди-да, сакраб, қизил қанотларини ёзганча учиб кетди.

— Шунақа,— деди домла унга қараб қўйиб, ҳамон оёқларини силаркан,— олтиннинг аслини маҳак тош, одамнинг аслини қийин кун ажратади. Азалдан шундай бўлиб келган, шундай бўлиб қолаверади.— Кейин оёқ остидан бир сиқим қум олиб, хаёлпаршонлик билан кафтида шопираркан, кутилмаганда узоқдан гап бошлади.— Айтишларича, бундан неча минг йиллар бурун бир денгиз бўйида етти оғайни тинч-хотиржам ота-боболаридан қолган қайиқда балиқ овлаб кун кечиритар экан. Кунлардан бир кун улар денгизга чиқиб, довулда қолишибди. Шамол қайиқларини номаълум ёқларга суриб кетибди-ю қайтиш йўлини йўқотишибди. Тинка-мадорлари қуриб, ҳолдан тойгунча таниш соҳилни ахтаришибди, лекин ҳеч нажот йўли очилмабди. Шунда улар бошқалар ҳам биздек қайтар йўлини топа олмай сарсон-саргардон бўлмасин, ҳеч ким бизнинг кунимизга тушмасин, деб одамларнинг умид юлдузига — Етти Оғайни юлдузга айланишган экан. Етти Оғайнига қараб йўл топиш ўшандан кейин расм бўлган дейишади,— у кафтидаги қумни ерга ташлаб, бошини кўтарди. — Бу-ку, бир афсона. Лекин ким айтади сиз билан бизнинг қўлимиздан бундай фидойилик келмайди деб? А? Албатта Етти Оғайнининг Альфа юлдузига айланиш шарт эмас. Лекин нажот йўлини топиш мумкин-ку. Иродамиз етар дейман?

У куйиб-пишиб, ёниб-тўлқинланиб тушунтираркан, юракда эзгу умид учқунларини уйғотаркан, «у ҳақ, ҳақ, ҳақ» дерди Отамурод ўзига-ўзи.

Домла яна бирпас жим қолиб, тиззаларини уқалаб ўтирди-да, кейин бошини кўтариб, Ортиққа қаради.

— Шунақа гаплар, ука,— деди унга юмшоқлик билан.— Хафа бўлманг-у, сизга битта ёмон насиҳатим, бунақа бетгачопар бўлманг. Ёшсиз ҳали. Ўз ҳурматингизни билинг. Ўзингиз ўйланг, ахир, ҳозир қаттиқ-қуруқ гапнинг ўрними? Ҳамма нима ғамда-ю сиз одамнинг бошида тегирмонтош юргизмоқчи бўласиз. Яхшимас. Уят бўлади. Ҳали бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади, кўрмагандай бўлиб кетамиз. Ушанда юз юзга тушганда уялмайдинган иш бўлиши керак. Майли, бу ёғига маҳкам бўлинг. Ҳозир меш билан компасни Отамуродга топширинг-да, ундан тошли рюкзакни олволинг.

— Биламан, шу керак сизларга! — Ортиқ кутилмаганда сапчиб туриб кетди, зарда билан мешнинг боғичини елкасидан чиқариб, ўзини шалақлатиб ерга ташлади.— Олинглар, ола қолинглар! Зарил кептими менга. Тошларингиз кимга керак бўлса, ўзи кўтараверсин. Мен бу ерларда тош кўтариб юришининг кафилини олган эмасман.

— Кўтармагани яхши! Худо хайрини берсин, — деди Отамурод шунга ялинасизларми, дегандай.

Кейин туриб ердан мешни кўтариб оларкан: «На яхши гапга кўнади, на ёмон гапга. Қанақа қайсар одам экан, нимага кажбахслик қилади-я, тавба», деб қўйди ичида. Бу вақт Ортиқ якка ўзи бир чеккага бориб, ҳаммага орқа ўгириб турар, аразлаган дўстдан аламзада душманга кўнроқ ўхшаб кетар эди.

### *Саккизинчи боб*

Ишиндан оғиб кетган қуёш пешонадан уриб, кўзни кўтариб қарашга қўймайди. Улар энди ўзларини бир-бирларининг сояларига олиб, офтобдан хийла жон сақлаб, изма-из боришмоқда. Лекин қотмадан келган Отамуроднинг орқасига тушиб қолган Зулхумор, ҳар қадамда кўзига қуёш тушиб, юра олмай қийналади. Домла буни сезиб, қадамнинг тезлатди-да, уни айланаб олдинга ўтиб олди. Зулхумор унинг тирсагидан ушлаб, миннатдорчилик билдирди:

— Раҳмат, домлажон.

Қамолиддин ака бош силкиб, қайрилиб қараб қўйди:

— Оёқнинг таги қалай? Тузукми? Қийнамаяптими?

— Қаёқда. Ҳар босганда бирам зир-зир қиладики. Яна қавариб чиқдимми дейман, — Зулхумор оёғи юмронқозиқ уясига ботиб, оғриқнинг зўридан лабларини тишлади.

— Бир оз сабр қиласиз, қизим, кўпи кетиб ози қолди. Ҳали тешиб, селгитиб олсак, эрталабгача яхши бўлиб кетади,— таскин берган бўлди домла.

— Ҳали сизники ҳам шундайми, қавара бошладими? Ботинкангиз бутун шекилли. Қаеридан қум кира қолибди? — Зулхумор астойдил ачиниб бош чайқади.

— Бу чўлга оёқ кийими чидайдами! — Домла таг чарми кўчиб, жағи очила бошлаган ботинкасига кўз қирини ташлаб қўйди. Таги тушиб қолмасидан бирор нарса билан танғиб олсам бўларкан, дея кўнглидан ўтказди. Ҳали ким билади, чинккача яна қанча йўл бор. Улар бўлса ҳалитдан, уч кун ўтмасдан сафдан чиқай деб туришибди. Яширишининг нима ҳожати бор? Олдинда йўл бошлаб бораётган Отамурод билан Ортиқдан бошқа ҳамманинг ҳам суроби тўғри бўлиб қолибди. Султонов сал тетикроқ бўлмаса, Зулхумор билан ўзи оёқларини зўрға кўтариб босишяпти. Ҳар қадамда қоқилиб муникиб юзтубан йиқилай, деб боришаётир. Ботинкалари кўчиб, шимлари йиртила бошлабди. Соқоллари ўсиб, ранглари синиқибди. Лаблари қуруқшаб, кўзлари ич-ичига тушиб кетибди.

Домланинг ўзи ҳар қадам қўйганда оёқлари бамисоли пружинадек букилиб-букилиб кетади. Тинимсиз қалтирайди. Тикка туришга мажоли йўқ. Ўзи бутун оғирлигини саксовул таёғига ташлаб, чор-ночор олға интиларкан: «Энди бўлди! Етар! Бу жонимиз эртага ҳам керакку!» — деб шарт четга чиқиб ўтириб олгиси, оёқларини ёзиб, бир роҳат қилгиси келади-ку... юзи чидамайди. Отамурод билган экан, йўлга чиқишга унамаганича боракан. Ўзларидан ўтди. Домла энди афсус қилади: ўзи ҳам ўшанда сал шошилди. Дарров овозга қўйиб юбориб чакки қилди. Маслаҳат маслаҳатдай бўлмади. Одамлар Отамуроднинг ниятини тушуниб-тушунмай Ортиққа ён босиб кетишди. Мана энди пушмон қилишгани билан фойдаси йўқ. Ҳали бу қийналишлари ҳам ҳолва бўлиб қолмаса кошки эди. Бу аҳволда узоққа бориша олармикан?! Худо кўрсатмасин-у, шу чўлда қолиб кетишадиган бўлсам, жуда ёмон бўлади...

У чуқур тин олди. Кўнглига келган хунук хаёлларни ҳайдамоқчидек бош чайқаб қўйди. Ўйламасликка тирлишиб хаёлини бошқа нарсаларга чалғитмоқчи бўлди. Лекин бари бир ўша совуқ хаёллар бошига ўралашиб келаверар, ҳол-жонига қўймай, кўз олдида гавдаланиб тураверарди:

Ўзи адашди. Бир қоқилди-ю бирваракай қоқилди. Чўлда туғилган кунини нишонлашга бало бормиди! Энди нима деган одам бўлди?! Эшитганлар нима дейди? Профессор туғилган кунларида кийик овига чиқишганикан, дейдими. Ҳеч ким уни оқламайди. Ёмон қоқилди. Бир ўзи майли эди. Ачинмасди. Унинг орқасида мана булар ҳам борлиги, бекорга нобуд бўлиб кетаётгани алам қилади. Ҳаммасидан ҳам мана шунисига чидай олмайдми. Ўзи-ку, ёшини яшаб, эришадиганига эришиб бўлди. Кўп нарсага улгурди. У очган конлар, ёзган монографиялар ҳали кўп иш беради. Ишини давом эттириб кетадиган шогирдлари ҳам оз эмас. Усиз илм тўхтаб қолмайди. Уйдан ҳам тинчиган. Қизларни чиқариб, ўғилларни уйлантириб, оталик қарзидан қутулган. Худоба шуқр, ақлли-хушли, ўз йўлини топиб кетадиган болалар. Баъзиларнинг фарзандларига ўхшаб, унга кўз тикиб қолишган эмас. Бир орзуси шу Устюрт эди, унинг қанақа конлари борлигини, ўзини гуллатиб-яшнатдиш мумкин-мумкин эмаслигини аниқлаб бериш эди, афсуски, одам ҳамма орзуларига етолмас экан. Шу армон бўлиб қолади шекилли энди...

Унинг кўзларида ёш ҳалқаланиб, ҳамма нарса чаплашиб кетди. Йўлни кўрмай бирор нарсага қоқилиб кетишидан чўчиб, енги билан юзидаги тер аралаш кўз ёшларини артди. Оғир хўрсиниқни зўрға ичига ютиб, ўзига-ўзи тасалли берди:

«Мени-ку, бир эзгу иш йўлида қурбон бўлиб кетган, деб эслашади. Жилла бўлмаса, Устюртда темир йўллар тушиб, сувлар топилиб, нефть-газ конлари очилиб, обод бўлиб кетганда, фалончи биринчи бўлиб шу хайрли ишга бош қўшган эди, деб қўйишади-ку. Номим изсиз йўқолмайди-ку. Менинг ишимни кимлардир давом эттиради-ку.

Лекин булар-чи? Бу ёшлар-чи? Улар ҳали нимага улгурибди? Ҳаётда нимани кўрибди? Анави шофёр йигит — Отамуроднинг ўз дарди етмасмиди? Уни, суйганига етишолмай бу ёқларга бош олиб келган, дейишадди. Шундай ҳур замонда суйганига етишолмади, деган гапларга ишонгинг келмайди. Лекин ишонмай иложинг қанча, тирик гувоҳини кўриб турганингда. Яхши кўрасанми демабди қизига отаси. Йўқ, тенгимиз эмаскан, қизим, ниҳояттн оддий бир шофёр экан, тагли-тугли бир оида бўлса бошқа гап эди, мен сенинг келажагингни ўйлайман, қизим, дебди. Каттагина лавозимли ота қизининг келажагини ўйлабди-ю бахтини ўйламабди. Му-

ҳаббатига зомин бўлаётганини хаёлига ҳам келтирмабди. Бечора Отамурод. Бу бахтсизлиги кам эканми! Ҳаётга келиб нима рўшнолик кўрди? Мени деб шу Султонов кетимда соядек эргашиб юрмаса, яхши кўринаман, деб кийик овига бошламаса, унинг бошида шу кўрғиликлар бормиди?!

Ҳаммадан ҳам Зулхуморга жабр бўлди. Унинг кўнглига қараб экспедицияга олмаганимда ҳозир унга зомин бўлиб ўтирмасдим. У ҳалитдан уриниб қолди. Бу кетишда узоққа боролмайди. Йўл азобига чидаёлмайди. Йигитлар кўтариб олиб чиқиб кетишмаса, ўз оёғи билан чиқиб кетолмайди. Пешонаси шўр бўлмаса уларга эргашадими?! Айни келин бўлиб, гул-гул очилиб юрадиган пайтида, фарзанд кўриб, орзу-ҳаваслари ушаладиган вақтда мана бунақа бўлиб турса... У ахир дунёга келиб нимани кўрибди, ҳаётнинг қандай лаззатини сура қолибди? Наҳот уни асраб қола олмасак?..»

Домла чуқур тин олиб, оғир хўрсинди: «Агар у бир нарса бўлиб кетгудек бўлса, одамлар нима дейди? Тўрт бирдек эркак битта қизни асраб қололмабдими, профессор овга чиқмасалар нима қиларкан, демайдими? Ёши шунча жойга борганда шу маломат бор эканми-а?.. У бўғзига иссиқ бир нарса келиб, ютина олмай нафаси тикилди.— Худо кўрсатмасин-у, уларга бир нарса бўлса, газеталар унинг тўғрисида каттами-кичикми, таъзия босишади. Бошқалар тўғрисида, эса, лом-мим дейилмайди. Билганларгина улар беш киши эди, дейишлари мумкин».

Бирон-бир журналист воқеанинг изига тушган тақдирда ҳам у биринчи қадамиданоқ ҳафсаласи пир бўлиши тайин. Улар кийик овига адашиб кетишибди, деган бир оғиз гапнинг ўзи унга етарли бўлади. Қўлини ювиб, қўлтиғига уришга мажбур қилади. Адашгандан кейин улар ўзларини қандай тутишгани, ҳамма яшашни истаса-да, ҳар ким унга қандай интилиб-талпингани, ким саракка, ким пучакка ажраб чиққани, ким оғир дамда ҳам одамлигича қолгани-ю ким саросимада ўзини йўқотгани — ҳамма-ҳаммаси бошқаларга сирлигича қолаверади. Ҳеч ким ҳеч нарсадан хабар топа олмайди. Наридан борса, улар беш киши эдилар, Устюрт сандиғини очаман, деб саҳро билан тенгсиз олишувда мардона ҳалок бўлдилар, деб ёзадилар. Ҳаммани бир ном билан — Устюртнинг мард заҳматкашлари деб атайдилар. Бу табаррук номга, бу олий мақтовга ҳамма бирдай лойиқ эмаслиги, нолайиқлар ҳам бўлгани ҳеч кимнинг

хаёлига келмайди. Номардлар мардлар билан тенг қўйилади. Қўрқоқларнинг номи шон-шавкатга бурканади. Ёмонлар яхши саналади. Ичи қоралар билиб-билмай улуғланади. Мол-дунё деб юрганлар эзгу ният йўлида ҳалок бўлганлар билан бир сафга қўйилади. Ҳар нарсада ўзининг фойдасини кўзлаган, турланиб-товланувчи буқаламунлар оддий заҳматкашлар топган шон-шавкатга шерик бўлади. Ҳаммасидан мана шуниси унга алам қилади.

Бошқалар ҳали ҳеч нарсани сезгани йўқ. Лекин домла қариллигига бориб, аллақачон охири нима билан туғашини фаҳмлаб қолган, одамларни ҳам сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб қўйган. Ким нима билан нафас оляпти, нима ўй-хаёлда кетяпти, дилида нима бор — ҳаммаси унга ойнадагидек равшан. Шуни билганидан бери хаёлига қачондир раҳматли катта бувисидан эшитган бир ҳикоят ўралашиб келади-ю тинчлик бермайди. Дам олиб ётишганида бир-икки айтиб беришга оғиз жуфтлади-ю яна айтолмади. Истиҳола қилди. Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит, қабилидаги бу ҳикоят баъзиларга оғир ботиб кетишини ўйлаб, орқага ташлади. Мавриди келишини кутяпти энди.

Олдинда нимадир қарсиллаб синди-ю домланинг хаёли учди. Бошини кўтариб, қўлидаги таёғи синиб кетиб, юзтубан йиқилаётган Султоновни кўрди. Отамурод ўгирилиб ушлаб қолишга ҳаракат қилди-ю улгурмади. Ёнидан ўтиб, кўтариб олганида майин бархан қумда унинг чуқур изи қолган, Султонов қум кирган кўзларини очолмас, тишлари орасида қум фирчиллар, ўсиб кетган соқолига илашган қумлар дув тўкилар эди.

— Ёмон тушмадингизми, хўжайин? Кўзингизга ҳеч нарса қилмадимми? Балки бир оз дам оларсиз? — деб сўради Отамурод унинг кўнглига қараб.

Султонов қум туфлаб, бош чайқади. Қўлида қолган яримта саксовул таёғни чеккага улоқтирди-да, канистрли қопчиқни орқалаб ўзи юриб кетди. Отамурод жойида тўхтаб турганича орқадагиларга разм солиб чиқди-да, ҳеч кимга қарамай:

— Бугунгисиз етар. Пастга тушиб, анави юлғунзорга қўнамиз,— дея ўзи ўша ёққа қараб бурилди. Ҳамма дамни эшитиб бир енгил тортгандай бўлди. Домла ҳам охирги кучини зир қақшаётган оёқларига тўплаб, Отамуродга эргашди. Унинг товонлари бамисоли ёғоч бўлиб қолган, ҳеч нарсани сезмас эди.



Улар тўп-тўп ўсган юлғунзорга зўрға етиб бориб, ҳар ким ҳар қаерга, ўнг келган жойга тап-тап ташлаб чўзилиб қолишди. Ким бағрини бериб ер қучоқлаб ётибди, ким чалқанча тушиб оёқ-қўлларини узатиб юборган-у, кўзларини юмиб олган. Фақат Зулхумор қиз болалигига бориб, бир чеккага чиқиб саксовул танасига суяниб ўтириб қолган. Ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб, чурқ этмайди. Тилла баркашдай ярқираб ботиб бораётган қуёш чўлга жийда гулидек зарҳал нурини беомон сочади. Гоҳ-гоҳ оқшомги илиқ шабада тентираб ўтиб қолади. Ҳарсиллашлар сусайиб, тиқ этган товуш ҳам аниқ эшитилади. Қаердадир ер остида юмронқозиқ ниманидир кемиради, ора-сира нимадандир ҳадиксираб, бирпас тиниб қолади-ю яна кемиришга тушади. Қаердандир синчалакдай бир қушча пайдо бўлиб, юлғун шохларида учиб-қўна бошлайди. Юлғун орасидаги беланчак инда полапонлари сап-сариқ оғизчаларини индан чиқариб, бир овоздан чирқиллай кетадилар. Она қушча ерда узала тушиб ётганлардан ҳадиксираб, шохдан-шохга учиб-қўниб чирқиллаб, ўз кўнглида болаларини огоҳлантиришга уринади. Лекин улар қани энди қулоқ солса.

Домлани хаёл олиб қочади: шу митти қушча шундай омонсиз саҳрода умид билан ин қуриб, бола очиб катта қилаётган экан, наҳот биз, олий мавжудот — одам бўла туриб таҳликага тушиб ўтирсак, ундан қутулиб чиқиб кетиш йўлини кўрмасак?! Қўрққанга қўша кўринади деганларича боракан. Ўзимиз ҳам ваҳимага тушиб қолибмиз. Шу ваҳимадан қутулмасаканмиз, у биринчи галда бизни ҳалок этади. Бизни адоий тамом қилаётган ҳам шу ваҳима, наҳот шу чўлда беному нишон қолиб кетамиз, деган қўрқув. Уни даф этмас эканмиз — узоққа боролмаймиз. Бунинг учун нима қилсак экан?..

Айтмоқчи машинадаги «Спидола»ни олганимиз нимаси-ю бирор марта қўйиб эшитмаганимиз нимаси? Кеч-қурунлари музика тинглаб, Катта ер овозини эшитсак ҳам далда-ку. Руҳимиз кўтарилиб, ҳеч бўлмаса ваҳималарни унутамиз-ку.

Шу пайт ён томонда қум сурилиб, кимдир ўрнидан туриб ўтирди. Домла кўз қирини ташлаб, кирза этиги қўнжидан латтага ўралган пичоғини олаётган Отамуродни кўрди. У чўзиқ буғдойранг юзини соқол қоплаб, офтобда ҳиндиларга ўхшаб қорайиб кетибди. Ўзи хийла тетик кўринади, кўзлари бошқаларникига ўхшаб ич-

ничага тушиб кетмаган, ҳаракатларидан унча чарчаганга ҳам ўхшамайди. Йўл сал уринтирган демаса, бир тўйиб ухлаб турса, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетадиган. Ишқилиб шу йигит омон бўлсин, унга кўз тегмасин. Ҳамма умид шундан. У бир иложини топмаса, бошқадан умид йўқ.

Отамурод ўрнидан туриб, ёшроқ юлғун ёнига бориб, унинг майда новдаларини териб қирқа бошлади. Нима қиларкан? Домла ўйлаб ақли етмади.

Одамлар ғимирсиб қолишди. Зулхумор чуқур тин олиб, қаддини ростлади-да, таги кўчиб кетган ботинкасини еча бошлади. Ортиқ ҳам туриб ўтирди. Ўзича ишга киришиб кетган Отамуродга қараб қўйиб, тиззасига қўлларини тираб ўрнидан дик этиб туриб кетди. Бирпас чаккасини қашлаб турди-да, кейин:

— Шу ерда тунайдиган бўлдикми, Отамурод? Гулханнинг ҳаракатини қилаверайми?— деди гўё ўрталаарида ҳеч гап ўтмагандек. Отамурод ундан бундай одамгарчиликни кутмаган экан, ҳайратланиб ўгирилиб қаради. Ҳеч бир кек сақламай гапираётганини кўриб, юзи ёришди.

— Бўлмаса-чи! Ҳозир мен сихларни қотириб ташлайман-да, кейин бир кабобхўрлик қилайлик. Гўштнинг ҳам нақ ёғлиқ жойи қолган. Ўзининг сели билан жуда бопта бўлади-да. Кабоб билан сал кучга кириб олмасак... Нима дедингиз, домла?— У очилиб, атай хушчақчақлик билан сўради.— Гулхан кабобга тобингиз қалай?

Домла ётган ерида жавоб қайтаришни ўзига эп кўрмай, кўтарила бошлади. Беллари зир-зир қақшаб, шунча билинтирмайман деса ҳам бўлмай, зўрға туриб ўтирди. Оғриқни ичга ютиб, самимий жавоб қайтаришга уринди.

— Жуда сийлаб юборасиз-ку. Мабодо туғилган кунингиз эмасми?— Домла шундай деди-ю тилини тишлаб қолди. Бейхтиёр ўринсиз ҳазил қилганини сизди. Султоновга тегиб кетишини ўйламаганидан хижолатга тушиб, унга қаради. Лекин Султонов ўзини эшитмаганга олиб ётар, кўзлари юмуқ бўлса-да, пирпираб турган киприклари у гапга қулоқ солиб ётганини билдириб турарди. Домла унинг хижолатга тушмаганидан ҳайрон қолди. Юлғун новдаларининг учини текислаб, сихга ўхшатаётган Отамурод бундан беҳабар:

— Омон-эсон чинкка чиқиб олган кунимиз — туғилган кунимиз-да, домлажон,— деди. Шундай деди-ю бир-

дан Зулхуморга кўзи тушиб, у ҳам ўзининг гапидан ўзи мулзам тортиб қолди.

Қиз бечора хўрлиги босиб келиб ўзини тутолмай, юзини четга ўгириб олган, елкалари учиб-қўниб турарди. Камолиддин ака шу яқин кунларда унинг туғилган куни эканини эслаб, ғалати бўлиб кетди. Роса уч кун олдин унинг туғилган кунда яйраб-яшнаб:

— Вой, уни қаранг, бир ҳафтадан кейин менинг туғилган куним экан. Афсуски, унда Тошкентда бўламиз. Домла, сиз қандай бахтли одамсиз! — деган эди. Энди ўша гаплари эсига тушиб кетди шекилли...

Камолиддин ака бир кўнгли унга таскин бермоқчи бўлди-ю яна фикридан қайтди. Бунақа пайтда таскин баттар хўрлигини келтиришини эслаб, индамай қўя қолди. Сезмаганга олиб, гапни чалғитди. Ўзини мажбурлаб ўрнидан тураркан:

— Кабоб бўлса озгина чой ҳам қўямиз-да, а, Отамурод? Декчада қайнатаверамизми? — деди.

Отамурод ҳам уни тушуниб:

— Сал ёғнинг таъми келиб қолса ҳам майлими, а? — дея ҳазиллашди. Домла ҳам атай бўш келмади:

— У-ку, майли. Шу кабобга озгина зира бўлганда-ми!

Боятдан бери чалпак бўлиб чалқанча ётган Султонов бошини кўтариб ҳорғин кулиб қўйди:

— Арча ўтиннинг оловида пиширилганида борми шу кабоб...

Ҳамма шарақлаб кулиб юборди. Ҳатто Зулхумор ҳам ўзини тутолмади. Саксовулзорда ўтин териб юрган Ортиқ эса ўзидан ҳадиксираб, олазарак бўлиб уларга қараб қўйди. Гап нимадалигини англаганидан кейингина кўнгли жойига тушди.

Камолиддин ака Ортиқ томонга имо қилиб Отамуроддан сўради:

— Нечук, худо ярлақаб, инсофга кириб қолибди?

Отамурод елка учирди:

— Танасига ўйлаб кўргандир-да.

Бу вақт Султонов ёнбошига ағдарилиб, ботиб кетай-ботиб кетай деяётган қип-қизил чўғдек қуёшга хомуш тикилиб ётар, ҳалиги митти қушча эса шом олдидан безовталаниб тинимсиз чирқиллар эди. Шохдан-шоҳга учиб-қўниб, инига яқинлашиб келади-ю, яна юраги дов бермай нари қочади. Гулхан ёқишга тараддуд кўраётган домла унга кўзи тушиб, ўтин-чўпларини қўлига олиб, ўрнидан турди:

— Жониворни безовта қилиб қўйибмиз-ку. Сал нарироққа қўнсақ бўларкан-а... Она-да, полапонларидан кўнгли бўлмапти.

Домла билан Отамурод йиғиштириниб, нарироққа кўча бошладилар. Султонов ҳам қопчигини кўтариб, орқасига қарай-қарай уларга эргашаркан, қушчадан кўз уза олмас эди. Ниҳоят, қушча қувнаб шохдан-шоҳга ўтиб, муштдек беланчак инига яқин келди-да, хотиржам тортиб, кириб кетди. Султонов бош чайқаб, ўзича кулиб қўйд:

— Шу чимчилоқдай митти қушча дўзах бир ерни ватан қилганига ҳайрон қоласан. Яна ин қуриб бола очибди. Уларни-ку, бир амаллаб боқар, лекин сувни нима қиларкан-а?

Отамурод ҳам кулди:

— Сувни ҳам бир амаллар.

Унинг ҳазилини Зулхумор тўғрилиқча тушунди:

— Нима, Оролга бориб ичиб келади, дейсизми? Йўғ-е...

— Балки бориб ҳам келар,— деди домла гулханга гугурт чақиб.

Отамурод қопчиқдан бир бўлак кийик гўштини олиб, тўғрашга тутинаркан, сал уринган гўшт ҳиди димоққа урилди. Султонов гўштга ўзича назар ташлаб қўйиб:

— Неча юз чақирим жойга-я. Шу қушча-я?... — деди ишонмай.

Ҳамма гап айланиб-айланиб сувга келиб тақалаётганини сезиб, Камолиддин ака гапни қисқа қилмоқчи бўлди:

— Ким билсин...

— Мен бир гап эшитгандим,— дея жонланиб ўғирлиб қаради Зулхумор кутилмаганда. У тўғноғичи билан оёғининг остидаги маржон-маржон оқиш қавариқларни тешиб, сувини чиқариб, шамолда селгитиб ўтирар, жароҳатлари ҳар шамол текканда туз сепгандай ачишиб, оғриқнинг зўридан лабларини қимтиб олар, юзлари буришиб кетар эди. У оғриқни унутиб ўзини чалғитиш учунми, гапга аралашди.— Шу Орол бўйида мешкопли қуш бўлармиш. Урта асрнинг йўқолиб кетган бесўнақай мавжудотларига ўхшаб, ҳайвон бўлиб ҳайвон эмас, парранда бўлиб парранда эмасмиш. Тарновдек тумшуғи тагида каттакон тери халтаси — мешкопи бўлармиш. Шу қуш жазирама саратон кунларида ўша халтасида кўлдан бир қозон сув олиб келиб, чўлдаги ҳар турли қушларни сувсизликдан асрармиш. Мешкопида-

ги сувни тарнов тумшуғидан оқизиб турса, ҳалигиндек майда қушлар уни ўраб олиб, чанқоғини қондиришармиш. Шу ростмикан, а?..

Домла қизнинг соддалигидан мийиғида кулиб қўйди. Шатир-шутур ёниб авжланиб кетган гулхандан кўзини олмай:

— Сиз пуштибирқозонни айтяпсиз. У майда қушларга Оролдан сув ташиб беришини билмайман-у, лекин тумшуғи тарновдек бўлиб, тагида мешкопи борлиги рост. Айтишларича, ўша мешкопида кўлдан тутган балиқларини болаларига таширкан. Майда-чуйда балиқларни тарнов тумшуғидан сув билан оқизиб қайтариб чиқарса, ҳали учирма бўлмаган полапонлари уларни талашиб-тўртиниб тутишаркан.

— Унда ҳалигидай митти қушлар фойдаланиб қолшса керак-да. Шолининг орқасидан курмак сув ичганидай, а? — кулди Отамурод гўшти сихларкан.

Бу орада Ортиқ бир қучоқ саксовул кўтариб келиб, гулхан ёнига ташлади-да, ўзи уларнинг ёнига чўкди. Султонов эса бўлаётган гапларга қизиқсаниб ёнбошлаб олди:

— Домла, бўлмаса, туянинг қорнида алоҳида сув меши борлиги ҳам тўғри экан-да,— деди у ҳовлиқиб.— Бўлмаса туя жонивор бир ой сувсизликка қандай чидайд?

— Рост, шунақа гапни мен ҳам эшитганман. Илгарилари карвон манзилга ета олмай суви тугаб қолса, бир туянинг баҳридан кечишаркан-да, уни сўйиб, ўша мешини ажратиб олишаркан. Мешда ҳамиша тоза сув бўлармиш,— кечадан бери одамларга қовушолмай келаётган Ортиқ гапга қўшилиб, Султоновни астойдил қувватлади. Отамурод мийиғида кулиб қўйди. Домла ҳам уларнинг соддалигидан кулгиси қистади. Лекин хижолат қилгиси келмай, ётиғи билан тушунтирмоқчи эди, Отамурод гапни ҳазилга буриб юборди:

— Қани энди ҳозир битта туямиз бўлганида, а? Ишимиз юришиб қоларкан-а?.. Бир меш сув ҳазилми?!

Зулхумор ўзини тута олмай кулиб юборди:

— Бечора туя. Сўйиб нима қиласизлар? Ўзига айтсангиз балки миндириб, бу Саҳрон Кабирдан олиб чиқиб кетар... тирик қолиши эвазига.

— Ким нима гамда-ю сизларга кулги бўлса.— Султонов хафа бўлиб, ўрнидан туриб ўтириб олди, Ортиқ эса жаҳлини ичига ютиб қўя қолди.

Домла баҳсга нуқта қўйиши кераклигини сезиб:

— Туянинг ҳеч қанақа меш-пеши бўлмайди,— деди ётиги билан.— Лекин ўрқачида қора кунга асраб қўядиган ёғи борлиги рост. Шу ёғи сув билан овқат ўрнига ўтаверади. Бошқа ҳайвонлар шўр сувни оғзига олмаसा, туя ичаверади. Чўлда нима кўп, катта-кичик шўр қўллар кўп. Туя чўл ҳайвони эканлиги шундан.

Отамурод сихга тортган гўштни саксовул чўғи тафтига қўйиб айлантираркан, оғиз сувини қочириб ҳаммаёқни кабоб ҳиди тутиб кетди. Зулхумор дастурхон ёзиш зарурлигини эслаб, ўрнидан турди-да, оёғининг тагини қумга босолмай, ҳакачоқлаб оловга яқин келди. Домла унга ёрдамлаша туриб, яна тушунтирди.

— Аммо-лекин қадимда сафарга чиққанлар алоҳида мешга туя сутини йиғиб боришаркан. Ичимлик сув тугаб қолди, дегунча ўша туя сутига шўр кўл сувларини аралаштириб ичаверишаркан, туя сутининг айрони чанқоқни қондириб, одамни тўқ тутаркан. Мана бунга ишонсангиз бўлади,— деди у Ортиққа.

Ортиқ оловга бир бўлак ўтин ташлаб, қўл силтади:

— Бир гап-да, сўядиган туямиз бормидики...

Бу орада уфқлар ўсма тортиб, бирпасда кеч туша бошлади. Осмонда яккам-дуккам юлдуз милтираб, кўз очгунча бўлмай чўлни қоронғилик пардаси ўраб олиб, барханлар қора чийдухоба рангга кирди. Гулхан тобора чўлнинг қора ўтовига ўралиб борар эди.

Улар энди гулхан атрофига йнғилиб, ҳар ким ўзича ўрнашиб ўтирар, Отамурод пешма-пеш пишган қўлбола кабобни киши бошига бир сихдан улашиб чиқар:

— Қани, сизлар олаверинглар, бизники ҳам ҳозир тайёр бўлади,— деб Ортиқ билан ўзининг сихини чўққа тутиб айлантирар, ҳаммаёқни кабоб ҳиди тутиб кетган эди.

— Жуда зўр бўпти-да. Қани энди шунга озгина сирка билан пиёз бўлса, эҳ, унинг савобига ким етсин эди,— дея домла ҳаммани кулдирди.

— Бир бурдадан нон бўлганда-чи! — Зулхумор унга шўхчан назар ташлади.

— Ҳамма нарса нондан ўтаверсин. Ноннинг ўрнини ҳеч нарса босмайди. Лекин ҳозир кабоб ҳам бу дунёнинг таоми бўлмабди. Таъми бир умрга оғизда қоладиган бўлибди. Нима дедингиз, домла? — Султонов кабобнинг мақтовини келтирди.

— Бу ҳам санъат, ҳар кимнинг қўлидан келсин-чи! Отамуродни дуо қилиб, паққос тушираверасиз. Яна сўрамасангиз бўлгани,— домла иштаҳа билан кабоб елту-

риб, ҳазил-да, дегандай Отамуродга гулхан оша кўз қи-  
сиб қўйди.

— Қўшимчасига қарздормиз. Чинкка чиққанда эсга соласизлар,— Отамурод беҳазил дегандай қаради.

— Худо хоҳласа эсга солганимиз бўлсин,— деди Ор-  
тиқ, гўё ўзи оллодан шуни ўтиниб сўраётгандек.

Зулхумор декчада қайнаган озгина сувья кружкага солиб, бир чимдим қуруқ чой ташлади.

— Олинглар, кўп ўрнида кўрасизлар,— деди у дом-  
лага узатиб. Домла бир ҳўплаб, унинг ўзига қайтарди.

— Ичинг, бу кабоб ҳали кўп чанқатади.

Ҳаммалари кружкани ўртада айлантириб, чой ича бошладилар. Отамурод мешни чеккага суриб қўятуриб, ўзича:

— Яна бир ичишли сувимиз қолибди,— деб қўйди. Кутилмаган бу гапдан Ортиқ сапчиб тушди. Кўзлари шокоса бўлиб кетди. Лекин шу заҳоти ўзини босиб:

— Қанистрдаги сув-чи?.. — деб юборди.

— Мен тоза сувимизни айтяпман,— Отамурод бамай-  
лихотир жавоб қилди.

— Шундай дегин-да! — деди Ортиқ зарда билан.

Ҳамма жим қолди. Ўртага ноқудай жимлик чўкди. Бундан хижолатга тушган Отамурод «Спидола»ни олиб келиб, унинг тўлқинларини титкилаб, яхшироқ бир куй-ми, қўшиқми излашга тушди. Рақсга чорловчи грузин сурнайи, қуръон оятларини эсга солувчи араб диктори овози, қувноқ ҳинд куйи янграб ўтди. Тожиқ ҳофизининг тоғлар акс садосидек жарангдор овози чўлми титратиб юборди. У ҳам тиниб, «Изларман» радифли, болаликдан қон-қонга сингиб кетган, ҳар гал эшитганда юракларни жунбишта келтирувчи «Тошкент ироғи»нинг таниш оҳанглари таралди. Ҳофиз бу юрак қони билан битилган муҳаббатномани найиқи ёниб, балки куйиб, эшилиб айтар, хаёлни узоқ-узоқларга олиб қочиб, муҳаббатга ошно этар, юракларга умид уруғини сочиб, ҳаётга ишонч уйғотар, гулхан атрофида ўтирганларнинг барчасини ўз учқур қанотларига олиб, туғишганлари, ёр-биродарлари ҳузурига етаклар, учраштираб, чақчақлаштираб, орзулари ушалишига тилакдош бўлиб, руҳини шундай енгиллаштираб эдики... улар кимсасиз, нажотсиз чўлда адашиб қолганликларини ҳам тамоман унутган эдилар.

Домла гулханда қип-қизил чўгга айланиб ёнаётган саксовул шоҳларига тикилиб, тиззаларини қучоқлаб ўтираркан, яна хаёлига ўша раҳматли бувасидан аллақа-

чоңлардир эшитган ўша ҳикоят ўралашиб келар, уни эсдан чиқаролмас, афтидан, ҳамроҳларига айтиб бермагунча қутулмайдигандек эди. Кўнгли ҳам шуни истаб турар, шуни айтиб қўйиш худди ўзига қарз ҳам фарздек, ҳаловатини йўқотган, гапни нимадан бошлашини билмас эди.

Шу маҳал ҳофиз овози сусайиб бориб, кейин худди узоқлашиб кетгандек тиниб қолди.

— Эсиз, жуда яхши концерт бераётган экан-ку, «Спидола» мизнинг қуввати тугабди-да,— деди Отамурод ачиниб, кейин домлани гапга тутди.— Хўп ёзиб қўйганда-а, домла. Хаёлни шундай олиб қочадики...

Домла тиззаларини сал тушириб, қаддини кўтарди.

— Нимасини айтасиз. Одамнинг ёдига қачонлардир, кимлардандир эшитган ҳикояту ривоятларни тушириб юборади. Мана, ҳозир мен ҳам бир ҳикоятни эсладим,— деди сирли оҳангда.

— Нима экан, эштайлик,— деди ёнбошлаб ётган Отамурод қизиқсиниб. Зулхумор ҳамон «Тошкент ироғи» таассуротида гулханга кўз тикиб, чуқур ўйга толиб ўтиради. Султонов билан Ортиқ бир-бирларига орқа ўгириб ёнбошлашиб олишган, иккиси ҳам қоронғи кеча қаърига тикилиб, оғир сукунатга кетган.

— Ақл билан маъзини чақиб тинглаган одамга бу жуда ибратли ҳикоят,— Камолиддин ака яна тиззаларини қучоқлаб, уни бир бошдан бошлади.— Тоғдаги кичик бир дарада бўрсиқ билан тулки хийла дориламон яшар эканлар. Еганлари олдиларида, емаганлари орқаларида экан, биров бурунларидан ортиқ гапира олмас, дарадаги жамки жонивор уларнинг хизматида экан. Бўрсиқ тулкининг айёрлигини эътиборга олиб, ўзига бош маслаҳатчи қилиб олган экан. Кунлардан бирида бўрсиқ ўз қобигига сиғмай, тулкига нолибди. Дара унга торлик қилаётганини, қўшни даралардаги жониворлар ҳам унга бўйсуниларини, у ерларда ҳам бемалол ов қилиш хоҳиши борлигини айтиб, бунга қандай эришсам экан, деб маслаҳат солибди.

Тулки ўз навбатида бу осонликча битмаслигини, бирдан-бир тўғри йўл катта хўжайин — Айиқполвоннинг кўнглини топиш, унга яқин бўлиш лозимлигини уқтирибди. Бўрсиқ ҳафтафаҳмроқ экан. «Бунинг учун нима қилишим керак? Уни қандай қўлга оламан?» дебди.

— Наҳот шунга ақлинг етмаса, ахир Айиқполвоннинг энг суйган нарсаси нима? — деб сўрабди тулки.

— Асал,— дебди Бўрсиқ.



— Ҳа, балли. Уни дарага асалхўрликка таклиф этасан. Бир марта тоғ асали билан меҳмон қилсанг, қарабсанки, унинг ишонган бегисан-да. Кейин истаган дарангда айшингни суриб юраверасан. Айиқполвоннинг яқини, деб ҳеч ким сенга ортиқча гапиришга журъат этолмайди. Муддаонинг шумиди? — дебди тулки.

Кейин Айиқполвонни асалхўрликка кўндиришибди. Бутун дарага унинг келиши хабар қилиниб, катта тай-ёргарлик бошлаб юборилибди. Бу ишга ҳамма сафарбар этилибди. Зарғалдоқ жарчи бўлибди. Олмаҳом чопар этиб тайинланибди. Қизилиштон асалари уяларига қоровулчиликка қўйилибди. Зағизгон югурдакликни олибди. Тулки Айиқполвон билан бўрсиқнинг олдига тушиб, ҳар хил ҳангомаларни айтиб кулдириб, кайфларини чоғлаб борибди. Булбуллар йўл-йўлакай чаҳ-чаҳлаб сайраб туришибди. Маймунлар эса дарахтдан-дарахтга сакраб, қизиқчиликни ўрнига қўйишибди. Қапалаклару ниначилар минг хил либосда уларнинг олдига тушиб, рақсга тушиб боришибди.

Айиқполвон асалари нинининг ўзидан тўйиб-тўйиб, боши айлангунча асал ебди. Кейин хурсандчиликдан ўзи ҳам лапанглаб ўйинга тушиб, ҳаммани кулдирибди.

Меҳмондорчилик айни авжига минганида табиатнинг нимагадир қаҳри келибди-ю бирдан тоғ-тош гумбурлаб, ер у ёқдан-бу ёққа бориб келибди, дарахтлар ерга эгилгудек чайқалиб, қарс-қарс синиб тушибди. Қушлар ҳар томонга отилибди. Маймунларнинг ўтакаси ёрилиб-чин-қириб, тўнкалар орқасига яшириниб олишибди. Зилзила гулдурани тугар-тугамас, тепа тоғдан шаршара овози кучайиб кела бошлабди. Зағизгон ваҳима солиб учиб ўтибди. «Ойнакўл тошди, қирғоғи ўпирилиб, дарага сув кетди. Эс-ҳушинг борида қоч, тошқин келяпти!» деб жар солибди.

Меҳмонни қутқариш йўлини билмай, мезбонлар гангиб қолишибди. Шу орада ҳаммаёқни сув босиб, улар зўрға тошқин ағдарган баҳайбат ёнғоқ устига чиқиб, жон сақлаб қолишибди. Бир вақт қарашса, сув ўртасида шўппайиб ўзлари қолишибди.

Шунда ўтакаси чиқиб кетган тулки бир ўзи қутулиб чиқиб кетишига кўзи етмай бўрсиқни чеккага тортиб, аврашга тушибди. «Айиқ полвондан умидингни уз, ҳозир чўкиб кетмасимиздан бирга қочиб қолайлик», деб уни шерик қилиб олибди-да, секин бир чеккадан сувга тушиб, Айиқполвоннинг кўзини шамғалат қилиб сузиб кетишибди. Бўрсиқ пўкроқ экан, ярим йўлга бормаи ҳол-

дан 'тоя бошлабди. Тулкига: «Орқага қайтайлик», дебди. Тулки эса устомонлик қилиб: «Озгина қолганида-я ҳаракат қил, етиб оламиз», деб ишонтирибди. Лекин ҳеч қанча ўтмай, бўрсиқнинг оёқлари тортишиб, акашак бўлиб қола бошлабди. Шунда у қўрқиб кетиб, тулкига ялиниб-ёлборибди. Ердмингни аяма, деб ўтинибди. Аммо тулки унга ёрдам қўлини чўзиб, ўзи ҳам фарқ бўлиб кетишдан қўрқиб, орқасига ҳам қарамай сузиб кетибди. Дара беги бўрсиқ чўкиб кета туриб, алам-армон билан: «Хоин, сенга эргашмасам шу қаро кун йўқ эди», дея олибди. Ҳеч қанча ўтмай, сув пастдаги бошқа дарага уриб кетиб, пасая бошлабди. Ниҳоят, сув бутунлай пастга тортиб кетиб, ағдарилган ёнғоқ устида қолган Айиқполвон билан бошқа ҳайвонлар омон-эсон қутулиб қолибдилар.

— Уни қаранг-а! «Калила ва Димна»дагидан қолипмайди-ку,— деб юборди Зулхумор азбаройи таъсирланиб.

Ҳ. — Ҳа, ўшанақа ҳикматли ҳикоят экан,— деди Отамурод ҳам.

Ортиқ бўлса кутилмаганда домлага саволчан қаради.

— Шошманглар, тулкининг тақдири нима бўлди? Қутулиб кетдимиз? Ё у ҳам...

Домла сўна бошлаган гулханга ўтин ташлай туриб, унга синовчан қараб қўйди-ю атай елка учирди:

— Бари бир эмасми?! Қутулса ҳам, қутулмаса ҳам хоинлигича қолади-ку.

Ортиқ бунақа жавобни кутмаган экан, ғалати бўлиб кетди. Султонов бўлса, ғиқ этмай бош эгиб ўтирар эди.

Домла ўрнидан туриб, юлдуз тўла осмонга қаради-ю камдан-кам бўладиган бир ҳодисага кўзи тушиб, ҳайрон қолди. Тепада кетма-кет икки юлдуз учиб бориб, кўз очиб-юмгунча бўлмай сўнди. Худди шу баробар майин шабада ўйноқлаб ўтиб, руҳини шундай енгил қилиб кетдики, домла ҳузур қилиб, кўкракларини тўлдириб нафас олди. Бу чўлнинг оқшомги илк ҳавоси эди.

### *Тўққизинчи боб*

Қум, қум, қум... Бир-бирига мингашиб кетган, ўша-ўша оч жигарранг, чийдухобамисол барханлар. Чеки ҳам, чегараси ҳам йўқ. Чиқишда оёқ тагидаги қум шувиллаб сурилиб, ўзи билан пастга тортиб кетгудек бў-

либ бир қийнайди. Бутун гавдани олдинга ташлаб, таёққа таяниб эмаклагудек бўлиб, ёнламасига юриб, минг азоб билан бархан устига чиқадилар. Кейин яна ёнламасига юриб, қум суриб кетишидан жон ҳовучлаб, бутун гавдани орқага ташлаб, ўтириб қолгудек бўлиб пастликка тушадилар.

Яна оёқ, юрак, вужуд зирллаб, боягидек бархан ошиш азоби бошланади. Ортиқ ҳамма-ҳаммасига, йўл азобига ҳам, очликка ҳам чидаши мумкин. Ҳатто уйқудан кечиб, йўл юришга ҳам рози. Фақат бу худо қаргаган чўлдан омон-эсон чиқиб кетса, бас. Лекин ҳаммаси ҳам бир бўляпти-ю саҳронинг дўзах иссиғи ҳам бир бўляпти. У мана шунисига дош беролмаяпти. Кун чиқишидан куйдириб чиқади. Пешинга бориб эса, олов пуркашга тушади. Бошдан офтоб ўтиб, мия лақиллайди. Ҳаво қизиб кетиб, нафас олиб бўлмайди. Томоқлар қақраб, тупук қурийди. Лаблари қуруқшаб, чанқоқ азоби одамни шундай ўртайдики...

У қаёққа қараса, кўзи тиниб, сув кўринади. Жазирама живир-живири ҳам, барханларнинг қоғиб қолган тўлқинлардай йўл-йўл чоклари ҳам жимирлаб, сув бўлиб кўринади. Кўз олдидан, хаёлидан сув кетмайди. Ҳатто баъзан ёнгинасида сув шалдираб оқаятгандек туюлиб кетади. Қандайдир номсиз, нотаниш бир ҳофиз бўлса, нақ миясига ўтириб олиб, тинмай Махтумқулидан хониш қилади: чўлда қолмай, сувнинг қадрин на билсин... сувнинг қадрин на билсин, на билсин...

Бу овоз миясини кемириб, асабини кўзғайди. Жони ҳалқумига келиб:

— Сув! Сув берасанми, йўқми?! Қачонгача чидаш мумкин ахир! — деб бақирмоқчи бўлади-ю яна зўрға ўзини тияди. Ҳали-ҳозиргина оғиз ҳўллашганини, олдинда ундан баттар аҳволдагилар ҳам чидаб бораётганини эслаб, ўзини босишга мажбур бўлади.

Ҳарҳолда унга осон, у орқада юриш баҳонасида ҳаммадан кейинда, тайёр издан кетяпти. Отамуродга ўхшаб, қум кечиб, йўл очиб бораётгани йўқ. «Жони метин экан, ҳалигача чурқ этмай кетяпти-я, — ўйлайди Ортиқ унга ҳасад билан кўз қирини ташлаб қўйиб. — Шу бадбахт бўлмаганида сувнинг хўжайини ўзим эдим. Ҳозиргидек унга муте бўлиб ўтирмасдим. Ўзимдан ўтди. Ўзим нўноқман. Бўлмаса, уларнинг кўзини шамғалат қилиб, сувдан пичасини қумга яширмайманми, кейин ҳаю ҳайт деб ажраб, отни қамчиламайманми! Сув бўлса бу қум, бу чўл нима бўпти! Қандай тоғу тошларни ошиб ўтган

одам бу чўлдан чиқиб кетолмасмиди?! Эсиз, шундай имкониятни бой бериб ўтирибман. Ландавур эканман. Бориб турган калтабин эканман».

Улар бархандан қиялаб тушиб боришаркан, Ортиқ хаёл билан бўлиб, издан чиқиб кетдим, оёғи сурилиб, ўзи йиқилиб ўтириб қолди. Олдинда ўзи зўрға атак-чечак қилиб, ҳассасига таяниб тушиб бораётган Камолиддин ака унга ёрдам бераман, деб оёғи тагидаги қум кўчиб, юзтубан йиқилди. Ортиқнинг аччиғи юзига тепди. Утирган жойида тўнғиллади. «Ўзини эпласа-чи! Ёрдам бермасалар кимнинг кўнгли қолувди!» У қўлларини ерга тираб, ёрдамингга муҳтожмасман, дегандай депсиниб туриб кетди. Домла эса ўзини эплай олмас, қумга тирмашиб, туришга интилгани сари тагидаги юмшоқ қум кўчиб-сурилиб, яна боягидек чўзилиб қолар эди.

Оёғини ерга босолмай қолган Зулхуморнинг қўлтиғига кириб суяб бораётган Отамурод уни қўйиб, юқорига талпинди. Тиззалари эгилиб-букилиб, чопиб танага чиқиб кела бошлади. Зулхумор ҳоли келмай ерга ўтириб олди. Фақат Султонов ҳансираганича, унинг ёрдамисиз ҳам тургазиб қўйишларига кўзи етиб, жойида тек турарди. Отамурод домланинг қўлтиғига кириб пастга йўл бошларкан:

— Озгина сабр қиласиз, домла. Пастга тушиб олайлик. Бирорта юлғуннинг соясида тўхтамасак... Майлими? — дея ҳансираганича тинчлантиришга уринди. — Кейин томоқларни ҳам хўллаб, расмана дам оламиз.

Домла узлуксиз ҳансираб, нафаси томоғига тиқилиб, бош чайқади:

— Ҳечқиси йўқ. Ҳали чидайман. Сувни тежанглар, керак бўлади.

Ортиқ ич-ичидан ғижинди: «Ўзининг суроби тўғри бўлиб қопти-ку, яна «тежанглар»миш. Ўзлари бўлганлари бўлган, бошқаларнинг ризқини қирқишни у кишига ким қўйибди?»

Ниҳоят, улар пастликдаги якка юлғун тагига зўр-базўр етиб бориб, таппа-таппа ўзларини ерга ташладилар. Юзларини офтобдан яшириб, чалпак бўлиб ётиб қолдилар. Юрак қинидан чиқиб кетгудек потирлайди. Нафас бўғизларига тиқилиб тинимсиз ҳарсиллашади.

Ортиқ сувсизлик юрак-бағрини ўртаб, иссиққа чидамай, юлғун тагига сурилади, бошини сояга олиб, қўлларини қумга тиқиб салқин излайди. Боши ҳамон иссиқдан лақ-лақ қилади. Иложи бўлса-ю ҳозир муздек қумга бошини суқиб ётса. Мешдаги сувни бошга қўйиб

ётишларни ҳам худо кўп кўрди. Мана, ҳозир иш берган бўларди. Бировдан сўраб-нетиб ўтирмай мешни очарлида, томоқ хўллаган киши бўлиб, чанқоғини қондириб-қондириб оларди. Ихтиёр ўзида эди. Ҳеч ким ҳеч нарса дея олмасди. Энди бўлса, қаёқдаги, ҳали ўзини эплаб уйлана олмаган бир саҳройи шофёрга муте бўлиб ўтирибди. Тошкентдай жойда у билан бир пиёлада ўйлашиб чой ичарди. Бу ерда ёт деса ётади. Тур деса туради. Шунга мажбур. Сув унда бўлмасин, ким унинг гапига кираркин? Ким уни бир тийинга оларкин?!

У армон билан бош чайқаб қўйди: шундай қудратли нарсани қўлдан чиқариб ўтирибди! Энди мана бу жони бўшлар билан қаёққача ҳам бора оларди! Уларнинг ел тушган оёғига қараб, ташлаб кета олмай, орқасида судралиб қолиб кетмаса кошки эди. Олим бўлса унга нима?! Олим экан, деб бошқалар ҳам унинг кетида ўлиб кетиши керакми?! Қиз бола бўлса нима бўпти?! Юзида ой кўрибдимики, унга ачиниши керак?! Қани энди бирикки литргина сув бўлса! Узи биларди нима қилишини...

Шу топ ёнида кимдир ёнбошига ағдарилиб, ўрnidан туриб ўтирди. Нафаси қисиб, ҳарсиллаб нимагадир урина бошлади. Ортиқ унинг пишиллаб ҳарсиллашидан таниди: «Жаҳаннам илмининг худолари-ку! Уларни ер юзида нима безовта этибди!» деб ўйлади. Домла нима билан машғуллигини тасаввур этмоқчи бўлиб, қулоқ солди. У оёғини уқалаётганга ўхшарди.

Лекин Ортиқ бошини ўгириб, бутунлай бошқа нарсани кўрди. Домла оёғини ечиб ташлаб, тагини игна билан титкилаб ўтирарди. Кўриб, ваҳми келиб кетди. Домланинг оёғи маржон-маржон қавариб кетган, у бўлса эринмай битталаб тешиб, сувини оқизиби, шамолда қотирар, ҳар гал ачишганидан юзлари буришиб-буришиб кетарди.

Ҳа-а, гап бу ёқда экан-ку, оёғини босолмай қолганича бор экан-ку. Худо кўрсатмасин бу азобни. Ортиқ ўйлаб этлари жимирлаб кетди. Беихтиёр оёғининг бармоқларини қимирлатиб оғриқ сезмагач, ўзича хурсанд бўлиб қўйди. Бу оёқлар пишиб кетган, қанча йўл бўлса кўрдим демайди. Фақат сув бўлса, чанқоқ азобидан қутулса бўлгани эди...

У қўлларини қумга тиқиб, бошини юлгун панасига олиб, сад ором топгандай бўлди. Бошининг лўқиллаши, қулоқларининг шанғиллаши камайиб, энди сал одамга ўхшаб, ақлини жойига қўйиб, фикр юрита бошлади.

«Ҳозир шарт ўрнимдан турсам-у, оғайнилар бир мас-лаҳат чиқиб қолди, десам-чи? Отамурод, сен ҳақсан. Мен бекор йўлга бошлаган эканман. Бекор сенга қарши чиққан эканман. Кечир мени. Энди билдим. Лекин кўзим кеч очилди. Шундай бўлишини билсам, мана буларнинг шундай аҳволга тушиб, қийин кунга қолишларини билсам, шу йўлга бошлармидим? Мен яхши умидда, қутулиб кетармиз, деган умидда шу йўлга бошлай қолган эдим. Мени кечиринглар. Кечиринглар-да, рухсат беринглар: ўз айбимни ўзим ювай. Рухсат берсаларингиз, мен йўлга отланай. Сизлар бир ерга қўниб, мени кутинглар. Мен чидайман. Чинкка етиб чиқишга, етиб чиқиб, одамларга хабар қилишга ҳаракат қиламан. Фақат йўлга етарли сув берсанглар бўлгани, десам-чи?..»

Унга ишонишармикан? Ниятини сезиб қолишмасмикан? Сездирмаган тақдирда ҳам якка ўзи бу балойи азим чўлдан чиқиб кета олармикан?..

У чўчиди. Ниятини сезиб қолишларидан эмас, якка ўзи таваккал қилишдан чўчиди. Бу шум ният ўзини қанчалик ром этмасин, юраги дов бермади. Жони ширинлик қилди.

Яна кимдир чуқур уф тортиб, бетоқатлик билан ўр-нидан туриб ўтирди:

— Бай-бай-бай. Саҳройи Қабирнинг ўзи-я. Ёндираман дейди-я.— У Отамурод экан, шапкасини олиб, зўр бериб елпинишга тушди.— Шундай кенг жойда қилт этган шабада бўлмаса-я...

— Демак, чинкка ҳали анча бор экан. Эсингиздами, Кугисемда жардан қандай ғир-ғир салқин шабада эсиб турарди?! — деди домла оёғининг тагини авайлаб силаркан.

— Қаердан биласиз, балки ҳозир мана бу барханлар тўсиб тургандир,— эътироз билдирди Султонов ётган жойида.

Домла унинг раъйини қайтаргиси келмади шекилли, елка учуриб қўя қолди:

— Балким.

— Шошманглар,— илтимос қилди Зулхумор,— нима тинимсиз гувилляяпти? Сизларга ҳам билиняптими?

Ҳамма жимиб қулоқ солди. Ортиқ нафас ютиб қанча уринмасин, ҳеч нарса эшитолмади.

— Сизга шундай туюлгандир,— деди Отамурод ҳам.

— Шошманг... Мен эшитяпман. Узоқдан машина келаётганига ўхшайди,— дея ҳовлиқди Султонов бошини кўтариб.

Ортиқнинг юраги ҳаприқиб «Наҳотки!» деганча сапчиб ўрнадан туриб кетди. Атрофга аланглаб, яна нафас ютмай қулоқ солиб кўрди.

Қамолиддин ака ўтирган ерида беҳафсалалик билан қўл силкиди:

— Қанақасига машина бўлсин! Бу азбаройи чарчаганники. Қулоғингиз шанғиллаётгандир. Тузукроқ эътибор беринг-а...

Зулхумор руҳи тушиб бош силкиди:

— Рост, шундай экан...

Ортиқ ҳафсаласи пир бўлиб, қайтиб ўтираркан, бир бўлак пишган гўштни парраклаётган Отамуродга қараб туриб, ҳайрон қолди. Бир бўлак гўшт ўн паракка бўлинди. Отамурод нима учундир дастлабки тўрт парракни жонлироқ-жонлироқ қилиб кесди-да, иккига бўлиб қўйди. Қолганини текис учга бўлди.

Ортиқ унинг нега шундай қилганига тушунолмади. Қани, жонлироғини кимга бераркан, деб киши билмас кузата бошлади.

Отамурод қопчиқдан ёғоч қошиқни олиб ўртага қўйгач, мешни ёнига суриб, унинг оғзини очмоқчи бўлди-ю яна очмади. Кафтини-кафтига ишқаб:

— Қани, биродарлар, тушликка марҳамат,— деди-да, хижолат аралаш қўшиб қўйди. — Бир хўпламдан бўлса ҳам чой қайнатсак яхши бўларди-ю, аммо сувимиз чатоқ, мешда бир кружка чиқиб-чиқмайдиган қолибди.

Домла оёғининг қавариқларидан қутулиб, игнани ёқасининг орқасига қадаркан, унга қарамай тасдиқлади:

— Нимасини айтасиз, кўрпага қараб оёқ узатаверган маъқул. Бизнинг раъйимизга қарасангиз сув етказиб бўладими! Узингиз билиб расамадини қилаверинг.

Бу гап Ортиққа жуда таъсир қилди: мунча унга ишонмаса! Шунчалик тўғри, шунчалик ҳалол эканми? Бўлмаган гап! Минг тўғриси ҳам бунақа вақтда ўзини ўйлайди. Бу ҳам фаришта эмас! Унинг ҳам яшагиси келади. Четдан сездирмаса ҳам ичидан пишган. Зимдан ишини битириб юрган бўлса-чи? У ҳам анойимас. Ҳали мешдаги сув тугаб, канистрдаги занглаган сувга гал келсин, кўрамиз. Ваҳимага тушиб қолмасмиканлар!

Улар қоидага биноан дастурхон атрофига йиғилиб, ким тиз чўкиб, ким чордана қуриб ўтирди. Фақат Зулхуморгина оёқларини букиб, омонатгина жойлашди.

Ортиқ ҳамон Отамуродни зимдан кузатарди. Ниҳоят, у жонлироқ кесилган гўшт бўлаклари қолиб бундайроқларини олиб, узата бошлади.

— Мана, хўжайин, марҳамат, ош бўлсин... Мана бу, Ортиқ ака, сизга. Буниси — каминага. Қани, домла, Зулхумор, ҳа, олаверинглар. Дастурхонга қаранглар.

Ортиқ унинг ҳийласини энди сизди: жони қаттиқларга мундайроқ экан-у, уларга жонлироқ эканми? Нима, уларнинг ўқи ўзганми? Биз ҳам уларнинг кунига тушишимиз керакми?! Фалсафангдан ўргилдим сени. Кемага тушганнинг жони биттами — бир хил бўлиш керак! Уларни асраймиз, деб биз тегишимиздан воз кечишимиз керак эканми?

Камолиддин ака унинг кўнглидан ўтаётган гапларни сезиб тургандай, гўё шунга ишонч ҳосил қилмоқчидай, унга қараб қўйиб, Отамуродга бош чайқади:

— Бу ишингиз яхшимас, ука, шу охиргиси бўлсин. Қайтариладиган бўлса... хафалашиб қоламиз.

Отамурод ўзини оқлаб ўтирмай, гуноҳқорона бош силкиди:

— Яхши, бошқа қайтарилмайди, — деди-да, қўшиб қўйди: — Узи ҳам оз қолди...

Ортиқ шу баҳона узиб-узиб олгиси келди-ю Отамуроддан ҳайиқди. У бу йигитнинг азбаройи тўғрисиўзиданми, адолатпарварлигиданми, нимасидандир чўчиб турар, унга қарши гапиришга юраги бетламас эди. Ҳозир ҳам ич-ичидан норозилик босиб келганига қарамай, фик эта олмади. Ҳаммадан ўзига мана шуниси алам қиларди. Отамурод ниҳоят мешнинг оғзини очиб, авайлаб кружкага ҳамма сувни охирги томчисигача қуйди-да, бир қошиқдан узата бошлади.

— Кўп ўрнида кўрасизлар-да, энди,— деди хижолат аралаш. Ким умрида сув кўрмагандай ютоқиб, ким бир кўтаришда оғзига лаққа ташлаб, ким симириб (шундай қилса чанқоғини қондирадигандай) кружкадаги сувни ичар, бу сув чап ичакка юк ҳам бўлмагани шундай кўриниб турарди. Ортиқнинг ўзи хўплашга хўпланди-ю, ютишга қизғаниб оғзида ушлаб қолди. Худди шундай қилса қақраган томоқлари ором оладигандай, чанқоғи босилиб, юрагини ўрташдан тўхтатадигандек, ютиб юборишдан қизғанди. Лекин иссиқда илиб қолган сув чанқоқни босиш ўрнига кўнглини беҳузур қилар, Ортиқ оғзига сув эмас, бир бемаза нарсани олгандай эди. У кўнгли тортиб-тортмай қулт этиб ютиб юбориб, шундан бир хўплам чойнинг ўлса ўлиги ортиқ эди, деб қўйди ичида.

Ҳамроҳлар бирин-сирин ўзларича дастурхонга фотиҳа ўқиб, чекка-чеккага сурилиб чиқа бошладилар. Ҳам-



манинг хаёли энди канистрдаги сувда бўлса ҳам, буни сездирмасликка ҳаракат қилади, кўзларини четга олиб, ўзини алаҳситмоқчи бўлади. Отамурод бўшаган мешни четга суриб қўйди-да, қопчиқни йиғиштира бошлади. У нимагадир ора-сира Зулхуморга қараб-қараб қўяр, лекин у кўз ташлаб қолгудек бўлса, дарров нигоҳини олиб қочарди. Унинг юзи, кўз қарашларидан қизга ачинаётгани, унга далда берадиган, кўнглини кўтарадиган бир оғиз сўз айтгиси борлиги шундай сезилиб турарди. Ортиқ энсаси қотиб, ичида қўл силтади: бировнинг ғамини егунча, ўзингни ўйласанг-чи, галварс. Етти туғишганингни биримики, ачинасан!

Шу пайт Отамурод кутилмаган қатъият билан қайтарма этигини еча бошлади. Ортиқ қўрқиб кетди: «Нима бало, унинг оёғига ҳам бир нарса бўлганми? Бунақада ярим йўлда қолиб кетамиз-ку!»

Йўқ, у этигини бир чеккага қўйди-да, пичоғини қўлига олиб, қопчиқнинг биттасини бўшатиб, буза бошлади. «Эсини еганми, қопчиқни пайтава қилмоқчимиз?» — ҳайрон бўлди Ортиқ.

У ўйлагандек бўлиб чиқди. Отамурод қопчиқни иккига бўлди-да, чокларини қирқиб ташлаб, оёғига чама-лаб кўриб, ўрнидан турди. Этик билан ҳозиргина ўзи тайёрлаган пайтавани кўтариб, оёғининг тагини силаб-сийпалаб ўтирган Зулхуморнинг тепасига бориб тўхтади. Сўзсиз унинг ёнига чўнқайди-да, этикни орқасида қолдириб, пайтавани узатди:

— Мана, буни ўраб кўринг-чи, зора шу билан тўғри келса...

Қиз унга ялт этиб қаради-ю нима гаплигини тушуниб, кўзлари бирдан филт ёшга тўлди, кўнгли бўшашиб лабларини тишлади. Шу тахлит қатъий бош чайқади:

— Қўйинг, Отамурод ака, кераги йўқ... Мени деб ўзингиз оёқдан ажраманг, кераги йўқ,— у бош чайқаб-чайқаб қўяр, азбаройи тўлқинланганидан ёшли кўзларини кўтариб қарай олмас эди.

Отамурод хижолатга тушиб кулимсиради, лекин бўш келмади:

— Сиз олдин кийиб кўринг, ҳали этик тўғри келадими-йўқми?

Зулхумор яна бош чайқаётганини кўриб, жиддий-лашди.

— Йўқ, десангиз, қўлмни қайтарсангиз, хафа бўламан, Зулхумор. Олинг,— деди қатъий. Кейин ўрнидан

туриб четга қаради.— Сизни шу аҳволда кўриш бизга осон дейсизми?! Ахир биз ваҳший эмасмиз-ку.

Унинг овози титраб кетгандай бўлди. Кейин пайтавани этик устига ташлаб, ўзи бурилиб нари кетди. Ортиқ унинг қумдаги пойтешадай йирик изларини кўриб, худди ўзи қумда яланг оёқ кетаётгандек, этлари жунжикиб кетди.

— Худо кўрсатмасин,— дея бош чайқаб четга қараб олди.

Домла оёғини зўрға ерга босиб, Зулхуморнинг олдига келди-да, гўё ҳеч нарса бўлмагандай унга пайтава ўрашга кўмаклаша кетди. Ортиқ ҳамон Отамуродни ўйлар эди: шундай чўлда яланг оёқ қолишга қандай журъат этди? У этигини ечиб бермаса биров бир нарса дермиди, ҳеч ким айбламасди-ку? Нима, бу — валломатликми ё шунчаки бир меҳрибонликми?..

Лекин шу топда у бошқа бир нарсани ҳам яққол ҳис этди. Унинг ўрнига ўзини қўйиб кўриб, ўзи ҳеч қачон шундай қила олмаслигини, кўзи қийиб, бунга журъат эта олмаслигини билиб, ғалати бўлиб кетди. Худди бу ҳақиқатни бошқалар ҳам сезиб қоладигандай, юрагини ғулғула босди. Ўзининг хаёлидан ўзи қўрқиб кетди. Виждони уйғониб келиб, қулоғига пичирлади: бунга одамгарчилик дейдилар. Сен одамгарчиликни билармидинг... Бу таъна унга оғир ботиб жаҳли чиқди: «Нима, бирдаиккида ўтказиб қўйган жойи бормидики?..»

У тўрсайиб Зулхуморга қараб, ҳайрон қолди. Боягина руҳи тушиб, синиқиб ўтирган қиз энди тамомила ўзгариб қолган эди. У этикни кийиб олиб, оёғини ерга тап-тап уриб кўради, оёқ оғриғи азобидан қутулганидан курсандлигини ичига сиғдириб, кўзлари чақнаб, пориллайди. Ора-сира Отамуродга қандай миннатдорчилик билдиришини билмай, ҳаяжонланиб қараб қўяди.

У бўлса, деворзанлардай шимининг почаларини қайириб, расмана яланг оёқ бўлиб олиб, чўнқайиб ўтирганича ҳалиги пайтава қилиб юборилган қопчиқдан чиққан нарсаларни канистрли рюкзакка жойлаш билан овора. Зулхуморнинг абжағи чиқиб кетган ботинкаси билан декчани, кейин қуввати тугаб гапирмай қўйган «Спидола»ни, яна алланарсаларни бир чеккага ажратиб қўйибди. Ниҳоят, у қопчиқ оғзини бўғиб, ўрнидан турди-да, бир йўла қўлини тасмалар орасидан ўтказиб, уни орқалаб ола қолди. Бўшаган мешни ҳар эҳтимолга қарши унинг устига ташлаб, бўғзидан рюкзак тасмасига қистириб қўйди. У силкинганда қопчиқ ичидаги ка-

нистрда сув ожиз қулдираб, Ортиқнинг юрагига гулгула тушиб кетди:

«Ростдан кунимиз шу сувга қолдимиз? — Шу заҳоти хаёлига чақмоқдай урилган фикрдан тиззаларигача қалтираб кетди.— Энди мен нима қилдим?! Кечаманми... ниятимдан?..» Ортиқ ғалати бир ҳолатда туриб қолди. У нимагадир умид тутар, ниятидан кеча олмас, титраб-қақшаб, энди нима бўлади, нима қилдим, дер, ўзига таскин берадиган бирор жавоб топа олмас эди.

Кўз олдидан Тошкентнинг баҳаво чеккасидаги ҳовли-жойи, гир айлана сўриларга чиқариб юборилган аймақи тоқлар, ҳовли ўртасидаги мўъжазгина, фойданинг ини бўлган теплицаси, бир-биридан ўтказиб, нозик қилиб гул солиб, тилла ҳал юритилган хона-хонали уйлар, гараждаги «Москвич» машинаси ясов тортиб ўтар, хаёлига ёпирилиб келаётган бир-биридан совуқ фикрлардан боши гир айланиб, кўзлари тиниб кетар, оёқлари остида ер қалқиб-қалқиб кетаётганга ўхшарди. Наҳотки, шуларнинг ҳамма-ҳаммасидан айрилса... унга буюрмаган бўлса... Шу умид билан йиққанмиди?! Шу умид билан қурганмиди? Шу умид билан жонини жабборга бериб, ўзини ўтга-чўққа урганмиди?! Буюрмас экан, мана шу ерларда хор-зор бўлиб ўлиб кетар экан, туғилиб нима қиларди?! Ундан бу дунёга келмагани минг маротаба маъқул, эмасмиди! Кўрмагани, куймагани маъқул эмасмиди! Энди ҳаммаси бир пул, тоат-ибодатлари ҳаром! Эсиз, пешонаси шўр бўлмаса, шулар билан шу ерга келармиди?!

Кимдир унинг елкасига қўл ташлаб, ёнидан ўтиб кетди. Ортиқ чўчиб ўгирилиб, тошли рюкзакни йўл-йўлакай ортмоқлаб бораётган Султоновни кўрди-ю буни ўзича тушунди:

Хайрият. Уни ҳам тушунадиган, унга ҳам ҳамдард бўладиган одам борақан-ку. Ҳали ҳам бўлса, ундан қўймасин. Унга ишонса, бир гап тушунтирса бўлади. Йўлга ҳам юра қолади. Анавиларга ўхшаб латтачайнар эмас. Қандай бўларкин, бошқалар нима деркин, деб ўтирмайди.

Ортиқ ердан таёғини ола туриб, беихтиёр саксовул тагидаги тўнтариглиқ декчага кўзи тушиб, юраги увишиб кетди. Бошланибди-да, деб ўйлади ичида. Энди оғирлик қилган нарсаларни битта-биттадан ташлаб кетишаверади. Бугун декча кераксизга чиққан бўлса, эртага суви тугаб, канистрни ҳам шундай...

У ўзининг хаёлидан ўзи даҳшатга тушиб, бош чай-

қадн: йўқ-йўқ. Бундай бўлиш мумкин эмас. Ҳеч қачон! Кейин бунн эслагиси ҳам келмай, шахдам-шахдам юриб кетди-ю, лекин... Бу совуқ хаёл калласига шундай ўралашиб келардики... Охири ихтиёрини унга топшириб, бу бало-қазодек босиб келаётган даҳшатдан қандай қутулишни ўйлаб кетди. У ҳаммадан кейинда бошини ҳам қилганча, олдиндагилар қай аҳволга тушган-тушмаганини унутиб, ўзи билан ўзи бўлиб бораркан, бирдан-бир нажот йўлини изларди: ҳали кеч тушиши билан Отамуродни секип четга тортиб, авраб кўрса-чи? Камбағалгша йиғит экан. Балки кўниб қолар. Ахир ким пулга учмаган? Бу ерларда бекорга юрмагандир. Мўмай пул излаб келмаса, Тошкентдай жойда шофёр зотига иш қуриб қолибдими?

Авраш керак! Ётиғи билан чўчитиб юбормай айтса, кўнади. Қаловини топса, қор ёнади-ку. Бундай деса-чи? «Бўлар иш бўлди, оғайни. Булар билан энди узоққа бориб бўлмайди. Ўзинг кўриб турибсан уларни. Оёққа кишан қилиб нима қиламиз? Бу аҳволда ҳаммамиз ҳам шу чўлда бекорга нобуд бўлиб кетамиз», деса-чи?..

Ортиқ хаёлан Отамуродга мурожаат этади:

— Ҳали ҳам бўлса рози бўл. Бекордан-бекорга ўлиб кетгунча иккимиз келишайлик.

Отамурод қовоғини очмай, унга ўқрайиб қарайди. Худди унинг ниятини кўзларидан уқиб олмоқчидек, қаттиқ тикилади. Жавоб ўрнига ўзини саволга тутайди:

— Нимани таклиф қиляпсиз? Қочишними?..

— Нега энди?! — Ортиқ довдираб талмовсирайди.

— Бўлмаса нима демоқчисиз?

— Сен уларни кўндирсанг. Бирор ерга қўнишса-ю кейин биз...

— Нима биз?.. — бетоқатлик билан сўрайди у.

— Яъни, сен йўлга отлансанг. Чунки сенинг ироданг этади. Айтганингни қилмай қўймайсан. Кўзлаганинга эса етмай тинчимайсан. Сенга ишонса бўлади. Биргина сен чипкка етиб чиқа олишинг мумкин. Йўқ дема. Худо ҳаққи, йўқ дема. Сендан бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайди бу иш, — ўтиниб ялинади Ортиқ унга.

— Шу холосми? — ҳайрон бўлади Отамурод.

— Шу холос-ку, лекин... агар малол келмаса, — Ортиқ унга тушунтиришга ошиқади, — кичкинагина бир илтимосим шуки...

— Ўша илтимосдан келинг, қани?..

Ортиқ у рози экан, деб мақсадга кўчади. Бор гапни айтиб қўя қолади:

— Агар йўқ демасанг, малол келмаса, мени ўзингга ҳамроҳ қилиб, бирга олиб кетсанг. Шу ердан олиб чиқиб кетсанг бўлди. Майли, бир умр қулинг бўлай, айтганингни қилай. Ёт десанг ётай, тур десанг турай. Фақат ўзинг билан бирга олиб кетсанг бўлгани. Истасанг, ҳозир тилхат ёзиб бераман. Оғзингга сиққанича сўра. Пул десанг, пул билан, мол десанг мол билан тўлайман. Фақат қутқариб қолсанг бўлгани,— у кўзига жонидан бўлак ҳеч нарса кўринмай, ваъда қилади.— Битта машина олиб берсам ҳам майли!..

Отамурод истеҳзо билан кулиб бош чайқади:

— Жуда валломат экансизми, а?!

— Нима, ишонмаяпсанми! Чин дилдан, сидқидилдан айтяпман.

— Нима? Бошингиздан садақами?! — Отамуроднинг жаҳли кўзиб келади.— Кечирасиз! Сиз мени ким деб ўйловдингиз? Адашибсиз. Чучварани хом санабсиз. Ўйлайсизки, пул бўлса чангалда шўрвами! Ҳамма нарсани сотиб олса бўладими? Ҳатто виждонни ҳам-а! Бекорларни айтибсиз! Билмасангиз, билиб қўйинг. Мен сизнинг ўша пулларингиздан ҳазар қиламан. Ҳаром деб биламан, тупураман унга!

— Нима, нима? — Ортиқнинг қони қайнайди.— Кимнинг топгани ҳаром экан? Менингми?! Менинг топганларим-а? Ҳали сен мени молпараст, бойликка муккасидан кетган, пул деса динидан воз кечадиган одам деб ўйлайсанми?! Йўқ, ошна, адашасан. Мен унақа диёнатсиз эмасман. Мен топсам, ҳалол пешона терим билан топганман, ўзимни ўтга-чўққа урган бўлсам, одамлардек тўкис яшаш учун қилганман. Ит тинарди, қуш тинарди, лекин мен тиним билмасдим. Сен аввал нима қилардинг, деб сўрагин. Ишга бориб келардим — бир, келиб теплицага қарардим — икки, уйда касал кўрардим — уч, кечаси машинада кирага чиқардим — тўрт, новвос боқардим — беш. Хўш, булар иш эмасми? Айт, қай бири ўғриликка киради. Нимаси ҳаром экан? Ҳалолнинг ҳаромдан фарқи бордир, ахир? Хўп, айтайлик, мен пул, мол-дунё деб ҳаловатимдан кечиб, шу чўлларда юрибман. Бир-икки минг сўм ишлаб олиб, машинамни янгиламоқчиман. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Нимаси ҳаром! Мен-ку, ҳалол пешона терим билан топибман, лекин Тошкентнинг ўзида туриб қўлини совуқ сувга уриш у ёқда турсин, у чўнтагидан бу чўнтагига олмасдан ҳам

иш битираётганлар, оғзининг ели билан минг-минг топаётганлар йўқми? Ҳар тимсоҳлар борки, халқнинг топганини туя қилиб, давлатнинг молини ямламай ютиб ётибди. Агар қўйиб берса, самолёт сотиб олишга қудрати етадиганлар бор, укагинам. Сен нима деб ўтирибсан! Ана уларникини ҳаром десанг ярашади. Биз уларнинг олдида ризқини териб еб юрган бир чумолимиз-ку...

— Аниқроқ айтаверинг, улар деганингиз кимлар? Қанақа одамлар? — Отамурод афтидан уни синамоқчи бўлади.

— Худди билмайдигандек сўрайсан-а? Ахир ўзинг айт. Ҳозир пулсиз битадиган иш борми?! Қаерга борсанг, қўлингга қарайди. Тутқазмагин-чи, ишинг битармикин. Ўлганда ҳам битмайди! Сургайверади, сургайверади. Кейин ўзинг мажбур бўласан. Телефонни ҳам шунаққиб туширасан. Газни ҳам шунаққиб киритасан. Қаёққа борсанг таниш-билиш, сендан угина, мендан бугина. Зиёфатхўрлик... Ана, биттаси, тушунгани. Шу чўлда ҳам домласига мавриди келганида ўтказиб қолишни ўйлаб, зиёфатлар ташкил қилиб, кийик овига бошлаб юрибди-ку. Буларнинг қилмиши тўғри-ю, бизники эгрими?! Саломат бўладилар!.. — Ортиқ қалайсан энди, дегандек унга қарайди.

— Сиз ҳам анойи эмассиз. Ўзингизни оппоқ қилиб кўрсатмай қўя қолинг. Таклифингизга келсак — овора бўласиз. Мен буни, хафа бўлмангу бориб турган пасткашлик деб биламан, — у чўрт ўгирилиб нари кета бошлайди. Шунда Ортиқ жаҳолатда унинг кетидан эргашиб, зўр бериб ўз ҳақини талаб қилишга тушади:

— Бўлмаса, менинг тегишимни бўлиб бер! Менга тегадиган сувни ажратиб бер. Сен кетмасанг, ўзим кетаман бу чўлдан. Тўйдим, жонга тегди сенларнинг кетингдан сурғалиб юриш! Етар, сенларни деб шунча тортган азобларим! Энди кетаман. Ўзимга қўйиб бер.

У бир ўгирилиб қарайди-ю, на ҳа, на йўқ демай, индамай кетаверади. Ортиқ минг бақириб-чақирмасин, қайрилиб ҳам қарамайди...

У хаёли яна жойига келиб, ўзидан-ўзи ҳайрон бўлиб, бошини ушлаб қўйди: тавба, нима бўлган ўзи? Нимага ҳадеб ҳар турли хаёллар ўралашиб келади? Мунча тез, мунча бетўхтов ишламаса?.. Қаллами, машинами ўзи?

Шу пайт кимдир унинг йўлини тўсиб, хаёлини бўлди, асабий бир ҳолатда:

— Шерикмисиз ўзи, ё... — деди зарда билан.

Ортиқ чўчиб бошини кўтариб, қаршисида қора терга

тушиб, зўрға оёқда турган Султоновни кўрди. Соқол-мўйловлари бир энлик-бир энлик ўсиб, юзини қоплаб олибди, ўзи шундай қаримсиқ тортиб кетибдики... Ортиқ илгари буни сезмаганига ҳайрон қолди.

— Нима? — деди у алоҳал.

— Нима бўларди, умрингизда сафарга чиққанмисиз, дейман?

— Чиққанман. Нима бўпти?

— Одам деган ён-верига қарамас экан-да?! — у астойдил хафа бўлиб, юз ўгириб олди. Ортиқ осмон узилиб ерга тушибдимикан, дегандай ён-верига қараб елка учирди. Ҳеч нарсага ақли етмай:

— Зардангиз, нимаси! Очиқ-ёриқ айтаверинг-да, — деди.

Султонов энсаси қотиб, қараб қўйди.

Ортиқ тушунавермагач, орқасидаги рюкзакнинг битта тасмасини чиқариб:

— Бирпас ёрдамлашиб юборасизми? — деди.

Ортиқ энди гапга тушуниб етиб, четга қараб қўл силтади.

— Шу алфозда ўша тошлар зарил эканми?! — деди-ю яна ўйланиб қолди.

Тошбағир деган ном чиқаргиси келмади. Бунинг устига Султонов бегона эмас, ҳарҳолда унга ўзини яқин олиб юрибди. Ўрни келганда қувватлайди, ёнини олади. Ҳали ёрдами тегиб, асқатиб қолса ажабмас, ахир. Бошқаларга ялингунча шунга суянса бўлади-ку. Шу гапга юради-ку.

Ортиқ шайтонга ҳай бериб, аҳдидан қайтди.

— Майли, бера қолинг. Сиздан бошқадан ўла қолсам олмасдим, — деди қопчиққа қўл узатиб.

Султонов энги билан кенг пешонаси, қуюқ қошларини босган терни артиб, миннатдорчилик билан бош силкиди. Рюкзакни орқасидан тушираркан:

— Минг лаънат Устюртга ҳам, экспедициясига ҳам, — деди нафаси томоғига тиқилиб. Кейин чуқур-чуқур, ўпкасини тўлдириб-тўлдириб нафас олиб, бўшатди, ўзига келолмай, яна ҳансиради. Кўзига жони ширин кўриниб қолибдими, хаёлидан ўтказди Ортиқ унга синовчан тикилиб. Адашмаганига қаноат ҳосил қилиб, рюкзакни ортмоқлаб йўлга тушаркан, ичида:

«Мана буни кўндириб йўлга солса бўлади. Хаёлимга келмаганини қаранг! Ҳали ҳам кеч эмас. Ишқилиб омад юз ўгирмаса бўлгани!» — деди у эрталабдан бери кўнглининг бир чеккаси гашлигини, ҳеч ёзилиб кетма-

ётганини эслаб. Йўлда сал унутгандай бўлувди. Мана ҳозир омадни ўйлади-ю яна у ёдига тушиб кетди.

Бугун азонга яқин у галати туш кўрибди. Тушида улар кун чиқмасдан йўлга тушишга тайёргарлик кўришаётганмиш-у, Отамурод зўр бериб ҳаммалари билан қучоқлашиб хайрлашармиш.

— Яхши-ёмон гаплар ўтган бўлса — кечирасизлар. Қўнглингизга оғир олмайсизлар. Фақат бир илтимос, мени тўғри тушунсанглар. Қораламасанглар. Уйлаб-ўйлаб шуни маъқул кўрдим, ўзим ихтиёр этдим, — дермиш-да, бир думалаб оқ туяга айланиб қолганмиш.

— Нега бундай қилдинг? Ким сенга рухсат берди? Шартмиди шундай қилишинг?! — деб ҳарёқдан уриша кетишса:

— Мен сизлардан илтимос қилдим-ку, раъйимни қайтармасликларингизни ўтиндим-ку, — дермиш хафа бўлиб. Кейин ниятини бир-бир тушунтириб берармиш. — Қарасам бу аҳволда чинкка етиб чиқа олмаймиз. Сувимиз тугаб, оёқлар ишдан чиқиб, кундан-кунга баттар бўлиб боряпти. Охири шунга рози бўлдим. Туя бўлиб йўл бошлашга, ҳеч бўлмаса юра олмай қолганларни устимга миндириб, чинкка олиб чиқиб кетишга рози бўлдим. Фақат кейин мени қоралаб юрмасаларингиз, ёмон сўзлар билан эсламасаларингиз бўлгани. Мен сизлардан розиман, — дермиш.

— Битта туя билан иш битармиди?! Қолганлар нима қилади? Ахир бари бир пиёда кетишга мажбур-ку, улар. — Ортиқ шундай деса, оқ туя бош чайқармиш.

— Туя топишинг иложи бор. Фақат буни истасангиз бўлгани, — дермиш маъноли тикилиб.

— Қанақасига? Биз ҳам сендек... — сўрашармиш улар бараварига.

— Йўқ, энди ундай эмас. Туя бўлиб, ҳамроҳларига астойдил ёрдам бергиси келган одам менинг тукимдан олиб, кўзига тўтиё қилиб суртса бўлди. Уша заҳоти бу чўлни писанд қилмайдиган нортуюга айланади-қолади, — дермиш сирли кулимсираб. Ортиқ севиниб кетиб:

— Ниҳоят қутуладиган кун бор экан-ку! Бу азобларнинг чеки-чегараси бор экан-ку! Қутулиш йўли бор экан-ку! — дея ҳадеб ўйинга тушармиш. Оқ туянинг бўйнига осилиб, пешонасидан ўшиб, бошларини силаб эркалармиш. У бўлса бош чайқаб:

— Аввал сиз охиригача эшитинг. Ҳали туя бўлиб қолиб мendan ўпкалаб юрманг, — дермиш.



— Нега унақа дейсан? Ахир ўзим ҳам қутулиб қолсам, бошқаларга ҳам фойдам тегса, ёмонми?!

— Гап шундаки.— дермиш у Ортиқни масхара қилгандай иржайиб кулиб,— кейин ҳам туялигингизча қоласиз. Қайтиб одамга айлана оласизми, йўқми, бунга кафиллик бера олмайман. Бунинг сеҳрини ўзим ҳам билмайман,— дермиш. Ортиқ қўрқиб, тисарилиб кетибди.

— Туф-туф, худо кўрсатмасин. Шуни илгарироқ айтмайсанми! — дермиш. Лекин домла бўлса бошқаларни йиғиб, маслаҳат қилармиш.

— Битта туя билан бўлмайди. Бари бир, яна биттамитиз шунга рози бўлишимиз керак. Туяга айланишимиз керак. Ҳамма омон қолиши учун кимдир Отамуродга ўхшаб ўз фидойилигини кўрсатиши керак. Қани, кимни кўрсатасизлар? — дермиш.

— Майли, мен розиман! Менинг ҳеч кимим йўқ, — дермиш қўл кўтариб Зулхумор. — Йўқ деманг.

Домла бош чайқармиш:

— Сиз ҳали ҳаётда нимани кўрибсиз?! Қанча ўйнаб-кулибсиз? Ҳали ҳаммаси олдинда. Биз сизни бахтсиз қила олмаймиз. Менинг йўригим эса бошқа, ҳамма нарсага эришганман. Ҳамма ташвишлардан қутулганман. Болаларни уйлаб-жойлаганман. Ниятларимнинг кўпи ушалиб, фанга, одамларга озми-кўпми нафим теккан. Охирида ҳам сизларга нафим тегсин. Мен розиман,— дея ўрнидан тура бошлаганида бошқалар унинг йўлини тўсиб қарши чиқишармиш.

— Сиз катта олимсиз. Фанга керак одамсиз. Биз розимасмиз,— деб уни оқ туяга яқин йўлатишмасмиш.

Шунда оқ туя сўз олиб:

— Демак, икки киши қоляпти. Ё Султонов, ёки Ортиқ туяга айланиши керак. Яхшиси қуръа ташлай қолинглар,— дея маслаҳат берармиш.

Ортиқ титраб-қақшаб: «Нега энди, нега энди? Биз рози эмасмиз», деб орқасига тисарилармиш.

Султонов бўлса тақдирга тан бериб, бошини эгиб, қўли билан қум кавлаб ўтирармиш.

Қуръа ташланаркан, Ортиқ ҳадеб:

— Э, худо, Султоновга чиқсин, унга чиқа қолсин, мени ўзинг қутқар. Шарманда қилма,— дея ҳаммага кулги бўлиб ўтинармиш. Бу сиғинишлари, ялиниб-ёлборишлари ҳам ёрдам бермасмиш. Қуръага у ютқазармиш-у, орқа-ўнгига қарамай бархан ошиб қочармиш. Оқ туя бўлса орқасидан лўкиллаб:

— Тўхта, номард! Қаёққа қочасан? Бари бир етиб оламан. Тўхта дейман,— дея қувлармиш. Ортиқ бор кучи билан қочиб бораркан, оёқлари чалишиб, ағдарила туриб уйғониб кетибди. Хайриятки, туши экан.

Энди тушини нимага йўйишини билмай хуноб. Туя ета олмаганидан бир хурсанд бўлса, оёғи чалишиб кетганидан кўнгли бир ғаш. У ағдарилиб улгурдимиди-йўқми, эслай олмайди. Йиқилмасидан уйғониб кетгани яхши бўлди.

У ҳозир биргина шу билан ўзига-ўзи таскин бериб борарди.

### Унинчи боб

Барханлар оралиғида онда-сонда учраб турган саксовуллар ҳам кўринмай қолди. Тинка-мадорни қуритиб, ҳолдан тойдирадиган қуруқ қум саҳроси бошланди. Пас-так барханлар бир-бирига шундай яқин, шундай ён-бошлашиб кетганки, бамисоли бир вақтлар қирғоққа қувалашиб келаётган денгиз тўлқинлари қумга айланиб қотиб қолганга ўхшайди. Улар жуда узоқда, офтоб живир-живирга тўла уфққа яқин жойда ойнадек ялтираб ётган тақирга туташиб кетган.

«Айтмоқчи, ўзи ҳам шундай эмасми,— деб ўйлайди Камолиддин ака.— Бир вақтлар, ҳали одамзод дунёга келиб улгурмасидан неча минг йиллар аввал афсонавий мовий денгиз Орол шу Устюрт ўрнида бўлган, кейин қудратли тектоник кучлар «жанги» орқасида бу дунё супаси бир кечада ўсиб чиққан-у, Орол суви орқага чекинган. Этаги ҳозир ҳам денгизга туташиб ётган мана шу Сарикамиш чуқурлиги ўшанда дунёга келган, мана шу қат-қат барханлар, ундан ҳам майин, денгиз қуйқасидан ҳам майда қумлар ўшандан қолган бўлса ажаб эмас. Биз ана шу худо қаргаган жаҳаннамга тушиб қолганмиз. Ундан чиқиб олмасаканмиз — бу чўлда беному нишон қолиб кетамиз».

Кун пешиндан оғиб бораётганига қарамай, у борлиқни аёвсиз куйдиради. Худди жизғинагини чиқариб юбормоқчи бўлади. Ҳатто соялар ҳам офтобдан қочиб, кичкина тортиб кетгандай, одамнинг орқасига яшириниб жон сақлаётгандай. Кун бўйи офтоб тафтини эмиб ётган қумтепачалар олов рангида товланиб, кўзни қамаштиради. Улар мана ҳозир ловиллаб ўт олиб кетадигандай туюлади, шундай қизиб чўғ бўлиб ётибди.

Аксига олиб, бу қум денгиз қуйқасидек шундай

юмшоқки, оёқ босиб бўлмайди, қадам қўйиш билан шувиллаб пастга оқади-ю беихтиёр оёқни орқага тортиб кетади. Унинг дастидан тўғри юриб бўлмайди. Бунга сари Камолиддин аканинг тинка-мадори қуриб, ҳансирайди. Ёғочдай қотиб қола бошлаган оёқларини кўтариб босолмай қийналади, ҳар қадамда қоқиниб-туртинади. Силласи қуриб, мункиб-мункиб кетади. Лекин номус кучли экан, чидайди. Чидаб олға интилади.

Фақат бир нарсага чидаб бўлмайди. Ич-ичидан ўртаб келаётган чанқоқ оташи вақти-вақти билан шундай ўртаб келадики... азбаройи кўзлари тиниб, боши гир айланади-ю бир зум ҳамма нарсани унутади. Ўзини билмай қолади. Ана шунда оёқлари чалишиб, ўзи мункиб, юзтубан йиқилаётганини қандайдир ички бир туйғу билан ҳис этади-ю охирги дақиқада ўзини бир ёнбошга ташлаб улгуради. Елкаси билан момиқдай қумга ботиб, қум уни пастга суриб, оқизиб, кетади. Домла назарида айқириб оқаётган бир анҳор сувда қалқиб оқиб бораётганга ўхшайди. Ўхшайди-ю сувнинг салқинидан ором ололмайди, шу сувдан бир қултумгина ютишни, ютишни шундай орзу қиладики... Бунинг ўрнига ёқасидан, шимининг почаларидан ичига қайноқ қум оқиб киради. Қум ўзини пастга суриб бораётганини шунда аниқ сезади. Сезади-ю ўзи оёқ-қўлларини узатиб, бир нафасгина ором оларкан, биров индамаса, кўзларини юмиб, шундай узоқ ётгиси келади.

Лекин кимдир ёрдамга отилиб, уни дарров кўтариб олади. Домла истамайгина туриб ўтираркан, боши айланиб, кўзи тиниб кетади. Атрофдаги барча нарсалар гир айланишга тушади. Бу азоб етмагандек, чанқоқ юрак-бағрини ўртаб, ёндириб, оғир ҳансирайди. Қуруқшаган лабларини ялаб ютинади.

— Сув! Сувни олиб кел! — дея ҳовлиқади унинг тепасида кимдир. Овози танишга ўхшайди-ю домла нимагадир уни эслай олмайди.

— Ҳозир. Мана, ҳозир. Сабр қилинг, домлажон, мана, ҳозир... — дея шошилади бошқаси. Домла уни элас-элас танийди. Ҳамиша камгап Отамурод худди шунақа, бировга ёрдам керак бўлиб қолган пайтда сўзамол, очикдан-очик меҳрибон бўлиб қолади.

Кимдир унинг оғзига қошиқ тутди. Лабларига сув тегиб, шундай хуш ёқдики, беихтиёр уни симириб юборди. Сув томоқларини бамисоли ёглаб ўтди, кўзларини очиб тамшанди. Отамурод яна бир қошиқ сув узатаёт-

ганини кўриб, ийманиб қайтармоқчи бўлди-ю индай олмади. Чапқоғи йўл қўймади. Нафсини тия олмай, қошиққа талпинди.

— Раҳмат,— деди алоҳал томоғидаги олов сал сўнгандай, чанқоғи қонгандай бўлиб. Шу пайт қошиқдан кўз узолмай қараб қолган Ортиққа назари тушиб, худди ўзи бировнинг ҳақини ичиб қўйган одамдай ғалати бўлиб кетди.

— Сиз ҳам томоқни ҳўллаб олинг. Таги кам деб қийнаманг ўзингизни...— дея олди Отамуродга.

Шуни кутиб туришган экан, ҳамма канистрнинг атрофига оғир-оғир тиз чўкиб, ўртада қошиқ айлана бошлади. Домла бир оз ўзига келиб, руҳи енгил тортгандай бўлди. Лекин у йўл азоби, чанқоқ ўрташи қўшилиб, рамзи ҳолат бўлиб қолган ёшларнинг шу ўтиришини, озгинагина сувни ҳам ютоқиб, қошиқни ялагудек бўлиб ичишларини, тўймай очкўзлик билан канистрга тикилишларини кўриб, юраги эзилиб кетди. Хўрлиги босиб келиб, четга қаради.

«Биз-ку, ҳаёт нималигини билдик, эришадиганимизга эришиб, озми-кўпми орзу-ҳавас кўрдик. Булар-чи? Ҳали нимани кўрибди?! Нима давр сура қолибди?! Айни ўйнаб-куладиган, яйраб тўймайдиган пайтида, энди оғзи ошга етганда... мана бундоқ бўлиб ўтирса. Наҳот бирон-бир нажот йўли бўлмаса, бу жаҳаннамдан қутулишнинг иложи топилмаса...» Унинг кўзларида ёш ҳалқаланиб, бўғзига чўғдек иссиқ бир нарса келиб туриб қолди. Унга шундай туюлдими ёки аслида ҳам шундаймиди, кўз олдида қандайдир қора кўланкалар сузиб юрар, улар тинмай айланар, худди кўз тингандаги ғира-шира сояларга ўхшаб кетарди. Лекин нима учундир домланинг ҳозир боши айланиб, кўзи тинаётган эмас, бу соялар ҳақиқатда ҳам борга ўхшарди.

Домла кўзларини ишқаб, атрофга қайта тикилди-ю қандайдир баҳайбат қушларнинг қумда оҳиста сузиб юрган сояларини кўриб, беихтиёр тепага қаради. Ҳақиқатда ҳам уларнинг нақ тепасида совуқ бир муждадек ҳар биттаси куркадек-куркадек келадиган қора қузғунлар галаси қанот қоқиб-қоқмай оҳиста учиб юрар, тинмай айланар эди.

Домланинг бошига совуқ хаёл урилди: «Нажотсизлигимизни билиб, шулар ҳам пайимизга тушибди-да!» Унинг этлари жунжикиб, пешонасидан муздек тер чиқиб кетди. Ўзини босиб келган даҳшатни зўр билан енгиб, ўрндан даст туриб кетди.

— Туринглар, кетдик,— деди қатъий, бошқаларни чалғитмоқчи бўлиб.

Лекин ўзидан бўлак ҳеч ким ўрнидан қўзғалмади, қузғунларни кўриб, ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб қолган эди. Ортиқ қўрқиб кетганидан бақа бўлиб қотиб қолибди. Султонов ҳам бу ўлимтиххўр қушлар ҳақида кўп эшитган шекилли, даҳшатга тушиб, кўзлари шокоса бўлиб кетган. Фақат Отамуродгина қузғунларни отгани ўқи йўқ овчидек кузатади. Зулхумор бўлса ерда ҳолсиз ўтирганича кафтини пешонасига қўйиб, умрида энди кўраётган бу қушларга болалардек қизиқсиниб тикилади. Билмайдики...

— Жуда ғалати қушлар эканми, домла? Калхатларми шулар? — сўради у ҳорғин.

Домла нима деярини билмай қийналди. Очигини айтиб бўлармиди унга?

— Табиатнинг бир махлуқи-да, қизим,— деб қўя қолди охири у.

— Қизиқ,— дея ажабланди Зулхумор.— Ҳамма қушлар одамдан ҳайиқса, булар тап тортмайди-я. Тавба, шунақаям сур қушлар бўларканми?!

Отамурод домлага маъноли қаради. Айтмай қўя қолинг унга, демоқчи бўлди. Кейин ўрнидан туриб, рюкзакни орқаларкан:

— Милтиғимиз бўлгандами, додини берган бўлардик,— деб қўйди.

— Узиям куркадек-куркадек келаркан. Уч-тўрттасини отиб олганда борми... Айтмоқчи, унинг гўштини еб бўладими, Отамурод ака? — Зулхумор энди қаёққадир бош олиб учиб кета бошлаган қушлар галасидан кўз узмай сўради.

Отамурод нима деярини билмай, ерга қаради. Кўзларини четга олиб қочди, унинг ўрнига Ортиқ жеркиб берди:

— Нима деяпсиз ўзи, ўлакса қушнинг гўштини еб бўларканми?! У сизнинг гўштингизни...

Отамурод ўгирилиб Ортиққа шундай қаттиқ тикилдики, унинг гапи оғзида қолди. Лекин Зулхумор унинг нима демоқчилигини англаб улгурган, бундан даҳшатга тушиб, ранги қув ўчиб кетган эди. Қўрқув тўла кўзларини узоқлашиб кетаётган қузғунлардан узолмас, бутун вужуди билан гўё «наҳотки шундай, наҳотки», дерди.

«Дунёда қандай нафаси совуқ одамлар бор-а! Шунчалар ҳам қошиб гапирадими? Наҳот ўзининг бир

оғиз сўзи бошқаларнинг дилини хуфтон қилиб ташла-  
шини билмаса! Ёки билиб туриб шундай қилармикан-а?»  
Домланинг кўзига Ортиқ шундай совуқ кўриниб кетди-  
ки, беихтиёр ундан юз ўгириб олди-да, жаҳл устида  
йўлга тушди. Бошқалар бирин-сирин унга эргаша бош-  
лашди. Фақат Ортиқ нима қиларини билмай, тек туриб  
қолганди.

Домла уни ўйлар, қайрилиб қарагиси, қай алфозга  
тушганини, ўз ўкинчи ичида эргашиб келаётганини, ха-  
тосини фаҳмлаганини бир кўргиси келарди. Лекин мя-  
сининг бир четида ўзига-ўзи, кошки у айбини осонгина  
бўйнига оладиган анойилардан бўлса, дерди.

Домла адашмаганди. У оёғидан мадор кетиб, саксо-  
вул таёғига суяниб, нафас ростлагани тўхтаб, орқага  
ўгирилди-ю бунга яққол кўрди. Ортиқ жонҳолатда улар-  
га етиб олишга уриниб ошиқиб келар, гўё бутун вужу-  
ди билан: «Сизлар ҳали мени ташлаб кетмоқчимисизлар?  
Ташлаб кетиб бўйсизлар!» — демоқчи бўларди. «Мунча  
жони ширин экан?! — ўйларди домла ўзича.— Бу ҳам  
ўзининг кимлигини кўрсатди. Бунақа жони ширинлар-  
дан қачон яхши дўст, ишончли ҳамроҳ чиқибди? Ҳеч қа-  
чон чиқмаган...»

У нафас ростлаб, яна ҳоли келганча йўлга равона  
бўларкан, ҳеч нарса ўйламасликка тиришиб кўрди. Лекин  
бошдан ўтиб бораётган кун тигини, ҳориган, тинка-мадо-  
ри қуриган оёқларидаги оғриқни, йўл азобини унутиш-  
нинг бирдан-бир чораси -- хаёлга берилиш, шу билан  
ўзни чалғитиш эди. Фақат яхши хаёллар, ширин ор-  
зуларгина уни бу азоблардан маълум вақтгагина фориг  
қилар, шунинг учун ҳам домла хаёл исмли учқур от тиз-  
гинларини қўйиб юбориб, ўз эзгу орзуларини, Устюрт-  
ни обод қилиш ҳақидаги гипотезаларини яна қайта бош-  
дан эслашга берилар, шу билан овуниб борар эди.

Кўк денгизни елкасидан улоқтириб ташлаб, қўзиқо-  
риндек ўсиб чиққан бу ғаройиб ўлкага пинҳоний ишқи  
тушиб, тушларига кириб чиққан, сафар орзусида ёниб,  
Устюрт касалига мубтало бўлган бир у эмас. Бундай-  
лар ундан олдин ҳам бўлган, ундан кейин ҳам бўлади.  
Не-не олимлар унинг дўзах табиатидан ҳам тап торт-  
май, пиёда-яёв сафарга отланганлар. Савдо карвонла-  
рига эргашиб, жуғрофий текширишлар ўтказганлар.  
«Йўқолган дунё» деб ном олган Устюрт ҳақида кунда-  
ликларини эълон қилганлар. Ҳатто машҳур русча изоҳ-  
ли луғат автори Владимир Даль Хивага қилган сафари-  
да Устюртни кесиб ўтишдан чўчимаган. Академик Бар-

тольд эса машхур ўрта аср шаҳри — Шом қолдиқларини Устюртдан қидириш кераклигини тайинлаган. Устюрт кимларнинг оромини олмаган, қандай буюк зотларнинг фикрини ўзига тортмаган. Айниқса, географ Гербартнинг кундалик дафтари домланинг қалбини ўзига ром этиб, уни Устюрт касалига мубтало этди-қўйди. Бу сифарга чорлаган ҳам ўша дафтар бўлди.

Гербарт ўн учинчи асрдаги Устюртни таърифлаб туриб, бу ерда сув ҳар нарсадан, ҳатто олтиндан ҳам қиммат эканини, шу сув туфайли унинг карвони орқага қайтишга мажбур бўлганини ёзади. Унинг карвонида юнон ва рус савдогарлари, Бухоро дипломатлари бўлган. Ярим йўлда маҳаллий қароқчилар уларга ҳужум қиладилар. Аммо карвоннинг қаттиқ қаршилигига учраб, чекинадилар. Шундан кейин қароқчилар ҳийла ишлатадилар. Улар қудуқлар йўлини тўсиб қўйиб, карвонни бир қанча вақт сувсиз қолдирадилар. Ниҳоят, карвон сув эвазига бор пулини бериб, орқага қайтишга мажбур бўлади. Шунда Гербарт Устюртда бир неча шаҳар ва қишлоқларни кўрганини, баъзилари аллақачон ташлаб кетилганини, уларда ер ости сув омборлари бўлиб, даштнинг аҳолиси чучук сувни ана шу ер ости сув омборларига сақлашни ўрганганини ҳайратланиб ёзади.

Бу гоё домлага кўпдан тинчлик бермайди. Нега энди ана шундай кундаликлар асосида Устюрт жумбоқларини ечиш мумкин эмас?! Уша олимлар изидан бориб, бир вақтлар одамлар истиқомат қилган ерларни аниқлаш, ҳозирги вақтда замонавий қишлоқлар қуриш, деҳқончилик қилиш учун қулай жойлар танлаш мумкин-ку. Даштнинг собиқ аҳолиси қудуқ қазиб, унга тақирларга ёққан ёмғир сувларини тўплаган, ундан ичимлик сув ўрнида фойдаланган экан, нега энди ҳозир бу тажрибани ишга солиш мумкин эмас? Ахир Устюртда ҳар квадрат километр тақирга тўғри келадиган ёғингарчилик озмунчами! Агар шу сувлар ер ости сув омборларига тўпланса борми?! Уҳ-хў! Бу ерда ҳар йили ҳар квадрат километр тақирдан ўн мингдан йигирма беш минг куб метргача чучук сув тўплаб олиш мумкин бўларди. Бу камми? Бутун бир қишлоққа етарли сув-ку!

Устюртда нима кўп — тақир кўп. Озмунча тақирлик борми? Бутун тақирлардан ўрта ҳисобда 200 миллион куб метр сув тўплаб олиш мумкин. Бу катта бир дарё деган гап-а?! Замонавий фан ва техника ёрдамида Устюртда улкан ер ости сув омборлари яратиш — бу

Ўлкани қайта тирилтирган, унга жон бахш этган бўларди-ку.

Домлани Устиюрт сафарига отлантирган ҳам шу ғоя эди. Ағачқудуққа жўнаб кетган йигитлар яқиндагина қишлоқ харобалари орасидан оригинал усулда қазилган сув омбори топганларини маълум қилишганди. Орзулари қанот кўрсата бошлаганида мана бу адашиш қаерда турган экан?! Қаёқданам туғилган куни шу вақтга тўғри келди?! Қаёқданам зиёфатдан кейинги овга розилик бера қолди? Мана энди ҳаммаси бир пул бўлди, ҳамма тоат-ибодатлари, орзулари кўкка совурилди. Уйламай босган бир қадами шунчалар қалтис бўлиб чиқди. Бир қадам билан тақдир чаппа кетди, бахт бахтсизликка, эзгу орзулар қат-қат армонга айланди. Юракка таскин берадиган бирон-бир нарса бўлмаса-я...

Домла хаёл оғушида сал ногоҳ қадам ташласа йиқилиб кетгудек чайқалиб боради. Оёқларини зўр-базўр кўтариб босади. Ҳар чайқалиб қадам ташлаганида кўз ўнгидаги бархан тепачалар ҳам бамисоли чайқалиб-чайқалиб кетади, ер кўтарилиб, осмон чаппа кетаётгандек бўлади-ю, у яна ўзини ўнглаб олиб, олға интилади. Ҳали у ёнида, ҳали бу ёнида ер тарози палласидек кўтарилиб тушиб, ўзи шайиндек чайқалади. Фақат хаёллари теран, бошидан офтоб ўтиб борса-да, хаёллари йўқолиб, фикрлари чувалашмайди. У ҳозир орқадан келаётганларни бутунлай унутиб, нохуш хаёлларга тутқун бўлиб боради.

...Наҳот тақдир шунчалар бешафқат бўлса, наҳот Устиюртга қадамранжида қилганларни ҳамиша шундай шум тақдир кутса? Нияти яхшими, ёмонми — шафқатсизлик қилаверса? Ёки бунда бир сир борми? Бўлмаса нима? У нимада адашди, хато қилди? Ёки Зулхумор айтганидай, кийик жониворнинг уволи тутдими?.. Шунга келганда адашди. Овга бало бормиди?! Ниятдан сал тойиш ҳам, чакки оёқ босиш ҳам бундай жойларда ёмон қайтаркан, қаттиқ қоқилтираркан. Бу ерга нимага келдию нималарга алаҳсиб юрибди? Зиёфатга, овга бало бормиди?! Шунақа, инсоннинг кўзи ҳамиша кеч очилади. Қани энди илгари билганида...

Шу орзусига ҳам етганида, армони қолмасди. Кейин беармон ўтди умрим, деса арзирди. Энди иложи қанча? Бутун юрагида борини, дилга туккан барча ниятларини, Устиюрт бағрида ер ости сув омборлари маржонлари яратиш режаларини, барча ҳисоб-китобларини қоғозга тушириб қолдириш, уни рўёбга чиқаришни



шогирдларига васият қилишдан бошқа иложи қанча? Шу оқшом бунга вақт топиб, қоғозга тушириб қўйиши керак. Кундан-кун баттар бўлиб боряпти. Кейинга ташлаб бўлмайди. Эртага нима аҳвол, қандай гап — ким билади...

Режаларини ёзиб қолдирса, орзулари бекор кетмайди-ку. Бу билан қачондир, кимгадир туртки беради, юрагига чўғ ташлайди-ку. Қимдир унинг ниятларини рўёбга чиқаради-ку. Ана ўшанда Устюрт ер ости сув омборлари ичимлик сув билан тўлиб, худо қарғаган бу даштда яшил қишлоқ ва яйловлар, кўм-кўк далалар пайдо бўлганида унинг номини яхши сўз билан ёд олсалар, фалончи шу йўлда қурбон бўлган эди, унинг орзулари ушалди, десалар бас. Унинг номи ана шундай Устюрт тарихида қолса, не бахт!..

Домла кўкрагига шамол теккандай, кўнгли таскин топгандай бўлиб, тўғрига қаради. Қаради-ю тўхтаб, лол қолди. Қаршисида чинк бир ёнга пастлаб бориб, ер билан баробар бўлиб кетган жойдан сал нарида чўк тушиб, бўйинини ерга бериб ётган туядек яккаш қумтепа кўринар, унинг ёнидаги қудуқнинг тош гардиши, занжирли пақир осилган чиғириғи жуда аниқ-равшан кўзга ташланиб турарди. Уша ердан ўтгач йўлнинг охирида текис укпардек ҳилпираган мирзатераклар, уларнинг орқасида эса кўм-кўк чорбоғлар кўзга чалинади. Бу ёнида эса зумраддек кўк денгиз мавжланиб, уфққа туташиб ётибди. Оққушларми, чағалайларми, денгизга тўшуриб, яна шодон кўтарилади, оҳиста қанот ёзиб, яйраб учиб юради. Улар жуда узоқда бўлса-да, кўзга шундай яққол ташланадики... бенхтиёр одам ёқа ушлайди.

— Ия, уни қаранг, Оролми? — дея ҳайратланди домла.

— Орол, оғайнилар! Денгизга чиқибмиз! Денгизга!

Ортиқ ўзида йўқ даражада қичқириб юборди. Орол овозасидан гангиган ҳамроҳлар:

— Қани, қайси ёқда?

— Ҳеч нима йўқ-ку, қани?

— Нимани айтяпсизлар ўзи? — деб шовқин солишди.

Ортиқ бўлса шодлигини ичига сиғдира олмай:

— Оғайнилар, сув! Ниҳоят сувга етибмиз! Қутулибмиз! — дея телбалардек бақириб, олдинга чопиб кета бошлади.

Уни кўриб, бошқалар ҳам олдинга талпинишди. Олдинма-кетин, қоқилиб-суқилиб, умбалоқ ошиб, йиқилиб,

яна туриб, олдинга интилишади. Лекин чошиб борганлари сари денгиз ҳам узоқлашиб, қочиб боради. Қўл чузсанг етгудек-ку, ета олмайсан. Нафас тикилади, оёқлар ёғочга айланади. Лекин сув жилваланиб-живирлаб ўзига чорлашини, ром этишини қўймайди. Чопасан, талпинасан, ҳар қанча интиласан-у, бари бир ета олмайсан.

Домла мадори қуриб, барханга юзтубан йиқилди-ю умид узолмай яна денгизга тикилди. Шунда кўз олдида турган бояги манзара аста-секин чекиниб, хиралашиб бориб, уфққа сингиб кетди-ю ўзи ҳайратда қолди.

Ортиқ эса ҳамон ҳаллослаб, ўша томонга чошиб борарди. Бошқалар орқада, ҳар қаерда тўхтаб қолишган.

Улар лабларини қимирлатиб, бир-бирларига нималардир дейишади-ю, домла ҳеч нарса эшитмайди. Ниҳоят, унинг чип битган қулоғи очилиб, гап-сўзлар кира бошлади:

— Нимага чопаетган эдик ўзи, а? — ҳайрон бўлади Султонов.

— Билмасам, мен ҳеч нарсага тушуна олмадим,— дея Зулхумор елка учиради.

— Йўқ нарсага шунча ваҳимами? — гина қилади Султонов.

— Мен уни аниқ кўрдим,— дея Отамурод ҳамон ўша томондан кўз узолмайди.

— Нимани? Денгизни-я?.. — Зулхумор ишонқирамай унга тикилади.

Домла бир амаллаб туриб ўтираркан, ўзига нашта қилиб бош чайқади:

— Дарвоқе, сароб-ку... Алданганимизни қаранглар. У ўзи шунақа бўлади, одамни алдайди, кимга кўриниб, кимга кўринмайди.

У бояги саробга интилишларини эслаб, мийиғида ҳорғин кулиб қўйди. Отамурод эса бир нарсага ақли етмай, унга саволчан тикилди:

— Сароб алдайди дейсиз, бор нарса кўринади-ку. Худди Қудуқмозорнинг ўзи-ку, мен уни биламан-ку.

Домла ҳамон ҳансирар, нафаси томоғига тикилиб, ўзига кела олмас эди:

— Шундай ҳам бўлади, кўринади баъзан,— деди зўрға ютиниб.

Ҳар ким ҳар чеккада ўтирганича ўз хаёли билан ўзи бўлиб, жим қолди. Лекин кутилмаганда домланинг юрагини гулгула босиб келди: «Нима бало, кунимиз битяп-тими, алаҳлаб, кўзимизга сароб кўриниб қолди?!»

Домла ичида ўзига-ўзи таскин берган бўлди: «Йўғ-е,

унчаликмасдир, бу — ҳолдан тойиб чарчаганимизники-дир. Озгина дам олиб, нафасни ростлаб олсак, балки ўтиб кетар... Ўтиб кетармикан? Сувимиз тугамасдан шу аҳволга тушсак... кейин ҳолимиз нима кечади?» Домла у ёғини ўйлашга юраги бетламай, қўл силтамоқчи бўлди-ю, лекин кўнгли чопмади. У ҳозир ўзини эмас, ўзининг бу чўлларда бир нарса бўлиб кетишини ҳам эмас, бутунлай бошқа нарсани — узоқ Тошкентда қолган, ҳозир тик этса эшикка кўз тикиб ўтирган хотинини ўйлаб кетган, унинг мунис, меҳрибон кўзлари кўз олдидан кетмай қолган эди. Хотини: «Сизга нима бўлди, адаси, қаерларда қолдингиз? Нимага келмаяпсиз, ахир? Нимага сиздан ҳеч қандай дарак йўқ? Ўзи нима бўлган? Буни қандай билсак, кимдан билсак бўлади?» — деб сўроқлайди.

Илож қанча, домла унга таскин беролмайди, уни тинчитолмайди. «Биз соғ-саломатмиз, тавотир оладиган жойи йўқ, чидаймиз, қидириб топишгунича чидаймиз. У ёқда чинкда қолган одамларимиз бор. Аҳмаджон қараб ўтирмагандир. Аллақачон хабар қилгандир. Чўлни илма-тешик қилиб қидиришаётгандир. Чидаймиз, қидириб топишгунича чидаймиз», дея уни тинчитолмайди. Энг ёмони ҳам, алам қиладигани ҳам шу.

Домла ўзларининг бедарак йўқолганларидан даҳшатга тушиб, ҳар бир кўнғироққа кўз тикиб, уйда мотамсаро ўтирган хотини, ўғил-қизлари, келинлари, невараларини ўйлаб чидамай кетади. Юраклари эзилиб оқаётгандек, уни бир нарса қийма-қийма қилиб, тилкалаётгандек, ич-ичидан огир хўрсиниқ босиб келади: болаларни-ку, уйлаб-жойлаган, ҳаммаси ўзидан тинчиган. Лекин хотинининг ҳоли нима кечади? Сал сиқилса, қон босими ошиб кетарди. Энди унинг бедарак йўқолганини эшитиб, қай аҳволга тушдийкан? Бу кўргилик ҳам бор эканми унга?

Худо кўрсатмасин, агар буларга бир нарса бўлиб кетса, у қандай чидайди, қандай кўтара олади бу жудоликни?! Касал бўлмаса ҳам майли эди!

У хотинининг кўз қарашларига, кутишларига чидай олмай, кўзларини юмиб олди. Мижжаларидан бир томчи ёш сизиб чиққанини сезиб, четга қаради. Кейин бу азоб, бу хўрликка дош беролмай, ўрnidан секин турдида, индамай йўлга тушди.

Домла ўзини чалғитмоқчи бўлиб бошқа бир нарсаларни эшлашга уринар, лекин хаёлидан хотини, бола-чақаси, яқинлари, уларнинг мотамсаро қиёфаси нари кет-

мас эди. Охири хаёли бояги кўринган саробга чалғиди-ю Отамуроднинг Қудуқмозор ҳақидаги гапи, кейин эса беихтиёр ўзи бир вақтлар геологлардан эшитган шу Қудуқмозор афсонаси эсига тушиб кетди. Шу афсона уни оғир хаёллардан қутқарди.

...Эсини таниганидан бери қўй ҳайдаб, умри пода кетида ўтган кекса бир қўйчивоннинг Ҳасан-Ҳусан ўғли бўлган экан. Кунлардан бир кун шу мўйсафид ўғилларини чақириб, ёнига ўтқазибди-да, ниятини маълум қилибди:

— Уғилларим, эллик йилдан бери кимларнинг қўйини боқмадим, не-не чўлларни кезмадим, — дебди у.— Мундоқ ўйлаб кўрсам, умр беҳуда ўтиб кетибди. Лекин сизларга, кейинда қоладиганларга арзигулик бир нима қолдиролмабман. Ахир, ўзим қўй боқиб кезган шу чўлларда ҳар беш йилда бир қудуқ қазганимда ҳам ўнта қудуқ кўзини очган бўлардим-ку. Чўлда қудуқдан азиз нима бор?! Эсиз, ўзимдан яхшигина бир ёдгорлик қолдирган бўлар эканман. Аммо ҳали ҳам кеч эмасга ўхшайди. Балки ёнимга кириб ёрдам берарсизлар, ҳечдан кўра кеч дегандай, шу даштда бир қудуқ қазисак,—дебди.

Уғиллари рози бўлиб, отанинг ёнига кириб, навбат-навбат қудуқ қазिशга тушиб кетибдилар. Қачон қарасалар, нортуя уларни бало-қазолардан асрамоқчидек қудуқ ёнига чўк тушганча бўйинини ерга бериб ётармиш. Улар эса, бунинг маънисига ҳеч тушуна олишмасмиш.

Қудуқ кундан-кунга чуқурлашиб бораркан. Кунларнинг бирида қудуқда сув нишонлари кўрина бошлаганида Ҳасан суюниб кетиб, нортуяни қўярда-қўймай турғизиб миниб, қудуқдан сув чиқиш шарафига отадан берухсат қимиз келтиргани қўшни ўтовга йўл солибди. Бундан хабар топган Сув душмани Чўл ўз югурдаги Шамолга фармон бериб, Бўрон олдига йўллабди. Посбонсиз қолган қудуқ кўзини қум билан тўлдириш ҳақида фармон берибди. Ҳасан ярим йўлга етмасидан қум бўрони бошланибди. Бир фалокатни сезган нортуя эгасига бўй бермай, шаталоқ отиб уни йиқитибди-да, бўраганича лўкиллаб орқага қочиб кетибди. Бу пайт Ҳусан билан ота қудуқ ичида эканлар. Юқорига чиқиб улгурмабдилар. Ҳар қанча чақирсалар ҳам тортиб оладиган одам бўлмабди. Нортуя эса етиб келаолмабди. Бу орада ваҳший югурдак Шамол бир қум тепани кўтариб келиб қудуқ устига ташлабди. Етиб келиб қолган нортуянинг кўз ўнгида қудуқ ўрнида қумтепа ҳосил бўлибди. Шунда нортуя кўзларидан шашқатор ёш оқиб, тепа

ёнига чўк тушиб, бўйинини ерга тираганича қайтиб ўр-  
нидан турмабди.

Бу орада Бўрон ҳам тиниб, югурдак Шамол қум те-  
пани бир-икки айланиб ўтибди-ю фармон бажарилгани  
ҳақида хабар бериш учун Сув душмани Чўл ҳузурига  
йўл олибди.

Нобакор ўғил етиб келиб, қилган ишига минг пу-  
шаймонлар ебди. Шашқатор ёш тўкиб, девдай ишга ки-  
ришиб, қумтепани суриб, қудуқ кўзини очибди. Лекин  
минг афсуски, ота билан ука оламдан ўтишган экан.  
Йигит уларни нортуя ёнига дафн этиб, қудуқни охи-  
рига етказибди. Ундан сув чиқариб, ёнига мақбара қу-  
рибди. Лекин замонлар ўтиб, мақбара нураб, ер билан  
бир текис бўлиб кетибди-ю қудуқнинг суви ҳали ҳам ту-  
гамасмиш. Унинг ёнига чўккан нортуяни эса, бора-бора  
қум кўмиб, улкан туятепага айлантирибди. У эса ҳамон  
қудуқни қум кўчкиларидан асраб келармиш...

Домла чуқур гин олиб, бош чайқади: ишқилиб тақ-  
дири ўхшамасин... Уша қудуқ кўзини очаман, деб унинг  
ичида нажотсиз қолган отадай ўзи ҳам бу ерларда  
беному нишон қолиб кетмаса кошки эди... У бошини кў-  
тариб, қумда оҳиста кўчаётган қузғунлар соясига кўзи  
тушиб, беихтиёр тепага қаради.

Қузғунлар қайтиб келишган, уларнинг «ҳолидан ха-  
бар олиб», тепада чарх уришар эди. Домланинг этлари  
жунжикиб кетди. Лекин бунини бошқаларга сездирмас-  
ликка уриниб:

— Кетсин, турқи ўчсин, десанглар, тез-тез юринглар,  
шахдамроқ юринглар, — деди.

Ортиқ унга ялт этиб қараб ғалати тортиб кетди. Ни-  
мадир демоқчи бўлди-ю, яна тилини тийди. Нега шун-  
дай қилди, домла тушунмади. Бунда бир сир бордай  
эди-ю домла ўйлаб ўйининг тагига етолмади.

### *Ун биринчи боб*

#### 1

Саҳрода қум кечиб, бошидан офтоб ўтиб, пиеда  
йўл юриш қиз боланинг иши эмас экан. Тўрт кунга қол-  
май Зулхумор ранг кўр, ҳол сўр бўлиб қолди. Отаму-  
роднинг этиги ҳам ёрдам бермади. Бари бир товони  
маржон-маржон қавариб кетди. Ҳар қадам босганида  
жони суғурилиб чиқиб кетаётгандек, оғриққа чндай  
олмай, лабларини тишлайди. Ун қадам юрмай, чўкка-

лаб ўтириб қолади, туролмаё қийналади. Ич-ичидан хўрлик босиб келиб, кўзлари жиққа ёшга тўлади. Афтидан, йўлга тушиш олдидан айтган гаплари, мен чидайман, чидашга ҳаракат қиламан, деганлари эсига тушиб кетиб, Отамуроднинг юзига қарай олмайди. Нимага ҳам унинг гапига кирмадим, дея афсусланади. Ич-ичидан ўзини қийида. Охири Отамурод уни бир қўлидан тутиб, етаклаб олишлан бошқа чора топмади. Лекин қиз бечора номус кучлилиқ қилиб, барабар қадам ташлашга қанча тиришмасин, бари бир ҳоли келмайди, тиззалари қалтираб, ўзи мункиб-мункиб кетади.

Отамурод нйманиб-тортинса бўлмайдиган. Унинг бир қўлини ўз елкасига ташлаб ушлаб олди-да, ўзи қўлтиғига кириб етакламоқчи бўлди. Лекин Зулхумор шу заҳоти ҳушёр тортиб, баданлари дириллаб кетди. Ўзини ундан четга олишга уриниб, қўлини тортқилади. Отамурод унинг ҳозирги аҳволини, кўнгил тугёнларини, уятдан шундай қилаётганини сезиб турган бўлса ҳам, атай қўлини қўйиб юбормади. Уят-ҳаёдан юзлари дув қизариб, Зулхумор ноилож ўзини унинг пинжидан четроқ олишга урина-урина юриб кетди. Отамурод ҳам ўзини ундан тортиб юришга, ногоҳ бирон бошқа ерига тегиб кетмасликка ҳаракат қилади, орқасидан ўтказган қўли билан белидан ушлашга уялиб, тирсагидан маҳкам тутганича жон ҳовучлаб боради. Бирор ёмон ҳаёлга бормасин, деб ўйлайди. Лекин бунга сари барабар юра олмай, пойма-пой қадам ташлашади. Елкасининг бир чети қизнинг силлиқ, таранг бир ерига бехос тегиб жаз-жаз куяди, алланимаси хуш ёқиб, бошини гир айлантиргудек бўлади. Отамурод бундан ўзи хижолатга тушиб, сергак тартади. Елкасини ўша жойга теккизмасликка уринади. Лекин у ўзини тийгани сайин нимадир, қандайдир куч елкасини магнитдай ўша ёққа тортиб-тортиб кетади. Елкаси қизиб, бояги силлиқ, таранг нарсани қўмсаб-қўмсаб қўяди.

Отамурод ўзини чалғитишга уринади. Тамомила бошқа нарсаларни ўйлашга тиришиб кўради. Чинкгача қанча қолдийкин, шу атрофдан қудуқ-пудуқ топса бўлмасмикан, деб ўз-ўзидан сўрайди. Лекин, қани энди ҳаёлини чалғита олса! Бу ҳолат унга беихтиёр Тошкент хиёбонларини, ўз Дилбари билан кечган оқшомларни эсга солади. Уларнинг ўз учрашув жойлари, ўз скамейкалари бўларди. Улар ҳар оқшом Тельман хиёбонидаги икки томонида шерлар пойлоқчилиқ қиладиган сокин

зина пойида учрашишар, кейин бир-бирларининг пинжиларига тиқилишиб, оҳиста тепага чиқа бошлашар эди. Ҳар икки томондаги ариқчаларда сув шалдираб оқиб ётар, шерлар оғзидан шаршара бўлиб қуйилиб, пастга ошиқар, қаердадир — дарахтлар орасида булбул чақ-чақлар, пастдан одамларнинг ўйин-кулгилари, музыка садолари келиб турар, улар бўлса ҳамма-ҳаммасини унутиб, бир-бирларига тўймай тикилишар, висол оғушида маст бўлардилар. Тепага чиқиб, катта чинор тагидаги ўз скамейкаларига оҳиста чўкиб, бир-бирларига гал бермай, бу учрашувни қанчалар орзиқиб кутганлари ҳақида гаплаша кетар эдилар. Унинг қизиқ бир одати бор эди. Гап орасида бир нарсани ҳадеб қайта-қайта сўрайверар, менинг нимами яхши кўрасиз, бошқаларга ўхшаб бир гўзал бўлмасам, нимами ёқтириб қолгансиз-а, деб сўрашдан чарчамас, Отамурод унинг кўнглидагидек жавоб қилолган пайтларда эркаланиб, елкасига осилиб қўядиган одати бор эди. Кейин улар кимсасиз кўчаларда узоқ юришар, ҳар бурчакда бир тўхтаб, бари бир бирга бўлишга онтлар ичишар, бизнинг муҳаббатимизга ҳеч нарса зомин бўлолмайди, дея ўзларига таскин беришни яхши кўришар эди. Афтидан, улар юракларининг туб-тубидаги қандайдир бир сезги билан қовуша олмасликларини, бу савдонинг охири нима билан тугашини яхши сезиб турардилар-у, буни тан олгилари келмас эди.

Лекин ўзларини ўзлари овутиб юришлари узоққа чўзилмади. Қизнинг отаси, акалари уларни учраштирамай қўйишди. Совчиликка борган муштипар онасини эса камбағаллигини, таглик-туғлик эмаслигини юзига солиб, борганига минг пушаймонлар едириб қайтаришди. Отамурод она кўзларида филтиллаган ёшни кўрган захотиёқ бу иш битмаслигини сизди. Лекин муҳаббат экан, чидай олмай, уни ҳам, онасини ҳам, институтни ҳам ташлаб, бу ёқларга бош олиб кетди. У бургага ачиқ қилиб кўрпага ўт қўяётганини биларди, лекин бошқа қандай иложи ҳам бор эди, адолатсизликка қандай чидаши керак эди?!

Шу пайт кутилмаганда Зулхуморнинг оёғи тойиб, ўзи мункиб, уни суриб кета бошлади-ю Отамурод зўрға оёғини ерга тираб тутиб қолди. Кейин бир қўли билан қизни пинжигга сиқиб:

— Ҳазир бўлинг, сал қолса икковимиз қўшалоқ бўлиб йнқилардик,— деди.

Қиз ҳорғин кулимсиради, кўзлари билан, кечира-

сиз, яхшиям сиз борсиз, дегандай миннатдорчилик билдирди.

— Ҳечқиси йўқ, оз қолди. Ҳов анови саксовулзорга етиб олайлик, кейин тўхтаб, дам оламиз,— Отамурод қизга далда бериб, уни яна олдинга бошлади, сал илгарилаб кетган ҳамроҳларга етиб олишга ошиқди. Қиз энди ундан боягидай ҳуркмас, юра олмай қолганида худди ўз туғишган акасига суянган сингилдай унинг пинжига тиқилиб, барабар қадам ташлаб борар, шунга мажбурлигига, бошқача юра олмаслигига тан бериб қўйган эди. Лекин қизнинг белидан ўтказиб ушлаб олган қўли, оташ бўлиб қизий бошлаган елкаси Отамуродга ҳамон тинчлик бермай, хаёлини тортиб-тортиб кетади.

Ҳар қадам ташлаганида елкаси ўша силлиқ, таранг кўкракнинг бир четига сал ишқаланиб ўтиб, унинг тинчини ўғирлар, теккизмайин деса бўлмас, нимагадир шу пайтда қизнинг бадани унга ғалати бир куч-қудрат бағишлар эди.

Отамурод беихтиёр илгари ҳам бир шундай ҳолни бошдан кечирганини ҳозир аниқ эслади.

Бундан беш йилча илгари у ошқозон яраси касалига учраб қолди. Парҳезга яхши рию қилмагани учунми бир кечаси ошқозонининг яраси тешилиб кетиб, уни зудлик билан операцияга олишди. Отамурод операция столида қўл-оёғи маҳкам боғлоғлиқ ётибди. Худди биров ичакларини тортиб суғуриб олаётгандай бўлади. Оғриқнинг зўридан тишларини синдириб юборгудек ғарчиллатади. Чидай олмай тўлганани, бошини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа буради. Кўзларини чирт юмиб инграйди. Столга билагидан маҳкам боғланган қўлларини тортиб, қайишларини узиб юбормоқчи, ўрнидан даст туриб кетмоқчи бўлади. Бақриб юборай, бақриб юборай дейди-ю ёнида профессорга қарашиб турган ҳамшира қиздан истиҳола қилади. Ёшли кўзларини ундан яшириб четга қарайди.

Профессор: «Мана, ҳозир, оз қолди. Бир оз сабр қилинг», дея тинчлантирмоқчи бўлади. Лекин қани энди тинчланиб бўлса, оғриққа чидаб бўлса...

Шунда ҳамшира қиз ачиниб кетдими ё ўзи сезмаган ҳолда шундай қилдими, унинг қўлини қуймичи билан босиб туриб қолди. Отамурод ўзи қай аҳволда ётибди-ю қўлига теккан аёл баданини шу заҳотиёқ ҳис қилди. «Мана ҳозир тугайди», деган профессор ҳамон ичакларини суғуриб олгудек бўлиб, алланималар қи-



лади. У эса, ҳар замон-ҳар замонда «вой!» деб бақиради-ю қизнинг қуймичига тегиб турган муштини қимирлатиб-қимирлатиб қўяди. Шу билан оғриқни унутиб, бир оз лаззат топгандай бўлади. Ўзининг ҳаёт билан ажал чегарасида турганини билади, оғриққа чидолмаганидан уятни ҳам йиғиштириб қўйиб, дод солади-ю: «Қани энди қўлим сал бўшроқ бойланган бўлса, уни яхшироқ айлантиролсам», деб ўйлайди... Ҳаёт деганлари қизиқ нарса экан-да... Ҳозиргача бу ҳолати ҳар эсига тушганида ўздан-ўзи хижолат тортиб кетади, лекин шу билан бирга аёлдек мурувватли зот бўлмаслигига яна бир марта амин бўлиб, унинг ҳиммати олдида доимо бош эгиш керак, деб ҳисоблайди. Ушандан бери ҳар битта аёл зотини мурувват фариштаси деб билади, керак бўлса улардан жонини ҳам аямайди...

Бир вақт кимдир унинг қопчиғидан ушлаб тортгандай бўлди. Отамурод ярим ўгирилиб Султоновни кўрди.

— Ёрдамлашиб юбора қолай, қийналиб кетдинг,— деди у.

— Майли, раҳмат,— Отамурод унинг раъйини қайтаргиси келмай, тасмани елкасидан чиқариб, қопчиқни орқасидан туширди. Канистрдаги сув чайқалиб кетди. Ҳамманинг диққатини ўзига оҳанрабодай тортиб, ютинтирди. Чанқоқ яна эсга тушиб, юракни ўртаб келди-ю Отамурод бирдан домланинг сувга бошингиз билан жавоб берасиз, деган гапини эслаб, қўрқиб кетди.

Шу заҳоти қайтариб олмоқчи бўлиб ўгирилди-ю кечикканини сизди. Султонов уни елкасига илиб улгурган эди. Яна қайтариб олишга юзи чидамади. Биров одамгарчилик қилса-ю мен ишонмай ўтирсам. Нима, бегонамиди ёки Ортиқмидики қўрқсам, дея ўзига-ўзи таскин берди. Зулхуморни яна етаклаб йўлга тушди-ю Султоновни ўйлаб кетди. Йигит кишининг юзи бир шувут бўлмасин экан. Илгари қандай эди, ҳеч кимга гапини бермасди. Энди дами ичида, ўз ёғига ўзи қоврилиб ётибди. Маслаҳатларда ҳам оғзига толқон солиб, бош эгиб ўтиргани-ўтирган. Кечалари бирпасгина ухлайди-ю кейин уйғониб кетиб, тонггача мижжа қоқмай тўлганиб чиқади. Бўлар иш бўлганида ич-этини еб, энди нимани ўйлайди, билиб бўлмайди. Юрагини ҳеч кимга ёрмайди. Кейинги пайтда нимагадир унинг атрофида ўралашиб қолган Ортиққа ҳам унча рўйхуш

бермаса-да, қаттиқ-қуруқ бир нарса демайди. Рост, унга ҳам осонмас. Унинг ўрнида ўзи ҳам шу аҳволга тушармиди балки...

Зулхумор кутилмаганда тўхтаб, унинг қўлидан тортди:

— Уни қаранг, булутни қаранг,— дея ҳарсиллаб кунботарни кўрсатди. Кейин ёш болалардек қувониб кетди.— Ёмғир ёғиб беради, сувимиз кўпаяди, тўғрими, Отамурод ака?

Отамурод ялт этиб ўша томонга кўз ташлади. Қачондир уфқдан осмонга тошиб чиқиб улгурган икки бўлак катта қорамтир булут бир-бири билан туташиб, шу томонга босиб келар эди. Орқада келаётган Ортиқ ҳовлиқиб қолди:

— Селдай ёғади, қоралигини қаранглар,— дея қичқирди ўзини тута олмай.— Кўйлақларимизни ерга ёзиб қўйиб сиқиб олаверамиз. Домла, уни қаранг. Худо бераман деса шу-да. Ниҳоят сувимиз кўпаядиган бўлди, қийналмайдиган бўлдик.

У ўзига қолса хурсандчиликдан ўйинга тушгудек ҳолатда эди.

Ҳамма тўхтаб, ўша томонга, уфққа яқинлашиб қолган қуёш устига бостириб келаётган қора булут қорвонига умид билан тикилиб қолди.

— Худога минг қатла шукр,— деди Султонов ҳам, энди руҳи сал очилиб.

Лекин қора терга тушиб, ҳассасига таяниб қолган домла уфқдан кўзини олиб, оғир бош чайқади:

— Кошкийди ёғса, ёғмайди,— деди қандайдир хавотирда.— Бўрон бўладиганга ўхшайди. Шунақа сиёғи бор.

Энди ҳамма ҳайрат аралаш домлага қаради.

— Бўрон дедингизми? — дея довдиради Ортиқ даҳшатга тушиб.

— Балки ўтиб кетар,— деди Султонов умид тутиб.

Домла бош чайқади:

— Ҳар қалай ҳаракатларингни қилиб қолинглар, қум тўзонида қолмасдан саксовулзорга етиб олганимиз маъқул.

— Шуниси етмай турганди ўзи,— дея хаёлидан ўтказаркан, Отамурод қизнинг билагини маҳкам қисиб, унга далда берди:

— Кетдик, синглим. Бўрон турмасин ишқилиб. Турса бу ерда қолиб бўлмайди. Юра қолинг, ҳаракатимизни қилмасак, ҳаммамизни қумга кўмиб ташлайди. Сак-

совулзорда жон сақламасак, бошқа ерда сақлаб бўлмайди.

Улар юз эллик қадам юришмасдан домланинг айтгани келди: иссиқ шамол туриб юзга урилди-ю нафасни қайтариб, ўзларини қалқитиб ташлади. Сал ўтмай тақир томонда чанг-тўзон устунни кўтарилиб, борган сари катталашиб кела бошлади. У йўлида учраган жамики нарсани ўз домига тортиб, чирпирак қилиб, осмони фалакка олиб чиқиб кетар, ҳеч нарса ундан омонлик топмасди. Гирдоб раққосадек чирпирак бўлиб айланиб келиб, ўтиб кетди-ю сакосвулзорда олатўзон бошланди. Саксовул шохларини қайириб синдиргудек ҳувиллаб шамол босиб келди. Улар қум-тўзондан кўз очолмай, энгашиб туриб қолишди. Отамурод Зулхуморни маҳкам ушлаб олганича уни йиқилишга қўймай, энгашиб олдинга йўл бошлаб кўрди. Лекин қани энди кўзни очиб бўлса, йўлни кўриб, юриб бўлса. Қум юзларига игнадек санчилиб, кўз очирмайди. Энгилга урилиб, чирсиллаб ерга тўкилади. Шамол бош кўтаргани қўймай, эпкини билан орқага итариб-итариб ташлайди. Отамурод қаерга оёқ қўяётганини билмай қалқиб кетади. Бир ёнга кетаётган Зулхуморни зўр-базўр тутиб қолади. Ўзини ўнглаб олға интилмоқчи бўлади-ю яна бўрон эпкини қайтариб-қайтариб ташлайди. Олдиндан домланинг овози келади:

— Отамурод, Зулхумор! Қаердасизлар?! Бўш келманглар! Саксовулзорга... тинглар...

Шу пайт бўрон баттар кучайиб, шамол тўлқини унинг сўзларини ҳам оғзидан юлиб учириб кетди. Ўзларини гандираклатиб юборди. Кимдир ўзини тутолмай, бир ёнига йиқилди. Кимдир олдинга энгашиб, эмаклаб қолди. Отамуроднинг нафаси тиқилиб келиб, юзларини орқага ўгирди. Зулхумор эса қўрқиб кетиб, жонҳолатда унга маҳкам тирмашиб олди-ю ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Отамурод шошиб қолиб, қизнинг қулоғига қичқирди:

— Қўрқманг, Зулхумор, ўтиб кетади! Бўрон... ўзи шунақа бўлади.

Бунга сари Зулхумор унинг пинжига тиқилади. Бўрон шовқини орасида шундай яқинидаги қизнинг ҳиқиллаб йиғлаши ҳам элас-элас, узоқдан эшитилади. Бўрон бутун мавжудотни ютиб юбормоқчидек ҳувиллайди, йўлида учраган жамики нарсани тўзитиб, учириб боради.

Отамурод бошқаларнинг қаердалигини, домлага

нима бўлганини била олмай, зўрға кўз очиб олдинга қаради, лекин ҳеч нарса кўра олмади. Шу пайт бўрон янги куч билан қутуриб келиб унга урилди-ю гандираклатиб юборди. У ўзини ўнглаб ололмай, оёқлари ердан узилиб, Зулхумор билан қўшилишиб ағанаб тушди. Бўрон мана ҳозир одамни худди бир қоп хазондай думалатиб кетадиганга ўхшар, шундай кучли эди. У беихтиёр ғужанак бўлиб олди. Зулхуморни қўйиб юбормай, гавдаси билан уни қум-тўзондан тўсишга уринди. Ҳар эҳтимолга қарши:

— Зулхумор, қўрқманг, мен шу ердман! — деб бақирди.

Қиз ҳам унинг овозини эшитди шекилли, янада қаттиқроқ тирмашиб, яқинроқ сурилди. Бошини унинг кўксига тираб, юзларини тўзондан яширди.

Бўрон увиллар, ҳар увлаганида уларнинг устига аллақанча қум сепиб ўтар, ҳали сусайиб тинадиган балога ўхшамас эди. Отамурод эса қиздан бошқа нарсани ўйламай: «Бўрон у бечоранинг юрагини чиқариб юбормаган бўлсин. Ишқилиб, айириб ташламасин, худонинг ўзи асрасин», дейди, унинг елкаларидан маҳкам тутиб, бағрига яширмоқчи бўлади.

## 2

Зулхумор азонда қулоғининг ичига қум тўкилишидан уйғониб кетди-ю кўзини очиб, ҳайрон қолди: атроф шундай сокин, тинч эдики, ҳатто қумнинг шитирлаб тўкилиши ҳам сезиларди. Осмон ёришиб, синкага солинган дока рўмолдай мовий рангга кириб борарди. Тиқ этган товуш эшитилмайди. Гўё кеча кечқурун ҳеч нарса бўлмагандек, саксовуллар ҳам, юлғун шохлари ҳам жим, қум барханлари ҳам гўё устига жигарранг чийдухоба ташланган туя карвонларидай, бу карвон қўниб тин олаётгандай.

«Отамурод ака қани? Домла, қанилар?!» У хаёлига бирдан чақмоқдай урилган бу фикрдан сесканиб, ўрнидан даст туриб кетмоқчи бўлди-ю зўрға елкасини кўтара олди. Устидан шувиллаб қум тўкилиб, ўзи ҳам, ёнидаги Отамурод ҳам қумга кўмилиб қолганини кўриб қўрқиб кетди. Шошиб Отамуроднинг елкасидан тортқилади:

— Отамурод ака, тулинг, тура қолинг.

— А? Нима? Қим?.. — У бошини кўтариб, кўзларини пирпиратди.— Тинчликми?

— Тура қолинг, қумни қаранг.

— Ҳа-а...— Отамурод белидан пасти қумга ботиб ўтирганини кўриб, ўзи кулиб юборди.— Роса маза бўларкан-ку қумнинг ичи, а? — деди ҳазилга олиб.

— Шуни айтинг. Мен ҳам шундай яхши ухлабманки, қотиб қолибман-а, тавба,— деди Зулхумор ҳам, кейин бирдан домлани эслаб:— Вой, Отамурод ака, домла қанилар? Бошқалар қани? — деди юраги орқасига тортиб.

Отамурод силтаниб ўрнидан туриб кетди. Зулхумор қум остидан зўрға оёқларини тортиб олиб, ерда чўккалаб ўтирганича атрофга аланглади. Улардан сал тепада бархан устида йиртилиб, таги кўчиб кетган бир пой ботинка, ундан нарида оғзи очиқ, бўм-бўш рюкзак ётар, унинг ичидаги нарсалар атрофга сочиб ташланган эди. Қумдаги яланг оёқ излар ўша ердан бошланиб, тақир томонга қараб кетган, сал наридан унга бошқа ботинкали из эргашган эди.

— Қизиқ, — Зулхумор ҳеч нарсага тушунолмай, Отамуродга саволчан қаради.— Наҳот улар бизни ташлаб кетишса?... Ё кўрмай, қидириб кетишдимикан, а?

Отамурод бу фикрга қўшилмади:

— Ундай деса из иккита-ку, учинчиси қаерда қолди?.. — У бош чайқади. — Йўқ, домла бизни ташлаб кетмасдилар.

— Бўлмаса, бизга ўхшаб бирор ерда қум кўмиб қолдимикан? — Зулхумор ташвишга тушиб, ўрнидан туриб кетди.

— Эҳтимол, — Отамурод шундай деди-ю ўзи ҳовлиқиб, бархан устига чолиб чиқиб кета бошлади. Кейин тепага чиқар-чиқмас:

— Аналар! — дея овоза қилди-да, бархан орқасига қараб югурди. Зулхумор кўнгли жойига тушиб, хайрият, дея унга эргашди. У юқорига чиқиб борганида домла қум ичидан оёқларини тортиб олишни ҳам ўйламай, ерда бош яланг ўтирганича, зўр бериб ичига тушган қумларни қоқар эди. Отамурод эса атрофга аланглаб, ниманидир излайди.

— Домла, кечаги бўрон похол шляпангизни... эсдаликка олиб кетибдими? — деди охири ярим ҳазил билан.

— У-ку, майли-я! Наридан борса похолдан эди, кўзойнакни айтмайсизми? Тилласини ҳам уриб кетибди чоғи,— домла ён-атрофини тимирскилаб кулди.

Зулхумор уларнинг бегидир ҳазилларига қулоқ солиб туриб, кўзи яна бояги изларга тушиб ҳайрон қол-

ди. Из домлани четлаб ўтиб, тақирга қараб кетган эди. Зулхумор кўнгли ёмон бир нарсани сезиб:

— Кўзойнак йўқолганини айтасиз, бутун бошли одамлар йўққа ўхшайди-ку,— деб юборди.

— Йўғ-е... Яхшироқ қаранглар. Бирорта дўнгнинг тагида ётишган бўлмасин тагин,— деди домла ишонмай.

— Унда... анови тақирга қараб кетган излар нима-си? — деди Зулхумор яқин бориб. Домла кўзларига ишонмай ўрнидан турди-да, ўша томонга қаради. Эрта тонг ёруғида тақир томонга қараб кетган икки жуфт из яққол кўриниб турар, у узоқлашиб бориб, якка изга айланиб кетган эди.

— Дарвоқе, улар кетишибди. Талвасада қочиб қолишибди... Кўнглимга келган эди-я... охири Ортиқ уни йўлдан урибди-да,— деди домла бош чайқаб.

Бу воқеадан ҳайратга тушиб туриб қолган Отаму-род кутилмаганда:

— Ия, унда менинг қопчигим қани? — деб юборди беихтиёр, кейин атрофга аланглаб, ҳув нарида, бархан устида ичидаги нарсалари ҳар томонга сочилиб ётган рюкзакка кўзи тушди-ю ўша томонга югурди. Беш ҳатлашда етиб бориб, тепасида қоққан қозиқдай туриб қолди. Зулхумор қўрқиб кетди:

— Нима бало, улар сувни ўғирлаб кетишибдими?!— деб юборди. Назарида чўл унинг овозидан худди жан-ранглаб кетгандай бўлди.

— Шунчалик пасткашликка боришибдими, а? — деди домла ўз қулоқларига ишонмай.

Отамурад эса ҳамон ўша ерда бош эгиб тек турар, уларнинг олдига қайси юз билан қайтиб келишини билмас эди, чамаси. Охири у қопчиқ ёнидан қумга кўмилиб қолган латтага ўроғлиқ бир нарсани олиб, юзи сал ёришгандай бўлди.

Орқага қайтиб кела туриб йўл-йўлакай ҳалиги латтани очиб, кафтидан каттароқ алюмин сувдонни қўлига олди. Яқинлашиб келаркан, кўзларини кўтариб қарай олмай:

— Бизга қолгани шу бўпти,— деди секин.

Ўртага нохуш жимлик чўкиб, ҳаммалари ерга қараб қолишди. Зулхуморнинг хаёлига лоп этиб Собир келди-ю назарида у ҳамма-ҳаммани оёққа турғизгандай, ҳозир вертолётлар осмонга кўтарилиб, вездеходлар йўлга чиқиб, Устюртни элак-элак қилиб, уларни излашаётгандай туюлиб кетди: у қараб ўтирмагандир, ахир. Бир кун, бир соат бўлмаса, қай алфозга тушар-

ди, бедарак кетганига беш кун бўлади-ю қараб ўтира-  
дими! Қани эди, шундай оғир кунда у вездеход билан  
қидириб келиб қолса. Қани эди!

Домла чуқур тин олиб, бошини кўтарди:

— Қопчиқни қачон сиздан олиб улгуришган эди? —  
деди у Отамуродга ётиғи билан.

— Кеча,— деди Отамурод лаблари титраб, бош кў-  
таролмай.— Ўзим айбдорман. Хўжайин — Ортиқ эмас-  
ку, девдим. Қаттиқ адашган эканман. Уни йўлдан уриб  
қўйганини билганимда,— у кескин қўл силтади,— ўзим  
билардим-а!

Зулхуморга энди ҳамма нарса ойнадай равшан эди:  
пайт пойлаб юрган экан-да, номард. Якка ўзи қочишга  
чўчиб, Султоновни оғдириб олиб кетибдими?

Отамурод туриб-туриб, кутилмаганда бошини шарт  
кўтарди: *Сув камлигини, бундай султонов билан...*  
— Айтмоқчи, домла, *бу кунда* канистрда *ҳеч қанча сув қол-*  
маган эди-ку. Улар алданишибди. У сув билан ҳеч қа-  
ерга етиб бўлмайди. Ўзларини ўзлари бекорга нобуд  
қилишади, уларни қайтариш керак, менимча. Балки ҳа-  
ли узоқ кетиб улгуришмагандир.

— Шошманг, аввал изларини кўринг,— *ёғиш* эътироз  
билдирди домла.— Янги бўлса — борсангиз арзийди.  
Бўлмаса... Нима фойда,— у шундай дея ўзи из томон-  
га қараб юрди.

Зулхумор ҳам уларга эргашаркан, агар Отамурод  
ака уларни топиб орқаларига қайтариб келса, юзимиз-  
га қандай қарашар экан, деб ўйлади. Уларнинг энг  
ёмон ўғирлик устида қўлга тушган одамлардай на ер  
ёрилиб, ерга кириб кета олмай, на одамларнинг наф-  
ратидан қочиб қутула олмай, ер чизиб ўтиришларини  
тасаввур этди-ю нафрати ошиб, бетинг қурғурлар, деб  
юборди. Улар из олдига бориб, айлана қуриб, энгаш-  
ганча жим қолишди. Изни сал қум босганини айтмаса,  
яланг оёқ изни ботинкали издан бемалол ажратса бў-  
ларди.

— Улар аввалдан шу майлда бўлишган,— деди дом-  
ла қандайдир нафрат аралаш қўл силтаб. — Бўлмаса  
бундай бўрон тинар-тинмас йўлга чиқиб кетишмасди.  
Улар аллақачон жуфтакни уриб қолишган.— У қадди-  
ни ростлаб, шунақа, ука, дея танбеҳ бергандай Ота-  
муродга қараб қўйди.

— Анавиниси майли, ундан кутса бўларди,— деди  
Зулхумор.— Лекин Султоновдай одамга нима жин ур-  
ди-а? Шундай тушунган, кўпчиликка бош бўлиб юрган

одам шунчаликка бориб ўтирса-я, тавба! Уни нима мажбур қилди экан-а?

Отамурод ўзи билан ўзи бўлиб, индамади. Урнига домла жавоб қилди:

— Шунақа, қизим, одамнинг қанақалиги оғир кунда билинади. Оғир кун ажратади. Унгача билиб бўлмайди.

Шу пайт Отамурод бошини кўтариб, негадир домлага илтижо билан қаради.

— Домла, рухсат берсангиз, ҳалиям бўлса уларни қидириб кўрсам. Нима бўлганда ҳам, билиб туриб қайтармаслик одамгарчиликдан эмасдир. Зора узоққа кетиб улгуришмаган бўлса.

Қамолитдин ака ялт этиб қаради-ю уни тушуниб, мамнунлик билан бош силкиди:

— Майли, биз шу ерда, саксовулзорда кутиб тура қоламиз, лекин тезроқ қайтинг. Иссиққа қолиб кетманг.

Отамурод сувдонни домлага тутқазиб, ўзи тақир томон жадал юриб кетди.

— Қораси ҳам кўринмайди-ку. Зарурмиди, а? — хавотирланиб сўради Зулхумор домладан.

— Зарур, қизим, зарур. Тўғри қилади, ҳеч бўлмаганда виждони тоза бўлади-ку,— домла оқсоқлана-оқсоқлана саксовулзорга қараб йўл бошлади.

Зулхумор эса Отамуроднинг орқасидан тикилиб қолганича, унинг валломатлигини ўйлар эди: «Шундай чўлда шерикларининг сувини ўғирлаб қочишдан ортиқ пасткашлик бўлмаса керак? Улар шундай тубанликка бориб туришса-ю, бу уларнинг тақдирини ўйлаб ўтирса. Нима бўлганда ҳам... улар ҳам одам-ку, билиб туриб қандай ҳалокатга қўйиб юборамиз деса. Жуда юраги тоза йигит эканми? Ҳақиқий валломат экан! Ҳар ким ҳам шундай десин-чи, шундай қайғурсин-чи! Қани энди, уларни қайтариб келса. Хўп аломат иш бўлармиди?!»

Зулхумор ҳар эҳтимолга қарши деб ерда сочилиб ётган керакли-кераксиз нарсаларни қопчиққа жойлаб, мешни олиб домлага эргашди.

Отамурод қуёш чарақлаб чиқиб кетиб, расмана қиздира бошлаганидагина бўшашиб қайтиб келди.

— Тақирга чиққанда изни йўқотдим. Қаёққа кетишганини билиб бўлмади,— деди юлғун соясига ҳорғин чўқаркан.— Нарироққача ҳам бордимۇ қоралари кўринмади. Лекин узоқда бир нарса пастак девордай оқариб кўриняпти. Чинкмикан, билолмадим.



— Сарикамиш чинки бўлса керак. Оҳактош қалам-лари оқариб кўринган. Демак, сувли ерларга оз қопти,— деди домла жонланиб.— Уша ерга етиб олсак, у ёғи осон: бирорта қудуқ топса бўлар.

Отамурод сўзсиз бош чайқади.

Домла бунга тушуна олмади:

— Нимага энди?

— Узоқ,— қисқа жавоб қилди Отамурод.— Бу аҳволда, ҳалиги жиндек сув билан етолмаймиз.

— Унда... унда нима қиламиз? Шу ерда...— Зулхумор у ёғини айта олмади.

— Йўқ, мен бошқа нарсани ўйлаб қолдим,— у илтимос билан аввал домлага, кейин унга қаради.— Агар розилик берсаларингиз, йўқ демасаларингиз, мен бир ерга бориб келсам...

— Сиз-а? Бир ўзингиз-а? — домла ҳайрон бўлди.— Қаерга борасиз, шундай бийдай саҳрода?..

— Гап бундай, домла,— у бўладиган гапга кўча қолди.— Сизлар шу ерда қолиб, мени кутсанглар. Мен бир қудуқ кўрган жойим бор. Энди аниқ эсладим. Уша ерга бориб келсам... Кечаги саробда кўринган жойга.

— Қудуқмозоргами? Э, қўйинг. Кераги йўқ. У бир афсона-ку, саробда нималар кўринмайди,— домла рози бўлмай, қатъий бош чайқади.

— Ишонмайсизми, мен ўзим ундан сув ичганман,— Отамурод рост, худо ҳаққи, дегандай домлага тикилди, кейин астойдил тушунтиришга тушди.— Рост, бир марта шундай бўлган. Йўлдан адашиб, шу қудуқ устидан чиқиб қолганмиз. Энди аниқ эсладим: худди шу алдамчи Сарикамиш чинки охирида, у тақир билан туташиб кетган жойда эди. Менимча, бориб келса бўлади. Узоқ эмас. Нарн борса бир кунлик йўл...

Зулхумор унга ишониб турса ҳам юраги дов бермай, эътироз билдирди:

— Йўқ, қўйинг, ҳаммамиз ҳар ёққа бўлиниб кетмайлик. Нима бўлса ҳам бирга бўлайлик.

Отамурод азбаройи астойдил ишонтирмоқчи бўлиб, қўлларини кўксига қўйди:

— Менга ишонмайсизларми?

— Ишонамиз... лекин... чўл-чўл-да, Отамурод ака. Худо кўрсатмасин, адашиб кетсангиз, бизнинг ҳолимиз нима кечади?

Домла тирсагини тиззасига қўйиб, қўлини пешонасига тираганча жим қолган эди. Отамурод бундан фойдаланиб, яна ўз гапини маъқуллашга уринди.

— Биласизми, ўшанда қудуқдан ўтиб, шу чинк ёқалаб машинада аллақанча юрганмиз. Кейин адашганимизни сезиб қолиб, орқага қайтиб кетганмиз. Ёнимда шу бошлиғимиз Султонов ҳам бор эди. Балки ҳозир улар ҳам ўша қудуққа қараб кетишаётгандир. Ундан сув олиб келишмоқчидир.

Домла бошини кўтариб, мийиғида кулиб қўйди:

— Жуда оққўнгилсиз-да, ўғлим,— дея хўрсиниб, чуқур тин олди.— Улардан-ку, умид йўқ. Лекин сизга ишонса бўлади. Бораман десангиз, юрагингиз чопса, майли, борганингиз маъқул. Топсангиз — бахтимиз. Бизни деб шу йўлга отланган экансиз, омадингизни берсин! Яхши бориб келинг, ўғлим,— домла унинг елкасига оталарча қоқиб, орқасини силаб қўйди.— Майли, ҳозир бир оз дам олволинг-чи.

— Яхши, лекин аввал сизларга бир соябон-чайла курсак бўлармиди? — деди Отамурод саксовулзорга назар ташлаб. Домла унамай бош чайқайди:

— Ўзимиз бир амаллармиз. Сиз борадиган бўлсангиз тайёргарлигингизни секин кўраверинг. Мешни ҳар эҳтимолга қарши қопчиққа жойлаб олганингиз тузук. Манг, йўл юрадиган одамсиз, сувни ҳам ўзингиз ола кетинг,— деб у сувдонни узатди.

— Э, нима деяпсиз? — Отамурод қатъий қўл силкиб норозилик билдирди.— Мен қудуққа кетяпман-ку.

— Биламан, қудуққа кетяпсиз. Лекин унга етгунча ҳам сув керакми? — деди домла сувдонни узатиб турганича.

Отамурод ўрнидан туриб, нимагадир нари кета бошлади:

— Йўқ, мен сизларни сувсиз ташлаб кетолмайман. Кетолмайман, дедим, кетолмайман.

— Биз бир ерда сояда ўтираемиз. Сиз бошингиздан офтоб ўтиб, йўл юрадиган одамсиз. Олаверинг, биз розимиз. Ишқилиб омон-эсон қайтиб келсангиз бўлгани,— деди Зулхумор юраги тўлиб.

— Майли, лекин мен ўзимга керагича олиб кетаман. сизлар ҳам менинг гапимга кириңглар,— деди Отамурод ниҳоят эътирозга ўрин қолдирмай.

— Биз чидардик, уч кунгача етиб келардингиз,— деди домла энди сал бўшашиб.

— Нега энди, икки кунда етиб келишга ҳаракат қиламан,— деди Отамурод узоқ қолиб кетишга ҳаққим йўқ дегандай. Кейин сувдонни олиб, мешнинг оғзини очди-да, тахминан учдан бирини қўйди.

Домла ҳеч нарса демай сувдонни қўлига олди-да, оғзини маҳкамлаб, қумга кўмиб қўя бошлади. Зулхуморнинг юраги тўлиб-тўлиб келар, Отамуроднинг йўл тайёргарлигини кўришига қарай олмас, энди ҳолимиз нима кечади, усиз нима қиламиз, дерди ўзига-ўзи. Кўзларида ёш ҳалқаланиб, четга қараб ўтирарди.

Отамурод қопчиқни елкасига илиб, ўрнидан тураркан:

— Хўп бўлмаса, менга жавоб, қайтиб келгунимча яхши ўтиринглар,— деди хайрлашишга тараддулланиб. Зулхумор бирдан унинг яланг оёқларига кўзи тушди-ю, ўзи уялиб кетди.

— Шошманг,— дея шошиб унинг этигини ечиб бера бошлади.— Ҳали индамаса шу аҳволда кетаверасиз...

— Дарвоқе, кийиб олинг этигингизни,— деди домла ҳам.

Отамурод индамай, яна ўтириб оёқларига пайтава ўрашга тутинаркан, Зулхумор унинг тортинчоқлик қилиб сўрамаганини аниқ тушунди. Ниҳоят, у этикларини кийиб бўлиб, ўрнидан ғоз турди-да:

— Мана, биз тайёр,— деди. Улар ҳам энди ўринларидан туриб, хайрлашишга чоғландилар.

Аввал домла, кейин Зулхумор уни бағриларига босиб, сўзсиз, кўзга ёш олиб хайрлашдилар. У ҳар қучоқ очганида мешнинг тагидаги ўша озгина сув оҳанрабодек бир қулдириб қўяр, юракларга нажот бағишлагандек бўлар эди. Отамурод ҳам ҳаяжонини яширолмай, кўзлари жикқа ёшга тўлиб:

— Мени кутинглар, мен қайтаман! — деди-ю, бурилиб жўнаб кетди.

— Ой бориб омон кел, ўғлим,— дея олди домла.

— Эсон-омон кўришайлик, илоҳим,— деди Зулхумор. Кейин кўнгли тўлиб келиб, юзини ўгириб олди.

Қайтиб қараганида Отамурод узун соясини босиб, илдам бархан ошиб борарди. Унинг қораси кичрайиб бора-бора, аввал қимирламас қора нуқтага айланди, кейин ғира-шира милтираб туриб, бўйрадек ялтираб оқариб ётган тақир охирида офтоб живир-живирига сингиб кетди. Улар эса юраклари ҳувиллаб, у кетган томонга кўз тикиб қолишган, ҳеч нарсага қўллари бормай тек туришарди. Кун чарақлаб турибди-ю, гўё ҳаммаёқ қоронғига ўхшайди. У қачон қайтади, ким уларни қидириб топади, тақдирлари энди қандай тугайди? Ҳамма-ҳаммаси қоронғи, ҳаммаси номаълум, жавобсиз. Кўнгилга таскин берадиган нарсанинг ўзи йўқ. Шунда

Зулхумор беихтиёр яна чинкда қолган Собирни ўйлади. Қани энди у ҳозир Хизрдай Отамуроднинг йўлидан чиқиб қолса. Вездеходдан сакраб тушиб, унинг олдига чопиб келса-ю, тақа-тақ тўхтаб, саволга тута кетса:

— Улар қани? Уларни ташлаб қаёққа кетяпсиз? Нимага бир ўзингизсиз? Айтинг, мен сиздан сўраяпман, Зулхумор қани? — дея елкалариши силкиб бақирса, оламни бошига кўтарса!

Кейин ҳамма нарсадан хабар топиб, уни машинасига олса-ю бу ёққа шошилса! Унинг олдига шамол бўлиб учса!..

Зулхуморнинг назарида машина ойналари мана ҳозир офтобда ярқираб кетадигандай, ўзи орқасидан бир олам чанг-тўзон кўтариб, ғариллаб бархан ортидан чиқиб келади-дегандек бўлаверади. Ўзи телбалардай унга интилишга тайёр туради, қандайдир мўъжиза рўй бериб Собирни — халоскори ёрдамга етиб келишига шундай умид тутадими, буни шу топда ўзидан бўлак ҳеч ким ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди.

### *Ўн иккинчи боб*

У чинкка чиқиб олиб, жар ёқалаб оёғини зўрға кўтариб босиб бораркан, ўнг томонга оған сояси дам кичрайиб, дам узайиб кетар, нимага шундай бўлаётганига ўзининг ақли етиб-етмас, назарида оёғининг остида ер қалқиб бориб-қалқиб келар, қадами мўлжаллаган ерига тушмас эди. У тўхтамоқчи бўлган эди, боши, еру кўк, атрофидаги жамики нарса чирпирак бўлиб айланиб, ўзи жарликка қулаб тушаётгандек, жонҳолатда саксовул таёғига ёпишди. Икки қўллаб тутамлаганича бутун оғирлигини унга ташлаб, ўзини зўрға тутиб қолди. Шунда ҳам оёғининг тагидаги тепалик, ёнбошидаги соя босган жарлик қалқиб бориб-қалқиб келади-ю лекин бош айланиши боягидек эмас.

Шу туришда оёқлари зир қақшар, фақат қўлида бир оз мадор бордай, шу кучгина уни тутиб тургандай эди. Отамурод атрофга қараса яна боши айланиб, кўзи тиниб кетадигандай, кўзларини юмиб, жим қолди. Бирпас шундай дам олмоқчи бўлди.

Зора ўтиб кетса... Сояга тушиб олса бўларкан. Бошидан офтоб ўтди шекилли...

Эрталабдан бери пастда чинк ёқалаб келаётган эди. Зўрға пешингача чидади. Офтоб пешонадан уриб турар, ҳаво шундай дим эдики, Отамурод ўзини тандир-

нинг ичига тушиб қолгандай ҳис қилиб, нафаси тикилиб кетди. Жарлик бамисоли ер тандирдай олов пуркарди.

У тепада жилла бўлмаса шабада бордир-ку, деб анча уриниб, қияликлардан тошларга тирмаша-тирмаша, шағаллардан сурина-сурина чинкка чиқиб олганди. Энди тушиш йўл бўлсин. Бу аҳволда тушиб бўладими? Худо кўрсатмасин, оёғи тойиб кетса борми — тамом, кейин ўзини ўнглаб ҳам, қутқариб ҳам қоллолмайди.

У кўзини очиб пастга қаради, ҳов узоқда, жуда пастда, соя чегарасида ҳассага таяниб, қопчиқ орқалаб олган бир одам қорасини кўрди-ю, даъфатан:

— Эҳ-ҳе, биродар! — дея қичқариб юборишига сал қолди. Охирги дақиқада у қора бошқа биров эмас, ўзининг сояси эканини фаҳмлаб қолди.

Соя. Соянинг қадрига саратонда чўлда қолган Отамурод етмай ким етсин... Ҳозир ўша пастга тушиб, бир дам чўзилганга, куннинг олов тиғидан ўзини панага олиб, бирпас ором олганга нима етсин! Қани эди туша олса, ўша сояга ета олса!

Шу жазирамада бўлса ҳам бирпас оёғини узатиб, чўзилиб олса-чи? Сал ўзига келармиди. «Йўқ,— у ўзига-ўзи эътироз билдирди,— ҳалитдан ётоқчиласа қачон етади? У ёқда икки бирдек одам кўзи тўрт бўлиб кутиб ўтирса-ю, бу ёқда у ўзини ўйлаб, соя излаб ётоқчиласа. Йўқ. — У қатъий бош чайқади: — Қудуққа етмагунича тиним йўқ. Қийналмасдан бўлармишми! Кўнгилга қарасанг, нималарни тусамайди!

Қудуқни топаман дедими, ҳар нарса бўлганда ҳам топиши керак. Улар ҳолатда бўлса ҳам уларга сув олиб бориши керак. Йўлдан тойишга, йиқилиб қолишга ҳақи йўқ. Сўзингнинг устидан чиқмасанг, одамлинг қаерда қолади?»

У ўзида қандайдир куч топиб, қаддини кўтарди, оёқларини мажбурлаб олдинга бир қадам ташлади, ўзига ишонч ҳосил қилиб, чинк бўйлаб юриб кетди. У энди пастдаги сояни ҳам, кўнглида уйғонган бояги истакларни ҳам унутган, умид билан саратон живир-живирига тўла узоқ-узоқларга тикилиб, жарликнинг бўйига, соясининг узун-калталигига зеҳн солиб, бу савил чинк қачон пасаяди, қачон пасая бошлайди, деб борарди.

Ҳа деган туяга мадор, деб шуни айтишаркан. Эрта-лабдан бери озмунча йўл юриб қўйдими. Назарида чинк энди сезилар-сезилмас пасая бошлади. Жарлик ана шундай пасайиб бориб, кейин текисликка қўшилиб ке-

тиши керак. Энди пасая бошладими, у ёғи ҳеч қанча эмас, эмаклаб ҳам қудуққа етиб олса бўлади.

Отамурод ич-ичидан суюниб кетди. Шу қитдек янгилик ҳам унинг кўнглини тоғдек ўстириб, руҳини шундай кўтариб юбордики... Бояги нохуш хаёллардан, ланжликдан асар ҳам қолмади. У энди ўзини бардам тутар, анча тетик қадам ташлар, боши айланиб, кўз тинишлари ҳам йўқолган, чарчоқларини унутгандай эди.

Ҳа, муҳими — тушкунликка тушмай, руҳингни тетик тута олсанг бўлгани экан. Ирода деб шуни айтсалар керак. Отамурод пастликка қараб, аввал узоқдаги ўз қорасига, кейин унинг устида гужғон ўйнаган кўланкаларга кўзи тушиб, бир зум туриб қолди.

Кейин фаҳмлаб қолиб, юраги шиг-ғ этиб кетди. Ўзи беихтиёр бошини кўтариб тепага, офтоб селига тўла осмонга кўзлари қамашиб, қўлини соябон қилиб тикилди. Ўзи сезгандек, боши узра гир айланаётган қора қузғунларга кўзи тушди. Лекин улар ҳар галгидек сурбетларча пастлаб учишмас, анча баландда, хуркиб-хуркиб, катта айлана олиб чарх уришар, ҳозир учиб кетиб қоладиганга ўхшар эди. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Ҳеч қанча ўтмай, улар бурилиб, кунботарга бош олиб кетишди. Отамурод улар кетган томонга қараб туриб, пастда, жануб томонда қолган йўлдошларини эслаб, енгил нафас олди.

Хайрият, улар тинч экан, илоҳим тинч бўлсин, бу қузғунларни ўша ёққа учгулик қилмасин. Улар икки кунга чидаб беришса бўлгани. Сувлари тугаб, ваҳимага тушиб, ҳар ёққа тарқаб кетишмаса бўлгани. Унгача амаллайди. Қудуқни топса бўлгани — амаллайди. Сувни судралиб қолса ҳам етказиб боради. Ишқилиб, излагани сароб бўлиб чиқмасин. Худо кўрсатмасин ўшандай қора кунни...

Отамурод хаёл билан бўлиб, қанча юргани номаълум, оёғи остида яна ер чайқала бошлади. Сояси дамбадам кичрайиб-узаяди, ўзи гандираклаб, мўлжални йўқотиб-йўқотиб қўяди. Лекин бўш келмай, ўзини қўлга олмоқчи, яна олға интилмоқчи бўлади. Бунга сари кўнгли озиб, кўзи тиниб кетади. Еру кўк остин-устун бўлиб кетаётганга ўхшайди. Шунда бир зум бўшашади-да, иродасининг тизгинини қўлдан чиқариб, нохуш хаёлларга боради:

Ҳеч қанча ўтмай яна шунақа бўляптими-а? Бунақада узоққа бора олмайди-ку. Наҳот ярим йўлда қолиб кетса? Унда домлаларнинг ҳоли нима кечади? У-ку, кич-

кина бир одам, у бўлмаса ўрнига бошқаси шофёрлик қилиб кетаверади. Лекин домла-чи? Шундай катта одам, олим одам бекордан-бекорга нобуд бўлиб кетаверадими?! Арзимаган бир кийик ови деб, шундай экспедиция барбод бўлиб турса... инсофданми? Адолатданми?! Бунга якка Султонов айбдорми? Йўқ. Ўзи ҳам айбдор. У унамаса, машина калитини бермаса, улар ҳеч қаёққа боришолмасди! Бировни айбдор қилиш осон. Лекин ўзи-чи? Ўзи нега ўша пайтда, бошида уларни йўлдан қайтаролмади? Бошқаларга ўхшаб, кайфи ошиб қолган бўлса бошқа гап эди. Ичмаган эди-ку. Қўйинглар, бир фалокатни бошламайлик, деса бўларди-ку.

Қанчадан-қанчалар шунаққиб адашганини билмасмиди! Биларди-ку. Бу ҳам майли. Лекин Султоновга нимага рулни берди? Нима ҳаққи бор эди беришга? Мана энди арзимаган кўнгилочар ов деб экспедициянинг бир ойлик тоат-ибодати бир пул бўлди. Шундай бўлишига ўзи ҳам айбдор. Шундай одамларни чўлда адаштириб қўйиб ўтирибди. Бунинг жиноятдан қаери кам!

Энди бўлса сув топиб, уларни қутқариб чиқиб кетиш, айбини ювиш ўрнига боши айланиб, кўзи тинганидан тушкунликка тушиб ўтирибди. Қўрққанга қўша кўринаверади-да. Қўрқмай, дадил бўл-чи, ироданг дош берармикан?!

У ичида ўзига-ўзи далда бериб, қаддини ғоз тутмоқчи, қадамини тезлатмоқчи бўлди. Лекин энгашиб юрaverиб, қотиб қолган белида санчиқ туриб, тўхтаб қолди. Оғриқнинг зўриданми, қулоқлари шанғиллаб, кўзлари тиниб кетди. «Тамом бўпман,— деб ўйлади Отамурод.— Ўзимни-ўзим қийнаганимдан ҳеч иш чиқмайди шекилли...»

Белдаги оғриқ жуда секинлик билан тарқар, ўзи қи-мирлашдан қўрқиб, тек туриб қолган эди. Нима қилса экан? У ётиб-ётолмас, юриб-юролмасди. Устига-устак, ҳар нафас олганида олов ютиб, олов пуркаётганга ўхшайди. Томоқлари қақраб, лаблари қуруқшайди. Ичичидан куйдириб чанқоқ ўртаб келади.

Кўз олдидан ичи зах ҳавосига тўла муздек сардобалар, қудуқларнинг тутилавериш, уринавериш абжағи чиқиб кетган сув пақирлари, ўзи қачонлардир болалигида тўйиб-тўйиб беармон чўмилган шаршаралар, ҳовузлар, айқириб оққан анҳорлар бир-бир ясов тортиб ўтади. Ўзи эса бамисоли ловиллаб ёнаётган ўт ичида қолган одамдай нафаси қайтади, юраги сиқилиб келиб, ўзини бирам сояга олгиси келадик... Лекин илож қанча?

Бир кўнгли, секин жар ёқасига бориб, текис қиямаликдан сирғалиб пастга тушсаммикан, деб ўйлади. Ўтириб сирғалиб тушса бўлар балки... Лекин ўзини тутолмай, мункиб кетса-чи? Унда нима бўлади, ўлганинг устига тепган бўлмасмикан? Йўқ, пастга тушмагани маъқул. Туятепани кўролмайди. Оз қолгандир, ахир. Яна бир зўр берса, тишини-тишига қўйса, сал нарироқ борса, балким кўриниб ҳам қолар. Чинк пасаяпти-ку. Пасаймаса бошқа гап эди.

Отамурод қаддини сал ростлади, саксовул таёғига тиралиб, синамол бир қадам ташлади. Белида санчик туриб, яна ушлаб қолишидан қўрққан эди. Лекин ундай бўлмади, оёғи зириллаб оғриб турса-да, унга итоат қилар, юрса бўларди. Отамурод ҳали бемалол юра олишига ишонч ҳосил қилиб, таёғига бутун оғирлигини солиб юриб кетди.

У ўйламасликка тиришса ҳам нимагадир хаёлига ҳар хил ўйлар ўралашиб келаверар, худди боши машина моторидай бетўхтов ишларди. Машина моторини ку, ўчирса бўлади, лекин Отамурод калласини зингиллаб ишлашдан тўхтатиш чорасини тополмас эди. Шунда ноилож бирон-бир воқеаними, ўз ўтмишиними эслаб кетарди-да, йўлда давом этаверарди. У етимликда ўтган болалигини эслаганида кундузи билан далада ишлаб, кечалари алламаҳалгача қорачироқда машиначилик қилиб, рўзгор тебратиб, якка-ёлғизини аёл боши билан катта қилган, ўқитган, лекин тўйини, орзу-ҳавасини кўра олмай, ўтиб кетган муштипар онаси кўз олдидан кетмай қолар эди. Унинг кўзлари кеч очилди. Онадан айрилганидан кейин очилди. Давр-даврони ҳам, давлати ҳам онаси экан, билмаган экан. Беташвиш юраверган экан. Энди эсласа, юраклари ларзага келади... У ким эди, бир парча этдан ўзи емай-едириб, ўзи киймай-кийдириб, оқ ювиб-оқ тараб, бировларнинг қўлига қаратиб қўймай, ўзи ўксиса ҳам ўкситмай, етимлигини билдирмай катта қилган эди. Бир ўзи ҳам ота, ҳам она бўлган эди. У ҳам бошқа оналарга ўхшаб, кўзим очиқлигида бошини иккита қилиб қўйсам, ўзидан кўпайса, неварачеваралар кўрсам, тўйлар қилсам, дерди, ниятлари кўп эди. Лекин Отамурод бунга кеч тушунди. Йўқ, она уни баъзи бировларга ўхшаб қийин-қистовга олгани, оқ қиламан, қарғишимга қоласан, дегани, йиғлаб-сиқтагани йўқ. Ҳеч-ҳеч нарсани миннат қилгани йўқ. Фақат якка-ёлғизинасининг раъйига қараб келди. Ўзинг биласан,



болам, ўшани десанг ўшани-да, дерди. Сабр-тоқат билан қудалар розилигини кутарди.

Лекин қудалар уни ўзларига тенг кўришмади. Аввалига бошида отаси йўқ экан, деган гап чиқаришди. Кейин Дилбарнинг онаси, худо олсин, ойдайд қизимни бир қора ишчига бериб қўяманми, деган сўзида туриб олди. Акалари ўртага одам қўйдириб, тенгини топиб осилсин, бўлмаса... деган гапни айттиришди. Камбағаллигини юзига солишди. Профессор отаси қарқуноқдан ҳеч қачон булбул чиқмайди, мен сенинг келажагингни, бахтингни ўйлайман, қизим, дебди. Фақат Дилбаргина уни тушунар, ундан, муҳаббатидан воз кечолмасди. Учрашувга келганида ўйнаб-кулиш ўрнига йиғидан боши чиқмас, Отамурод эса уни алламаҳалгача овутолмас эди. Кейин уларни учраштирмай қўйишди. Лекин шунда ҳам Отамурод умид уза олмас, Дилбарнинг сўнгги сўзини кутарди. У бир ярим йил кутди. Лекин шу бир ярим йиллик айрилиқ унга бахт ўрнига бахтсизлик келтирди. Улар Дилбарни бир министрнинг жиянига бериб юборишди. Аламига чидай олмаган Отамурод шаҳардан бош олиб чиқиб кетиб, шу ёқларга ишга келиб қолди. У Дилбарга аччиқ қилган эди. Лекин энди билса, онасини куйдириб, кул қилиб кетган экан. Орадан уч ой ўтмади. Муҳаббати кетидан волидасидан ҳам айрилди. Бу дунёда сўққабош бўлиб колаверди. Йиғлади-сиқтади, онасини ташлаб узоқ кетганига минг пушаймонлар еди. Лекин ўрнига ўтармиди, онагинаси қайтиб келармиди? Қани энди, йиғи-сиғи, пушаймон билан қайтиб келса. Табиатнинг иродаси экан, охири бўйин эгди, кўникди. Марҳуманинг ҳамма маъракаларини ўтказиб бўлиб, нима қиларини, қаёққа бош уриб борарини билмай, эшикка каттакон қулфни осди-ю, яна бу ёққа йўл солди. Уни шу кўйга солган муҳаббатидан, одамгарчиликни, меҳр-муҳаббатни, виждонни бойликка, пулга сотган одамлардан узоққа кетди. Уларни кўрмасам, улар билан бир ҳаводан нафас олмасам, деди. Зора ҳамма-ҳаммасини унутсам, деди. Лекин ўша бахтли кунларни, Дилбар билан кечган нурли оқшомларни, ойдин кечаларни унутиб бўлармиди? Умрининг охиригача унута олмаса керак, бир умр армон билан эсласа керак.

«Отамурод ака, бахтиммисиз, бахтсизлигиммисиз — билмадим», деб ёзган эди Дилбар охириги хатларидан бирида. Аслида Отамурод шундай деб ёзиши керак эди. Бахтим деса, унга етиша олмади. Бахтсизлигим деса —

ҳеч бир кимсани унингдай севмали, севолмаса ҳам керак. Наҳот муҳаббат деганлари шунчалар бешафқат бўлса?! Бир йўла энг олий инсоний бахт — севиш-севилиш бахтини ато этса-ю яна ҳеч қачон қолушолмасликка маҳкум этса. Шунчалар шафқатсизлик қиларкан, бахтсизликка мубтало этаркан, юракларидаги ўтти ҳам, муҳаббат ўтини ҳам бир йўла сўндириб кетса нима қиларди?!

Йўқ, Отамурод баъзи бир ошиқларга ўхшаб, севгилли турмуш қуриб кетганидан кейин ҳам унинг йўллари пайлашни, атрофида гирдиқалар бўлиб, ҳисларини ўғринча қондиришни ўзига ор билди. Ўзи бахтсиз бўлгани-бўлган, уни бахтсиз қилгиси келмади. Борган жойида тиниб-тинчиб кетсин, илдиз қўйиб, орзу-ҳавас кўрсин, кўнгли бўлинмасин, деди. Шунинг учун ҳам буюқларда мана бундай адашиб, сувсиз тентираб юрибди. У бу аҳволда бекорга ўлиб кетиши ҳам мумкин. Унга ким ҳам ачинарди. Дилбарнинг ота-онаси, акалари бир энгил тортиб қўйишади. Худо раҳмат қилсин, қутулиб-миз дейишади. Дилбарнинг ўзи-чи? Қора кийиб, аза тутоларида, нари борса, бир чеккага чиқиб, кўзёш қилади, бирга ўтказган дамларини армон билан эслайди. Кейин у ҳам кўникади. Йиллар ўтиб, унутади. Ҳаёт ўзи шунақа...

Лекин Отамурод ўлмоқчи эмас. Ўлишга ҳақи йўқ. Домлага, анави қизчага сўз бериб келган, сув топиб келаман деган, шундай демаганида ҳам бошқа гап эди. Сўз бердими, устидан чиқиши керак. Бу дунёда ҳамманинг ҳам яшагиси келади. Лекин Ортиқ билан Султоновдай эмас. Улардай шарм-ҳаёсизларча яшагандан ўлган яхши, бу дунёга келмаган яхши. Одам одам билан тирик, бир-бирига меҳри, муруввати билан одам. Қийин кунда бир-бирига ярамаган одам одамми! Ундайлар бу дунёга келдим, демаса ҳам бўлади. Ахир унинг ўрнида ким ҳам қараб тура оларди?! Бу нарса унинг чекига тушган экан, ўлиб қолса ҳам уддасидан чиқиши керак эмасми? Сув топиб бориши керак эмасми?..

Отамурод ердан кўзини узмай, хаёлга ботиб ~~кетиб~~ бораркан, тўхтаб, бошини кўтарди-ю, узоқда, чинк пасайиб бориб, қумликка туташиб кетган жойда бамисоли чўк тушиб, узун бўйини ерга тираб ётган туямисол тепачани кўриб, қувониб кетди:

— Уша тепа! Туятепанинг ўзгинаси! — У чуқур тин олди.— Худога минг қатла шуқур, ҳақиқат бор экан! Энди бир амаллаб ўша ерга етиб олса бўлгани. Югур, чоп, жонинг борица ҳаракат қил! Сувга ... етибсан!

Етиб келибсан! Энди нимага имиллайсан! Чопа қолсанг-чи!

У туртиниб-суртиниб олдинга интилади. Югурмоқчи бўлади-ю, югуролмайди. Оёқлари чалишиб, умбалоқ ошиб кетади. Туриб, яна олдинга талпинади. Ўзи чайқалиб, боши гир айланади, нафаси томоғига тиқилиб, яна қумга юзтубан йиқилади. У ер қучоқлаб ётибди-ю, гўё ер ҳам беланчакдай чайқалаётганга, ўзи катта бир сувда қалқиб оқиб бораётганга ўхшайди. Хаёлидан эса ҳали-ҳозиргина ўзи кўрган қудуқ кетмайди: етдим деганда менга нима бўлди? Шунча жойдан келолган, наҳот энди етолмасам! Эмаклаб бўлса ҳам, сургалиб бўлса ҳам сувга етиб олишим керак. Етишим керак. Ҳеч қанча қолмади-ку, ахир.

У қанча қолганини чамалаб кўрмоқчи бўлиб бошини кўтарди-ю олдинда... Ҳалиги қудуқ кўринган жойда ҳеч нарса кўрмай бўшашиб, беҳол ўтириб қолди.

Кейин узала чўзилди:

Сароб! Алдамчи шайтон! Қачонгача одамни алдайсан?! Мазах қиласан? Ҳали мен сенга майна бўлиб қолдимми?!

Отамурод аламига чидай олмай тўлғанди: у минг ўлиб-тирилиб қаёққа кетяпти? Уша қудуқни топа оладими ўзи? Ета оладими? Шунча қийноқлар нимага керак етолмаса?... Саробга алданиб адойи тамом бўлаверса...

У яна сал бўшашса, кел энди, қўй, пешонанг экан, пешонага ёзилгани шу экан, деса — тамом эди. Қайтиб туролмасди. Шу чўзилганича... ўзи қузғунларга ем бўлиб, суяклари шу чўлда қолиб кетар эди. Лекин ичидан бир нима унга тинчлик бермас, афтидан, ҳали бу чўлга таслим бўлмаган бир нарса қолган, у Отамуродга тинчлик бермай, юрагини қийноққа солар, уни қийнаб оёққа турғизмоқчи бўларди...

«Ҳаммаси майли. Сен қўлингдан келганча курашиб кўрдинг. Раҳмат сенга,— дейди виждони.— Лекин сен онагинангни, унинг васиятини унутдингми? Сен уни адо этмай, таслим бўлиб кетаверасанми? Унда нима деган одам бўлдинг? Туғилиб, бу дунёга келиб нима қилардинг?»

Отамурод юзтубан ётганича қум чангаллаб, тўлғаниб қўяди. Кўз олдига шашадока рўмолли онаси келади.

— Болагинам, якка-ёлғизим. Сенга нима бўлди? Тур, тура қол, қўзичоғим. Кўзгинамнинг пури, тура қол. Озгина қолди ўша сен қидирган қудуққа. Арслоним, тур,

тура қол, йўлингдан қолма. Сувга етсанг, ҳали кўп яшайсан. Тур, тура қол, ёлғизим. Бу дунёда сендан бошқа кимим бор?! Чироғимни ёқиб ўтирадиган ўзинг қолгансан, ўғилгинам. Тур, тура қол. Илоҳим бошинг тошдан бўлсин. Униб-ўсиб, ўзингдан кўпайгин...

Ўзингдан кўпайгин!..

Отамурод сесканиб кетди. Онасининг васиятини эслаб, виждони қийноққа тушди.

— Йўқ-йўқ! Бекорларга ўлиб кетолмайсан. Ҳақинг йўқ. Она васиятини адо этмай қаёққа борасан?! Ахир, ўзингдан кўпаймай, ота-боболаринг, онанг, ўзинг етишолмаган орзуларни ўғил-қизларингга қолдирмай қаёққа борасан?! Тур, тура қол ўрнингдан, уларнинг ҳаққи-ҳурмати тур! Нажот йўлини топ, тур!

Отамурод аста қўлига тиралиб, белини кўтарди. Оёқларини тортиб чўккалади, кейин қўлига таёғини олиб, унга оғирлигини ташлаб, қаддини ростлашга уринди.

Оёқлари мунча зир қақшайди? Худди бутун мадори товонларидан ерга ўтиб кетаётгандай, ҳолсиз қалтирайди. Яхшиямки, шу саксовул таёқ бор экан, кунига ярапти. У шу таёққа бутун оғирлигини солиб, қаддини кўтарди: ҳали қудуқ мендан қочиб қутуларканми? Йўқ, қочиб қутулиб бўпти! У таёқни олдинга ташлаб, ўзи оёқларини судраб унга эргашди. Тиззалари букилиб кетай-букилиб кетай деб, минг азоб билан яна юриб кетди. Бардоши қанчага етишини ўзи билмайди-ю, кетиб боради. Лекин қутилмаганда таёғи бирдан нобоп жойга ботиб кетиб, чўккалаб қолди. Яхшиям таёқни қўлдан чиқариб юбормади. Чиқариб юборганида ҳали-бери туролмасди. Таёққа икки қўллаб тиралиб, зўрға яна ўрнингдан турди. Лекин оёқлари гавдасини тутиб туролмай зир-зир қалтирайди, кўнгли беҳузур бўлиб, боши гир-гир айланади. Мана ҳозир ўзи чалқанча йиқиладиганга, ҳеч нарса тутиб қололмайдиганга ўхшайди.

Фақат хаёли жойида, боши адашмай ишлайди. У тик оёқда узоққа боролмаслигини тез тушунди. Нима қилса экан? Эмаклаб юришга ҳали эрта. Шунча жойга эмаклаб етиб бўлмайди. Бир бошқа йўлини топиши керак.

Отамурод топди ҳам. Таёққа бутун оғирлигини солиб, нафасини ростлаб олади-да, кейин унга тиралиб олдинга интилади, оёқлари чалишиб, тиззалари букилиб кетмагунча чопиб кетади. Оёқларида мадор туганида яна таёққа тиралиб туриб қолади. Яна куч йиғиб, олдинга интилади. У шундай беш-ўн қадам чопиб бориб тўхтаб, яна чопиб юра бошлади. Оёқларини шун-

дай ишга солмаса, бир қадам ҳам юролмаслигини ҳозир аниқ-равшан ҳис этиб турар, ўзини ростлаб олиб, югурар, беш-олти қадам босиб-босмай нафаси бўғзига тикилиб тўхтаб қолар, яна олға интиларди.

Отамурод интила-интила хийла йўл босганидан хурсанд бўлиб орқасига қараб қўйди. Юз эллик бўлмаса ҳам юз йигирма метрлар чамаси йўл ўтиб қўйибди. Шундай зўр берса, худо хоҳласа, кун ботмасдан етиб олса ажабмас. Қудуққа етиб олса бўлгани, чанқоғини қондириб олса, ўзига келиб қолади. Қайтиш ҳеч гап эмас. Сув бўлса бир амаллаб етказиб олиб боради. Ишқилиб, кун ботгунча етиб олса бўлгани.

У нафасини ростлаб олиб, яна олдинга интилди. Олти қадамми, етти қадамми югуриб бориб, оёғида мадор тугаб, яна таёққа тиралиб туриб қолди. Кўзи тиниб, боши, ён-атрофидаги жамики нарса чирпирак бўлиб айланишга тушди. Ҳатто қуёш ҳам айланар, қаёқ жарлик, қаёқ кунботар — ўзи ажратолмасди. Фақат таёққа маҳкам тиралиб турар, ағдарилиб кетмаслик учун кўзларини чирт юмиб олганди. Ниҳоят, бош айланиши сўсайиб бориб, тинди. Нимагадир оёқлари ҳам илгаригидай зир қақшамайди. Таёқдай қотиб қолган. Жонсиздай. Қимирлатиб кўриб, ҳеч нарса сезмади. Оёқлари увишиб, йўқ бўлиб қолгандай эди.

Энди нима қилди? Бу аҳволда икки қадам юрмай чархпалак бўлиб йиқилади-ку. Эмьқлагани маъқулми-кан? Шошма, ҳали оёқдан воз кечиб бўлмайди. Бир оз ишлатиш керак.

Отамурод таёққа суяниб, секин ерга ўтирди. Жонсиз оёқларини узатиб юбориб, шимининг почасини аста кўтарди-да, ҳоли етганча уқалашга тушди. Аввал обдан силаб-сийпади. Кейин бошдан-оёқ уқалаб чиқди. Терлаб-пишиб, қора терга тушиб кетди. Шундан кейингина секин-аста қон юришиб, оёқларига жон кирди.

— Ҳақиқат бор экан-ку! — деб юборди Отамурод ҳарсиллаб.— Бўш келмайсан, Ота! Етдим деганда енгилармидинг! Ҳали бу оёқлар кўпга ярайди. Шу чўлдан эссон-омон олиб чиқиб кетади сени!

У оёқларини эркалагандай, шапатилаб қўйди. Кейин даст турмоқчи бўлди-ю, таёққа таянмаса бўлмаслигичи дарров тушунди. Таянганда ҳам зўрға туриб олди. Оғирлиги тушиб, энди билинди Оёқлари зир қақшар, бир қадам босишга ҳам мадори келмас эди.

Нима қилсин? Бирпас думалаб, оёқларига дам бергани маъқулмиди? Кейин йўлга тушгани яхшимиди?

Иўқ. Бўш келса, оғриганига қараса, қудуққа бугун ҳам етолмайди. Кеч тушганидан кейин юргани бир пул. Қоронғида йўл топиб бўлармиди! Нима бўлса ҳам кун ботгунича етиб олиши керак.

Кетдим!

У яна боягидай, оёқлари чалишиб, югуриб-чопишга, яна тўхтаб, таёққа тиралиб нафас ростлашга, кейин яна шундай йўл босишга тушди. Неча марта оёқлари чалишиб, чуқурчаларга тушиб кетиб, юзтубан йиқилди. Ҳар гал яна ўрнидан чўккалаб турар, саксовул таёққа осилиб қаддини ростлар, яна гандираклаб олға интиларди. У шу аҳволда қанча юргани-югурганини, қанча марта йиқилиб-сурилганини, ҳар уч қадамда йиқилармиди, ё ҳар қадамда қоқилиб мункирмиди, буни билмасди. Йиқилиб сурилсам ҳам олдинга кетяпман-ку, фақат жардан нарироқ юрсам бўлгани, думалаб кетмасам бўлгани, дерди, бошқа нарсани ўйламасди. Охири ҳолдан тойиб, ўрнидан ҳам туролмай қолди. Туришга бирикки уриниб зўрға чўккалади-ю, яна мажоли келмай, юзтубан йиқилди. Саксовул таёғи ҳам иш бермай қўйди.

Шунда у пешонасини қумга тираб бирам узоқ ётгиси, ҳамма-ҳаммасига қўл силтагиси, нима зарур-а менга, ўзимни шунчалар қийнаб, дегиси келдики... Бундан ўзи ҳам қўрқиб кетди. Бошини кўтариб, олдинга қаради. Қаради-ю уч юз қадам нарида Туятепани кафтдагидек яққол кўриб, ундан кўз узолмай қолди. Иўқ, бу гал у сароб эмас, ўзига таниш ўша қудуқни, унинг тошгардиши билан ёғоч чархпалагини аниқ кўриб турарди. Кўзига беихтиёр ёш қалқиб келиб:

— Худога шукр. етибман. Етиб келибман,— дея пичирлади. Кейин ўзига келиб:— Энди нима қилиб ётибман?! Эмаклаб ҳам етиб олса бўлади-ку! — деб юборди.

Саксовул таёқни бир четга ташлаб, эмаклашга тутинди-ю, яна кўзи қиймай тўхтади: балки яна керак бўлиб қолса-чи?!

У қийналса ҳам таёқни бир қўлига олиб, тирсаклари билан сурилиб, эмаклай кетди. Секин-аста тиззаларини ҳам ўргатди. Аммо қўлидаги таёқ ортиқчалик қилар, эмаклашга халақит берар, ҳеч қанча ўтмай қўли толиб қолар эди. Охири таёқни ҳам ташлаб кетишга мажбур бўлди. Тирсакларига тиралиб, қум кечиб, унинг қайноқ бодроқ ҳидига ўхшаш ҳидини искаб бораркан, нима учундир ҳадеб ўзига-ўзи таскин беради:

— Оз қолди, ошна. Чидайсан энди. Тишингни-тишингга қўйсанг ҳам чидайсан. Етиб қолдинг. Сўзингнинг устидан чиқишингга оз қолди. Сувга етиб олсанг — марра сеники, тўйиб-тўйиб чанқоғингни қондирсанг, туни билан дам олсанг, кўрмагандай бўлиб кетасан. Эртаминан сувни олиб домлаларнинг олдига қайтасан. Балки унгача йўлдан машина ўтиб қолар. Омад келса ҳеч гапмас-ку. Бахтинг келиб турибди, бардам бўл!..

У Туятепадан кўз узмай эмаклаб борар, икки-уч метр сурилиб, нафаси томоғига тиқилиб ҳарсиллаб тўхтар, чанқоқ азоби ўртаб келиб, боши гир айланар, шунда ҳушидан кетиб-кетиб қолар, худди тубсиз чоҳга қулаб тушаётгандай бўларди. Лекин у булар ўткинчи ҳис эканини яхши билар, бўш келмасди. Ўзига келиши билан яна эмаклашга тушарди. Ҳар тўрт-беш уринганида бўйи барабар сурилиб бораётган эди. Кутилмаганда яна оёқлари жимирлаб келиб, бирдан ҳеч нарсани сезмай, тошдай оғир бўлиб қолди. Энди унга тиралиб гавдасини олдинга суролмас эди. Оёғини букмоқчи, унга тиралиб сурилмоқчи бўлди-ю бундан ҳеч иш чиқаролмади. Оёқлари тиззасидан йўқ бўлиб қолгандай эди. Энди тирсақларига тиралиб, олдинга бутун гавдасини сурмоқчи бўлди-ю, лекин уч галда қўллари ҳолдан тойди, акашак бўлиб, букилмай қола бошлади. Отамурод пешонасини қайноқ қумга тираб, йиғлагудек жим бўлиб қолди. Хўрлиги босиб келиб кўз олдидан ҳолдан тойиб қумда чўзилиб қолган йўловчилар, устида чарх уриб, бозор қурган қора қузғунлар, ночор йўловчининг бемажол талпинишлари бир-бир ўтиб, сесканиб кетди. Бошини кўтариб, бир амаллаб туриб ўтириб олди.

— Мен ҳали у кунга тушганимча йўқ-ку. Нимага ваҳима қиламан?! Ҳали... айтмоқчи, ҳали менинг сувим бор-ку!

У шундагина мешдаги сувни шу кунга асраб келаётганини, қудуқ кўринмагунча ичмасликка аҳд қилиб қўйганини, кейин бунини унутганини эслади.

Отамурод қопчиқ тасмаларини бўшатаркан, кўнгли ёришиб, ҳорғин жилмайиб қўйди...

### *Ун учинчи боб*

Тонг отди, кун чиқди, офтоб ёйилиб кетди, кейин тиккага кўтарилиб, елкани куйдира бошлади ҳамки, улар ҳамон тўхтамай олдинма-кетин кетиб боришарди.

Шу вақт бадалида Ортиқ фақат бир марта тўхтаб, ўзидан-ўзи сўкиниб қўйди. Бўлмаса олдинда жим йўл

бошлаб кетяпти. Султонов эса ўлганнинг кети шахид дегандай, ундан кейинда қолмай, эргашиб боради. Бўларни бўлиб, роса жолдан тойган. Абжағи чиқиб, титилиб кетган ботинкаси қаерлардадир қолиб кетди. Шундан бери яланг оёқ юравериб, товонининг таглари маржон-маржон қавариб боряпти. Ҳар қадам ташлаганида қизиб ётган темирни босгандай, оёқларининг таги жизиллаб куйиб, ачишади. Жони ҳалқумига келади. Бунинг устига чанқоқ ўртаб-ўртаб келганида кўнгли озиб, боши гир-гир айланади. Бу азоблар нимаси экан, қайси гуноҳлари эвазига экан, ўзи билмайди. Лекин бўрондан кейинноқ кечаси ҳеч кимга ҳеч нарса демай, йўлга тушворишгани яхши бўлмади. Домлалар энди нима дейишади: «Аблаҳлар, сувни ўғирлаб қочибди, жони ширинлик қилиб, бизни ташлаб кетибди. Ортиқча юк қилгиси келмабди. Қандай пасткашлик!» — дейишади. Ахир кимдир — бирор киши чинкка етиб чиқиши, Катта ерга хабар қилиши керак-ку, тўғри қилишибди, дейишарми-ди! Ҳеч қачон!

Ҳарҳолда яхши иш бўлмади. Кимгадир, бирортасига шипшитиб қўйиш керак эди. Кейин тушунтирса ҳам бўларди. Шунга келганда Ортиқ чакки қайсарлик қилди.

Султонов аввалбошда буни ўйламаганига афсус қилар, лекин энди кеч бўлганини яхши тушуниб турар, шунинг учун ҳам, ҳар нарсага чидаб бўлса ҳам чинкка чиқиб олишни, Катта ерга хабар қилишни ўйларди. Домлалар ўшандагина уларни кечиришлари мумкин.

Тўғри, ўзидан ҳам ўтди. Ортиқнинг гапига унамаса, ҳеч гап йўқ эди. Унамасди-ю қузғунларнинг кечаги «хабар олиши», уларнинг кетига тушиши юрагини чиқариб юборди. Одамнинг жони ширин экан. Ахир у қузғунларга ем бўлиш учун Устюртга келганми? Ортиқнинг айтгани тўғри. У Устюртда ишлаган, деган яхши характеристика учун, бу характеристика кейинги қўтарилишларига асқатади, деб бу ерларда юрибди. Унинг келажаги тайин эди. Бу ердан қайтиб борганидан кейинноқ Москвага ўқишга кетиши керак, у ерда домласи, темаси тайин, гаплашиб қўйишган эди. Икки йилда диссертацияни ёқлаб қайтса бўлди, бу ёқда обрў-эътиборли лавозимлар ҳам тахт эди. Нима қилсин, шундай ширин келажак учун ҳам ўзини асраши, бекордан-бекорга ўлиб кетмаслиги керак-ку.

Шу ўй, шу хаёл унинг миясини чулғаб олган, бошидан чиқмас эди. Лекин бунинг учун нима қилишини, қандай йўл борлигини билмас эди. Кеча Ортиқ уни чек-



кага тортиб гап очди-ю, бу йўл унга ялт этиб ёришиб кўрингандай бўлди. Улар ҳаммадан орқароқда келишаркан, Ортиқ унга тенглашиб олиб, синовчан қараб қўйди-да, елкасига қўл ташлади. Нимадир демоқчи бўлиб, кўзларига тикилди. Султонов унинг якка-ёлғиз айтадиган бир гапи борлигини қарашидан тушунди. Қаддини секинлатиб, нима гап, дегандай қаради.

Ортиқ хийла олдинда туртиниб-суртиниб, бурнидан тортса йиқилгудек бўлиб кетаётганларга имо қилди.

— Шулар билан бу дўзахдан чиқиб кетиб бўлади-ми, шунга ишонасанми?

Султонов, ким билди, деди-ю кўнглининг бир четида унга қўшилди. «Домла тамом бўптилар. Анави практикант қиз-ку, аллақачон сафдан чиққан. Отамуроднинг оёғига кишан бўлиб қолибди. Уларнинг орасида тирикроғи Ота демаса... бу аҳволда узоққа боришолмас-ов».

— Биласанми, улар бекорга менинг гапимга киришмаяпти.— деди Ортиқ овозини пастлатиб.— Бу аҳволда ҳаммамиз бекорга нобуд бўлиб кетамиз.

— Нима қилиш керак бўлмаса?— деб юборди беихтиёр Султонов.

— Қачонгача уларнинг оёғига қараб ўтирамиз? Шахсан менинг тоқатим тугади. Узинг айт, нима, биз уларни деб ўлиб кетишимиз керакми?! Аллақачон кимнидир йўлга сув, овқат ажратиб бериб, чинкка жўнатиш керак эди. Неча марта айтдим! Ҳали минг пушаймон қилишади! Унашмаса-унашмасин, энди ўзим кетаман. Истасанг, бирга кетамиз,— у кетасанми, дегандай қатъий тикилди.

— Сувсиз, егуликсиз-а?!

— Нега энди! Ҳақимизни ажратиб оламиз! Ажратиб беришсин!— бўш келмади Ортиқ.

Унинг гапларида қандайдир ҳақиқат бўлса-да, Султонов юраги чопмай иккиланди:

— Кемага тушганнинг жони бир, дейишади. Қандай бўларкин? Одамгарчиликдан бўлармикин?— чайналди у.

Ортиқнинг энсаси қотди, бурнини жийриб, четга қаради:

— Одамгарчилик эмиш! Одамгарчиликни ҳов у ёқда кўтаради. Бу ерни чўл деб қўйибди. Улиб кетсанг, биров бир қултум сувни бекорга берармикан бу ерда. Мен нима деб қулоғингга танбур чертяпман-ку, сен бўлсанг... Одамгарчилик қиламан, деб ўлганнинг кети шаҳид бўлиб кетмагин тагин. Ахир шунинг учун келмагандирсан бу ёқларга?

У ҳақ эди. Бунинг учун келмаган бу ёқларга. Бировни деб бекорга ўлиб кетгиси ҳам йўқ. Шу кетишда эртами, индингами бояги қузғунларга ем бўладими? Ному нишонсиз шу чўлларда қолиб кетадими? Йўқ-йўқ! Нима бўлса ҳам кетгани, ўзини қутқаргани минг марта маъқул.

Ортиқ бир қарашдаёқ унинг нима демоқчилигини сезди, оғиз очиб улгурмасидан елкасига қоқиб, мамнун кўз қисиб қўйди, кейин секин, сирли оҳангда тушунтирди:

— Хушёр бўлиб ётасан. Бугун кечаси жуфтакни ростлаймиз. Лекин унгача ҳеч ким зинҳор-базинҳор сезмаслиги керак.

— Уғринча-я?! — Султонов унинг гапидан қўрқиб, юраги уриб кетди. — Хайр-хўшсиз-а?!

Ортиқ яна энсаси қотиб, четга қаради: қанақа галварссан, демоқчи бўлди. Охири жаҳлини зўрға босиб:

— Ҳа, ҳеч қандай ультиматумсиз, огоҳлантиришсиз кетамиз. Истасанг шу. Истамасанг... қузғунларга ем бўлиб қолавер,— деди-ю гап тамом дегандай олдинга ўтиб юриб кетди.

Султоновга унинг шу гап-сўзсиз, ўғринча кетиш ҳақидаги гапи унча ёқмади. Ахир бу қочишнинг ўзи-ку. Кейин қайси юз билан уларнинг кўзига кўринади одам? Қандай тушунтиради? Қутқариш учун шундай қилгандик, деб оқлашадими ўзларини? Ким ишонарди?

У иккиланар, мулоҳазаларини тарозига солиб кўрар, лекин бир қарорга келолмасди. Бу орада кечга бориб қум бўрони туриб, ҳаммаёқ олатасир бўлиб кетди-ю уни даҳшат босди. Ортиқ ҳақлигига тан бериб, юз-кўзларини қум тўзонидан яшириб, қаердадир ғужанак бўлиб ётиб қолди.

Бир маҳал кимдир унинг елкасидан қаттиқ-қаттиқ силкигандай бўлди-ю, бошини кўтариб, тепасида Ортиқнинг қорасини кўрди. Қоронғида унинг юзини илғаб бўлмаса-да, норғул гавдасидан уни дарров таниди.

— Кетдик,— деди Ортиқ овозини кўтармай. У бир қўлида канистр, шошиб турарди. Султонов сапчиб туриб кетди, юраги қинидан чиқиб кетгудек гурс-гурс уриб, унга эргашди.

Бўрон тинган, ҳаммаёқ осуда. Тун қоронғилиги жи-мирлаб кўзни толдиради. Жимжитлик. Фақат қумдан чиқаётган ғарч-ғурч оёқ овозларигина шу сокинликни бузиб, одамнинг хаёлини ўғирлайди.

Улар узоқ, жуда узоқ юришди. Қумлик тугаб, тақирлик бошланди. Кейин шувоқзорга тушиб олишди. Тонг ёришганидагина Ортиқ тўхтаб, кунботарга қаради-ю серрайиб қолди. Султонов нима гаплигига тушунолмай, унга ҳадик-ла тикилди. Аввал латтадай бўшашиб тушган Ортиқ бирдан ўз-ўзидан алами қайнаб келиб, сўкинди:

— Падарига лаънат бундай чўлнинг! Тўғри деб юрсанг, эгри бўлиб чиқади! — У четга қараб жаҳл билан тупурди.

— Тинчликми? Нима гап?

— Нима гап бўларди? — У қўл силтади.— Қоронғида адашиб кетибмиз.

Ортиқ нима қиларини билмай чуқур уф тортди. Кейин худди у биладигандек:

— Кунботар шу ёқда эмасмиди? — деб сўради.— Қанаққиб бу ёққа ўтиб қолдик-а?

Султонов елка қисди.

— Мен билмасам...

— Эсиз. Ҳалигача чинкка етиб чиққан бўлардик. Ҳамма ҳаракатларимиз зое кетибди. Уни қара, қаёқла экан.— у кунботар томонда нураган девордай оқариб турган чинкни кўрсатди.

— Бисмиллосига ишимиз ўнгидан келмаган бўлса... қайта қолсак-чи?.. — деб юборди беихтиёр Султонов.

— Ҳали шу ироданг билан бу жаҳаннамдан чиқиб кетаман, деб юрибсанми? Чучварани хом санабсан! У қулоғинг, бу қулоғинг билан эшитиб ол. Чидамасанг, шунақа жони бўшлик қилаверсанг — мендан яхшилик кутма. Ярим йўлда ташлаб кетаман-да, кейин додингни худога айтиб қолаверасан. Гап шу, кетдик.

У чўрт бурилиб, чинк томонга қараб юриб кетди.

Султонов ноилож унга эргашаркан, Ортиқнинг қўрқинчли одам эканини, ундан ҳар нарсани кутиш мумкинлигини, бекор унга эргашганини энди яққол англади. Англади-ю қўрқиб кетди. Қани эди шундайлигини илгари билганида...

Султонов бўлар иш бўлди, деб бўйнидан боғланган итдай индамай кетабошлади. Лекин кун ёйилиб, темирдай қиздира бошлагач, чидамади. Бунинг устига оёқларида тинка-мадор қуриб, кўнгли озиб-озиб келади, ҳушидан кетиб-кетиб қолай дейди.

У охири тўхтаб, бор кучини йиғиб, ҳамон индамай кетиб бораётган Ортиққа бақириб берди:

— Ҳей, инсон! Инсоф деган нарса борми ўзи сизда?!

Ортиқ унинг кутилмаган журъатидан ҳайратланиб, тўхтади. Лекин нима демоқчилигини тушунди-ю баттар совуқ жавоб қилди:

— Ҳов, ўша чинкка етмагузимизча тўхташ йўқ. Унгача тамадди ё сув сўрашни хаёлингга ҳам келтирма. Овора бўласан!

Султоновнинг алами қайнаб келиб, ҳалқумига тикилди.

— Ноинсоф! — деди тишини-тишига бўсиб.

Лекин Ортиқ худди эшитмагандай, парво ҳам қилмай кетиб борар, афтидан ташлаб кетишдан ҳам тоймас эди. Султонов йиғламоқдан бери бўлиб, бирпас тўхтаб турди-ю кейин чор-ночор қадамини кўтариб босиб, унга эргашаркан, беихтиёр ичида ўзини-ўзи лаънатлай кетди. Лекин ҳозир бу пушаймонлар унга заррача ёрдам бермас, қайтанга асабини бузиб, тинка-мадорини қуритар эди. У кўпга чидамади. Таранг тортилган тор ахир узилди. Оёқлари чалишиб бориб, охири мункиб йиқилди. Муккаси билан тақирга тушди. Шу ётиши ўзига бирам хуш ёқдики, кўзларини юмиб, жим қолди. Олдинда оёқ овозлари тинди. Ортиқ тўхтади. Бирпас жим туриб қолди. Яна оёқ овозлари эшитилди. Лекин у яқинлашиб эмас, узоқлашиб борарди. «Аблаҳ, у ташлаб кетяпти!»— хаёлидан шу фикр чақмоқдай ялт этиб ўтди-ю Султонов даҳшатга тушиб, бошини кўтарди. Ҳа, у номард орқасига ҳам қарамай кетиб борарди. Султонов минг бир алам-армон билан:

— Аблаҳ!.. — деди-ю ўзи бўшашиб, боши шилқ этиб ерга тушди. Ич-ичидан хўрлик босиб келиб, ер чангаллаб қолди.

Оёқ овозлари тиниб, яна эшитила бошлади. Энди у яқинлашиб келар эди. Султонов бунни сезиб, эшитиб турган бўлса-да, бошини кўтариш у ёқда турсин, қимир этмади. Нафрати шунча эди...

Ортиқ унинг тепасида тўхтаб, пишқирди:

— Одам деган бунчалик бўлмайди. Тур! Мунча жопи бўшсан!

Султонов зардаси тутса ҳам индамади, бағрини ерга бериб, бошини кўтармай ётаверди. Ортиқ канистрини ерга қўйиб, кинояли кулди:

— Ҳали зарда қилиясизми? Вой, аразингиздан ўргилдим! Шу чўлда аразга бало бораканми?! Турақолинг!

Султоновнинг ҳам қайсарлиги тутиб, яна индамади, кўнгли учун қимир этиб қўймади.

Ортиқ чаккасини қашлади.

— Астойдил-ку,— деди ўзига-ўзи, кейин боягидан сал паст тушди, — майли, тур, тамадди бўлса, тамадди қилиб ола қолайлик. Чинкка ҳам оз қолди.

Ўтирди. Қўйнидан бир нарсалар олиб, ерга ёза бошлади. Кейин канистр қопқоғини бураркан:

— Улиб қолдингми, турмайсанми,— дея аччиқланди.

Султоновнинг тили қичиб келди-ю яна ўзини босди. Чуқур тин олиб, ёнбошига ағдарилди. Кейин зўрға туриб, орқасини ўгириб ўтирганча қотиб қолган оёқларини силашга тутинди.

Ортиқ канистрни энгаштириб, эҳтиётлик билан кружкага сув қўймоқчи бўлди-ю, кутилмаганда ваҳимага тушиб:

— Ие, бу қанақаси?! — деб юборди.

Султонов унга ўгирилиб ҳайрон қолди. Ортиқ оппоқ оқариб кетган, юзида қон қолмаган эди. Қўлидаги кружка қалт-қалт титрар, ўзи бир олдидаги канистрга, бир Султоновга маънисиз тикилар, бир нарса демоқчи бўларди-ю тили айланмас эди. Охири:

— Нима бало, тешилиб қолганми? — деди-да, канистрни кўтариб тагига қаради. Бус-бутун. Ҳайрон елка учирди.

— Тавба, бу қанақаси бўлди? Роса алданибмиз шекилли,— деди бўшашиб. Султонов ҳам қўрқиб кетди:

— Нега? Қанақасига?...

— Сув канистрнинг таг-тагида-ку! Уч кружка чиқиб-чиқмайди-ку! Қизиқ, шунча сувни қачон ичиб улгурган эканмиз. Тоза чув тушдик-ку! — Ортиқ чидамай, ўрнидан туриб кетди.— Э, падарига лаънат. Бир иш юришмаса, шундай юришмайдими?!

У сўкиниб, нима қиларини билмай, жаҳлини ичига сиғдира олмай, қўлидаги кружкани қулочкашлаб ерга урди. Ўзи четга тупурди-да, тек туриб қолди.

— Ҳали ҳам кеч эмас, орқага қайтайлик,— деди секин Султонов.

— Орқага, орқага!.. Орқада нима бор?! — ер тепинди Ортиқ.— Пишириб қўйибдими орқада!

— Бўлмаса шу сув билан бу чўлдан чиқиб кетиб бўларканми?! — Султонов ҳам унга бақириб берди.

Ортиқ унга совуқ тикилди. Одамнинг кўзлари шунчалар совуқлашиб, қўрқинчли тус олишини Султонов кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. У аниқ сизди: қаршисида ўзи тирик қолиши учун ҳеч нарсадан, ҳатто қотилликдан ҳам тап тортмайдиган ваҳший бир одам со-

вуқ тикилиб турар эди. Ундан ҳозир бирон-бир яхшилик кутиб бўлмасди.

— Чидасанг шу! Бўлмаса ана, тўрт томонинг қибла! Орқага қайтадиган аҳмоқ йўқ! — деди Ортиқ жоҳиллик билан қўл силтаб. Кейин қовоғини очмай, газетадаги бир бўлак гўштни қайта ўраб қўйнига солиб олди. Канистр қопқоғини маҳкамлаб, қаддини ростлади.

— Мен кетдим. Юрсанг, етиб олиб юр. Қолиб кетсанг, ўзингдан кўр,— деди у ҳаёсизларча.

Султонов ёқа ушлади. Дунёда шундай бераҳм, пасткаш одамлар борлигига энди ишонди. Лекин шунда ҳам уни инсофга чақириб кўрмоқчи бўлди. Баданида заррача одамгарчилиги бўлса тушунар, деди.

— Мен тиланчи эмасман-ку, ахир. Айбим нима?! Бирга йўлга чиққаннимми?! — деди у овози титраб.

Ортиқ ноилож тўхтади. Муросан мадора тўнғиллади:

— Таги кам бўлгандан кейин аяш керак-да, аямаса етқазиб бўладими!

— Аяш керак. Аяманг демайман. Лекин мен сизни шу аҳволда ташлаб кетсам, нима дердингиз? Қандай виждонингиз чидаяпти?

— Бўлди, бўлди! Буни тўғрилиқча айтиш мумкин эмасми? — У канистрни қайта ерга қўйди. Кружкани боя отиб юборган жойидан топиб келиб, қўйнидан газетага ўроғлиқ пиширилган гўштни олди.

Султонов кружканинг таг-тагидаги икки қултум сувни ичди-ю гўшт томоғидан ўтмади. Егиси келса ҳам, шунча гап-сўздан кейин емади. Ўзига ажратилган тухумдай бўлакни четга суриб қўйиб, зўр билан ўрнидан турди.

Ортиқ унга тушуна олмай, писанда қилди:

— Аччиқ қилишнинг нима кераги бор, ўзингга-ўзинг жабр қилиб?!

Султонов бош чайқаб қўя қолди:

— Ундаймас, томоғимдан ўтмаяпти.

— Ўзинг биласан,— Ортиқ оғзидаги гўштни чайнаганча ўрнидан туриб, канистрни кўтариб йўлга тушди.

Улар борган сари ўсиб, бутун бўйи-басти билан уфқни тўсиб бораётган чинк-жарликни кўзлаб, узоқ йўл босишди. Охири қиямаликдан тик жарликка томон кўтарила бошладилар. Султонов оёғини зўрға судраб босаркан, Ортиқнинг ҳамон бир маромда қадам ташлашига ҳавас қилиб қўйди. Шунча йўлни ўтишибди-ю, би-

роп марта оёғи чалишмабди-я. Альпинист деганича бор экан. Юришнинг хўп ҳаддини олган экан. Бу кетишида бир ўзи ҳам бу чўлдан чиқиб кета олса керак. Шундай-ку-я, лекин нега бир ўзи кета қолмади? Нега уни эргаштирди? Бир ўзи чўчидимчики?

Султонов ўйлаб, уйиничг тагига етолмади. Улар чинкка яқинлашганлари сари жарликнинг тик девори осмонга кўтарялиб борар, ҳар қадамида бунаниқ сөзилар эди. Ниҳоят, улар кунботарга оғган куёшни ҳам тўсиб турган жарлик соясига кириб беришди.

Сояга етиб келишди-ю ўзларини таппа-талпа ерга ташлаб, чўзилганча жим қолишди. Соёми ё шу оёқ узатиб чўзилиб ётишларимь. Луш ёниб, Султонов беихтиёр кўзларини юмиб олди. У анчадан кейин кўзларини очганида Ортиқ ерда оёғини узатиб ўтирганича жарликнинг бўртиб-туртиб чиққан қат-қат қатламларига ваҳми келиб тикилиб қолган, афтидач, ундан юқорига чиқиш йўлини изларди. Султонов базўр ўрнидан туриб ёнбошлади.

— Жуда баланд-ку,— деди у бу ердан қанақа қилиб тепага чиқиб бўлади, дегандай.

— Тикликка тик. Лекин шу чинкдан тепага чиқиб олсак озодмиз. Сариқамиш зиндонидан қутуламиз.— Ортиқ жарликнинг қияма сел йўлларида кўзини узмай жавоб қилди. Афтидан у ўзибоп йўл излар, Султонов ундан чиқа оладими, йўқми, хаёлига ҳам келтирмас эди.

Кейин кутилмаганда у тамадди ҳаракатига тушиб қолди. Икки тишлам гўшт, уч қултум сув билан тафт босди қилган бўлишди. Сўнг канистр оёғини маҳкамларкан:

— Энди ярим соат дам. Чинкка ҳужум олдидан оёқларни ёзиб олайлик,— деди-да, ўзи чўзилиб, кўзларини юмди.

Султонов ҳам кўзларини юмиб, чалқанча ётаркан, хаёл узоқ-узоқларга олиб қочар, унинг Ўстюртда адашиб қолганини отасига хабар қилишган-қилишмаганини ўйлар, агар бир оғиз айтишса, у хабар топиб қолса, бутун авиацияни оёққа турғизиб бўлса ҳам уни, кўзининг оқу қорасини топтиришга қодирлигини эслар, илоҳим хабар қилишган бўлсин, қидиришаётган бўлсин, деб илтижо қиларди. Кўзини очиб, осмонда самолётлар ўрнида пастлаб чарх урган ўлимтихўрларни кўрди-ю сапчиб туриб, ўтириб олди. Бундан Ортиқ ҳам чўчиб тушди, кўзларини очиб:

— Тинчликми? Нима гап? — деди ҳайрон бўлиб.  
Султонов осмонга имо қилди. Қўрқув унинг юзига ҳам соя ташлаб, у ҳам туриб ўтириб олди:

— Шунақа! — деди ғазаб билан у охири.— Ётиб қолдинг дегунча булар пайдо бўлади-қолади. Одам гўшти-ни мунча яхши кўраркан булар?

Унинг гапидан Султоновнинг этлари жунжикиб кетди.

— Йўлга тушсак зора қорасини ўчирса,— деди Ортиққа.

— Майли, ҳарна тезроқ тепага чиқиб олганимиз,— кўна қолди у.

Улар сел йўлидан харсангтошларга тирмашиб, шағалларга қоқиниб-сурилиб тепага чиқиб кета бошладилар. Энкайиб, эмаклагудек бўлиб юриш бир қийнаса, оёқ остидаги шағаллар сурилиб, пастга ўзи билан тортиб кетгудек бўлиб бир қийнайди. Жарликнинг ярмига етмай, Султонов қора терга тушиб, тиззалари қалтирай бошлади. Олдинда йўл бошлаб бораётган Ортиқнинг ҳам оёқлари тойиб-тойиб кетяпти. Шунда оёқ остидан ваҳимаси билан бир замбар-бир замбар шағал кўчиб пастга оқади. Султонов қатламларга тирмашиб, ўзини зўрға тутиб қолади. Лекин бир гал ҳеч нарсани тутолмай, шағал оқимиға йиқилди-ю пастга оқиб кета бошлади. Йўл-йўлакай ўзини ўнглаб олишга ҳарчанд ҳаракат қилар, ён-атрофида бирор тош ёқи қатламга тирмашиб қолишга уринар, лекин ҳар гал ҳаракатлари зое кетар эди. Сел йўлидаги шағал оқими бўлса борган сзри кучайиб шалдирайди, пастга ваҳима билан интилади. Султонов охири ёнбоши билан бир тош қатламига бориб урилди-ю, оғриқнинг зўридан инграб юборди. Турган ерида тиз чўкиб, ўтириб қолган Ортиқ ноилож эҳтиётлик билан пастга туша бошлади. Унинг ёнига етиб келиб, энсаси қотиб бош чайқади.

— Кўзингга қарасанг бўлмайдами! Энди нима бўлади?!

Султонов ўзини бир ёнбошига ташлаб тагида қолган ўнг оёғини узатмоқчи бўлди-ю оғриқнинг зўридан лабларини тишлаб, кўзларини чирт юмиб олди.

Ортиқ унинг тепасига энгашиб, ўнгарилишига ёрдамлашаркан:

— Шу кам эди, оёқдан ажрабсиз-ку, акам,— дея кесатди.

«Ажрабсиз? Келиб-келиб... оёғим-а? Синибдимикан? — Султонов қўрқиб кетди.— Наҳот унга тирикто-



вон бўлиб қолган бўлсам? Бир ками шу эди...» У чуқур тин олиб, юзини четга ўгирди. Хўрлиги босиб келиб, кўзи жиққа ёшга тўлди-ю ҳамма нарса чаплашиб кетди.

### *Ун тўртинчи боб*

У тонг-саҳарда жунжикиб уйғониб кетди. Осмон оқариб келар, кўкда якка-ёлғиз юлдуз ярқираб турар, уфққа яқинлашиб қолган ой бир тилим қизил қовундай шафақ рангига кириб борарди. Отамурод ёзилиб келиб, бир ҳафтадан бери биринчи марта пақирдаги қудуқ сувидан соқол босиб кетган юзини пишиб-пишиб ювиб, бир маза қилди. Руҳи шундай енгил тортдики, беихтиёр ҳар кунни эрта билан юз ювиш бир бахт эканини аниқ ҳис этди. У анча бардам тортиб турган, кечаги чарчоқлардан асар ҳам қолмаган, фақат оёқлари зириллаб оғирди, холос. Бу кеча кўп юрганидан. Энг муҳими қидирганини топди, сувга етишди, энди ҳеч нарса қўрқинчлимас. Отдек тўйиб-тўйиб, дам олиб, қайта-қайта сув ичаркан, бу сувдан танаси яйраб кетаётганини, ўзи тетиклашиб бораётганини аниқ сезар эди...

Отамурод ўз ишини билиб қиларди. У мешга қудуқнинг муздек тиниқ сувидан пақирлаб-пақирлаб тўлатиб олди-да, оғзини обдан маҳкамлаб, рюкзакка жойлади. Рюкзак тасмаларидан қўлини ўтказиб, орқалай туриб, яна тўхтади. Ҳали ҳамма иш битмаганини эслаб, уни бир чеккага қўйди: қайтиш қочмайди. Бу билан тутқунликдан қутулиб қолмаймиз, деб ўйлади ўзича. Ҳозир жўнаб кетгандан кўра яна уч-тўрт соат йўловчи машина кутсам-чи? Не уқубатлар билан катта йўлга зўрға чиққананда, ҳеч кимни учратмай қайтиб кетишим тўғрими-кан? Балки яна бирпас кутсам, бир йўла қутулармиз? Бу ерга яна қайтиб етиб чиқиш осонми?!

Ундай деса, ҳали домлаларнинг ҳоли нима кечдий-кан?... Муштдек сувдонда қолдирган сув икки бирдек одамга нима бўлади? Шу дўзах иссиғида ташналигини қондирармиди? Ловиллаб ётган гулханга ҳовучдан сув сепган билан баробар эмасми? Ҳарна қилса тезроқ, бир кор-қол бўлмасдан етиб боргани маъқулми-кан? Ундай деса...

У йўловчи машина кутишини ҳам, кутмасини ҳам билмасди, аросатда қолиб, бир қарорга келолмасди. Лекин шу пайт ногоҳ хаёлига келган фикрдан дили равшан тортиб:

— Айтмоқчи, шундай қилсам-чи? — деди ўзига-ўзи. Кейин шу атрофдан бир саксовул ёғоч топиб келиб, Туятепанинг ёнбағрига катта-катта қилиб ёза бошлади: «Оғайнилар! Биз — адашган геологлар ўттиз километр пастда, чинк ёқасидамиз. Ёрдамингизга муҳтожмиз».

У шундай деб, қинғир-қийшиқ, катта-кичик қилиб қумга ёзиб чиқди-ю, ўқиб, ўзининг кўнгли тўлмади. Келган одам дарров кўради, ёзув кўзга ташланарли жойда. Уқиш ҳам унча қийин эмас, ҳарфларни йирик-йирик қилиб ёзди. Лекин бу ёзувнинг умри узунми-қисқами, ким билади? Худо кўрсатмасин, бир шамол турса теп-текис-да, қумдаги ёзувдан асар қолармиди, қум учади-кетади.

Хат қолдирай деса ёнида на қоғоз, на қалами бор. Бўлганда ҳам уни қаерга қўйиб кетиб бўлади? Тошнинг тагига бостириб кетадими? Уни ким кўради-ю ким топади? Нима қилса экан?

Отамурод боши қотиб, қудуқ атрофида айланаркан, кеча кечқурун ёққан гулхани тепасига келиб тўхтаб қолди. Этигининг учи билан хаёлпарижон кулни титкилаб туриб, чала ёнган саксовул таёққа кўзи тушди-ю шошиб уни қўлига олди.

— Тайёр қалам-ку,— дея кулди.— Қўмири билан ёза бўлади-ку. Ҳа-я, пистакўмир билан пақирга ҳам, қудуқ деворлари, ёғочига ҳам ёзса бўлади-ку! Уни сувга келган йўловчи ўқимаё иложи йўқ-ку! — Отамурод хурсандчилигидан шошиб қолиб, пақирни тиззасига қўйиб, ёнига айлантириб ёзиб чиқа бошлади.

«Йўловчи оғайни! Биз йўлдан адашиб пиёда қолдик. Ҳозир Сарикамиш чинки ёқасидамиз. Бу ердан ўттиз километр пастдамиз. Ёрдамингни аяма. Машинангни биз томонга бур. Яхшилигингни унутмаймиз». Отамурод яна анча нарсаларни, ўзи уларга сув олиб кетаётганини, ҳамма ҳолдан тойганини ёзмоқчи бўлди-ю сиздира олмади. Шунда ҳам пақирнинг ёнлари ёзувга тўлиб кетди. Отамурод уни қудуқ девори ёнига қўйиб, яна бир муҳим сўз қолганини эслаб, бошқа писта кўмир қидириб топди-да, қудуқ ёғочига ёза бошлади: «Ҳеч бўлмаса биз ҳақимизда Катта ерга хабар қил».

Шундан кейингина кўнгли жойига тушиб, ҳамма ёзувларни бир-бир ўқиб чиқди-да, рюкзакни елкасига олди.

Олдинда роса бир кунлик йўл турар, лекин Отамурод ҳозир унинг машаққатларини эмас, чайлада қолганларнинг тақдирини ўйлар, йўлга ошиқарди. Нима-

гадир ҳозир домланинг Етти Огайни юлдуз ҳақида айтганлари ёдига тушиб кетиб, мийғида кулиб қўйди: «Қўлингдан келса, Олтин қозиқ бўлиб оғир кунда одамларга йўл кўрсат», дея пичирлади ўзича.

У кеча келган йўлидан шахдам юриб кетди-ю ҳеч қанча ўтмай, шарқдан ёниб-ёлқинланиб янги қуёш чиқиб келди.

### *Ун бешинчи боб*

Ортиқ унинг тепасида нима қиларини, нима деярини билмай анқовсираб турарди. Султонов бечора оғриқнинг зўридан кўзларини чирт юмиб олганича тишини-тишига қўйиб, ётган ерида бетоқат тўлғанади, бошини дам у ёққа, дам бу ёққа ташлайди. Нафаси сиқиб, ҳансирайди. Ниҳоят, у кўзини очиб, Ортиққа ялинди:

— Ердам бериб юборинг, ҳеч бўлмаса, туриб ўтирай.

Капалаги учиб кетган Ортиқ сал ўзига келиб, унинг ёнига чўккалади. Бўйнидан қўлини ўтказиб, бошини кўтарди. Султонов қўлларига тиралиб, зўрға туриб ўтираркан, синган оёғини кейинга сураман деб инграб юборди. Қўллари бўшашиб, ўзини шилқ этиб орқага ташлади. Ортиқ уни жонҳолатда зўрға тутиб қолди.

«Энди нима қилдим? Тоза касофат бўлди-ку. Шу аҳволи бўлса бир қадам ҳам юра олмайди-ку.— Ортиқни ваҳима босиб келди. У бошини буриб тепага, қиялашиб кўтарилиб кетган сел йўлига қаради.— Уҳ-ў, ҳали шунча тепага кўтариб чиқишим керакми? Жуда баланд-ку. Қиялигини кўр. Худо кўрсатмасин, бир тойиб кетсам борми, у ҳам, ўзим ҳам омон қолмайман. Ундан кўра...»

Ортиқ энди титилиб кетган шимининг устидан тиззаларини силаётган Султоновга ўгирилди. У шунда ҳам кўзларини юмиб ўтирар эди.

«Бир қултум сув берсам, балки ўзига келармиди,— ўйлади Ортиқ. Лекин шу заҳотиёқ фикридан қайтди.— Ўзи таги кам-ку, кейин ҳам керак бўлиб қолар...»

Султонов кўзларини очиб, шимининг почасини аста ҳимариб, кўтра бoшлади. Ортиқ қора қонга бўялган оёқни кўриб, сесканиб кетди.

«Тамом бўпти, энди ҳеч нарсага ярамайди!» деган хаёл бошидан чақмоқдай ўтиб, даҳшатга тушди.

Фақат Султоновнинг беҳол овозигина уни ўзига келтирди:

— Илтимос, майкамни йиртиб боғлаб қўйсангиз. 7  
Ортиқ шошиб қолиб унга меҳрибонлик кўрсатишга уринди.

— Ҳозир-ҳозир. Етмаса, кичиклик қилса меники ҳам бор. Сен қўрқма. Ҳозир ҳаммаси жойида бўлади.

Лекин бу сўзларни унинг кўнгли учунгина айтаётганини ўзи ҳам билар, ичида тамомила бошқа ҳислар га-лаён урар эди.

«Келиб-келиб шу лапашанг билан йўлга чиқаманми?! Ўзимга-ўзим ташвиш орттириб ўтирибман-а! Тепа-га ортмоқлаб чиқиб бўлмаса. Олиб чиққанда ҳам нима фойда! У ёғига ҳам кўтариб кетаманми? Чинккача яна қанча қолган, худо билади. Ҳаммага керак жон, унга ҳам керакдир? Лекин ёнида қолиб ҳам бўлмаса... Қандай йўлини қилиб... ташлаб кетса экан?»

— Энди нима қилдик? Чатоқ бўлди-ку,— деди у Султоновга атай тилеғламалик билан. Зора ўзи тақ-дирга тан берса, дерди ичида.

— Мени пастга олиб тушиб қўйсангиз,— дея ўтинди Султонов. Ортиқ ташидан сездирмаса-да, ич-ичидан се-виниб кетди.

— Ҳозир-да, укажон, есть қиламиз-да,— у канистрни бир чеккага авайлаб қўйиб. Султоновни опичиб олишга ўнгланиб қўлини чўзди.— Қани, қўлингни бер-чи. Чўчи-ма, бемалол кўтараоламан.

У Султоновни опичлаб олиб, ҳар қадамини шағал-сиз жойга эҳтиётлик билан қўйиб, товонига тиралиб пастга тушиб бораркан, ичида ўзини-ўзи оқлашга ури-нарди.

«Одамгарчилик шунчалик бўлар-да. Ҳар ким қўли-дан келганини қилади-да, уни чинккача кўтариб чиқиб кета олайман-ку, ахир. Шу зиғирча сув билан қаергача ҳам бора олардик?»

Ортиқ уни пастгача олиб тушиб, тик жар ёнига суяб ўтқизди-да, пешонасидаги терларни сидириб, қад-дини ростлади:

— Озгина ўтин тўплаб келсаммикин, ҳали-замон кеч кириб, салқин тушиб қолади. А? — деди меҳрибонлик қилаётгандай.

Султонов беҳол бош силкиб, бемажолгина илтимос қилди:

— Иложи бўлса, текисроқ таёқ қараб кўринг. Буни тахтакачламаса... оғригига чидаб бўлмаяпти.

Ортиқ унинг илтимосларидан тезроқ қутулишга шо-шилди:

— Яхши. Мен ҳозир,— дея у пастдаги саксовулзорга қараб юра бошлаган эди, Султонов тўхтатди:

— Агар топилса, битта ҳассалик ҳам ола келинг.

Ортиқ хўп деди-ю, юраги орқасига тортиб, ўйлаб қолди.

«Нима бало, ҳали оёғимга кишан бўлиб, бирга кетмоқчими? Юра оларканларми?! Олиб келмасам-чи? Тополмадим, десам-чи?.. Қаёққа бора оларди...»

У бир қучоқ ўтин териб келганида Султонов ҳолдан тойибми, оғриқ сал камайибми, кўзи илинган, юзлари оппоқ оқарганча чўзилиб ётар эди.

Ортиқ ичида, айни муддао, деди-ю, қучоғидаги ўтинни аста ерга қўйди, оёқ учида секин-секин четлашиб узоқлашди, кейин юраги ҳаприқиб, ҳиқилдоғига тикилиб, тепага ўрмалай кетди. Бояги жойга етганида канистрни қўлга олиб, қўрқа-писа пастга қараб қўйди. Хайрият, у ҳамон қимир этмай, унинг жуфтани уриб кетаётганини сезмай ётар эди.

Ортиқ тепага чиқди-ю, ўзини таппа ерга ташлади. Унинг бутун вужуди қалт-қалт титрар, тили танглайига ёпишиб, ўзи ютоқиб ҳансирар, ҳолдан тойиб, адойи тамом бўлгандек сезар эди ўзини. Ҳоли келмаса ҳам ўзини мажбурлаб бошини сал кўтарди. Олдинда нима борлигини, ҳақиқий чинк яқин қолган-қолмаганини шундай билгиси келдики...

Иссиқ гармсел ўсиб кетган соч-соқолларини ўйнаб, ўзини энтиктирди. Кўзлари ачишиб, қуёш нурида қамашиб олдинга қараркан, бўшашиб, тарвузи қўлтиғидан тушиб, яна бош эгиб, пешонасини ерга тираб қолди.

Олдинда бир-бирига мингашиб кетган ҳадсиз-ҳисобсиз барханлар, унинг ўрталарида саксовулзорлар, узоқда, уфққа яқин ерда эса ойнадек ялтираб, чанг рангидаги тақирлик ястаниб ётар эди.

— Пешонам шўр бўлмаса, шуларга эргашиб, шу худо қарғаган чўлга келаманми?! — деб юборди у чуқур хўрсиниш билан.

У унсиз йиғларди: энди нимага ҳам умид қиларди?! Худо деб, борига шукр қилиб, уйда ётса нима қиларкан?! Қошки энди ўша минг азоблар билан йиққан молдунёси асқатса. Асқатмайди. Буюрмаган эканки... У ўзининг совуқ хаёлларидан қўрқиб кетиб, туриб ўтириб олди. Атрофга зеҳн солиб тикилди.

Домла, юқорига чиқиб олсак, қудуқ ҳам, кийик ҳам учрайди, деганди. Балки излаб кўрса, шу орадан қудуқ-

пудуқ топиб қолармиди? Сув топса-ку, бир амалларди. Улмаи қоларди.

Ортиқ даст ўрнидан туриб кетди-ю, ҳар томонга изғишга тушди. Барханлар устига чиқиб, ютоқиб чор-атрофга назар ташлар, яна бошқаси баландроқ кўриниб, ўша томонга югурар, қумга ботиб, йиқилиб-сурилиб, унинг тепасига чиқар, ҳафсаласи пир бўлиб, узоқ туриб қолар, яна бошқа барханга қараб чопар, пастга туша туриб, умбалоқ ошиб кетар, оғиз-бурунларига қум кириб қийнар, лекин ҳамма-ҳаммасига чидаб, қудуқ излашдан тоймасди. Назарида кун ботиб, кеч кириб қолаётгандай бўлар, даҳшат босиб келар, ўзини ҳар томонга елиб-югуришдан тиёлмасди.

У бархан устида қўлини пешонасига қўйиб, узоқдаги шувоқзорга тикиларкан, бир-бирига чувалашиб туташиб кетган оқ лентадай йўлларга кўзи тушиб, севиниб кетди.

Уша йўлларга етиб олса балки қутулиб кетар. Лекин етиш осонми? Зиғирча сув билан қаергача бора оларди?! Таваккал қилса-чи?! Йўқ. Таваккал қилса-ю ярим йўлда қолиб кетса, нима бўлади? Уни ким қутқаради? Бир ўзи ниманинг уддасидан чиқарди?

Ортиқнинг юраги дов бермади. Сувсиз ярим йўлда қолиб кетишини ўйлаганида чаккаларигача сирқираб кетди. Оёқларида титроқ туриб, бархан устига бемажол ўтириб қолди. Ич-ичидан эзилиб, хит бўлиб, ўзига-ўзи шунчалар юраксиз, жони ширин, шунчалар худбин тугилгани учун лаънатлар ўқиди: «Бошқалардан қаерим кам? Тўрт мучам соғ-саломат бўлса-ю ўлим даҳшатидан шунчалар қўрқсам! Нимага худо мени бунчалар юраксиз қилиб яратган экан, иродасиз қилиб дунёга келтирган экан?! Ҳали-бери йиқилиб қоладиганлардан эмасман-ку, мунчалик қўрқаман?!»

У нимадан қўрқишини ўзи яхши билар, лекин айтишга, дилидагини тилига чиқаришга юраги дов бермасди. Жони ширинлик қилар, ҳаётдан умидини узолмас, кўз олдидан данғиллама уйи, лимонзорли теплицаси, гараждаги «Москвич»и, сандиқдаги тилла заёмлари кетмас эди. Худди ярим йўлда бир нарса бўлиб қоладигандек даҳшат босиб келар, қутулишнинг, бир илож қилиб тирик қолишнинг чорасини излару тополмас эди. У канистрнинг тагида қолган сув билан қаёққа боришини, таваккал қилиб олдинга кетишини ҳам, Султоновнинг олдига тушиб, ёрдам кутишини ҳам, орқага қайтиб, дом-

лаларга етиб олишини ҳам билмасди. Боши қотиб, гангиб қолган эди.

Бу орада кеч кириб, қуёш бота бошлади. У тилла баркашдек бўлиб уфқда турар, зарҳал нурини беомон сочар, Ортиқ эса унинг ҳозир ботиб кетишини ўйлаб, қаёққа йўл солишини, нима қилишини билмай даҳшатга тушар, одам боласи камдан-кам дучор бўладиган аросат азобига учраган эди. Ниҳоят, у саросимада довдираб турган ерида бир айланди-да, шошиб канистрни қўлига олиб, чинк ёқалаб шимол томонга худди биров қуваётгандек чопиб кета бошлади. Анча ерга бориб, қўрқа-писа орқасига қараб қўйди. Жарлик ёқасига келиб, Султонов қолган жойга чўчинқираб қаради. Пастликда, бояги тик жар тагида Султонов бошини қуйи солинтириб ўтирар, ҳеч қаёққа қарамас эди. У ҳозир ўзига қараб қоладигандек, тўхта, номард, қаёққа қочяпсан, деб сўкиб бақирадигандек, оқсоқланиб қувадигандек, Ортиқ дарров ўзини четга олди-ю, тез-тез юриб кета бошлади. У Отамуродларнинг йўлини кесиб чиқишни мўлжаллаб борар, уларнинг паноҳида жон сақлашини ўйлаб қолган эди.

Уларга етиб олсам бўлди, бир жавоб топиб берарман, уриб ўлдиришмайди-ку, тирик қоламан-ку, ахир, дерди ўзига-ўзи...

### *Ун олтинчи боб*

Чирилдоқлар овозига тўла зим-зиё чўл кечаси. Бирам сирли, ваҳимали, қоронғики, Зулхуморнинг атрофга қарашга ҳатто юраги бетламайди. У гулхан ёнида тўғри ўтиришга ҳам мадори келмай, тиззаларини қучоқлаб, унга даҳанини тираганича жим қолган. Унсиз, бетиним нола қилаётгандек тўлганиб-тўлганиб ёнаётган олов тилларидан кўз уза олмайди. Яна ҳам яқинроқ сурилгиси келади. Нимагадир совқотяпти. Тун шунчалик совуқми деса, домла гулхандан нарида, чайла ичида жим чўзилиб ётибдилар. Совуқ бўлса, гулхан яқинига сурилмасмидилар?

Унда ўзига нима бўлди? Бутун аъзойи бадани худди безгак тутаётгандек қалтираяпти. Қўйиб берса, тиштишига тегмай такиллайди. Қўллари титраб, тиззаларини қучоқлаб ўтиришга ҳам мажולי келмайди. Нима бу? Ҳали-ҳозиргина қизиб, алангаи оташ бўлиб кетаётган эди-ку?...

Ич-ичидан олов чиқиб, томоғи қуриб-қақшар, лаб-

лари ёпишиб қолган, тили эса худди шишиб кетаётганга ўхшарди. Уни сувсизликдан кўрган эди. Энди буни-си қанақаси бўлди? Еки бу ҳам чанқоқ азобининг ишмикаси? Тавба, бу чўл одамни нима кўйларга солмапти?

Қаердадир юлғун тагида чўл сичқоними, нимадир ногоҳ шитирлади-ю Зулхумор чўчиб тушди. Орқага ўгирилиб қараб, кўкрагига туф-туфлаб қўйди. Шу кўрқув аралаш ҳали-ҳозирги титроқ, совқотиш қаёққадир йўқолди.

Зулхумор сал эркин нафас олиб, яна тиззаларини кучоқлаб, оловга тикилганича хаёлга толди: унга нима бўлди экан, ҳалигача дараги йўқ? Иккинчи кеча ўтпти. Тинчликмикан ўзи? У Отамуродни ўйларкан, кўнгли гаш тортиб, хаёлига ҳар хил бўлар-бўлмас ўйлар ёпирилиб келади. Ўзи ваҳимада қолиб, юраги сиқилади. Ич-ичидан илтижолар қилади: ишқилиб худонинг ўзи асрасин. Оёқ остидаги фалокатлардан, бевақт ўлимдан асрасин. Омон-эсон қайтиб келсин. У бўлмаса бизнинг ҳолимиз нима кечади?

Зулхумор Отамуроднинг яхшиликларини одамгарчиликларини бир-бир эслайди: ўзи бир бошқа одам, кўнгли бир бошқа олам экан. Кетди-ю қадри билинди. Ўрни ҳувиллаб қолди. Унга шунчалик суяниб қолишган экан. Ўсиз икки кун икки йилдек ўтпти. Ортиқнинг боридан йўғи яхши экан. Султоновнинг эса йўқлиги ҳам билинмайди. Улар ўзларининг кимликларини кўрсатишди. Домла авлиё эканлар. Айиқполвонни асалхўрликка чақириб, охири ўзи жуфтакни ростлаган тулки билан бўрсик афсонасининг худди ўзи бўлди-я, тавба. Шуларга шама қилган эканлар-да, домла. Ишқилиб охири бахайр бўлсин. Афсонадагидек, тулки қутулиб қолиб, бўрсик қурбон бўлиб кетмаса кошки эди...

Ўзлари-чи, ўзларини қандай тақдир кутяпти? Сувлари кечаёқ тугаган эди. Бугун кечгача юлғуннинг олачалпак соясида уни кутиб ётишди. Бир қўлтум сувга зор бўлиб, ичлари аланган оташ бўлиб ёниб, гоҳо ҳушдан кетиб алаҳлаб, унинг йўлларига кўзлари тўрт бўлиб, интизор кутиб ётишди. Одам сувсизликдан ниҳояти уч кунга чидармиш. Шунинг бир кунини ўтказишди. Чанқоқ азобидан минг кўйга тушиб, минг хил қийноқларга чидаб, атиги бир кунни ўтказишди. Яна бир кундан кейин тамомила ҳолдан кетиб, қимирлаёлмай қолишса ҳам ажбмас. Пешоналарини ерга тираб, ҳушдан кетган пайтларида қузғунлар галаси тепаларида гир ай-



ланиб қолиши аниқ. Улар шуни кутяпти. Отнинг ўлими — итнинг байрами, деб шуни айтишаркан-да.

Ишқилиб у етиб келсин. Бир кор-ҳол бўлмаган бўлсин. Шундан бошқа яна қандай илинжлари бор?!

Шу пайт кўз олдидан гулхан чекиниб бориб, фақат барханмисол сариқ-қизғиш алангаси қолди. Кейин бу аланга тилларанг барханга айланиб, унинг орқасидан офтобда ойнаси ярқираб, бир машина чиқиб кела бошлади.

У худди шу томонга, уларга қараб келар эди.

Ё тавба! Ким бўлдийкан? Танишларми ё нотанишлармикан? Йўқ, таниш-ку. Ўзининг Собир-ку! Севгани-ку! Одамлар, қаранглар, машина келяпти! Қутқаргани келяпти! Қаранглар, келяпти! Ўзининг Собир, жондан ортиқ кўргани келяпти! Халоскори келяпти!

У севинчидан жонҳолатда сапчиб туриб кетди-ю шу заҳоти кўз олдидан бархан ҳам, машина ҳам, Собир ҳам йўқолиб, қоронғилик қаърига кирди-кетди...

Зулхумор бунга чидаёлмай, ўзини ерга таппа ташлаб, ҳўнграб йиғлаб юборди...

У ўзини босолмай, ҳиқ-ҳиқ йиғлаб ётаркан, ёнига домла сурилиб келди-да, қўлини унинг бошига қўйиб, унсиз, оталарча силай бошлади. Ҳа, домла ҳолсиз, титроқ қўллари билан унинг бошини, сочларини силар, афтидан, ўзи ҳам унсиз йиғлар эди.

Зулхумор хўрлигини зўрға босиб, бошини кўтарди-ю яна чидай олмай, унинг тиззаларига бош қўйди.

Домла энди уни рўйирост юпатишга тушди:

— Тинчлан, қизим. Ўзингни бос. Қўрқма, у келади. Келадиган вақт бўпқолди. Отамурод тегирмонга тушса бутун чиқадиган йигит. Келади, қизим.

Шу пайт нарида нимадир шитирлагандай, қум шувиллаб тўкилгандай бўлди. Зулхумор бошини кўтариб, ялт этиб ўша томонга қаради-ю қўрқувдан туриб ўтириб олди. Ун қадамча нарида итга ўхшаган бир нима қорайиб турар, бир жуфт кўзлари чўғдек ёнар эди. Зулхумор қўрқиб кетганидан домлани туртиб:

— Вой, уни қаранг! — деб бақириб юбораёзди. Ҳалиги қора нарса хунук ириллаб жойидан жилди-да, истамайгина, улардан ёнган кўзларини узмай нари кета бошлади.

— Бўри-ку,— деб юборди домла ҳам қўрқув аралаш. Кейин жонҳолатда ўтирган ерида қўлига тушган саксовул таёқни олиб, ўша ёққа итқитди:

— Тур кет, падарлаънат!

Бўри боягидек ириллаб, қоронгилик қўйнига кириб кетди.

Домла ҳоли келмай, яна гулхан ёнига ёнбошлай туриб:

— Якка экан шекилли, бўлмаса осонгина даф бўлмасди. Ўтиндан кўпроқ ташла, қизим, гулханга. Оловдан бошқа нарсадан ҳайиқмайди у, — деб маслаҳат берди.

Ҳамон қалтироғи босилмаган Зулхумор гулханга шох ташларкан, ташвишланди:

— Биз-ку, олов ёнида жон сақлармиз. Отамурод акамлар нима қиладилар?

— Отамуродми, унинг ёнида яроғи бор эди шекилли, — деб қўйди домла.

Улар яна гулханнынг оч қизғиш тилларига тикилиб жим қолишди. Атроф сув қуйгандек тинч, фақат бу тинчликни гулханда ёнаётган ўтиннинг чарс-чурси, чирилдоқларнинг аллаловчи бир текис чириллаши бузиб туради.

Зулхумор яна тиззаларини қучоқлаб, гулханга тикилганча ўтириб олди. У яна хаёл дарёсига ғарқ бўлиб кетганди, назарида аллақаяёқдан ғалати овоз келгандай бўлди. Шу заҳоти яна ўша томонда нимагадир бўри ангиллади. Узоқдан бўриларнинг этни жунжиктирадиган увлаши эшитилди.

Зулхумор юраги дук-дук уриб, тили айланмай домлага қаради:

— Бу яна нима бўлдикан?

— Ҳалиги бўри қашқирга рўпара бўлдимикан? Унақа-бунақага ангиллаб қочмасди-ку, — домла ҳам ҳайрон бўлиб, ўша томонга қулоқ осди.

Шу пайт кутилмаганда икки юз қадамча нарида олов ёниб, қўлида машъала кўтарган одам қораси кўринди. У гандираклаб-гандираклаб кетар, тўхтаб, зўрға ўзини ўнглаб олар, яна мункиб кетгудек бўлиб олға интиларди. Бунга сари қўлидаги машъала тинимсиз чайқалади, ловиллаб ёниб, ҳавода ўтли из қолдиради. Ким бўлди?! Собир эмасми?! Гулханни кўриб қидириб келаётган бўлса-чи?! Қанийди Собир бўлса, у бўлиб чиқса!.. Зулхумор юраги шошиб:

— Домла! Уни қаранг?! Қимдир келяпти! — дея қичқириб юборди. «У Собир! Чинкда қолган Собир! Қаранг, унинг ўзгинаси!» — дея жар солиб, овоза қилгиси келди-ю домладан ийманиб айтолмади.

— Рост! У келяпти! Отамурод келяпти! Айтмовдим-

ми?! — дея ўрнидан туришга интилди домла. Зулхумор адашганини ичида тан олди: айтмоқчи, Собир бўлса машинада келарди-ку. Домла ҳақлар, келаётган — Отамурод! Ундан бошқа ҳечкиммас!

У шундай тўхтама келиб, ўша томонга отилди-ю:

— Биз бу ёқдамиз, Отамурод ака! Бу ёқдамиз! — дея югура кетди.

— Хайрият, омон экан,— деди домла, енгил нафас олиб.

Зулхумор бўлса қоронғида қоқилиб-йиқилиб, яна ўрнидан туриб, ўша томонга ҳаллослаганча чопиб борар, оёғи чуқурчаларга тушиб, умбалоқ ошиб кетса ҳам парво қилмас, яна туриб, унга интилар, хурсандчилигини ичига сиғдира олмай, «бор экансиз-ку, Отамурод ака»лаб борарди.

У ниҳоят етиб бориб, оёқда зўрға турган Отамуроднинг олдида бир зум тўхтади. Ўзини тутиб туролмай:

— Боракансиз-ку, Отамурод акажон! — дея унинг қучоғига ташланди. Отамурод қўлидаги машъалани ташлаб, кўксига бош қўйган қизнинг сочларини силаркан, уни юпатишга уринди.

— Қўй, синглим, йиғлама. Нега энди йиғлайсан, мана мен келдим-ку. Омон-эсон етиб келдим-ку. Ёнинглардаман-ку.

У қафтлари билан қизнинг кўзёшларини арта туриб, кутилмаганда унинг юзларини ўзига қаратиб:

— Айтмоқчи, табриклайман,— деди астойдил қувониб.— Туғилган кунинг билан табриклайман. Сув ёруғлик дейишади. Кўп ўрнида кўрасан. Атай сенга атаб бир меш сув олиб келдим. Сенинг туғилган кунингда биз қайтадан дунёга келадиган бўлдик. Энди ўлмаймиз, қутулиб қоламиз, Зулхумор. Чин дилдан табриклайман сени...

Зулхумор севинчдан данг қотиб қолди: айтмоқчи бугун унинг туғилган куни-ку! Шундай кунда унутмай эсга олганларини қаранг... Унинг кўзларидан беихтиёр тирқираб ёш чиқиб кетди. Шу баробар боши кўкка етиб, вужуд-вужуди эриб келиб:

— Мингдан-минг раҳмат, Отамурод ака! Дунё турганча туринг,— деди-ю ёш боладек унинг бўйнига осилиб олди.

Кўнгилинг тинчлигига, хотиржамликка нима етсин экан. Неча кундан бери мижджа қоқиша олмасди. Кўз илинди дегунча каллага даҳшатли тушлар ўралашиб келиб, босинқираб-босинқираб уйғониб кетишар эди. Кеча кечаси Отамурод бир меш сув билан қайтиб келди-ю, кўнгиллари жойига тушди-қолди. У йўл топиб келди, обиҳаёт олиб келди, энди ўлмаймиз, деган ишонч туғилди-ю ҳамма қўрқинчлар, умидсизликлар, даҳшатлардан фориг бўлишди-қўйишди.

Умрларида ҳеч қачон бунчалик тош қотиб ухлашамагандир. Кун ёйилиб кетгунча ётишибди-я...

Қамолиддин ака ўтирган ерида устларига офтоб тушиб, пешоналарини реза тер боса бошлаган бўлса ҳам, ҳамон ширин уйқуда ётган ҳамроҳларига разм солиб қўйди.

Домла туриб, жиндек сув билан юзини чайгиси, ружини энгил торттиргиси келди-ю яна кўнгли бўлмади, шерикларини уйғотиб юборишдан истиҳола қилди.

Майли, тўйиб ухлаб олишсин. Ҳали йўлга тушишганда ҳарна мадор бўлади. Чўлда кун ёйилиб, офтоб чиқишига, жамики нарса зарҳал рангга кириб, кўзни қамаштиргудек товланишига суқланиб тикиларкан, шимол томондаги саксовулзор устида бирдан ипдек ингичка, оқ ҳарирдай нозик узун чангни кўриб, ҳайрон қолди.

Бу нимаси бўлди? Ростдан ҳам чангми? Якка кийикни бўри қувиб юрибдимикан? Ундай деса, чанг бунча ҳам узун?.. Домла ўша томондан кўз узолмай қолди. Саксовулзор орасида ердан чанг кўтариб бораётган нарсани кўриб бўлмасди. Фақат чанги лентадек ҳавога ўрлаб, боши саксовулзор чеккасига яқинлашиб борарди.

Ана! У ҳозир саксовулзордан чиқиши керак. Чиқди. Ойнасида қуёш нурни ялт этиб, кўзни олди-ю, қамаштириб юборди. Домла қувончдан қийқариб, ўрнидан туриб кетди:

— Эй, оғайнилар! Қаранглар, машина келяпти! Турсанглар-чи, машина келяпти!

У бақариб-чақариб ўйинга тушар, қўлларини ёзиб сакрар, чапак чалиб, янгиликни овоза қиларди.

Шовқин-сурондан ҳаммалари туриб кетишди. Бир

зум довдираб, кейин нима гаплигига тушуниб, улар ҳам бақириб-чақириб, хурсандчиликларини ичларига сиғдира олмай, бир-бирларини қучоқлаб ўпишга, табриклашга тушиб кетишди:

— Ҳақиқат бор экан-ку, а? Бор экан-ку?!

— Қутулдикми, а? Ростдан қутулдикми?!

— Шу кунларгача ҳам етарканмиз-ку! Етарканмиз-ку...

Ойнасида нур ялт-юлт ўйнаб, ўзи қора қўнғиздай ўрмалаётган машина нақ шу томонга келар, бунга сари уларнинг боши кўкка етиб хурсанд бўлишар, кўзларидан севинч ёшлари тирқираб оқиб, бир-бирларини қучоқлаб ўпишдан чарчамас эдилар.

Шу вақт бирдан машина ойнасида ўйнаётган нур ўчди-ю, у орқасидаги чангини илаштириб, энди бошқа томонга кета бошлади.

Ҳаммалари ҳайратланиб, турган жойларида қотиб қолишди.

— Бу қанақаси бўлди? У қаёққа кетяпти? Нима бало, кўрмаяптими? — ҳаммадан бурун шовқин солган домлани ваҳима босди.— Кетиб қолади шекилли... Эй-й-й! Қаёққа?! Тўхта, тўхта дейман! — Домла қўл силкиб, беихтиёр ўша томонга югурди.

Лекин ҳеч қанча юрмай, оёқлари чалишиб йиқилиб, умбалоқ ошиб кетди. Ичларигача қум кириб, зўрға ўрnidан туриб ўтираркан, Отамуродни шоширди:

— Сиз югурсангиз-чи! Кетиб қолмасидан қайтарсангиз-чи! Чопинг...

— Ҳе-ҳей! Шошма! — Отамурод қўл силкиганича чопа кетди.

— Аҳмаджон ака билан Собир келишяпти, улар келишяпти! Халоскорларимиз келишяпти! — Зулхумор ҳам унинг орқасидан югура кетди. Лекин машинадагилар қани энди эшитса! Қани энди қўл силкишларини кўрса! Тўхтамай кетиб боряпти. Улар ҳолдан тойиб, ҳафсалалари пир бўлиб, ниҳоят тўхтаб қолишди. Бақириб-чақириб бефойдалигини тушуниб туришибди-ю машинадан кўзларини узишолмайди.

Шу вақт машина бирдан тўхтаб, орқасидан кўтарилган чанг-тўзон ичида қолиб кетди.

— Тўхтади! Кўрди шекилли, тўхтади! — дея ҳовлиқди орқадан домла.

— Кўрса буриларди. Бурилмаяпти,— деди Отамурод ундан кўзини узмай.

— Машина овозини ўчириб, қулоқ солишадиган бўл-

са-чи! — Зулхумор энди бақириб-чақирсак-чи, дегандеги Отамуродга қаради.

— Тепароққа чиқинглар! Анави барханга чиқинглар-чи, зора кўришса,— домла ўтирган ерида уларга маслаҳат берар, ўзи югуришга ҳоли келмай ҳаллослар эди.

— Йўқ, шошманг,— Отамурод шарт орқасига бурилди-ю, ҳаммани ҳайрон қолдириб, чайла томонга чошиб кетди. Бора солиб, ундан катта бир таёқни суғуриб олди-да, йўл-йўлакай унга бўш қопчиқни илиб, катта бархан устига чошиб чиқиб кетди.

Кейин уни осмонга кўтариб, гир айлантириб силкишга, ўзи биз бу ёқдамиз, дея бақиришга тушди.

Шу пайт кутилмаган мўъжиза рўй берди, машинага яна жон кириб, орқасидан чанг кўтарилди. Яна ойнасида офтоб нури кўзни қамаштиргудек ялтираб, шу томонга кела бошлади. Отамурод хурсанд бўлиб, қийқириб юборди:

— Энди кўришди! Қаранг, домла, кўришди! Ростдан келишяпти!

Улар бараварига ўша томонга отилишди.

Халоскор машина кеча Отамурод келган ёқдан, Туятепа қудуғи томондан келар эди.

## 2

Боя чумчуқдек бўлиб кўринган машина, яқинлашиб келиб, қўтосдек баҳайбат МАЗ бўлиб чиқди. У ўшқириб-пишқириб, орқасидан бир олам чанг-тўзон кўтариб келиб, вағиллаган овози чўлни ларзага солиб, силкиниб тўхтади.

Кабина эшиклари очилиб, икки киши икки томондан сакраб тушди.

— Салом, жўлдаслар! Омонмисизлар! — дея шофёр йигит қўлларини кўтариб саломлашди. Унинг қорақалпоқ шериги бўлса, Отамуродга қараб оғзи қулоғига етиб, қучоқ очиб кела бошлади:

— Омадларинг борақан, ошна, Туятепа ёнидан ўтиб қоламизми?! Қумдаги ёзувни кўрдигу қўтосди бу ёққа бурдик. Тўрт кундан бери қидирамиз-а? Чинкда қолган шерикларингиз хабар берганидан бери қидирамиз! Ҳали бошқалар ҳаммаёқда чўлни ғалвир қилиб қидириб ётишибди. — У Отамуродни яқин дўстларидай қучоқлаб олиб, даст кўтариб, бир айлантирди-да, ерга қўйиб, қўл олишиб кўришаркан, сўзамоллик билан саволга тута

кетди: — Шундан шу ёққа — Туятепага бориб келган азамат ким? Қай бирларинг, а? Кўрсак бўладими ўша шоввозни?..

Отамурод ийманиб, қимтинди. Сўзамол йигитни гап билан алаҳситмоқчи бўлган эди, у ҳам бўш келмади:

— Узингга ўхшайсан-а, мени чалғитма. Топдимми? — у бир чеккада гул-гул очилиб, ҳорғин кулиб турган Зулхуморга қаради.

Зулхумор тасдиқлаб бош силкиди.

— Узим ҳам сен бўлсанг керак девдим-а! — Сўзамол йигит Отамуроднинг елкасига қоқиб, яна белидан қучоқлаб, даст кўтариб ерга қўйди.— Чин гап, Алпомиш экансан. Шунча жойга бориб келибсан-а! Қойил!

Бу вақт қозоқ шофёр йигит ҳамма билан бирма-бир қучоқлашиб кўришиб чиқар, уларни топганидан, адашганларга ёрдами тегаётанидан боши осмонда, бир гапириб, ўн кулар эди.

Нихоят кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлишгач:

— Ҳамма жамулжамми? Кетдикми? — деди сўзамол йигит. У ўзбеклашиб кетган қорақалпоқларга ўхшарди. Тили сал кетиб қоларди, холос.

— Мингдан-минг раҳмат сизларга. Яхшиликларингизни қайтарайлик,— деди домла кўнгли тўлиб келиб.

— Бир умр унутмаймиз,— деди Зулхумор миннатдорчилик билан.

— Ҳай-ҳай. Жа ошириб юбординглар-ку! Биз нима қипмиз! Бизнинг ўрнимизда ҳамма ҳам...— дея қимтинди сўзамол йигит.

— Қани энди ҳамма ҳам шундай бўлса, шундай ўйласа,— Отамурод чуқур тин олди. Кейин бирдан ниманидир эслаб, домлага қаради.— Шошманглар, улар-чи? Улар нима бўлади? Уларни топмай кетаверамизми?

— Уларинг ким?... Бир кишими ё кўпчиликми? — деди қорақалпоқ йигит сирлироқ қилиб.

Ҳаммалари ерга қарашди. Бўлган воқеани айтишга ҳеч кимнинг тили бормасди.

— Шерикларингдан биттаси тепада — машинада. Йўлдан топиб олволганмиз,— деди шофёр йигит.

— Ростдан-а? — деди Зулхумор ҳайратга тушиб.— Қим экан?

— Улар икки киши эди-ку,— деб юборди Отамурод.

— Кимни топишибди экан? Қаранг-чи, Отамурод,— деди домла ҳовлиқиб.

— Яна биттаси бормиди? У ҳеч нима демади-ку,—

шофёр йигитлар ташвишга тушиб қолишди. Отамурод устига брезент тортилган машина орқасига ўтиб, тепага кўтарилди-ю, кўзини чирт юмиб юзини четга ўгириб ётган одамни кўриб, дарҳол таниди. Таниди-ю энсаси қотиб, четга қаради. Яна ниманидир ўйлаб, оёғини ошириб машина устига чиқди. Ортиқнинг тепасига бориб, бўғиқ овозда, қатъий сўради:

— Султонов қани? Айтинг, қаерда қолган?

Ортиқ ҳатто юзини ўгириб қарашга ботина олмади. Ётган ерида:

— Чинкда қолган, чинкда... — деди секин.

— Нега қолади? Унга нима бўлган? — тишини-тишига қўйиб сўради Отамурод.

— Икки кун бўлди, жардан йиқилиб... оёғи синганига.

— Шундан кейин ҳам ташлаб кетдингми, номард?!— бақириб юборди Отамурод.

Лекин Ортиқ ғиқ эта олмади. У ўша-ўша юзини четга ўгириб ётарди... Отамурод чидаб туролмай қаттиқ сўкинди:

— Аблаҳ экансан, билдингми?! Тур ўрнингдан!.. Йўл бошлайсан, Кўрсатасан, қаерда қолганини! Кўрсатмагин-чи! Топмагин-чи уни!...

Ортиқ мадори келмаса ҳам зўрга туриб ўтирди. Шунга ҳам боши айланиб, кўзи тинди шекилли, беҳол машина бортига суялди.

— Озгина сув беринглар,— дея пичирлаб тамшанди.

— Сувмиш!..— Отамурод ўзини боса олмасди.— Сендақаларга сув ҳам ҳайф!

У аччиқ устида шундай деб қўйди-ю яна раҳми келиб, пастга қаради. Машина орқасига ўтган шофёр:

— Сувми, ҳозир,— деди-да, ёнидан алюмин сувдонини олиб узатди...

Чорак соатлардан кейин кабинада Ортиқ ўзини зўрга тутиб ўтирар, шофёрга йўл кўрсатиб борар, бошқалар машина тепасига чиқиб олишган, улар Сарикамиш чинки ёқалаб, Султонов якка ўзи қолган жойга қараб борншар эди.

Улар ўша, Ортиққа таниш тик жар ёнига боришганида:

— Шу ерда,— дея олди Ортиқ ердан кўзларини уза олмай.

Йигитлар шошиб сакраб ерга тушишди-ю орадан ҳеч қанча ўтмай бўшашиб, юзлари қорайиб, бир-бирларига қарай олмай қайтиб келишди.



Ортиқ ўша томонга қараб сесканиб кетди. Тик жар ёнида ўзи териб келтирган бир қучоқ ўтин боғи ўшандагидек турар, атрофида эса қонга бўялган латта-лутталар бетартиб сочилиб ётарди. Ортиқ даҳшатга тушиб, беихтиёр қўллари билан юзини тўсиб олди.

Шофёр Отамуроднинг олдига бориб, кўнгил сўраган бўлди:

— Иложимиз қанча, пешонаси экан,— дея унга бир варақ қоғоз узатди. — Топганимиз шу бўлди. Тош остига бостириглик экан.

Отамурод қоғозни қўлига олиб ўқиркан, сесканиб кетди. Қулоқлари остида Султоновнинг овози жаранглаб кетгандай бўлди:

— «Ўша баттолга эргашмасам нима қиларкан?! Шу кунга тушмасмидим! Минг лаънат унга!»

— Эгасига беринг! Уқисин!!! — деди Отамурод қаҳр-ғазаб билан Ортиқ томонга қараб.

У ҳамон юзи куйган одамдай қўллари билан юзини тўсиб ўтирар, ҳеч ким тугул, ҳеч ёққа қарай олмасди.

### 3

Зулхумор қалдирғочларнинг эрталабки вижир-вижиридан уйғониб кетди. Тонг отиб, кун чиқиб келар, ҳовлидаги сўри ёғочига ўтириб олган қалдирғоч ҳеч эринмай валфажрини ўқир, бошқаси эса, дераза ойнасининг кафтдеккина синигидан бўзчининг моксисидай қатнаб турар, ҳар келганда шифтнинг бир бурчагидагинида чагир-чуғур авжига чиқар эди. Қиз ўзини бир зум қишлоқдаги уйида ётгандай ҳис этиб, вужуди эриб келди, эркаланиб оёқ-қўлларини узатди. Лекин оқ чойшаблар тўшалган каравот қанчалар хуш ёқмасин, оёқлари ҳамон зириллар, ўзи янги турган касалдай ҳолсиз эди.

У ёнбошига ағдарилиб, ёнидаги бўш каравотларни кўрди-ю кеча уларни вақтинча қишлоқ касалхонасига жойлаштиришганини, якка ўзи бир палатада, шериклари қўшни хонада эканини эслади. Уларнинг олдига чиққиси, шу бир ҳафта ичида туғишганидан ҳам қадрдон бўлиб кетган кишиларни кўргиси келиб, ўрнидан турди-ю, лекин юришга мажоли келмай, оёқларини осилтириб каравотга ўтириб қолди. Хона деворлари, шифти, атрофдаги жамики нарсалар гир айланиб, ўзи каравот темирини маҳкам ушлаб, кўзларини юмиб олди. Кўз олдидан ўзлари не машаққат билан пиёда-яёв ўтган шувоқзорлар, бир-бирига мингашиб кетган барханлик-

қумликлар, саксовулзору юлғунзорлар бир-бир ясов тортиб ўтиб, юраги орқасига тортиб кетди. Уларни қайта эшлашга юраги чидамай, кўзларини катта-катта очиб юборди.

Худди шу тонда эшик очилиб, остонада Собир кўринди. У билан баробар тўғридаги ойнадан коридор орқали ярқ этиб қуёш тушиб, қизнинг кўзлари қамашиб кетди. У офтобдан ҳеч нарсани кўрмаётган бўлса-да:

— Собир ака! — дея ўрнидан даст туриб кетди-ю, қаршисида бир олам соғинч, интизорлик билан тўхтаб қолди. Йигит ҳам шу алпозда унинг қаршисида қотиб турар, минг ўлимдан қолиб, Борса келмасдан қайтиб келган қизнинг сиқиб ташлаган анор пўстидай юзлари, чўл офтобиди қорачиқлари қизариб кетган кўзлари, чатнаб-ёрилиб кетган лабларидан кўз узолмас, у тортган машаққатларни ўйлаган сари кўнгли тўлиб келиб, ўзини зўрға босиб турар эди.

Қиз ҳам шунини сезди-ю чидаб туролмай:

— Бормисиз? Қаёқларда юрасиз? — деганча бир талпиниб, ўзини унинг қучоғига ташлади, кўксига бош қўйиб, хўнграб йиғлаб юборди.

Собир унинг боши, сочлари, пешонасини силаб юпартаркан, ўзи ҳам чидай олмай, юзини унинг юзларига суйкади. Лабларининг четидан шўртанг томчилар сизиб кирди. Бу қизнинг кўзёшларими, ўзиникими билиб бўлмас эди. Улар эшикдан тушаётган қуёш сели ўртасида иккиси бир кишидек тонгги зарҳал нурга бурканиб туришар, иккиси ҳам ҳиқ-ҳиқ йиғлар эди.

\* \* \*

Худди шу пайт нариги хонага Аҳмаджон ака отилиб кирдию палата ичи бирпасда олағовур бўлиб кетди. Уни домла билан Отамурод бири олиб, бири қўйиб қучоқлаша кетди. Ким пешонасидан, ким юзидан чўлп-чўлп ўпади. Отамурод эса ҳадеб уни даст кўтариб, гир айлантирмоқчи бўлади. Домла елкасига қоқиб, бошини силаб, раҳмат айтади, иккиси ҳам миннатдорчилигини айтиб адо қила олмайди. Халоскоримиз, дея қайта-қайта қучишади.

Фақат Ортиқ уларга қўшила олмай, ўз каравотида сўппайиб ўтирибди.

Ҳеч нарсадан беҳабар Аҳмаджон ака бўлса атрофга аланглаб:

— Шошманглар, Султонов қани? Қаерда, бошқа хонадами? — деб қолди тўсатдан.

Ҳеч ким ҳеч нарса деёлмай, ҳамма ерга қаради. Хонага оғир жимлик чўкди. Аҳмаджон аканинг ўзи ўн-ғайсизланиб, атрофга жавдиради. Кейин бирдан кўзи Ортиққа тушиб:

— Ия, Ортиқ шу ерда экан-ку, кўрмаганимни қаранглар,— дея унга қараб юра бошлади. Лекин Ортиқ ҳеч кутилмаганда унга ўқрайиб қараб жеркиб ташлади:

— Нима, сенингча, мен ҳам ўша ёқларда қолиб кетишим керакмиди?! Ҳаммасига сен ландавурлар айбдорсанлар! Катта ерга вақтида хабар қилсаларинг ўлармидиларинг!

Ҳамма Ортиққа ялт этиб қараб, ҳайрон қолди. Унинг кўзларига қон қуйилиб, шундай совуқ ялтирардики, беихтиёр бўри кўзларига ўхшаб кетарди.

У бирдан ҳамма ўзига тикилиб қолганини кўриб, баттар тутатди:

— Ҳа?! Улиб кетсам, тузукмиди сенларга?! Бекор айтибсанлар! Ҳамманинг ҳам яшагиси келади!

Ҳеч ким ҳеч нарса демади. Лекин ҳамма унга: «Сендекми?! Сендек яшагандан кўра...» — дегандай қараб турар эди.

У чидамай, юз ўгириб олди.

Афтидан, ҳозир уларни кўришни ҳам, билишни ҳам истамас эди. Ётти ёт бегонага ўхшар эди у шу топда.

## УМР ЧОРРАҲАЛАРИ

### 1

Кўпдан бир нарса мени қийнаб келади. Қаттиқ хижолат тортиб юраман. Бировга айтишга истиҳола қиламан. Ийманаман. Балки бунинг ҳожати йўқдир. Лекин нима қилай, шулар кўнглимга ўтирмаса, юрагимни хижил қилиб, эзилиб юрсам... Топиб олишгани мен. Кенгашма-кенгаш юрадиган ҳам мен. Мухбиру ёзувчиларга рўпара бўладиган ҳам, ҳар йили мукофотландиган ҳам мен. Ой чиқса ҳам менга, кун чиқса ҳам менга.

Лекин шунча ҳурмат, шунча иззат, шунча эҳтиромга лойиқ бошқа бир киши бор. У одам қилган ишлар олдида... эҳ-ҳе, биз нима қилибмиз?! Икки юз тонна пахта терсам, қўлда терибманми, машинани ишлатганман. Яна кетимда неча киши овсра. Бунинг нимаси қаҳрамонлик?! Таним соғ, бир қишлоқ йигитчилик кучим бўлса. Оёғимни сал бука олмаганимми? Нима бўпти?! Унинг иккала оёғи ҳам йўқ. Лекин трактор миниб ер ҳайдаган, чигит эккан. Умри тракторчинг кетида ўт-япти.

Миндонда биринчи мен Меҳнат Қаҳрамони бўлдим. Лекин бу унвон шу одамга лозим эди. Учга ярашарди. Мухбиру ёзувчилар шу одамни ёзишса, олами танитишса арзирди. Афсуски, бизда бирор каттанинг назари тушмагунча ҳеч киммассан, тушдими, сендан зўри йўқ. Аслида эса... келинг, яхшиси бир бошдан бошлай қолай...

### 2

Кўплар мени Мўминжоннинг туғишган укаси деб юришади. Лекин ўттиз йил аввалги воқеадан улар батамом беҳабар-да, беҳабар...

... Кўзимни очиб ўзимни юзи тиртиқ, шоп мўйловли бир кишининг тиззасида кўрдим. У қалампир нусха дўпписи устидан пешонасини шоҳи қийиқ билан танғиган. Эғнида қора лас чопон. Ёғи чиқиб кетганидан ялт-ялт қилади. Тагидаги саман от қишлоқ кўчасидан тўшига тупроқ сачратиб йўртиб боряпти. Шамолда тўкилган ўриклар тупроққа қоришиб ётибди. Гувалак деворда парт-пурт тепишаётган икки мусича икки томонга учиб кетди. Сўри ёғочида туриб олиб, вижирлаётган қалдирғоч жимиб қолди. Деворга учиб чиққан товуқ яна қақалаб, ўзини пастга отди. Қаердадир бузоқ маъради.

Шоп мўйловли киши отининг жиловини тортди.

— Бўлар энди! Қалла пишгандир.

У жеркиб гапирарди. Кейин бир қўлимдан ушлаб кўтарганича елкасидан ошираркан, буюрди:

— Опич!

Оёғим эгарга тегиб-тегмай бўйнига осилиб қолдим...

Соқоли қўлимга игнадай ботиб, ғашим келади. Саман лўкиллагани сари қўлим толиб, бўшашиб-бўшашиб кетади. Жонҳолатда унинг чопонидан тишлаб оламан. Лой аралашган кўртдай тахир. Бўйнига маҳкамроқ ёпишиб, бошимни четга бураман.

Кўзимга кум тўла бошлади. Орқамга шапати келиб тушди:

— Ухлама!

Саман ҳуркиб кетиб, кўтариб ташлади. Тилимни тишлаб олдим. Шу пайт думи, қулоқлари қирқилган айиқ башара ит отни қувиб қолди. Саман суриб кетди. Кўрққанимдан оғриқни ҳам, йиғини ҳам унутдим...

Қуёш терак бўйига келганда бир гузарга кириб келдик. Шоп мўйлов отининг бошини четга буриб, жиловини тортди. Бир қўлимдан ушлаб кўтарганича ёнига олди-да, энгашиб ерга қўйди. Қўлим қайрилиб гандираклаб кетдим. Саманнинг кўзлари косасидан чиқиб, ҳуркиб орқага тисарилди. Шоп мўйлов оёғини эгар устидан ошириб, ўзини ерга олди. Кейин отини етаклаб, гузар айлана бошлади. Мен ҳар нарсага анқайиб орқада қолиб кетаман. У жаҳли чиқиб, ўқрайиб қўяди. Чопиб етиб оламан.

У новвой чол олдида тўхтади. Чолга тикилиб туриб, саватидан танламай битта зоғора нон олди. Ушатиб ярмини менга узатди.

— Олиб қолмайсизми? — деди унга.

— А? Лаббай?.. — чақа санаётган чол бошини кўтариб, қулоғини тутди.— Болакайними? — Менга қаради. Ачиниб бош чайқади.— Узимда ҳам шунақа жужуқдан олтитаси бор, иним...

Шоп мўйлов индамай нари кетди. Аттор чоллар олдида бир-бир тўхтаб, бояги гапини такрорлади. Борган сари унинг пинжига тиқиламан. Лекин, қолмайман, дейишга чўчийман. Соқоллари кўксига тушган, қора этлари суякларига ёпишиб, қўллари илдизга ўхшаб қолган чоллар оғир-оғир бош чайқашади:

— Қандай қилайлик, бўтам...

Юзи тиртиқ шоп мўйловнинг қоши уча бошлади. Сўкинди. Мени оёғининг тагидан нари итарди. Отни етаклаб, шахдам юриб кетди. Бир четга чиқиб, мени ҳам кутмай, узангига оёғини қўйиб, эгарга кўтарилди. Чопонининг барини тақимига бостира туриб, орқасига ўгирилиб мени қидирди. Мен унинг ташлаб кетишидан қўрқиб, қайси томонидан боришни билмай гирдиқапалак бўлардим. Энгашиб бир қўлимдан кўтариб, опичиб олди. От йўртиб кетди. Яна унинг бўйнига осилиб олдим.

Отни тупроқ билқиллаб ётган дала йўлига буриб қамчи босди. Саман учиб кетди.

Оёғим эгарга тегмай чайқаламан. Бўйнига жон-жаҳдим билан ёпишаман. Соқоли қўлимга игнадай ботади. Чопонидан шиптир ҳиди анқийди. Бошимни четга бураман. Қўлим бўшашиб-бўшашиб кетади. Йиғламоқдан бери бўламан.

Кўча четларида худди афсонавий кўк қушларнинг тўкилиб, ерга тик санчилиб қолган патларидай тераклар кўринганда у отининг жilовини тортди. Саман лўкиллаб бориб қадамини секинлатди. Ўзига-ўзи буралиб-чийралиб ўсган, экилгандан бери кесилмай, поялари йўғон тортиб, бутоқларга айланган қари қора тол тагига келганда отнинг жilовини қаттиқроқ тортиб тўхтатди. От норози бўлиб, кескин бош силкиди.

У ўзини бир ёнга сал ташлаб, кутилмаганда мени орқасидан тиззасига олди. Пешонамдан ўпиб, кўзларимга тикилди. Кўзларининг қорачиғи кичрайиб кетди. Яна ўпди. Дўппимни тўғрилаб қўйди. Кейин қўлтиғимдан даст кўтариб ёнига энгашди. Ерга қўяр-қўймас отига «чў» деди. Нарироққа бориб, унга қамчи босди. Саман пишқириб, аввал йўртиб, кейин чопиб кетди. Нима бўлганига бир зум тушуна олмай туриб қолдим. Кейин унинг узоқлашиб кетаётганини кўриб, дод солганча энгашиб чоп-

дим. Оёқларим чалишиб йиқилдим. Бошдан-оёқ тупроққа беландим. Яна туриб чопдим. Ета олмаслигимга кўзим етиб, кўчанинг ўртасида депсиниб чирқирашга тушдим. Кейин ўзимни тупроққа ташладим. Думалаб-думалаб йиғлай бошладим. Кўп йиғладим. Овозим чиқмай қолгунча йиғладим. Лекин юзи тиртиқ, шоп мўйловли киши қайтиб келмади...

Мўминжон акамни биринчи марта шунда кўрдим. Кўчанинг ўртасида, тупроққа беланиб ётганча, кўзёшларим орасидан кўрдим. Туташқош бир бола тепамда энгашиб турар, мени кўтариб турғизмоқчи бўларди. Худди ҳалиги тиртиқ юзли киши қайтиб келадигандек қаршилиқ қилиб типирчилайман. Кўтариб турғизганида яна ўтириб оламан. Йиғидан тўхтамайман. Охири у овутиб, кийимларимнинг чангини қоқиб, қари қора тол тўғрисидаги эшикка етаклади. Уйма гулли эшпк олдига келганда, қорнида дўппининг оғзидек тешиги бор тутга тирмашиб, яна дод солдим. Туташқош бола ўз ҳолимга қўйиб берди. От туёғининг тақа-туқини эшитмоқчи бўлиб йиғимни ютдим.

— Кимнинг боласини йиғлатаяпсан-а, Мўминжон? — Остонада бурнининг ёнидан олча данагидай ортиқ ўсиб чиққан хотин кўринди.

— Менамас, ўзи. Чиқсам кўчанинг ўртасида чирқираб йиғлаб ётибди. Дўпписининг ичида манави ётган экан. — У буклоғлиқ қоғоз узатди.

Онаси хатга узоқ тикилиб қолди...

### 3

Тақдир бизни бошқа учраштиради. Юзи тиртиқ, шоп мўйловли кишини қайтиб кўрмадим.

Раҳматли бувимнинг айтишларича, у менинг халоскорим экан. Анча йилдан кейингина у қолдирган хатнинг мазмунидан хабар топдим. «Босмачи эрдим. Бунинг отаси ҳам биз билан эрди. Қочган эрди. Уз уйда тутиб олиб, чопиб ташладилар. Бувисини укалари билан ўтга ташладилар. Ибрат бўлсин деб. Пешонамдан кўрдим, деб бунинг олиб қочдим. Йўлим олис. Қарғаманг ташлаб кетганимга. Худонинг ўзи кечиргай. Илоҳим боши тошдан бўлсин...» Бошқа ҳеч нарса демабди. Ўзининг кимлигию бу воқеа қаерда бўлганини ёзмабди. Унинг тақдири нима бўлган — босмачилар қўлига тушганми-йўқми, қишлоғига етиб олганми, олмаганми — бу ҳақда ҳеч нарса билмайман...

Йўлдош тоға айтгандай, мен шумқадам эканманми ё қадамим бу уйга яхши келмадими, ўша йили кузда бошимизга қора кун тушди.

Ғўзапоя юлгани чиққандик. Уфқда анордай қизариб турган офтоб каттакон булут орқасига чўкиб кетди изғирин турди. Моллар ҳам ўтга қарамай қўйди. Одамлар кетиш тараддудига тушиб қолишди. Шу пайт бир бола кўчадан аравага қўшиладиган тўриқ отни лўкиллади, чоптириб кела бошлади. У отни тинмай қамчилаб, жиловини силкиларди. Лекин қани энди от жонивор қадамини тезлатса, ўша-ўша лўкиллаши...

У атрофга аланглаб, кўзлари билан кимнидир қидирди. Акамни кўриб, отнинг бошини биз томон бурди. Кела солиб, ўзини ерга отди. Анқайиб турган акамга отнинг жиловини тутқазди.

— Кетмонни ташла! Отга мин, отга! Тегирмонбошига чоп! Бўлмайсанми?!

Акам тўриққа минишга миниб олди-ю, яна сўради:

— Нимага, ахир? Айта қолмайсанми?

— Амакимлани...— бола у ёғини айта олмади. Юзини четга бурди. Кўзида ёш айланди.—...ўласи қилиб... ташлаб кетишибди.

Акам қичқириб юборди:

— А? Дада-а!!

Отга устма-уст қамчи босди. Тўриқ хуркиб кетганданми, жон-жаҳди билан чопиб кетди. Болани одамлар ўраб олишди. Ғала-ғовур кўтарилди.

— Кимни дединг?..

— Кимлар?..

— Қачон?..

— Акбар полвонлар?..

— Чоҳ қазиб-а?

— Вой, ит эмганлар!..

— Худодан қўрқмаганини қаранг-а!

Ҳамма тегирмонбошига қараб чопди. Бувим энг олдинда сочлари тўзғиб, қоқиниб-туртиниб югуриб борардилар. Қўрқиб кетганимдан бақириб йиғлаб юбордим...

Дадамиз қуюқ қора қош, мўйлов қўйган, юзларию кўкраклари, билаклари хурмодай қорайган қотма одам эдилар. Қишлоқдаги биттаю битта тракторни Абдусмад амаки билан галма-галдан минишарди. Улар трактор нималгини, колхоз нималигини одамлар кўриб қўйсин, деб якка хўжаликларнинг ҳам ерини ҳайдаб беришарди. Шунда ҳам кўплар улар билан бирга ўтиришмас, бир



пиёладан чой ичишмас, тўйларда уларнинг қўли теккан чойнак, пиёла, товоқни кейин синдириб ташлашарди. Уларни шайтоннинг мардикорлари деб аташарди.

Намозшомда чалажон дадамизни аравада эшикка келтиришди. Тегирмонбошида нима бўлганини шундагина билдим. Тушдан кейин уларнинг олдига қишлоқ сўфисининг ўғли Акбар полвон келиб:

— Худо хайрингни берсин. Қўриқдаги еримни ҳайдаб бергин,— деб ялинибди.

— Полвон, Сиз эмасидингиз, анави куни сулайиб, чўзилиб қолсамам еримни кетмонда ағдараман, ҳаром қилмайман, деган, — деб ҳазиллашибдилар дадамиз.

— Ҳа, энди... қарасам бўлмади,— дея полвон чайналибди.

У тилёғламалик қилган экан. Қўриқдаги ерида чоҳ қазиб устига бўйра, тупроқ ташлаб қўйган экан. Бешолти киши сўйил кўтариб, беркиниб ётган экан. Трактор чоҳга тушиб кетиши билан устига бостириб келишибди.

Саҳаргача чироқ ёқиб тепаларида ўтириб чиқдик. Мен акам билан ухлаб қолган эканмиз. Абдусамад амакига: «Кўзим очиқлигида Мўмин бир ҳунарнинг бошини тутмади. Ёнимга олсам дегандим. Насиб этмади. Энди ўзинг ўргат. Умри борича минсин!» деб васият қилибдилар. Саҳарда бувимнинг уввос солиб йиғлашидан уйғониб кетдик...

Таъзияга шундай кўп одам келдики, илгари отамизга:

— Бир кун эмас, бир кун вақти-соатинг етиб, қазо қилсанг, ўлимингга ҳеч ким келмайди. Шу ўтомоч мишинингни ташла, — деб юрадиган Йўлдош тоғамиз ёқасини ушлаб қолди...

#### 4

Дадамизнинг қирқи кунидан бери ёғаётган лайлак қор ерда тизза бўйи бўлиб қолган. Акам томда қор курар, мен бўйнимгача сандалнинг ичига тиқилиб олиб, шифтдан келаётган курак овозига қулоқ тутиб ётардим. Бувим деразанинг олдида ўтириб, тиззасининг кўзи тилиб кетган шимимга ямоқ солардилар.

Зинада ётган бўйни оқ итимиз бирдан вовуллаб ташқарига югурдию кўча эшик ҳам тақиллади. Абдусамад

амаки келган экан. Бувимиз елиб-югуриб кўрпача солдилар, дастурхон тузадилар. Уртадаги девор бузилиб очилган йўлдан Йўлдош тоғамизни чақириб чиқдик.

Абдусамад амаки анчадан кейингина дадамизнинг ва-сиятидан огиз очди. Бунгача бувим иккиси уни эслаб, кўёши қилиб олишди. Йўлдош тоғамиз эса дастурхондан бош кўтармай:

— Шунақа. Одам боласи гумроҳ-да, гумроҳ, ўзига ўзи қилади. Бўлмаса печа марта айтдим, шу ўтомочингни ташла деб,— дея мингилларди.

Акам ёнимда қовоғини солиб, қалин туташ қошларини чимириб, эшикдан ташқарига қараб ўтирарди. У анчагача ҳам чурқ этмади. Фақат Йўлдош тоғамизнинг:

— Расулқори ўтомочмини нима бўлди?! Узинг нима малик бўлдинг?! Энди Мўмин ўрганиб нима бўларди?! Бу дунёдан кўз юмиб кетаётган одам жон аччиғида айтса-айтгандир-да!— дегани қаттиқ ботди.

Унинг кўзлари чақнаб кетди.

— Урганадиган бўлсам сиздан сўрамайман!

— Бунга бувинг ҳам розимас. Сен тек туравер! — Йўлдош тоға акамни босиб қўймоқчи бўлди.

Акам ўрнидан туриб кетди.

— Нима бўлса, тек ўтир, тек ўтир! Қачондан бизни тергайдиган бўб қолдингиз?

Бувим туриб акамни қўлларидан тутиб, ўтқазиб қўйди.

— Вой, болам, эсингни едингми, одам ўзидан катта-гаям шунақа дейдими?!

Йўлдош тоғамиз аразлаган бўлди:

— Даданг ўрнида кўрарсан десам...— у оғир қўз-ғолди.

Акам баттар тутақди:

— Бари бир бу уйнинг каттаси бўла олмайсиз!

Йўлдош тоғамиз ўгирилиб бир нарса демоқчи бўлди-ю яна индамади. Қўл силтаб ҳовлига тушиб кетди. Уйга жимлик чўкди. Бувим чой қуятуриб:

— Бунақа қилингни ташла. Яхшимас. Уят бўлади,— деб уришиб бердилар.— Тоғанг тўғри айтди.

— Буви!

— Йўқ, дедим, йўқ! Сен ҳам туққан бувингни гапига кир! Утомоч дейсан! Отанг-ку, шуни деб... ажалидан беш кун бурун ўлиб кетди. Энди куйдирмаган сен қолувдингми! — Бувим танча кўрпага юзларини босиб жим қолди.

Акам ўрнидан туриб, ҳовлига тушиб кетди.

Абдусамад амаки беш-олти келди-ёв. Охири бувим унинг юзидан ўта олмай, розилик бердилар. Акам у кишига шогирд тушиб кетди. Кейин, орадан тўрт-беш йил ўтиб, суюниб қолгандик. Акам яхши ишлаб, яхши топарди. Лекин уни қарангки, роҳатини кўриш бувимга насиб этмаган экан. Акамнинг тўйини ҳам кўрмай дунёдан кўз юмдилар.

Шундан кейин акам жуда камгап бўлиб қолди. Энди илгаригидек Йўлдош тоғамизга гап қайтармас, тақдирга тан бериб, топганини унга олиб келиб тутқазарди. Бувимизнинг васиятидан чиқмасди. У: «Тоғаннинг измидан чиқмагин, болам», деб васият қилганмиш.

Бувимизнинг маъракаларини Йўлдош тоғамиз ўзи бош бўлиб ўтказди-ю тили яна ҳам узун бўлди-қолди. Қишлоқда:

«Кўз тегмасин. Худо инсоф берса ҳеч гап эмаскан, Йўлдош қурумсоқ ҳам одам бўлиб қолибди-я»,— деган гап чиқди.

Бундан оғзи қулоғига етган тоғамиз яна ҳам «сахий»лиги тутиб кетиб, акамга Мунира деган тантиқ қизини ўзи тўй қилиб берди. Акам ҳеч нарса демади. Лекин бундан кейин ҳам тоғамиз уйнинг каттаси бўлиб қолса, унинг измидан чиқмасак, қандай яшаб кетишимизни хаёл қила олмасдик.

Аmmo бу орада уруш бошланиб қолдию акам аскарликка жўнаворди.

## 5

У кетдию асрандилигим билинди-қолди. Шунча туриб сезмагандим. Ўз уйимдаман, туғишганларим биланман, деб юрардим. Ёмон бўларкан, етти ётлар орасида. Утирсам ўпоқман, турсам сўпоқ. Ун тўрт ёшимда ўқишни ҳам ташладим. Бу уйдан бошим оққан томонга қочиб кетмоқчи ҳам бўлдим. Лекин жуда қадрдон бўлиб қолган уйни ташлаб кетишга кўзим қиймади. Акамнинг қайтишини зориқиб, йўлларига кўз тикиб кутардим. Ундан ўша кетганича икки ой хат-хабар бўлмади. Ҳар куни хат ташувчи амакининг йўлини тўсаман. Лекин қани энди келинбувим ҳам хавотирга тушса, кўз очиб кўрганидан нимага хат келмаётганини суриштирса...

Урикнинг довуччаси қинидан чиқди. Шафтоли қийғос гулга кирди. Ер устида булутлар сояси тентираб қолди. Осмондан турналар арғимчоқ солиб ўтди. Қалдир-

ғоч келганини кўрдим. Шу куни кечқурун келинбувим биринчи марта менга кулиб ширин гапирди. Қўлидан чой ичдим. Бирга ўтирдик.

Унинг қошидан ўсма, кафтидан хина аримас, қулоғидан зирак, қўлидан қўш узук, бўйнидан марварид шодаси тушмасди. Ўша вақтда расм бўлган саккиз тепки атлас кўйлагини эғнидан, ироқи дўпписини бошидан кўймасди. Икки куннинг бирида сочини ювиб, қирқ қокил қилиб ўрдирарди. Кечқурунлари:

— Бу ордона қолгур эшикда қисилиб кетдим. Қўш-ниларникига чиқиб, дўппи тикиб ўтириб келаман,— дердию ғойиб бўларди. Алламаҳалда қайтарди уйга.

Шу куни қўшнилариликка чиқмади. Олдимда дўпписини тикиб, гаплашиб ўтирди. Нуқул қизлардан гапирди. Нималарнидир ўсмоқчилаб сўради.

— Зокир аравакашнинг қизи бирам кўҳлик бўлибдики... Ёқтирасанми уни?..

— Ҳаким миробнинг қизини-чи? Ҳалитдан сочи тақимига тушади-я қурмағурнинг.

— Ё бошқа кўз остига олиб қўйганинг борми?.. Соци узунми? Қоши қанақа? Қайрилма қошми, қалам қошми?..

Нима ҳам дердим. Бу гаплар хушёқиб келаётган бўлса ҳам уялиб, индамай ўтирдим. Нима дейишни билмасдим. У хафа бўлди:

— Мунча яширмасанг...

— Бўлса дейман-да...

У ёқимли кулди. Мен гапни бошқа ёққа бурдим.

— Келинбуви, акамдан хат келмаяпти-ку.

— Айтганча, тунов куни келганди. Бериш эсимдан кўтарилибди. Уйдаги тоқчани қара-чи.

Қоронғида анча тимирскиландим. Топмадим.

— Чироқни олиб кета қол,— деди у.

Даҳлизга чиқиб лампани олдим. У мени зимдан кузатиб қараб қолди. Хат унинг номига экан-у, очмабди.

— Хат билмасам очиб нима қиламан,— деди.

Акам жангга кирганини, танк минаётганини ёзган, ҳаммага бирма-бир салом айтган эди. Келинбувим тикаётган дўпписидан кўзини олмай:

— Нима дептилар? — деди.

— Ҳеч нима. Салом айтибди,— деб қўяқолдим.

У кулди.

— Келинбувининг қадам олишини кузатиб юр демабдиларми? — дея бир қараб қўйди.

Менга бу ғалати туюлди. Бош чайқадим. У яна кул-

ди. Кейин савдогар куёви узоқ сафарга чиқиб кетган келинчакнинг бир йигитга кўнгил қўйгани, ўша билан кетгани ҳақидаги афсонани айтиб берди. Уни оқлади..

Мен тилдан қолиб уйқу қисиб, эснай бошладим. Туриб ўрнимни солишга тушгандим, у тўхтатди:

— Ҳар куни қўрқиб, ёмон тушлар кўриб чиқяпман. Уйда ётақол. Майлими?

У келин бўлиб тушгандан бери ичкари уйга кам кирардим. Бу гапидан ҳайрон бўлиб елкамни қисдим. У дўпписини йиғиштириб ўрнидан турди. Келин бўлиб тушганидан бери биринчи марта ўрин солиб берди. Яна қандай денг, кенг, қалин қилиб. Бувим раҳматли шунақа ўрин солиб берардилар.

...Шафтолизор ичи. Ҳаммаёқни шафтоли гули ҳиди тутган. Ҳаким миробнинг сочи тақимига тушадиган қизи борган сари пинжимга тиқилади. Бўйнимга осплади. Юзларимни силаб-сийпалайди.

— Мен сизни шундай яхши кўрардимки, шундай яхши кўрардимки... Илоҳим юлдузимиз тўғри келсин, сизга етишай деб юрардим. Мана, етишдим, ахир етишдим,— деб юзларимдан, пешонамдан ўпади, лабларини лабимга босади, ўзи кўксимга кириб кетгудек бўлади. Мен ҳам қўлимни белидан ўтказиб олдим. Ўзимга тортдим. Бу менга шунақа лаззат берардики, бунақасини тотиб кўрмагандим ҳали.

Лекин шу пайт у бирдан юзимни тишлаб олди. Уйғониб кетдим. Йўқ, бу тушим эмас, ўнгим эди. Мени Ҳаким миробнинг сочи тақимига тушадиган қизимас, келинбувим қучоқлаб ётар, юзларимдан, кўзларимдан ўпар, лабини лабимга босарди. Унинг қайноқ ҳам жуда силлиқ, жуда майин бадани менга ором берар, кўзларимни юмиб узоқ шундай ётгим келарди. Лекин бирдан хаёлимга акам келди-ю қўрқиб кетдим. Баданимдан муздек тер чиқди. Уни жон-жаҳдим билан итариб ташлаб, қучоғидан чиқдим устидан ҳатлаб ўтиб, даҳлизга отилдим. Эшик орқамдан қарс этиб ёпилди. Мен дир-дир қалтирардим...

...Тут пишиғи эди. Пешиндан кейини ҳовлида картошка чопиқ қилаётгандим. Мунира ишпечини кўтариб қаёққадир кетганди. Икки эшик наридаги қўшни табиб кампир:

— Ҳой, Едгоржон болам, шаттамисан? — деб кириб келди.

— Қелинг, момо. Ассалому алайкум.— Кетмонни ташлаб олдига чиқдим.

Тўқсондан ошиб қолган бу кампирни бутун қишлоқ бирдай ҳурмат қиларди. Бош эгиб, елкамни тутдим. Кампир елкамга қоқиб кўришди. Ерга чўнқайиб дуо қилди. Кенг феъл, катта давлат, узоқ умр тилади.

— Келинг, момо. Супага ўтинг. Кўрпача солай.

— Ҳечқиси йўқ, болам. Ундан кўра нимага келдингиз, деб сўра, — у ҳансираб-ҳансираб гапирарди.— Ҳамма эшикка кириб чиқдим. Ҳеч қаерда қолмаса-я,— у бошини сарак-сарак қилди,— эшикда бўлса, қуртлар ютоқиб барг дейди. Невараларим кесилган тутлардан битталаб қолган баргларини териб ўлиб бўлишди. Тонг-саҳардан қош қорайгунча тутзордан чиқишмайди. Ушаларга раҳминг келсин, болам...

Қулоғим момода-ю кўзим чинордай тарвақайлаб ўсган тутда. Унинг қайси шохидан қанча барг чиқишини чамалайман. Момо ўтиниб сўрайди.

— Кўп керакмас, болам. Уч-тўрт боғ етади. Кейин даста қўярмиз. Катта даҳага кирган. Унамасанг, билмадим, сувга оқизиб юборамизми, бир вақтлардагидай.

— Хўп, момо, хўп. Сиз бораверинг. Мен кесиб қўяман. Ташиб кетишар,— дедим катталардай.

Кампир чинор илдизларидай қора, тарам-тарам қўлларини очиб дуо қила кетди.

— Илоҳим, умрингдан барака топгин, болам, тупроқ олсанг олтин бўлсин...— қовоқларигача ажин босган кампирнинг нурсиз кўзлари намланди. Кейин ўрнидан туриб, ҳассасини дўқ-дўқ ташлаганича кетиб бораркан: — Эй худойим-ей, шу урушларни нимага чиқаргансан-а,— деб нолиб қўйди.

Эшик ёнидаги ҳозир ярим белигача, ғовак бўлиб қолган катта тутга нарвон келтириб қўйиб, қўлимга болтачани олдим устига чиқиб кетдим. Пастки кичкина шохларини бутаб, барг кесишга тушдим. Ҳар замон-ҳар замон оқарган тутлардан териб оғзимга солиб қўяман. Бир маҳал энди бир боғ барг қирққанамда нариги эшикдан Муниранинг бувиси югуриб чиқиб қарғай кетди.

— Ҳой, ҳой, ҳой дейман! Бу нима қилаётганинг! Қоранг ўчкур! Ҳозир туш, туш дейман! Туш, ер юткур! — у ердан кесак олиб ўқталди.

— Шанғилламанг! — Мен парво қилмай барг кесавердим.

— Ҳой, дейман! — У томоғи йиртилгудай бақирди.

— Ҳа?!

— Отинг ўчкур, майиз солинадиган тут-а! Ҳеч кимга кестирмай асраб қўйганлар-а! Туш дейман!

— Тут сизникимас. Эшигингиздаги тутга хўжайинлик қиласиз!

— Вой, бетингдан бузилгур, келгинди. Ҳали сен шошмай тур,— у зир югуриб эшигига ўтиб кетди.

Уларнинг шу тутгача ўзиники қилиб олаётганидан аччиғим келиб, новдаларни шарт-шурт кесавердим. Нариги ҳовлидан Халча холанинг овози эшитилмай қолди. Афтидан эрини қидириб кетганди. Уйлаганимдек бўлиб чиқди. Бир зумдаёқ эр-хотин ҳаллослашиб етиб келишди.

— Ҳой, ит эмган! Туш! — деб бақирди Йўлдош тоға нафаси гомоғига тикилиб.

— Ким ит эмган?! — Бамисоли баданимга ўт туташди.

— Сен, итвачча!

У нарвоннинг тагида турар, укки кўзлари косасидан чиқиб кетгудай, ўзи мени еб қўйгудай эди. Босволди қовундай калласи оғирлик қилибми, бошини орқага ташлаб тура олмай, дам-бадам оёғининг тагига қараб олади. Мен ҳам ўзимни унутдим. Қўлларим болта дастасига маҳкам қисилди. Шохлардан-шохларга осилиб, пастга туша бошладим. Агар битта чертадиган бўлса, мен ҳам жим турмоқчи эмасдим. Лекин нарвонга оёқ қўйганимни биламан. У нарвонни зарб билан тегиб, суриб юборди. Оёғим осмондан бўлиб йиқилдим. Кейин нима бўлганини билмайман. Кўзимни очиб, ўзимни табиб кампирникида кўрдим. Момо остонада ўтириб кимнидир қарғарди:

— Бир чинни тутни увол қилди деб бир бандан мўминни шундай ногирон қилиб ўтирса-я... Садқаи одам кет, худодан қўрқмаган қурумсоқ...

## 6

Шу-шу, оқсоқ бўлиб қолдим. Эшикка ҳеч қайтгим йўқ. Аммо борадиган бошқа ерим ҳам йўқ. Қаёққа бош олиб кетишимни билмайман. Табиб кампирникида қолиб бўлмайди. Қорнидан бошқа нарсани билмайдиган олтита невараси бир бўлиб, битта сигирни зўрға эплаб боқиб келишади. Тирикчилик ҳам шу сигирнинг устида. Унинг сути билан амал-тақал қилиб кун ўтказишади. Ноилож кетмоқчи эдим, табиб кампир унамай туриб олди:

— Кетишни ўйлама, бўтам. Ҳамма ердаям шу тошу тарози. Оч бўлсак — очсан, тўқ бўлсак — тўқ. Худо ҳеч кимни беризқ яратмаган.

Акам қайтгунча уларникида қолиб кетдим...

Энди бодом гуллаган кезлар эди. Ғалати хат олдим. Акам: «Ёдгоржон ука, ёнингга қайтаётирман. Кутиб оларсан. Хайр. Яхши кунларда кўришайлик», дебди. Аввал тоза суюндим. Кейин ўйланиб қолдим. «Ахир уруш тамом бўлгани йўқ-ку. Қайтаяпман депти. Бутунлаймикин? Ё ярадор бўлиб... Йўғ-э».

Акам эшигимиздан ўз оёғи билан чиқиб кетиб, ёғоч оёқда қўлтиқтаёқ билан кириб келди. Қишлоғимиздан аскарликка биринчи бўлиб кетган ҳам у эди, биринчи бўлиб қайтган ҳам у бўлди.

Уфқдаги қуёш кичрая-кичрая лахча чўғга айланди. Кейин сўнди. Устини кул олди. Акам ичкари қараб юриди-ю, остонадан ўтиб тўхтаб қолди.

Уйнинг тарновлари кўчиб тушган, деворларни ёмғир ўйиб ташлаганди. Ҳовли билан томдаги сўри тоқларнинг ёғочлари синиб қийшайиб қолибди. Ошхона билан отхонанинг томи йўқ. Уйнинг олдидаги айвонга қишда мол бойланибди. Акамнинг чап юзи уча бошлади.

Ҳовлида Мунира кўринди.

— Буви, куёвингизлар!.. — дедию югурди.

У етиб келиб ўзини акамнинг қучоғига ташлайдигандек эди. Лекин беш-олти қадам қолганда секинлашиб тўхтаб қолди.

— Вой шўрим... — У дудуқланди. Акам қўлтиқтаёқларини дўқиллатиб, протезларини ғирчиллатиб унга қараб икки қадам юрди.

Мунира орқасига тисарилиб кетди.

Акам тўхтади.

— Қўрқиб кетдингми?..

Мунира ўзини тамомила йўқотиб қўйди. Шу кўйи улар бирпас туриб қолишди. Ниҳоят:

— Агар ит тегмаган бўлса, покман, номусим жойида десанг, кел, бери кел. Бўлмаса, қайтиб кўрмай, қорангни ўчир! — Акам қийналиб шундай деди-ю, кўзларини қадаб жавоб кутди.

Мунирадан садо чиқмас, қотиб турарди.

— Яна қанча кутай? — тоқати тоқ бўлиб сўради акам.

Мунира бошини кўтарди. Кўзлари акамнинг кўзларидан шафқат излади. Топмади шекилли, орқасига қайрилиб кета бошлади.

Акам турган жойида бир чайқалиб, яна ўзини тутиб олди. Унга қараб туришга кўнглим чидамай, жой тайёрлагани даҳлизга кириб кетдим. Уй шипшийдам, тоқ-



чалар бўм-бўш. Шифтда ўргимчак иллари докадай ҳил-пираб турибди. Танча кўмилмаган. Устига қизил дастурхон ёзилган, холос. Тўрт томонига юпқа кўрпача ташланган. Кўрпача олиб чиқмоқчи бўлиб, ичкари уй эшигини очдим. Аччиқ зах ҳиди димоғимга урилди. У бўм-бўш эди. Нима қиларимни билмай қайтиб айвонга чиқдим.

Йўлдош тоға акам билан қўл бериб кўришиб турар, кўзлари жавдирар, афтидан акамнинг қўлтиқтаёқда қайтганига ишона олмасди. Халча хола бўлса, бир чеккада гунг бўлиб, рўмолининг учини оғзига босиб турибди, бир акамнинг афтига, бир оёқларига қарайди. Йўлдош тоға сўрига ўтира туриб ачинган бўлди:

— Элдан бурун аскарликка чопмасанг, бошингга шу кунлар тушмасмиди...

Акам жаҳл билан унга ўгирилди.

— Сиздан шунга сўраётганим йўқ. Сиз менга уйни нимага бу аҳволга солиб қўйганингизни айтинг. Айвонга нимага мол боғлаганингизни айтинг. Отхонани, ошхонани нимага бузганингизни айтинг!

Йўлдош тоға чайналиб қолди. Бетоқатланиб туриб ўтирди. Акам ўзини боса олмасди.

— Молхона ҳам бундан хароб бўлмайди-ку. Уғри ҳам бировнинг уйини шунчалик уриб кетмайди-ку!..

Йўлдош тоға энди чидай олмади. Лўлилигини ишга солди:

— Ҳали сенга шунча яхшиликлар қилиб, бувингни кўмиб, бутун маъракасини ўтказиб, ўз қизимни тўй қилиб бериб, эшитган гапим шу бўлдимми? Уғри бўлиб чиқдимми! Емон отлиқ бўлдимми! Майли! Майли, яхшиликларимни билмадинг, ҳали кўр бўласан! Бир бурда нонга зор бўласан! Ўзингдан кўр! Бувингнинг арвоҳини чиққиратиб, васиятини оёқ ости қилдинг. Нима бўлса, ўзингдан кўр! Ўзингдан кўр...

— Йўқол, баттол! Сенинг бир бурда нонингга зор одам йўқ! Йўқол!— Акам тиззасига қўйиб ўтирган қўлтиқтаёғини ўқталиб ҳовлидан ҳайдаб чиқара бошлади.— Сенинг тузингни ичкулик қилмасин. Ҳеч бандани қўлингга қаратмасин! Йўқол...

Акам қайтиб ҳорғин ўтириб қолди. Ҳовлига сув қуйгандек тинчлик чўкди. Осмондан ғира-шира қоронғилик ёғилар, сигир шохига ўхшаган янги ой оқариб борар, қўшни хотин елиб-югуриб уйни тuzатарди. Орадан сал ўтмай эшикдан қўшнилари кўринди. Акам ўша томонга қараб юрди...

Эрталабдан кўргани келувчиларнинг кети узилмай қолди. Абдусамад амаки нон-чоини тўғрилаб бериб турди, деб кампир билан қизини олиб келиб қўйди. Узи қаердандир бир халта ун топиб келди. Мен олов ёқиб тандирни қизитиб бердим. Қизи хамир қориб, нон ёнди. Кейин шу атрофда ўралашиб қолдим. Худди биров узун арқон билан оёғимдан ошхонага боғлаб қўйгандай. Гулхуморнинг олдидан нари кета олмайман. Нимага, ўзим билмайман.

У ҳам бошқа Миндон қизларидай бошига ироқи дўппи, эгнига атлас кўйлак, устидан ҳаворанг нимча кийган, сочини майда қилиб ўрган. Лекин булар ўзига бирам ўтирганки, бирам ярашганки... унинг чиройини очиб турган қоматими, кийимими, билиб бўлмайди. Юзлари шафтоли гулидай тиниқ. Кўзлари чаросдай қора. Бодомқовоқ. Ҳаммаси табиий. Қуйиб қўйгандай. Фақат бир нарса кўнглими хижил қилади. Укситади. Мен ундан ёшман, укаси тенгиман. Шунда ҳам уни кимдандир қизганаман.

Пешинга яқин одамларнинг келиши камайиб, акам ҳовлига тушганда ҳам шундай бўлди. Ошхонадан нари кетмай, керак бўлса-бўлмаса самоварнинг кулини гушириб, унга тараша сола бошладим. Гулхуморнинг бузиси қўшнининг супра-элагини ташлагани чиқиб кетган, ўзи ўчоққа ўт ёқиб, шўрвага картошка арчарди. У акамни кўриб шошиб ўрнидан урди.

— Келинг, яхшимисиз.— Юзлари анордай қизариб, кўзларини ердан кўтара олмай қолди.— Яхши келдингизми?..

— Ие, Гулхумор?.. Сенмидинг?.. Қара-я, катта қиз бўб қолибсан-ку.— Акам нимадир эсига тушиб кулимсиради.— Боғдаги гулсафсарлар турибдими?..

Гулхумор уялибгина бош силкиди. Лабларини қимтиб ўзини кулимсирашдан тийишга уринди.

— Болалар узиб қочишмаяптими?..

У баттар уялиб ерга қаради. Бошини сарак-сарак қилди. Жуда секин, йўқ, деди.

— Олиб қочишса ўзимга айтасан, ҳов ўшандагидай тутиб, дўппиларини олиб келиб бераман. Кейин товба қилиб олдингга келишади. Сен гулсафсарларингга сув ташитиб, тоза таъзирларини берасан...

Иккаласи ҳам кулиб юборишди. Лекин акамнинг юзидаги кулгу тез сўнди.

— Хўп, бўлмаса, шунақа келиб тургин,— дедию бурилиб қўлтиқтаёқларини дўқ-дўқ ташлаб, протез оёқлари ғирчиллаб нари кетди.

Гулхумор илгаригидан ҳам хушчақчақ бўлиб қолди. У бир гапириб ўн кулиб, акам дадасига тракторчиликка шогирд тушиб юрганида бўлган воқеаларни айтиб берди. Уларнинг боғида сариқ ҳам бинафша рангда очиладиган гўлсафсарлар бўлиб, болалар девор ошиб узиб қочишаркан. Гулхумор уларни таниб олиб, кечқурун акам келганда айтиб берар, у бўлса, ўша болалар ўйнаб юрганда секин бориб дўппиларини олиб қўяркан. Гулхуморга келтириб бераркан...

Мен унга маҳлиё бўлиб ўтирардим. Унинг шундай бегубор кулишини, кулганда, бошини кўтарганда гажакларининг силкинишини, турганда, юрганда сочларининг орқаси билан битта бўлиб тўлғонишини бир умр кўриб тургим келарди...

Орадан уч кун ўтмай тилагимга етдим. Абдусамад амаки «бу ерда сенларнинг кир-чирингга, овқатингга қарайдиган одам бўлмаса, уй тутишни аёл кишига чиқарган, сенларнинг қўлингдан нима келарди», деб бизни эшигига кўчириб олиб кетди.

Одамлар Абдусамад амаки тўғри қипти дейишди. Ҳеч ким акамни Мунира билан яраштиришдан оғиз ҳам очмади, ўртага ҳам тушмади. Абдусамад амакининг уйи МТСнинг олдида, девори деворига туташ экан. У кунга қараган бир уйини бизга бўшатиб берди. Акам МТСга қоровул бўлиб ишга кирди. Колхоздан бухгалтерияга чақиришганди, бормади...

Шивалаб ёмғир ёға бошлади. Қора булутлар увада увада бўлиб кунботардан узилиб чиқди. Уфқдаги қуёш қип-қизил нур сочиб, далалар бети, теракларнинг, деворларнинг кунга қараган томони шафақдан қизарди. Мен кажава ўрнига темир бочка ўрнатилган араванинг шотисида ўтириб ўйлардим. «Энди қачонгача тракторларга ёғ ташувчи бўлиб қоларкинман?.. Наҳот бир умр шундай ишлардан бошим чиқмасам...»

Шу пайт орқамдаги девордан гувала тўп этиб ерга тушди. Чўчиб ўгирилдим. Гувала кўчган жойда деворга тирмашаётган одамнинг қўли кўринди. Беҳи шохлари чайқалиб кетди. Гулхуморнинг ироқи дўпписи, кейин ўзи кўринди. У мени кўриб майда, текис тишларини сал кўрсатиб кулимсиради.

— Шаттаמידиз?.. Мўминжон акамларга айтинг. Ов-

қат пишди. Сузиб қўйдим. Тезроқ чиқинглар-а? — у яна боягидай жилмайди.

Кейин беҳи шохини ушлаб турган қўлини қўйиб юборди. Ўзи пастга тушиб кетди. Беҳи шохлари худди биров тагидан силкитгандай чайқалди. Лекин назаримда Гулхумор ҳалиям девор орқасидан боягидай қараб турарди...

... Овқатдан кейин Абдусамад амаки раҳматли дадангдан ёдгорлик деб сандиқдан бир нарса олиб чиқди. Қора най экан.

— Мана, яхшиликка чалиб юргин, — дея акамга узатди.

Акам бир вақтлар дадамининг лаблари теккан, бармоқлари унинг пардаларини беркитиб очган, нафаслари шу тешиклардан куй бўлиб чиққан найни қўлига оларкан, кўзлари намланди. Кейин беихтиёр най пардаларига бармоқларини босиб, лабига олиб борди. Най неча йиллардан кейин унинг қўлида яна тилга кирди. Унинг садолари гоҳ жуда узоқ-узоқлардан келаётгандай, гоҳ яна ҳам узоқлашиб кетаётгандай бўлар, гоҳ онасидан адашган бўталоқнинг бўзлашига, гоҳ гунчанинг очилишини кўра олмай қолган булбул ноласига ўхшаб кетар эди.

У найни лабларидан олди. Ярим қисилган кўзларини кўтарди.

— Чакки чалмадинг, — деди амаким, — энди жуфт бўлсин-да.

Акам чойнингдан бир ҳўплам бер дегандай менга қаради.

Мен бўшаб қолган чойнакни олиб ташқарига чиқдим.

Кўр ойдин эди. Кўкда битта ҳам юлдуз кўринмас, етти-саккиз кунлик ой кунботарга қараб булутлар орасида сузиб борарди. Уни шамол дам суриб кетар, дам ўз ҳолига қўйиб берар эди. Пастда ҳам шамол ўз шўхлигини қўймасди. Худди биров дарахтлар шохига осилиб олиб, арғимчоқ учаётгандай ғирч-ғирч қилиб таг-туғи билан чайқалади. Гулхумор ошхона эшигининг кесакисига суяниб турарди. Қўлимдан чойнакни олатуриб:

— Яхши чаларканлар, — деди.

— Ҳали шошмай туринг, энди эшитасиз... — дея мақтандим.

Гулхумор индамади. Деразадан чироқ ёруғида рўйи-рост кўриниб турган акамга бирпас қараб туриб, ошхонага кириб кетди. Унинг шу ерда акамга маҳлиё бўлиб

туриши кейин қанча воқеаларга сабаб бўлишини ким қайдан билсин...

Гоҳо арава билан даладан қайтиб келганимда акам садақайрағоч тагидаги ясси харсанг устида ўтириб, дадамиздан қолган қора найда «Чўли ироқ»ними, «Муножот»ними чалаётган, ёнида чойнак-пиёла турган бўлади. Нимагадир акам бу куйларни чой олиб чиққан қизга атаб чалаётгандай, у қиз эса қаердадир, шу яқин-орада, боғ девори орқасидан унинг най чалишига маҳлиё бўлиб қараб тургандай туюлади менга. Кўзларим билан уни излайман, беихтиёр девор орқасида ироқи дўпписини кўриб қоламан. Деворга энгашиб ўсган беҳи шохлари чайқалиб кетади. У арава ғилдирагининг ғирч-ғирчинини эшитиб, ўзини панага олади...

## 8

Акам МТСдаги ҳужрасига ўрин-кўрпасини кўтариб чиққандан бери Гулхумор унинг нон-чойидан, овқатидан хабар олиб туради. Кўчадан қатнаб юрмайлик, деб Абдусамад амаки боғ томондан эшик очиб қўйди. Буларнинг ҳаммаси нималарга олиб келишини ким билсин. Билса, Абдусамад амаки шундай қилмасди балки...

Ҳеч ким акамнинг оёғига нима бўлганини, қаеридан кесиб ташланганини билмасди. Ўзи оғиз очмади. Бошқалар сўрашга ботинмади. Енгил оёқ олишидан худди бир оёғи бутунга ўхшарди. Мен ҳам қандайлигини у келганига ярим ойдан ошганда билдим. Тўғрироғи, кўрдим.

Бу орада ўрик гули даври ўтди. Унинг довуччаси қинидан чиқиб, буғдойдек бўлиб қолди. Шохлари барг ёза бошлади. Пешинлар эди. Ер устида булутлар соясини офтоб зирқиратиб қувиб юрарди. Даладан қайтсам, акам ҳали ҳам трактор тагидан чиқмабди. Пақирни олиб омбордан керосин ташишга тушдим. Лекин унинг банди қулоғидан чиқиб кетиб, ишнинг белига тепди. Тузатгани ертўлага тушиб кетаётгандим, Гулхуморнинг бувиси боғ эшикдан чойнакда чой кўтариб чиқиб қолди.

— Бўтам, талқонминан чой ичиб, тамадди қилиб олинглар. Ичларинг ҳам узилиб кетгандир. Юр, юрақол,— деди кампир.

Акам қўл-пўлини ювгунча пақирнинг бандини тузатиб олмоқчи бўлдим. «Ҳозир, ҳозир» дея ертўлага кириб кетдим. Орадан ҳеч қанча ўтмади. Ҳовуз томондан кампирнинг:

— Вой, шўрим!.. — дегани, қандайдир чинни идишнинг ерга тушиб сингани эшитилди.

Нафасимни ютиб жим қолдим. Уша овоз яна қайтарилди.

— Вой, шўрим, ҳой, ким бор? Ким бор? Едгор?..

Ертўладан отилиб чиқдим. Кампир бузуқ тракторнинг олдида қотиб турар, унинг тагида ётган акамдан кўзини уза олмас, қўлларини чаккасига олиб борганича «вой шўрим»ларди. Оёқларининг остида чойнак синиб, чил-чил бўлиб ётибди.

— Ҳа?... Ҳа?... Нима, нима бўлди?... — югуриб бордим.

— Босиб кетибди-ку, босиб... — У трактор тагида чалқанча ётган акамни кўрсатди. — Оёқларини кўр...

Қараб, чўчиб тушдим. Акам трактор остидан қийналиб, сурилиб чиқа бошлади. Тиззасидан қирқилган оёқлари қип-қизил гўшт бўлиб кўриниб турарди. Илгаридан шундайлигини кампирга қандай тушунтирсам экан? Нима дейишимни билмасдим. Бу орада акам трактор тагидан чиқди. Туриб ўтирди. Кўзлари офтобдан қамашиб ерга қаради. Гулхуморнинг бувиси ҳалиям ўзига кела олмас, нима бўлганига тушуна олмасди. Афтидан, у Мўминжон акам иккала оёғини урушда ташлаб келганини билмасди. Ҳеч бўлмаса бир оёғи бутдир деб ўйлаган эканми...

Мен изза бўлиб ишимга қараб кетдим. Лекин қип-қизил гўшт бўлиб кўриниб турган тўмтоқ оёқлар кўз олдимдан нари кетмасди...

Шундан кейин шу ҳолига трактор тузатиб унга нима-я, деб ўйлайдиган бўлиб қолдим. Ўзига айтишга ботина олмасдим. У бўлса, қўйиб берса трактор тагидан чиқмасам, тезроқ тузатсам дейди. Нимага шошади, билмайман. Унинг бу ишидан одамлар ҳам ҳайрон. Бекорчиликда эрмак қилаётган бўлса керак, деб қўя қолишади. Ҳаммадан МТС директори Тўхтасиновнинг гапи ўтиб тушди...

Кечқурун акам менга трактор қисмларининг қандай ишлашини ўргатаётганди, у саман отини йўрттириб келиб қолди. Соғ кўзи ола-кула, қоши учиб-учиб қўяди, ўзи бетоқат. От жонивор ҳам ундан чўчиб, тагида тирчиллаб турибди. У қовоғини очмай, тракторга разм солиб чиқди-да, кесатди:

— Одам бўларканми?..

— Одам бўлмасаям трактор бўлади, — акам ҳам кесатиқча кесатиқ билан жавоб қилди.

Бундан унинг авзойи ўзгарди.

— Ким рухсат берди сенга бунни тузатишга?..

— Сизлар ташлаб қўйгандан кейин... тузатдим-да,— акам бўш келмади.— Энди «ким рухсат берди»ми?

Директор тутақиб, отдан сакраб тушди. Удағайлаб акамга яқинлашди:

— Запчастларни-чи? Қаердан олибсиз?

— Бунча ўшқирасиз? Авваламбор МТСингиздан битта магнитдан бўлак ҳеч нарса олган эмасман. Қўрқмасангиз ҳам бўлади. Кейин тракторни ўзимга тузатиб олаётганим йўқ-ку.

— Юриб турганларини минишга одам йўқ-ку, бунни нима қиламан? Бошимга ураманми?

— Топинг одам... вазифангиз... Биров келиб топиб берсинми?!— Акам иложи борича юмшоқ гапиришга ҳаракат қилди.

— Нима, аскарликдан чақириб олайми? Топингмиш! Қаттан? — У қўлларини пахса қилиб сўради:

— Миндондан. Қаттан бўларди. Агар тракторчиларингиз мана бундай Ёдгорга ўхшаганларни бир-икки ой ёнларида олиб юришса...

Директор қўл силтаб, юзини четга ўгирди. Унинг гапини эшитишни ҳам хоҳламади. Кейин узангига оёғини қўя туриб:

— Бунинг аввал бурнини эплаб олсин. Она сути оғзидан кетмапти-ю трактор минармиш,— дея эгар устидан оёғини кўтариб ташлаб, отнинг бошини бурди.— Минадиган одам топсанг, тузат. Бўлмаса қўй, бекорга овора бўлма.

Саман от жиловини бўшатса олиб қочадигандай, дарвоза томон йўрғалаб кетди. Акам бир нарса демоқчи бўлди-ю яна индамади. Қўл силтаб қўя қолди. Садақайрағоч тагидаги ясси харсангга бориб ўтириб, тузатаётган тракторига тикилиб қолди...

9

Орадан тўрт кун ўтди. Эртаги олмалар гуллади. Шудгор текислаётган тракторга керосин ташлаб қайтардим. Кечаси ёғиб чиққан қордан асар ҳам қолмаган. Ер селгиган. Тўриқнинг туёқ излари ҳам унча чуқур тушмайди. МТСга яқинлашиб қолганимда шу томонга чопиб келаётган Гулхуморга кўзим тушиб, унга қараб югурдим.

— Нима гап? Тинчликми?..

У нафаси томоғига тиқилиб ютинди.

— Акангиз... тракторни тўхтатолмай... Чопа қолинг. Қийналиб кетдилар...

Ҳеч нарса тушунмадим. Нима бўпти экан? Уша ёққа югура кетдим...

Бир талай болалар қўрқиб кетишгандан чекка-чеккада ғуж-ғуж бўлиб олишибди. Универсалнинг тишли катта ғилдираклари ҳовлини теша билан чопгандай қилиб юборибди. Акам қора терга тушиб, универсални ҳовуз атрофида айлантиради. Унинг оёқлари бор одамдай трактор устида ўтиришидан ҳайратга тушиб, қоққан қоқиқдай туриб қолибман.

У мени кўриб универсални шу томонга бурди. Унга яқин бордим. Лекин нима қилишни, нима дейишни билмайман.

— Келдингми?.. — деди у ҳорғин кулимсираб, кўрмайсанми, минишга миндим-у, энди тўхтатолмаяпман дегандай.

Унинг ҳолдан тойгани юз-кўзларидан шундайгина кўриниб турар, ўзи қип-қизариб кетган, билакларининг томирлари бўртиб чиққан эди. У универсални буратуриб:

— Керосинини оқизиб юборса оласанми? — деди.

Елка учирдим. Қўлимдан келармикан? Бакнинг тагида сарғайиб турган мензурканинг винтини бўшатиш осонми? Универсалнинг ёнига тушиб олиб, у билан баравар юриш, юриб кетатуриб винтни бураш керак. Сал алаҳсисанг универсалнинг тишли ғилдираги тагида қолиб кетасан. Юрагим бетламай универсалга эргашдим. Буни кўриб акам уришиб берди:

— Нимадан чўчийсан?! Бўл! Яқинроқ келавер!

Универсал ҳовлини беш марта айланиб чиқди ҳамки, винтни бўшата олмадим. Чеккага чиқиб алам қилиб, йиғлаб юбордим. Акам яна бир айлантриб келатуриб, тагидаги темир қутини титкилаб, узун бир калитни олди. Сал ён томонга эггашиб сариқ шишани бир уриб синдирди. Керосин оқиб туша бошлади. Универсал яна ҳовуз атрофини икки айланиб, пат-патлаб силкиниб тўхтади. Акам унинг рулига пешонасини тираб жим қолди. Бу пайт аравада етиб келган Гулхумор унинг ёнига бориб, туша қолинг энди, деди. У бошини кўтарди. Ҳорғин жилмайди. Афтидан, у ҳозир универсални тўхтата олмай қийналганини ўйламасди. Гулхумор садақайрағоч тагида турган ёғоч зинани келтирди. Акамни қўлтиғидан ушлаб тушириб олдик. У ҳо-



вуз бўйига қараб юрди. Теракларга суялиб, ҳайрат билан тикилиб турган болаларга яқин борди.

— Қалай?! Минсам бўларканми?!

— Бўларкан, бўларкан...— дея чуғуллашди болалар.

Кейин акамни ўраб олиб, ҳар томондан саволга тута кетишди:

— Керосин шишасини нимага синдириб ташладингиз?

— Нимага тўхтата олмадингиз?

— Ҳаммаёғини тузатиб, юргизишни ўйлабман-у, ўчириб тўхтатишни ўйламабман. Юргизиб қўйиб тўхтатаман дейман, қани тўхтаса. Шунини деб Ёдгор йиғлаб олди-да,— акам завқланиб кулди.

Болалар чуғурлашди:

— Гулхумор опамлар ҳам йиғладилар-ку...

Гулхумор уялиб четга ўгирилиб олди. Қулоқларига-ча қизариб кетди. Акам эса унга шу ростми дегандай қараб қолди...

Акамнинг трактор мингани шу куниеқ Миндонда дув-дув гап бўлиб, катта-кичикни ҳайратга солиб қўйди. Одамлар бунга ишониша олмас, чурвақа болалар топиб келган гапга ишониб бўладими, устига чиқиб патиллатиб тушиб кетгандир-да, дейишарди. Лекин ҳамманинг ҳақиқатни билгиси келади. Бир-бирларидан сўраб-суриштириб чарчашмайди.

Кун пешиндан оққанда ер ҳайдаётган тракторга керосин олиб борсам, Абдусамад амаки билан директор ўша ерга отда келиб қолишди. Тўхтасинов саломимга алик ўрнига:

— Ҳей! Санам бормидинг Мўмин трактор минганда?! Ростми шу?..— дея ўзининг ҳеч ишонмаётганини яширмай сўради.

Тагидаги оти типирчилаб турар, у сал қимирласа, қамчи кўтаряптими деб кўзлари бежо бўларди. Шунчалик жонини олдириб қўйибди.

— Бор эдим. Рост.

— Устига чиқиб ўт олдириб тушгандир-да Узини эплаб юра олмайди-ю, трактор минишга йўл бўлсин.

— Йўқ, ҳовуз атрофини эллик мартача айлантириб чиққандирлар,— яна «ишонмасангиз бориб кўринг, излари турибди» демоқчи бўлдим-у, индамадим.

Директор бурнини жийириб, елкасини қисди. Оти ўзини бир ёнга ташлаб, суриб кетмоқчи бўлди. У жиловини қаттиқ тортиб қолди. От боши қайрилиб турган

жойида депсиниб айланди. Абдусамад амакининг юзи ёришиб борарди.

— Қийналмай тушиб олдим ишқилиб? — хавотирланиб сўради у.

Тўхтатгунча қора терга тушганларини айтиб бергандим, директор Абдусамад амакига қараб маъноли кулади:

— Айтувмидим, ногирон одамнинг иши қийин деб, қизиқ устида бир миниб қолган-да.

— Йўқ,— Абдусамад амаки бош чайқади,— агар аҳд қилган бўлса, минади. Қайтмайди.

— Кўрамиз,— қўл силтади директор суриб кетгудай талпиниб турган отининг жilовини яна ҳам тортиб.— Тўрт мучаси соғлар чидаш бермаяпти-ку... унга йўл бўлсин. Бу шаштидан тушиб ҳам қолар.

У отининг бошини катта йўлга буриб, қорнига этигининг пошнаси билан ниқтади.

Абдусамад амаки ҳам унинг кетидан отининг жilовини бўшатди-ю яна тортди. Ярим қайрилиб сўради:

— Ўзинг ҳам ўрганаёпсанми, Ёдгор?

— Ҳа. Ўргатаёптилар,— дедим нима экан, дея ҳайрон бўлиб.

— Яхши, ўрганавер. Ўзингни ёрдамчи қилиб қўямиз аканга,— у шундай дея отини йўрғалатиб кетди.

Акамнинг трактор миниб кетишига ҳеч иккиланмай ишонган одамни энди кўриб турардим...

...Эртаси кечқурун Гулхумор янги гап топиб келди.

— Буви, бир нарса айтайми?... Мўминжон акамлар...— У ўзини қаерга қўйишини билмас, кўзлари ёниб чақнардди.

— «Минаман, чигит экаман», дегандир-да?.. — Кампир кўзларини пирпиратди.

— Ҳа, сеялка ҳам топиб қўйибдилар,— деди у бувисини ишонтиришга тиришиб,— ҳали қараб туринг, миниб кетадилар.

— Эрта-кеч тагидан чиқмай ётгани шунга экан-да.

— Бўлмаса нимага. Буви, агар... майли десангиз... менгайм ўргатмоқчилар.— У кейинги гапни чўчинқираб айтди.

Кампирнинг бирдан жаҳли чиқиб уришиб берди.

— Минмаган сен қолувдинг!.. Қиз бола деган ҳам ҳар нарсага бошини суқаверади-ми?..— Кейин ошхонага кириб кетди.

Гулхумор сочининг учини ўйнаганча ерга қараб қолди.

Мен бир нарсага тушуниб ета олмасдим. Акам чигит экиши ҳақида менга ҳеч нарса демаганди. Ҳаммадан олдин Гулхуморга айтибди. Сирини ундан яширмабди. Шуниси ғалати эди.

Куёш елкани куйдиарли даражада қиздириб, саратондагидай ҳаммаёқни унинг жимир-жимири босадиган кунлар келди. Акам универсалини МТС дарвозасидан олиб чиқди. Унинг ёнида Абдусамад амаки чўнқайиб ўтириб борар, мен сеялканинг орқасида тик туриб олгандим. Одамлар пойгада ютиб чиққан чавандозга эргашгандай кетимиздан келишар, бир-бирларига гап маъқуллашарди.

Сеялкага чягит солиб экишга тушиб кетгунча карта четидаги тутларнинг таги одамга тўлиб кетди. Акам уларга қарамас, универсални бир текис олиб юришга, уни оҳиста буришга ҳаракат қиларди. Шундан бўлак нарсага эъгибор бермасди. Худди ҳозир бир фалокат рўй берадигандай нафасини ичига ютиб турган одамлар универсал карта охирига икки-уч бориб келиши билан жонланиб қолишди. Ғўнғир-ғўнғир кучайди. «Балли, балли!», «Астағфурулло!» «Отасига минг раҳмат!» деган сўзлар баралла эшитила бошлади. Одамлар акамнинг қудратига тан берарди. Чўққисоқол, чопони устидан қўш белбоғ боғлаган бир чол ўртага тушиб, универсалнинг йўлини тўсди. Уни тўхтатди. Акамнинг бошини эгиб, пешонасидан ўпди. Кейин одамларга қараб:

— О-мин!— дея қўлини очди.— Шу мард йигитнинг юрагида нима тилаги бўлса, ҳаммасига етсин! Боши тошдан, йўли ойдин бўлсин! Олло-ҳу ак-бар..

Ҳамма баравар фотиҳа қилди.

— Айтганингиз келсин!

Шундан кўп ўтмай карта бошига чиқиб, Мунирани кўриб қолдим. У паранжи-чачвон ёпиниб олганди. Қизиқ, у ҳам айтганингиз келсин, деб юзига фотиҳа тортдимикан, акамга бахт тиладимикан, деб ўйладим. Қим билади...

У мени кўриб нари кетди...

## 10

Томларда чучмома-ю лолақизғалдоқлар очилди. Ёнғоқ шохлари кучала чиқарди. Кечгача уларнинг тагини қалампирмунчоқ мисоли кучалалар босиб кетади. Шафтоли гулини тўка бошлади. Лайлак келди. Улар жуфт-жуфт бўлиб тепамизда қанот қоқиб-қоқмай узоқ айла-

нишади. Беш-олти кундан бери чигит экаётган бўлсак ҳам, акамнинг ишлашини кўргани келувчиларнинг кети узилмайди. Олтиариқдан райкомнинг оқ каламинка костюм-шим, брезент этик кийган катталари, Фарғонадан обком секретарлари атай келиб, акамни табриклаб кетишди. Акам ҳам қийналаётганига қарамай, кўргани келганларнинг бариси билан универсалини тўхтатиб сўрашар, салом-аликни, ҳол-аҳвол сўрашни қанда қилмасди.

Уйимизга яқин ерга чигит экишга ўтган кунимиз Йўлдош тоға кўргани чиқди. Анча вақт сўрашишга баҳона топа олмай, эгат бошида туриб қолди. Акам ҳам ўзини кўрмаганга солиб универсални тўхтатмади. Қайтиб кетармикин, деб тургандим, сеялкада чигит тугаб, универсал тўхташи билан шу томонга қараб юрди. Келиб, ҳорма деди. Акам одоб юзасидан келинг, деб сўрашиб қўя қолди. Тишининг оқини ҳам кўрсатмади. У бўлса орада ҳеч гап ўтмагандай:

— Эшикдан хабар олай демайсанам. Сўриларга ёғоч келтириб қўйгандим. Ишлаш керак, — деди.

Акамнинг энсаси қотиб, пешонаси тиришди. Туташ қошлари кўтарилди. Ўзи четга қаради.

— Қўяверинг. Қачон ўзим топсам, ишлайман. Топмасам қолаверади, — деди ишингиз бўлмасин дегандай.

— Унақа эмас-да, жиян. Ит-мушук бўлиб юрганимиздан нима фойда? Одамлар нима дейди?

— Энди «одамлар нима дейди»ми! Қўйинг, йўлимиздан қолмайлик, — акам мени тинч қўйинг дегандай гап қилди.

Лекин Йўлдош тоға бунини тушуна қолмасди.

— Раҳматли бувингнинг васиятларини ерда қолдирасанми? Бу яхшиликка олиб бормайди.

Акамнинг қони қайнади:

— Яхши бўладими, ёмон бўладими, менга бўлади! Сизга нима! — У ўрнидан туриб кетай деди. Тоға чўчиб тушди. — Сиз менинг учун қайғурмай қўяқолинг! — Шундай деди-ю, универсални патиллатиб юргизиб кетди. Мен қалқиб кетиб, йиқилай дедим.

Йўлдош тоға карта бошида туриб-туриб, қайтиб кетди. Шу билан тарвузи қўлтиғидан тушгандир, акамнинг қайтишидан умидини узгандир, деб ўйлагандим. Йўқ, узмаган экан.

Эртаси кунини пешинлар эди. Эгат бошида энди барг ёза бошлаган қатор тутлар тагида бирпас мизғиб олай, деб чўзилиб ётгандим. Акам нарироқда протезларини

ешиб, тиззаларини уқалаб ўтирарди. Бир маҳал янги тан- дирдан узилган зоғора нон исн димоғимга урилди. Кўз- ларимни очиб, уватдан акам томонга келаётган Муни- рани кўрдим. У бир ликопчада иккита зоғора нон билан чойнак-пиёла кўтариб олганди. Ўзимни ухлаганга сол- дим. Энди нима бўлишига, акамнинг унга қандай муо- мала қилишига ақлим етмасди. Наҳотки кечирса, дер- дим.

Сабрим чидамай, киприкларимни кўтардим. Муни- ра акамдан беш қадамча нарида келишини ҳам, қайтиб кетишини ҳам билмай турар, акам буни сезмасди. Нима қиларкин, қайтиб кетармикан? Йўқ. Акамни ўзига қа- ратиш учун ликопчани атай чойнакка уриб олди. Акам ўгирилиб қаради. Қадам босмоқчи бўлиб турган Му- нира тўхтаб қолди. Зўрма-зўраки кулимсиради.

— Ҳорманг. Ҳозир нон ёпгандим, шундан олиб чиқ- дим,— дея унга қараб юрди. Ликопчани акамнинг ол- дига қўймоқчи бўлди. Акам бош чайқади.

— Қўй, керакмас. Қўлингдан чой ичадиган вақтла- рим ўтди,— дея юмшоқ гапирди.

Мунира бир зум нима қиларини, нима дейишини билмай қолди. Кейин ўзини тутиб:

— Олинг, нон ҳурмати. Қайтарманг. Ёмон бўлади дейишади,— деди.

Акам яна боягидай оғир бош чайқади:

— Қўй, зўрлама. Энди бизнинг қонимиз қўшил- майди.

— Мени шунчалик ёмон кўрармидингиз?

— Яхши ҳам кўрмасдим, ёмон ҳам. Ўзингга-ўзинг қилдинг.

Улар жим қолишди. Энди Мунира кетса керак, деб ўйладим. Йўқ, у кўз қирини акамдан узмай:

— Айбимдан ўта олмайсизми? — деди секин.

Акам оғир бош чайқади.

Мунира бирпас туриб, ҳеч нарса демай, уватдан юриб кетди.

Эшикда ток сўрисини ишлаб бўлиб, гулга кирган беҳи тагидаги супага дам олгани ўтирдик. Унинг гир айланасида гунчалаб ётган гулсафсарлар яккам-дуккам очилганди. Акам бу гулсафсарларни бир вақтлар Абду- самад амакига шогирд тушиб юрганида уларниқидан кўчириб олиб келиб ўтқазган. У анча вақт очилган гул-

сафсарларга тикилиб, ёнбошлаб ётди. Мен бўлсам бу-  
лутсиз осмонда учиб юрган қалдирғочларнинг пастлаб  
келиб, дераза кўзидаги кафтдаккина ойна синигига ўзи-  
ни уриб, ичкари кириб кетишига, дам ўтмай ўша те-  
шикдан қайроқтошдек отилиб чиқиб, учиб кетишига  
маҳлиё бўлиб ўтирардим. Кутилмаганда акам:

— Гулсафсар ҳам очилибди,— деди, кейин сўраб  
қолди.— Эшитганмисан, гулсафсар афсонасини? Бувим  
айтиб бермаганмидилар?...

— Йўқ, нима эди?..

— Бундай,— зангори гулсафсарлардан кўзини уз-  
май, ҳикоясини бошлади.— Айтишларича, бу гул қадим-  
да дунёда тенгсиз бир деҳқон қизи бўлганмиш. Унга  
шаҳзода ошиқ бўлиб қолибди. Уларни унаштиришиб-  
ди. Лекин кутилмаганда уруш бошланиб, шаҳзода жанг-  
га кетибди. Қиз деҳқон отасиникида қолибди. Аммо  
айғоқчилар унинг қадам олишини кузатишаркан, бегона  
кўзлардан асраркан. Кутилмаганда шум хабар келиб-  
ди. Шаҳзода жангда шаҳид кетиб, одамлар қиз бечо-  
рани шумқадамга чиқаришибди. Уни олган эрнинг ум-  
ри қисқадур, у бу дунёдан қариқиз бўлиб ўтгай, жазо-  
си шул эрур, деб фатво берибдилар диндорлар. Илга-  
ри ошиғу беқарор бўлиб юрган йигитлар ҳам ўзлари-  
ни четга тортиб кетибдилар. Шунда ҳалиги кўҳлик қиз  
бу қисмага чидай олмай, гулсафсарга айланиб қўя-  
қолган, дейишади. Унинг барглари тигга ўхшаши шун-  
данмиш. Ана шу тиглари ичида у ҳар баҳор юз очар-  
миш. Шу тиглар ичидан мени тортиб оладиган мард ту-  
ғилмадимикан, дея унинг йўллариغا кўз тутармиш...

Акам жим қолди. Кўзлари қисилиб, хаёли нимага-  
дир қочди.

— Ҳозир ҳам шундай-ку. Унаштирилган қизни бош-  
қага беришни оғир гуноҳ ҳисоблашади-ку,— дедим мен.  
Акам ўша-ўша хаёлчан ўтирганича:

— Гуноҳ ҳисоблашади,— дея такрорлади,— энг ёмо-  
ни ҳам, даҳшатлиси ҳам шу ..

У гулсафсарларга тикилганича жим қолди. Унинг  
нимага шундай деганига ҳеч тушуниб етмадим. Фақат  
орадан икки ҳафта ўтиб, бир воқеа содир бўлди-ю...

Ўриқлар данак қотирганда тобим қочиб қолди. Пе-  
шонамни танғиб олиб, эртадан-кечгача уйда ётаман.  
Кампир ҳали қатиққа пиёз тўғраб беради, ҳали иссиқ-  
иссиқ чой дамлаб келади. Лекин ҳар кунгидай очилиб-  
сочилиб гапирмайди, икки гапининг бирида дуо қилмай-

ди. Нимагадир қовоғи солиқ, ҳовлида ивирсиб юриб ҳам дарров аччиғи қистаб келиб, қарғанади. Илгари бунақа эмасди. Сабабини кечқурун билиб қолдим.

Кўчага чиқиб, толнинг қазиб олинмаган тўнкаси устида — ошхонанинг орқасида ўтирардим. Дарахтларнинг сояси чўзилиб, бир-бирига туташиб борар, офтоб нури тушган ерлар тилла ҳал тўкилгандай ярқирарди. Қалдирғочлар ўзини дам пастга уради, дам юқорига отади. Иккитаси томдаги сўрига қўниб олиб, тинмай вожирлайди. Бурилишдаги ёнғоқнинг бир шохига қўниб олган зарғалдоқ, «биёв-биёв» сайрайди. Берироқдаги ўрикда довулча териб еб ўтирган бола унга тақлид қилиб, «ким-кимга куёв» дейди. Зарғалдоқ нима-нима, дегандай яна «биёв-биёв»лайди. Бу ўйин шаддот болани буваси уришиб, чақириб олгунча давом этади.

Одамлар даладан қайта бошлади. Ҳовлида амаким йўталди. Кейин:

— Бувиси, бугун авзойинг бузуқ кўринади. — дегани эшитилди.

Ошхонада ёғ доғ қилаётган кампир шуни кутиб турган эканми, дардини тўкиб солди:

— Гап-сўзлардан ўлиб бўлдим. Бошимни кўтариб юра олмай қолдим қизингизнинг дастидан. Йўлдошалига унаштирганимиз нимаю Мўминжон билан гаплашиб юргани нимаси? Ҳай, чол, ўзингиз айтинг, энди нима деган одам бўлдик? Одамлар нима дейди?..

— Узи нима дейди, сўрадингми? — Абдусмад амакининг овози бўғиқ чиқди.

— Нима дерди юзсизингиз! Йўлдошалингизга тегмайман дейди, — кампир ёққа пиёз ташлади, — қаёқданам унаштирилгандан кейин унинг тоби қочиб қолди! Йўлдошалингиз ҳам тўйни ўтказиб кетса бўларди аскарлигига. Ўзингиз ҳам ҳеч шошмадингиз-шошмадингиз-да!

Кампир чиннининг орқасида пичоқ чархлади. Чоли уни жеркиб берди.

— Ўзингиз, ўзингиз дейсан! Нима, мен шундай бўлишини туш кўрибманми!

Иккалалари ҳам жим қолишди.

Шу кун улар ишдан қайтган Гулхуморнинг саломига алик олишмади. Бувиси юзини четга ўгирди. Дадаси ўзини эшитмаганга олди, бошини кўтармади. Гулхумор йиғлагудек бўлиб кириб кетди ичкарига. Акам уларнинг авзойини сезгандай, хуфтонда келди. Амаким бирга овқатлангани чиқмади. Кечаси акам:

— Ёдгор, энди эшикка қайта қоламизми? Бир кунимиз ўтар,— деди.

Мен ҳеч нарса демадим. У узоқ ухлай олмай, тўлганиб ётди.

12

Миндонда яна дув-дув гап тарқалди. Бу гал одамлар акамни ёмонлиққа чиқаришарди:

— Ақлдан озиб, диндан чиқибди!

— Бировга унаштириб қўйилган қизнинг бошини айлантирадимми-я!

— Яхшиликка ёмонлик деб шуни айтадилар-да. Ҳолидан хабар оладигани йўқ, деб эшигига олиб келса, шунақа маломатга қолдирадими!

Индинига кун ёйилганда уйдаги ишлардан қутулган Гулхумор кетмонини олиб, далага кетмоқчи бўлганди, бувиси йўлини тўсди.

— Юзимизни шунча ерга қаратганинг етар! Қайси юзминан одамларга кўринмоқчисан? — У қизини итариб юборди.

Гулхумор қаршилиқ қилмоқчи бўлганди, бувиси елкасидан кетмонини тортиб олди-да:

— Ҳали сенми, сўзимга кирмайдиган?! — дея ерга бир уриб дастасини чиқарди. Кейин теракка уриб синдириб ташлади.— Мана бўлмаса... Бор энди, кетавер. Кетавер, кетавер...— у ўзини тута олмай, йиғлаб юборди. Енгини кўзларига босди.

Гулхумор ҳам бошини қуйи солиб қолди. Кейин йиғламоқдан нари бўлиб, боққа ўтиб кетди. Бу ғавғолар нима билан тугашига ақлим етмасди.

Пешинга яқин унинг ўзи кўз-қовоқлари шишиб ёнимга кириб келди.

— Анча тузукмисиз? Қатикни ичмабсиз-ку. Ачиб қолибдими? — Бошимга ўтириб пешонамни ушлаб кўрди.— Иссиғингиз анча тушибди. Тузалиб қоласиз.— Кейин йиғлагундай бўлиб, ўгиниб сўради.— Ёдгоржон, ҳали акангиз келганларида айтинг. Узлари дадамлар билан гаплашсинлар. Уялмасинлар. Уялиб, гаплашмасалар... ўзимизга жавр бўлади. Бувимларга қолса, икки дунёда ҳам рози бўлмайдилар. Тайинлаб айтасиз-а? Ишонтирасизми?..

Мен бош силкидим. У енгил, ёқимли кулимсиради. Кейин бўш чойнакни кўтариб чиқиб кетатуриб:

— Мен сизга ишондим-а, Ёдгоржон,— деди яна.



— Хўп-хўп.

Лекин акамнинг шундай қилишига Абдусамад амаки билан шу тўғрида гаплашишига ақлим етмасди. Тўсинга қийшиқ ўтириб олиб вижирлаётган қалдирғоч бўлса, гўё «сен айтавур, айтавур» дерди...

Вақт хуфтондан ўтиб кетди. Акамдан дарак йўқ. Шунча гап-сўзлардан кейин қайси юзминан остонасига оёқ босаман дедими ё ўзига бирор нарса бўлиб қолдими, билолмасдик. Гулхумор билан бувиси икки мартадан дераза орқасидан келиб қараб кетишди. Абдусамад амакининг ўзи бир марта кириб, «кеч-печ келаман демаганмиди», деб сўради. Ҳеч нарса демаганди. Узим хабар олгани МТСга чиққан эдим, қоровул, дараги бўлмади, далада қолган шекилли, деди. Баттар хавотирга тушдим. Қидириб кетмоқчи бўлдим-у, яна уйдагилар хавотирланиб ўтиришмасин, деб қайтдим.

Абдусамад амаки кўчага чиқиб, кутиб турган экан.

— Йўқми? Бўлмаса қалинроқ кийиниб чиқ, отни эгарлаб тураман, — деди-да, МТС томонга қараб кетди.

Кампир шу маҳалда қаёққа борасизлар, деб қаршилик қилиб ўтирмади. Ичкари уйдан яримта қатирма нон олиб чиқиб қўлтиғимга тиқиб қўйди.

— Бемаҳалда кетяпсизлар, ҳамроҳ бўлади. Инжинс яқинлашмайди. Хавотир олдирмай тезроқ қайтинглар.

Гулхумор ҳадеб пичирлайди:

— Илоҳим тинчлик бўлсин-да, тинчлик бўлсин...

Нимагадир шу минглаб юлдузлар ҳам ёрита олмаган қоронғи кечада унинг кўзларида ёш кўриб тургандай бўламан.

Абдусамад амакининг орқасига мингашиб олдим. От йўрғалаб кетди. Қишлоқ сув қуйгандек тинч. Онда-сонда итлар ҳуриб қўяди. Отнинг туёқ овозигина ҳар томондан акс-садо беради. Сўлқ-сўлқ-сўлқ-сўлқ. Лекин қайси бир ҳовлининг пастак деворидан ошиб тушган бароқ ит отнинг ёнида анча жойгача акиллаб қувиб борди-ю, қишлоқ итларини уйғотиб юборди. Ҳаммаёқни итларнинг акиллаши босиб кетди. У далага чиқиб олганимиздан кейингина тина бошлади.

Беш-ўн картани айланиб чиқдик. Шийпонларнинг олдидан ўтдик. Акамнинг универсали кўринмасди. От қоронғида ҳар қадамда туртинлар, оёғи бехосдан чуқурларга тушиб, сакраб кетар эди. Шунда унинг устидан учиб кетишимга сал қолади, Абдусамад амакини қат-

тиқ қучоқлаб оламан. Охири у отнинг бошини анчадан бери ҳеч ким турмайдиган уйимиз томон бурди.

Борсак, универсал ўзига-ўзи буралиб-чийралиб ўсган қари қора тол тагида турибди. Даҳлизда қора чироқ липиллайди. Кўча эшик сал ёпилганича қолаверибди. Кўнглим жойига тушгандай бўлди. Лекин мен акам даҳлизда қай алфозда ўтирганини қаердан билай, даҳлизга қадам босдим у чўчиб тушдим.

— Ака?! — йиғламоқдан бери бўлиб бақириб юбордим.

— Қўрқма. Қўрқма, ҳеч нарса қилмайди. Тузалиб кетади. Кел, — деди акам гўё ҳеч нарса бўлмагандай.

Унинг чаккаси тилиниб ёрилган, қон сизиб оқиб тушарди. Ўзи бўлса устма-уст қоракуя босади. Отни боғлаб орқада қолган Абдусамад амаки:

— Ҳа?! Ҳа! Нима гап?! — дея лўкиллаб чопиб келди.

Акамни кўриб бирпас довдираб қолди. Кейин жони ачиб уриша кетди:

— Нима бало қилдинг? Қаердан орттириб олдинг? — Қоракуя қўйиб, чаккасини танғиб боғлай бошлади. — Тўғри эшикка бораверсанг биров сени ҳайдаётганмиди?

Акам кўзларини кўтара олмас, нима дейишини билмас, ёш боладай ерга қараб тек турарди. Абдусамад амаки белбоғни танғиб бўлиб:

— Нима қилди? Бундоқ ёрилсанг-чи! — деди.

— Универсалдан тушаман деб... тойиб кетдим, — деди акам ниҳоят ҳўл латта билан юзларидаги қонларни артаркан.

— Батта нима бор эди бир ўзингга! — Амакимнинг баттар жаҳли чиқди.

— Бир иш билан тўхтагандим,— дея акам мужмал жавоб қилди.

Абдусамад амакининг энсаси қотди. Урнидан турди.

— Ҳали туз ҳам тотмагандирсан! Тур, очдан-оч ётма. Отга мин. Эшикка бор,— деб буюрди.

— Бугунча шатта...— акам дудуқланди.

— Бугунча-пугунчаси йўқ. Тур, тур,— у гап тамом дегандай ташқарига чиқа бошлади.

Лекин акам яна кўнмади.

— Йўқ, қўйинг, зўрламанг.

Абдусамад амаки ярим ўгирилиб тўхтади. Бирпас шундай туриб қолди. Кейин бутунлай ўгирилди:

— Мендан нима ёмонлик кўрдингки, бормайсан?

— Ҳеч қандай,— акам ердан кўзини кўтармасди.

— Бўлмаса, тур. Отлан.— У шундай деди-ю айвонга чиқиб кетди.

Акам ноилож протезларига қўл чўзди..

Йўлга тушдик. Мен акамнинг орқасига мингашиб олдим. Бир оздан кейин универсал ҳам патиллаб ўт олди-да, орқамиздан эргашди. Шу вақт уфқдан ошқовоқнинг ярим палласидай сариқ ой кўтарилиб чиқди.

Йўлда акам фақат бир мартагина оғиз очди:

— Эшикда тинчликми? Ҳеч гап йўқми?

— Тинчлик,— дедим. Гулхуморнинг бугунги илтимосини бирма-бир айтиб бердим. У индамади. Кўп ўтмай отнинг юриши секинлашди. Акам ҳам уни ўз ҳолига қўйиб берди.

### 13

Гулхумор билан акамнинг бир-бирини яхши кўриб қолгани одамларнинг оғзига тушдию кундан-кун бири-биридан совуқ, ҳеч ким кутмаган, ўйламаган воқеалар содир бўла бошлади. Бунинг охири нима билан тугашини ҳеч ким билмасди. Ҳарҳолда бу воқеалар яхшиликка олиб борадиганга ўхшамасди. Кейинги кунлари Гулхуморнинг букчайиб, ҳассага таяниб қолган уч-тўрт холаси «фотиҳани бузадиган бўлсаларинг илло-билло эшикларингга қайтиб қадам босмаганимиз бўлсин», деб писанда қилиб кетишди. Тоғалари бўлса, Абдусамад амакининг бошини қотириб анча гаранг қилишди. Лекин у фотиҳани бузаман ё бузмайман, деб тайинли жавоб бермасди.

Гулхумор ишдан қолган куннинг индинига Абдусамад амаки уйда эди, уни Тўхтасинов чақириб келди. Абдусамад амаки уни ортиқча мулозаматсиз, нимагадир энсаси қотиброқ кутиб олди. Сўрига жой солдирди. Меҳмон ҳам аччиқ гап айтиб юборишдан ўзини зўрга тийиб турган одамга ўхшарди.

У бир пиёла чойни ҳам тинч ичмади. Ҳол-аҳвол сўрашни ҳам калта қилди.

— Бўладиган гапдан гаплашайлик. Энди нима қилмоқчисиз? — деди томдан тараша тушгандай.

— Нимани нима қиламан? — Абдусамад амаки энсаси қотиб ўзини тушунмаганга олди.

— Нимани бўларди! — у пиёланинг тагида қолган чойни жаҳл билан четга сепди.— Ўзингизниям, мениям

маломатга қолдириб, қачонгача шундай тек юрмоқчисиз?..

— Сиз нимага маломатга қоларкансиз?..

— Нимага қолмасаканман?..

— Нимага қоларкансиз?..

Тўхтасинов жавоб бера олмай, очиқ кўзи косасидан чиқиб кетгудай қотиб қолди. Абдусамад амаки унга чой қуйиб узатишним унутиб, яна ўша саволга тутди:

— Нимага маломатга қоларкансиз?..

— Нима, бўлмаса биров билан юриб, гап-сўз бўлган қизни келин қилиб олиш айб эмасакан-да!

— Ҳеч ким сизга келин қилиб олинг, деб ўлиб кетаётгани йўқ.

Директор Абдусамад амакидан бу гапни кутмаган экан, довдираб қолди. Ҳуши учиб ғудранди:

— Ҳали фотиҳани бузиб, қизимни унга бермоқчиман денг?!

— Қиз меники. Қимга берсам ўзим биламан! — Абдусамад амаки ёнига ўгирилиб олди. Қаравотнинг суянциғини ушлаган ўнг қўли титрарди.

Улар ичкарида менинг ётганимни ҳам унутиб қўйишган, бу гапларни эшитишимни ўйлашмасди ҳам.

Дўқ-пўписа билан бир иш чиқара олмаган Тўхтасинов астойдил хафа бўлган одамдай, анча вақт тек қолди. Кейин яхши гап билан тушунтиришга ўтди:

— Эшитган қулоққа шу гаплар яхшими? «Қимга берсам ўзим биламан», дейсиз-а! Ўйлаб гапираяписизми? Бунақа экан, унаштирманг эди. Лафз борми ўзи сизда?

Лекин Абдусамад амаки аччиғидан тушмас, ҳеч нарсани тушунишни истамасди.

— Ҳаммасини йиғиштириб сизга берган! — Абдусамад амакининг бу кесатиғи Тўхтасиновни яна тутақтириб юборди.

— Ҳа! Менга берган! Лекин ўғлимни тириклигида ўлдига чиқарманг!

Абдусамад амаки бирдан кулиб юборди. Бошини сарак-сарак қилиб кулди:

— Яшанг-э! Ҳали шу тушунчангиз билан... раҳбарман деб юрибсизми? — унинг юзи жиддийлашди. — Юқоридагилар эшитишса, бу амалингиздан ҳам учиб кетманг.

Тўхтасиновнинг кўзи ола-кула бўлиб кетди.

— Э, нафасингизни шамол олсин. Мен ортиқча бир нима дедимми?

Абдусамад амаки мийиғида кулди. Ниҳоят:

— Бўладиган гапни айтайми? — дея меҳмонга ўғирилди.— Эскилар айтгандай, бизга қуда бўлиш насиб қилмаганакан ўзларига. На илож. Фотиҳани бузамиз энди. Рози бўлинг.

— Нимага энди?! — Тўхтасинов бир қалқиб кетди.

— Агар йўқ десангиз...

— Шунақами ҳали? — Тўхтасинов ўрнидан ирғиб туриб кетди.— Ҳали шошмай туринг, тавбангизга таяниб қоларсиз! Лекин кеч бўлади! Вақт ўтган бўлади! — У биров қуваётгандай тез-тез юриб чиқиб кета бошлади...

— Кўрсак-кўраверамиз-да,— Абдусамад амаки ўрнидан жилмади ҳам.

Шу пайт нариги уйдан югуриб чиққан кампири:

— Ҳай, дадаси, бу нима қилганингиз? Уйга келган қудани ҳам шунақа қиласизми? — деди куйиниб.

Амаки қўл силкиди:

— Э, қўй, ўшани!.. Унга қуда бўлгунча...

Кампири саросимага тушиб, ҳовлининг ўртасида туриб қолди.

#### 14

Тузалиб ишга чиққан кунимнинг эртаси эди. Акам иккимиз алмашиб, биримиз дам олганда, иккинчимиз ишлардик... Тўрт қулоқ бўлиб қолган ғўзани культивация қилардик. Бир маҳал пешиндан кейин бошқа универсалда ишлайдиган Турсунқул ака келиб қолди. Нимагадир унинг шашти пастроқ кўринар, нимадандир ийманиб тургандай эди. У анча вақт дала айланиб, ишнинг сифатини кўрган бўлди. Охири айланиб-айланиб олдимга келди. Тутнинг соясига — ариқ марзасига ўтириб, бир-икки пиёла чой ичди. Шунда ҳам ёрила қолмайди. У универсалнинг карта бошига чиқишини кутиб турган эканми, акам уни бура бошлаганда, тўхтат-чи, дегандай қўлини кўтариб ўрнидан турди. Унинг олдига бориб қичқирди:

— Овозини ўчир, гап бор!

Универсал овози ўчиб, қулоқлар чиппа битди. Кейин шанғиллаб ўзига кела бошлади. Акам ўтирган жойида ярим ўғирилди, Турсунқул ака оқ оралаган мўйловини силаб туриб қолди. Кейин акамга яқин борди. Бир чеккага ўйчан қараб туриб:

— Универсални менга топшираркансан,— дея кип-рикларини кўтарди. — Сен мени тўғри тушун.

— Ўзингизники-чи? Уни ким минармиш?..

— Билмасам! — у елка учирди.

Акам қўл силкиб, худди ҳеч гап бўлмагандай ёнига энгашди. Темир калитни олиб, менга узатди.

— Айлантириб юбор! — кейин Турсунқул акага қаради,— мен ҳеч кимдан универсал қарздор эмасман! Бир вақтлар керак бўлмай ётганди, энди керак бўлибдимми! Бориб айтинг шундай деб. Бермади, денг.

— Тўхта, Мўмин, шошма,— Турсунқул ака яқинроқ борди.— Бизга ҳам осон тутма, ука. Бусиз ҳам иккита универсал бекор қолай деб турибди.

— Қанақасига? — акам ҳайрон бўлди.

Турсунқул ака боягидай бир чеккага қараб туриб жавоб қилди:

— Аҳмадалиминан Ҳамровали директорминан айтишиб қолишди. Аввал уларга айтганакан. Унашмабди. Агар Мўминжонни тушириб, универсал минадиган бўлсак, минмадик, фронтга кетамиз дейишибди.

У тек қолди. Акамнинг туташ қошлари чимирилиб, лаблари қимтилди.

— Мен универсалим бекор қолишига ачинаман, холос,— деди оҳиста Турсунқул ака.— Яна ўзинг ўйлаб кўр, нимага бундай қиляпти. Ҳақ ерда қолмас-ку...

Акам кескин бош чайқади.

— Йўқ, сиз бориб шундай денг. Худоси келса ҳам бермаскан денг. Бермади, олдига солиб ҳайдади денг. Гапнинг ўғил боласи ҳам шу,— деди-да, менга буюрди: — Бўла қол.

Мен ўт олдириб бердим. У юргизиб кетди. Турсунқул ака анча вақт оёқларининг остига қараб қолди. Кейин:

— Ишқилиб охири бахайр бўлсин-да,— дея нари кетди...

Пешиндан кейин отини ўйнатиб Тўхтасиновнинг ўзи келди. Акам каллакланган тутлар тагига энди дам олишга бориб ўтирган, мен универсални ҳали эгат бошига олиб чиқмаган эдим. Ғўза нобуд бўлади ҳам демай, отининг бошини далага буриб тепамга келди. Нимадир деб буюрди. Эшитмадим. Универсални тўхтатдим.

— Туш! — деди қўлини силтаб.

Нима қилишимни билмай шу томонга келаётган акамга қарадим. У тушма дегандай бош чайқади. Директор ўдағайлади. Тагидаги оти ўйноқлади.

— Туш деяпман! — деб бақирди.

Қимирламадим. У баттар тутатди. Қамчи ўқталди. Тагидаги оти нари суриб кетди. У яна отини мажбурлаб, универсалга тақаб кела бошлади. Кейин тепамда қамчи ўйнаганини-ю бошимни ён томонга энгаштириб қолганимни, қамчи дарраси елкамга тушиб ачиштирганини биламан. Жон-жаҳдим билан универсалнинг ўтини ўчириб, қўлимга унинг темир ручкасини олиб, ўрнимдан туриб кетибман. У чўчиб ўзини четга олди. Бошини қўли билан тўсди. Мен бўралаб сўкиб бердим. Бу ургандан ҳам баттар бўлди. У яна қамчи кўтариб бос-тириб кела бошлади.

— Ҳали сен тирранча кимни сўкадиган бўлдинг!

Қўлтиқтаёқлари тупроққа ботиб зўрға келаётган акам бақирди:

— Ҳе-ей! Тегманг унга!

Шу пайт қаёқдандир етиб келган Турсунқул ака отнинг олдидан тўсиб чиқиб, жиловидан тутиб қолди. Қамчи дарраси қулоқларим остидан шивиллаб ўтиб, универсалнинг керосин баки устига келиб тушди.

— Йўқол! — деб бақирди Тўхтасинов отнинг жилловини силтаб.

— Бақирманг, ўтказиб қўйган бўлсангиз ҳам, — Турсунқул ака четга чиқа бошлади. Кейин бурилиб: — Бунақа уриш-жанжалминан олиб берадиган универсалнинг керакмас менга! — деди.

— Йўқол, бўлмаса, қорангни кўрмай! — Тўхтасинов томоғи қирилиб ўшқирди.

— Мен ҳам кўришга зор эмасман!

— Ўзи нима гап, нима тўполон? Бувингизнинг ҳаққи борми бу болада, урасиз! — Акам универсалнинг ёнбошида тўхтади. У қора терга тушиб кетганди.

— У менинг ишим. Сендан сўраб ўтирмайман. Ундан кўра яхшиликча универсални бўшатиб қўй.

— Нимага энди?! — Акам тишини-тишига босиб сўради.

— Нимагалиги билан ишинг нима?! Бўшат дедимми, бўшатиб қўй! — Унинг оти ҳамон тагида ўйноқлаб, гир айланар, ғўзаларни тупроққа қориштирарди.

— Бекорга бўшатиб қўядиган аҳмоқ йўқ, — акам қўл силтади.

— Бари бир, битта ҳам меҳнат кунни ёздирмайман.

— Мен ҳам иш кунни деб ишлаётганим йўқ. Кўнглим бирдай.

У акамдан бундай гапни кутмаган экан, лол бўлиб бирпас туриб қолди. Кейин ўзидан-ўзи аччиғи қистаб ўшқирди:

— Кўраман ишлаганингни! — у шундай деди-ю отнинг бошини бура туриб, ёнига энгашди. Қамчи дастаси билан керосин бак тагидаги мензуркани бир уриб чил-чил қилди. Керосин ҳиди ҳаммаёқни тутиб кетди. Акам энгашиб қўлига муштдек кесак олди.

— Аблаҳ! — дея унинг орқасидан итқитди.

Кесак унинг нақ елкасига бориб тегди. Қутилмаганда у отининг бошини буриб, қамчисини кўтариб, акамнинг устига бостириб кела бошлади. Қайтиб югуриб келаётган Турсунқул ака:

— Қоч, Мўмин, қоч! — деб бақирди.

Мен отни ҳуркитиб юбориш учун ерга сакрадим. Акам қўлтиқтаёғини кўтариб, унинг ҳамласини қайтаришга чоғланди. От ҳуркиб, олдинги оёқларини баланд кўтариб, кишнаб юборди. Кейин ўзини четга ташлаб, бурилиб кетатуриб орқа бўксаси билан акамни туртиб юборди. У ёнбоши билан ағдарилиб тушди.

Турсунқул ака иккимиз директорни кесак бўронга ола кетдик. Олдинига у боши устидан, қулоқлари тагидан учиб ўтаётган, бориб тегаётган кесаклардан довдираб қолди. Юзларини қўллари билан яширди. Кейин отнинг бошини буриб, жон-жаҳди билан устимга бостириб кела бошлади. От оёқлари остида қолиб кетадигандай мени ваҳима босди. Мана ҳозир кўзлари косасидан чиқиб, ола-кула бўлиб кетган от мени босиб-янчиб кетадигандай эди. Ўзимни чеккага олдим у кўзларимни чирт юмиб олдим.

Лекин у мени босиб кетиш ўрнига қаттиқ кишнаб юборди. Нимадир ерга гурс этиб тушди. Кўзларимни очиб, эгасини устидан улоқтириб ташлаб, анча нарида қочиб бораётган отни кўрдим. Тўхтасинов ерда даҳшатга тушиб чалқанча ётар, устида эса Мўминжон акам унинг кўкрагига оёқ тираб турар эди.

У қони қайнаб келиб, аччиғи тошиб, қўлтиқтаёғини боши узра баланд кўтарди. Тўхтасинов баттар даҳшатга тушиб, қўллари билан юз-кўзларини тўсди, илондай тўлғанди. Мана ҳозир бошига қўлтиқтаёқ келиб тушадигандай, ерга қапишиб кетди.

Лекин акам охирги дақиқада шахтидан қайтди. Қўлтиқтаёғини туширди.

— Афсус, бу ер фронт эмас, — деди нафрат билан, —



бўлмаса, бир фашист қатори бошингни пўла қилиб ташлардим.

Акам унинг кўкрагидан ёғоч оёғини олиб, садқаи одам кет, дегандай четга қараб туфурди. Кейин яна бирдан аччиғи қистаб келиб, қўлтиқтаёғини ўқталиб бақириб берди:

— Йўқол, аблаҳдан туғилган!

Тўхтасинов бир сапчиб тушиб, туриб кетди. Жонҳолатда ўн қадамча қочиб борди. Кейин орқасига қарай-қарай, узоқлашишга тушди. Акам бўлса, ҳорғин бир ҳолатда қўлтиқтаёқлари тупроққа ботиб, ёғоч, оёқларини зўрға кўтариб босиб, биз томон келаркан, марза бошига кўзи тушиб, тўхтаб қолди.

У ерда тугунча кўтарган Гулхумор турарди...

## ИГИТНИНГ ГУНОҲИ

Ҳикоя

Ажантадаги тош саройда Будданинг тош ҳайкали бор. Бу ҳайкалга чироқни ўнг томондан тутсангиз, Будда табассум қилгандай, чап томондан тутсангиз, йиғлаётгандай кўринади.

Абдулла Қаҳҳор

Машина кутилмаганда инграниб-ғижирлаб таққа тўхтади.

— Тушинг, тушиб кетинг! Чўлда адаштириб кетмасимдан тушиб қолинг!..

У бир зум довдираб қолди: нима деди? Қандай ортиқча гап қила қолди? Ҳақиқатни ҳам айтиб бўлмайдими буларга? Ўзи ушоққина-ю, дағдағасини-чи! Қиз бола экан, тушунар-ку деб дардини ёриб ўтирибди... Ростдан шу бояги қизми?

Игит қулоқларига ишонмай унинг кўзларига қаради.

— Мен сизга айтяпман. Тушиб кетасизми ё?.. — қизнинг вазоҳати бояги-бояги бузуқ эди.

Унинг ҳам энди зардаси қайнади: бор, ана! Сенсиз кўчада қолармидим!.. Эшикни қарс этиб очдию ўзини ташқарига олди. Шу баробар қизнинг ижирганиб айтган гапи қулоқлари остида жаранглаб кетди.

— Хайф-е... Ким айтади сизни йигит киши деб?

Ағдарма машина пишқириб-ўшқирдию уни кўнгилни беҳузур қиладиган тутуни орасида қолдириб, жўнаб кетди. У алам қилганча қолаверди: роботга ўхшайди-я ҳаммаси! Қур деса қуради, буз деса бузади. Ўзини ҳеч бировнинг ўрнига қўйиб кўрмайди. Бошлиғидан шофёрригача шундай-а! Елкасининг чуқури кўрсин-е бунақа қурилишу сув омборини... Ўзи иккита ширин гап билан... узиб-узиб олиши керак эди-ю...

Лекин энди кеч эди, машина узоқлашиб кетган эди. Кейин у ҳайҳотдай чўлнинг ҳув уфқида ботиб кетай-ботиб кетай деб ланғиллаб турган қуёшга қараб бора туриб, бирдан нариги йўлга бурилди. Гўё аста дума-

лаб кетаётган қуёшга етиб олишига кўзи етмагандай орқасига қайтди.

Қуёш эса кунботарда бетартиб ястаниб ётган тўқ кулранг булутларнинг четини каптар қонига бўяб ташлаган. Уша томондан эсаётган намхуш шамол чучмал ер ҳидиними, нима балолар ҳидини олиб келади. Худди яқин бир жойда ёмғир томчилаб ўтаётгандай...

Йигит жиғибийрони чиқиб, қўл силтади-да, ўгирилиб юриб кетди. Лекин ҳеч қанча ўтмай янглишганини фаҳмлаб, орқасига қайтди. У ахир ҳув кунботардаги йўлга чиқиб, иннайкейин станцияга етиб олиши керак эмасми?

Тавба, у қизнинг шаънига тегадиган ё аччиғини келтирадиган нима гап айта қолдики.. ярим йўлда тушириб кетди? Бир одамни, майли, у ўтакетган аблаҳ бўлсин, бийдай саҳрода, тагин кечқурун қолдириб кетиш — инсофданми? Қайси гапи унга малол келди экан?

Йигит гуноҳини билолмай орқадан келиб қоладиган бошқа машинанинг илинжида кунботарга қараб юрди:

Ўзи нима бўлувди?..

...Ўзи ҳам ўлгудек қайсар-да. Қурилишдаги бирорта шофёрга айтса-ку аллақачон станцияга ташлаб келарди-я! Лекин ғурури йўл бермади. Кетаётган одам шу роботларга ялинаманми деди. Ўткинчи машиналарда бир амаллаб етиб олишига умид тутганди. Аксига олиб машиналар кунботар томондан кетма-кет келар-у, бирортаси орқасига қайта қолмасди.

Ниҳоят бир замон у орқадан ўзи интиқиб кутган машина овозини эшитиб, йўл чеккасига чиқиб тўхтади. Қурилиш машинасини таниб, қўл кўтаргиси келинқирамай ўзини четга олди. Тўхтатсамикин-тўхтатмасамикин? Ундай деса, кеч ҳам кириб қоляпти. Нима қилса экан?

Бу орада машинанинг ўзи унинг олдига етиб келиб, оғир «ихраб» тўхтади. Кабина эшиги очилиб, қиз боланинг сал кинояли овози эшитилди:

— Чиқа қолинг...

Йигит ҳар куни ўзи кўриб юрадиган, лекин эътибор бериб ҳеч гаплашмаган шофёр қизни таниб, кабинага чиқарини ҳам, чиқмасини ҳам билмай қолди. Кинояси нимаси? Худди у арпасини хом ўриб кетиб қолаётгандай... Балки унга шундай туюлгандир. Жирракилик қилмай чиқаверса-чи...

У чиқиб, машина ҳам қўзғалди. Қиз (ойдеккина экан-у, шу чиройини хор қилиб, машина миниб юрга-

нини-чи!..) унга худди йўлда учраган нотаниш одамга қарагандек бир нигоҳ ташлаб қўйиб, нима сабабдан-дир киши билмас мийиғида кулди:

— Бемаҳалда йўлга чиқибсиз?

У қўл силтади:

— Кетадиган одам... тезроқ даб бўлгани маъкул-да.

— Одамлар келяпти-ку, сиз кетасизми? — Қиз тинчликми ўзи демоқчидек ўсмоқчилади.

— Кимлар келарди, кошки билмасам, — йигит бошлиқ билан гап талашиб, айтишиб қолгани эсига тушиб яна зардаси қайнади. — Бировига мўмай пул керак. Бирови газеталар ёзгандек «қалб амри билан улур хайрли ишлар» қиялпти ўзича. Лекин ҳеч ким гуноҳи азимга ботаётгани билан иши йўқ...

— Тушунмадим. Қанақа гуноҳи азим? — Қиз кўзларини пирпиратди.

— Битта сув омбори қурамыз деб қанча одамларни беватан қилаётганингиз, бутун-бутун қишлоқларни, мазорларни бузиб кўчираётганингиз-чи? Утган одамларнинг руҳини безовта қилиш гуноҳи азим бўлмай, нима?.. Бирортаси ёнги демаса-я. Сизларда ўзи юрак йўқ. Бамисоли роботсизлар...

— Нима дедингиз? — қизнинг юзлари лов қизариб, кўзларида ўт чақнади.

Йигит энди аллақандай ўнғайсизланиб тўнғиллади.

— Ахир нима қилаётганини билмаган одамларни ким деб аташ керак бўлмаса?

Қиз кинояли кулиб, аччиқ кесатди:

— Ҳамма қип-қизил гўл-у, бир ўзингиз ақлли бўлиб кетибсиз-да?..

— Билмадим. Менинг кўзимга шундай кўриняпсизлар!.. — У юзини четга бурди.

— Ҳали шунақами?! — Шу баробар машина инграниб-ғижирлаб, таққа тўхтадию йигит пешонасини кабинага уриб олди. Қиз эса, жаҳл билан ташқарини кўрсатди: — Тушинг! Тушиб кетинг. Чўлда адаштириб кетмасимдан... тушиб қолинг.

У бир зум довдираб туриб, зарда билан эшик тутқичига қўл юборди. Кабина эшиги қарсиллаб очилиб ёпилди.

Қулоқлари остида қизнинг «Хайф-е... ким айтади сизни йигит киши деб?!» деган сўзлари жаранглаб кетди...

— Бу ҳам ўшаларнинг биттаси-да!

Йигит чамадонини ерга қўйиб, жаҳл билан четга тупурди. Кейин чўнтагидан папирос олиб ёндирди-да, қаттиқ-қаттиқ тортди. Ўзини сал босиб, яна йўлга тушаркан, бир нарсадан ҳайрон қолди: шошма, у қиз орқасидан нимага келди-ю, нимага қайтиб кетди? Яна зардаси, аччиқ-аччиқ кесатиқлари чи? Станцияга кетаётган бўлса, ҳов анави ердан бурилмасди-ку?.. Худди бир гапи бор одамдай орқасидан келиб, уришиб қолгани қизиқ... Нимага аччиқ қилади?

Аммо шу пайт юзига нафасни қайтарувчи илиқ шамол урилиб, унинг хаёллари тўзғиб кетди. У илкис атрофга назар ташлаб, юрагини бирдан ваҳм босди: ие, бўронда қолиб кетмаса гўрга эди... Ростдан ҳам осмонга қора булут тошиб чиқиб, атрофда жала олдидан бўладиган ғалати сукунат ҳукм сурар, чўлга шунчалик тез қоронғилик чўккан эдики, у юрагини ҳам, орқага қайтарини ҳам билмай беихтиёр тўхтаб қолди. Кейин ҳувиллаб боягидан кучлироқ шамол эсиб ўтди. Шу баробар олдинда чанг-тўзонни осмони фалакка чиқариб, гирдоб кўтарилди. У йўлида учраган жамики нарсани чирпирак қилиб, кўкка олиб чиқиб кетар, улар қайтиб тушяптими-йўқми, билиб бўлмасди. Йигит бу ернинг бўронлари ҳақида эшитган-у, лекин қора булут билан кўчган дашт бўронини биринчи бор кўриб турарди. У ваҳимадан нест бўлиб қолган эди. Хаёлида бояги зардаси тез қиз. Ўша машина вақтида келган экан-у, бекор тушиб қолибди-да.

Худди шу пайт бутун чўлни сутдек ёритиб чақмоқ чақдию момақалдироқ гулдираб ўтди. Йигит бир сапчиб тушиб, тиззалари букилиб кетай деди. Шу асно кучли шамол туриб, уни гандираклатиб юборди. Береткасини ушлаб қолишга улгуролмади, шамол уни юлқиб учириб кетди. Қушлар қора ўқдек ҳар томонга отилдилар.

Йигит чамадонини қўйиб, бош кийимини тутишга интилди-ю, юз-кўзларига урилаётган қумдан кўз очолмай шамолга орқа ўгирганча туриб қолди. Кейин бирдан яна беш қадам нарида думалаб бораётган береткасига кўзи тушиб, ўша ёққа чопди. Аммо етгунча бўлмай аллақандай дўнгми, туяқорингами қоқилиб мункиб кетди-ю уни кўздан йўқотди. Бош яланг қолгиси келмай, бояги мўлжал билан яна олға интилди.

Аллақанча чошиб бориб ҳам бош кийимини топмагач, у ёқ-бу ёғини излашга тутинди. Аммо шамол қурғур береткани қай гўрга учириб кетган — билолмади. Ноилож бир енги билан юзини шамолдан тўсганча орқага қайта бошлади. Хийлагина юрди, лекин қани йўлга чиқса, чамадонини қолдирган жойини топса. «Падарига лаънат, қайтишим худога ҳам хуш келмади, шекилли. Ахир мен ноҳақ эмасдим-ку? Нега бундай бўляпти?» деб ўйлади.

Шу маҳал шундай эркинлик билан жала қўйиб бердики... йигит худди жарга тушиб кетаётгандек сесканиб тўхтади. Атрофга қараб чўл ёмғирининг пўлатранг деворидан бўлак ҳеч нарсани кўра олмади: «Олла, гуноҳи нима эди унинг? Мен ҳақман деб қизнинг кўнглини ранжитиб қўйганими? Узи-чи? Узи ҳам жигига тегди-да, «ҳамма кип-қизил гўл-у, битта сиз ақлли экансизми» деб. Унга шундай туюлса нима қилсин?! Қани ўша ўзини бировнинг ўрнига қўйиб кўра оладиганлар? Шуларнинг ҳам туғилган юрти, мазорати сув остида қолса нима дердилар? Қай кунга тушардилар? Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бошқага дейдилар, ахир...»

Ёмғир ҳамон челақлаб қуяр, йигитнинг уст-боши шалаббо бўлиб борар, ўзи тақдирга тан бериб тек қотган эди.

Бир вақт унинг қулоғига арслоннинг ижирганишига ўхшаш овоз киргандай бўлдию атрофга диққат билан аланглади. Ростдан ҳам қандайдир оғир бир машина ўнқир-чўнқирлардан пишқириб-ўшқириб келаётганга ўхшарди. Наҳотки машина бўлса?..

Йигит юраги гуп-гуп уриб келиб, ёнига ўгирилдию анчагина нарида фарасининг ёруғи ёмғирда ювилиб кетгудек бўлиб зўрга кўзга чалинаётган машинани кўрди. Ва шошиб қолиб, «Э-эй-эй!» дея бақирганча ўша томонга чопди. Оёғи чуқурчаларга тушиб, тийғониб югура кетди. Шофёр ҳам унинг қорасини кўрди шекилли, сигнал бериб тўхтади. Йигит ҳаллослаб бориб, кабинага отилдию эшикни зарб билан очиб, ўзини ичкари оларкан, кўзи таниш шофёрга тушиб, серрайиб қолди.

Шофёр бояги қиз эди. У ҳолингиз қалай дегандай бир қараб қўйдую ўша-ўша зардали оҳангда:

— Чиқа қолинг, — деди яна.

Йигит ноилож ўзини ичкари олдию эшикни беркитиб, оёқлари остидаги чамадонига кўзи тушди. Қизга

миннатдорчилик билдиришини ҳам, билдирмасини ҳам билмай унга қаради. Қиз буни сезса-да, сезмаганга олиб, машинани йўлга бураркан, бир чимирилиб қўйди. Кейин унга умуман эътибор бермай машинасини текис ҳайдаб кета бошлади.

Йигит қаёққа деб сўрамади.

Қиз ҳам қайтасизми демади.

Жала беомон қуяр, гўё бу оламнинг ғуборларини бир йўла ювиб кетмоқчи бўлар эди.

Машинанинг ойна тозалагичи тинмай ишлар, лекин ёмғир селидан йўлни кўриб бўлмас эди.

Улар уришган одамлардай ҳамон жим борардилар. Гаплари кўп-у, айтолмайдилар. Ғурурларими, нимадир йўл бермайди. Аммо ичларида бир-бирлари билан олишиб борардилар, ён бермайдилар.

Ниҳоят неон чироқлари шу жалада ҳам сутдек чарақлаб ётган станцияга етиб чиқдилару қиз машина тормозини босиб, негадир унга қарамай бўғиқ овозда:

— Келдингиз, — деди секин.

— Раҳмат Сизга, — деди йигит ҳам бошқа гап тополмай ва эшик тутқичига қўл юборди. — Яхши қолинг.

— Яхши боринг, — дедию қиз унга илкис қаради. Овози ҳам бир ғалати титраб кетди. Кўзлари эса намланиб келди.

Аммо чамадонини олиб, пастга тушиб улгурган йигит буни сезмай яна бир таъзим қилдию ёмғирдан қочиб, станция томон лўкиллаб чопиб кетди.

Қиз ўпкаси тўлиб келиб, бошини рулга тираганча қолди. Кейинги дақиқада эса, унинг елкалари кўтарилиб туша бошлади.

Ташқаридаги жала ҳали тинадиганга ўхшамасди.

## МУНДАРИЖА

*Емби	5
Хамманинг яшагиси келади	113
Умр чоррачалари	292
*Йигитнинг гуноҳи. Ҳикоя	330

\* © Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1988 й.

На узбекском языке

МУРАДЖАН МАНСУРОВ

САМОРОДОК

Повести

Тақризчи Н. Холлиев  
Редактор С. Раҳимов  
Рассом С. Васильев  
Расмлар редактори А. Мамажонов  
Техник. редактор Р. Раҳматуллина  
Корректор У. Сайдуллаев

ИБ № 3759

Босмахонага берилди 11.09.87. Босишга рухсат этилди 18.01.88.  
Р 14515. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмахона қоғози № 2. Адабий гар-  
нитурa. Юқори босма. Шартли босма л. 17,64. Шартли кр.-оттиск.  
18,06. Нашр л. 19,0. Тиражи 60000. Заказ № 1935. Баҳоси 1 с. 20 т.  
Шартнома 103—87.

Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тош-  
кент, Навоий, кўчаси, 30.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат  
Қизил Байроқ ордени босмахонаси, ГСП. Тошкент, Ленин кўчаси, 41.